



АЛИШЕР АЗИЗХЎЖАЕВ

**ЧИН ЎЗБЕК
ИШИ**

ТОШКЕНТ – «О‘ЗБЕКИСТОН» – 2011

ББК 66.3(5Ў)

УДК: 177.75

А37

Тақризчилар:

Нажмиддин Комилов, филология фанлари доктори, профессор;
Мирзаюсуф Рустамбоев, юридик фанлар доктори, профессор

Халқимизнинг шўролар истибдодидан озод бўлиб, ўз тақдирини ўзи мустақил белгилаш ҳуқуқини қўлга киритишида Президент Ислам Каримовнинг фидойилик фазилати, ҳар бир инсонга ўрناк, намуна бўларлик жасорати оламшумул ҳодиса бўлди.

Кўлингиздаги асарда ўзбек халқининг мустамлакачилик зулмидан кутулишида Юртбошимиз томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар, мустабид тузумнинг республикамиз раҳбарига тазйиқлари, у кишининг ўша таҳликали йиллардаги оғир ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазиятдан юртимизни омон-эсон, бехатар олиб чиқиш учун фидокорона кураши, жонқуярлиги, халқимизни ҳурриятга олиб чиқиш йўлида ҳукмрон тузумга қарши олиб борган фаолияти қаламга олинган.

ISBN 978-9943-01-712-2

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2011

МУҚАДДИМА

Ҳаётда қаҳрамонлик, жасурлик ва матонат ҳар турли вазиятларда намоён бўлади. Ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, ёнаётган уйдан чақалокни олиб чиқиш, сувга чўкаётган одамни қутқариш, курулдошларини ўлимдан асраб қолмоқ учун душман ўкига кўксини тутиш, чегарани ёвлардан ҳимоя қилишда ўзини фидо этиш – буларнинг ҳаммаси жасорат намуналаридир. Албатта, бундай мардлик, жасурлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Президентимиз яратган «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида қаҳрамонлик намуналари шундай эътироф этилади: **«Кўпчилик қаторида, фақат вазият тақозо этган тақдирда майдонга отилиб чиқиш, қаҳрамонлик кўрсатиш – албатта, бу ҳам осон эмас. Бунинг учун ҳам инсонда катта юрак, ғайрат-шижоат, энг муҳимн, ўзига, ўзининг куч-қудратига мустаҳкам ишонч бўлиши керак»**¹.

Юртбошимиз сўзларидаги «фақат вазият тақозо этган тақдирда», деган эслатма алоҳида диққатни талаб этади. Демак, бу хилдаги қаҳрамонликлар кўпроқ фавқулодда вазиятларда, қутилмаганда юз беради. Бунда ҳатто ўша ҳаракатни содир этган киши нима қилаётганини охирига қадар идрок қилишга ҳам улгурмаслиги мумкин. Жазм этган ишининг натижаси, оқибатини олдиндан билганида, бу ҳаракатга айримларнинг юраги дов бермаслиги ҳам табиийдир.

¹ *Ислом Каримов*. «Юксак маънавият – енгилмас куч». – Т.: «Маънавият», 2008 йил, 165-бет.

Маълумки, фавкуллода ҳолатлар, кутилмаган ҳодисалар кундалик ҳаётда камдан-кам рўй беради. Демак, бундай қаҳрамонликлар ҳам ҳар куни эмас, балки онда-сонда содир бўлади. Бироқ бу – ўша ҳаёт ўз-ўзича, инсонлар фаолиятидан айри ҳолда давом этаверади, дегани ҳам эмас. Яъни ҳаётнинг бу давомийлиги, собитлиги, айниқса, тинч ва фаровонлиги кўплаб инсонларнинг кундалик фаолияти билан, уларнинг кўзга ярқ этиб ташланавермайдиган фидойи меҳнати, бе-миннат ҳаракати билан бунёд бўлади. Ислом Каримов масаланинг мана шу муҳим жиҳатига эътиборимизни жалб этиб, мулоҳазаларини қуйидагича давом эттиради:

«Лекин менга буюрса, ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш – ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу, деб айтган бўлар эдим»¹.

Гувоҳи бўлаётганимиздек, Президентимиз фақат фавкуллода ҳодисалар пайтида, онда-сонда содир этиладиган ҳаракатларни эмас, балки инсоний фидойиликни кундалик ҳаётий мезон деб биладиган кишилар саъй-ҳаракатини чинакам қаҳрамонлик, ҳақиқий жасорат деб биледи. Бу қаҳрамонлик, юқорида айтилганидек, доим ҳам одамлар кўзига тушавермайди, атрофдагиларга сезилмаслиги ҳам мумкин. Бироқ мана шу фидойиликсиз, уни бировга кўз-кўз қилмай ўз ҳаётида мунтазам амалга татбиқ этадиган кишиларсиз на жамият, на давлат, на инсоният ривожланади, равнак топади. Мазкур юксак мезонлардан келиб чиқиб, Юртбошимиз **«Бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз»²,** – дея уқтиради.

Дарҳақиқат, оғир ва машаққатли тарихий синовлардан соғ-омон ўтишда, ўзлигини, азалий кадриятларини сақлаб

¹ *Ислом Каримов.* «Юксак маънавият – энгилмас куч». – Т.: «Маънавият», 2008 йил, 165–166-бетлар.

² Ўша асар, 159–160-бетлар.

колишида халқимизнинг қон-қони, суяк-суягида бўлган ўлмас маънавий жасорат туйғуси ҳал қилувчи роль ўйнаган. Бугунги кунда эса мамлакатимизнинг ҳар жиҳатдан ривожланиши, иқтисодий қудрати ортиб боришига муносиб ҳисса қўшаётган, минглаб корхоналар, муассасалар, хўжаликларда ҳалол меҳнат қилиб ризқ-рўз яратаётган миллионлаб юртдошларимиз фаолияти ҳам мана шундай қаҳрамонлик сифатида эътироф этилади.

Китобнинг «Энг буюк жасорат» деб номланган қисми якунида айтилган қуйидаги фикр эса кенг кўламли талқинни талаб этади: **«1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик – XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунаси дир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз»¹.**

Чиндан ҳам миллат, халқ тақдирида унинг ҳар қандай истибдоддан озод бўлишидек, ўз тақдирини ўзи мустақил белгилаш ҳуқуқини қўлга киритишидек, дунё халқлари орасида тенглар ичра тенг мақомини эгаллашидек, бир сўз билан айтганда, миллий мустақилликка эришишдек муҳим ҳодиса бўлмаган, бўлмайди ҳам. Зеро, жамики соҳалардаги ўсиш-ўзгариш, халқ ва мамлакат эришиши мумкин бўлган барча ютуқлар, жаҳондаги обрў-эътиборининг юксалиши, аввало, мана шу омилга боғлиқ. Юртимиз мисолида айтадиган бўлсак, қарийб 130 йил давом этган манфур истибдоддан тўла ҳалос бўлишимизда, дунё харитасида Ўзбекистон Республикаси аталган суверен давлатнинг пайдо бўлишида 1991 йил 31 августда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан мустақилликнинг эълон қилиниши том маънодаги оламшумул ҳодиса, буюк маънавий жасорат бўлди.

Ўша тарихий санадан буён роппа-роса йигирма йил вақт ўтди. Агар Ўзбекистонимиз ёшлар мамлақати эканини инобатга олсак, демак, фуқароларимиздан деярли ярмининг ҳаёти мустақиллик йилларида кечди. Бугун йигирма ёшга кирган ўғил-қизларимиз назарида юртимиздаги ҳаёт доим ҳам мана шундай – тинч-осойишта, элнинг қадди тик, тили равон, эътиқоди эркин бўлгандек туюлиши мумкин. Тўғри, уларга

¹ Ўша асар, 170-бет.

тарих, адабиёт ва бошқа фанлардан ўтиладиган дарслар давомида халқимизнинг мустақилликдан аввалги ҳаёт тарзи, уни бошқарган сиёсат моҳияти, бўлиб ўтган ҳодисалар ҳақида муайян маълумотлар, тушунча ва билимлар берилади. Ўша даврда яшаган катта авлод ҳикоялари, сабоқлари ҳам улар учун жонли тарих вазифасини бажариши тайин. Бироқ бу борада айрим жиддий мулоҳазалар ҳам борки, улардан кўз юмиб ўтиб бўлмайди.

Аввало, барча босқичдаги таълим муассасаларимизда ўтиладиган, масалан, жаҳон халқлари ва миллий тарихимизнинг бениҳоя узун ва мураккаб солномаси ичида шўро даврида кечган воқеа-ҳодисаларни ўзлаштириш учун ажратилган соатлар масалалар моҳиятини чуқур очиб беришга етарли эмаслиги бор гап. Қолаверса, ўша материаллар бўйича сабоқ берувчи ўқитувчиларнинг катта қисми онгу тасавури совет мактаби тушунчалари асосида шаклланган бўлиб, бу тушунчаларни ўзгартиришга шошилмаётган ёхуд бундай ички кучга эга бўлмаган педагогларимиз ҳам орамизда озми-кўпми топилади. Худди шу сингари миллатимиз бошидан кечган яқин ўтган кунлар тўғрисида фарзандларига холис сўзлаб бериши лозим бўлган катта авлод вакиллари ичида, масалан, озодлик ва миллий ғурур тушунчалари қимматини дўкondaги сариёғ нархи билан алмаштириб юборадиганлар ҳам йўқ эмас. Яна бир гуруҳ кишилар ҳам учрайдики, агар уларни тингласангиз, мустақилликдан аввал шўровий сиёсатга қарши «дадил курашган» ҳам, ўзбек тилининг Давлат тили мақомини олишига «энг катта ҳиссани кўшган» ҳам, Марказдан юборилган «десантчилар»ни «иккита гап билан ўрнига қўйиб қўйган» ҳам шулар бўлиб чиқади. Улар ўз «қаҳрамонликлари»ни исботлашга бирор далил кўрсата олмаслиги аниқ, бироқ, не қиласизки, уларнинг бу «жанговор тарихи»ни инкор этиш учун сизнинг қўлингизда ҳам бирор арзирли ҳужжат йўқ...

Ўрнимизга келаётган авлод эса холис, ҳалол, ҳар қандай итдаодан холи тарихни, ҳақиқатни билиши керак! Бунга унинг ҳаққи ҳам, буни билишга кучли эҳтиёжи ҳам бор. Президентимиз алоҳида уқтирганидек: «**Миллатни асраш**

керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоя қилиш керак»¹.

Мазкур китобга жамланган мақола-материаллар мустақил ҳаётимизнинг турли йилларида ёзилган, газета ва журналларда эълон қилинган. Истиклолнинг йигирма йиллиги арафасида мазкур мақолаларни бир муқова остига жамлаб нашр этиш нияти, аввало, юқорида айтилган долзарб ҳаётӣ эҳтиёжни қондириш истаги билан изоҳланади. Яъни, бугунги авлод истиклолга қадар ва мустақилликнинг бир-биридан масъулиятли йилларида юртимиз тақдири билан боғлиқ қандай муҳим воқеа-ҳодисалар юз бергани ҳақида, вужудга келган қалтис вазиятлар, мураккаб ва зиддиятли муаммоларни ҳал этиш жараёнлари тўғрисида аниқ материалларга асосланган ҳолис талқинлардан хабардор бўлиши лозим. Китобда мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, маънавий-мафкуравий ҳаёти жабҳаларида кечган муҳим воқеалар мисолида Ватанимиз мустақиллигининг меъмори – Президент Ислоҳ Каримов бошчилигида олиб борилган изчил, ортга қайтмас, халқпарвар ички ва ташқи сиёсат моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Биламизки, ҳар қандай одам жиддийроқ бирор ишни бошламоққа киришар экан, ўз имкониятларидан ташқари ўзига кимнингдир шерик бўлишини истади, бу ишда уни қўллаб-қувватлайдиган, зарур пайтида ортида суянч бўла оладиган содиқ кишиларга ишонади. Шу билан кўнгли тўқ, хотири жам ҳолда шу ишга бемалол жазм этади. Ўша одам қилмоқчи бўлган жиддий иш нима бўлиши мумкин? Жайдари ўзбеклар мисолида бу, аксарият, ўғил уйлантириш учун эски иморатни бузиб янгисини қуриш, у ёки бу сабаб билан тўймаърака ўтказиш, жуда нари борса, маҳалла гузариди ҳашар уюштириб, атроф-жавонибни келган-кетганнинг олдида хи-жолат бўлмайдиган даражада саранжом-саришта қилишдек савобли юмуш бўлади...

¹ *Ислоҳ Каримов*. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. Асарлар, 7-жилд, – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 135-б.

Энди бундан йигирма йил аввалги шароитни, мана шу шароитда Ислом Каримов жазм этган ҳаракатни, энг муҳими эса – шу ишга киришаётганда у киши кимга ишониши, кимни ўзига шерик қила олиши, кимга суяниши мумкин эканини ўзимизга холис ва ҳалол тасаввур қилайлик.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонга уч марта раҳбар тайинланди. Марказ ҳар уч раҳбарни ўзининг измидан чиқмайдиган, шу пайтгача тинч ишлаб берган маҳаллий раҳбарлар сингари «лаббайчи» кишилар эканига шубҳа қилмас эди. Дарҳақиқат, Ислом Каримовга қадар тайинланган икки раҳбар ўзлари учун «жонажон ва азиз партия» ва унинг «доно раҳбарлари» нима деса ортиғи билан бажариш, халқнинг ризқини қийиб, республикада етиштирилган моддий бойликларнинг аксарият қисмини Марказ қўлига тутқазишдан қўли бўшмади. Нима қилиб бўлмасин Марказга ёқиш ва «буюк оға»ларнинг кўнглини олишни жон сақлаш ҳамда раҳбарлик усули деб билган бу кишилар учун ўзининг кун тинч ўтишидан бошқа ташвиш йўқ эди. Улар туну кун қора меҳнатдан боши чиқмаётган халқнинг бошидан мағзавагина эмас, бутифосдек заҳарли, кимёвий урушда қўлланадиган модда тонналаб ағдарилишини ҳам, ўзбекнинг мана шу шароитда йил ўн икки ой даладан чиқмай, миллионлаб тонна пахта етиштиргани ҳолда отасининг мурдасига кафанлик қилиш учун тўрт метр оддий сурпни саргардон излаб юришини ҳам, шу ҳолига қўшимча равишда бу халқнинг ўғридан олиб ўғрига солинишини ҳам... барча-барча миллий хўрликларни қарсақ чалиб кутиб олишди. Камига эса бу хўрликларнинг янада кучайишида ҳайбарақаллачилик қилишди...

Учинчи раҳбар – шунга қадар Қашқадарё вилоятини бошқарган, иқтисодчи ва молиявий масалалар бўйича мутахассис, демакки, Марказ тушунчаси бўйича «ижтимоий-сиёсий масалаларни чуқур тушунмаслиги туфайли уларга аралашмайдиган» Ислом Каримовдан ҳам шўро раҳбарияти шундай хизматлар кутган эди. Бирок... Бироқ «ҳеч қачон адашмайдиган, ҳар доим тўғри йўлни кўрсатувчи доно партия» бу сафар қаттиқ янглишган эди. Шу туфайли ҳам

унинг Ислом Каримовга қарши олиб боражак жанглари яна-да шафқатсиз, яна-да ғирром тус олишини тасаввур қилиш қийин эмасди.

Хўш, Ислом Каримов бу курашларда юқорида ишора қилганимиз Усмонхўжаев, Нишонов ва улар сингари кишиларга, уларнинг шогирдларига – ўша давр раҳбар ходимларига ишониши, суяниши мумкин эдими?

Зиёлилар-чи? Дарҳақиқат, зиёлилар орасида халқ дарди билан яшайдиган, шу дард билан куйиб-ёнадиган кишилар озми-кўпми топилар эди. Бирок халқ билан ҳамдард бўлиш, уни шеър кўшиққа солиш масаланинг фақат бир томони ҳисобланиб, халқни ўша оғир муаммолардан иложи борича тинч йўл билан, эл-улус ҳаётини асраб, бирор кишининг бурнини қонатмай халос қилиш унинг бошқа муҳим томони саналарди. Ўша даврдаги шўро республикаларининг кўпчилигида айнан сиёсий кураш тажрибасига эга бўлмаган зиёлилар етовида майдонга чиқиб кетган омма орасида кўплаб қурбонлар бўлганидан кўз юмиш асло мумкин эмас эди.

Республикада ўрнашган ҳарбийлар, ички ишлар ва прокуратура соҳасидаги кадрларнинг аҳвол-руҳияси тўғрисида эса гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Демак...

Демак, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов фақат ўзига ишониши, қалбидаги эътиқодига суяниши, имонидан қувват олишигина мумкин эди. Мана шу руҳий-маънавий қудратга таянган ҳолда ўзига ишонадиганлар сафини кенгайтириши, халқ кўнглига йўл топиб, уни ҳам ўзига бўлган ишончи, истиқлолга эътиқоди, ўлмас имонини тиклаб оёққа турғизиши мумкин эди. Бунда минг хил қиёфага кириб турланувчи, номардларча ортдан зарба берувчи, туз еган тузлиғига тупурувчи хоинлардан огоҳ бўлиш, ҳар бир кадамни ўйлаб босиш, ҳар бир масала ечимида етти ўлчаб бир кесиш талаб қилинар эди.

Тўпладан жой олган мақолаларда айни шу мураккаб жараёнлар – ёш мустақил мамлакатимизни иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ҳарбий, маданий, маънавий-мафкуравий жиҳатдан мустаҳкам оёққа қўйиш босқичлари нақадар зиддиятли курашлар ичида амалга ошгани, бунда Президент Ислом

Каримов кўрсатган маънавий жасорат намуналари ҳаётий фактлар асосида ёритилган.

Жумладан, 1989 йилда Ўзбекистон раҳбарлигини қўлга олган Ислом Каримов «ўзбеклар иши», «пахта иши» баҳонаси билан таҳқирланган ўзбек миллатининг ғурурини тиклашни, юрт ва элни ҳақиқий мустақилликка олиб чиқишни ўзининг асосий вазифаси этиб белгилайди.

Лекин ўша вақтда СССР деган империя ҳали кучли, дунёни ларзага соладиган қудрати АҚШга тенгма-тенг давлат ҳисобланарди. Бу давлат жуда маҳобатли маъмурий, ҳарбий, тазйик аппаратига эга эди.

Мамлакатнинг янги раҳбари бу империядан қутулиш осон кечмаслигини, ўзини «демократ» деб билганлар таклиф этгани каби марказ билан очик зиддиятга бориш, тўс-тўполонлар кўтариб мустақил бўлиш имконсизлиги, бу йўл шундоқ ҳам азоб-уқубатда ҳаёт кечираётган халқ бошига янада аянчли мусибатлар келтириши мумкинлигини теран англайди. Республика раҳбари 1990 йилда республика прокурори лавозимига Усатовдан кейин миллий кадр тайинланишини Марказдан талаб қилади ва бу мақсадига эришади. Ҳали шўро империяси мавжуд бўлган даврда биринчи маротаба республика прокурори юрт раҳбарияти билан келишиб тайинланади.

Аслида Ислом Каримов мазкур масала бўйича қатъий ўзгаришлар яшаш борасидаги мардонавор ҳаракатларни Қашқадарё вилоятини бошқараётган пайтидаёқ бошлаган эди. Юртбошимиз аввал вилоятни, кейин эса республикани бу балолардан халос қилишнинг қонуний, юридик асосларини яратиш йўлидан боради. Масалан, унинг шахсий ташаббуси билан 1988 йил 15 ноябрда Ўз.ССР Министрлар Советининг 427-сон қарори чиқади. Мазкур қарор матнига эътибор берадиган бўлсак, нега Ислом Каримов унинг қабул қилинишига эришганининг асл моҳияти ойдинлашади. Хусусан, қарорда ҳамма ерда ҳукмронлик қилишга ўрганиб қолган ички ишлар бўлинмалари фаолиятини назорат қилишда маҳаллий Советларнинг депутатлари, ижрокўм масъулларининг ролини ошириш илк бор расмий белгилаб қўйилди. Ички ишлар органлари «инсонларнинг тақдирига бефарқлик, сансалор-

лик, раҳмсизлик ҳолатларига барҳам бериши, фуқароларни асоссиз равишда қамаш ва жиноий жавобгарликка тортишга йўл қўймаслиги зарур» деб уктирилди.

Айни ўша йиллари Марказ республикамизда «пахта иши», «ўзбеклар иши» кампаниясини авж олдирган, Қашқадарёда ҳам минглаб бегуноҳ одамлар шу қатли омнинг қурбонига айлантирилган эди. Ислоҳ Каримов бу ҳақсизликларга барҳам бериш учун имкони бўлган барча куч ва воситаларни ишга солиш йўлидан борди. Ўша кезлари бир гуруҳ ёзувчилар Қашқадарёга ташриф буюради. Улар орасида ўзбек ёзувчилари билан бирга беларус адиби Е. Бородулин ва бошқалар бор эди. Ислоҳ Каримов шу куни Бухорода хизмат сафарига бўлган. Унга ёзувчилар келгани, бугун ортга қайтмоқчи эканликларини маълум қилишади. Ислоҳ Каримов уларга жавоб бермай туриш кераклигини, кечкурун соат нечада қайтишидан қатъи назар улар билан албатта кўришишини, эртага эрталаб ёзувчиларни самолётда жўнатишини уктиради. Вақт алламаҳал бўлганда, вилоят раҳбари ўта чарчаган ҳолда қайтганига қарамай, ёзувчилар билан учрашади. Ислоҳ Каримов уларга, жумладан, қуйидагиларни айтади: **«Одамларнинг ҳукуматга ҳам, прокурору милицияга ҳам ишончи қолмаган. Давлат меҳнатқаш кишиларни бегуноҳдан-бегуноҳ қамаб юбораверса, қандай ишонч бўлсин. Агар биз мингта гуноҳсиз одамнинг қамокдан чиқарилишига эришсак, уларнинг ортида турган юз минглаб қариндош-уруғларининг адолатга бўлган ишончи пайдо бўлади. Биз бу ишни албатта қиламиз. Бу масалада Сизларнинг ҳам ёрдамингиз жуда керак!»**

Учрашувдан кейин ундан шунча чарчаганига қарамай, ёзувчилар билан гаплашишга нима зарурат бўлганини, боз устига бошқа республика вакиллари олдида миллат дардларидан гапириш сабабини сўрашганида, Ислоҳ Каримов: **«Ёзувчи халқи миллат ажратмайди, инсонпарвар бўлади. Бу одамлар жойларга бориб, Ўзбекистондаги чинакам аҳвол тўғрисида ёзишади. Дўстларимиз ҳақиқатдан огоҳ бўлишади. Адолатли ижтимоий фикр шаклланади. Бизга бу нарса жуда зарур»,** – деб жавоб беради.

«Пахта иши» ўша йилларнинг бир оғир муаммоси бўлса, бошқа томондан, яна ўнлаб хавфли муаммолар портлаш даражасига келиб қолган эди. Жумладан, Фарғонада меҳсети турклар билан тўс-тўполонлар авжига чиққан пайтда Москвада лавозим кутиб ўтирган, демократия ҳақида суҳбатлар қуришдан бўшамаётган Р. Нишонов мажбуран Ўзбекистонга жўнатилади. Кечга яқин Фарғонага кўрикчилар ҳамроҳлигида базўр келган бу раҳбар партия вилоят кўмитасининг дала ҳовлисида тўхтади. Халқ ичига кириб, унинг дардини эшитиш ўрнига мажлисбозлик билан шуғулланиб, эртасига эрталаб яна Москвага учиб кетади. Унинг Марказдаги ҳомийлари олдига бориб, «барча муаммо бор-йўғи бир килограмм қулупнай билан боғлиқлиги ва бу арзимас масала муваффақиятли ҳал этилгани» тўғрисидаги берган ҳисоботи эса зиддиятни баттар чигаллаштиради.

Унинг ўрнига келган янги раҳбар – Ислон Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1989 йил 15 августда «Колхозчилар, совхоз ишчилари, фуқаролар шахсий томорқа хўжаликлари ва индивидуал уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида» махсус қарор қабул қилди.

Ерни деҳқонларга бўлиб беришдек бу дадил ғоя Иттифок раҳбарлари – М. Горбачёв, Е. Лигачёв ва бошқаларга мутлақо ёқмасди, албатта. Улар бу ташаббусни бўғиш учун барча хатти-ҳаракатни қилиб кўришди. Ерни деҳқонларга тарқатишга ҳаттоки Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги барча раҳбарлари, жумладан, Министрлар Советининг Раиси Ғ. Қодиров, Олий Совет Президиуми Раиси М. Ибрагимов, Фарғона обкомининг биринчи котиби Ш. Юлдашевдан тортиб, райком котиблари ва совхоз раҳбарларигача қаттиқ қаршилик кўрсатишди. Уларнинг айримлари топшириқни бажармаслик учун зимдан ҳаракат қилган бўлса, бошқалари деҳқонларнинг ерли бўлиши «ўта ноҳуш ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий оқибатларга олиб келаётгани» ҳақида Ислон Каримов устидан Сиёсий Бюрога хатлар ёзишгача борди...

Лекин Ислом Каримов ўз ғоясидан қайтмай, уни жасорат билан амалга оширди. Натижада, 1989 йилнинг август ойидан бошлаб ўзбек деҳқонлари шўроларга қарол бўлиб ишлашдек машъум ҳолатдан қутулиш имкониятига эга бўлди. Қисқа фурсат ичида 1,5 миллиондан кўпроқ оиланинг томорқа участкалари кенгайтирилди, томорқага етиша олмай юрган 580 минг оила ерга эга бўлди, томорқа майдони 125,8 дан 216.5 минг гектарга етди. 1990 йилда томорқа ҳажми яна 76,2, 1991 йилда 38 минг гектарга кўпайди. Бошқача айтганда, томорқа майдонлари миқдори 4,2 баравар ўсишига эришилди.

1989–2000 йиллар давомида дон етиштириш 2,5 баробар кўпайиб, ғалла бўйича четга қарамликдан қутулишимизда томорқачиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Бугун Ўзбекистон кишлок хўжалигининг асосини ташкил этадиган фермер хўжаликларининг катта қисмини ҳам ўз томорқасида малака, тажриба орттирган деҳқонлар бошқармоқда.

Яна бир бор хаёлан 1989–1990 йилларга қайтайлик. Асрлар давомида етолмай юрган орзулари амалга ошган 3 миллион 323 минг деҳқон хўжалиги бола-чақаси билан ерга отланди. Қўшни республикаларда митингбозлик, тўс-тўполон авж олган бир паллада меҳнаткаш ўзбек далада бўлди. Рўзғор тебратишнинг қўшимча манбалари бўлмаган шароитда янги ерда қилинган меҳнатдан келган қўшимча даромад ўта танг сиёсий ва иқтисодий вазиятни юмшатишга беқиёс ҳисса қўшди. Мустақилликнинг дастлабки давридаги энг оғир паллада кўпчиликнинг турмуши шу ер ҳисобига бут бўлди. Агар шу қўшимча ер бўлмаганда, бола-чақасини боқиш чорасини тополмаган халқ сохта «доҳийлар» даъватига учиб, кўчага чиқиб кетмаслигига ким қафолат бера олар эди? Ер сиёсати халқни ва раҳбарларни мустамлака давлатдан мустақил давлат барпо этишга тайёрлаш мактабини ҳам ўтади.

Демак, Юртбошимизнинг бу мардона ҳаракати ҳам камида уч долзарб муаммонинг ҳал этилишига замин яратди. Биринчидан, одамларнинг ҳаётига хотиржамлик кириб келди – ўз ерига эга бўлган деҳқон «нон бер, гўшт бер» кабилидаги талаблар билан митингу намоийшларга вақтини беҳуда сарф-

ламай, бола-чақасини боқиб, ортикча маҳсулотни сотиб, фойда ҳам ола билди. Иккинчидан, деҳқон мамлакат иқтисодига ҳам ўз ҳиссасини қўша бошлади. Москва тўнини тескари кийиб, иқтисодий тазйиқ ўтказиш йўлига ўтган паллада ҳам ўзимизни ўзимиз таъминлай оладиган иқтисодий салоҳиятга эга бўлдик. Учинчидан, Кремлнинг буйруғи билан эмас, балки унинг иродасига қарши бориб, ўзбек халқини, унинг эртасини ўйлаб қабул қилинган бу қарор бизни демократияга яқинлаштирди. Чунки ернинг хусусийлаштирилиши демократиянинг ажралмас белгиси – эркин бозор муносабатларига ўтилганидан, кишлоқ хўжалигига давлат аралашувининг чекланганидан далолат эди.

Шу ўринда ҳали мустабид тузум давридаёқ «Ўзбекистон ССР бюджетини шакллантириш принциплари ҳақида декларация» (10.11.1990 йил) қабул қилинганини мустақиллик йўлида ташланган навбатдаги муҳим иқтисодий кадам сифатида баҳолаш мумкин. Унда Ўзбекистон ССР суверенитети ҳақидаги декларацияга амал қилиб, республика Олий Кенгаши республика бюджетини шакллантиришнинг асосий принципларини эълон қилган эди. Унинг биринчи бандида: «Ўзбекистон ССР ўз ҳудудида тушадиган ҳамма даромадларга тўла эгаллик қилади, ўз бюджетини мустақил равишда ўзи ишлаб чиқади ва тасдиқлайди», – деган муҳим принципни ўқиймиз.

Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбарлигига келганида дидиллик билан давлат ерини деҳқонларга тарқатиши тарихимиздаги ўта муҳим сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга воқеалар сирасига қиради. Зеро, мазкур ходиса 1989 йили ҳали аксарият халқнинг хаёлига ҳам келмаган, гўё ушалмас армон каби биздан жуда узок бўлган асрий орзуимиз – Мустақиллик сари қўйилган энг дастлабки ва фавқулодда муҳим кадам бўлди!

Халқимиз тарихий хотирасини тиклаш, маънавиятини юксалтириш борасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида сўзлар эканмиз, давлатимиз Раҳбарининг Хожа Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқидаги бир муҳим ўринга

эътиборингизни тортамыз. Ўшанда Юргбошимиз, жумладан, шундай деган эди: «Мен Ўзбекистон тарихидаги шу каби олийжаноб ишларни халқимизнинг нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда ислом динини асраш ва химоялашга қўшаётган ўзига хос ҳиссаси, динимизга нисбатан турли бўҳтонлар уюштираётган, унинг обрўсини тўкишга уринаётган кучларга қарши аниқ ва амалий жавоби, деб қабул қилишингизни истардим».

Ўша йиллари Ўзбекистонга АҚШнинг Р.Никсон номидаги тахлилий марказ хузуридаги «Халқаро хавфсизлик ва энергетика» дастури директори Зейно Баран хоним ташриф буюрганди. У сафардан қайтиб боргач, Вашингтондаги ушбу марказда ўтказилган илмий семинарда қилган ҳисобот докладида Ўзбекистонда ислом динидаги бағрикенгликни қўллаб-қувватлаш, тарихан вужудга келган анъанавий исломий кадриятларни тиклаш, диний таълимни йўлга қўйишда эришилган муваффақиятларга юксак баҳо берди. З.Баран семинарда иштирок этаётган АҚШ Конгресси, Давлат департаменти, Пентагон, Адлия вазирлиги, халқаро ташкилотлар вакиллари ва дипломатлар эътиборини шу соҳада Ўзбекистон тажрибасини жиддий ўрганиш масаласига қаратди. «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан қилган суҳбатида у, жумладан, шундай дейди:

«Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида қўлга киритилган ютуқларни, афсуски, АҚШда ҳамма ҳам яхши билмайди. Мен АҚШга шундай қатъий ишонч билан қайтдимки, ислом дини демократия ғоялари ва иктисодий ислохотлар билан уйғун кела олиши борасида Ўзбекистон бутун Марказий Осиё мамлакатлари учун ибрат намунаси бўла олади. Ҳозир Ғарб мамлакатлари ва АҚШ афкор оммасига чинакам исломий кадриятлар билан уни бузиб кўрсатаётганлар орасидаги фаркни изоҳлаб бериш ниҳоятда муҳимдир. Буни худди Ўзбекистонда қилинаётгани сингари тегишли адабиётларни чоп этиш, Куръонни тўғри таржима қилиб, тўғри талқин этиш орқали амалга ошириш мумкин. Ишончим комилки, динга муносабат борасидаги Ўзбекистоннинг ҳозирги тажрибалари анъанавий исломни чуқурроқ тушунишимиз учун бизга ёрдам беради».

Умид қиламизки, ўз мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлаётган халқимиз, айниқса, озод ва обод Ватанда яшаш бахти насиб этган ёшларимиз мазкур тўпلامдан ўрин олган мақолалар билан танишиш асносида истиқлолнинг қанчалар улуғ неъмат экани, уни қўлга киритиш осон бўлмагани, мустақилликни ҳимоя қилиш эса қалбида Ватан ишқи жўш урган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканини яна бир бор чуқур идрок этади.

БИРИНЧИ ФАСЛ

ДАВЛАТЧИЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

ҲОКИМИЯТ ТАҚСИМЛАНИШИ ТАМОЙИЛИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши давлат қурилиши соҳасида катта муаммоларни юзага келтирди. Мустақил демократик ҳуқуқий давлатни қуриш шундай муаммолардан бўлиб, уни ҳал қилишнинг энг самарали усулларидан бири – марказий давлат органларини жаҳонда тан олинган ҳокимият тақсимланиши нуқтаи назаридан ташкил этиш ҳамда уларнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш ҳисобланади. Республикамизнинг биринчи Конституциясида бу муаммолар ҳуқуқий асосини топди. Лекин унғача ҳали анча вақт ва воқеалар бор эди...

Алоҳида таъкидлаш зарурки, давлатнинг марказий органлари тизими, улар ўртасидаги ваколатларни чегаралаш ҳамда бошқа шу каби масалалар дабдурустдан, қисқа муддатда тезлик билан ислоҳ қилинганида, ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, амалий томондан ҳам ижобий натижа бериши анча мушкул.

Бу жиҳатдан республикамизда мазкур масалани ҳал этишга нисбатан аввалроқ, яъни 80-йиллар охиридан киришилгани бирмунча қўл келди. Ислоҳ Каримов Ўзбекистон раҳбарлигини қўлга олгач бошланган ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларидаги ислоҳотлар, белгиланган муҳим тадбирлар ижроси натижасида юзага келган ҳолат, жамият ичидаги турли жараёнлар ҳокимиятлар муносабатининг нисбатан аниқ тизимини яратиш масаласини кун тартибига қўйди ва бу борадаги тажрибаларни ўрганиш заруриятини келтириб чиқарди.

Республикамизда ҳақиқий мустақилликни қўлга кириштириш ва уни мустаҳкамлаш учун кураш эса янги қонунлар,

хужжатларни қабул қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Бошқача айтганда, мустақилликни мустаҳкамлаш барча қонунларни тубдан янгилаш асосида ҳам амалга ошмоқда. Шу муносабат билан қабул қилинган янги қонунларнинг бажарилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозими таъсис этилгунига қадар бўлган даврдагидек ҳозир ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ эслатилган даврда кўплаб қонунларга амал қилинмади. Шу боис қонун чиқарувчи ҳокимиятдан ижроия ҳокимияти томон уларни боғлаб турувчи кўприк ташлаш зарурияти юзага келди.

Ижроия ҳокимияти бўлган ҳукумат – республика Вазирлар Кенгаши оғир аҳволда қолган, қайта қуриш жараёни билан боғлиқ кўплаб янги муаммолар унинг бошига дўлдай ёғилаётганди. Бу вақтга келиб барбод бўлаёзган Иттифок маркази ўрнига ҳаммани бирлаштириб, ўзаро уюштириб турадиган ўз марказимизни тузишга эҳтиёж туғилди. Ўша пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва асосан унинг биринчи котиби шундай боғловчи бўғин вазифасини бажарарди. Кейинроқ эса бундай мувофиқлаштирувчи марказ партия тузилмалари сиймосида эмас, балки давлат механизми ичида вужудга келиши зарур бўлиб қолди, чунки фикрлар хилма-хиллиги эълон қилинди, янги партиялар ва ҳаракатлар тузила бошлади. Коммунистик партия давлатда яқка ҳукмрон куч бўлмади қолди. Бундан ташқари нотинч, умумий осойишта вазиятни бузадиган, баъзан оммавий тартиббузарликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган шароитни ҳам ҳисобга олиш зарур эди. Бунинг ёрқин мисоли Фарғона воқеаларидир. Бироқ республика Олий Кенгаши бунга эришиши мушкул эди, чунки унинг мажлислари доим ҳам ўтказилавермас, тўсатдан юзага келадиган масалаларни кечиктирмай ҳал қилиш мақсадида Олий Кенгаш ҳайъатини дарҳол йиғишни эса тасаввур қилиб бўлмасди. Қабул қилинаётган қарорлар учун жавобгарлик, яъни аниқ шахснинг жавобгарлиги масаласи ҳам Президент лавозимини жорий этишда муҳим сабаблардан бўлди.

Шу тариқа 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида «Ўзбекистон Президенти лавозимини

таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг кириш қисмида таъкидланганидек, Ўзбекистон ССР Президенти лавозими «демократик жараёнларни янада ривожлантириш, сиёсий ўзгаришларни такомиллаштириш, конституциявий тузумни, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва ҳавфсизликларини мустақамлаш, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув олий органларининг ўзаро таъсирини такомиллаштириш» мақсадида таъсис этилди.

Шумуносабат билан Республика Конституцияси янги «12–1. Ўзбекистон ССР Президенти» боби билан тўлдирилди, шунингдек, унинг айрим моддаларига тегишли ўзгартишлар киритилди. Илгари Президент олий давлат органларига қарайдими, деган масалада ягона фикр йўқ эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги 1990 йил 24 мартда қабул қилинган қонун муносабати билан Конституцияда Республика Олий Кенгашига бағишланган 12-бобнинг деярли давоми сифатида янги махсус боб вужудга келган бўлса, 1990 йил 1 ноябрда «Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Қонуни қабул қилинган, бу янги боб ҳукумат фаолиятига бағишланган 13-боб билан қўшилиб, унга «Ўзбекистон ССР Президенти ва ҳукумати» деб ном берилди.

Бошқарув тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳолда қабул қилинган кейинги Қонун Президентнинг ҳуқуқий ҳолатига жиддий ўзгаришлар киритди. Унга мувофиқ Президент ҳокимияти ва Вазирлар Кенгашининг ижроия-бошқарув ҳокимияти уйғунлашди. Вазирлар Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси тарзида ўзгартирилиб, Президент айна бир пайтда унинг Раиси вазифасини бажарадиган бўлди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда давлат бошқарувининг уйғун тизимини яратиш, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятини қатъий чегаралаб қўйиш, шунингдек, давлат органлари фаолиятидаги параллелизмга, бир-бирининг

ишини такрорлашга, бир орган ишини бошқаси бажаришига барҳам бериш мақсадида Президент ва ижроия-бошқарув тузилмалари бирлаштирилди. Зеро, бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бошқаруви, хўжалик юритиш, ижтимоий-маданий қурилишнинг барча жабҳаларида интизом ва тартиб ўрнатиш, ижроия ҳокимиятни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш эҳтиёжи шуни талаб қилади. Натижада Ўзбекистон Президенти республикада олий ижроия ва бошқарув ҳокимиятини рўёбга чиқарадиган бўлди. Бу Конституциянинг 118(1)-моддаси II қисмида ўз ифодасини топди. Буларнинг бари Ўзбекистон Президенти ижроия ҳокимияти раҳбари бўлди, дейишга асос беради. Президент суверен республика бошлиғи ва айна маҳалда республикадаги ижроия ҳокимияти раҳбари сифатида республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

Мустақил юртимизда давлат ҳокимиятини ташкил этиш жаҳонда тан олинган ҳокимият бўлиниши принципи асосида тузилгани Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясининг қатор моддаларида мустаҳкамланган. Булар қуйидагилардир:

11-модда. «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади». Бундай меъёрнинг Конституцияда мустаҳкамлангани демократик ҳуқуқий давлат сари қўйилган дастлабки муҳим қадамлардан биридир.

Конституция мазмунида шу нарсани кўриш мумкинки, республикада ягона давлат ҳокимияти тизими ташкил этилди. Конституциямизда ўзининг ҳуқуқий асосини топган ҳокимиятни тақсимлаш тамойилининг барча қоида ва талабларига биноан бундай давлат ҳокимиятида ваколатлар турли давлат органларига, чунончи, қонунчилик ваколатлари Олий Мажлисга, ижро ваколатлари Президент ҳамда Вазирлар Маҳкамасига, судлов ваколатлари эса суд органларига тақсимлаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Парламенти бўлган Олий Мажлис қонунчилик соҳасида барча ваколатлар-

га эга. Асосий Қонунимининг 76-моддасида мустаҳкамлаб кўйилган бу қоида Олий Мажлис Олий вакиллик давлат органи бўлиб, қонун чиқарувчи ваколатини амалга оширади, деб мустаҳкамлангани фикримизнинг далилидир.

Ҳокимият тақсимланиши принципига асосан парламент фақатгина қонунчилик ваколатларини амалга ошириш билан чегараланмасдан, баъзи назорат вазифаларини ҳам бажариши зарур. Бу талабни Конституциянинг 78-моддаси 17, 18, 19-бандларида белгиланган Республика Президентининг ҳуқуқий яратувчилик соҳасидаги ваколатларини назорат қилиш борасида унинг фармонларини тасдиқлашда, 8-бандда белгиланган республика бюджетининг ижросини назорат этиш ҳуқуқида, 93-модданинг 7-бандига кўра Президентнинг республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол ҳусусида маълумотнома тақдим этишида ва бошқаларда кўриш мумкин. Юқорида кўрсатилган қоидалар Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси давомида ривожлантирилиб, мустаҳкамлаб борилди. Муҳокама даврида фуқаролар томонидан берилган таклифлар натижасида лойиҳага тегишли ўзгартишлар киритилди. Масалан, Конституция лойиҳаси дастлабки матнининг 75-моддаси охирида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўзининг мутлақ тасарруфида бўлган ваколатларни ўзи тузадиган органларга ва мансабдор шахсларга беришга ҳақлидир, деган қоида белгиланган эдики, унинг қабул қилинмагани ҳам республикада ҳокимият тақсимланиши нуқтаи назаридан демократик ҳуқуқий давлат тузиш истаги устувор эканининг яққол намунаси.

Конституциямиз XX бобининг 89-моддасида Республика Президентининг Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи экани, 93-модданинг 7, 10, 14, 15-бандларида ҳамда 94-моддада шу лавозимдан келиб чиқувчи ваколатлари мустаҳкамланган бўлса, шу модданинг 9, 12, 13-бандларида Президентнинг ижро ҳокимияти бошлиғи сифатидаги ваколатлари мустаҳкамланган.

Ҳокимият тақсимланиши нуқтаи назаридан Конституциянинг 95-моддаси кўпгина тортишувларга сабаб бўлган

эди. Ижро ҳокимиятининг бошлиғи қонунчилик ваколатини амалга ошириш органи бўлмиш Олий Мажлисни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга бўлиши ҳокимиятни тақсимлаш принципига зид келмайдими, деган масала туғилганди.

Биринчидан, Президент мазкур ваколатни давлат бошлиғи сифатида амалга ошириб, бунда республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлаш (93-модданинг 8-банди) ҳамда Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафили сифатида иш кўради. Мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ, бу унинг Конституциявий бурчи ҳисобланади. Иккинчидан, 95-моддада таъкидланганидек, бундай ваколатдан у фақат Олий Мажлис таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид соладиган, ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганида ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирдагина фойдаланади. Учинчидан, мазкур масалани у бир ўзи эмас, балки Конституциявий суд билан бамаслаҳат ҳал этади. Тўртинчидан эса, Олий Мажлис фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас, деб шу модданинг охириги сўз бошида мустақамлаб қўйилганини ҳисобга олсак, ҳокимият тақсимланиши нуктаи назаридан ҳам бу масала тўғри ҳал этилган, деган хулосага келиш мумкин. Бу қоида нақадар тўғри эканини Россияда бўлиб ўтган фожияли воқеалар яққол кўрсатди.

Ҳокимият тақсимланиши нуктаи назаридан 93-модданинг 14-банди, яъни Президентнинг Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларни имзолаш ва уларга вето қўйиш ҳуқуқи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу норманинг моҳиятидан кўриниб турибдики, Президент томонидан тақроран муҳокамага қўйилган қонунларнинг қабул қилиниши ёки қабул қилинмаслиги масаласи охир-оқибатда Олий Мажлис томонидан ҳал этилади.

Ҳокимият тақсимланиши принципига асосан Конституциянинг XX бобида суд ҳокимияти тузилишига алоҳида аҳамият берилган, жумладан, 106-моддада Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат

бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади, деган меъёр мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳокимият тақсимланиши нуқтаи назаридан қараганда, мустақил республикамизда Конституциявий суднинг ташкил этилиши, унинг асосий вазифаси қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қай даражада мослигига доир ишларни кўриши тўғрисидаги 108-модда ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. 109-моддага биноан Конституциявий суд томонидан қабул қилинган қарорлар қатъийлиги ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоидалар ҳам алоҳида ҳуқуқий аҳамияти билан ажралиб туради. Шунингдек, Конституциявий суд аъзолари ўз фаолиятида мустақил экани ва фақатгина Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига бўйсунishi ўзининг Конституциявий мақомига эга.

Фуқаролик, жинсий ва маъмурий ишларни юргизиш борасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланиши (110-модда), судьяларнинг мустақиллиги, фақат қонунга бўйсунishi, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши, судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланиши ҳақидаги 112-модда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш учун ҳуқуқий асос бўла олади. Олий суд ва Олий хўжалик суди Раислари ва аъзолари Олий Мажлиснинг депутатлари бўла олмаслиги ҳақидаги қоида эса ҳокимият тақсимланиши республикамизда давлат ҳокимиятини ташкил қилишдаги муҳим тамойиллардан бири эканини яна бир бор исботлайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясида мустаҳкамланган қоидалар жаҳонда тан олинган ҳокимиятнинг тақсимланиши принципи асосида Ўзбекистонда ягона давлат ҳокимиятини ташкил қилишга қаратилган. Бу Конституциявий меъёрлар эса ҳақиқий демократик давлат тузиш учун ҳуқуқий пойдевор бўла олади. Ҳозирги кундаги асосий вазифамиз жорий қонунларни Конституциямиз асосида қайта кўриб чиқишдан

ҳамда давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари, фуқаролар Асосий Қонунимизга оғишмай амал қилишларига эришишдан иборатдир.

1994 йил

ИФТИХОР

Мустақил Ўзбекистон жаҳон сиёсати ва давлатчилиги солномасида янги саҳифа очмоқда

Бу кўҳна дунё жуда кўп ислохотларни кўрган. Бир неча минг йиллик тарихга эга юртимиз ҳам бундай ўзгаришларнинг анчасига гувоҳ. Турли даврларда яратиш ва яшнатиш, бунёдкорлик билан бирга халқ бошига не-не қирғинлару кулфат ва азоблар келтирган, вайронагарчиликларга йўл очган ҳодисалар такрор ва такрор юз берган. Лекин ўзбек халқи чинакам ислохотларни, ақл ва идрокка таянган, тафаккур меваси бўлган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар ҳамда жараёнларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан туб ўзгаришларни эндигина кўрмоқда. Халқ уни чуқур таҳлил қилиб, ишонч билдириб, яқдиллик билан буюк келажак томон қадам ташлаяпти. Муайян бир маррага етганда кишида беихтиёр босиб ўтилган йўлни таҳлил қилиш истаги туғилади.

* * *

Бугун Ўзбекистон нима сабабдан дунё диққатини ўзига тортмоқда? Нима учун жаҳон ишбилармонлари, сармоядорлари, йирик-йирик компаниялар, машҳур фирмалар Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарашмоқда? Нима учун жаҳон сиёсатининг думалоқ столи атрофида Ўзбекистоннинг ўрни мустаҳкамланди? Жаҳон майдонида Ўзбекистоннинг тили бунчалар ўтқир, сўзлари бурро? Буларнинг асоси нимада?

Аввало, собиқ СССР таркибидаги барча республикалар орасида Ўзбекистонда тинчлик ва бир меъёрадаги ишлаб

чиқариш жараёни тўла кафолатланган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган мамлакатларнинг маълум қисмида турли низолар, ички келишмовчиликлар, қон тўқишлар ва ҳатто фуқаролар уруши содир бўлаётган бир пайтда Ўзбекистонда халқ ва мамлакат осойишталиги тўла таъминланган. Бунда давлатимиз раҳбарининг вазминлик билан олиб борган сиёсати натижасини кўрамиз. Агар Президент фаолиятини шартли босқичларга ажратадиган бўлсак, у миллат, Ватан, халқ олдидаги биринчи ва оғир палладаги бурчини – миллатлар орасида қон тўкилишининг олдини олишдек машаққатли вазифани уддалай олди.

Ўзбекистон жаҳонга миллатлараро низолар билан овоза бўлган, фуқаролари жунбушга келиб, ҳис-ҳаяжонга берилиб турган, портлаш ҳолати вужудга келаётган бир пайтда давлатнинг янги раҳбарияти босиқлик билан иш юрита бошлади. Ҳаётда шундай кишилар борки, улар вазият огирлашиб, мураккаб ҳолат юзага келгани сайин ўз ирода ва кучларини ишга солиб, муаммоларни ҳал қилиш қобилиятига эга бўладилар. Давлатимиз раҳбарининг ўша даврдан то шу кунгача газеталар саҳифасида, ойнаи жаҳонда айтган, миллионлаб кишилар кўнглига ишонч, билагига куч бахш этган сўзлари, яъни – «Ўзбекистонда миллатлар ўртасида қон тўкилмайди», «Фарғона воқеалари бошқа қайтарилмайди», дея берган ваъдаси унинг ҳам раҳбар, ҳам улкан шахс сифатида лафзи қатъий эканини намоён этди. Ҳаётда инсон учун оиласи, умр йулдоши, фарзандлари, уй-жойи, мол-мулки, обрў-эътибори, соғлиғи қанчалар кадрли бўлса, шуларнинг барчасидан у миллатлараро жанжал, қон тўқишлар сабаб айрилиб қолиши мумкин. Бу шунчаки гап эмас. Буни чуқур тушуниш, тинчликни сақлаш ишида раҳбарни ёлғизлатиб қўймаслик, унга елкадош бўла билиш керак. Олдиндан оққан сувнинг кадри йўқ, дейдилар. Юртимиздаги тинчликни кадрлайлик. Унга осонликча эришилмаяпти. Ҳануз ўт чиқариб, ғавғолар кўтариш ниятида, қон ҳидини искаш пайида юрганлар бор. Тинчлик иши учун қўлларининг учини ҳам урмаган «доҳийчалар» тилларига эрк бермоқдалар. Иш билмаган гап билади. Улар иш билганга бир танга-ю, гап билганга минг танга қабилда

ҳаракат қилишмоқда. Шу ўринда кўнгилдан бир ўй ўтади: тоғ эчкилари бир-бирига шох ташламаса, шохи кичир экан, жамиятимизда ҳам китмирлик, ғаламислик қилмаса ўзини ёмон ҳис қиладиган кимсалар бор.

Амалпарастлик ниятларини ватанпарварлик ниқоби билан беркитишга уринган «дохийлар» дўппи тор келгач, ўзини четга олиб, чет элларга қочиб кетди. Улар халқни жунбушга келтириш, миллий ғурурга тегиш ниятида кишиларни «сен ўзбексан» деб кўксига муштлаб, бошқа миллатдагиларни менсимасликка чақирдилар. Лекин ўз вақтида кўрилган чоралар туфайли уларнинг муттаҳамлиги амалга ошмади. Очигини айтганда, ўша Арманистону Гуржистонда кўкрагига уриб, «мен грузинман», «мен арманман» деб кўзига қон қуйилиб юрган шоввозлар ўз юртига мислсиз бахтсизлик келтириб, кўплаб эркак-аёл, ёш болаю қарияларнинг ўлимига сабаб бўлганининг шохиди эмасми?!

Агар қўйиб берилса, энди бир миллатни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, уни Тожикистондаги каби шармандаларча «вовчиклар» ва «юрчиклар»га ажратиб, юртимизни қону адоватга ботиришга пайт пойлаб турганлар бор. Жаҳон нарқобизнесининг «қора йўли» Тожикистон орқали Марказий Осиё республикаларидан ҳам ўтмоқда. Божхона хизматининг соддалаштирилганлиги наркотик моддалар, қурол-яроғларни республикалар, давлатлар орасида эркин тарқатиш имконини яратиб бериши жиддий муаммо бўлиб турибди. Буни эътиборсиз қолдириш мумкин эмас.

Президент ўз раҳбарлигининг биринчи босқичини – миллатлараро тотувлик, барқарорлик ишини шараф билан бажариб, энди давлатчилик ривожининг кейинги муҳим, иккинчи босқичи томон қадам қўймоқда. Бу – иқтисодни кучайтириш, тадбиркорликни янада ривож топтириш каби йўналишлар бўлиб, ана шу борада эълон қилинган Фармон фикримизнинг далили бўлади. Бу жуда муҳим ҳужжат бўлиб, унинг муваффақиятли амалга оширилиши замирида давлатимиз келажаги, халқимиз фаровонлиги ётади. Бу Фармонни чет эл матбуоти инқилобий ҳужжат деб атади. Ҳозирда газеталаримиз, радио-телевидение таҳририятларига кўплаб

чет эллик ишбилармонлар, йирик фирма ва компаниялар раҳбарлари мазкур Фармон улар фаолияти учун улкан имкониятлар очиб бергани хусусида хат-хабарлар юбориб, бундай дадил тарихий қадам учун миннатдорлик билдирмоқда. Зеро, энди юртимиздаги ҳаётни кетмонни баланд кўтариб уриш билан ўзгартириб бўлмайди. Ишбилармонлик, халқаро миқёсдаги бизнес муносабатларини, молия ишларини ҳар бир фуқаромиз яхши билиши лозим. Ётиб еганга тоғ чидамайди, дейдилар. Юртбоши энди барчага «Қани, тирикчилигингизни қилинглар, давлатнинг қўлига қараб ўтирмай, ўзингиз ҳам дадил фаолиятни бошланглар», демоқда. Ушбу Фармонни бутун Ўзбекистон халқи қўллаб-қувватлаши даркор. Ўйлаймизки, меҳнаткаш халқимиз тадбиркорликда, замонавий савдо-сотик ишларида тарихий Ипак йўли анъаналарини яна бир бор намоиш қилади. Бу борада халқимизда қобилият, давлатимизда эса катта имкониятлар етарли.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳонга ўз жамолини намоиш қилар экан, АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг «Темур авлодлари юртини ўз кўзим билан кўриб келиш истагим бор», деган сўзлари миллатимизга, тарихимизга, юртимизга нисбатан чуқур ҳурматнинг ифодасидир. Бу билан мағрурланишга ҳақлимиз.

Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ўзига хос йўли мавжуд. Жумладан, энг аввало ёш, мустақил мамлакатда яшаётган 120 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг дунёқарашини ўрганиш, талаб ва эҳтиёжларини ўз вақтида таҳлил этиш, улар манфаатини ҳимоя қиладиган, халқаро инсон ҳуқуқлари меъёрларига мос келадиган энг инсонпарвар сиёсатни вужудга келтириш зарур эди. Республика ҳукумати Ўзбекистон раҳбари бошчилигида худди ана шу йўлни танлади. Биринчи галда миллатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини яратишга киришилди. Шахсни миллатидан, тили, этниқоди ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар, мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида эъзозлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Яқин ўтмишимизга бир назар солайлик. Собиқ СССР Конституцияси ва КПСС программасида миллий тафовутлар-

ни йўқ қилиш, миллий анъаналар ва урф-одатларни барбод этиш йўли билан ягона совет халқини вужудга келтириш давлат сиёсати сифатида белгилаб қўйилган эди. Дарҳақиқат, бу ғайриинсоний ҳодиса қонун билан мустаҳкамланиб, раҳбар орган ҳисобланган коммунистик партия дастурида алоҳида таъкидланганди. Жумладан, собиқ КПСС программасида ўтган давр мобайнида «янги тарихий бирлик – совет халқи вужудга келди», деган ибора алоҳида фахру ифтихор билан баён этилган эдики, у ўз даврининг энг жанговар шиорига айланиб қолди.

Давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок Ўзбекистон миллий ва миллатлараро муносабатлар масаласида ўз сиёсий йўлини очик-ойдин баён этди. Мамлакатда ҳар қандай миллат вакилларининг ҳавфсизлиги тўла таъминланиши, миллий раванқ ва миллатлараро муносабатларнинг соғломлигини таъминлайдиган барча имкониятлар ишга солинишини алоҳида таъкидланди.

Ўзининг «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» номили асарида Юртбошимиз: «Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади» – деб ёзади. Бу минг йиллар мобайнида бизнинг улуғ аждодларимиз томонидан илгари сурилган ғояларга жуда мос келади. Янги тарихий шароитда шаклланаётган ёш мамлакатда энг инсонпарвар, ҳуқуқий демократик давлатни, фуқаролар жамиятини вужудга келтириш сиёсати илгари сурилди. Бу янги ижтимоий-сиёсий бўҳронлар ва ҳали аҳоли тушуниб улгурмаган пўртаналар даврида мамлакат раҳбарининг узокни кўзлаган, миллат раванқига таянган қарашлари эди. Шундан сўнг мамлакатда миллатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, унинг тинч ҳаётини кафолатлашга ва ижтимоий муҳофаза қилишга дахлдор бир қанча Қонунлар, Фармон ва фармойишлар, ҳукумат қарорлари эълон қилинди. Ана шу қонунлар асосида барча

миллатларни ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштирувчи Ўзбекистон фуқаролиги мақоми таъсис этилди.

Бир қанча кўшни мамлакатлар раҳбарлари орасида каттароқ сиёсий нуфуз ва обрўга эга бўлиш, ном чиқариш, жаҳон жамоатчилиги диққатини тортиш, ўзларининг «чинакам демократ» эканини исбот қилишга зўр бериб уринишлар юз бераётган бир пайтда бизда миллат шаънини тиклаш, ҳар қандай оғир шароитда ҳам миллатлараро муносабатларни чуқурлаштириш, шу асосда ишлаб чиқариш ва иктисодий аҳволнинг барқарорлигини таъминлаш йўли тутилди. Натижада ҳаёт ҳар қандай сиёсий жазавалар, шовқин-суронлар халқ тинчлиги, фаровон турмушининг кафолатлангани олдида ҳеч нарса эмаслигини, бош масала умумхалқ ва умумдавлат манфаати йўлидаги қатъий ва самарали ҳаракат эканини кўрсатди.

Бир зум Давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул қилинган пайтни кўз олдимишга келтирайлик. Москванинг зўравонлиги, миллатларни йук қилиш, уларнинг равнақини барбод этиш сиёсати авж олган бир пайтда Ўзбекистонга ўз номини берган миллат тилига Давлат тили мақомини бериш катта журъат ва жасоратни талаб этар эди. Ана шундай қийин, зиддиятларга тўла, турли келишмовчиликлар ва қарама-қаршиликлар авж олган бир пайтда мазкур қонун қабул қилинди.

Мамлакатимизда мустақиллик тобора чуқурроқ илдиш отаётган бир пайтда ғоявий муҳолифларимиз турли йўллар билан фитна уруғини сепмоқдалар. Давлат тили ҳақидаги қонун амал қилаётгани ҳам уларнинг ғашига тегмоқда.

«Ўзбекистонда халқлар ва миллатлар табақалаштирилмоқда, ўзбекларга олий миллат, қолган барча миллат вакилларига иккинчи даражали деб қаралмоқда» қабилидаги асоссиз даъволарни кўтариб чиқмоқдалар. Аслида эса давлатга номини берган миллат тили йўқ бўлиб кетаётган эди. Бугун ўзбекларга ўз она тупроғида ўз тилида гапириш ҳуқуқи берилди, холос. Бу бошқа миллатларни камситиш, уларни сиқиб чиқариш, кичик халқларнинг ёки туб бўлмаган аҳолининг миллий равнақига раҳна солиш эмас, аксинча, миллий давлат нуфузи, унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, ҳақ-ҳуқуқи тўғрисидаги халқаро нормаларга мос келувчи қонуний ҳолат!

Қолаверса, бундай ҳодиса жаҳон давлатчилиги амалиётида кенг қўлланмоқда ва миллий давлатчиликни қарор топтиришда ўзининг самарали натижасини бермоқда.

Умуман давлатимиз сиёсати инсонпарварлик, инсон ҳуқуқларини барқарор тарзда ҳаётга жорий этиш ғояларини сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ислоҳотлар билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб боришга асосланган. Юксак маънавият, инсоннинг маънавий камолоти, ички дунёсининг бой ва гўзал бўлиши мулкчиликни ривожлантириш, ишбилармонлик ва иқтисодий ислоҳотларнинг асоси даражасига кўтарилади. Ватанпарварлик, миллий ифтихор, она юрт билан фахрланиш, ҳар қандай шароитда ҳам ана шу замин, ана шу халқ, кадрдон қўшнинг ва маҳалланг учун фидойиликка тайёр туриш орзу-истаги давлат сиёсати мавқеини олади.

Ғоявий муҳолифлар миллий тафовутларни йўқотиш, миллатларни ўзаро яқинлаштириш ниқобида турли низоларни келтириб чиқариш, экстремистик ҳаракатларни авж олдириш ва натижада мустақил давлатлар ўзларини бошқара олмаяптилар, уларга тинчлик ва осойишталикни кафолатлайдиган, раҳнамолик қилиб турадиган улуғ миллат зарур, деган фикрлар билан ўзларининг олдинги мавқеларини тиклаб олиш, мустамлакачиликни қайтадан тиклашга зўр бермоқдалар.

Бу ифвогарликларнинг ҳаммаси кучли Ўзбекистон давлатини барбод этиш ниятида амалга оширилмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистон Конституциясида бундай ҳаракатлар оғир жиноятлар қаторига киритилган. Яна шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистонда яшаётган русийзабон аҳолининг асосий қисми республика Конституциясини, фуқаролик тўғрисидаги Қонун ва умуман Президент Ислом Каримов сиёсатини тўла қўллаб-қувватламоқда. Буни ҳис қилиш учун рус миллатига мансуб бир неча оила аъзолари билан суҳбат қилишнинг ўзи етарли. Улар Ўзбекистонни чин дилдан ўз Ватани деб билади, баъзилари Россия бизни кучок очиб кутиб тургани йўқ, деб очиқ-ойдин айтмоқда.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни вужудга келтириш, фуқаролар жамиятини шакллантириш сиёсатимизнинг бош йўлидир. Баъзи муҳолифларга Ўзбекистоннинг дунёда

ўз ўрни, ўз сўзи борлиги ёкмаяпти. Гўёки, Ўзбекистонда демократия йўк, ҳукукий давлатни вужудга келтиришда сусткашлик қилинаётган эмиш.

Жамиятни демократлаштириш – жуда мураккаб, кўп қиррали, айни пайтда изчилликни тақозо этадиган ижтимоий ҳодиса. Бу жараён бевосита мамлакат аҳолиси турли табақаларининг умумий онглилик даражаси, сиёсий маданияти ва воқеликка муносабати билан боғлиқ.

Жамиятни демократлаштириш – энг аввало миллат раванкини таъминлаш, ҳурфикрлик, соғлом тушунчалар, юксак сиёсий маданиятга таянадиган ҳолат! Акс ҳолда жаҳолат устун келиши, қабоҳатга ва шафқатсизликка йўл очилиши мумкин. Натижада ортиқча эркинлик бошбошдоқликка айланади. Ана шунда миллат ҳам, мамлакат ҳам ҳалоқат ёқасига бориб қолади.

Президентнинг фикрича, энг муҳими, халқ демократияни чуқур тушуниши, унинг бутун мазмун-моҳиятини англаши, унга муносиб бўлиши зарур. Маънавий баркамоллик, ахлокий етуклик – демократиянинг таянчи. Шунинг учун ҳам у жамиятни демократлаштиришни узок муддатли жараён сифатида тушунади. Дарҳақиқат, узок йиллар мобайнида шаклланиб қолган кишилар онгини бир кунда ё бир йилда бутунлай ўзгартириш мумкин эмас. Эски тушунчалардан воз кечиш, янгича қарашларнинг мазмун-моҳиятини англаш вақт талаб этадиган маънавий-ахлокий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараён. Киши онгидаги эскича қарашларнинг янгиликка осонликча ўрин бермаслиги ҳолати, янгилик эса қийинчилик билан ўзига йўл очиб бориши мураккаб руҳий ҳодиса. Дарҳақиқат, аҳоли энг аввало демократияга кўникиши, унинг мазмун-моҳиятини англаши, унга тайёр бўлиши, эркинликни юксак ахлоқ, маънавият ва сиёсий онглилик мезонига, турмуш тарзига айлантириши керак. Акс ҳолда асоссиз фикр ва қарашлар эркинлиги тарихий-ижтимоий жараёнларнинг табиий ривожига тўсиқ бўлади, халқ ва мамлакат бошига кулфатлар келтиради.

Президент Ислом Каримов ўз эътиқодига содиқ ҳолда бундай масалаларга қатъият билан, мамлакат ва халқ ман-

фаатидан келиб чикиб ёндашмоқда. Бу йўлда маълум даражада қаттиққўллик ва талабчанлик ҳам қилмоқда. Буни у «Комсомольская правда» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида очик-ойдин айтди: «Мухолифларим мени диктатор килиб кўрсатишни жуда хоҳлайдилар: эҳтимол менинг ҳаракатларимда авторитаризм нишоналари бордир. Аммо мен буни фақат бир нарса билан изоҳлайман: тарихнинг муайян даврларида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса, бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида, ҳар ҳолда кучли ижроия ҳокимияти зарур. Қон тўкилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқаролар орасида тотувлик, тинчлик, барқарорликни сақлаш учун шундай бўлиши зарур. Бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман».

Баъзи мутахассисларнинг фикрича, демократик давлат бошқарувига асосланган, инсонпарвар, фикрлар хилма-хиллигига кенг йўл очиб берган ҳар қандай давлат ҳам айрим ҳолларда кучли президент ҳокимиятидан зарар кўрмас экан. Зеро, у соғлом ғояларга таяниш, уларни қўллаб-қувватлаш орқали қаттиққўллик ва қатъият билан яхшиликни ёмонликдан, ақл-идрокни ҳиссиётдан ҳимоя қилади. Мамлакат аҳолисининг асосий кўпчилик қисми мақсадларига мос келадиган эҳтиёжларни қондиришга катта имконият яратади. Ана шундай қатъий интизом, қонун устуворлиги, қонун олдида барчанинг баробарлигини таъминлашга эришган давлатгина ўз фуқароларининг бой маънавият ва сиёсий маданият эгаси бўлишига, шу асосда жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашга эришади. Чунки ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши тўғридан-тўғри ана шу давлат тенг ҳуқуқли фуқароларининг маънавий қиёфаси, ички дунёсининг бойлиги билан боғлиқдир. Бундай мамлакатда меҳнатга муносабат ва ишлаб чиқариш маданияти фуқароларнинг ички маданияти билан уйғунлашиб кетган бўлади.

Ўзбекистоннинг ислоҳотчилик сиёсатида масаланинг худди ана шу жиҳати муҳим омил сифатида ўрин тутади. Маънавий ва моддий эҳтиёж ахлоқий ва иқтисодий категорияларнинг уйғунлашган шакли сифатида яхлит ҳолатда

кўзга ташланади. Бу янги шароитларда янги типдаги инсонни шакллантириш асосида сифат жиҳатидан янги кишилиқ жамиятини барпо этиш сиёсатидир.

Бир қатор хорижлик сиёсатдонлар Ўзбекистонда миллий давлат қурилишида ўз қолипларини тавсия этмоқдалар. Бирок ўз мамлақати хусусиятлари, анъаналари, иқтисодий, жўғрофий имкониятлари ва миллий давлатчилик тажрибаларидан келиб чиқиб иш юритиш бизнинг танлаган йўлимиздир. Чунки дунёда иккита бир хил одам бўлмаганидек, иккита бир хил давлат ҳам бўлмайди. Ўз мамлақати эҳтиёжини ҳисобга олмай миллий раванқни таъминлаш мумкин эмас. Турли хорижий мамлакатлар дастурига кўр-кўрона таяниб, иш тутган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги айрим мамлакатлар қаттиқ адашдилар. Уларда ўз халқи дунёқарашини, унинг воқеа-ҳодисаларга муносабати, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳолатини ҳисобга олинмай, тайёр андозаларни тўғридан-тўғри ўзлаштириш хунук оқибатларга олиб келди. Аксинча, вақт Ўзбекистон тутган сиёсий йўл нақадар тўғри ва асосли эканлигини кўрсатди. Бунга давлатимизнинг жаҳон майдолида обрўси тобора ошиб бораётгани, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг тўла таъмин этилгани яққол далил бўла олади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлатни вужудга келтириш, бозор иқтисодига ўтиш борасидаги тажрибасига жаҳон жамоатчилиги ижобий баҳо бермоқда.

Ҳарчи умумий мақсадлар ва дунёвий муаммоларга муносабатларда барча мамлакатлар ва халқлар ҳамфикр бўлса-да, алоҳида давлатлар ва миллатлар тақдири ҳал бўлаётганда, унинг ўз эҳтиёжлари ва миллий хусусиятларига суяниб иш тутиш керак бўлади. Ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг боришидан, унинг маънавий, иқтисодий ва бошқа жиҳатларидан келиб чиқадиган ўзига хос ўтиш даври бўладигани, улар ҳеч қачон бир қолипда бўлмайди, бир-бирига ўхшамайди. Ана шундан келиб чиқиб АҚШ, Буюк Британия, Олмония ёки Франциянинг туб бурилишлари тарихини ҳеч қачон Ўзбекистонда вужудга келган ўтиш даврига қиёслаб бўлмайди. Чунки биз бир тузумдан бошқа бир тузумга

ўтаяпмиз. Бу тарихий ва ижтимоий жиҳатдан анча мураккаб жараён.

Юқорида тилга олинган мамлакатларнинг ҳаммаси бир ижтимоий-сиёсий тузумда иқтисодий тараққиётнинг табиий қийинчиликларини бошдан кечирган, холос. Шу боис бизда юз бераётган жараёнлар уларга бегона. Шунингдек, Таиланд, Сингапур, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларни бизларга мисол қилиб келтирадилар, улардан андоза олишни тавсия қиладилар. Ҳолбуки, бу мамлакатлар колоқ пайтида ҳам уларда бозор мавжуд эди, бозор иқтисодиёти, яъни хусусий мулкчилик, одамларда ўз мулкига эгалик тушунчаси бор эди. Бизнинг фуқароларимиз эса бутунлай бошқа тарзда, бошқача ақидалар билан яшаган. Шундан келиб чиқиб, биз аввало мулкчиликни ривожлантиришимиз керак. Одамларда хусусий мулкчилик, хўжайинлик тушунчаларини шакллантиришимиз лозим. Ҳозиргача одамларимиз жамоа мулки, халқ ё давлат мулки деган фикрлар билан яшаб келган. Демак, биз олдин онгимизда, тушунчамизда ислоҳотлар ясашимиз лозим.

Юртимизда мулкчилик тўғрисидаги қонун ва қарорларнинг қабул қилинаётгани, давлат мулкчини хусусийлаштириш сингари кенг қамровли тадбирларнинг ишлаб чиқилаётгани бежиз эмас. Буларнинг бари олдин мулкка эгалик ҳуқуқини қўлга киритиш, сўнг ҳар томонлама адолатли бозорни вужудга келтиришдек туб иқтисодий ислоҳот сиёсатининг асосидир. Туб ислоҳотларни ташкил этишдаги тўғри йўлларимизнинг асоси ана шунда! Давлат бошқаруви, янги ижтимоий-сиёсий тузумни вужудга келтиришдаги сиёсат ана шунда! Бундай улкан ўзгаришлар даврида шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Бу –жараёнларни табиий ҳолда бир ўзандан бошқа ўзанга буришни, бардошни, эпчиллик ва хушёрликни талаб этади. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз «янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик»ни уқтириб келмоқда.

Ҳозирги ўзбек миллий давлатчилиги, давлат қурилиши тамойиллари ана шу жараёнларнинг табиий бориши, аста-секинлик билан тадбирларни амалга ошириш принципига таянади. Шунга кўра бу масала бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда ва жаҳон жамоатчилиги диққатини тортмоқда.

Одамлар кайфиятига кескин таъсир этадиган, таҳлика ва ташвишга соладиган зиддиятлар – ўтиш даврининг табиий ҳодисасидир. Бундай пайтда кучли ижроия ҳокимияти бўлиши керак. Акс ҳолда жилов кўлдан чиқиб кетиши ва мамлакат инқирозга юз тутиши ҳеч гап эмас. Масалан, Корея, Туркия ва бошқа мамлакатларни олайлик. Улар иқтисодий ислохотлар ёки ўтиш даврида жуда кучли ижроия ҳокимиятига асосланган эди.

Мамлакатимиз сиёсатида тарихий-жўғрофий тараққиётга аҳамият бериш, яқин кўшни мамлакатлар билан ягона иқтисодий минтақани ташкил этиш катта ўрин тутди.

1993 йил, январь ойида шахсан Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда Марказий Осиё ҳамдўстлигига асос солингани бунга яққол далилдир. Дарҳақиқат, мустақилликка эришган ёш давлатлар ўз тараққиётини фақат ўз имкониятлари билан таъминлаши жуда қийин. Аслини олганда дунёда бирон-бир давлат ҳар жиҳатдан ўз эҳтиёжларини фақат ўзи тўла қондиrolмаган. Бу – кишилиқ тарихидаги табиий ҳодиса. Бироқ энг аввало тарихан яқин, илдишлари туташ, эътиқоди ва дунёқарашлар жиҳатидан муштарақ бўлган кўшни мамлакатлар ҳамкорлиги ҳаётий заруратдир. Ана шу тарихий тажрибага таянган ҳолда Ислом Каримов қадимдан бир ҳудудда яшаб, тарихи ва тақдири бир бўлган халқларни яқинлаштириш йўлини тутди, мустақилликни шиор қилиб масалаларга юзаки қарайдиган бошқа мамлакатларга ўрнатилган бўладиган масалани кўтариб чиқди.

Шуни ҳам айтиш керакки, яқин ҳолда ривожланиш йўлини тутишдек салбий ҳодисани Африка қитъасидаги Замбия, Сомали, Судан ва бошқа мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Бу ерларда уруғ-аймоқчиликнинг кучайиб кетиши, фақат тор манфаатлар ва миллий маҳдудлик қобидан чиқолмаслик натижасида мамлакатлар таназзулга учради. Ташқи қарзлар ҳажми кўпайиб кетиб, аҳоли ҳаёти таҳликали тус олди.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамдўстлигини амалга ошириш нафақат иқтисодий, балки сиёсий, жўғрофий, тарихий, этник аҳамиятга эга. Бу мамлакатлар ўзаро зич ва бир-бирига яқин жойлашганлиги, бир хил табиий иқлими, ер шароити

жиҳатидан ўхшашлиги, ягона сув ҳавзасига эгалиги каби омиллар ҳар томонлама ҳамкорликда катта самара беради.

Замонлар ривожланиш жараёнидаги давлат раҳбарларини доимо жиддий синовлардан ўтказиб келган. Бугунги кунда тарих янги, ёш Ўзбекистон давлати йўлбошчисига шундай масъулиятни юклаган. Молия ва режалаштириш борасида бой тажрибага эга экани, раҳбарликнинг барча поғоналарини бошдан ўтказиб, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини англагани, давр талабини ҳис этиб, шунга мос сиёсат юргиза билиши туфайли у жаҳон сиёсатида ўз ўрнига эга бўлди.

Бугунги кунда Ислом Каримов – давримизнинг энг кучли ислохотчиларидан бири! У жаҳон давлатчилиги назарияси ва амалиётини янги шароитларда, янги ижтимоий-сиёсий жараёнлар оқидамида ўз қарашлари ва тажрибалари билан бойитиб бормоқда.

Ўзбекистон раҳбари ўз мамлакати доирасидагина эмас, балки жаҳон цивилизацияси майдонида ҳам ўзига мос нуфузли ўрин эгаллаган давлат ва сиёсат арбобидир! У турли мамлакат ва миллатлар тараққиёти учун расмий ва жўғрофий чегаралар маҳдудлигидан чиқиб кетиш, улкан иқтисодий ҳамкорлик минтақаларини ташкил этиш тарафдори ва ташаббускори!

* * *

Ўтиш даври турли мамлакатларда турлича кечади. Бирок жаҳон давлатчилиги тарихи, кўпчилик мамлакатлар тажрибаси бундай пайтда кучли ижроия ҳокимиятини вужудга келтириш йўли танланганини кўрсатмоқда. Баъзилар парламентаризм ҳақида гапиради, аммо унинг имкониятлари маълум даражада чекланганига унчалик эътибор бермайди. Айрим «демократлар» эса парламент давлат органлари тизимида марказий ўринни эгаллайди, деган фикрни ўртага ташлайди. Бирок давлатчилик амалиёти ва тажрибаси буни инкор этади.

XIX аср охири – XX аср бошларида кўплаб мамлакатларнинг ҳокимият ва давлат тизимида парламент марказий орган ҳисобланган ҳамда ҳал қилувчи кучга эга бўлган. Бу даврни парламентаризм даври дейдилар. Вужудга келган буржуа

синфи феодал аристократияга қарши курашда парламентдан кенг фойдаланган. Шунинг учун ҳам у пайтда парламент давлат тизимида марказий орган ҳисобланган. Лекин XX асрнинг 30-йилларидан кейин парламентаризм дунёдаги қарийб ҳамма мамлакатда инкирозга учради. Ижро ҳокимияти кучая бошлади. Демак, бошқарув тизими табиий ҳолда бир шаклдан иккинчи шаклга ўтишни бошдан кечирди.

Давлат бошқаруви турли мамлакатларда турли шаклларда бўлиши мумкин. Умуман бошқарувнинг қайси тури танланганидан қатъи назар, ижроия ҳокимияти кимнинг қўлида бўлса, ўша одам давлат марказида бўлади. Президент бошқарувида – Президент, парламентар республика бошқарувида эса ҳукумат. Баъзилар парламентар республика бошқарувида парламент асосий роль ўйнайди, деган фикрни билдирадилар. Аслида эса бундай эмас. Бошқарувнинг бундай турларида ҳам давлат органи тизимини ижроия органи асоси бўлган ҳукумат эгаллайди. Масалан, бошқарувнинг парламентар шакли мавжуд бўлган Ҳиндистонда – бош вазир, Олмонияда – канцлер.

Бошқарувнинг президентлик республикаси шакли тоталитар тузумга олиб келади, дейдиганлар ҳам бор. Бу асоссиз тушунча. Чунки бошқарувнинг бу усулида дунёда тан олинган ҳокимият бўлиниши тамойили адолатли тарзда амалга оширилади. Жумладан, қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти тенгма-тенг иш олиб боради. Президентлик республикаси бошқарувида ижро ҳокимияти президент қўлида бўлади. Бу – бошқарувнинг жаҳон давлатчилиқ тажрибасида тўла синовдан ўтган мумтоз шакли.

Давлат бошқаруви бўйича ўзларини дунёда катта мутахассис деб билаётган баъзи «демократ»лар кўп ҳолларда республикамизни жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари билан таққослашади. Бундай муқояса кўп ҳам асосли эмас. Ҳаёт, амалиёт ёш, мустақил республикаларнинг имкониятларини ҳар жиҳатдан ҳисобга олиб, шундан кейингина ривожланаётган мамлакатлар билан таққослаш кераклигини кўрсатмоқда.

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, ўтиш даврида ижроия ҳокимияти бир шахснинг қўлида қатъий ва айни пайтда кучли ижроия аппаратига айланиши керак.

Шунинг учун ҳам мустамлакачилик асоратидан халос бўлган мамлакатларнинг барчасида давлат бошқарувининг ё президентлик республикаси шакли, ё дуалистик монархия шакли ўрнатилган. Чунки бундай мураккаб, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, аҳоли руҳияти ҳамда дунёқарашида кескин бурилиш ясайдиган ўтиш даврида турли сиёсий кучлар, ташкилотлар, барча фуқаролар, шахсий қарашидан қатъи назар, иқтисодий ва сиёсий тараққиёт, умумхалқ ва умумдавлат манфаатлари йўлида бир шахс атрофида бирлашиши шарт. Қолаверса, бундай ҳолат ҳар қандай шароитда ҳам шахсий манфаатлардан халқ ва давлат манфаатини устун қўйиш, бой маънавият, юксак сиёсий маданият кўрсаткичидир.

Шуниси диққатга сазоворки, кейинги йилларда давлат бошқарувининг парламентар республика ва монархия шакли жорий этилган давлатларда ҳам марказий ўринни парламент эмас, балки ҳукумат эгалламоқда. Бундай ҳолатни ҳатто ривожланган мамлакатлар – Олмония, Буюк Британия, Италия, Япония ва бошқа давлатларда ҳам кўришимиз мумкин. Бу мамлакатларда аслида бошқарувнинг парламентар республика ва парламентар монархия шакли мавжуд бўлса-да, ижро ҳокимияти раҳбари бўлмиш ҳукумат бошлиғига жуда катта ваколатлар берилган. Баъзи бир хорижий олимларнинг фикрига кўра, бошқарувнинг парламентар республика ва монархия шакллари жорий этилган давлатларда (Олмония, Буюк Британия, Япония) ҳукумат бошлиғининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеи президентлик республикаси бошқаруви шакли ўрнатилган мамлакатлар президентларининг ваколатларидан катта. Чунки президентлик республика бошқарувида у давлат бошлиғи ҳисобланади. Бинобарин, бошқарувнинг парламентар республика шаклида ижро ҳокимиятининг бошлиғи, яъни ҳукумат бошлиғи парламент сайловлари натижасида сайланганлиги сабабли унинг ҳам ижроия, ҳам қонунчилик ҳокимиятига раҳбарлик қилиш имконияти катта. Чунки у ҳукумат бошлиғи сифатида ижроия ҳокимиятини бошқарса, парламентга ўтказилган сайловларда кўп овоз олган сиёсий партия раҳбари сифатида парламентга ҳам таъсир кўрсатиш имкониятига эга.

Умуман, жамиятни бошқаришда давлат бошлиқларини сайлаш тартиби ҳам жуда катта сиёсий аҳамият касб этади. Парламентар республика бошқаруви шаклидаги давлатда президент парламент аъзолари овози билан сайланади. Президентлик республикаси бошқаруви шаклидаги мамлакат президенти эса парламент иштирокисиз, бевосита халқ томонидан сайланади, ўз ваколатларини халқдан олган ҳисобланади. Ҳозирги замон давлатчилиги тажрибасига таяниб шунини алоҳида таъкидлаш мумкинки, бошқарувнинг президентлик республикаси шакли давлат бошқарувининг энг мақбул шаклидир. Масалага аниқлик киритиш учун мисол келтирайлик. Россияда аҳвол тобора чигаллашиб боришида парламентнинг ҳам маълум даражада айби бор. У икки йил ичида битта Конституцияни қабул қила олмади. Чунки мамлакатда бошқарувнинг асосий йўналишини белгилаб берувчи бош қонун йўқ эди. Зудлик билан шошилиш тарзда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар парламентда ортиқча мунозара, жанжал ва ёқалашлар туфайли ҳал этилмади. Нағжада халқ оч қолди, қон тўкилди. Мамлакат боши берк кўчага кириб кетди.

Ўтиш даврида ўз вақтида қабул қилинмаган қарор мамлакат ва халқ бошига қутилмаган қулфатларни солиши, ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошқа ўзганга буриб юбориши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай пайтда Президент ижроия ҳокимиятни ўз қўлига олиши ва шошилиш тадбирларни амалга ошириш ваколатига эга бўлиши лозим. Ана шунда қарорлар ўз вақтида қабул қилинади, масалалар ўз вақтида ечимини топади.

Умуман, давлат бошқарувида меъёрий актларнинг ўз вақтида қабул қилиниши катта аҳамиятга эга. Бунда ижроия ҳокимияти билан қонунчилик ҳокимияти ҳамкорликда ишлаши лозим. Шундай тажрибанинг Ўзбекистонда қўллангани яхши самара берди ва ҳозирги бир маромдаги ривожланишга асос бўлди.

Ўзбекистондаги бошқарувнинг адолатли томони шундаки, республика Конституцияси энг демократик давлатлар тажрибасига таяниб қабул қилинди. Бошқарувнинг уч ҳокимиятга

бўлиниши, ҳар бир мансабдор шахснинг ваколатлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилгани муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон давлатчилигида қатъий интизом бор. Бу интизомни назорат қилиб борувчи Конституциявий суд мавжуд. Олдинги конституциявий назорат кейинчалик судга айлан-тирилди. Чунки назоратда муҳокама қилиш, таҳлил этиш, келишувчанлик мавжуд, судда эса қатъий интизом, қатъий ҳукм бор. Бу ўтиш даврида қатта аҳамиятга эга. Жумладан, ҳар қандай масалани узил-кесил ҳал этиш, қатъий қарор ва хулосага келиш имконияти мавжуд.

Бошқарув шакллари тўғрисида икки оғиз сўз. Кўпинча бошқарув шакли билан сиёсий режим тушунчаларининг фарқи бормаймиз. Масалан, президентлик республикаси бошқаруви шаклида фуқароларнинг, партиялар ва парламентнинг ҳуқуқлари чекланади, ҳокимият бир шахснинг қўлида қолади, халқ вакилликнинг имкониятлари тораяди, деган фикрларни билдирадиганлар бор. Ваҳоланки, бошқарув шакли бошқа, сиёсий режим бутунлай бошқа нарса. Бошқарув шакли деганда марказий давлат органлари тизими тартиби, уларнинг ўзаро муносабатлари ва ваколатларининг чекланиш даражаси тушунилади. Марказий давлат органлари жумласига эса қонун чиқарувчи орган – парламент, ижро ҳокимияти – ҳукумат ва давлат бошлиғи, судлов органи, Олий суд киради.

Сиёсий режим эса давлатдаги шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари даражаси, шахснинг ҳуқуқий ҳолати, фуқаролик муносабатлари ва уларнинг конституцион мустаҳкамланишидир. Масалан, АҚШ бошқарувининг президентлик республикаси шаклида, Буюк Британия бошқарувнинг парламент монархия, Германия – парламентар республика, Франция эса дуалистик республика шаклида бўлиши кабилар. Буларда бошқарув шакли турлича бўлсада, бир хил сиёсий режим – демократик режим ўрнатилган. Демак, Ўзбекистонда ҳам бошқарувнинг қандай шакли жорий этилишидан қатъи назар, сиёсий режим ўз йўналишида кетаверади.

Туб бурилишлар ва инкилобий ўзгаришларнинг самарали бўлиши ё бўлмаслиги, жамият ҳаётининг қандай ўзганга бу-

рилиб кетиши, кишилар тақдирининг қандай тус олиши бевосита давлат бошлиғининг дунёқараши, оғир пайтларда энг мақбул ва энг тўғри йўналишни тез англаб олиш қобилияти билан боғлиқ. Дарҳақиқат, инсоният ва жамият тараққиётида шахснинг роли бениҳоя катта. Раҳбар шахснинг маънавий, ижтимоий-сиёсий баркамоллиги, қандай мақсад ва ғоялар билан яшаётгани муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Шарқ донишмандлари давлат тепасида турган кишининг қанчалик доно, ақлли ва сезгир бўлиши ўша давлат ва халқнинг бахтидир, дейдилар.

Кишилиқ тарихи турли даврларда турли дунёқарашдаги давлат арбобларини кўрганки, улар инсоният тақдирини бутунлай қутилмаган томонларга буриб юборган. Тарих ўзаниларини ўзгартириб, кейинги авлодлар тақдири, ҳаётининг мазмун-моҳияти бошқача тус олишига сабаб бўлган. Дейлик, Соҳибқирон Амир Темур марказлашган йирик давлатчилик ғоялари билан яшамаганида, тарқок туркий халқларни бирлаштирмаганида, жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган улкан маданиятнинг дунёга келишига замин яратилмасди. Амир Темур ўрнида бошқа бир одам худди шу йўналишда, айна шу тарзда иш олиб борарди, деб ҳеч ким қафолат бера олмайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бошига тушган кулфат туфайли тақдир тақозоси билан «Ҳинд сори юзланди»-ю, бутун Осиё заминида тарих, улкан ҳудуд аҳолисининг турмуш тарзи ўзгариб кетди. Дунё давлатчилиги анъаналари мисли кўрилмаган жиҳатлар билан бойиб, турли дин, мазҳаб, миллат, элат ва ғоядаги кишиларни буюқ мақсадлар йўлида бирлаштириш сингари улкан дипломатия ва ноёб сиёсат туфайли жаҳон маданияти тараққиёти янада тезлашди.

Ўзбекистон Президенти эса сиёсий, ташкилий, ғоявий ва бошқа турли маъмурий жиҳатлардан жуда мустаҳкам, эскича тузум томирлари илдиз отиб кетган бир шароитда янгича тафаккур ва янгича яшаш тарафдори бўлиб чиқди. Мана, мустақилликнинг нечанчи йилидирки, эскилик билан тинмай курашиб, янгиликни вазминлик ва машаққат билан онгимизга сингдириб келмоқда. Унинг новаторлик кучи мамлакатни

бир тузумдан иккинчи бир тузумга ўта хушёрлик, донолик билан, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига қатъий ишонч, барча соҳадаги ислохотларни изчиллик ва қаттиққўллик билан жорий этишга интилишида намоён бўлмоқда. Бу – Президентнинг шахс сифатидаги ноёб фазилатидир.

Очигини айтайлик, мабодо тақдир тақозоси билан давлат тепасига Ислом Каримов ўрнига бошқа одам келиб қолса, Ўзбекистон ўшанда ҳам худди шу йўлдан борармиди? Бунга ҳеч ким қафолат бера олмайди! Албатта, феъл-атвори, воқеа-ҳодисаларга муносабати, жараёнларни нечоғли тўғри баҳолай билиши жиҳатидан бошқа раҳбар ё ўта «демократ» бўлиб, мамлакатни «бозор»га айлантириб, халқ бошига қўшни давлатлар кунини соларди, ё бўлмаса бир жойда депсиниб, ўз қобиғидан чиқолмай тураверарди. Ҳар икки ҳолатда ҳам фақат халқ жабр кўрарди. Бутун машаққат ва азоб-укубат унинг бошига тушарди. Айни пайтда эса Ўзбекистонда энг мақбул йўл танланганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Бугунги Ўзбекистонга жаҳоннинг энг тараққий топган улкан мамлакатлари, номдор ва машҳур арбоблари алоҳида эътибор билан қарашмоқда. Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва интеллектуал потенциали, ер ости бойликлари, яратувчиликка қодир халқи, кўпмиллатли мамлакатдаги барқарор тинчлик ва бошқа жиҳатлар ана шундай эътиборга асос бермоқда. Президент Ислом Каримов фаолиятига эса Бутрос Ғолий, Франсуа Миттеран, Ҳельмут Коль, Нарасимха Рао, Сулаймон Демирэл, Одольф Огей сингари дунё тан олган сиёсат ва давлат арбоблари юқори баҳо беришмоқда. Бугунги Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати мамлакатнинг ичида қанчалик тан олинса, жаҳон майдонида ҳам шунчалик эътироф этилмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси қалбида фахру ифтихор туйғуларини кучайтиради.

Биз шу кунларда Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг ўзига хос самараларидан бирини – халқаро ижтимоий фикрнинг Ўзбекистонга нисбатан янада ижобий томонга тобора кўпроқ ўзгараётганини кузатяпмиз. Бунга кўплаб мисол келтириш мумкин. АҚШда энг кўп нусхада чиқадиган нуфуз-

ли газеталардан бири ўзининг бир саҳифасини Ўзбекистон ҳақидаги хилма-хил маълумотларга бағишлаган. Кейинги пайтларда Россия оммавий ахборот воситалари ҳам республикамиз ҳақидаги турли маълумотларни эълон қилаётгани бунга яна бир далилдир. Очигини айтиш керак: буни кўра олмаётганлар ҳам ёки ўзини кўрмасликка олаётганлар ҳам бор.

Ўзбекистоннинг янги тарихий шароитларда ўз тараққиёт йўли, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг боришига ўз муносабати, дунёвий муаммолар ва умуминсоний масалаларни ҳал этишда ўз мустақил фикри, илмий асосланган хулосалари мавжуд. Президент эса тарихан жуда қисқа даврда – мустақилликнинг икки ярим йилида ўзининг бекиёс имкониятларини, ҳозирги замоннинг улкан сиёсат ва давлат арбоби сифатидаги янгидан-янги, такрорланмас кирраларини намоён этмоқда. Қатор нуфузли халқаро ташкилотлар тизимига, дастурлари ва йўналишларига жиддий ўзгартиришлар киритмоқда, ҳозирги замон тараққиёти талабларидан келиб чиқиб, олис келажакни қайси йўналишга буриш жаҳон халқлари манфаатларига кўпроқ мос келиши хусусида принципиал таклифларни ўртага ташламоқда. Ўзбекистон жаҳон сиёсати ва давлатчилиги тарихида янги саҳифа очмоқда.

Ўзбекистон оламга юз тутди. У биринчи бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан жаҳонга мурожаат қилди. Шу нарса кишини қувонтирадики, давлатимизнинг биринчи мурожаатини олам аҳли зўр қониқиш билан кутиб олди. Бизнинг ким эканимизни билиб, мақсадларимизни тушуниб, олқишлади. Юртбошининг неча йиллардан бери ўтказган бедор тунлари, ҳаловатсиз кунлари, чеккан азиятлари ўзини оқлади. Жаҳон Ўзбекистонга ишонди. Ўзбекистон эса катта ислохотлар ўтказишга, туб бурилишлар ясай олишга қодир эканлигини кўрсатди. Бу йўлда жаҳон Президент Ислам Каримов шахси мисолида ишончли қафолат борлигига амин бўлмоқда.

Ўзбекистон Шарқ анъаналарига мос «етти ўлчаб – бир кес» принципида доимий олға бориш йўлини танлаган.

Халкнинг ўз йўлбошчисига, йўлбошчининг эса халкига ишониб яшаши файзу баракотга олиб келади. Машхур сайёҳ Христофор Колумб ўз кемасида буюк китъани очиши арафасида унинг одамлари ортга қайтишни талаб этиб, уни қистовга олган эканлар. Лекин йўлбошчининг қатъияти туфайли жаҳонда янги китъа кашф этилди. Ўйлаймизки, Ўзбекистон ҳам жаҳонда янги мустақил давлат бўлиб, курраи замин кўксида, Осиё кўксида абадий чарақлаб туради. У босиб ўтган йўл кўпларга ўрнак бўлади.

1994 йил

ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

*(Вилоят университетлари фаолияти
ҳақида мулоҳазалар)*

Жаҳон тараққиёти тажрибаси жамиятни таълимсиз, илм-фансиз ривожлантириб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Дунёда ҳеч бир давлат саводсизлик ва хурофот туфайли яхшилик кўрмаган. Инсоният цивилизацияси ҳамма вақт онг ва тафаккур тараққиёти, унинг бекиёс куч-қудрати, яратувчилик даҳоси билан тарихда буюк силжишлар қилган. Турли даврларда, турли минтақаларда, турли ҳолатларда юз берган бундай ҳодисалар инсон ва жамият тараққиётини кутилмаган чўққиларга олиб чиққан.

Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлини тутганига кўп вақт ўтгани йўқ. Ана шу қисқа муддатда фан ва техникага муносабат, олий таълимни ривожлантириш, энг замонавий талабларга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президент Ислом Каримов илм-фан тараққиётига катта эътибор билан қарамоқда. Айни пайтда у энг ривожланган мамлакатлар тажрибасига таяниб, замонавий кадрлар тайёрлашни долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Натижада кўплаб талабаларимиз дунёнинг бир қанча мамлакатларида таълим олмақда, ёш олим ва мутахассисларимиз оламга машхур илм масканларида

малакасини оширмоқда. Буларнинг барчаси ёш, мустақил мамлакат таракқиётига пишиқ-пухта замин яратиш ниятида қилиняпти.

Хориж тажрибасини ўрганиш билан бирга миллий заминда, мингйилликлар мобайнида шаклланган таълим-тарбия анъаналарини такомиллаштириш, ўқиш-ўқитиш тизимини баркамоллаштириш шу куннинг муҳим вазифасига айланган. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов олий таълимни барча имкониятларни ишга солиб такомиллаштириш, мазкур тизимни янги тарихий шароитларда янгича талаблар асосида қайта қуроллантириш вазифасини кўндаланг қўймоқда. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қисқа фурсатда олий таълим соҳасида амалга оширилган ишлар кимларнингдир қарашларига мос келмаяпти. Тобора шаклланиб, кучга тўлиб бораётган мамлакатимиз равнақи аллакимларнингдир гашига тегмоқда. Хусусан, олий таълим борасидаги ислохотларни кўр-кўрона таҳлил этиб, ўз манфаатларига мос келмаган ҳар қандай ижобий тажрибаларга салбий тус бермоқчи бўлганларнинг фикрлари асоссиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Олий таълим тизими чин маънода туб ислохотни бошдан кечирмоқда. Жумладан, вилоятларда университетларнинг ташкил топиши бу соҳадаги дастлабки улкан қадамдир. Айни пайтда у узокни ўйлаб қилинган иш, юксак маънавий-маърифий сиёсат. Халқ ва давлат манфаатига тўла мос келадиган хайрли ҳодиса.

Айрим муҳолифларимиз вилоят университетларининг ташкил топишини кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимида орқага кетиш, деб баҳоламоқда. Улар тайёрланаётган кадрларнинг бир қисми малакасиз эканини, жойларда тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг етишмаслиги, университетларнинг моддий-техника базаси етарли эмаслигини рўқач қилмоқдалар. Улар айни шундай асоссиз ва майда мулоҳазалари билан омма фикрини чалғитишга ҳаракат қилишади. Келинг, воқеликка холисона ёндашайлик. Унга ҳаёт талаби, халқ ва мамлакат эҳтиёжи нуктаи назаридан баҳо берайлик. Бирпас бўлса-да, ўз манфаатимизни четга суриб

кўйиб, масалани умумхалқ ва умумдавлат манфаати нуктаи назаридан таҳлил қилайлик.

Биринчидан, вилоятларда олий университет таълимини ташкил этиш ўша жойларда илмий-маърифий ишларни ривожлантиришга, энг олис ва чекка шаҳарларни маданий-маърифий марказга айлантиришга асос бўлди. Бу, ўз-ўзидан, аҳоли ўртасида илмий-ғоявий ҳамда маънавий тафаккурни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Илмий ва маърифий ишлар халқ ҳаётига тобора кўпроқ, тобора чуқурроқ кириб борапти. Янги илмий-техникавий ишланмалар, ихтиролар ўз яратилган жойида тезда ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Бу эса мамлакат аҳолиси онги ва дунёқарашини кенгайтиришда катта аҳамият касб этади.

Иккинчидан, Ўзбекистон тарихий-жўғрофий жиҳатдан хилма-хил ҳолат ва иклимга эга бўлган мамлакат. Мамлакатимиздаги турли ҳудудлар аҳолиси умумий ягона тарихга эга бўлгани баробарида руҳияти, яшаш тарзи, воқеликка муносабати, ҳодисаларни қабул қилиш ва ҳулосалар чиқариш жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Дейлик, Фарғона водийси халқларининг яшаш тарзи билан Хоразм халқи ёхуд Бойсун, Сариосиё аҳолиси билан Бухоро, Самарқанд, инчунин, Мирзачўл ё Фориш аҳолиси яшаш тарзида анча-мунча фарқ бор. Бундай ҳодиса бир вилоятнинг ўзида ҳам турли кўринишларда намоён бўлади. Ана шундай мамлакатда ҳар бир ҳудуд ёшларининг илм олишга, касб эгаллаш, замонавий фан-техниканинг ўзига макбул бўлган жиҳатларини ўрганишга ўзига хос эҳтиёж юзага келиши табиий. Буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Қадимий Хоразм ўзининг машҳур математиклари, астрономлари, тарихчилари ва давлат арбоблари билан, Фарғона водийси халқлари эса дунё тан олган шоиру адиблари билан машҳурдир. Узоқ йиллик мустамлакачилик йилларида ҳам бу халқлар ўз ота-боболари анъаналарига содиқ қолди, ўзлигини йўқотмади, дунёқараши ва авлодларидан мерос буюкликни сақлаб қолди. Лекин шўро даврида бор эътибор марказга қаратилгани туфайли у ерларда туғилган истеъдодларнинг кўпчилиги марказга келишга мажбур бўлди. Натижада мар-

каздан узокда яшайдиган аҳолининг илмий-маданий савияси сезиларли орқада қолди. Марказ илгарилагани сари олисдаги аҳвол ёмонлашиб бораверди. Бу ҳолат бутун мамлакатдаги ишлаб чиқаришда, иктисодиётда ва умумий тараққиётда тузатиш қийин бўлган салбий ҳодисаларни келтириб чиқарарди.

Шу маънода Президент Ислон Каримов сиёсати ўзбек миллий анъаналарини тиклаш, туб аҳолининг яшаш тарзидан келиб чиқиб, унинг ноёб истеъдодини тарбиялаш, рўёбга чиқариш сиёсатидир. Шунинг учун ҳам у миллий кадриятлар ривожига катта эътибор билан қарамоқда.

Учинчидан, ўзбек миллий урф-одатларидан бири оила аъзолари, қариндош-уруғлари билан яқин яшаш ва бир-биридан хабардор бўлиб туриш анъанасидир. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, ўз фарзандларини узокқа эмас, аксинча яқин атрофда ўқитиш, малакали мутахассис қилиб етиштириш улар учун орзудир. Вилоят университетларининг ташкил этилиши айна шу орзунинг амалга ошишига ҳам замин яратади. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Айна талабалик йиллари ўсмирнинг шахс бўлиб шаклланишдек мураккаб ва зиддиятли даврига тўғри келади. 17–25 ёш инсоннинг бутун ҳаётини белгилаб берадиган, унинг келажагига замин яратадиган палла. Шарк халқ педагогикасида эса фарзандга айна ана шу ёшида алоҳида диққат-эътибор билан қараш лозимлиги айтилади. Зеро, ўспирин ота-она назоратидан узоклашгач, ўзича «эркинлик» нашидасини суради ва ўқиш-ўрганиш машаққатидан кўра кўпроқ ўйинқароқликни, роҳат-фароғатни ўйлайдиган бўлиб қолади. Кўча-кўйдаги ҳар қандай салбий ҳодиса унга тез таъсир қилади.

Тўртинчидан, вилоят университетларининг ташкил этилиши талабаларнинг иш жойига яқинлигига, ҳаёт билан илмнинг, назария билан ишлаб чиқаришнинг яқинлашувига катта ёрдам беради.

Яқин келажакда илмда ҳам рақобатни йўлга қўйиш заруратга айланади. Рақобат эса чиндан-да, ривожланиш негизи. Бусиз тараққиёт бўлмайди. Илмдаги рақобат чинакам онг ва дунёқарашларни ёритгувчи маёқ бўлиши шубҳасиз. Қайси университет ўз ихтиролари, илмий хулосалари, яратаётган

ишланмалари билан ном чиқарса, ўша университетда ўқиш талаби ошиб боради. Бу жиҳатдан ҳам мамлакат маркази ва вилоятларда университетларнинг кўпайтирилиши самарали ҳолат. Зеро, ҳақиқий рақобат ана шундай шароитдагина кучаяди.

Бешинчидан, мамлакатда олий таълимга қизиқиш кенг тус олмақда. Жумладан, вилоят ҳокимликлари, маҳаллий раҳбарлар ҳам бунга алоҳида масъулият билан қарамоқда. Чунки улар ўз вилояти келажagini, тараққиётини ана шу ердаги олий таълим марказлари фаолияти билан боғлиқ ҳолда кўрадилар. Вилоят ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган янги соҳаларни ўзлаштириш, янги ихтисосликларни ташкил этиш, мазкур йўналишларни ривожлантирадиган маҳаллий кадрларни ўзлари тайёрлаш имкониятига эга бўлишади. Олдинлари марказда ўқиган кадрларни вилоятга юбориш анчагина муаммоларни туғдирар эди. Энди эса бу масала ҳам ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Олтинчидан, дунёнинг энг илғор, энг машхур ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари кенгаймоқда. Ҳар бир университет профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчи ва ихтирочилари ўз ихтисосликлари бўйича хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилмоқда. Бу эса дунё тажрибасини тезроқ мамлакатимизга олиб кириш, миллий фан ва техникани янги тараққиёт ўзанига буриш, шу асосда мамлакат ривожини жадаллаштириш имконини беради.

Вилоят университетларини ўқитувчи ва раҳбар кадрлар билан таъминлаш, уларни сифат жиҳатидан яхшилаш чоралари изчиллик билан кўриб чиқилапти. Жумладан, мамлакат марказидаги Фанлар академияси ва етакчи олий ўқув юртлари олимларидан бир гуруҳи вилоятларга юборилди. Улар жойларда ўқув-педагогик ишларнинг энг илғор тажрибаларини жорий этмоқдалар. Янги мавзуларда илмий изланишларни йўлга қўймоқдалар. Ўзлари иш олиб бораётган ҳудуд муаммоларини ўрганиш ва уларни вақтида ҳал этишнинг илмий ечимларини топмоқдалар.

Бир қатор университетларда янги замонавий бўлимлар ва кафедралар ташкил этилмоқда. Уларда мамлакат халқ

хўжалигини ривожлантиришга оид энг долзарб масалалар устида илмий тадқиқот ишлари олиб бориляпти. Масалан, Бухоро давлат университетида республика Фан-техника давлат кўмитаси дастурига кирган кўплаб мавзулар бўйича жиддий илмий тадқиқотлар яратилмоқда. Мазкур университетда тузни тозалаш, маҳаллий хомашёдан спирт, бўяш ва ювиш содалари олиш, биологик йўл билан сувни тозалашнинг янги технологиялари ишлаб чиқилди.

Андижон давлат университетида илмий кадрларни етиштиришда катта муваффақиятларга эришилмоқда. Илмий тадқиқотлар орасида пахта сифатини яхшилаш ва ҳосилдорлигини ошириш муаммолари катта ўрин тутмоқда. Чунончи, бу даргоҳда «Ғолиб-1» янги пахта нави яратилди, «Гибрид» нави синовдан ўтказилди. Мазкур навларнинг афзаллиги шундаки, уларнинг тола бериш даражаси 45 фоиздан ошмоқда. Хўжалик ҳисобидаги лаборатория эса янги тўқимачилик материаллари ишлаб чиқариш муаммолари билан шуғулланади...

Дастлабки натижалар шуни кўрсатмоқдаки, каерда янги университетлар ташкил этилган бўлса, ўша ерда ҳаёт ўзгаришти, илмий изланишларнинг илғор йўналишлари ишлаб чиқилипти. Энг муҳими – одамлар дунёқарашида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

Олий таълим тизимини такомиллаштириш, уни тубдан ислоҳ қилиш жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари тажрибасини ўрганиш ва уларга таянишни ҳам тақозо этади, албатта. Мамлакатнинг пойтахтдан ташқари шаҳарларида олий университет таълими марказларини ташкил этишнинг ижобий самараларини етакчи, ҳар томонлама ривожланган мамлакатлар тажрибасида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Америка Қўшма Штатларининг Кембридж шаҳридаги Гарвард, Стенфорд шаҳридаги Стенфорд, Пристон шаҳридаги Пристон, Буюк Британиянинг Оксфорд шаҳридаги Оксфорд, Лид шаҳридаги Лид, Фарангистоннинг Страсбург, Лион, Дижон, Гренбль шаҳарларидаги мазкур шаҳарлар номи билан аталадиган университетлари ўзининг юксак малакали кадрлар тайёрлаши ва илмий имкониятлари билан жаҳонда

ном чиқарган. Олмонияда эса олий университет таълимнинг ўзига хос тажрибаси бор. Бу энг самарали ва ҳаёт синовидан ўтган тажриба ҳақида нисбатан батафсилроқ тўхталиш лозим, деб ўйлаймиз.

Энг қадимий олмон университети Хайдельберг шаҳрида 1386 йили ташкил этилган. XV асрга келиб мамлакатда университетлар бекиёс даражада ривожланди. Ўша пайтда ташкил этилган олий таълим масканлари Лейпциг, Росток, Грайфсвальд, Фрайбург, Тюбинген ва бошқа шаҳарларда ҳозиргача фаолият кўрсатиб келмоқда.

Уларда ўқиш ва ўқитиш ишлари илмий тадқиқот фаолияти билан чамбарчас боғланган ҳолда олиб борилади. Мамлакат тараққиётининг катта-катта муаммолари ана шу даргоҳларда ўзининг илмий ечимини топади. Илм ва маърифатга ташна немис ёшлари малакали мутахассис бўлиш учун астойдил интилади. Шунинг учун ҳам айни пайтда Мюнхен ва Берлин университетларида 60 мингдан ортиқ, Кёльн, Мюнстера, Гамбург университетларида эса 40–50 минг талаба таҳсил олмоқда.

Ишлаб чиқаришни механизациялаш, кам меҳнат сарф қилиб, кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун олмонияликлар бутун имкониятларини ишга соладилар. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, олий малакали мутахассислар билан саноатни қуроллантириш мақсадида Олмонияда техника университетларини кенгайтириш ва мамлакатнинг бошқа минтақаларида ҳудудий университетларни янада кўпайтириш дастури ишлаб чиқилган. Шунинг учун ҳам мамлакат тараққиёти тобора тезлашмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакат ривожига бевосита халқ дунёқараши, унинг билим даражаси, ақл-идроқи билан боғлиқ. Халқи доно, жаҳон фани ва илмидан хабардор мамлакатнинг равнақи тез ва баракали бўлади. Албатта, бу борада бизнинг мамлакатимизда ечимини кутаётган долзарб муаммолар мавжуд. Бирок уларнинг ҳаммасини тез ва бир йўла ҳал қилиб бўлмайди. Жумладан, мавжуд университетлар моддий-техника базасини йилдан-йилга мустаҳкамлаш, уларни энг замонавий ўқув-методик ашёлар билан жиҳозлаш, муаммовий лаборатори-

яларни куруллантириб бориш катта маблағни талаб этади. Айниқса, профессор-ўқитувчилар таркибини кенгайтириш, уларнинг малака сифатини ошириш, илмий ходимлар ва тадқиқотчилар фаолиятини энг долзарб ва самарадор мавзуларга йўналтириш учун анча вақт керак. Мамлакат раҳбарияти ва ҳукумати ана шу қийин ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун бутун чораларни ишга солмоқда, катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Хорижий мамлакатлар билан фан-техника ва таълим соҳасида ҳамкорлик тобора чуқурлаштириб бориляпти. Буларнинг барчаси мазкур тизимда кескин бурилиш яшаш, келажакда мамлакатни энг кучли, билимдон, юқори савияли кадрлар билан таъминлаш имконини беради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар умуман олий таълим тизимини қайтадан кўриб чиқиш, унинг фаолиятини ҳаётга тобора яқинлаштиришни кун тартибига қўймоқда. Жумладан, олий таълимнинг янги минтакавий дастурини ишлаб чиқиш, шу асосда ҳар бир вилоят ҳаётидаги муаммоларни ўз жойида чуқур, илмий жиҳатдан ўрганиб, асосли хулосалар чиқариш тақозо этилади. Ҳар бир вилоят ишлаб чиқаришини фан ютуқлари асосида қайта куруллантириш, ижтимоий, иқтисодий, демографик, жўғрофий муаммоларни чуқур ўрганиш эса бутун мамлакат халқ хўжалигини яхлит ривожлантириш имконини беради.

1994 йил

ВАТАНДАН ЎЗГА ЖАННАТ ЙЎҚ

*Аждодларимиз, буюк бобокалонларимиз руҳини шод этиб,
ватандошларимиз қалбига гурур бағишлаб, келажак
авлодларимизга фахру ифтихор беражак нондек азиз
мустақиллигимизнинг мўътабар қуни кириб келмоқда.
Олтин кузнинг биринчи кунлари ана шундай файзлидир*

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида мустақиллигимизнинг янги-янги ютуқларини кўрмоқдамиз. Истиклолимизнинг уч йиллиги миллий давлат қурилишининг амалий йўналишлари

тўғри танланганидан далолат бериб турибди. Жаҳонда ёш ўзбек давлатининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳадаги ютуқлари кенг тан олинмоқда.

Республикамизга турли давлатлар ривожланиш моделларини татбиқ қилмоқчи бўлган «устозлар» энди тараққиётнинг ўзига хос ўзбек модели пайдо бўлганини, у тобора шаклланиб, муваффақиятли амалга оширилаётганини яққол кўрмоқдалар.

Айни пайтда мухолифларимиз давлат бош ислохотчи бўлиши лозимлиги тўғрисидаги тамойилга биринчи навбатда қарши турмоқдалар. Чунки улар халқ манфаати йўлида хизмат қилаётган кучли давлат мавжудлиги ўзларининг ғаразли ниятларини амалга оширишга йўл қўймаслигини жуда яхши биладилар. Давлат қанча кучсиз бўлса, миллат, халқ бошига шунча кўп кулфат тушади. Ўз халқини ҳимоя қила олмайдиган давлат халқ бошига қанча кулфат келтиришини қўшни республикалар мисолида кўрдик.

Мухолифлар уч йил мобайнида қўлга киритилган ютуқларнинг барчаси республика Президентининг кенг қўламли фаолияти, доно сиёсати натижаси эканлигини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам, биринчи навбатда, Юртбошимизнинг тобора ошиб бораётган мавқеини қандай бўлмасин пасайтириш учун унинг сиёсатига қарата тошлар отмоқдалар, Президент Ислоҳ Каримов бошқарувини яккаҳоқимчилик деб коралашга уринмоқдалар.

Улар авваламбор халқ ўз раҳбарига нақадар ишонаётганини кўра олмаётирлар. Президентнинг ўз халқи, миллати ва давлати манфаатлари йўлида қилаётган самарали ишлари уларнинг уйқусини қочиряпти. Чунки улар Президентни халқдан, халқни Президентдан узоқлаштирибгина ўзларининг нопок ниятларига эришиш мумкинлигини жуда яхши тушунадилар.

Халқнинг ўз Президентига ишониши, бошқача қилиб айтганда, халқ ва давлат бирлиги – чексиз қудрат ва енгилмаслик гарови, келажаги буюк Ўзбекистон давлатининг қафолатидир. Мухолифлар демократия сўзини ўзларича тушунади ва ўз фойдасига мос ҳолда талқин этади. Улар наздида, демок-

ратия – кўчаларда митинглар, намойишлар, йиғилишлар, тўс-тўполонларнинг кўплиги билан белгиланади. Мантикий бир савол туғилади: халқ намойиш ва митингларга қачон ва нима учун чиқади? Қачонки, халқ ўз давлат раҳбарларига ишонмаганда, раҳбар ўз халқи манфаатларини ўйламаганда. Аллоҳга шукрки, Ўзбекистон Президенти учун халқ манфаатидан юқори турувчи бошқа мезон йўқ. У халқи ва унинг буюк келажаги учун ўз ҳаётини, орзу-умидини, кучи, бутун имкониятини бағишлаган. Буни кўрмаслик мумкин эмас! Кўриб кўрмасликка олиш эса халқ, миллат келажагига хиёнатдир!

Мухолифлар давлатнинг бош ислохотчи бўлиши зарурлигини тан олмайди. Ўзининг бу ноқис фикрини асослаш учун хорижий мамлакатлар номини рўқач қилишади. Аслида эса ривожланган давлатларнинг ҳозирги тараққиёт даражасига эришиши учун асрлар вақт кетгани, Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Хитой ва бошқа мамлакатларда эса давлат шиддатли тараққиётнинг бош омили бўлгани тарихий ҳақиқатдир.

Давлатнинг ислохотчилик ролини камситиш мақсадида айримлар уни демократик институтларга қарши қўймоқчи бўлади. Бу эса мухолифларимизнинг қисқа муддатда эришилган, жаҳон тан олаётган ютуқларимизни кўра олмаётганидан далолат беради, холос. Улар ўзбек давлатчилигини, миллий, халқ руҳиятига асосланган демократиямизни ва умуман, мазкур ҳодисанинг жамиятда тутган ўрнини англаб ололмапти.

Ўзбекистон чинакам демократик давлат қуриш йўлидан боряпти. Унинг асосий тамойилларидан бири халқ ҳокимиятчилигидир. Бу – ҳаёт ҳақиқати! Давлатнинг ўзи бу тамойилни ҳаётга татбиқ қилишда жонбозлик кўрсатаяпти. Бунга мустақиллигимизнинг қисқа даврида қабул қилинган Конституция, фуқаролик, сайловлар тўғрисидаги қонунларимиз, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда қабул қилинган ҳуқуқий нормалар далил бўла олади.

Давлатимиз раҳбарининг камчиликларни аниқ очиб бериши, жинойтчиликка қарши кураш ва бошқа турли соҳалардаги фаолияти халқ манфаатлари учун қилинаётган ишларнинг нақадар уйғунлашганлигига мисол бўлади. Президент Исло

Каримов томонидан ишлаб чиқилган ўзбек давлатчилиги ривожланишининг беш тамойили хорижий мамлакатларда кенг талкин қилинмоқда. Улар бу тамойилларнинг ҳаётийлиги, илмий асослангани тўғрисида гапириб, Ўзбекистон давлатининг катта ўзгаришлар йўлида муҳим кадам ташлаётганини таъкидламоқдалар. Бу борада Германия канцлери Хельмут Колнинг қуйидаги сўзлари эътиборлидир: «Давлат ривожининг беш принципини ишлаб чиқиб, уни қўрқмай оламга эълон қилаётган янги давлатнинг раҳбари тутган йўл муваффақиятнинг гаровидир».

Лекин баъзи ватанфуруш муҳолифларимиз ва уларнинг хориждаги ҳомийлари ўзбек иқтисодиётининг таназзули, унинг оғир аҳволи, иқтисодий турғунлик каби гаплар билан бизни ва жаҳон жамоатчилигини чалғитишга ҳаракат қилишади. Бунинг ёлғон ва бўҳтон эканини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Ўзбек иқтисодиётининг ҳар томонлама текис ривожланаётгани, собиқ Иттифок таркибидаги республикалардан фарқли ҳолда, барқарор экани ҳеч кимга сир эмас. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жадаллаштирувчи кучи сифатида республика Президенти тургани рақибларимизни янада жазавага соляпти. «Мансаб тутқаноғи» касалига учраган бу ватангадолар ҳаётимиздаги баъзи хўжасизлик, бепарволик, сансалорлик ва шунга ўхшаш салбий жараёнларни бўрттириб кўрсатиб, ўзларининг ифвогарона фикрларини исботлашга уринмоқдалар.

Биз таваккалчиликни тўлиқ инкор этиб, Шарқ анъаналарига хос аниқ режа ва тадбирлар билан давлат юргизиш туфайли бугунги шукуҳли кунларга етиб келдик. Эришилган ютуқларимиздан энг муҳими Ўзбекистон сиёсий мустақилликни қўлга киритганидир. Сиёсий мустақилликнинг барча белгилари: ўз чегарамизга, фуқаролигимизга эга бўлганимиз, ўзимизнинг олий давлат, ҳокимият бошқаруви, ижро ва судлов ҳокимияти, қонунчилигимиз мавжудлиги, хорижий давлатлар билан мустақил алоқалар олиб бориш имкониятимиз унинг ифодасидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси эса ҳуқуқий давлат бошқарувида йўлчи юлдуз бўлиб туражакдир.

Ўтган уч йил мобайнида Конституцияга нисбатан бирор маротаба ҳам эътироз билдирилмагани, тортишувли ҳол юзага келмагани – унинг пухта ишлаб чиқилганидан далолат беради. Бу эса давлатимизда юксак руҳий-маънавий ҳолат ҳукм суришини таъминлаш имконини беради.

Энди олдимиздаги асосий вазифа – Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига эга бўлиш. Сиёсий-ҳуқуқий мустақилликка қараганда иқтисодий мустақилликка эришиш ҳамма вақт оғирроқ кечади. Чунки собиқ Иттифок даврида Ўзбекистон бир томонлама ривожланган, яъни хомашё базасига айлантирилган эди. Иқтисодий қарамлик шу даражада усталик билан ўрнатилган эдики, Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилганидан кейин баъзи «катта акаларимиз» бунга пичинг аралаш кулги билан қарашди. Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий қарамликдан озод бўлиш оғир эканлиги тез орада маълум бўлиб қолди. Собиқ Иттифокдаги республикаларнинг кўпчилиги мустақиллигини дабдаба ва ғурур билан эълон қилган, «Буюк Маршал планлари»ни тузиб юрган бўлса-да, эндиликда уларнинг аксарияти иқтисодий мустақилликнинг оғир юкини кўтара олмай, араваларини торта олмай, яна қайси «катта ака» бағрига кирсам экан, деб меҳрибон излаб юрибдилар. Шуни мамнуният билан айтиш керакки, бизнинг республикамиз бу борада улардан фарқли ўларок, босиқлик билан, «500 кун», «300 кун»лик фалаж қилиб даволаш тажрибаларига берилмай, ўз йўлини танлаб ола билди. Ҳозирок айни йўлда салмоқли ютуқларга эришганимизни ғурур билан айта оламиз. Баъзи масалаларни тезлик билан, баъзиларини босқичма-босқич, шошилмасдан ҳал қилиб бориш тактикаси нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи исботлади.

Сиёсий-ҳуқуқий мустақиллик масалалари ўз вақтида зудлик билан ҳал этишни талаб қилган бўлса, иқтисодий мустақиллик босқичма-босқич иш олиб боришни тақозо этмоқда. Бунга мисол қилиб собиқ Иттифокнинг сўнгги йилларида тутган йўлимизни кўрсатиш мумкин. Ўша даврда Ўзбекистонда биринчи бўлиб Президентлик институти таъсис этилганига «катта оға»ларимиз қандай ғайирлик билан қараганини яхши биламиз. Ўша кезларда баъзи бир

республикалар Ўзбекистондан олдин мустақиллик декларациясини қабул қилиб улгурган ҳам эди. Лекин уларда давлат мустақиллигини, халқ бирлигини кафолатлайдиган Президентлик бошқаруви ўрнатилмаганди. Шундай таҳликали кезларда биринчи навбатда Президентлик институтини ўрнатиб, шундан кейингина Ўзбекистон Республикаси давлатининг мустақиллиги тўғрисидаги Қонунни қабул қилиш лозимлигини кўра билиш жуда катта тафаккур талаб қилувчи ҳодисадир. Собиқ Иттифоқдаги бошқа давлатларга солиштириганда, бизнинг республикамиз биринчилардан бўлиб мустақиллигимизнинг ҳуқуқий пойдевори бўлган асосий қонун – Конституциямизни қабул қилди.

Ўзбекистон Конституциясида мустақилликнинг сиёсий, ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, демократик давлат тузиш асосий мақсад қилиб қўйилди. Унда фуқароларнинг кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланди. Кўппартиявийлик, ҳокимият бўлиниши, мулкчиликнинг турли шакллари ва жаҳон тан олган демократик давлат қуришнинг бошқа принциплари Асосий Қонунга киритиб қўйилди. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилди. Бу билан республикамиз ичидаги ва ташқарисидаги ғанимларимизнинг турли бўҳтон ва дашномларигача чек қўйилди. Шунини ғурур билан айтиш мумкинки, бундай катта ва оламшумул масалалар, бошқа республикалардан фарқли ўларок, қон тўқилмасдан, тинчлик йўли билан, халқнинг асрий орзумидлари ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилди.

Бугунги кунда ривожланиш йўлига чиқиб олган Ўзбекистонга дунёнинг турли бурчакларидан тўғри назар билан ҳам, ғаразли нигоҳ билан ҳам қарайдиганлар кўп. Айрим ғанимларимиз миллий валюта тезлик билан жорий қилинмаётгани ҳақида «Ўзбекистон яна собиқ Иттифоққа интилаяпти», деб жар солдилар. Миллий валюта, ҳақиқатан ҳам мустақилликнинг бекиёс рамзи. Лекин у биринчи навбатда халқ манфаатларига, иқтисодий вазиятга, имкониятларга асосланган тақдирдагина ўзининг асосий моҳиятини кўрсатади. Украина, Беларусь, Озарбайжон ва бошқа республикаларнинг жиддий тайёргарлик кўрмай туриб ўз валютала-

рини муомалага киритишгани ва уларнинг ҳозирги кундаги аянчли аҳволи фикримизнинг далилидир.

Бизда эса миллий валютанинг жорий қилиниши катта тайёргарлик билан амалга оширилди. Собик Иттифокда иккинчи бўлиб миллий валютани босиб чиқариш технологиясининг жорий этилиши ҳам ўзига хос иш. Айни пайтда у ўта нозик ва жиддий матбаа санъати ҳамдир. Ёш мамлакат учун бу муҳим воқеа!

Бизнинг қисқа давр ичида қўлга киритган энг катта ютуқларимиздан бири – миллий кадриятларимизнинг тикланаётганидир. Ўзбекистонда эришилган миллий тотувликни миллий кадриятларимизнинг ўзига хос намоиши деб айта оламиз. Қўп миллатли мустақил республикамизда миллатлараро тотувликни бир меъёрда сақлаб туришда минтақа халқлари орасида асрлар мобайнида шаклланган маънавий-ахлоқий ва руҳий анъаналарнинг роли катта. Бунинг учун, энг аввало, туб аҳоли миллий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, улар руҳиятига мос равишда «инсон миллати билан эмас, инсонлиги учун улуғ» деган ақидани тобора чуқурроқ сингдириш, ана шу асосда умуминсоний кадрият даражасига кўтариш орқали миллатлараро муносабатларни ривожлантириш чоралари кўрилди.

Конституциямизда, фуқаролар тўғрисидаги қонунимиз ва бошқа жорий қонунларимизда миллатлараро камситишга йўл қўймасликнинг белгилаб қўйилгани мазкур масала давлат сиёсатидан кенг ва мустақкам ўрин олганидан далолат беради.

Ўзбек халқи бир неча ўн йиллар мобайнида собик Иттифокдаги бошқа миллатларга ўхшаб камситилиб, ўз тили ва кадриятларини йўқотиш даражасига келиб қолган эди. Миллий мустақилликка эришганимиздан кейин ўзбекнинг ўзбеклигини кўрсатадиган, унинг маънавий юксаклигини намоиш қиладиган яна бир фазилати очилди. У ўзининг камситилгани сабабларини умумий диктатурадан деб билди. Шу боис янги, ёш мамлакат Конституциясида миллатидан қатъи назар, унинг аҳолиси тенг ҳуқуқли фуқаро сифатида қафолатлаб қўйилди.

Республикамизда ўтказилаётган ислохотларни кўролмайдиган кимсалар ҳозирги кунда ҳам давлатимизга ва унинг

рахбарларига турли тошлар отмоқдалар. Уларга айтадиган га-
пимиз шуки, сиз миллат манфаатини кўзламаяпсиз, аксинча,
Ватан, Миллат тақдири ҳал бўлаётган даврда асл қиёфангизни
кўрсатаяпсиз. Тарих деярли барча давлатлар фуқароларининг
намуна бўла оладиган жасоратини ёдда тутати. Улар энг оғир
кунларда олийжаноблик кўрсатиб, давлатларининг иқти-
содиёти ва номини юксакларга кўтарганлар. Бунга мисол
килиб япон халқининг Иккинчи жаҳон урушидан кейин,
иқтисодий парокандаликни тезда тугатиш учун дам олиш
кунларисиз кунига ўн тўрт соатдан ишлашга қарор қилгани
ва улар тез орада оламшумул натижаларга эришганини айтиш
мумкин. Бундай тангиликни финлар иш кунини узайтириш
ҳақида Парламентга мурожаат қилганда олам аҳли яна бир
бор кўрган эди.

Шундай одамлар борки, улар қош қўяман деб, кўз чиқа-
радилар. Баъзан нозик сиёсий масалаларда, қалтис вазият-
ларда гўё шиша буюмлар дўконига кириб қолган айиқдек
ҳамма нарсани чил-парчин қилиб юбордилар. Уларнинг
баъзилари ўйламай иш қилиб, хатога йўл қўйганини тан олиб,
уларни тузатишга киришса, айримлари хатони қилиб қўйиб
«хато қилмадим!», деб жиззакиликка тушади.

Афсуски, айрим собиқ ватандошларимиз Ўзбекистоннинг
гуллаб-яшнашига тиш-тирноғи билан қаршилик қилмоқдалар.
Уларнинг «олий нияти» Ўзбекистонда парокандалик ва бахт-
сизлик юз берса-ю, улар чет элларда ўзларини доҳийлардек
тутиб, «Биз вақтида айтган эдик-ку!», дея иддао қилсалар.

Биз муҳолифатни фақат аниқ, асосланган миллий дас-
тур билан чиққандагина тан оламиз. Ҳозирча улар танқид-
чиликдан бошқасига ярамаяпти. «Мен ундай қилган бўлар
эдим, мен бундай қилган бўлар эдим», деб майда-чуйда
йўналишларда билағонлик қилмоқдалар. Лекин катта стра-
тегик йўналишларни ақлан қамрай олмайдиганларга давлат
жиловини бериш – давлатни ҳам, халқни ҳам жарга қулатиш
билан баробар. Бундан йигирма йиллар муқаддам сайёра-
миз фарзандлари биринчи бор ой сатҳига фазо кемасида
кўндилар. Кемадан чиқиб, ойга илк қадам қўйилди. Бу қадам
фазогир учун оддий қадам бўлса-да, лекин бутун инсоният

цивилизацияси учун улкан ютук эди. Бу қадам ортида инсониятнинг тарихий орзуси, минглаб олимлар акли, заковати, мутахассислар изланишлари ётарди. Шу тариқа инсоният ўз порлоқ келажаги томон яна бир тарихий қадамни қўйди. Ўзбекистонимиз мустақиллиги ортида ҳам аждодларимиз, боболаримизнинг орзу-ниятлари, жадидлар ҳаракати, ватанпарварлар, Ватаннинг асл фарзандлари Бехбудий, Қодирий, Чўлпон, Фитратларнинг, минглаб юртдошларимизнинг фарёдлари, қутлуғ қонлари бор. Мустақиллик – Ўзбекистоннинг буюк келажак томон қўйган илк қадами бўлди.

Собиқ Иттифок даврида республика раҳбарлари марказнинг фармони ва иродасини бажарувчилар бўлиб, улардан катта масъулият ва шижоат талаб қилинмасди. Бошқарувда алоҳида истеъдод, ақл-идрок унчалик ҳам зарур эмас эди. Топширик вақтида бажарилса, бас. Энди давр ўзгача. Ҳамма ўз бошига тушган қорни ўзи қурайди.

Президент Ислом Каримов зиммасига Ўзбекистон тарихининг энг оғир даври тушди. Республика осмонини қора булутлар қоплаган чоғда, оғир синовлар даврида, давлатни миллатчиликка берилган тўдалар ҳамда тор маҳаллийчиликка берилганлар чангалидан, ақидапарастлар ваҳшатидан, чет эллик ва ўз юртимиздаги янглиш йўл кўрсатиб гангитувчилар зарбасидан бешикаст олиб чиқди. Уларнинг барчаси тез орада халқ сайлаган Президент иродаси қудрати олдида таслим бўлдилар.

Инсон Ватанни чин дилдан севиши мумкин. Лекин у Ватан равнаки учун бирор иш қилмаса, бундай муҳаббатнинг сариқ чақачалик кадри бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ўз ўрнини топиб, Ватан равнаки учун курашиши лозим. Ҳар қандай муҳаббатнинг аниқ хатти-ҳаракат, самарали меҳнат билан боғланиб кетгандагина кадри бўлади. Инсоннинг маънавий-ахлоқий дунёси жисмоний фаолияти билан уйғунлашгандагина қиймати ошади, обрў-эътибор топади.

Ҳозир турли давлатлар раҳбарлари Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорликни тан олиб, биз билан ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий алоқаларни ўрнатишга интиломда. Зеро, турли минтақаларда оға-инилар ўртасида кучли зиддиятлар, қон

тўкишлар бўлиб турган чоғда, бизда яратувчилик руҳи мавжуд. Бизни бундай аҳиллик ва тотувликка Президентимиз олиб келди, деб дадил айта оламиз ва буни барча соғлом фикрли кишилар тан олади. Президент барчамизни бир оилага бирлаштирди. Модомики, у шундай оқибатли оила тузган экан, энди биз уни сақлаб қола билайлик. Бобомиз Темур тузган буюк давлат аҳилликни йўқотган авлодларининг ношудлиги туфайли йўқ бўлиб кетганини ёддан чиқармайлик.

Гоҳида лоқайд, бегам, ёки доим нимадандир нолиб юрувчи одамни кўрсак, кўнгилдан шундай ўй кечади: бу – миллий гурури йўқ инсон. Миллий ғурурга эга киши ҳеч қачон лоқайд ва паришон, қийинчиликлардан нолиб ўтирувчи бўлмайди. Унинг кадамлари шаҳдам, ўзига ишончли, иродаси мустаҳкам, кўзлари мағрур боқувчи ва ўтли бўлади. У Ватан, миллат дея кечаю кундуз фидойилик кўрсатишга қодир. Бундай инсон қийинчиликлар олдида эсанкирамайди. Барча ишга ғайрат билан киришади. Доимо ўз устида ишлагани сабабли унинг фикри теран, қарашлари ўктам бўлади. У ўз иззатини биладиган, турли майда-чуйда нарсалардан, гап-сўзлардан устун турадиган шахс. Одамлар бундай кишиларни ҳурмат қилади. Унга эргашади. Истар эдикки, бизда ана шундай миллий ғурурга эга бўлган инсонлар янада кўпроқ бўлса.

Донишмандлардан бири айтган экан: «Фидокор кишилар куёшдек зарур. Улар жамиятнинг энг илғор, ҳаётсевар вакиллари бўлиб, бошқаларга ҳаяжон, таскин бағишлайдилар, уларни ёшартирадилар». Бундайларнинг шахсияти зерикканидан хом-хатала асарлар, кераксиз лойихалар ва диссертациялар яратувчи, бир бурда нон деб ёлғон гапирувчи кишилар тоифасидан фаркли ўларок, бошқача – яъни жасорат, эътиқод ва аниқ мақсадга интилувчи одамлар ҳам борлигини жамиятга уқтириб турувчи фидойилардир. Жамиятимизда бундай инсонлар кўпайиб бораётгани кишини қувонтиради.

Кўнгилдан яна бир ўй ўтади: қадимги Миср эҳромлари, Юнон ва Бобил обидалари, Буюк Хитой девори, Тож Маҳал, Самарқанд, Хиваю Бухоро обидаларини курган минглаб кишилар, бекиёс истеъдод эгалари бўлган меъморлар тарих уммонларида ғарқ бўлиб кетдилар. Лекин яратган буюкликла-

ри улардан мухташам ёдгорликлар бўлиб қолди. Биз ҳам ҳаёт чоғимизда Ўзбекистонни яшнатайлик, биздан ҳам Ватанимиз учун хусн ва фахр бўлажак тарихий буюк ишлар қолсин.

Ўзбекистон гербига қараган киши унда баъзи давлатлардаги каби икки бошли калхатни, шер ёки йўлбарсни эмас, афсонавий саодат ва бахт куши Хумо тасвирини кўради. Ҳа, бизнинг юртимиз ҳам, халқимиз ҳам гўзал, беозор ва яхши ниятли кишилардан ташкил топган.

Элда «яхши ният – ярим мол», деган нақл бор. Биз ҳам мана шу шуқуҳли кунларда тарихи мингйилликлар қаърига сингиб кетган юртимиз келажаги албатта порлоқ бўлажак, деб ният қиламиз. Жаҳонга буюк олиму фозиллар, мутафаккирлар, шоирлар, мард ўғлонларни етиштириб берган бу қутлуғ замин бағридан аждодларига муносиб фидойилар етишиб чиқади ва улар келажақда юртимизни қудратли давлатга айлантирадилар, деб ишонамиз. Зероки, Ватандан ўзга жаннат йўқ.

1994 йил

МИЛЛИЙ ИФТИХОР

*У – юсак маънавият негизи, баркамоллик рамзи,
мамлакат ривожининг асоси*

Инсоният яратилибдики, у ҳамиша эзгуликка интилиб, яхшиликка ёндашиб яшайди. Порлоқ келажак илинжида янги-янги орзу-умидлар қанотида умр кечиради. Ҳаёт ташвишлари, турмуш оғирликлари, турли кутилмаган ҳодисалар ҳеч қачон уни бу йўлдан қайтара олмайди. Чунки инсон қалби ҳамиша эзгуликка, яхшиликка, хушбахтлик ва муҳаббатга йўғрилган бўлади. Ана шу туйғуларнинг ўзи ҳамма вақт инсонни бутун мавжудотнинг гултожи даражасига кўтариб қўяди.

Жамики эзгуликлар инсон онги ва тафаккурида Миллат, Ватан тушунчалари билан йўғрилиб, яхлит бир қадриятга айланади. Ана шунинг натижасида ҳар бир киши она юрт, миллат равнақи, унинг истикболи, бекиёс ривожини йўлида елиб-югуради.

Дарҳақиқат, Ватан билан фахрланиш, киндик қони тўкилган муқаддас замин билан ғурурланиш энг мўътабар инсоний фазилатларнинг чўққиси, айна пайтда ноёб ва муқаддас туйғудир. Шунинг учун ҳам шоиру хофизларимиз Ватан ҳақида жўшиб куйлайдилар, ёниб сатрлар битадилар. Жажжигина чақалоқ қалбига она сути билан бирга жо бўлган Ватан ва Миллат туйғуси инсон онги ва тафаккури таъсирида минг бир жилоланади ва илоҳий мазмун касб этади. Зеро, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам «Ватанни севмоқ иймондандур», деганлар. Ана шу муқаддас туйғулар билан яшаган одамгина яшаш кадрили билади, ҳаёт мазмунини бошқалардан кўра теранроқ англайди. Ўзидан ўзгаларга ўрнак бўларли ва безавол мерос қолдиради.

Миллий ғурур тушунчасини ҳар ким ўзича тушунади. Кимдир уни миллатчилик ва шовинистик қарашларнинг асоси деб билади. Яна кимдир ўзининг жангарилик иллатларини кўрсатиш учун имконият деб тушунади. Ўзига ортиқча эрк бериб, «миллат жонкуяри» сифатида сафсаталар тўқийди. Шахсий манфаати ва нафс хуружини қондириш йўлида бу муқаддас тушунчадан маккорона фойдаланади. Аслида эса миллий ғурур соф инсоний фазилат, энг покиза, шабнам янглиғ беғубор туйғу. У инсоннинг ҳар бир хужайрасига сингиб кетган мўътабар ҳиссиёт. Миллий ғурури кучли бўлган киши ўзининг миллий кадриятларини асраб-авайлайдиган, яъни Ватан, Она замин, Миллат ва миллатлараро муносабатларнинг ноёб кадрият эканини бутун вужуди билан англайдиган ва уни кадрлай биладиган кишидир. Аҳолиси ана шундай буюк мақсадлар ва покиза орзу-умидлар билан яшайдиган мамлакатгина файзли ва баракали бўлади. Унинг ривожланиш даражаси тезлашади. Бундай улкан хонадонда тинчлик-осойишталик барқарор бўлиши табиий.

Айна пайтда – мамлакатимизда туб ислоҳотлар авж олган, жамиятни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказишдек ғоят мураккаб эволюцион ўзгаришлар юз бераётган бир даврда миллий ғурур, миллий ифтихор тушунчаларининг аҳамияти янада ортади. Чунки ўз тақдирини мамлакати ва халқи тақдири билан боғлаган кишигина мустақилликни ҳаммадан

кўра собитроқ ҳимоя қилади, мустақил юрти равнақиға кўпроқ ҳисса қўша олади.

Ана шундай тарихий ўзгаришлар юз бераётган бир вақтда «шунча йил қаттиққўллик ва тазйиқ остида яшаганимиз етар, энди бизга «хуррият» керак», деб айюҳаннос соладиганлар ҳам топилмоқда. Бундайлар ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни эндигина бошланган ҳозирги пайтда яна ҳам кўпроқ жазавага тушмоқдалар.

Ўтиш даврида, туб ислоҳотлар жараёнида юз бераётган табиий кийинчиликлардан устомонлик билан фойдаланиш, ўз шахсий муддаоларини амалга оширишга интилиш кўйига тушганлар оз эмас. Улар ана шундай пайтда демократия, сўз эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги каби ибораларни керагидан ортиқча, аниқроғи, фақат ўз шахсий манфаатлари йўлидагина ишлатишади. Ўзларини миллат жонқуяри, фидоийиси ва қаҳрамони қилиб кўрсатишга уринишади. Келинг, шу ўринда масалани кўндаланг кўяйлик. Хўш, демократиянинг ўзи нима?

«Демократия» лотинча сўз бўлиб, «халқ ҳокимияти» маъносини англатади. Демократия кўпчилик томонидан танланган йўл ва қўллаб-қувватланган гоё озчилик учун ҳам амал қилиши лозим бўлган яққою ягона имкониятдир. Ана шундагина халқ ҳокимияти вужудга келади ва у тобора чуқурлашиб боради. Чунки бундай ҳолатда бутун жамият тараққиётини аҳолининг асосий кўпчилиги ўзи танлаган йўл асосида таъминлайди. Табиийки, куч ҳамма вақт кўпчиликда бўлади. Ана шу куч адолатли, инсонпарвар гоёларга таянган, умуминсоний кадриятларни ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлгандагина жамиятда адолат тантана қилиб, мамлакат тараққиёти тобора тезлашиши шубҳасиз. Ана шунда халқ қалби инсоф ва диёнат зиёси билан нурланади, онги эзгулик тафаккуридан баҳра олади. Қалб ва онг таъсирида бўлгандагина киши ўз-ўзини тўғри бошқариш имконига эга бўлади, ёмонлик, ёвузлик, худбинлик асоратидан қутулади. Натижада ўзининг ҳам, мамлакатнинг ҳам тараққиёт йўлини тўғри белгилаб олади. Ана шундай пайтда озчилик

кўпчиликнинг хошиш-иродасига бўйсуниб, ягона умумманфаат йўлида улар билан бирлашиб кетади. Бу энг демократик, энг замонавий давлатларнинг тажрибасида синаб кўрилган ва амалий жиҳатдан ўзини тўла-тўқис оклаган ҳодисадир.

Мамлакат аҳолисининг турли гуруҳларга бўлиниб кетиши, асоссиз фикрларга кўп ўрин берилиши сиёсий сафсатабозликка ва охир-окибатда анархияга олиб келиши мумкин. Буни алоҳида изоҳлаш ва тушунтириш шарт эмас. Чунки уни бир қатор кўшни мамлакатларда юз берган ва юз бераётган ҳодисалар мисолида кўриб турибмиз.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Энг демократик давлатларда ҳам баъзи бир шахсларнинг фаолиятини чеклаб қўйиш ҳоллари юз бермоқда. Чунки осон йўл билан ном чиқаришга, омма диққатини ўзига жалб этишга ишқибоз бир кишининг шахсий манфаати ёки ўз ғоясини ҳар қандай йўллар билан амалга оширишга интилиши натижасида унга ишонувчилар ва эргашувчилар топилиши мумкин. Натижада енгил-елпи фикрлар орқасидан кувиш, асосий мақсаддан чекиниш ва умумий манфаатлар йўлида бирлашган халқни чалғитиш каби салбий ҳолатларга ўз-ўзидан имконият яратилади. Шунинг учун ҳам энг ривожланган, демократик давлатларда бу масалага жиддий қаралади ва қонун йўли билан тақиклаб қўйилади. Ҳар қандай шароитда ҳам озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуши табиий ҳодиса сифатида тан олинади. Ҳар қандай фикр-мулоҳаза, ҳар қандай таклиф умумжамият ва умумхалқ манфаатига дахлдор бўлган тақдирдагина қадриятга айланиши шубҳасиз. Ана шунинг учун демократия енгил-елпи яшаш имкони эмаслигини, аксинча, юксак талабчанлик ва оғир масъулиятни ҳис қилган ҳолда, амалдаги қонунларга бўйсуниб яшаш салоҳияти эканлигини чуқур англамоғимиз лозим.

Миллий ифтихор ҳамма вақт муайян миллатга мансублик ва шахсий манфаатлардан устун турган фуқаролик ифтихори тушунчасига яқин бўлган туйғудир. Маълумки, фуқаролик – шахсининг қайсидир миллатга мансублиги эмас, балки муайян мамлакатга, ўзи яшаб турган маконга боғлиқлиги ҳақидаги тушунча. Фуқаролик – шахс билан давлат ўртасидаги му-

носабатдир. Яъни, турли миллатга мансуб бўлган бир мамлакат фуқаролари, миллатидан қатъи назар, ўз давлатининг мустақиллик рамзлари билан фахрланиши, унинг тарихи ва келажаги учун масъул бўлиши керак. Ана шу масъулиятнинг ўзи – миллий ёки фуқаролик ифтихоридир.

Бир қатор хорижий мамлакатларда миллат ва фуқаролик тушунчалари бошқача маъно касб этади. Жумладан, Олмония, Испания ва бошқа давлатларда миллат ибораси этник маънода эмас, балки сиёсий – яъни давлат бирлиги, инсоннинг давлатга алоқадорлиги маъносида англанади. Бунда муайян мамлакат фуқаролари манфаатларини ва иродасини яхлит ҳолда жамлаган «бирлашган миллат», «ягона миллат» ибораси вужудга келади. Испания конституцион ҳуқуқига асосан испан миллати деб фақат испанлар тушунилмади, балки бу ўринда мамлакатда яшаб турган барча фуқароларга нисбат берилади.

Олмония Федератив Республикаси Асосий Қонунининг (1949 йили қабул қилинган) 116-модда, 1-сўз бошисида мазкур масала юзасидан қуйидагилар баён этилган: «Ушбу асосий қонуннинг мазмунига кўра, агар қонунда бошқа тартиб ўрнатилмаган бўлса, Олмон фуқаролигига эга бўлган ҳар бир шахс ёки 1937 йил 31 декабрда Олмония империясида қочқоқ ёхуд вақтинча жойини ўзгартирган, келиб чиқиши нисбатан мансуб бўлган шахслар, уларнинг турмуш ўртоклари, авлодлари барчаси немис бўлиб ҳисобланади».

Албатта, миллатга, шахснинг насл-насабига бундай муносабат шахснинг миллий мансублигига, миллий урф-одатлар ва анъаналар равижига ҳеч қачон монелик қилмайди. Фақат шахс ва жамият, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириб, ягона миллий ифтихор, яшаб турган макон тақдирига дахлдорлик ҳисларини қучайтиради, ҳолос.

Айниқса, ҳозирги ўтиш даврида шахсдаги фуқаролик ифтихорини қучайтириш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун энг аввало давлат томонидан миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа жиҳатларидан қатъи назар, ҳамманинг қонун олдида тенглиги таъминланиши зарур. Ёки, ҳуқуқшунослар тили билан айтганда, фуқароларнинг тенг ҳуқуқларга эга

бўлиш тамойилига қаттиқ риоя қилиниши керак. Ана шу талаблардан келиб чиқиб, Президентимиз Ўзбекистонда қонун устуворлигига эришиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш асосида ҳуқуқий демократик давлатни қуриш тамойилларини ишлаб чиқди ва уни изчиллик билан амалга оширмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлатни тузишда давлат асосий ўринни эгаллаши керак. Чунки давлатгина турли табақа ва турли тоифадаги аҳолининг умумий манфаатларини ўзида мужассам эта олади ва уларнинг бир мамлакат фуқароси сифатида умумий эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлади.

Албатта, турли-туман сиёсий гуруҳлар, партиялар ва қасаба уюшмалари ташкилотлари ҳам бу соҳада маълум имкониятларга эга. Бироқ улар фақат ўз аъзолари манфаатларинигина ҳимоя қилиши мумкин. Давлат эса, юқорида қайд этганимиздек, аҳолининг энг ёш қатлаמידан энг кекса қатламигача барча-барчасининг тўлақонли ҳимоячиси бўлиши зарур! Ана шу ҳулосалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳозиргидек ўтиш даврида давлат аппарати қанчалик қучли, бошқарув тизими қанчалик мустаҳкам шаклланган бўлса, мамлакатда ишлаб чиқариш мароми шунчалик тўла таъминланган, тинчлик барқарор бўлган ва миллатлараро муносабатлар бир меъёردа ривожланиб бораётган вазиятни сақлаб туриш мумкин бўлади ёки аксинча. Бошқарув жиловни сусайган, давлат ўз бошқарувчилик вазифасини бўшаштириб юборган ҳолатларда «жайдари» ва «чапани» демократлар бош кўтариб, хонаки «доҳийлар» кўпайиб, халқни чалғитишга тушади. Натижада мамлакат ҳам, бутун аҳоли ҳам таназзулга юз тутиши турган гап. Бу эса кечирилмас хатодир.

Халқ ҳокимияти ва бошқарув тушунчалари қадимда ҳам мавжуд бўлган. Яқин ўтмишимизда эса бу тушунчалар атайлаб, кўполлик билан бузиб талқин этилди. Ҳозирги пайтдаги энг оғир касаллик бу – боқимандаликдир. Узок йиллар мобайнида биз бунга ўрганиб қолдик. Чунки у даврларда давлат халқнинг қорнини тўйгазиш ва кийинтириш мажбуриятини

ўз зиммасига олган эди. Аҳолига тўлақонли фуқаро сифатида эмас, ишлаб чиқариш воситаси сифатида муносабатда бўлинарди. Шунинг учун ҳар бир ишчи ўз тақдирини ўзи яратиш хусусида мутлако ўйламас, «бошимда давлат бор, келажаким порлоқ» деган баландпарвоз ва асоссиз фикрлар билан яшаб, кун кўрар эди. Айримлар эса «биз сени сайладик, энди сен бизни боқасан» қабилда иш тутардилар. Ҳуқуқий демократик давлатда эса бундай тамойилда иш кўриб бўлмайди. Чинакам қонунчиликка ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга таянган давлат ўз фуқаролари имкониятларини кенгайтиришга, уларнинг бутун куч-ғайратини, ақл-идрокини, яратувчилик фаолиятини кучайтиришга кенг имконият яратади. Турли қонунлар, фармонлар ва қарорлар қабул қилиш йўли билан фуқароларнинг имтиёзлари кенгайтирилади. Уларнинг яратувчилик ва бунёдкорлик фаолияти кафолатлаб берилади. Ана шундай давлатгина том маънодаги ҳуқуқий-демократик давлат бўла олади.

Боқимандалик, ўзибўларчилик, кундалик эҳтиёжларини қондиришни бошқалар ҳисобидан ёки давлатдан кутиш бундай муқаддас тамойилларнинг бузилишига олиб келади. Бундай вазиятда адолат мезони унутилади. Чинакам ҳуқуқий имтиёзлар четга сурилади. Натижада босиб ўтган етмиш йиллик тарихимиздаги салбий ҳодиса – ҳаммани бирдай тенг қилиш каби социалистик тамойиллар ўртага тушиши мумкин бўлади. Умуман олганда, ўз фикрига эга бўлмаган, ғурури йўқ одамда яратувчанлик қобилияти бўлмайди. У доим кимнингдир ҳисобидан яшайди ва бундан уялмайди ҳам. Бу тоифа кишиларда миллий ғурур, Ватан билан фахрланиш ҳисси ҳам бўлмайди. Маълумки, халқимиз асрлар давомида ўзининг яратувчилик ва бунёдкорлик истеъдоди билан оламга машҳур. Минг йиллар мобайнида шаклланган бой маданият, кўз-кўз қилса арзигувчи осори атиқалар, маънавий хазиналар яратдики, бу унинг даҳолигидан далолат беради. Демак, унга боқимандалик бегона. У ҳамиша ўз юрти билан фахрланиб яшаган ва уни обод этиб келган.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида ҳам Парвардигор меҳнат қилган, ҳалол меҳнат воситасида

ненидир яратган бандасини ардоклаши хусусида қайта-қайта айтилади.

Фукароларнинг сиёсий онги ва билимлари, қобилиятлари ортиб боргани, ўз тақдирини чинакамига ўзи яратиш имкониятини кидириб топгани сари давлатнинг бошқарувчилик фаолияти тобора сусайиб боради. Аҳоли ўз-ўзини ва шу асосда бутун ишлаб чиқаришни, иктисодий ривожланиш механизмини бошқаради. Натижада давлат фақат мудофаа, қонунчилик, ижтимоий муҳофаза, экология ва шу каби бошқа масалалар билан шуғулланади.

Ўтиш даврининг энг катта руҳий-маънавий эҳтиёжи миллий гурур туйғусидир. Ана шундай пайтда мамлакат фукароларининг миллий ғурури баланд бўлса, ўз туғилган юрти билан фахрланиш, ягона Ватан – умумий хонадон осойишталиги ва равнаки учун дахлдорлик ҳисси кучли бўлса, юз бераётган қийинчиликлар унчалик ҳам кўзга ташланмай қолади. Зеро, мустакилликнинг мазмун-моҳияти ҳам, сиёсий-маънавий қадрияти ҳам ана шундадир. Мустакил давлат мустамлакачиликдан фаркли ҳолда, масалаларни ҳал этаётганда, ўз фукаролари эҳтиёжларидан келиб чиқиб ёндашади ва бундай ҳуқуққа қонуний йўл билан эга бўлади.

Собик Иттифок даврида ҳар бир «иттифокдош» давлат қоғозларда суверен бўлсада, лекин ҳеч қандай масалани ўзи мустакил ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас эди. Иттифокдош республикалар раҳбарияти фақат Москвадан берилган топшириқни бажариш билан шуғулланарди. Бу маҳаллий раҳбарият учун «қулай» бўлган. Ўз ақли, ўз фикри билан иш юритмайди, юқоридан берилган топшириқни бажаришни таъминласа бўлди. Мамлакат тақдири, халқ эҳтиёжлари масъулияти бўлмаган бундай ҳолатда ишлаш раҳбар учун анча енгил бўлган, албатта. У ўрта бўғин сифатида шунчаки ташкилотчилик ролини бажаради, холос.

Ҳозирги мустакиллик даврида эса давлат раҳбаридан жуда катта масъулият ва фидойилик талаб этилади. Эндиликда берилган топшириқлар ижросини ташкил қилиш эмас, балки давлат ва халқ олдидаги масалаларни мустакил ҳал этиш, юз бераётган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар боришини сергаклик

билан кузатиб бориш ва унинг натижаларини олдиндан сезиб туриш каби ноёб фазилатлар талаб этилади. Ҳозирги мустақил давлат раҳбари ниҳоятда бесаранжом ва беҳаловат шахс. Айни пайтда у бугун ҳаёт завқини машаққатга алмаштирган, ўз ҳаёти ва жонини мамлакат ва халқ ҳаёти йўлига тиккан халқпарвар инсондир.

Мамлакатимиз Президенти муқобил сайлов йўли билан 1992 йили сайланиб, халқ унга муносиб ишонч билдирган эди. Яқинда бўлиб ўтган референдум эса ана шу ишончнинг яна бир ўзига хос исботи бўлди. Агар биз кўпчилик иродасига бўйсунмаган ҳолда, халқимизнинг референдум орқали билдирган юксак ишончи ва иродасини тан олмаганимизда, мустақилликка хиёнат қилган, қолаверса, айримларнинг, айниқса, хориждаги сиёсий лўттибозларнинг асоссиз гапларига учган бўлардик. Ҳар қандай демократик ҳодисаларга умумхалқ манфаатлари ва давлат эҳтиёжлари нуқтаи назардан қарагандагина, биз асосий йўлдан адашмаган, халқимиз хоҳиш-иродасини қўллаб-қувватлаган бўламиз.

Ана шу масала ҳам бевосита миллий ғурурга боғланиб кетади. Миллий ғурури соғлом бўлган киши энг аввало ўз давлати, ўз халқи ва оиласи тинчлиги учун курашадиган, умумий мамлакат равнақи йўлини тутган, унинг бой маданияти билан фахрланадиган бўлиши керак.

Етмиш йил мобайнида фуқаролар қалбидаги миллий ғурурни сўндиришга ҳаракат қилинди. Биргина мисол келтирайлик: миллий республикалар туб аҳолиси ўз она тилини унутиб, рус тилида гапирган тақдирдагина уни маданиятли ҳисоблаш одат бўлиб қолган эди. Ўрта ва олий ўқув муассасаларида маҳаллий халқлар тарихи ниҳоятда қисқартирилган ва юзаки ҳолда ўқитилар эди. Рус маданияти ва тарихи эса мумкин қадар кўпроқ тарғиб қилинарди. Миллий ғурур ана шу йўл билан сўндириб борилди. Ўз миллати ва миллий маданияти билан фахрланиш фазилати маҳаллийчилик ва шовинистик ҳаракатлар сифатида қоралаб келинди.

Миллий ғурур билан миллатчилик ўртасидаги фарқ мустақиллик йилларида англана бошланди. Айни пайтда у ягона Ватан, ягона мамлакат истиқболи билан уйғунлашиб

кетган тақдирдагина мазмунан бойиб боради, моҳияти чуқурлашади. Қалбида миллий ғурур жўш урган ҳар бир фукаро ўз Ватани равнақини ўйлаши ва шу Ватан маданияти ҳамда тарихи меваларидан баҳраманд бўлиши лозим.

Миллий ғурур хусусида гап борар экан, дунё мамлакатлари ва жаҳон халқлари тажрибасига бир назар солайлик. Шу ўринда савол туғилади. Нима учун Америка Қўшма Штатлари аҳолисида миллий ғурур кучли? Аслида у ерда ҳам худди биздаги каби турли миллат вакиллари яшайди-ку? Лекин улардан кимсан деб сўралса, инглизман ёки французман демайди, Америка Қўшма Штатлари фукаросиман, деб жавоб қайтаради. Улар Америка Қўшма Штатларида мамлакатда яшаётгани ва шу мамлакат фукароси экани билан фахрланади. Улар учун мамлакат шон-шуҳрати, мамлакатнинг бой маънавий ва маданий анъаналари тор миллий тушунчалардан баланд туради. Натижада миллати ва элатидан қатъи назар, уни мамлакат фукаролиги туйғуси кўпроқ ғурурлантиради. Бу уларнинг миллий мансублигини ҳеч қачон чекламайди ва камайтирмайди. Демак, биз ҳам ижтимоий келиб чиқишимиз ва миллий мансублигимиз қандайлигидан қатъи назар, Ўзбекистондай шонли тарихига эга бўлган ва буюк анъаналарга ворислик қилаётган мамлакатда яшаётганимиз билан фахрланишни ўрганмоғимиз керак. Бу бизни умумий манфаатлар атрофида бирлаштиришга, умумий хонадонимиз равнақига хизмат қилади.

Ёшларда миллий гурур туйғусини кучайтиришда халқимиз ўтмишини ва бой тарихини чуқур ўрганиш, жаҳон тараққиётида юксак ўрин тутган Шарқ маданиятини пухта эгаллаш катта аҳамиятга эга. Биз энди бу соҳадаги турли расмиятчиликлар, яқин ўтмишимиздан мерос бўлиб қолган иллатлар ва бошқа кўзбўямачиликларни таг-туғи билан йўқотиб, жаҳон тажрибаларидан кўпроқ фойдаланишимиз лозим. Масалан, Япония мактабларида ўқувчиларнинг япон халқи тарихини ўрганишлари, миллий музейларга бориш, қадимий маданий меросларни ва осори атиқаларни зиёрат қилишларига ҳафтанинг бир куни ажратилар экан. Тарихни ўрганаётганда объектив ҳақиқат, умуминсоний кадриятларга

дахлдор бўлган жиҳатларни кўпроқ ташвиқ қилиш катта самара беради. Аниқроқ қилиб айтганда, кишини тор миллий маҳдудлик қобиғидан олиб чиқади. Оламга кенгрок қараш, дунёни англаш ва уни тушуниш имконини яратади. Натижада миллий ифтихор туйғуси соф инсонпарварлик ғоялари билан уйғунлашиб кетади. Ана шундагина биз ватанпарвар, қалбида ўз юрти билан фахрланиш ҳисси жўш урган комил ва барқамол инсонни тарбиялаб вояга етказган бўламиз.

Улуғ аждодларимизнинг номини ёдлаб, уларнинг икки-уч асарини билиб олган билан ҳеч ким онгли бўлиб қолмайди. Ваҳоланки, ўша аждодларимиз қайси миллатга мансублиғи билангина эмас, умуман инсоният онги ва тафаккуридаги юксалишларга қанчалар ҳисса қўшганлиги билан фахрланиб яшаганлар. Фақат яқин ўтмишимиздаги ноқобил, ғайринсоний сиёсат туфайлигина Форобий ўзбекми ёки козоқ, Ибн Сино тожикми ёки ўзбек, Навоийнинг миллати нима қабилдаги бачкана мунозаралар гирдобига ғарқ бўлиб яшадик. Минг шукрлар бўлсинки, ўша улуғ бобокалонларимиз бутун қурраи замин равнаки, бутун инсоният тақдири, миллати ва элатидан қатъи назар, инсон қалби ва онги учун курашиб яшагандилар. Бугунги кунда биз ана шу улуғ анъаналарни ўзимизга сингдириб олишимиз ва такомиллаштириб боришимиз даркор.

Албатта, ҳар бир миллат ўз қавмига мансуб бўлган буюк аждодлари билан фахрланишга ҳақли. Буни ҳеч ким инкор қилмайди албатта ва ҳеч қандай қонун зўравонлик билан ман этмайди ҳам.

Тарих ҳақиқатини тиклаш ва ўтмишга тўғри назар билан қараш ҳамиша муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Биз яқин ўтмишдаги сиёсат таъсирида кампаниябозлик қабилда иш тутишга ўрганиб қолганмиз. Ана шу иллатларимиз туфайли тарихни бутунлай қоралаб ташлаганмиз. Минг-минг йиллар давомида яшаб келаётган халқимиз ўтмишида ёруғ дамлар кўп бўлгани рост. Бироқ, шу билан бирга, қоронғу ва булутли кунлар ҳам бўлган. Биз тарих ҳақиқатини ҳаёт ҳақиқати ва илмий ҳақиқат билан боғлиқ ҳолда ўрганишимиз, унга холислик билан ёндашган ҳолда ибратли ҳамда ҳар томонлама асосли

хулосалар ишлаб чиқишимиз лозим. Акс ҳолда тарихнинг тарбиявий, ахлоқий, маънавий-руҳий аҳамияти камаяди.

Энди биз тарихни курук солномачиликдан чинакам фикр ва тафаккур илмига айлантиришимиз лозим. Халқимиз ўтмишининг ҳар бир босқичи ўша воқеа ва ҳодисалар юз берган шароитдан келиб чиқиб, унинг мазмун-моҳияти чуқур илмий объективлик билан таҳлил этилиши ва ёшлар онгига тўғри сингдирилиши керак.

Улуғ Амир Темур давлатининг мустақкамлиги унинг адолатни бош мезон деб билгани, ўтмишга ҳам, маданиятга ҳам холислик билан қарагани туфайли юзага келган, дейиш мумкин. Чунки, аҳоли руҳияти, кайфияти, ҳаётга муносабати ҳамма вақт жамият умумий маънавий-руҳий муҳитига боғлиқ. Бу ҳар икки ҳодиса уйғунлашган, бир-бирини тўлдириб борган шароитдагина умумий мамлакат маънавий кийёфаси равшан намоён бўлади.

Соҳибкирон Амир Темур турли миллатлар ва мамлакатларни забт этгани билан у ҳеч бир миллатга ортикча имтиёз бермаган. Аксинча, ўз уруғ-аймоғига ҳам, бошқа бир миллат вакилига ҳам бир хилда яшаш ҳуқуқини қонун билан кафолатлаган. Натижада унинг давлатида кишиларда ўз мамлақати билан фахрланиш туйғуси ғоят кучайиб борган. Шахсий манфаат ҳеч вақт мамлакат манфаатидан юқори бўлмаган. Пировардида кучли давлат негизлари тобора чуқур илдиз отган ва ривожланган.

Айни пайтда мустақилликни мустақкамлаш ва туб ислохотларни амалга ошириш йўлида раҳнамолик қилаётган давлатни ҳимоя қилиш, унинг атрофида жипслашиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эга. Бугунги кунда ҳар биримиз келажак олдида буюк ўзгаришлар яратиш, жамиятни бутунлай ўзгартиришдек муҳим ва масъулиятли имтиҳондан ўтмоқдамиз.

Бизнинг эски мафқураимиз – онгимизга сингиб қолган тушунчалардан бири – куни-кеча совет тузумини, марксизм-ленинизм гояларини зўр бериб ташвиқ қилган одамларни ҳам сунъий равишда ўз даврида «жабр кўрган», «ўз имкониятларини тазйиқ остида кўрсата олмаган», деб танитишга зўр

бериб уринишимиз ва уларни бир юмалатиб «муस्ताқиллик қахрамони»га айлантиришимиздир. Улар эса ҳеч уялмасдан «компартия» сўзини «муस्ताқиллик» сўзига алмаштириб, эски дийдиёларини ҳамон давом эттирмакда. Ўзининг қотиб қолган тушунчалари билан одамлар фикрини чалғитишга сабаб бўлмокда. Бундай мафкура «арбоб»лари тўн алмашгани билан уни қийган одам ўша-ўша эканини англаб етмаяптилар, шекилли.

Ҳар қандай давлатнинг мустақамланиши унинг фуқаролари онги ва дунёқарашининг теранлиги ва қандай ўзанга тушиб қолгани билан боғлиқ. Миллий ғурур, фуқаролик ифтихори, мамлакат тақдири, миллатлараро муносабатлар бой маънавият ва маданият кўзгуси эканлигини яхши биламиз.

Келгуси авлоднинг бизга бўладиган муносабати уларга ўзимиздан нималарни мерос қилиб қолдиришимизга боғлиқ. Муस्ताқиллик ҳар биримизни тарих билан мустақам боғлаб, абадиятга дахлдорлик имкониятини яратмокда. Бугунги кунда ана шу улкан ва ноёб имкониятдан унумлироқ фойдаланишимиз керак. Миллий ғурур, фуқаролик ифтихори ана шундай дақиқаларда бизга куч ва қудрат манбаи бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

1995 йил

ДЕМОКРАТИЯ – ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ ДЕМАҚДИР

Ўзбек халқининг азалий орзу-интилишларидан энг муҳими одил жамият барпо этиш эди. Халқнинг бу эзгу истаги унинг кўп асрлик маданий меросида яққол акс этган. Шу маънода халқ тарихи муस्ताқиллик учун кураш тарихидир. Муस्ताқиллик учун кураш тарихи эса бугунги кун тушунчасидаги демократия учун кураш тарихи ҳамдир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси муस्ताқилликни қўлга киритган дастлабки кунларидан бошлаб халқнинг асрий орзу-армонларини амалга оширишга киришди. Адолатли демократик ҳуқуқий давлат куришни ўзининг энг бирламчи ва муҳим

вазифаси сифатида белгилади. Ўтган дастлабки йиллар мобайнида бу борада маълум ютуқлар ва тажрибалар қўлга киритилди. Ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан бири эса тўпланган тажрибаларни чуқур таҳлил этиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш, ютуқларни мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштиришдан иборат.

Демократик жамият куриш учун, аввало, демократиянинг моҳиятини равшан англамоқ муҳимдир. Демократиянинг ўзи нималигини тушунмасдан туриб, уни амалга оширишга интилиш ишни фақат мураккаблаштиради. Чунки одамлар орасида демократия тўғрисида турлича тасаввурлар бор. Уларнинг баъзилари мақсадга яқин келса, баъзилари моҳиятдан жуда узоқ. Маълумки, демократик давлатнинг тайёр андозаси дунёда йўқ. Ёки демократик давлат куришнинг тўғридан-тўғри татбиқ этиш мумкин бўлган намунали тажрибаси ҳам мавжуд эмас. Демократик ҳуқуқий давлатни ҳар бир мамлакат ўз йўли билан куради. Бу борада мустақил равишда иш тутиб, биринчи навбатда, миллий давлатчилик асосларига таянади. Қолаверса, жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ҳам ўрганади. Демократик давлат куришнинг дастлабки жараёнларини ўзича талкин этиб, «демократия ундоқ бўлади, демократия бундоқ бўлади», дея пойинтар-сойинтар гап юритадиган, жайдари фалсафа сўқийдиган «донишманд»лар кўзга ташланиб қолади, баъзида. Улар энг ривожланган мамлакатларнинг тарихий тажрибаси билан бир неча йиллик уринишнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини билишармикин? Мана шундай кўп асрлик тажрибалар билан таққослаганда, биздаги бошланғич натижалар улкан аҳамият касб этади. Хорижий давлат арбобларидан бирининг эътироф этишича, Буюк Британия демократик давлат куришда минг йиллик тажрибага эга. Шундай тараққиётга эришган давлатда ҳам демократия хусусидаги муаммолар кўзғалиб тураркан. Модомики шундан келиб чиқадиган бўлсак, биз ўзимизнинг демократияни тушуниш ва жамиятимизга татбиқ этишдаги натижаларимиздан қониқиш ҳосил қилишимиз мумкин.

Оламшумул тажрибаларга нисбатан олганда, жамоатчилигимизнинг ҳозирги даражасини демократияни ҳис қилиш,

уни тушуниш, идрок этиш, ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этишга интилиш босқичи, дея белгилаш мумкин. Хўш, демократиянинг ўзи нима? Уни амалга оширишнинг қандай усуллари ва белгилари мавжуд? Уларни жамиятимизга татбиқ этиш ишлари қандай кечаётир?

Америка Кўшма Штатларининг собик Президенти Авраам Линкольн таъкидлаганидек, демократия халқ орқали ёки халқ томонидан ўрнатилган ҳокимиятдир. Демократиянинг бундай моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Халқ ҳокимиятчилиги» боби, 7-моддасида: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» – деган сўзлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Халқ ҳокимиятчилигига бағишланган ушбу модда мазмунининг ўзигина республикамизда демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлигидан далолат беради.

Жаҳон жамиятшунослиги кашф этган қонуниятларга кўра, халқ ўз қўлида тўплаган ҳокимиятни икки усулда амалга оширади.

1. Бевосита демократия. Бунда халқнинг ҳеч қандай вакилларсиз, ўз қўлида тўплаган ҳокимиятни ўзи амалга ошириши тушунилади. Ушбу усулдаги демократиянинг ҳуқуқий асоси Конституциянинг «Халқ ҳокимиятчилиги» боби, 9-моддасида мустаҳкамланган: «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади». Асосий қонун ушбу моддасининг ҳаётий ижроси қуйидаги шаклларда намоён бўлмоқда. Давлат қабул қилаётган қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасидан ўтказилмоқда. Сайловчилар сайловларда бевосита ўзлари иштирок этадилар. Республика Президентини, вакиллик органларининг энг қуйидан энг юқоригача бўлган босқичлари депутатларини сайловчиларнинг ўзлари бевосита сайлайдилар. Шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла қўмиталари фаолиятини ҳам бевосита демократиянинг яққол мисоли сифатида кўрсатиш мумкин.

2. Демократияни амалга оширишнинг иккинчи усули – вакиллик демократиясидир. Бунда халқ ўз ҳокимиятини

билвосита амалга оширади. Яъни, халқ ўз қўлида тўплаган ҳокимиятни ўзи сайлаб қўйган вакиллари орқали – Олий Мажлис, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари воситасида амалга оширади. Мазкур депутатлар ўз ваколатларини сайловчилардан оладилар ва ўз фаолиятида халқ манфаатларини ифода этадилар. Ўзбекистонда давлат ва ижроия ҳокимиятининг раҳбари бўлмиш республика Президенти ҳам бевосита сайловчилар томонидан сайланади. Мамлакатимиздаги бошқа давлат органлари, жумладан, ҳукумат, суд органлари, вазирлар ва бошқалар халқ томонидан сайланган Президент ёки Олий Мажлис томонидан тайинланиши ёки сайланиши тартибини инобатга олсак, ўзбек халқи барча давлат органлари ва мансабдор шахсларни сайлаш-тайинлашда бевосита ёки билвосита иштирок этиши ойдинлашади. Ҳозирги замон хорижий мамлакатларнинг ҳукукшунослари, давлат ва жамият арбоблари фикрларига кўра, демократик ҳукукий давлатни куриш учун барча мамлакатларга хос бўлган умумий хусусиятлар мавжуддир. Улар қуйидагилар: 1. Сайловлар. 2. Сайлов яқунларини аниқлаш усули. 3. Тенг ҳуқуқлилиқ. 4. Фикрлар эркинлиги. 5. Кўппартиявийлик. 6. Ўзини ўзи бошқариш.

Бизнинг республикамизда юқорида кўрсатилган демократик давлатларга хос бўлган асосий белгилар қонунда ҳам, амалда ҳам мавжуддир.

1. *Сайловлар.* Биздаги демократиянинг энг ёрқин нишонларидан бири шуки, Ўзбекистон Республикаси Президенти муқобиллик асосида бевосита сайловчилар томонидан сайланган. Шунингдек, бевосита сайловчилар томонидан сайлаб қўйилган давлат органлари жумласига Олий Мажлис, вилоят Кенгашлари ҳам киради. Сайловлар тўғрисида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, давлат бошлиғи бўлмиш республика Президентини сайлашда сайловчиларнинг ўзи бевосита иштирок этиши жуда катта сиёсий аҳамиятга эгадир. Энг демократик усул бўлганлиги учун ҳам кўпчилик хорижий мамлакатларда Президентни сайловчилар – халқ томонидан сайлаб қўйиш қоидаси ўрнатилган. Лекин шуни ҳам инобатга олиш керакки, парламентар республика

шаклидаги демократик давлатларда Президент парламент депутатлари томонидан ёхуд сайловчиларнинг махсус коллегияси томонидан сайланади.

Бу ҳолни, яъни Президент парламент депутатлари ёки сайловчиларнинг махсус коллегияси томонидан сайланишини демократиянинг бузилиши сифатида баҳолаш нотўғри бўларди. Ушбу сайлов жараёнида ҳам халқ ҳокимияти мавжуд. Фақат унда халқ оммаси ўз ҳуқуқини ўзгача шаклда амалга оширади. Яъни, сайловчилар ўзлари сайлаб қўйган вакиллари орқали Президент сайловида иштирок этади. Аммо Президентни сайлашда сайловчиларнинг бевосита иштирок этиши демократиянинг прогрессивроқ ҳолати, деб тушунилади. Чунки бунда сайловчилар ўз фикрларини шахсан аниқ-равшан билдириш имкониятига эгадир.

2. Сайловларни ўтказиш билан бирга унинг *яқунларини аниқлаш* усули ҳам катта аҳамиятга эга. Сайлов яқунларини аниқлашнинг жаҳондаги энг демократик усули деб – *мажоритар усул* тушунилади. Мажоритар тамойил деганда сайловнинг шундай усули тушуниладики, унда сайлов натижасида 50 фоиз +1 овоз олган номзод сайланган ҳисобланади. Бунда ҳам халқ ҳокимияти, яъни кўпчилик сайловчилар хоҳиши амалга оширилади. Агар номзодлардан ҳеч қайсиси бундай овозни ололмаса, иккинчи тур сайлови ўтказилади. Иккинчи турда сайлов округида иштирок этган номзодлар орасидан бошқаларига нисбатан кўпроқ овоз олган иккитаси яна қайтадан сайловга қўйилади. Улар орасидан нисбатан кўп овоз олган номзод ютиб чиқади. Бизнинг қонунларимизда ҳам демократиянинг бу тамойили асосий хусусиятлардан бири сифатида мустаҳкамлаб қўйилгани мамлакатимизда демократик жамият қуришдаги муҳим омиллардан бири, деб айта оламиз.

3. *Тенг ҳуқуқлилиқ тамойили*. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг тенгҳуқуқлилиги тамойили V боб, 18-моддада қуйидагича мустаҳкамлаб қўйилган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва

ижтимоий мавқеидан қатъи назар, конун олдида тенгдирлар». Тенг ҳуқуқлилик қафолатини бундан ҳам ортиқ даражада ифодалаш ва таъминлаш кийин.

Сайловларимизда ҳар бир сайловчининг бир овозга эга бўлиши, сайловда тенг асосда иштирок этиши тенг ҳуқуқлилик тамойилининг ижтимоий адолат амалиётидаги яққол далилидир. Тенг ҳуқуқлиликка республикамиз Президенти Ислом Каримов ишлаб чиққан тамойиллардан бири – конун устуворлиги тамойилида ҳам алоҳида эътибор берилган.

4. *Фикрлар эркинлиги.* Мустақил Ўзбекистонда тафаккур эркинлигига ҳам кенг имконият яратилган. Республика Конституциясининг «Халқ ҳокимиятчилиги» боби, 12-моддасида ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилган. Асосий конуннинг «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» боби, 29-моддасида қафолатланишича, «ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга». Ушбу имкониятлар фикрлар хилма-хиллиги, турли сиёсий партияларнинг вужудга келиши, мансабдор шахслар, давлат органларининг камчиликлари ошқора танқид қилиниши мумкинлиги шароитини яратади. Ушбу тамойил фаол жамоатчиликда мустақил фикр ривожини, тафаккур озодлигини вужудга келтирмоқда. Бу демократик тамойил давлат ва жамиятимизнинг аклий тараққиётини, ижодий рағбатини таъминлаши шубҳасиз. Лекин фикр эркинлигини бирёқлама тушунадиган, суниестемол қиладиган фуқаролар ҳам учрайдики, бу уларда ҳуқуқий онг ва сиёсий савод етук эмаслигидан далолат беради. Жамият маънавий муҳитини мусаффо сақлаш, бу борада суниестемолчиликларга йўл қўймаслик мақсади фикр эркинлигига ҳам муайян меъёр ва ҳуқуқий чегара қўйишни тақозо этади. Ушбу ижтимоий зарурият Конституцияда бундай ифодаланган: «Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина конун билан чекланиши мумкин». Бу ҳам демократиянинг умумий қонуниятларидан бири эканлигини шу далил билан тасдиқлаш мумкинки, хорижий мамлакатлар Конституция ва

конунларида ҳам фикр эркинлиги маълум конун доирасида чегаралаб қўйилган. Хорижий мамлакатлар конституцияларида конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни, ижтимоий, миллий, диний адоватни тарғиб этувчи, бошқа фуқароларнинг конституциявий эркинликларига қарши чиқувчи фикрларни тақиқловчи меъёрлар мустақкамланган. Масалан, шу жиҳатдан, Ўзбекистон Конституциясининг 57-моддаси Олмония Конституциясининг 9-моддасига ҳамоҳангдир. Унда «конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, иркий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи» фикрий ҳаракатлар тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-бобида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланиши ҳам мамлакатимизда демократия талабларига рия этилаётганининг яна бир далилидир.

5. *Кўппартиявийлик.* Демократиянинг асосий хусусиятларидан бири кўппартиявийликдир. Республикаимизда ҳозирги шароитда бир неча сиёсий партиялар фаолият кўрсатмоқда. Бу кўппартиявийлик тизимининг дастлабки тажриба ва ютуқларидир. Баъзи фуқаролар давлат ва жамиятнинг ривожини шу мамлакатда мавжуд бўлган партияларнинг сони билан белгилашга ҳаракат қилишади. Бу, албатта, нотўғри қараш. Кўппартиявийлик тизимининг муваффақияти жамиятда мавжуд партиялар сони билан аниқланмасдан, балки сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда партияларнинг иштироки билан белгиланади. Масалан, Америка Қўшма Штатларида, Буюк Британияда икки партиявийлик тизими ўрнатилган. Америка Қўшма Штатларида хоҳ Конгрессда, хоҳ Президент сайловларида бўлсин, ё демократлар партияси ёки республикачилар партияси ютиб чиқади. Партиялардан бири ҳукмрон бўлганида, иккинчиси оппозицияда бўлади. Кейинги сайловларда бунинг акси бўлиши ҳам мумкин. Лекин сайлов натижасида учинчи бошқа партия ютиб чиқиши мумкин эмас. Худди шу ҳолатни Буюк Британиядаги лейбористлар

ва консерваторлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британияни иккипартияли тизимидаги давлат деб атаймиз. Лекин жаҳонда ҳеч ким уларни демократик давлат эмас, деган фикрга бормайди. Демак, партияларнинг сони мамлакатда демократия қандай даражада мустақкам ўрнатилганлигининг меъёри бўлиб ҳисобланмайди.

6. *Ўзини ўзи бошқариш*. Фуқаролик жамиятини барпо этиш мустақил Ўзбекистон тараққиётининг тамойилларидан биридир. Шунинг учун республикамиз маҳаллий ҳокимияти органлари таркибига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари киритилган ва бу Конституциянинг XXI боб, 105-моддасида мустақкамлаб қўйилган. Мана, бир неча йилдан бери «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга амал қилиб келинмоқда. Ушбу органлар маҳалла кўмиталарида халқ оммасини жипслаштириб фаолият кўрсатмоқда. Қонунда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг органлари ва уларнинг раисларига катта ваколатлар берилган. Фуқароларнинг моддий ёрдам таъминоти, маданий-маънавий турмуш муаммолари мана шу органлар томонидан бошқарилмоқда. Ўзини ўзи бошқаришнинг республикамизда ўрнатилган усулини демократиянинг мукамал шакли эканини хорижий мамлакат мутахассислари ҳам эътироф этмоқдалар.

Биз демократик жамият куришнинг дунё тан олган энг асосий, умумий белгилари билан танишиб чиқдик. Лекин мазкур асосий, умумий белгилар билан бир қаторда, муайян бир давлат ва жамиятгагина хос бўлган хусусиятлар ҳам мавжуддир. Дунёда бир-бирига айнан ўхшайдиган, бир хилдаги демократик давлат мавжуд эмас. Баъзи сиёсатшунослар дунёқарашидаги Шарқ ва Ғарб демократияси ўртасида фарқ йўқ, демократия ҳамма ерда бирдай бўлиши керак, қабилдаги тушунчалар назарий ва амалий жиҳатдан нотўғри. Ҳаттоки, Ғарб ва Шарқ демократиясини бир четга қўйиб туриб, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Олмония ва бошқа Ғарб давлатларини таққослаганимизда, ҳар бирининг ўзига хос белгиларини кўришимиз мумкин. Ҳар бир давлат

демократиясининг ўз хусусиятлари, белгилари, асослари, тамойиллари бўлиши табиий.

Бошқа бир мамлакатда ўрнатилган демократияни айнан ва тўла-тўқис қабул қилиш фақат салбий натижаларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси демократик давлат ва жамият қуришнинг ўзига хос, ўзига мос йўлини танлади. Ёш мустақил давлатларда демократик жамият қуриш учун қуйидаги асослар бўлиши мажбурийдир:

1. *Демократик жамият қуриш учун иқтисодий асос бўлиши шарт.* Яъни, давлат ва жамият мустақкам иқтисодий асосга эга бўлмай туриб, демократик жамият қура олмайди. Собиқ Иттифоқ таркибидаги кўпгина давлатлар мустақилликка эришган дастлабки вақтларида сиёсий ислохотга берилиб кетиб, унинг иқтисодий заминига эътибор бермай, ўз халқларини оғир аҳволга солиб қўйдилар. Оч-яланғоч халққа, фуқарога сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларни эълон қилиб қўйиш билангина демократик жамият қуриб бўлмаслигига баъзи мамлакатларнинг ҳозирги вазияти яққол далилдир. Масалан, мамлакатдаги иқтисодий шароитнинг сиёсий ислохотлар талабига мувофиқ келмаслиги Россия парламентининг ўққа тутилишига сабаб бўлди. У ерда иқтисодий база яратилмай туриб, сиёсий ҳуқуқларга зўр берилди. Натижада, одамлар охири сайловда коммунистларга кўп овоз берди.

Бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш учун барқарор иқтисодиёт ва кучли ижтимоий ҳимоя шароити зарур. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоқларини ва биринчи навбатда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини белгилаш ҳамда шу аснода умуман иқтисодни барқарорлаштиришга эришиш мумкин, чунки барча демократик, инсонпарвар қонунларнинг ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши кўп жиҳатдан мамлакатнинг ривожланиш даражасига ва давлатнинг иқтисодий қудратига боғлиқдир. Бу борада мамлакатимиз иқтисодиётининг анъанавий ривожланган тармоқлари – қишлоқ хўжалиги ва уни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги кимё саноати қабилар билан бир қаторда, нефть, газ ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, автомобилсозлик, рангли металлургия, темир йўл магистраллари қуриш,

замонавий коммуникация тармоқларини яратишдек устувор йўналишлар белгиланган ва уларни ривожлантиришга давлатнинг алоҳида эътибори қаратилган.

Барча иқтисодий тизимлардаги каби, янгича мулк муносабатларини, унинг турли шаклларини вужудга келтириш, шу асосда эркин, ҳалол рақобатга асосланган аралаш укладли иқтисодиётни яратиш бозор иқтисодиётининг пойдевори ҳисобланади. Бунда давлат мулкнинг турли шакллари пайдо бўлиши ва ривожланиши учун зарур иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий муҳит яратилмоғи лозим. Шунингдек, ўтиш даври учун давлат кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини таъминлаши муҳим. Мамлакатимиз Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, бундан буёғига иқтисодиётимиз юксалишга юз тутиши билан биргаликда, кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати ҳам изчиллик билан давом этиб боради.

Мулкнинг иқтисодий қонунларда кўзда тутилган шакллари пайдо бўлганидан сўнг улардан ҳар бирининг умумий мулкчиликдаги салмоғи етарли даражада бўлишига эришиш зарур. Зеро, давлат йўли билан давлат, ширкат, хусусий, аралаш ҳамда бошқа мулкчилик шакллари ҳуқуқий тенглигини қарор топтириш ва дахлсизлигини таъминлаш билан биргаликда мулкдорлар ҳам бозор иқтисодиётидаги рақобат шароитида ўзларини ўзлари ҳимоя қилиш учун етарли имкониятга, қудратга эга бўлишлари даркор. Республикаимизда уй-жой фонди, савдо ва маиший хизмат объектлари, унча катта бўлмаган саноат ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари амалда тўлиқ хусусий мулк қўлига ўтди. Энг муҳими, мамлакатимизда ушбу жараён узлуксиз давом эттирилмоқда.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим ички ҳаракатлантирувчи ва ривожлантирувчи кучи рақобат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни марказлашган ҳолда бошқаришдан босқичма-босқич воз кечиш, яккаҳоқимликка, яъни монополияга йўл қўймаслик ва бу борада антимонопол қонунлар қабул қилиш ҳамда уларнинг ижросини доимий назорат қилиш зарурати мавжуд. Шунини таъкидлаш жоизки, турли хил объектив шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда сақланиб

коладиган монопол ишлаб чиқарувчиларга нисбатан қатъий давлат назорати ўрнатилиши керак.

Аҳоли кенг қатлами, биринчи навбатда раҳбар ходимларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билим савиясини ошира бориб, уларнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳамда ҳар қандай иқтисодий ташаббускорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лозим. Бугунги кунда бу борада ибратли ишларни олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси фикримизнинг яққол далилидир.

Шунингдек, республикада Юртбошимиз ташаббуси билан иш бошлаган турли банк, жамғарма ва суғурга агентликлари ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг изчиллигини намоён этмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврига мос молия-кредит тизимини яратиш, соғлом пул муомаласи, айланмасини таъминлаш зарур. Тижорат банклари ва инвестиция банклари тизимини яратиш ҳамда уларнинг аниқ мақомини белгилаб бериш, яъни инвестиция банклари капитал маблағлар қўйишни молиялаштиришлари, тижорат банклари эса кредит бериш билан шуғулланишлари лозим.

Молия-кредит тизими олдидаги яна бир муҳим масала – барча воситалар, жумладан, давлат заёмлари, турли қимматбаҳо қоғозлар орқали тижорат ва инвестиция банклари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаши, энг муҳими – аҳолининг харид қувватини кескин оширмоғи лозим. Иқтисодий назариянинг ёпик занжири коидасидан келиб чиқиб, барча ишлаб чиқарилган товар ва тақлиф этиладиган хизматлар охир-оқибатда инсонлар томонидан истеъмол қилинишини унутмаслик керак. Бунинг учун биринчи навбатда давлат ўзи харид қилган товарлар учун қонунда белгиланган вақт ичида тўловни амалга ошириши ва нодавлат секторига ҳам шу талабни қўйиши лозим. Давлат вақти-вақти билан тижорат банкларининг баланслари соғломлигини текшириб туриши, носоғломларининг фаолиятини дарҳол тўхтатиши, банкротлик борасидаги қонунларни корхоналарга ҳам қўллаши даркор.

Демократик ҳукукий давлат яратишнинг муҳим шартларидан яна бири – мамлакат ўз ҳудудидаги табиий бойликлар ва ресурслардан оптимал тежамкорлик билан фойдаланиши, тоталитар тузум давридаги бир маҳсулот бирлигига ўртача сарфланадиган эмас, энг кам сарфланадиган ресурслар лимитини қатъий белгилаши ҳамда илғор технологиялар жорий этилиши билан уларга дарҳол тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминлаш зарур.

Европа олимлари Шарқ давлатчилиги ҳақида гапирганда, уни мутлақ яққаҳоқимлик ва зўравонликка асосланган, ҳеч қандай демократия нишонлари бўлмаган давлат, деб таърифлашади. Бу нарса Шарқ халқларининг табиатидан келиб чиқади, чунки шарқликлар итоатгўйликни яхши кўрадилар, уларда ўзини ўзи бошқариш тартиб-қоидалари шаклланмаган, деб айтадилар. Очик-ойдин айтишимиз керакки, европача демократияни кўр-кўрона кўчириб олиш канчалик хато бўлса, Шарқда демократия аъъаналари йўқ бўлган ва шунинг учун уни бу ерда ўрнатиш мумкин эмас, дегувчиларнинг фикри ҳам шунчалик асоссиз ва хатодир.

Бундай олиб караганда, ахир, Европа ёки Америкада демократия азал-азалдан мавжуд бўлган эмас-ку! Аслида демократия ҳақидаги тушунча ва биринчи демократик давлат шакли милоддан олдинги мингйиллик ўрталарида Юнонистонда пайдо бўлган эди. Кейин у Рим республикасида ривожланди, унинг заминидан Рим ҳукуқи ишлаб чиқилди. Бирок Юнонистон давлати ҳам, Рим республикаси ҳам кулдорлик давлати бўлиб, уларда куллар ҳеч қандай ҳуқуқларга эга эмасдилар. Европада эса феодал тартиблар ўрнатилиши билан илгариги классик демократия ҳам унутилган эди. Европадаги демократик ғоялар, яъни тенглик, гражданлик, адолат тўғрисидаги ғоялар XVIII–XIX асрларга келиб қарор топди ва бу XX аср ўрталаридагина реал ҳаётда ўзининг ҳозирги кўринишига эга бўлди. Демократиянинг ўзи амалиётда қарор топгунча у ҳақдаги қарашлар ва ғоялар мавжуд бўлган. Бундай ғоялар Шарқда ҳам кенг ривож топган эди.

Бундан ташқари, бизда жуда қадим замонлардан бошлаб жамиятнинг турли босқичларида ўзини ўзи бошқариш

институтлари (анъаналари) давом этиб келган, жамоа раҳбарлари, ҳокимлар, амирлар ва оксоқолларни, кейинчалик эса қозиларни сайлаш тартиби жорий этилган эди. Ислом пайдо бўлиши биланок демократик дин сифатида ажралиб турган. Чунончи, исломда мусулмон бўлган киши Аллоҳ наздида тенг ҳуқуқлидир. Куръони каримни мутолаа қилсак, кўп ўринларда аҳли мўъминнинг баробарлиги, бир-бирига биродар экани таъкидланади. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётликларида мусулмон жамоалари ичида бой-камбағалга ажратиш, тоифа-табақага ёхуд миллатга ажратиш ҳоллари бўлган эмас. Ўша даврда ул зотнинг «Мўъмин мўъминнинг биродаридир» деган ҳадислари асосий шиор бўлиб келган, ҳаттоки қуллар озод қилиниб, турли ирқдаги, турли миллатга мансуб кишилар биргаликда ҳаёт кечирганлар, дин ва давлат ишларини бамаслаҳат ҳал қилганлар.

Олий ҳокимият, давлатни бошқариш масалалари халифалик даврида ҳам жамоа раҳбарларининг, халқнинг хоҳиши-иродаси ҳисобга олинган ҳолда ҳал қилинган. Масалан, дастлабки тўртта халифа, яъни Абубакр, Умар, Усмон ва Али навбатма-навбат сайланган эди. Халифалар жойлардаги раҳбарларни тайинлашда ҳам маҳаллий халқ истагини эътиборга олганлар. Уммавийлар ва аббосийлар даврида дунёвий давлатчилик ривожланиб, мусулмонлар таъсири бутун дунёга тарқалган пайтларда ҳам маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўхтаган эмас. Ислом дунёсида турли тоифалар мавжуд бўлиб, улар ихтиёрий уюшмалар тузар, ўз ишларини ўзаро кенгашган ҳолда ҳал қилардилар. Масалан, шаҳар ҳунармандларининг турли даражадаги уюшмалари бўлган. Улар ширкатларга бирлашиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, биргаликда жамоа ҳаётига тегишли муаммоларни ҳал қилиш билан шуғулланган. Ҳунармандларнинг сайланган вакиллари ўз қавмининг истақларини шаҳар ҳокими, амирлар, хонларга етказиб турган. Шу каби жавонмардлар, дарвешлар ташкилотлари, савдогарлар, уламолар Кенгаши асрлар давомида иш кўриб келгани ҳақида маълумотлар бор. Масалан, дарвешларнинг ўз пирлари бўлган, улар пир атрофида уюшиб, хонақоҳларда яшаган. Уларнинг халқ орасида-

ги обрў-эътибори юкори бўлган. XIII асрда Мовароуннаҳр шаҳарларига саёҳат қилган араб сайёҳи Ибн Баттута кўплаб хонақоҳларда бўлиб, дарвешларнинг ҳаёти билан танишади. Хонақоҳларнинг шайхлари ҳатто баъзи давлат ишларига ҳам аралашиб тургани, подшоларни инсоф ва адолатга чақириб, золим амирлардан халқни ҳимоя қилганини Ибн Баттута ўз кўзи билан кўради. Дарвешлар бир-бирининг дўсти ва биродари ҳисобланган, ўзларига ажратилган вақф ерларда ишлаб кун кўрган. Ер ва бошқа кўчмас мулклар бирон-бир шахсга тегишли бўлмай, жамоат мулки ҳисобланган. Унинг даромади мадрасалар, хонақоҳлар, масжидларни обод қилиш, талабаларни ўқитишга сарфланган. Вақф ерларини мутаваллилар бошқарган бўлса ҳам, аммо мутавалли вақти-вақти билан шаҳар қозиси, мадраса ёки хонақоҳ жамоаси олдида ҳисоб бериб турган. Агар мутавалли шариат қонунларига ҳилоф иш кўрса, у мансабидан озод этилган ва жазоланган.

Шарқда кенг тарқалган демократик ҳаракатлардан яна бири жавонмардлик ҳаракатидир. Жавонмардларни аҳли футувват ҳам деганлар. Жавонмардлар – ўз фаолияти, умрини яхшиликка сарфлаш, муҳтож кишилар ҳожатини чиқаришни мақсад қилиб олган кишилар эдилар. Уларнинг ўз ташкилотлари, сайлаб қўйган раҳбарлари, амал қилинадиган низомлари бўлган. Жавонмардлар муайян расм-русумлар, қоидаларга бўйсунган, йиғинларда тантанали қасамёд қилиб, махсус кийимлар кийиб, топган-тутганини ёру биродарлари билан баҳам кўрган, ўз ҳаётида поклик ва такводорликка қатъий риоя қилган. XV аср ёзувчиси Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватнома» китобида жавонмардларнинг ахлоқи, ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш тартиби кенг ёритилган.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, жавонмардлар ватанпарварликда, фидойиликда намуна кўрсатган. Уларнинг кўплари чет эл босқинчиларига қарши курашда ҳалок бўлган. Бундай мисоллар тарихда кўп. Энг муҳими шундаки, Шарқ мутафаккирлари давлат ва жамият, подшо ва раият ҳақида ёзганда, инсоннинг маънавий етуклиги, поклигига асосий эътиборни қаратиб, адолат, ростлик, меҳр-шафқат, саховат ва қаноат каби сифатларни ҳимоя қилганлар.

Абунаср Форобий «Фозил кишилар шахри» номли рисола-сида донишмандлар раҳбарлик қиладиган давлат ҳақида ёзади ва унда раҳбар кишининг ўн икки фазилатини санаб ўтади. Мутафаккир фикрига кўра, раҳбар аввало соғлом, ақлли, заковатли, ҳушёр одам бўлиши, қалбида адолат туйғуси жўш уриб туриши, дўсту душманни, рост ва ёлғонни ажратадиган бўлиши лозим. Форобий назарида давлат ва жамият бир-бирига боглик тушунча, жамият қанчалик ривожланган ҳамда унда оқил ва одил одамлар қанчалик кўп бўлса, давлат ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Давлатни фозил кишилар бошқариши лозим. Фозил кишилар кўпайган шаҳарларда осойишталик, фаровонлик бўлади, ўзаро келишув билан барча масалаларни ҳал қилиш имконияти туғилади.

Соҳибкирон Амир Темур ўз тузукларида «Рости – русти», яъни ростлик – саодатдир деб бежиз ёзиб қўймаган эди. Бу улуғ салтанат соҳибининг аввало ўз эътиқоди, шиори эди. Асарни ўқир эканмиз, унда ҳам давлатни идора қилишнинг ўн икки тамойили баён этилганининг гувоҳи бўламиз. Шариат қонунларига риоя қилишдан ташқари, «тўра-тузукка қараб» иш юритиш, беклар, саркардалар, шайхлар, донишмандлардан маслаҳат олиш, халқнинг, фуқаронинг аҳволидан хабардор бўлиш, золимларни жазолаш, кароқчилар, йўлтўсарларнинг адабини бериб, мамлакатда савдо-сотик хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ва осойишталик ўрнатиш заминидан ободончиликни авж олдириш Амир Темур давлатининг бош хусусияти эди. Амир Темур салтанатида ўнлаб миллатлар, ҳар хил дин ва мазҳаб вакиллари биргаликда яшаган, савдо қарвонлари хавф-хатарсиз мағрибдан машриққача бориб-келиб турган.

Албатта, феодал давлатининг ўз талаблари бор эди. Сулолаларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, вилоятларни ўз яқинларига бўлиб бериш каби ҳолатлар мавжуд бўлган, лекин чин инсонпарварлик ва табақа-тоифаларнинг ўзаро келишиб, ягона жамиятда яшаши, ўз шоҳининг ор-номуси, шон-шавкати учун курашиш бизда яхши ривожланган эди. Бу эса мамлакат раҳбари билан фуқароларни яқинлаштирган, ягона ватан туйғусини тарбиялаган.

Амир Темур давридаги ва ундан кейинги давлатчилигимиз хусусияти ҳақида гап кетар экан, яна бир жиҳатни эсга олмоқ ибратли. У ҳам бўлса, қозиларнинг сайланиши. Маълумки, муфти, аълам, подшо томонидан тайинланган, аммо қозиларни тайинлашда ҳокимлар ва амирлар уламо-лар Кенгаши фикрини инобатга олган. Қози шариат ҳукуки билимдони бўлишдан ташқари ўз тақводорлиги, ҳалоллиги билан ном чиқарган одам бўлиши керак эди.

Буларнинг ҳаммаси Шарқда демократик бошқарув хусусиятлари мавжуд бўлиб келгани, ўзини ўзи бошқаришнинг турли шакллари амал қилганини кўрсатади.

Биз Ўзбекистонда ўзига хос ҳукукий демократик давлат кураётган эканмиз, халқимиз турмуши ва онгида тарихий анъаналаримизни сақлаб, улардан оқилона фойдаланмоқдамиз. Адолат, ижтимоий ҳимоя, ўзаро ёрдам ҳозирги жамиятимизнинг негизини ташкил қилади. Адолатга, халқимизнинг энг яхши, ардоқли ғояларига аосланган демократиягина мустаҳкам заминга эга бўлади.

2. *Миллий давлатчилик асослари*, миллий маданият, тарихий кадриятлар ҳар бир мамлакат демократиясига замин бўлиши керак. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасига назар солсак, Буюк Британияда монархия бошқарув тизими сақлаб қолинган, ҳозирги замонда Қиролича давлат раҳбари экани, лордлар палатасининг миллий давлатчилик анъаналаридан мерос тарзида сақлаб қолингани, ягона системалаштирилган конституциянинг йўқлиги ҳам шу асоснинг белгисидир. Америка Қўшма Штатларида атиги олти моддадан иборат бўлган, 1787 йилда қабул қилинган Конституциясининг миллий давлатчилик асосларига садоқат рамзи сифатида сақлаб қолиниб, унга 26 та қўшимча ва ўзгаришлар киритилган ҳолатда ҳаётда амал қилиши ёки демократик давлатлар учун хос бўлган махсус конституцион назорат органининг мавжуд эмаслиги, давлат бошқарувининг президентлик республикаси шаклидаги давлатлар ичида фақат АҚШдагина Президент бевосита сайловчилар томонидан сайланмасдан, балки сайловчиларнинг махсус коллегияси орқали сайланиши, партиявий тизими ва бошқа хусусият-

лари билан бошқа мамлакатларнинг демократиясидан фарк қилади. Японияда халқнинг ўз императорига кучли садоқати, император ҳокимиятни дахлсиз ва мукаддас деб эълон қилгани, умуман давлат ва жамият қурилишида японларга хос бўлган миллий хусусиятларнинг ҳисобга олингани ҳаммага маълум.

Ҳар бир мамлакат миллий давлатчилик анъаналарини сақлаб қоламаса, у чинакамига ўзига хос демократик давлат бўлолмайди, албатта. Миллий давлатчилик асосларимизни чуқур ва мукамал тадқиқ этиш, уни мустаҳкамлаш учун зарур анъаналарни ҳаётга жорий қилиш ҳам бизнинг долзарб вазифамиздир.

3. Демократик давлат қуришнинг энг муҳим асосларидан бири ҳуқуқий тарбиядир. Янги демократик давлат қуриш учун фуқароларни, аввало, демократияга ўргатиш керак. Америка Қўшма Штатлари ёки Европада халқ юз йиллар давомида демократияга ўргатиб келинган. Масалан, ривожланган Европа мамлакатларида ёки АҚШда сайлов ўтганидан кейин навбатдаги сайловгача сайланган Президент ёки парламентни муддатидан илгари ваколатидан соқит қилиш масаласи кўтарилмайдик, бу нарса мазкур мамлакатлардаги фуқароларда демократик тушунчанинг юқори даражада шакллантирилганидан далолат беради. Соғлом ҳуқуқий онг пайдо бўлган ерда жамиятдаги бошбошдоклик, ўзбошимчалик, парокандалик, маҳаллийчилик, манфаатпарастлик каби иллатлар ўз-ўзидан барҳам топади. Фикримизнинг далили сифатида кўшни Тожикистон Республикасидаги фожиали воқеалар, Россиядаги турли ҳокимият органлари ўртасидаги келишмовчиликлар, Чеченистон, Грузиядаги Абхазия билан боғлиқ қонли тўқнашувлар, МДХ мамлакатларидаги уюшган жиноятчиликнинг авж олгани ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Демак, фуқароларда юксак ҳуқуқий онгни шакллантириш, бунинг учун эса аввало ҳуқуқий тарбияни яхши йўлга қўйиш бирламчи вазифаларимиздандир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Конституцияда ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш билан бир қаторда ўз олдиларидаги

бурч ва мажбуриятларини ҳам сўзсиз бажаришлари зарур. Ўтиш даврининг асосий хусусиятларидан бири шундаки, бу даврда шахс манфаати билан миллат манфаати ўртасида номуаносиблик пайдо бўлган ҳолда миллат, халқ манфаати юқори туриши лозим, чунки бу даврда янги давлатчилик асослари барпо этилади, миллатнинг, давлатнинг келажаги ҳал қилинади. Давлат томонидан қабул қилинган қонунларнинг сўзсиз бажарилиши жамиятда тотувлик, ҳамжиҳатлик, тинчлик ва барқарорликнинг асосий гаровидир. Чунки фақат давлатгина жамиятдаги сиёсий тизим субъектлари ичида халқ номидан чиқиши, умумхалқ манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин. Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари фақат ўз аъзолари манфаатларинигина ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир. Давлат эса кенг универсал характерга эга. У бутун халқ ва ҳар бир фуқаро манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақлидир. Албатта, бунда кўпчилик манфаатлари шахс манфаатларидан юқори қўйилади. Шунинг учун ҳам фуқароларни демократиянинг ана шундай қонун-қоидаларига ўргатмай туриб, демократик ҳуқуқий жамият қуриш асло мумкин эмас. Фуқароларни демократияга тарбиялашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш лозим.

Давлатчилик назариясини ишлаб чиқиш ижтимоий тузум шакллари танлашда ўзига хос ёндашувни талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунида қуйидагилар эълон этилган:

«Ўзбекистон – суверен демократик республика»;

«Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир»;

«Конституция ва қонунларнинг устуворлиги сўзсиз тан олинади».

Келтирилган конституциявий ҳолат ва нормалардан кўри-ниб турибдики, қурмоқчи бўлганимиз янги давлатчилик ту-зуми ўз моҳияти билан ҳар қандай сиёсий ёхуд мафкуравий тусдан тамомила озод ва жамиятни синфий, диний, иркий ва ҳар қандай бошқа табақалаштиришнинг белги-хусусиятлари-ни инкор этади. Бошқача қилиб айтганда, миллий давлатчи-лигимизнинг методологик манбаи ва дунёқараш асосларини «умумхалқ ижтимоий бир хиллиги асосидаги жамият қуриш»

типидаги социализм назарияси доғмалари ёхуд у ёки бу диний қарашни мутлақлаштириш эмас, балки инсоннинг чинакам ҳуқуқи ва эрки ташкил этади.

Табиийки, янги тизимда шахс ва давлат орасидаги муносабат биринчи ўринга сурилади. Давлат қурилишининг бу икки унсури ўзаро ҳуқуқ ва масъулиятлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу асосда давлат ижтимоий боқимандаликнинг туғилиши ва кўпайишига барҳам беради, инсон эса ўз муаммоларини хусусий ва яширин ички имкониятлари ҳисобига ҳал этишнинг объектив заруриятини англаб этади. Шу билан бирга, давлат одамларни ҳаёт кечириш воситалари ва манбалари билан тўла таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди, фақат ҳар кимга шундай шароитни яратиб берадики, унда шахс табиий қобилиятини ишга солиш ва ўз эҳтиёжини қондириш усулларини топади.

Барча фуқаролар ҳуқуқий тенглиги ва ижтимоий эркинлигининг ягона ва қатъий баҳо мезони сифатида (уларнинг миллий, партиявий, диний, ижтимоий мансубиятидан қатъи назар) Қонун майдонга чиқади. Фуқаролар тенглиги бу Қонун олдидаги тенглиқдир. Фақат Қонунгина жамият ўз тараққиёти доирасида йўл кўйиши мумкин бўлган ақида ҳамда меъёрларни аниқлайди ва белгилайди.

Демократияда ҳамма томонидан қабул қилинган шундай қонуният борки, ҳокимиятнинг тенг тақсимланиши учун, унинг муайян томонда тўпланишига қарши посанги – қаршилиқ тизими яратилиши лозим. Таъкидлаш керакки, «ҳокимиятнинг тақсимланиши»ни ҳокимиятнинг ўзаро бир-биридан мустақил уч новдаси – қонун чиқарувчилик, ижрочилик ва суд тарзида талқин этиш керак эмас. Президентлик республикасининг моҳияти (буни ҳам бошқарувнинг президентлик шакли билан чалқаштирмаслик керак!) шу билан белгиланадики, бу уч новда кучли давлат ҳокимиятининг ягона тизимига бирлаштирилади ва уларнинг ҳар бири бир-бирини ўзаро тўлдириб туради. Бундай тизим ҳокимиятнинг муайян томонда тўпланишига ёки унинг бирор томондан тортиб олинишига имкон бермайди. Бу жуда ривожланган, демократик воситадир.

Республикада қонун чиқарувчи ҳокимият давлатнинг юқори ваколатли идораси – Олий Мажлисга мансуб. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ижтимоий-иқтисодий жараёнлар бошқарувидаги демократик ривожнинг бошланиши ва сифат ўзгаришлари юз бераётганини ифодаловчи, парламентчиликнинг янгича намунасидир. Унинг олдинги Олий Кенгашдан фарқи фақат номланиши ва таркибий тузилишида ёхуд вазифа ҳамда ваколатларида эмас. Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта профессионал асосда, кўппартиявийлик асосида чинакам ваколатли идорага эга бўлди. Бу эса жамиятимиз ривожланган ва ҳуқуқий тузумга ҳаракат қилаётганининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Шу маънода парламентнинг салоҳияти кўрилаётган қонунчилик муаммолари миқдорига эмас, балки қабул қилинаётган ҳужжатлар тизимлилиги ва сифатига қаратилмоғи лозим. Бу ўринда, аввало, қонунчилик актларининг ишланиш методологияси ўзгаргани назарда тутилаётир. Қонун ўз тузилиши ва мазмунига кўра, унда барча таркибий қисмлар уйғунлашган бўлса ва у исботлаш ҳамда ишонтириш учун эмас, балки ҳуқуқий нормалар, ахлоқий ақидалар, умуминсоний қоидаларни эътироф этиш йўлидан борса, шундагина мукамал шаклга эга бўлади. Бунинг асосида эса қуйидагиларни тўлиқ англаш ётади: давлат томонидан демократия ғоялари ва кучли ҳокимиятнинг илгари сурилиши; қонун устуворлиги ва шахс эркинлиги – қарама-қарши тушунчалар ва ҳодисалар эмас, аксинча, миллатлар ва элатлар, синфлар ва ижтимоий гуруҳларнинг бирлиги, тотувлигини таъминлаш механизми; давлатдаги иқтисодий, сиёсий, маънавий-руҳий вазиятлар мувофиқлигини таъминлаш.

Фақат шу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда давлат бошқарувида халқнинг амалий иштирокини таъминлаш, фақат шу асосдагина кейинги йилларда ўзлаштирилган қонунчилик тажрибасини давом эттириш ва такомиллаштириш мумкин. Бу шуни англатадики, асосий эътиборни маҳаллий аҳамиятга эга бирор лойиҳани яратиш, масалан, кўприк қурилиши ёки ўз туманига сув қувири ўтказилишига эмас, балки жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, мустаҳкам тартиб ва инти-

зом ўрнатишга, ҳар қайси фуқаронинг иркий, миллий, диний, тил мансублигидан қатъи назар, конституцион ҳуқуқларини таъминлашга қаратмоқ лозим.

Ушбу тамойилларни эътироф этиш ва уларга риоя қилиш халқ ҳокимиятчилиги моҳиятига янгича назар ташлашни тақозо этади. Аввало халқ вакилларига «халқ делегатлари» сифатида қарашдан воз кечиш керак, деб ўйлаймиз. 1774 йилдаёқ машҳур Эдминд Беркни Британия ижтимоий палатасига сайлаганларидан сўнг, сайловчилар уни мамлакатнинг олий мақсадлари сари ҳаракат қилиши учун парламентга сайлаганликларини таъкидлашган эди. Худди шу сингари айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари олдида ҳам улкан вазифалар турибди. Улар ўз сайловчилари манфаатларини ифодалаб, уларнинг ишончларини оқлаб, омма орзу-интилишларини амалга ошириб, Ўзбекистон Республикасининг олий мақсадлари сари ҳаракат қилмоқлари лозим. Энг ишчан қарорлар ишлаб чиқиш учун оқилона тадбирлар топиш ҳар бир депутатнинг нуктаи назарига айланиши керак. Бу, энг аввало, уларнинг қонун яратиш фаолиятига тааллуқлидир.

Ўзбекистон мустақиллигига тўрт йил тўлди, холос. Гарчи анчагина иш қилинган бўлса-да, ҳали яна жуда кўп ишни амалга ошириш керак. Шу маънода Ўзбекистонда ҳозир қонун яратиш сарҳадлари бепоёнлиқ. Ҳар бир кун қонун яратувчилиги учун асос бўлувчи янги муаммоларни илгари сурмоқда. Ундан ташқари, ҳаёт қабул қилинган қонунларга ўз тузатишларини киритиб борапти. Қонунлар ҳамма учун мажбурий тарзда қабул қилиниши баробарида фуқароларнинг талаблари, қизиқишлари, имкониятлари кун сайин янгиланапти.

Энг муҳими, қонунлар амал қилиш имкониятидан ташқарида бўлмаслиги, қонунлар ўзгараётган Ўзбекистон ва унинг фуқаролари эҳтиёжлари ва талабларини ифодалашидир. Шу маънода яна бир бор таъкидлаш керакки, қучли қонунчилик сиёсати, қонун устуворлиги Ўзбекистон халқи манфаатларидан келиб чиқмаса, у аҳамиятсиздир.

Жамиятнинг бир тизимдан бошқа тизимга ўтиши узок чўзиладиган, мураккаб жараёнлиқ ва бу жараён фақат

хукукий мухитдагина юз бермайди. Жумладан, маърифий соҳада хукукий демократияни таъминлаш жўн иш эмас. Барча маърифий воситалар тизими шундай ишга солиниши керакки, улар бутун дунёда қабул қилинган демократия тамойиллари орқали ишлаб кетиши баробарида янги мазмун билан бойиши ҳам зарур. Демократияни эълон қилиш қийин иш эмас, демократия йўлидан изчил юриб бориш мураккабдир. Тажриба шуни кўрсатадики, демократия тамойиллари уларни узок ўзлаштириш жараёнисиз, халқ маданиятига, маънавиятига, унинг эркин тараккиёт ҳақидаги тасаввурларига таянмасдан туриб намоён бўлмайди. Акс ҳолда, у ҳавода муаллақ осилиб қолади.

Бизнинг тасаввуримизча, ривожланган фуқаролик жамияти, хукукий давлат билан тоталитаризм ўртасида иқтисодий ва сиёсий янгиланишнинг узок муддатли зарурий жараёни ётибди. Иқтисодий ва ижтимоий фикрий ҳар хилликка, барқарорликка, бозор ислоҳоти ривожига босқичма-босқич ўтиш унинг табиий белгиларидир.

Янгиланаётган давлат ўтиш даврида иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг асосий ташаббусқори сифатида майдонга чиқади. Барча ранг-баранг мафкуравий тамойиллар (ягона ҳукмфармон мафкура эмас) ижтимоий раванқнинг тобора юксалишига, вазиятни барқарорлаштиришнинг умуминсоний назарий асосларига таяниши муҳимдир. Табиийки, ижтимоий, фикрий ранг-баранглик янгиланаётган жамиятда асосий тараккиёт омили сифатида қабул қилинган экан, у охир-оқибатда, иқтисодиётнинг сиёсатдан устувор мақомини таъминлайди. Бозор муносабатларига босқичма-босқич кириб бориш долзарб эҳтиёжларни таъминлашгина эмас, энг аввало, бозор муносабатларини яратиш ва уни тўлалигича ишга тушириб юбориш демакдир.

Бу жараёнда ўз келажagini ўйлайдиган жамият фуқароларини кўра-била туриб бозор тегирмони қомига ташлай олмайди. Шунинг учун бозор ислоҳотларининг ижтимоий мақсадга йўналтирилгани бозор муносабатларига киришишнинг оғрикисизлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлайди. Шу тариқа бозорга босқичма-босқич ўтиш жамиятни янгилаш-

нинг бошқа барча тамойилларидан муҳимроқ аҳамият касб этади ва ижтимоий ислоҳотларнинг инкилобий (бизнинг шароитимизда ҳалокатли!) йўлидан оғоҳлантиради. Давлатнинг бозор устидан назорати эса ижтимоий ва иқтисодий бошбошдоқликни бартараф этади, беқарорлик таҳликасини йўқотади.

Ижтимоий қарама-қаршиликлар иқтисодий инкирозлар билан қўшилиб кетган жамиятда демократик норма ва тамойилларни бирданига ўзлаштириб олиш ўта қийин. Бундай жамиятда одамлар фақат тирикчилик ўтказиш учун кураш ёки бойлик орттиришга интилиш билан банд бўладилар, холос. Мулкий ва умуман ижтимоий табақаланиш ўзининг сўнгги чегарасига этади. Инсон кадрининг эса буюмчалик қиммати бўлмай қолади.

Замонавийлашаётган жамиятда эса мутлақо бошқача. Унинг мақсадларидан бири ўз фуқароларининг ижтимоий аҳволини аста-секин яхшилаб ва мустаҳкамлаб боришдан иборатдир. Узоқ муддатни кўзда тутиб мўлжалланган барқарорлаштириш ва тараккиёт келгусида барқарор демократия учун замин ҳозирлайди.

Турган гапки, замонавийлашаётган жамиятда иқтисодий тенгсизлик йўқолиб кетмайди. Бирок динамик иқтисодий ўсишнинг бозор иқтисодиётини амалга оширишда вужудга келадиган янги ва нисбатан ҳаракатчан таъсири синф ва табақалар ўртасидаги чегараларнинг йўқолиб боришига омил бўлади.

Ишлаб чиқариш шарт-шароитларининг ўзгариши, илмий-ахборот технологияларининг пайдо бўлиши юқорида тилга олинган жараёнлар билан биргаликда тадбиркорликнинг ривожланишини, жамиятнинг ўрта қатлами – хусусий мулк эгаларини, қолаверса, нафақат моддий мулк, шу билан бирга интеллектуал мулк эгалари – зиёдилар, юқори малакали ишчи ва хизматчилар, тадбиркорлар, фермерларни ҳаётга чорлайди. Айнан ўрта синфнинг ўзи демократияни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашда етарли даражада жиддий ижтимоий куч сифатида майдонга чиқиши мумкин. Иқтисодий ислоҳотларга босқичма-босқич ўтиш жараёнида шундай синфнинг вужуд-

га келиши Ўзбекистон раҳбариятининг ўзига хос дастури ҳисобланади. Бу – республикада ижтимоий муҳитнинг изчил демократлаштириш курсига, демократия ғояларига содиқликнинг яна бир далилидир.

Демократик давлат куришдан мақсад халқ ҳокимиятчилигига раvнақ бағишлашдир. Давлат ва жамиятнинг порлок келажагини таъминловчи бундай ривожланиш демократиянинг юқорида таҳлил этилган асосий тамойиллари, хусусиятлари, белгилари, шартлари, усуллари, қонуниятларининг ҳаётга татбиқ этилишига чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, мамлакатимизда демократик, адолатли ҳуқуқий давлат куриш йўлида улуғ Соҳибкирон Амир Темур таъкидлаганидек, «миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламок», «миллатнинг дардларига дармон бўлмок» барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

1995 йил

ЎЗЛИГИНГНИ УНУТМА

Ўзбек миллати қадим-қадимдан юксак маънавият ва маданиятга эга халқдир. Бу маънавий салоҳиятни бутун жаҳон тан олган ва ундан андозалар олиб келган. Бунга тарихий мисолларимиз ҳам кўп. Икки ярим минг йиллар аввал ҳам Самарқанду Бухоро гуллаб-яшнагани, жаҳон пойтахти даражасида бўлганини ким инкор қила олади? Фақат шундай маънавиятга эга бўлган миллатгина минглаб йиллар оша ўз салоҳиятини, обрўсини сақлаб қола билади. Лекин совет мустамлакаси даврида бу қадриятларни ваҳшийларча, маккорона йўқ қилиб ташлашга ҳаракат қилинди. Чунки совет тизимининг асосий мақсади миллатлар маънавияти ва тарихий қадриятларини йўқ қилиб ташлаш, советлар қулигига қўнувчи, унга қарши чиқа олмайдиган янгича дурагай миллатни яратиш эди. Афсуски, ўтган етмиш йилдан ортиқ давр мобайнида миллат маънавиятига қарши олиб борилган режали таъсир натижасида улар бу ниятига қай бир даражада эришди ҳам. Фарзандлар билан ота-оналар,

ака-укалар, опа-сингиллар орасидаги муносабатлардан файз кета бошлади. Азалдан ўзбек фарзанди ўз отасига тик боқмас, бунга кучли ички эҳтиром ва хурмат йўл қўймас эди. Афсуски, собиқ советлар даврида «ривожланган ғоя» таъсирига тушган миллатдошларимизнинг баъзилари маънавий бузилиб, ўғил ота билан ёқалашадиган, судлашадиган ва уни ҳақорат қиладиган даражага ҳам етди. Айрим фарзандлар ўз пуштипаноҳларига, оқ сут берган оналари ҳолига бефарқ карашга кўникди. «Ота рози – худо рози», «Она дуоси ўк», «Жаннат оналарнинг оёғи остида» ёки «Аввал уч карра онангни дегин, сўнгра отангни дегин, ана шундан кейингина ҳаётнинг бошқа зийнатларини сўра» деган қоида ва ўғитлар унутила бошлади.

Собиқ тузум «ахлоқ кодекслари»нинг миллат маънавиятига таъсири ана шундай хунук натижаларга олиб келди. Оқибатда ўзбек миллатини таҳқирловчи «Қариялар уйи», «Болалар уйи» иборалари пайдо бўлди. Қадим тарихимизда бундай муассасалар бутунлай бўлмаган. Фарзандлар, керак бўлса, кекса ота-оналарини елкасида кўтариб Маккаи Мадинага олиб борган. Ўзбек аёллари фарзандини «Болалар уйи»га бериш нима эканини билмас эди. Ҳатто бундай жойларни тасаввур ҳам қила олмаганлар. Ота-онани хорлаб қўйиш, фарзандини ташлаб юбориш бизда гуноҳи азим ҳисобланган. «Ғамхўр совет давлати» эса аввал миллатнинг маънавиятини бузиб, сўнгра ана шундай уйлар очиб, олийжаноблигидан ғурурланган. Фарзандларнинг мол-мулк таллашиб оталар билан судлашуви, ака-укалар, опа-сингилларнинг мерос таллашиб ёқалашуви миллатимиз маънавиятига иснод бўлувчи ўлатдек ёпишди. Албатта, унинг замирида нопок ғоя солган заҳар ётар эди. Ундан униб чиққан ниҳоллар шундай ҳосил бера бошлади.

Миллатда қанчалик парокандалик бўлса, у шунчалик қулга айланади. Аёлларимизни тенг ҳуқуқли қиламиз, дея сунъий қаҳрамонлар яратдик. «Тонналаб пахта териб, пахта териб, Турсуной бўлай дейман» кўшиқлари остида аёлларимизни пўлат отларга миндириб, эркаклар касбига йўлладик. Натижада уларни турли касалликларга гирифтор этиб, нас-

лимизга шикаст етказа бошладик. Аёлларимиз заифлашиб, ўз дилбарлигини йўкота борди. Ўтмишда «ўзбекман» деган эркак аёлини хорлаб, бундай номуносиб, оғир, зарарли касбларга ташлаб қўймаган. Ҳадиси шарифда ҳам «Эркак аёлни бутунлай моддий таъминлаши, унга кўмакдош бўлиши шарт» деган ғоя бор. Биз ана шу муқаддас бурчимизни ҳам иттифокнинг бемаза ғояси деб унутиб юбордик.

Ҳолбуки, миллатимизда давлат ишларига жозиба қўшиб, давлат сиёсатини юргазишда буюк фазилатлар кўрсатган Нодирабегимлар ўтган. Улар ҳар қандай шароитда ҳам аёллик ибосини саклаган. Буюк Темур, Бобур шоҳлар ўзлари пиёда бўлсалар-да рафиқаларини, оналарини, опа-сингилларини отуловда олиб юрган. Ҳар бир миллатнинг салоҳияти уларнинг аёлларига бўлган ҳурмати, муносабати билан белгиланади.

Бирор миллатни йўқ қилай десанг, аввало унинг тилини йўқотгин, деган даҳшатли ғоя бор. Биз ўз она тилимизни, яъни ўзлимизни йўкота бошладик. Мустақиллик авваламбор тилимизни, маънавиятимизни қайтариб берди. Бу эса ўзбек халқи қон ютиб, асрлар мобайнида орзу қилиб келган олий мақсад эди. «Она тилим» дея қанча юртдошларимиз ширин жонини қурбон қилган. Уларнинг руҳига миннатдорчилик ҳисси ила энди биз она тилимиздан ғурурланмоқдамиз.

Шу нарса ёдимиздаки, «Ҳосил байрами» – республика деҳқонларининг қурултойи кунлари Тошкентга бутун юртдан пахтакорлар, қишлоқ хўжалиги ходимлари йиғилар эди. Залда асосан ўзбеклар ўтирса-да, маърузалар рус тилида ўқиларди. Республика раҳбари бир нечагина сўзни ўзбекча сўзлаши залда ўтирган, миллий тилимизга чанқок деҳқонлар, меҳнаткашлар томонидан гулдурос қарсақлар билан қарши олинар эди. Йил бўйи меҳнат қилиб улкан ютуқларга эришган кишилар учун шу энг олий мукофот бўлар эди. Бу гапларда бирор муболаға йўқ, барчамиз уни аниқ эслаймиз.

Ҳар қандай мансабга тайинланадиган кишининг авваламбор рус тилини қандай билишлигига эътибор қаратилар эди. Билмаса, унинг учун раҳбарлик ҳам орзу бўлиб қолаверарди. Аҳвол шу даражага бориб етгандики, ўзаро суҳбат чоғида

Ўзбеклар уч-тўртта «интернационал» сўзни кўшиб сўзламаса, бир-бирини тушунолмай қолар эди. Рус тилини билмайдиган ўзбеклар маданиятсиз, лекин ўз она тилини билмаса-да «Ленин тили»да сайрайдиган ўзбеклар замонавий, маданиятли кишилар ҳисобланарди. Шукрки, эндиликда ўзбек тилида сўзлашиш барчамизнинг кўнглимизга ҳузур бериб, ўзимизга ҳурматимизни ошириб, ғурур бахш этмоқда.

Мамлакатимизда кўплаб муборак осори атиқалар мавжуд, миллатимизни миллат қилиб турувчи, оламга кўз-кўз этувчи Баҳоуддин Нақшбанд, Ат-Термизий, Ал-Бухорий, Амир Темур каби буюқларимиз бор эди. Лекин шўро даврида дил кўзимизни кўр қилиб, виждон қулоғимизни қар қилиб, улуғларимизнинг муқаддас қадамжоларини қаровсиз қолдириб, ҳатто уларни очишгача бориб етилгани асло кечирилмас ҳолдир. Бу азиз боболаримизни бутун жаҳон ҳурмат қилар, уларни зиёрат қилишга интилар эди-ю, ўзимизга эса бу қадамжоларга бориш ҳам ман қилинарди. Бизнинг олам аҳли сифинган аждодларимиз ҳолидан хабар олишдан маҳрум қилиб қўйилишимиз ҳам қарамлик ва қуллик оқибати эди. Натижада уларнинг қабрлари бузилиб топталди, руҳлари безовта бўлди. Нафақат буюқ бобоқолонларимиз, балки ўз ота-она, опа-сингил, ака-укаларимизнинг жанозаларида иштирок этиш ҳам тақиблаб қўйилганини, ўзининг бу инсоний, фарзандлик бурчини бажарганлар эса ишидан, лавозимидан бўшатирилганини эсласак, даҳшатли тушдек сесканиб кетамиз. Лекин бу туш эмас, балки яқин 10–15 йил аввал бўлиб ўтган аччиқ воқеалик эканини унутмайлик. Эндиликда Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Бухорий, Амир Темур мақбараларини тиклаш ва обод этишда давлатимизнинг ўзи бош бўлиб турмоқда. Уларнинг руҳи биздан шод бўлиб, юртимизга файзу барокат ёғилса, тинчлик бўлса, деган ниятдамиз.

Советлар тузуми даврида сотқинлик, мунофиқлик мансаб пиллапояларидан кўтарилиш учун энг зарур хусусият эди. Яъни фарзанд ўз «унсур» отасини шўроларга сотиши ёки жазолаши катта қаҳрамонлик ҳисобланар эди. Баъзи ҳамюртларимиз миллатпарвар боболаримиз бўлмиш Бехбудий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий ва бошқаларни

қоралаш натижасида юқори мансабларга эришдилар. Улар миллий ифтихорга эга бўлган кишилар номини қанчалик кўп сотса, эвазига собиқ тузум шунчалик юқори лавозимга кўтарар эди. Қизиғи шундаки, кейинроқ уларнинг ўзи ҳам ўзларидан устарок хоинлар томонидан чакув қилиниб, маҳв этиб ташланди.

Биз бу гапларни алам ва изтироб билан айтмоқдамиз. Зеро, мустамлака тузумидан ҳар биримиз, бутун халқимиз жабр кўрган, изтироб чеккан. Буни асло унутиб бўлмайди, албатта. Аммо, афсуски, буларни унутганлар ҳам бор. Бугина эмас, собиқ советлар тузумини қайта тиклашни қўмсаётган, хоҳлаётганлар ҳам топилади. Ёш авлод, айниқса, буни билиши керак. Ёшлар сохта, баландпарвоз, аммо ичи пуч, ҳаётга зид ғояларга учмаслиги лозим. Чунки биз ўтиш даврининг табиий қийинчиликларини бошдан кечирмоқдамиз. Социализм бизни қоқоқликка маҳкум этгани ва биз ана шу нотўғри йўлни тарк этиб, дадиллик билан янги ҳаёт қура бошладик.

Шуни аниқ айта оламизки, машаққатлардан маънан юксакда тура оладиган авлодгина Ватаннинг порлоқ келажагига таянч, она Ўзбекистон мустақиллигига чинакам муҳофиз ва посбон бўлиши мумкин. Президентимиз Ислоҳ Каримов маънан баркамол авлодни тарбиялаш тўғрисида қуйидагича сабоқ беради: **«Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади... Қадимги аجدодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, Шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак»**. Дарҳақиқат, ёш авлодимиз янги жамият қурувчиси, мустақиллик ғалабаларининг содиқ қурашчиси бўлар экан, у минг йиллик маънавий меросимизнинг мумтоз намуналарини ибрат назари билан ўрганмоғи ва сийратига сингдирмоғи зарур.

Маълумки, мустақилликнинг истикболи ёшлар билан боғлиқ. Зеро, Ўзбекистон аҳолисининг ярмини 18 ёшгача

бўлганлар ташкил этиши, уларнинг табиий равишда мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида қандай салмоқли ўрин тутишини кўрсатади.

Аммо ёшларнинг ҳаётда тутажақ ўрни, дунёқараши, руҳияти ўз-ўзича шаклланмайди. Бу масалага алоҳида эътибор бериш, уларни тарбиялаш, илм-фан сирларини ўргатиш зарур. Бунга эса ҳар биримиз масъул эканимизни унутмаслигимиз керак.

Ёшларга таълим-тарбия беришда мустақиллик талаблари, умуммиллат, Ватан, истиқбол нуқтаи назаридан ёндашиш ҳаётий заруриятга айланмоқда. Аммо бугун биз ёшларнинг ҳаммаси тўғрисида ҳам шундай дея оламизми? Ёки таълим-тарбиянинг барча бўғинлари – оила, боғча, мактаб, маҳалла, бошқа таълим ва тарбия ўчоқларида, жумладан, олий ва ўртамахсус ўқув муассасаларида ишлаётган тарбиячи, мураббийлар давлат аҳамиятига молик бу муаммога бугунги, эртанги ва истиқбол талабларини чуқур ҳис этган ҳолда муносабатда бўлаяптиларми? Таълим-тарбия масканлари ва маҳаллаларда иш қандай йўлга қўйилган?

Ҳозирги кунда бу масалага инсоф билан, виждон амри билан жавоб бериш зарур! Очиқ тан олиб айтиш керакки, бугун айрим ўткинчи кийинчиликларни рўқач қилиб, жиддий муаммоларни ҳал этиш ўрнига, кўп ҳолларда, баҳона излашдан нарига ўтмаяпмиз.

Масалан, бугунги матбуот саҳифаларида «ёшларимиз кўпроқ бозорда савдо билан шуғулланмоқда» деган маънодаги фикрларни такрор-такрор эшитишга тўғри келяпти. Хўш, бозорга кимлар кўпроқ бормоқда, қандай ёшлар – мактаб ўқувчисими ёки университет, институт, техникум талабасими? Қайси пайтда боряпти, дарсни ташлаб боряптими ёки дарсдан ташқари вақтдами? Агар дарс пайтида бораётган бўлса, бу масалага масъул ўртоқлар қандай муносабатда? Балки ўзимизнинг таълим-тарбия масаласига бефарқ ва лоқайд ёндашаётганимиз ҳам айрим ёшларимизнинг ўқишдан кўнгли совишига, уни бир амаллаб тугатишига кўзи етиб, заруратдан эмас, бекорчиликдан пул топиш йўлига ўтиб олаётганига сабаб бўлаётгандир. Шу нуқтаи назардан таъкидлаш

лозимки, агар биз бугунги ёшларга эътиборсиз қарасак, улар кўнглида илмга, хунарга меҳр уйғота олмасак, ёшлар бошқа йўлни ахтариши тайин.

Албатта, ҳали иқтисодиёт нимаю маънавият нима эканини англаб етмаган, идрок ва ибрат кўзлари юмуқ норасида гўдақларини бозорга ўргатиб, увологи қолаётган ота-оналар ҳам топилади. «Хужжат ул-ислом» – Хожа имом Ғаззолий «Кимёи саодат» китобида ёзган экан: «Беш тоифа кишиларни савдога аралаштириш ҳаромдир. Булар: балоғатга етмаган болалар, кўзи ожизлар, қуллар, ҳаромхўр талончилар ва девоналар. Ёш болаларни, агар оталари бозорга юборган бўлса ҳам, улар билан муомала қилиш ҳаромдир». Бизнинг ҳозирги бозорларимизда ҳам Имом Ғаззолий танбеҳига амал қилмасликнинг оқибатлари кўриниб қолмоқда. Масалан, маҳалламиз оқсоқолларидан бири ёш болаларини бозорга нарса сотиш учун юбориб, ўзи уззукун нарда ва шахмат ўйнаб ўтирарди. Ҳеч кимнинг бошига солмасин-ку, кунларнинг бирида икки йигит ва бир аёл унинг уйига келиб, болаларини руҳан сеҳрлаб (гипноз қилиб) бойлигини ўмариб кетди. Қизиғи шундаки, ўғрилар бу манзилни бозор орқали билиб келишган экан... Воқеа мантиғидан хулоса чиқадики, модомики балоғатга етмаган болаларни савдога аралаштириш ҳаром бўлса, ота-онанинг болаларини савдога аралаштириш йўли билан топган даромади ҳам ҳалол эмас экан-да. Демак, халқ тили билан айтганда, бойлик қандай келган бўлса, шундай кетибди... Бозор иқтисодиёти шароитида лукмаи ҳалолни ҳаромдан фарқлаш имон сингари бирламчи омиллардандир.

Абдулла Авлониининг: «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», деган сўзлари ҳозир ҳам жуда замонавий, долзарб, ибратлидир.

Мустақиллик миллий онг эркинлиги, тафаккур озодлиги, маънавий-руҳий баркамолликни тақозо этади. Мана шу кўрсаткичларга умумхалқ миқёсида эришилгандагина, маънавият соҳасида тўлақонли мустақилликка эришилди, дейиш мумкин. Умуммиллий савиянинг мана шундай

кўтарилишигина миллий мустақиллик мафқурасининг тугал шаклланишига замин бўла олади. Бундай орзуларимизга мустаҳкам асослардан бири шуки, биз ўтмишда ҳар жиҳатдан буюк бўлган давлатнинг ворисларимиз. Ўтмишда буюк давлатлар барпо этган боболарнинг авлодимиз. Кўкрак тўла миллий ифтихор туйғуси билан баралла бонг урсак арзийдики, биз давлатчиликнинг буюк тарихига эга бўлган миллатмиз. Фақат мана шу тарих тажрибаларидан огоҳ бўлмоғимиз лозим.

Амир Темур Тарағайнинг қуйидаги васиятини хоти-расига муҳрлаш ва ҳамиша ҳаётга татбиқ этиш мустақил Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаронинг бурчидир: «Ўғилларим, миллатнинг роҳати, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва татбиқ этинг».

«Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ» бугунги навкирон авлоднинг ҳам бош вазифасидир. Миллатнинг дардига дармон бўлиш учун шу миллатга мансублик етарли эмас, балки миллатга муносиб бўлиш шартдир. Намойишқорона, қалбаки дардмандлик билан миллатнинг дардига дармон бўлиш кийин. Миллат дарди инсоннинг ўз дардига айланиши, у шу дард билан оғриб, ёниб курашиши лозим.

Бугун биз бой маданий-маърифий кадриятларимизни ёшларимиз онгига сингдира олсак, уларни илм-фанга, ҳунарга ошно қила олсак, шундагина келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворини ярата оламиз. Президентимиз таъкидлаганидек, айнан ёшлар орқалигина келажак авлодлар шуурига маданият ва маънавиятни, тараққиётнинг интеллектуал кадриятларини сингдира оламиз.

Юртбошимиз ЮНЕСКО ижроия Кенгаши мажлисида сўзлаган нуткида ҳам ёшлар муаммосига жиддий эътибор кераклигини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон ҳукумати келажак авлодлар ҳуқуқлари конвенциясини ишлаб чиқишда фаол иштирок этишга тайёр эканини билдирди. Булар, албатта, ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, ёшлар орасидаги айрим салбий ҳолатларни, ижтимоий

муаммоларнинг олдини олишга ва бартараф этишга шарт-шароит тайёрлайди.

Маънавият ёшлар ҳаётида муҳим ўрин тутади. Миллий маънавий кадриятларни ёшларимиз онгига чуқурроқ сингдириш керак, токи улар ўзлари яшаб турган заминни, она Ватани тарихини теран билсин. Халқимиз орасидан етишиб чиққан, миллатимизнинг фахри бўлиб, уни дунёга танитган улуғ алломаларни, мутафаккир ва саркардалар фаолиятини яхши ўргансин, бой тарихий ва маданий обидаларимизни бо-риб кўриш орқали уларда ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғулари жўш урсин. Маданий-маърифий кадриятларимизга аввало ўзимиз амал қилиб, ёшларга ҳам ўргатайлик. Шунда ёшларимиз онгида шарқона, умуминсоний фазилатларга бой меҳр-оқибат, эзгулик, яхшилик, ҳурмат-иззат каби сифатларни шакллантирамиз.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг беш йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Бу давр одамлар ҳаётида ҳам, дунёқарашида ҳам, юртимиз тарихида ҳам туб бурилишлар даври бўлди. Жамият бутунлай янги қиёфа, янги мазмун касб этди. Одамларнинг турмуш тарзи ўзгарди. Янгича яшаш тарзи эса бевосита онг ва тафаккуримизнинг ўзгаришига, ҳаётга янгича қарашга замин яратди.

Тарихан жуда қисқа фурсатда бир неча ўн йилликларда қилинадиган ишлар амалга оширилди. Бу бевосита ўтиш даврининг ўзига хос эҳтиёжи, туб ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан зарурат сифатида дунёга келдики, одамлар бутун имкониятларини ишга солган ҳолда ҳаёт шаклини ўзгартиришга киришдилар.

Мустахлакчилик асоратида бўлган ўзбек халқининг мустақилликка эришуви чиндан ҳам тарихий воқеадир. Айни пайтда у қалбларимизда бикиниб ётган, бироқ айтиш қийин бўлган орзу ва армон эди. Ана шу армонларнинг амалга оширилиши, умидларнинг рўёби сифатида қўлга киритилган истиқлол энг олий кадрият сифатида юксакка кўтарилмоқда. Эндиликда бу халқни истиқлол, озодлик ва ҳуррият йўлидан қайтариб бўлмайди.

Баркамол, мустаҳкам мамлакатни маънавий комил инсонларгина ярата олиши мумкин. Шунинг учун ҳам жамиятимиз тараққиётининг hozirgi босқичи кун тартибида маънавий-ахлоқий комил инсонни тарбиялаб етиштириш вазифаси бош масалалардан бири бўлиб қолади.

1996 йил

МУСТАҚИЛЛИК ВА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

Бу йил халқимиз улуғ байрам – давлатимиз мустақиллигининг беш йиллигини катта шодиёналар билан нишонлади. Мустақиллик куни биз учун энг мўътабар ва ардоқли байрам. Аммо бу йилги байрамнинг алоҳида мазмуни, аҳамияти бор. Чунки беш йил ўзига хос яхлит бир тарихий давр. Биз энди беш йиллик мустақил ҳаётимизда эришган ютуқларни сарҳисоб қилишимиз, ўтган йилга назар ташлаб, янги вазифаларни белгилаб олишимиз мумкин.

Беш йиллик даврга умумий баҳо берадиган бўлсак, биз нималарга эришдик, мустақиллик бизга нима берди, танлаган тараққиёт йўлимиз тўғрими, деган саволлар туғилиши табиий. Биз шуни мамнуният ва камоли қониқиш билан қайд этамизки, мустақилликнинг дастлабки йилларида Президентимиз Ислом Каримов ишлаб чиққан ва ҳаётга татбиқ этилаётган тараққиёт ва ривожланиш дастури тўла равишда ўзини оқлади. Эришилган натижалар Ўзбекистон танлаган ўзига хос йўлининг тўғри эканлигини тасдиқлади.

Республикамизнинг халқаро обрўи, шон-шухрати кундан-кун ортиб бормоқда. Ўзига хос ички ва ташқи сиёсатнинг аниқ тамойиллари шаклланди, иқтисодий тараққиётнинг моддий асослари яратилди. Халқимиз янгича фикрлай бошлади, бозор муносабатларига қўниқиб, ишбилармонлик ва тадбиркорликда жадал ва фаол ҳаракат қиладиган бўлди. Эски мафкура тазйиқидан қутулиб бормоқдамиз. Ижтимоий фанлар тараққиётида ҳам муайян ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Чоп этилаётган китобларда истиқлол руҳи, янги қарашларни

акс эттиришга интилишни сезиш мумкин. Тарихшунослик, адабиётшунослик каби фанларда илмий ҳақиқатларни излаш ва ҳолисона ёритиш, халқимиз ўтмиши ва меросини тиклашга киришилди. Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, иктисодий қийинчиликларга қарамай, фанимизнинг асосий йўналишларида тадқиқотлар тўхтагани йўқ, юрагида ватанпарварлик ҳисси жўш урган олимларимиз маънавий бойликларимизни ўрганиш, манбаларни нашр эттиришда сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Ушбу тадқиқотлар, жонбозликлар туфайли миллий кадриятларимиз, маънавий меросимиз янги босқичда тикланишга, мустақил юксалиш йўлига ўтди.

Мустақиллигимизнинг беш йили давомида миллий маънавий меросимизни бутун яхлитлиги, кўлами билан халққа қайтариш соҳасида диққатга сазовор ишлар амалга оширилди.

Аввало, бу соҳада мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг алоҳида эътибори, катта хизматларини таъкидлаш лозим бўлади.

Президент иктисодий ва сиёсий-ижтимоий масалалар билан маънавият соҳасидаги муаммоларга бир хил кўз билан қараб, уларни ҳал этиш ишларини мутаносибликда олиб бормоқда. Халқнинг маънавий тарбияси пировард натижада буюк ва мустақил Ўзбекистон давлатининг юксалиши учун асосий, етакчи омил эканини Юртбошимиз аввал бошданок чуқур ҳис этиб, ҳар бир нутқ ва маърузасида буни алоҳида қайд этмоқда.

Миллий маънавиятимизнинг қарамлик даврида қатағон бўлган, тақиқланган кўп йўналишлари мустақиллик шарофати билан қайта ёдга олинди, халқ тасавурида қайта тикланди. Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий сингари ирфоний тафаккур намояндалари – буюк суфий шайхларининг таваллуд айёмлари хотирланиб, мамлакатда кенг нишонланди. Уларнинг асарлари, улар ҳақида тадқиқотлар босилиб чиқди, матбуотда, радио ва ойнаи жаҳонда мазмунли суҳбатлар уюштирилди.

Совет даврида ҳатто номларини тилга олиш тақиқланган буюк давлат арбобларимиз, саркардаларимиз фаолиятини

кенг ўрганиш ҳам мустақиллик даврида бошланди. Энг катта ютуқлардан бири қудратли бобокалонимиз, жаҳоншумул саркарда ва салтанат соҳиби Амир Темурнинг миллат олдидаги хизматлари ва ҳақиқий мавқеининг тикланиши бўлди. Совет даврида ушбу буюқ шахс ҳақида ҳатто танқидий руҳда ҳам мулоҳаза юритиш номақбул ҳисобланарди. Унинг тарих олдидаги хизматларини шунчаки тан олмоқчи бўлган академиклар ҳам ёмонотлик қилинган эди.

Мана энди, Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, Амир Темурнинг салобатли ҳайкали шаҳримизнинг марказий хиёбонини безаб турибди. Амир Темур ва темурийлар даврига бағишланган ҳашаматли музей куриб битказилди. Мустақиллигимизнинг бешинчи йили Амир Темур йили деб эълон қилинди. Европанинг қоқ маркази Парижда улғ саркарда ва давлат арбобига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Амир Темур жамғармаси ташкил қилинди, у ҳақда қатор китоблар, илмий тадқиқотлар нашр этилмоқда.

Якин ўтмишда оёқ ости этилган, қораланган ва таъкиб остига олинган халқимизнинг диний кадриятлари ўз мавқеини қайта тиклай бошлади. Ўлкамизнинг ҳар бир кишлоғи, маҳалласида янги масжидлар курилиб ишга туширилди, ҳар йили минг-минг ихлосмандлар ҳаж зиёратига йўл олмоқда. Ислом ахлоқининг табаррук кадриятлари халқ маънавий қиёфасини эзгулик сари юзлантирмоқда. Диний билимлар берувчи кўплаб китоб ва рисоалар, алоҳида газета, журналлар нашр этиш йўлга қўйилган. Уламоларимизнинг эл орасида обрўйи ошиб бормоқда. Шу билан бирга, дин арбоблари томонидан диний таассуб (фанатизм), ножоиз хурофот ва бидъатлар, диний туйғудан сиёсий ва ёки бошқа ғаразли мақсадларда фойдаланиш майлларига кескин қарши турилиб, бу соҳада марказда ва вилоятларда тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Аста-секин диний ва дунёвий илм аҳллари орасида бир-бирига холис муносабат, илмий ҳамкорлик юзага келяпти. Ўзбекистон ва илми бир-бирига қарши қўйиш асоратлари бартараф этилмоқда. Дунёни англаб етишнинг турли йўналишлари бир-бирини тўлдириб, инсон маънавиятини мукамал ва баркамол бўлиб

етишувига хизмат қилиши аён бўлиб бормоқда, бу соҳадаги ўтмиш аждоқларимиз эришган ютуқлар қайта тикланыпти. Жумладан, тасаввуф ва ирфонни ўрганишга олимларимиз жиддий киришдилар.

Адабиёт, фалсафа, тарих, ҳуқуқшунослик, ахлоқшунослик ва бошқа соҳаларда асл миллий кадриятларга мурожаат ва холис талқин кучайиб бормоқда. Кўпгина ижтимоий фанлардан ўрта ва олий мактаблар учун янги дарсликлар босилиб чиқди ва чиқмоқда. Шу ўринда «Ўзбекистон тарихи» фанига эътиборнинг кучайгани ва тарихчи олимларимизнинг бу соҳадаги фидокорона меҳнатини алоҳида қайд этиб ўтиш лозимдир. Ҳозирги кунда ўрта мактабларнинг деярли барча синфлари учун тарих дарсликлари янгидан ёзиб чиқилди ва нашр этилди.

Адабиёт тарихидан ҳам дарсликлар тайёрланмоқда.

Мактабларда «Одобнома» дарсларининг киритилиши ва бу мавзуда бир неча ўқув қўлланмалари босилиб чиққанини мамнуният билан қайд этмоқ лозим.

Республика бўйлаб эски, коммунистик мафкура асосида пайдо бўлган жуда кўп жой, муассаса, кўча ва хиёбонларнинг номлари ҳақиқий миллий ва тарихий номларини тиклаш эвазига ўзгартирилди. Атамашунослигимизда ўзбек адабий тилини ривожлантириш ва мавқеини оширишда кўп ишлар амалга оширилди. Бу йўналишда ўзбек тилининг Давлат тили сифатида қонунийлаштирилиши катта самара берди.

«Соғлом авлод учун» журнали ташкил этилгани, республика ва вилоятларда «Маънавият ва маърифат» маркази ва унинг шуъбалари олиб бораётган ишлар, «Олтин мерос» ва «Камолот» жамғармаларининг таъсис этилиши, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Туркистон», «Миллий тикланиш» газеталари, «Мулоқот», «Ёшлик», «Гулистон», «Шарқ юлдузи», «Тафаккур» журналларида ёритилаётган миллий маънавият масалаларига оид мақола ва суҳбатлар, Қуръони карим маъноларининг ўзбекча ва русча таржималари, Имом ал-Бухорий тартиб берган «Жомеъ-ас-саҳиҳ» (ишончли ҳадислар тўплами), Бурҳониддин Марғиноний яратган ислом ҳуқуқи назариясига оид «Ҳидоя» асарининг

биринчи жилди, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Носируддин Рабғузӣй, Сўфи Оллоёр, Убайдий, Феруз асарларининг босилиб чиқиши миллий маънавий меросимизнинг кенг халқ оммаси онгига сингиб боришида катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Эътироф этиш керакки, мустақиллик йилларида ҳуқуқшунослик, фалсафа, сиёсатшунослик, тилшунослик фанлари ҳам жиддий ўзгариш йўлига кирди. Бу фанларнинг айримлари чинакамига янгидан шаклланди ҳам. Масалан, ҳуқуқшуносликни олайлик. Бизда шўролар замонида ҳуқуқшунослар бор бўлгани билан, ўзбек ҳуқуқшунослик фани мавжуд эмас эди. Ҳозир биз дунё тан олган ҳуқуқшунослик фанига эгамиз. Фуқаролик жамияти ва шарқона демократик давлат назарияси ишлаб чиқилмоқда, олдимизда Президент Ислом Каримов бошчилигида ўртага ташланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдек улуғ ғояни амалга ошириш вазифаси турибди. Бунинг илмий асосларини яратиш, барпо этилаётган янги жамият ва давлатчиликнинг оёққа туриши учун қонунлар тизимини ишлаб чиқиш зарур. Бундай масъулиятли ишни амалга ошириш учун бир томондан, жаҳон ҳуқуқшунослиги ютуқларидан фойдаланиш, иккинчи томондан, ўз тажрибамизга суяниш керак бўлади. Ахир бизнинг аجدодларимиз мусулмон қонунчилигининг асосларини яратишда иштирок этган кишилардир.

Худди шу каби Ўзбекистоннинг мустақил бўлиши ва дунёга юз тутиши натижасида сиёсатшуносликка нисбатан батамом янгича ёндашиш имконияти туғилди. «Илмий коммунизм» номи билан юритиладиган схоластик, кераксиз ақидалар ўрнига ижтимоий тараққиёт қонунларини очиб берадиган, ҳаёт учун зарур бўлган янги илм юзага келди.

Мустақилликнинг беш йили ичида кўлга киритилган ютуқларимиз бир талай. Аммо келажакда қилиниши керак бўладиган ишларимиз яна ҳам кўпроқ.

Халқимизнинг илм аҳлига бўлган ҳурмати баланд. Давлат илм-фан ривожига ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқдаки, буни ҳаммамиз кўриб турибсиз. Президентимиз қайта-қайта

таъкидлаганидек, интеллектуал салоҳиятнинг умуммиллий таракқиётда ўз ўрни, бекиёс аҳамияти бор. Айниқса, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий таракқиётнинг янги босқичига кирган ҳозирги вақтда бунга яна ҳам эътиборни қаратиш керак.

Аммо, очиғини айтсак, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида қилинаётган ишлар ҳанузгача кўнгилдагидек эмас. Ҳали ҳам айрим олимларимиз эски мафкура таъсиридан қутулгани йўқ, юзакичилик, схоластика, курук сафсатабозликка асосланган «тадқиқот»лар талайгина. Эски марксистик назарияларни ҳозирги даврга мослаштиришга уриниш ҳоллари юз бермоқда. Большевикимни шунчаки сўкиш билан иш битмайди. Биз энди дунё фани даражасига кўтарилишимиз лозим. Бунинг учун табиат, жамият ва инсон таракқиётининг умумий қонуниятларини ишлаб чиқиш, айниқса, фалсафа фанини жиддий қайта шакллантириш лозим.

Масалан, шахс тарбияси, жамият ва инсон, инсон ва атроф муҳит муаммоси ҳозир дунё муаммосига айланмоқдаки, бу соҳада бирор арзирли иш борми? Фалсафий фикр ривожланмас экан, бошқа ижтимоий фанлар ҳам оқсаб тураверади, зеро фалсафа қонуниятларни очиб, тизимлар яратиб, бошқа фанларга назарий асос бўлади. Мустақиллик мафкураси, қарашлар хилма-хиллигини ифодалайдиган ишлар ҳам шунда мустаҳкам заминга эга бўлади.

Мустақилликдан сўнг фалсафа фанида жиддий ўзгариш бўлиши қутулган эди. Тўғри, бу йилларда ўзбек фалсафа илми якқаҳоқим мафкура ва сиёсий кураш таъсиридан холи бўла борди ва фикрлар хилма-хиллигига амал қила бошлади. Шу маънода ўзбек фалсафа илмининг ўзак манбаларидан бири – Шарқ фалсафасини тадқиқ этиш йўлга қўйилди. Натижада жаҳон ижтимоий фанлари мутахассисларининг ўзбек фалсафа илмига бўлган қизиқиши ортди. Афсуски, бу ишда файласуф мутахассислар сусткашликка йўл қўйдилар ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Ҳолбуки, файласуф мутахассислар ўзбек миллий фалсафа илмини яратиш йўлида жиддий ҳаракат бошлашлари лозим. Бунинг учун қуйидаги йўналишларда тадқиқотчилик ишларини бошлаш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўзбек фалсафа илмининг методологик асосларини жаҳон фалсафаси андозаси даражасида белгилаб олиш ва тадқиқотчилик йўналишларини замон талаби асосида қайта кўриб чиқиш.

2. Жаҳон фалсафаси тажрибаларини кунт билан ўрганишни йўлга қўйиш ва Шарқ фалсафасини тадқиқ этишни кенгайтириш. Ғарб ва Шарқ фалсафаси тажрибаларини уйғунлаштирган ҳолда ўзбек фалсафа илмини яратиш йўлида кадам ташлаш.

3. Ўзбек фалсафа илмини жонлантириш мақсадида чет эл фалсафа илми ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.

4. Фуқаролик жамиятининг фалсафий асосларини яратиш.

5. Фалсафа илми билан шуғулланувчи етук, малакали ёш кадрларни вояга етказиш масаласини ҳал этиш.

Албатта, мутахассислар томонидан эълон қилинган «Фалсафадан ваъз матнлари», «Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр ривожини тарихи» каби китоблар ва ишлаб чиқилган дастурлар диққатга сазовор. Лекин уларда ҳам фикрда бир ёқламалик кўзга ташланади. Демак, ўзбек фалсафа илмини юзага келтиришда ҳали кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Ўйлаймизки, бу борада файласуф мутахассисларимиз қатъий ҳаракат бошлайдилар.

Шарқ фалсафасини ҳамда тарих ва адабиётни ўрганиш учун ҳам биринчи галда манбаларни тадқиқ этиб, нашр этиришга эътиборни кучайтириш шарт.

Биз жуда катта маданий тарихга, дунёга машҳур алломалар ижод этган илм-фанга эгамиз, бу билан фахрланамиз. Аммо ана шу бой манбаларни ўрганиб нашр этириш, таржима қилиб оммалаштириш жуда суистеҳвоқда. Хориждаги олимлар, ўқувчилар, ростини айтганда, биз ҳақимизда бизнинг ўзимиздан кўра кўпроқ маълумотга эга. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлғезлар институти захираларида неча минг нусхада қимматли асарлар бор. Уларда Шарқ халқлари тафаккурининг қаймоғи жамланган. Аммо ҳали ҳануз бу манбаларнинг юздан бир улуши ҳам тадқиқ этилган эмас.

Мазкур институтларда икки юзга якин олим ишлайди, лекин манбаларни ўрганиш билан шуғулланадиганлар беш-олти кишидан ортиқ эмас. Ҳолбуки, бу икки институтдаги барча олимлар қўлёзма манбалар устида ишлай оладиган мутахассислар бўлиши лозим.

Манбаларни ўрганиш асосида ўзбек давлатчилиги тарихи, бой адабиётимиз тарихи, ижтимоий фикрлар тарихини аниқ бир концепция асосида фундаментал тарзда яратишимиз мумкин бўлади. Шу ўринда тарихшунослик ҳақида алоҳида тўхталишга тўғри келади. Бу соҳада эришилган ижобий самараларни қайд этган ҳолда, камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Энг асосий нуқсон – бу олим-муаллифлардаги шўро тузуми асоратлари ва коммунистик мафкура андозаларидан тўла халос бўлинмаганликдир. Ҳамон ўша иккиланиш, атрофга аланглаш, ўз мустақил фикрини дадил баён эта олмаслик, эски авторитет – устунлар позициясига қарши фикр-йўналиш беришда ожизлик билиняпти. Ўзбекистон тарихига чинакамига холис, одилона ва умумжаҳон миқёсида ёндашиш сезилмаяпти. Ана шу ҳолат туфайли тарих фанида мустақилликнинг беш йили мобайнида эришилган натижаларни қоникарли, деб бўлмайди. Иқтисод ва сиёсатдаги ижобий силжишларга нисбатан қиёс этганда Ўзбекистон миллий давлатчилиги тарихи соҳасидаги изланишлар замон талабларига мутлақо жавоб бермайди.

Фикримизнинг исботи учун ҳал этилмаган бир қатор масалаларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Қадимги давлатчилик даври – Турон заминидagi илк подшоликлар тарихи бўйича жиддий тадқиқотлар яратилмади. Буюк ипак йўли тарихида Марказий Осиё давлатларининг дипломатик, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳадаги ўйнаган ролига бағишланган асарлар савиясини етарли даражада, дейишга асос кам. Ҳолбуки, бу бугунги Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги алоқаларини кучайтириш борасида гоят муҳим ва долзарб мавзудир.

Сомонийлар, қорахонийлар, салжукийлар ва хоразмшоҳлар даврларидаги давлатчилик масалалари ёритилиши ҳамон эски шўро замони даражасида қолиб келмоқда. Ўша сулолалар дав-

рида аждодларимизнинг халқаро алоқалари ва ташқи сиёсати, дипломатияси масалаларига оид жиддий тадқиқотлар зарур. Чунки бутун дунёга машҳур «Сиёсатнома» асари XI асрда яратилган. Дипломатиядан ташқари иқтисоднинг муҳим масалаларини ҳам ёритган бу асарда тарихий далиллар кўп.

Темурийлар давридаги давлатчилик тарихи масалаларини чуқур ёритишга ҳам етарли эътибор берилапти, деб бўлмайди. АҚШ, Англия, Франция олимлари тадқиқотлари даражасида иш олиб борилмаяпти.

Ўрта асрларданок Марказий Осиё бозорини эгаллаш борасида Россия, Англия, Хитой олиб борган сиёсат атрофлича ёритишни тақозо этади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия ва Англиянинг Марказий Осиёдаги мустамлакачилик сиёсати туб моҳияти ва асосий йўналишларини ҳам очиб бериш даркор.

Чор Россияси ва шўро тузуми давридаги истиқлол учун курашнинг очилмаган қирралари кўп. Туркистонга рус давлатчилигини жорий этилиши ва унинг оқибатлари, мулкдорлар синфига муносабат, бож сиёсати, миллий зиёлиларга нисбатан ҳукумат тутган йўл шулар жумласидандир.

Энг муҳим масала – коммунистларнинг Ўзбекистонда ўтказган манфур сиёсати ва унинг оқибатлари ҳанузгача тўла-тўқис очиб ташланмаган. Марксизм-ленинизм ва умуман коммунистик мафқуранинг Шарққа ёт таълимот бўлганини рўй-рост ёритувчи, большевизмнинг разил башарасини кўрсатувчи асарлар зарур.

Тарих фанида Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллик тарихининг улуғворлигини кўрсатувчи, чуқур таҳлилли ва юксак илмий савияли тадқиқотлар яратиш олимларимизнинг муқаддас вазифасидир.

Ўзбекистоннинг умумжаҳон миқёсидаги ўрнини ҳаққоний белгилаш ва холисона ёритиш учун Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масаласига чуқур ва атрофлича ёндашиш ва бунга кенг илмий жамоатчиликни жалб этиш даркор.

Тарих – муаллим, тарих – тарбия воситаси. Тарихни ҳаққоний ва холисона ўрганиш керак. Ҳозир нима бўлаяпти? Илгари коммунистик мафқура таъсирида миллий

кадриятларимиз чала ўрганилиб, нотўғри баҳолаб келинган бўлса, эндиликда тарихни ёппасига оклаш майли бошланди. Гўё ҳеч қандай салбий ҳодисалар бўлмагандай. Ахир ўзаро қирғинлар, тахт талашишлар бўлмаганда, Амир Темури тузган улуғ салтанат парчаланиб кетармиди? Шу парчаланиш, кичик хонликларга бўлиниш сабабли Россия асоратига тушиб қолдик-ку.

Баъзи ишларда ҳатто Марказий Осиёнинг гуллаган маданиятини ер билан яқсон қилиб, бир неча юз йил орқага сурган ваҳший Чингизхон юришлари ҳам оқланмоқда, буни қандай тушуниш мумкин? Ахир Амир Темури айнан ана шу Чингиз авлодлари ҳукмронлигига қарши курашган эмасми?

Хуллас, тарих чин ватанпарварлик нуқтаи назаридан ҳолсона илмий далиллар асосида ўрганилиши лозим. Аслида ижтимоий-гуманитар фанлар бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланиши керак, бизда эса бундай бўлмапти. Файласуфлар, адабиётшунослар тарихчилар ишларидан баъзан беҳабар. Тор ихтисослашув муайян соҳани чуқур билишга кўмак бериши мумкин, лекин бу чуқурлашиш ўзининг қобиғига ўралиб олиб, бир мавзунини умр бўйи чайнаб юриш деган гап эмас. Шунақа «олим»ларимиз борки, ўзи адабиётшунос бўла туриб Алишер Навоий қанақа асарлар ёзганини билмайди, бунга қизиқмайди ҳам, яна уялмасдан «мен фалон аср адабиёти мутахассисиман», деб қўяди. Демокчимизки, бизнинг олимларимизда умумий маданий-маърифий савия юқори эмас. Баъзиларимизда эса умуман қизиқиш сўниб қолган. Дунёда нима гаплар бўлапти, республика ҳаётида нималар кечаяпти – мутлақо ишимиз йўқ. Институтга бориб-келиб, номига кун ўтказадиганлар камми? Кўп олимларимизнинг иш фаолияти диссертациялар муҳокамасида қатнашишдан нарига ўтмай қолди. Ачинарлиси шуки, ёшлар орасида ҳам бундайлар бор. Бунақа ҳафсаласизлик, лоқайдликка кескин барҳам бериш керак.

Умуман, иш бермайдиган олимларни институтларда ушлаб туришни қандай тушуниш мумкин? Бир йилда битта мақола эълон қилмаса, у қандай олим ахир? Бунда ёшнинг аҳамияти йўқ. Баъзи кексаларимиз ёшлардан кўра самаралироқ меҳнат

қилмоқда. Баъзилар китоб нашр этиш, мақола чиқаришнинг қийинчилигини рўқач қилади. Ҳолбуки, агар яхши китоб бўлса, халққа, давлатга фойдаси тегадиган тадқиқот бўлса, у ҳеч қачон эътиборсиз қолиб кетмайди. Китоблар нашри, қийинчиликларга қарамай, йил сайин кўпаймоқда, газета ва журналлар сони ҳам ортиб бораёпти. Аммо халқимизнинг ташна қалбини қондирадиган, юксак талабларга жавоб берадиган ишлар кам.

Мустақиллик даври бизнинг илмий савиямизни элақдан ўтказди, шу билан бирга, бир қанча соҳаларнинг кераксиз эканини ҳам рўй-рост очиб ташлади. Турли баҳоналар ана шундай ортиқча бўлиб қолган соҳаларнинг мутахассисларидан чиқмоқда. Улар янги замонага мослаша олмаёпти, аммо тан бериб жойни бўшатишга ҳам шошаётгани йўқ.

Ҳаёт инкор этган соҳалар, мавзулардан воз кечиш пайти келди. Эндиликда бизга жаҳон илму фани андозаларига жавоб бера оладиган ҳам назарий бақувват ва ҳам амалий қийматга эга бўлган тадқиқотлар зарур. Бунинг учун фикрлаш салоҳиятимиз ҳам жаҳон илм-фани даражасида бўлиши керак, ўз қобилигимизга ўралиб олиб яшаш замони ўтди. Ҳамма соҳада, жумладан, ижтимоий фанлар соҳасида ҳам халқаро миқёсда ҳамкорлик бўлиши фойдалидир.

Мустақиллик мустақил фикрга, ғоя ва қарашларга эга бўлишни талаб қилмоқда. Ижтимоий фанларни концептуал йўналишларда жиддий янгилаш учун биз, олимлар, аввало ўз тафаккуримиз, қарашларимизни ўзгартиришимиз, янгилашимиз керак. Биз бозор иқтисодиёти шароитига ўтаяпмиз. Шунга мувофиқ ижтимоий ҳаётимизда кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ижтимоий фан ходимлари ана шу ўзгаришларга тайёр туриб, мослашиб олиши, янги муаммоларни дадил ўрганишга киришиши керак.

Демократик тамойиллар ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Ҳурфикрлик, хилма-хил қарашларнинг мавжудлигига ўрганиб бормоқдамиз. Бундан кейин ҳам демократия кучайиб боради, фуқароларнинг фаоллиги ошади. Мақсадимиз янги типдаги жамият қуриш экан, биз қадам-ба-қадам шунга қараб бораверамиз. Ижтимоий-гуманитар

фанлар бу жараёндан орқада қолмаслиги керак, аксинча, бу жараёни тезлаштиришга ҳисса қўшиши, унинг назарий асосларини ишлаб чиқиб, хулосаларни тезкорлик билан амалиётга татбиқ этиши даркор.

Ижтимоий фанлар – мафқуранинг асосидир. Миллий маънавият, миллий мафқура ҳақида кўп гапирамиз. Тўғри, кўп фанлар соҳасида янги руҳдаги дастурлар ва дарсликлар яратилди – бу бизнинг ютуғимиз. Бироқ, миллий маънавиятни жаҳон маданияти билан қиёсан тадқиқ этувчи алоҳида фан йўналиши сифатида шакллантиришга асос берувчи махсус илмий концепция яхлит ва тўқис ишлаб чиқилгани йўқ. Бу ниҳоятда муҳим ва долзарб муаммо. Совет даврида «марксизм-ленинизм» ёки «илмий коммунизм» аталмиш яхлит мафқуравий назария мавжуд бўлиб, унинг қанчалик асосли ёки асосизлигидан қатъи назар, бутун ижтимоий фанларнинг мағиз-мағизиға сингдириб юборилган эди. Қонимизга сингиб кетган бу мафқуравий саркитдан қутулишимиз, очиги, осон эмас, большевистик ўтмишни минг сўқиб, ҳақорат қилганимиз билан томирлардаги захарланган қонни фақат тоза қон билан алмаштириш эвазига танани соғломлаштириш мумкин. Бизнинг Ғарб фалсафасидан жуда кўп ўрганадиган томонларимиз бор. Аммо ўз миллий маънавиятимизни тугал ва холис ўзлаштирмай туриб, ўзга муҳитда яратилган бойликни на тўғри қабул қилиш мумкин, на ижобий фойдалана билиш мумкин. Бунинг учун эса пухта режа асосида мукамал тадқиқотлар ўтказиш, маънавий меросимизнинг ҳали кўздан яширин ётган қатламларини очиш, уларга қиёсан ўрганганларимизни қайта кўздан кечириб чиқиш лозим.

Маълум бўладики, Ўзбекистонда ижтимоий фанлар тизимини шакллантириш учун бир талай вазифалар турибди. Ижтимоий тараққиётни таъминлаш йўлида уларни ҳал этиш лозим. Бизнинг учун аввало фидойилик, ўз касбига меҳр керак. Қолаверса, хорижий тилларни ўрганиш масаласи кун тартибида қатъий турмас экан, тадқиқотчиликда мақсадли натижага эришиш мушкулдир. Бундан ташқари, янги, иқтидорли ёш кадрларни вояга етказиш дастлабки вазифа-

лардан бири бўлмоғи керак. Ушбу уч омилсиз ижтимоий фанлар тизимини тараққиёт поғонасига олиб чиқиб бўлмайди. Бунинг учун янги қарашлар, ғояларни, тадқиқот усулларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш зарур. Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий фанлар тизимининг ривожланиши учун шарт-шароит бор. Бундай имкон тарихда кам кузатилган. Барча соғлом ва иқтидорли кучларни бирлаштириб, ишга киришиш зарур. Шундагина Ўзбекистоннинг тараққий этиши учун яна бир омил барпо этилган бўлади.

1996 йил

ИККИНЧИ ФАСЛ

**МУСТАҚИЛЛИК:
КУРАШЛАР, ИЗТИРОБЛАР,
ҚУВОНЧЛАР**

СЎЗ БОШИ

Мустақиллик мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа, халқимизнинг азалий орзу-умидлари амалга ошган кун сифатида кадрлидир. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилди. Ўзбекистон халқи бу йил истиклолнинг 10 йиллигини тантана қилмоқда. Тарихан қисқа бу давр ичида қўлга киритилган ютуқларни эндиликда бутун дунё халқлари тан олмоқда.

Мустақилликнинг 10 йиллик тантаналари яқинлашгани сари мамлакатимизни байрамона кайфият, қалбларимизни қувонч қамраб олмоқда. Шу боис биз бу кунларда 10 йил ичида эришган ютуқларимиз, қўлга киритган ғалабаларимиз, ўсишлар ва муваффақиятлар ҳақида кўпроқ гапиряпмиз. Лекин негадир мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаги ҳокимият учун курашларни, амалпарастлик васвасалари туфайли кечган изтиробларимизни унутиб қўймоқдамиз. Тарихимизнинг бу муҳим саҳифаларини варақлаш яқин ўтмишимизга теран назар ташлаш, содир бўлган воқеаларни вақт тарозусида ўлчаш, уларга ҳолисона баҳо беришга ундайди. Чунки ҳозир бу ҳақда гапириш – ҳар қандай эҳтиросдан холи мустақил фикр юритиш демакдир.

Байрамона кайфиятимизга бироз мос келмаса-да, ортга назар ташлаб, тарихимизга соя ташлаб турган ўша таҳликали кунлар ҳақида рўйирост гапиришимиз, ўша изтиробларимизни яна бир бор юракдан ўтказишимиз билан мустақилликнинг кадрига кўпроқ етармиз, балки. Ахир Аллоҳ ҳам одамзоднинг бошига ёмон кунларни солиш билан яхши кунларнинг кадрига кўпроқ етишга ўргатади-ку.

Мустакилликка эришгач, биз учун эркинлик ва демократия эшиклари очилди. Лекин бу эшикдан хатлаб кирган ҳамма юртдошларимиз ҳам эркинлик ва демократиянинг оғир юкини кўтара олмадилар. Зеро, эркинлик ва демократия тушунчаларини ҳар ким ўзи хоҳлаган мазмун билан тўлдирди, унда ўзи кўришни истаган нарсасини кўрди. Кимдир демократияни ўз хатти-ҳаракатлари учун масъул халқнинг ҳокимияти деб билса, яна кимдир уни кўчада митинглар, намоёишлар, тўс-тўполонларнинг кўплиги билан ўлчади. Кимдир эркинликни фаровон ҳаёт сари йўл деб билса, яна кимдир оломон хиссиётларида ўйнаш учун кулай фурсат сифатида ундан фойдаланди.

Мустакилликни эълон қилиш, жасоратни, қатъий иродани, мардликни талаб этади аммо уни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш янада оғир кечадиган, юксак ақл-заковат, сиёсий билим ва тажрибани, раҳбарлик салоҳиятини талаб қиладиган жараён эканини истиклол йилларида эришилган ютуқлар билан бирга унинг қувонч ва ташвишлари тўлик тасдиқлади.

Истиклолга эришилгандан кейинги дастлабки йилларда ўзларини халқнинг ҳимоячилари деб кўрсатган айрим кучлар, сохта демократлар, шўролар давридан қолган коммунистик мафкура тарафдорлари мустакиллик, демократия гоёларидан ўз манфаатлари, гаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга уринишди. Собик шўролар давлати ўрнида вужудга келган янги, ёш давлатлар тажрибаси мамлакат ичкарисидаги ички душманлар билан бир қаторда ташқи томондан ҳам мустақилликка хавф-хатар бўлиши мумкинлигини тўла тасдиқлади. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йилларида миллий хусусиятларни ҳисобга олмасдан бировдан андоза олишга кўр-кўрона даъват этишга ундовчилар бўлди.

Биз билан бир вақтда мустақилликка эришган давлатларнинг кўпчилигида қатта-қатта бўҳронлар бўлаётганининг, мустақил ёш давлатлар ичдан турли оқимларга бўлиниб, ҳатто собик Иттифок давридаги салоҳиятидан маҳрум бўлиб қолганининг, баъзиларида эски коммунистлар яна ҳокимият тепасига келаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу –

мустақилликнинг юкини ҳамма ҳам бир хилда кўтара олмаётгани, унга тайёр эмаслигидан далолат беради. Режалаштиришга асосланган социалистик иқтисодиётдан социал йўналтирилган бозор иқтисодига асосланган миллий, дунёвий, демократик давлатчилик қурилиши тарихда биринчи марта содир бўлмоқда. Унга назарий ва амалий жиҳатдан ҳам биринчи қадамлар қўйилди. Мустақилликни сақлаб қолиш мамлакат раҳбарига кўп жиҳатдан боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Давлат раҳбари халқнинг тақдирини ўйлаб, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишга ўз жонини бахшида эта олсагина кўзланган мақсадга эришиш мумкинлиги равшанлашди. Фидойи бўлиш билан бирга чуқур ақл-заковат, малака, сиёсий тажриба, назарий ва амалий билим, сиёсий-ижтимоий жараёни тўғри баҳолай оладиган раҳбарлик салоҳиятига эга сиёсий етакчигина халқни оғир аҳволга солиб қўймасдан, фаровонлик сари олиб бора олади.

Ютуқларимиз тўғрисида кўп ёзамиз – бу яхши. Лекин мустақиллик, Президент Ислом Каримов айтганидек «Осмондан тушган шунчаки неъмат эмас», у курашлар, изтироблар ва қувончлар ҳамдир. Уларни ўрганиш ва тегишли сабоқ чиқариш ниҳоятда муҳим. Ана шу курашлар ва изтиробларни, қийинчиликларни ўрганиб, хулоса чиқарадиган бўлсак, хатоларга йўл қўймасликка, мустақилликни авайлаб-асрашга, унинг кадрига етишга ўрганамиз. Китобнинг мазкур қисмидаги мақолаларда мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида эришилаётган ютуқлар осонликча қўлга киритилмагани, янгилик билан эскилик ўртасида шиддатли ҳаёт-мамот кураши бўлгани баҳоли қудрат очиб берилади. Собитқадамлик, сабр-тоқат, ақл-заковат, сиёсий тажрибага таянган ҳолдагина мустақилликнинг машаққатли сўқмоқларидан тўғри ўта олиш мумкинлиги яна бир бор эътироф этилади. Биз жонли ҳаётий далиллар, кузатишлар ва таҳлилларга асосланган ҳолда тарихий воқеа ва ҳодисаларни холис ёритишга уриндик. Зеро, мустақиллик осонликча қўлга киритилмагани, уни мустаҳкамлаш ўзига хос курашлар, қувонч ва ташвишлар билан содир бўлаётгани айни ҳақиқатдир.

Биринчи боб

ФРОНТ ОРТИДАГИ ФРОНТ

НАВРЎЗ: УЙДИРМА ВА ҲАҚИҚАТ

Мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон халқи янги ХХІ асрга ўзининг миллий-маънавий кадриятларини тиклаган, уларни янги мазмун билан бойитиб, янгича ҳаёт бахш этган ҳолда кириб келди. Бу йилги Наврўз байрами Қурбон ҳайити байрами билан бир вақтда келгани янги асрнинг халқимиз учун қутлуғ бўлажасидан далолатдир.

Маълумки, ҳар бир миллатга аввало унинг тили, тарихи, байрамлари, миллий хусусиятларини ўрганиб баҳо берилади. Айни пайтда, мамлакат раҳбарига, етакчисига муносабат билдирилганда унинг миллий-маънавий кадриятларга бўлган муносабатига, уларни авайлаб-асраши ва авлодларга етказа олишига қараб ҳам баҳо берилади.

Халқлар ҳаётида турли: диний, миллий, касбий ёки меҳнат байрамлари, оилавий байрамлар мавжуд. Уларни ҳар бир халқ ўзича идрок этади ва амалга оширади. Миллатнинг дунёқараши, орзу-умидлари, истак ва интилишлари, ўзлиги унинг байрамлари, анъаналарида, айниқса, ёрқин акс этади. Шунинг учун ҳам тарихда у ёки бу миллатни ўзligидан маҳрум этмоқчи бўлган фотиҳлар, аввало, миллатни тилидан, тарихидан ҳамда маънавий кадриятига айланган турли байрамларидан маҳрум этишга уринганлар. Босқинчилар миллатга бегона ва ёт бўлган, унинг миллий-маънавий кадриятларига тўғри келмаган урф-одат, анъаналарни киритиш орқали унинг турмуш тарзини ўзгартириб юборишни мақсад қилиб қўйган. Бунга турли йўллар ва воситалар орқали муайян даражада эришган ҳам. Аммо ҳаёт фалсафаси бир нарсадан огоҳ этадики, миллатнинг маънавий бойлигига «зўрлаб» сингдирилган байрамлар ҳеч қачон абадий қолиши мумкин эмас. Халқ тақдирини учраган ўз миллий байрамларини очик нишонлай олмасан-да, қалби қаърида эъзозлаб, ардоқлаб келган. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Якин тарихимизга мурожаат қилайлик. Ўзбек халқи табиатига, миллий менталитетига зид бўлган тузум жорий этган шўролар даврида ҳам худди шундай бўлди. Шўро тузуми халқимиз, миллатимиз учун кадрли бўлган байрамлар ўрнига бизга ҳеч тўғри келмаган бегона байрамларни киритишга ҳаракат қилди. Мақсад бизни ўзлигимиздан ажратиб, ундан бегоналаштириш, ўзлигимизни йўқотишдан иборат эди. Буни қатта авлод яхши эслайди. Буни унутиш мумкин эмас, аксинча, истиклол туфайли ҳаётимизда рўй берган ўзгаришларни англаш, мустақилликнинг кадрига етиш учун ҳам ўтмишдан сабоқ чиқариш зарур.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, мустақиллик туфайли бир неча асрлар давомида шаклланиб келган байрамларимиз қайта тикланди. Ана шундай миллий байрамлардан бири Наврўз байрамидир. У бугунги кунда ўзига хос улуғворлик, алоҳида шуқуҳ билан байрам қилинмоқда. Айни пайтда, бир вақтлар қатагон этилган ёки қораланган тарихий шахсларнинг номлари ҳам тикланди, уларнинг хотирасига атаб музейлар, мажмуалар бунёд этилди. Бугун одамлар ўзининг тарихи, тили, кадриятлари қайта тикланганини, аждодлар руҳи шод бўлаётганини кўриб турибди, бу ўзгаришларни жон-дилдан қувватламоқда. Айни пайтда, ҳали орамизда ўзгаришлар моҳиятини англамаган, хусусан, ҳозирги моддий қийинчиликларни рўқач қилиб, тарихий шахсларнинг юбилейлари, миллий ва диний байрамларни бунчалик тантана билан ўтказиш тўғримикин ёки шартмикин, дея шубҳа билдираётганлар ҳам бор. Шу боис, бундай қарашларга муносабат билдириш билан бирга, шу кунларга қандай эришганимиз, миллий байрамларимиз ва кадриятларимизни тиклаш осон ва силлик кечмаганини яна бир бор далиллар асосида кўрсатишга эҳтиёж бор.

Худди шу савол муҳтарам Президентимизга бошқачарок тарзда, аниқроғи, Темур ва темурийлар музейи қурилиши муносабати билан берилганини ҳам яхши эслаймиз. Шунда Ислом Каримов: «Темур ва темурийлар музейи фақат буюк бобокалонимизнинг номини қайта тиклаш, уни абадийлаштириш учунгина қурилгани йўқ, балки юз йиллар давомида

топталиб келинган ўзбекнинг миллий ғурури, кадриятларини қайта тиклаш учун, унинг ўзлигини англаши учун бунёд этилди», – деган эди.

Ҳа, ўзлигингни англамасанг, мустакил бўлолмайсан. Ҳақиқий озод бўлиш учун эса миллатнинг ўтмишини, руҳини тиклаш керак бўлади. Бу: 1) онг ва тафаккур ўзгармаса ўтмишни кўмсаш давом этаверишини, ўзлигини англамаган ҳар бир киши учун «кул бўлиб яшаш» афзалроқ кўринишини англатади; 2) бундай фикрларнинг ҳамон мавжудлиги коммунистик мафқуранинг асоратлари айримлар онгида ҳамон сақланиб келаётганини кўрсатади; 3) миллий ғурурни инсонлар онгига сингдириш борасида анча ишлар килинмоқда, аммо бу соҳада бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳали кўп. Тарих шуни кўрсатадики, ҳар бир миллат, ҳар бир шахс биринчи навбатда ўз миллий ғурурига эга бўлиши, ўзлигини англаши лозим. Шахс, миллат авваламбор ўзини ҳурмат қилганидагина бошқа шахс, миллатларни ҳурмат қилади. Ўзлигини англамаган, ғурурсиз миллат ҳар қанча моддий бойликларга эга бўлмасин, кул бўлиб яшайверади. Аксинча, ўзлигини англаган, ўз аجدодлари тарихини, кадрияти, урф-одатлари, анъаналарини эъзозлаган миллатнинг келажаги буюк бўлади.

Мустакиллик туфайли халқимизга қайтиб келган Наврўзи олам, Қурбон ҳайити каби байрамлар каттиқ курашлар, изтироблар натижасида қўлга киритилди. Ўзлигимиз ифодаси бўлган байрамларимиз абадий барҳаёт бўлиши учун шу кунларимизнинг кадрига етишимиз, босиб ўтилган курашлар, изтироблар йўлини унутмаслигимиз, ёш авлодга бор ҳақиқатни етказишимиз даркор. Келинг, юқорида биз қайд этган шўро даври билан боғлиқ тарихий воқеаларга яна бир назар ташлайлик.

Ўша даврда миллий байрамларни йўқ қилиш мустамлакачилик сиёсатининг ўзига хос кўриниши сифатида намоён бўлган эди. Айни пайтда, миллий байрамларни йўқ қилиб юборишда айрим миллатдошларимизнинг ҳам «алоҳида ўрни» бор эди. Мустамлакачилик сиёсати ўз мақсадига эришиш учун халқимизнинг миллий байрамларига хуруж

килиб турган бир пайтда, ўзимиздан чиққан айрим маҳаллий раҳбарларнинг бу сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлаши дард устига чипқон бўлди. Фактларга мурожаат этайлик.

1984 йил 23 июнь куни Ўзбекистон КП Марказий Кўмитасининг XVI пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон КП МКнинг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев сўзлаган маърузасида «Партия ташкилотлари баъзан одамлар онгидаги ўтмиш сарқитларининг социал хавф-хатарига етарли баҳо бермаётганликлари, коммунистларнинг диний маросимларда қатнашиш ҳоллари учраб турганлигини ҳамда дабдабали тадбирлар ҳаддан ташқари кўплиги, одамлар онги ва феъл-атворидаги реакцион сарқитларга қарши, истеъмолчилик психологиясига, қоқоқ урф-одатларга ва ҳашамдор тўй-томошаларга ва маъракаларга қарши курашдаги хужумкорлик ва таъсирчанлик бўшаштириб юборилганлигини, оммавий ахборот воситалари эса халқ орасида социалистик турмуш тарзини янада кенгроқ тарғиб қилишлари лозимлиги»ни алоҳида таъкидлайди («Совет Ўзбекистони», 1984 йил 26 июнь). Натижада бу Пленум қарорларини амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ этиш бўйича дастурлар қабул қилинади, тадбирлар ишлаб чиқилади.

Хуллас, республиканинг ўша пайтдаги раҳбарлари Наврўз ўрнига ўзлари ўйлаб чиққан советлар андозасига мос анъаналар ва тадбирларни киритишга уриниб кўрдилар. 1985 йил 10 июлда Ўзбекистон КП МКда И.Б. Усмонхўжаевнинг «Социалистик турмуш тарзи меъёрлари ва тамойилларидан жиддий чекинишлар, уларни тугатиш ва республика аҳолиси ҳаётида илғор анъаналар ва урф-одатларни қарор топтириш ҳақидаги» ёзма маълумоти асосида махсус қарор қабул қилиниб, у қўллаб-қувватланади. Шу қарорнинг 2-бандида: «ҳар бир оила, ҳар бир меҳнат ва ўқув жамоаси ҳаётига партия ва совет халқининг шонли коммунистик идеаллари, революцион, ҳарбий ва меҳнат анъаналарига, В.И. Лениннинг ҳаёти ва фаолиятини тарғиб этишга асосланган илғор, совет удумларини жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин, бу чора-тадбирлар аҳолининг теран гоъвий ишончини, фаол ҳаётий позициясини

янада шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожига хизмат қилиши назарда тутилсин» дейилади ва жойларга зарур чора-тадбирларни кўриш бўйича кўрсатмалар йўлланади.

Шу қарорнинг 6-бандига эътиборни қаратинг: «Авлодлар ўртасидаги боғлиқлик ва ворисийликни мустаҳкамлаш, ўтиб кетган ота-оналар ва яқинларни, ўзининг жанговор ва меҳнат жасоратлари билан социалистик Ватаннинг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилган, унинг куч-қудратини улуғлаган ва юксалтирганларнинг табаррук хотирасини авайлаб-асраш мақсадида Ўзбекистон ССРда хотира кунини жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин. У ҳар йили март ойи учинчи ўн кунлигининг якшанба кунини нишонлансин».

Мазкур қарорнинг мақсади аниқ бўлиб, у Наврўзга қарши қаратилган эди. Эътибор беринг: тўкиб чиқарилган Хотира куни айни Наврўз байрами нишонланадиган кунларга мослаб белгиланганди. Ишлаб чиқилган дастурлар ва тадбирларнинг асосий мақсади халқимизнинг миллий урф-одатлари, қадриятлари ва байрамларига қарши курашдан иборат эди. Бунинг энг қулай йўли – уларга диний тус бериш, социалистик турмуш тарзига зид ҳолатлар деб кўрсатиш эди. Юқорида айтганимиздек, биринчи навбатда Наврўзни эскилик қолдиғи, диний урф-одат сифатида халқ онгидан йўқотиш мақсади кўзланганди. Шунини ҳам айтиш керакки, раҳбарлар минг йиллар давомида халқимизнинг онги ва қалбидан чуқур жой олган ва унинг қадриятига айланган байрамларни бир қарор билан ўчириб ташлаб бўлмаслигини ҳам яхши англадилар. Улар ўз мақсадини босқичма-босқич амалга ошириш йўлини тутдилар. Шу мақсадда ҳар йили 30 мартда Хотира кунини нишонлаш Наврўзни йўқотиш йўлида қўйилган биринчи манфур қадам эди. Хотира куни тадбири қутилган натижани бермагач, кейинги йили сунъий «Наврўз» байрами ўйлаб топилди. Бу байрам ҳар йили апрель ойининг биринчи якшанбасида нишонланиши кўзда тутилди. Бирок кўрилган чора-тадбирларга қарамай, одамларнинг Наврўзга бўлган муносабати ўзгармади. Наврўз янгилашиш, покланиш, меҳроқибат, яшариш байрами сифатида инсонлар қалбида яшаб

колаверди. Кўрилган тадбирлар кўзланган мақсадга олиб келмаётганини тушуниб етган Марказий Кўмита 1986 йили Наврўзга қарши янги курашга отланди. 1986 йил тарихимизда Наврўзга нисбатан қатағон йили сифатида ном қолдирди.

Марказкўмнинг ўша даврдаги мафкура бўйича котибаси 1986 йил март ойининг иккинчи декадасида, Наврўз байрами арафасида республика оммавий ахборот воситаларини масъул ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказди. У Наврўз байрамини нишонламаслик тўғрисида, унинг халқимиз ҳаёти ва турмушига «зарарли» экани ҳақида обдан сафсата сотди. Шунда йиғин иштирокчиларидан бири, Самарканд вилоятининг «Ленинский путь» газетасининг муҳаррири Борис Шчеголохин унга эътироз билдириб, Наврўз байрами диний эмас, балки миллий байрам эканини таъкидлаб, уни ҳимоя қилишга журъат этади. Йиғилишда қатнашганларнинг аксарияти маҳаллий аҳоли вакиллари бўлса-да, улардан ҳеч ким чурк этмайди. Бу ўша пайтлари ўзимиздан чиққан «фаол»ларнинг қуён юраклигини, журъатсизлигини ҳам кўрсатади.

Шу ўринда муҳим бир хулосага, сабоқ чиқаришга аргизулик бир ҳолатга дуч келамиз. «Наврўз» каби миллий байрамларни тақиклаш тўғрисида гап кетганда, унинг сабабини фақат Марказдан, собик шўро тузумидан қидиришга одатланиб қолганмиз. Тўғри, ўша даврдаги сиёсат ва унинг мафкураси шуни талаб қилганидан кўз юмиб бўлмайди. Аммо айбни фақат четдан қидириб, ўз орамиздан чиққан, ўзларини халқимизиинг «етакчилари» деб билган айрим шахсларнинг шу давр сиёсати ва мафкурасига қандай муносабатда бўлганига ҳамма вақт ҳам ҳолисона баҳо беравермаймиз. Мамлакат раҳбари ёки шахс сифатида уларнинг ўз мустақил фикри бўлганми? Минг афсуски, улар ўзини «саллани олиб кел деса, каллани ҳам қўшиб олиб боришга» тайёр раҳбар сифатида намоён қилдилар. Нима учун шундай қилинди? Ўз халқини, унинг кадриятларини эмас, аксинча, ўзининг мавқеини сақлаб қолиш, нима қилиб бўлса ҳам амал курсисидан, раҳбарлик лавозимидан кетмаслик, ўзини ўйлаш, ўзи учун, амал учун яшаш, яъни амалпарастлик илллати шунга олиб келганини англаб олиш қийин эмас. Наврўзнинг қатағон

этилишига И. Усмонхўжаев, Р. Нишоновга ўхшаганларнинг «дўппини ол деса, каллани олиб келганлиги» сабаб эмасми? Бу ўз амалини сақлаб қолиш учун қилинган иш эмасми? Халкимиз шундай хизмат қилишни ўзига эп кўрган ва ялоқхўр бўлган бундай малайлар кирдикорини унутмаслиги керак.

Уларнинг қиёфасини ўша давр матбуоти материаллари орқали ҳам яққол кўриш мумкин. Шу даврда республика ОАВда эълон қилинган бош мақолалар таҳлил қилинганда, инсон эрки, озодлиги, унинг учун кадрли бўлган миллий-маънавий кадриятлар таҳқирланганини кўрамиз. Шу даврда энг нуфузли нашр ҳисобланган «Совет Ўзбекистони» газетаси қандай мақолаларни чоп этганига эътибор беринг. Аввало, 1986 йилдан 1988 йилгача 21 март – Наврўз байрами кунда «21 март – иркий камситишни тугатиш учун халқаро кураш куни» номи билан мақолалар чоп этилганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, 1986 йил 21 март куни «Совет Ўзбекистони» газетасида «Шарпевиль акс-садоси» номли мақола эълон қилинган. Унда миллий байрамимиз Наврўз тўғрисида эмас, балки, «Шарпевиль фожиаси Жанубий Африка халки учун бурилиш нуктаси бўлган»лиги, «ишчи-солдатлар уюштирган хунрезликдан сўнг мамлакатда вужудга келган ижтимоий вазият» тўғрисида ёзилади ва «эски методлар билан ҳокимиятни сақлаб қолиб бўлмайди, илгари қўл келган нарсалар бугунги кун учун яроксиз бўлиб қолмоқда – буни Жанубий Африка Республикасидаги ирқчилар ҳам тобора равшанроқ тушуниб етмоқдалар. Ғарбдаги иттифокчилари ҳам худди шуни уларнинг қулоғига қуймоқдалар. Ирқчиларнинг иттифокчилари қандай қилиб бўлса ҳам Жанубий Африкада революцион портлашнинг олдини олишни истамоқдалар», – деб таъкидланади. Албатта, бу Африка ҳаётига доир воқеалар экани маълум. Аммо бундай мақолаларнинг айна 21 март – Наврўз байрами кунда босилиши ва уни «21 март – иркий камситишни тугатиш учун халқаро кураш куни» рукнида берилишининг ўзи халкимиз миллий-маънавий кадриятларини камситиш, очиқдан-очиқ инсон шаъни, кадр-қиммати, ор-номуси, кадриятларига

нисбатан писандсизлик билан қараш, уни топташдан бошқа нарса эмас эди. Буни фақат шундай баҳолаш мумкин. Орадан бир йил ўтгач, 1987 йил 21 мартда яна «Совет Ўзбекистони» газетасида айнан шу рукнда «Миллий масалани ҳал қилишга икки хил ёндашув» номли мақола чоп этилган. Мақоланинг кишини ўзига жалб этадиган ва таҳқирлайдиган жойи шундаки, унда яна ўша воқеа эста олинади ва собиқ СССРнинг ирқий камситишларга нисбатан муносабати билдирилиб, «СССР ирқий камситишнинг пайини қирқишга доир ҳар қандай қадамларни табриқлайди ва уларнинг амалга оширилишини тўла-тўқис қўллаб-қувватлайди», – деб таъкидланади. Шу даврда КПСС МКга раҳбар бўлиб турган М.С. Горбачёвнинг КПСС МКнинг январь Пленумида айтган қуйидаги фикри келтирилади. Эътибор беринг-а: «Айнан социализм, – деб таъкидлайди М.С. Горбачёв, – миллий зулми ва тенгҳуқуқсизликни, одамларнинг ҳуқуқларини миллий вазлар билан бирон-бир тарзда камситишни тугатди, барча миллат ва элатларнинг иқтисодий, маънавий тараққиётини таъминлади. Хуллас, партиямиз миллий сиёсатининг муваффақиятлари билан ҳақли равишда фахрланамиз». Бу фикрни халқимизнинг миллий байрами бўлмиш Наврўзни йўқотиш учун кўрилган чора-тадбирлар билан таққослаб кўрадиган бўлсак, айнан социализм халқлар ва миллатларнинг ўзига хос миллий хусусиятлари, миллий-маънавий қадриятлари билан ҳисоблашмаганини, унга нисбатан ўзига хос камситиш на таҳқирлаш сиёсатини олиб борганини англаб олиш қийин эмас. Миллий байрамларга бўлган бундай муносабат республикада туб миллатга нисбатан унинг муаммоларини ҳал этишнинг ўзига хос «социалистик қонуни» эканини, унинг миллий-маънавий қадриятларимизга тамомила зид эканини кўриш мумкин.

Бу – халқнинг ўзлигини, унинг байрамларини йўқ қилишга уринишдан бўлак нарса эмас. Ёки ўша вақтдаги мафкуравий ишлар бўйича котиб Наврўз байрами муносабати билан тайёрландиган «сумалак», «ҳалим» каби миллий таомларни оддий «бўтқа» деб ҳисоблаганини эслайлик. Бу гапни эшитиб ҳайрон бўлган рус миллатига мансуб фуқаро бу миллий таом

«каша» эмас, деб эътироз билдирган. Бошқа миллат вакили бу муқаддас таомни билса-ю, мафкура котиби бунинг фаркига бормаганини қандай изоҳлаш мумкин? «Бош мафкурачи» атеистик курашни янада кучайтириш мақсадида Фарғона вилоятига қилган сафари чоғида ҳам бир ғалати воқеа содир бўлган. Йиғилишда ўзини «диндор» деб ҳисоблаган бир кимса сўз сўраб, «биз дафн маросимларига қаршимиз» деган фикрни айтади. Хурсанд бўлиб кетган «бош мафкурачи» «диндорлар орасида прогрессив фикрлайдиганлари ҳам бор экан», – деб уни ўзи билан олиб юради.

Маълумки, XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида Ўзбекистонда олиб борилган даҳрийлик тарғиботига етакчилик қилганлар ҳам ислом динига қақшатқич зарба беришга ҳаракат қилди. Амалда улар берган зарба умуман ислом динига эмас, ота-боболаримиз қадимдан эътиқод қилиб келган ҳанафийликка қарши қаратилди. Бу «қақшатқич зарба» экстремистик оқимларга мансуб ашаддий ақидапарастларга ўз мақсадларига етишда қатта ёрдам берди. Гап шундаки, ўша пайтлар аҳолининг динга муносабатини зоҳир этиб турадиган бир нечта кўрсаткичлар бор эди. Шулардан асосийси – муқаддас қадамжолар зиёратига қарши курашда партия органлари ва маъмурий идора ходимлари мутлақо ожиз эдилар. Қайси туман ёки шаҳарда муқаддас қадамжолар бўлса, ўша туман ва шаҳар раҳбарлари бошида кўпроқ қалтак синар эди. Чунки юқоридан келган вакиллар қадамжолардаги зиёратчиларни кўриб, шу ҳудудда партия органлари аҳолини атеистик руҳда тарбиялаш бўйича етарли иш олиб бормаётганлари, демак, КПССнинг топширигини етарли бажармаётганлари тўғрисида маълумотнома ёзиб кетар эдилар.

Шундай шароитда партия органлари ва маъмурий идора раҳбарларининг жонига ақидапарастлар оро кирдилар. Улар қадамжоларни зиёрат қилишга қарши мурасасиз кураш олиб борар эдилар. Бу иш улар наздида бидъат ҳисобланиб, ақидаларига зид эди. Шунинг учун имкон бўлди дегунча, улар қадамжо ва зиёратгоҳларга қарши ҳаракат бошларди. Уларнинг бу хусусиятлари жойлардаги партия идоралари ва маъмурий органлар раҳбарларига жуда маъқул тушарди. Бу

рахбарлар энди ақидапарастларни гоҳ очик, гоҳ яширин йўл билан қувватлай бошлади.

Халқ орасида тўй ва аза билан боғлиқ маросимлар жуда кўп бўлиб, ҳанафий мазҳаб уламолари уларга қарши етарли даражада тушунтириш ишлари олиб бормас эди. Диний ақидапарастлар эса бу маросимларнинг барчаси бидъат ва исломга зид, деб эълон қилди. Бу эса айрим партия раҳбарларига маъқул тушди ва ашаддий диний ақидапарастларни прогрессив уламолар, деб атаб, улар билан ҳамкорлик қилишди.

Шундай қилиб, кўпчилик тасавурида ашаддий атеист сифатида барча динларга қарши курашган коммунистлар аслида ислом динидаги ҳанафий мазҳабига қарши кураш олиб борган ва шу аснода ақидапарастликнинг тарқалиши учун шароит яратиб берган эди.

Шу ўринда мустақиллик йилларида ўзларини «дин-дош» қилиб кўрсатиб ислом байроғи остида кириб келган турли оқимлар, хусусан, ҳизбут-таҳрир ёки бошқа диний ақидапарастларнинг хатти-ҳаракати, мақсад ва интилишларини киёсан таҳлил этиб, қуйидаги хулосага келамиз. Бир томондан исломга қарши бўлган ашаддий «атеистлар» билан диний ақидапарастлар бир-бирига ғоявий жиҳатдан жуда яқин эканлигини кўриш мумкин. Марксист-атеистлар динга, миллий ва маънавий қадриятларга қарши курашиб, уни халқнинг онгидан юлиб ташлашга уринган бўлса, диний ақидапарастлар ҳам миллий байрамларга, тантаналарга, мукаддас жойларга, инсонни хотирлаш, унинг қабрига тош қўйиш, зиёрат қилишларга, дафн маросимларига қарши чикқанига гувоҳмиз. Устига-устак, ҳизбут-таҳрир миллий қадриятларимизга зид бўлган халифаликни тиклаш даъвосини илгари сурди. Ўрта аср халифалигига қайтиш тўғрисидаги хаёлпарастликнинг коммунистик ақидапарастликдан қандай фарқи бор? Бу ҳолат ҳар икки ҳодисадан эҳтиёт бўлишга ва доимо огоҳ бўлишга ундайди. Коммунистик мафкура «совет турмуш тарзи»ни тарғиб этиш орқали миллий байрамлар, урф-одат ва анъаналарни йўқ қилишни мақсад қилиб қўйган эди. Бугунги кунда эса диний ақидапарастлар миллий байрам ва урф-одатлардан воз кечишга даъват этаёт-

гани улар ўртасида ўзига хос якинлик борлигини, умумий мақсад йўлида бу оқимлар қўшилиб кетиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Энг муҳими, диний экстремистик гуруҳлар, ҳизбут-тахриру ақидапарастлар ҳам, атеистик кураш билан халқнинг, миллатнинг маънавий кадриятларини оёқ ости қилганлар ҳам, Ватанга хиёнат қилиб чет элда паноҳ топганлар ҳам ўз халқининг, миллатининг қарғишига қолгани ҳар бир соғлом фикрловчи кишининг кўзини очади.

Халқимиз сиёсий тақик ва таъқибларга, турли янги номдаги байрамлар ва янги одатларнинг ўйлаб топилганига қарамай, Наврўз байрамини ёдидан чиқармади. Республика раҳбар кадрлар тизимидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда миллий байрамларимиз ва кадриятларимизга бўлган муносабат ҳам ўзгариб борди. Айни шу жойда халқнинг, миллатнинг кадр-қимматини жойига қўйиш, унинг байрамларига ва миллий-маънавий кадриятларига ҳурмат билан қараб, қайта тиклаш раҳбар шахсга қанчалик боғлиқ эканини кўриш мумкин. Президентимиз Ислоом Каримов раҳбарлик лавозимига келиши билан мамлакатимизда халқимизнинг миллий-маънавий кадриятларига бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

1989 йил 23 июнь куни Ислоом Каримов республикаимиз раҳбари этиб сайланди ва унинг бошчилигида мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий йўналишлар билан бир қаторда маънавий соҳага алоҳида эътибор берилди бошланди. Айниқса, халқимиз тарихи, маънавияти, урф-одатлари ва расм-русумларини ўз ўрнига қўйиш ва тиклаш борасида тарихий аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. 1990 йил 5 январда «Азалий халқ байрами Наврўзнинг қайтадан тикланиши халқимиз томонидан қизгин кутиб олингани ва Наврўз байрамини нишонлашга тайёргарлик ишлари мақсадга мувофиқ деб топилгани» («Совет Ўзбекистони»), 1990 йил 7 январь) фикримизнинг далилидир.

Ва ниҳоят, 1991 йил мартда Наврўз умумхалқ байрамини доимий равишда халқ байрами сифатида ўтказиш масаласи ҳуқуқий ечим топди – Президент Ислоом Каримовнинг «Жумҳуриятда «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида»ги Фармони эълон қилинди.

Республикада Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Наврўз байрамининг тиклангани ва унинг умумхалк байрами сифатида дам олиш куни деб эълон қилингани, айни пайтда, ҳайит байрамларининг тикланиши ва улар ҳам дам олиш куни деб эълон қилингани кишида ифтихор туйғусини уйғотмасдан қўймайди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ислом Каримов шўролар замонида ҳам миллат, Ватан учун жонкуяр ва фидойи раҳбар бўлиш мумкин эканини исботлади. Халқини севган, миллий ғурурга эга бўлган раҳбар қандай тузум бўлишидан қатъи назар, ўз халқи эрки, қадриятлари йўлида нафақат амалини, ҳатто ўз жонини ҳам фидо этиши мумкинлигини кўрсатди. Президентимиз Наврўз байрамини тиклаш орқали, минг йиллар давомида севиб, ардоқлаб келинган халқимизнинг оғзаки ижоди, дostonчилик ва бахшилик билан бирга фольклор санъатига ҳам катта эътибор қаратди. Бугун ҳар бир вилоятнинг ўзига хос фольклор санъати тикланмоқда. Фольклор дасталари нафақат республикамизда, балки жаҳонда ўзбекнинг бой миллий маданиятини намойиш этиб, совринли ўринларни олмақда. Бу – миллий қадриятлар тикланиб, уларга ҳаёт бахш этилаётганидан далолатдир. Наврўз байрамининг кенг нишонланиши жамоатчиликни, унга хайрихоҳ бўлган ҳар бир кишининг эътиборини ўзига тортди.

Масалан, 1992–1994 йилларда Туркиядан нуфузли меҳмонлар келгани, улар Наврўз байрами тантаналарида иштирок этиб билдирган фикрлари, таассуротларини яхши эслаймиз. Улар ота-боболари нишонлаб келган Наврўзни эсдан чиқариб юборганликларини тан олган ҳолда, жойларда Наврўз тантаналарини суратга олиб, бутун дунёга кўрсатдилар ва «Ўзбекистонга ҳавас билан қараймиз, бундай халққа бошимизни эгиб таъзим қиламиз», деганларини эслашнинг ўзи кифоя. Бугун дунё Наврўз тантаналарини кўриб, ҳавас билан қарамоқдаки, бундан фахрланмаслик мумкин эмас.

Бугун Наврўз мустақиллик мазмуни билан уйғунлашиб кетди. Бугун биз Наврўзни янги орзу-умидлар, баҳор, яшариш маъноси билан бирга, миллий раванак, миллий тараққиёт, буюк келажак учун интилиш каби эзгу гоёлар билан муштарак ҳолда тушунмоқдамиз.

Наврўз байрами орқали халқимизнинг бой миллий-маънавий мероси қайта тикланмоқда. Жойларда миллий маданиятимиз негизлари, миллий кадриятларимиз жонланиб, уларга янгидан ҳаёт бахш этилмоқда. Наврўз мустақиллик ҳамда халқимизнинг ўзига хос ва мос бўлган бой миллий-маънавияти негизлари билан уйғунлашиб бормоқда.

Наврўз ва мустақиллик биз учун тенгдош бўлиб янгитдан дунёга келди. Айни пайтда, қайта тикланган Наврўз қайта тикланган мустақиллик ғоялари туфайли ўз мавқеига эга бўлди. Мустақиллик ғоялари эса халқимизнинг қадимий анъаналари, турмуш тарзи, урф-одатларини ўзида мужассам этган Наврўздан мадад олди. Ана шу руҳият халқимизнинг жон-жонига, қон-қонига сингиб кетди. Демак, энди биз миллий Истиклол тушунчалари билан Наврўз нашидасини бир-биридан ажрата олмаймиз. Одамларимиз эса айни пайтда, ана шу муқаддас ғоя ва мўътабар орзу-умидлар таъсирида шаклланмоқда.

«МУНОЗАРА ҚИЛМОҚҚА ҲОЗИРМАН...»

Ўзбек халқи тарихида улуғ саналар кўп, бироқ 1991 йилнинг биринчи сентябри ҳар бир ўзбекистонлик учун муборақ кунларнинг муборағи бўлиб қолади. Зеро, ўша куни ўтмишда буюк давлатчилик тарихига, юксак маданиятга эга бўлган, бироқ кейинги бир ярим аср ичида бировга тобе бўлиб қолган халқимиз яна мустақилликдек буюк неъматга эга бўлди.

Кейинги бир ярим асрлик давр мустақил бўлмаган миллатнинг истиқболи йўқ эканини исбот этди. XX аср охирида ўзбек халқи яна бир бор ўзлигини кўрсатиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш имкониятига эга бўлди. Буюк тарихимизга, бобокалонларимизнинг бой ва улкан меросига муносиб фарзандлар эканимизни кўрсатмоқ имконияти туғилди. Ҳамма гап бу имкониятдан қай даражада фойдалана билишда!

Агар истиқлол берган имкониятлардан самарали, тўлиқ фойдалансак, авлодларимизга бахтли ҳаёт, буюк келажакни таъминлаган бўламиз. Биз бутун ўтмишда буюк бобокалон-

ларимиз бунёд этган тамаддунни фахр билан эслаганимиз каби келгуси авлод ҳам бизни миннатдорлик билан тилга олади. Агар бу фурсатни бой берсак, миллатни – миллат, давлатни – давлат қилиш имкониятини қўлдан чиқарган авлод сифатида ном қолдирамиз. Шу боис ҳам, бугунги авлоднинг масъулияти ғоят каттадир.

Олдимизда турган вазифалар кўламига муносиб иш кўрмок учун, энг аввало, истиқлолнинг моҳиятини англаб етиш, уни кадрлаш керак. Истиқлолимиз осонликча қўлга киритилгани йўқ. Кўпгина фуқароларимизда истиқлолга осонгина, ўз-ўзидан эришилди, деган тушунча мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Миллат ўзлигини англаши учун уни, Президентимиз айтганидек, тарих билан қуроллантириш лозим. Бу борада, айниқса, истиқлол арафаси ҳамда мустақиллик даври тарихи чуқур ўрганилиши ва ўргатилиши керак. Бу давр энг кам ўрганилган даврдир. Ёш авлод, хусусан, бугун ишлаб чиқаришга қадам қўйган, олий мактабда таълим олаётганларнинг кўпи 10–15 йил илгариги тарихни етарлича билмайди. Улар мустақилликни осмондан тушган бир неъмат деб ўйлашади.

Мустақиллик ҳеч қачон осонлик билан қўлга киритилмайди. Давлатлар тарихидан маълумки, истиқлол икки йўл билан: қурол ёрдамида, яъни қон тўкиш ёки тинч йўл билан қўлга киритилади. Биринчи йўлда етакчилар, йўлбошчилар тез кўзга ташланади, қаҳрамон арбоб сифатида танилади. Иккинчи йўлда эса бу жараён у қадар тез кечмайди. Аммо бу йўл аввалгисига караганда анча мушкул бўлиб, катта ақлзаковатни талаб қилади. Вайронагарчиликсиз, қон тўкмасдан халқни мустақилликка олиб чиқиш осон эмас. Чунки бу ҳолатда мустақиллик душманлари очик қурашга чиқмайди. Улар ўз мавқеини, ҳукмронлигини сақлаб қолиш мақсадида турли пасткашликлардан, ифвогарона ҳаракатлардан, ҳар томонга «думалоқ» хатлар жўнатиб, халқнинг асл фарзандларини сотишдан, миш-мишлар тарқатиб, раҳбарлар обрўсини тўкишдан қайтмайди. Очик жанг майдонидаги душман маълум. Тинч йўлдан борганда дўст никобини кийган мустақиллик душмани исталган пайтда орқадан ханжар

уриши, гоҳо тилёғламалик қилиб ўзини халқ манфаатлари ифодачиси қилиб кўрсатиши мумкин. Шу боис истиқлолга тинч йўл билан эришиш етакчидан сабр-бардошли бўлишни, ақл-заковату ҳушёрликни талаб қилади. Ҳушёрликни бир зумгина бўлса ҳам унутиш, бирорта нотўғри қадам ташлаш фожиали оқибатларга, беқарор ва таҳликали вазиятга, ҳатто фуқаролар урушига олиб келиши мумкин. Ана шундай қалтис, бўҳронли бир шароитда бирон-бир тўғри йўлни кўра олиш ва халққа етакчилик қилиш чинакам қаҳрамонликдир. Ҳамма ҳам бунинг уддасидан чиқавермайди. Шуниси ҳам борки, тинч йўл билан истиқлолга эришилганда, унинг кадрига етмайдиганлар кўпроқ бўлади. Истиқлолга эришгандан кейин эса «хизматидан» лоф урадиган «қаҳрамонлар» кўпайиб қолиши ҳам сир эмас. Ваҳоланки, бундайларнинг пичоғи ўша пайтлари ҳам мой устида бўлган, халқни, миллатни эмас, ўз манфаатини кўзлаган.

Бугунги ёш авлод мустақиллик учун кураш қандай шароитларда кечгани, халқимиз истиқлолгача қандай изтиробли, оғир кураш йўлини босиб ўтганини билиб олиши керак. Истиқлол арафасида СССР заифлашиб қолган эди, шу боис мустақилликка эришиш осон бўлди, деган гаплар юради. Бу мутлақо асоссиз. Тарихга ҳолис ёндашмоқ керак. У даврда ҳали шўролар мамлакати қудратли эди. Дунёнинг етакчи мамлакатлари ундан чўчирди. Америка Президенти Р. Рейганнинг «Зулм империяси» деган таъбири айни ўша вақтлари айтилгани бежиз эмас.

Айниқса, XX аср 80-йилларининг иккинчи ярмида Москва ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун таъқибу тазйикни ниҳоятда кучайтирди. Марказ Ўзбекистон мисолида бошқа республикаларни ҳам кўрkitиш ниятида бу ерга кетма-кет жазо отрядларини жўната бошлади.

Москванинг тўғридан-тўғри кўрсатмаси билан гдьянчи жазо тўдалари Ўзбекистонда қатағонни авжига чиқариб, минглаб раҳбарларни турмага тикиб ташлаётган, одамлар ўз соясидан ҳам ҳурқадиган бўлиб қолган эди. Мушкул бир вазиятда халқини, маънавиятини ҳимоя қилиб чиқиши лозим бўлган республиканинг ўша пайтдаги Усмонхўжаев,

Нишонов каби раҳбарлари ўзларини Марказнинг лаганбардор дастёри сифатида намоён қилди. Бундан фойдаланган Марказ «ўзбек иши» баҳонасида кўплаб одамларни қамокқа тикиш, жисмоний таъзия ўтказиш билан чекланиб қолмай, халқимиз руҳиятининг илдизи бўлган миллий урф-одатлар, анъаналар, маросимларга, динимизга қарши таъқибу таъзиякни кучайтирди. Ўша пайтлари баъзи раҳбарлар ҳатто отасининг жанозасига боришга кўрқиб, «касал» бўлиб ётиб олган эди. Москва республика раҳбариятининг ношудлиги, нўноқлиги ва кўроклигидан фойдаланиб, яна бир машъум ниятни – тарихан таркиб топган вилоятлар ва туманларни сунъий равишда қўшиб юбориб, Ўзбекистон кадрлар таркибини камайтириш режасини ҳам тузди. Режага кўра, Фарғона, Наманган, Андижон битта вилоятга айлантирилиши, Самарқанд билан Навоий, Сирдарё билан Жиззах, Бухоро билан Қашқадарё қўшиб юборилиши керак эди.

Москва бу режаларни тузар экан, ҳатто республиканинг биринчи раҳбари бўлиб ишлаётган малайларига ҳам ишонмасдан, масалани ҳал этишни ўз десантчиси, республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаётган В. И. Огарокка топширди.

Эътибор беринг: республикага тааллуқли энг катта масалалардан бири – бутун-бутун вилоятларни қўшиб юборишдек муҳим муаммони ҳал қилиш ўша пайтдаги Усмонхўжаев, Нишонов каби биринчи раҳбарларга топширилмагани, мажлисга Ўзбекистон Министрлар Советининг Раиси ҳам қатнаштирилмагани, аввало, Марказ республика манфаатини истаган вақтида, исталган тарзда топташи мумкинлигини, Конституцияда битилган суверенитет тўғрисидаги қоида қора чақага ҳам арзимайдиган пуч гап эканини кўрсатарди. Қолаверса, бу республиканинг ўша пайтдаги ношуд ва нотавон раҳбарлари Москва қўлида бир кўғирчоқ бўлганига, жилов аслида расман иккинчи даражали раҳбар бўлган Огарок сингарилар қўлида бўлганига яққол мисолдир. Огарок ҳеч кимдан тап тортмай, ишни ҳамирдан қил суғургандек, эътирозга йўл қўймасдан, силлиққина бажариш учун фаолият бошлаб юборган эди.

Ўша вақтлари Бухоро вилояти ижроия кўмитаси раиси бўлиб ишлаган А. Тошкенбоевнинг эслашича, 1987 йилда Қашқадарё ва Бухоро вилоятларини бирлаштириш масаласини «муҳокама этиш» учун иккала вилоят делегацияси тўпланди. «Муҳокамага қўйилаётган масала халқимизнинг манфаатларига мутлақо зид эканини, бу республика иқтисодиётига ҳам, маънавиятига ҳам зарба бўлиб тушишини ҳаммамиз билиб, сезиб турар эдик, – деб эслайди А. Тошкенбоев, – Москванинг топшириғи тўғрими, нотўғрими, пастда бажарилиши мажбур экани ҳаммага аён. Ич-ичимиздан норози бўлсак-да, барча бу ҳақда чурқ этиб оғиз очишга кўркади, ҳукм сураётган зўравонлик муҳити раҳбарларни ҳатто ўз дардини ўзаро ўртоқлашишдан ҳам хуркитиб қўйган эди. Ҳеч гапни айтолмаслигимиздан виждонимиз азобда, кўзимизни бир-биримиздан олиб қочамиз, бошимиз ҳам.

Олдиндан белгиланган сценарий бўйича ҳар иккала партия кўмиталарининг биринчи котиблари сўзга чиқиб, партия билан Москванинг донолигига ҳамду сано ўқигач, таклифни бир овоздан маъқуллаши керак эди. Бу иш бошқа бир-икки вилоятда ана шундай силлиққина ўтган, Огарок бу ерда ҳам «лаббай» деб жавоб беришларини кутаётгани ҳаммага равшан. Йиғилишга келганлар ҳам, оркаворатдан пойлаётганлар ҳам руҳи сўнган ҳолда олдиндан режалаштирилган натижани кутиб туришарди. Бухоро вилояти котиби И. Жабборов негадир йиғилишга келмади ва у киши ўкиши лозим бўлган матнни менга тутқазишди.

Йиғилишга В. Огарок раислик қилди. У иккала вилоятни қўшишнинг «фойдалари» хақида қуруқ сафсата сотиб, бирорта жўяли гап айтолмади. У юкорида гердайиб ўтирар, пастдагиларни назар-писанд қилмаётгани кўриниб турар эди. Иш битишига ишончи зўр. У совуққина ва лоқайд бир тарзда Қашқадарё раҳбари Ислон Каримовга сўз берди.

Ҳеч қутилмаганда нотик сўзини шиддатли бошлади: В. Огарок бошчилигидаги комиссия Москва сиёсатини кўр-кўрона бажараётганини, вилоятларни бу тарзда бирлаштириш иқтисодий жиҳатдан ҳам, тарихий жиҳатдан ҳам мутлақо асоссиз эканини далиллар билан исбот қилиб бера бошла-

ди. Беҳафсала, локайд ўтирган одамларда жонланиш пайдо бўлди. Менга залда момақалдинок гумбурлагандек туюлди. Ғазабдан В. Огарокнинг кўзлари косасидан чикқудек бўлди. У нотикнинг сўзини кўрслик билан бўлиб, лукма ташлади.

– Масаланинг иктисодий томонини ҳам, тарихий томонини ҳам юкоридагилар, – Огарок «юкоридагилар» сўзига урғу бераркан, бош бармоғи билан тепага ишора килди, – сиздан яхширок билишини билмайсизми, айникса, сиёсий жиҳатини?

Огарок «сиёсий» сўзига янада кучлирок урғу бергани учун залда ўтирганларнинг дами ичига тушиб кетди.

– Халкимнинг тарихи, мамлакатимнинг иктисоди масаласида исталган одам билан мунозара қилмокка ҳозирман, – деди И. Каримов. – Эътибор бермаяписизми, мен аравани курук олиб қочаётганим йўк, далиллар, рақамлар билан гапиряпман.

Шундан сўнг нотик Огарокка парво ҳам қилмай яна жўшиб сўзида давом этди. Кутилмаган зарбадан Огарок кўкариб кетди, асабийлашиб олдидаги қоғозларни титар эди. Нотик сўзининг ниҳоясида Қашқадарё ва Бухоро вилоятларини бирлаштириш оғир оқибатларга олиб келишини, ҳар иккала вилоятнинг иктисодига салбий таъсир кўрсатишини исботлаб, Қашқадарё хайъати номидан катъий норозилик билдирди.

Қатағон тегирмони ҳар куни ўз домига қурбон тортиб турган бир вақтда Марказнинг қонун кучига тенг, «юкори олдиндан тасдиқлаган», пастдагиларга фақат маъқуллаш раво кўрилган режасига қарши чиқиш, шунчаки қарши чиқибгина қолмай, бу режаларнинг хато эканини исботлаш якуни амалдан кетишгина эмас, калла кетишига олиб келишини кўпчилик яхши билар, шу боис кўплар даҳшатдан қотиб қолган эди.

Аста-секин одамлар ўзига келди, залда шивир-шивир бошланди. Қашқадарё раҳбари кўпчиликнинг дилидаги гапни топиб айтганди.

Бухоро вилояти номидан менга сўз берилди. Матн билан олдиндан танишиб чикқан эдим. Бу қоғозда сўз партияга ҳамду сано ўқишдан бошланиб, икки вилоятни қўшиб бе-

раётгани учун Москвага миннатдорчилик билдириш билан якунланарди. Бу матнни қандай бўлса шундайлигича ўқишга тайёр турган эдим. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Бироқ Ислому Каримовнинг сўзларидан кейин кўнглимда шубҳа пайдо бўлиб, тараддудланаётгандим. Ўтирган жойимдан минбарга боргунимча икки қадам эмас, олис бир йўл босгандек туюлди менга. Кўзим икки кишини пайқади, холос: бири Ислому Каримовга ғазаб билан тикилган Огарок бўлса, иккинчиси – халқи олдидаги ўз фарзандлик бурчини адо этган, хотиржам Ислому Каримов. Ўз ҳаётимда биринчи марта бундай қалтис вазиятга дуч келган эдим. Қилаётган ишига, сўзлаётган сўзига ишончи қатъий, ҳаётини миллатига бахш этишини оғизда эмас, амалда кўрсатган инсоннинг қалб сўзлари инсонга нақадар кучли таъсир этишини мен ўшанда ҳис қилдим. Кўнглимда бир дадиллик уйғонди.

Қоғозни чўнтагимга солиб сўз бошладим. Гапим қисқа бўлди. Гарчи партия ва комиссия адресига, олдинги нотик сингари салбий фикр айтишга ожизлик қилсам-да, Бухоро ҳайъати номидан олдинги маърузачининг иккала вилоятни бирлаштирмаслик ҳақидаги фикрига қўшилишимизни айтиб, минбардан тушиб кетдим.

Шу тариқа, айни Ислому Каримовнинг дадиллиги ва шижоати туфайли илк бор Москванинг режаси ўтмай қолди. Ўзини эмас, миллати, халқини ўйлаган, эркинлик ва ҳурлик туйғулари қалбидан чуқур жой олган жасур инсонгина шундай қилиши мумкин эди.

Ўша мажлисда Қашқадарё раҳбари дилимизга бир чўг ташлади. Агар у жасорат кўрсатмаганида мен берилган матнни ўқиган ва ҳозиргача юзи қора бўлиб, виждон азобини чекиб юрган бўлардим. Мен учун кўзим очилган энг ёруғ кун ўша кун бўлди. Москва йўриғига юриб, халқимга хиёнат йўлини тутмаганлигимга айни Ислому Каримов сабаб бўлди. Шу боис мен ҳаминиша у кишидан миннатдорман».

Кейинчалик Ислому Каримовга ўша мажлис тўғрисида эслатиб, нега шундай қилганини сўрашганида, у бундай жавоб берган эди: «Мен Қашқадарёга бориб, халқ ичига кирдим, ҳаётни кузатдим. Ўзбекларнинг бутун бир авлоди қул бўлиб

туғилиб, кул бўлиб ўлиб кетмоқда. Ахир, бунга қачонгача чидаш мумкин? Қачон елкамизга офтоб тегади? Бу ҳолга чек қўйиш вақти етмадими? Керак бўлса, бу иш учун жонни фидо қилиш лозим, сабр косамиз тўлди-ку! Хур яшаш ҳар биримизнинг орзумиз эмасми? Қачондир, кимдир бу ишни бошлаши керак эмасми?»

Бу ишни бошлаш, халқимизни истиклол йўлига олиб чиқишни тарих Ислом Каримов зиммасига юклади. У ниҳоятда мураккаб, қалтис бир вазиятда халқимизга йўлбошчи бўлди ва хушёрлик билан, тадрижий равишда мустақиллик сари илгарилаш йўлини тутди.

Юртбошимиз ҳаётида юқорида эслаб ўтилганга ўхшаш воқеалар кўп ўтган. Эҳтимол, бу воқеаларнинг баъзилари унинг хотирасидан кўтарилган бўлиши мумкин. Лекин у билан бўлган, ишлаган кишилар, халқ бу воқеаларни ҳеч қачон унутмайди.

Ана шундай, оғиздан-оғизга кўчиб юрадиган воқеаларнинг бири 1989 йили Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳрида бўлиб ўтган. Бу ерда Ўрта Осиё республикалари раҳбарларининг комфирқанинг аграр сиёсатига бағишланган минтақавий йиғилиши уюштирилган эди.

Йиғилишга комфирқанинг иккинчи котиби Е. Лигачёв бошчилик қилади. Ўзбекистон ҳайъати аъзоси сифатида бу мажлисда иштирок этган дўстларимиздан бири шундай деб эслайди:

– Республикалар компартиялари раҳбарлари бирин-кетин сўзга чиқиб, партия аграр сиёсатини одатдагидек бир овоздан маъқуллаб тушиб кетишаверди. Залда ўтирганлар бу тарздаги бир хил мавзу ва маъқуллашларга ўрганиб қолишгани учун маърузаларни лоқайд, эътиборсиз эшитиб ўтиришар, у ер-бу ерда мизғиб олаётганлар ҳам бор эди.

Ўзбекистон раҳбари ўз маърузасини бошлаши билан жонланиш бошланди. Марказ Ўрта Осиё республикаларининг об-ҳаво, иқлим шароити билан ҳисоблашмаётганини, минтақа халқларининг ўзига хослигини эътиборга олмаётганини айтиб, қаттиқ танқид остига олган эди. Залнинг у ер-бу еридан турли тилларда «тўғри», «ҳақ гап», «э, бор экан-у»,

«баракалла» деган овозлар эшитила бошлади. Маърузачи ҳар бир ҳудудда аграр сиёсатни ўша ҳудуднинг табиий шароитларига мос ҳолда олиб бориш кераклиги, ҳамма нарсани Москвадан туриб ҳал этиш амалиётини тўхтатиб, бу борада республикаларга эркинлик бериш лозимлиги тўғрисида гапириб, «ғўзани қандай қилиб культивация қилиш-у, неча марта суғориш кераклигини Москва ўргатиши керак эмас-да», деган сўзлар билан нутқини якунлади. Гулдурос қарсақлар янгради.

Танаффус вақтида бошқа республика вакиллари фақат Ислом Каримов ҳақида, унинг сўзлари ҳаққоний экани, ўзининг довураклиги тўғрисида гапиришар эди. Қирғизистонлик бир дўстимиз менга: «Ислом Каримов Ўзбекистоннинг бахти. У ҳаммамиз учун ҳам бир маёқ бўлди. У кишини асранглар», деди ҳаяжонланиб. Ўшанда бутун шўролар мамлакатини ётқизиб-турғизаётган Е. Лигачёвдек бир одам ҳам Ўзбекистон раҳбарининг асосли фикрларини очик рад этишга журъат қилолмади. Аммо қозоғистонлик дўстларимиз кейинчалик айтишларича, Ўзбекистон делегацияси жўнаб кетгач, Қозоғистон ва Қирғизистон раҳбарларига қарата: «Каримов Ўрта Осиёда биринчи бузғунчи. Унга тегишли чора кўрамыз. Сизлар ундан ўрناق олманглар. Ўрта Осиёда иккинчи Болтикбўйи пайдо бўлишига биз йўл қўймаймиз. Темирдай мустаҳкам КПССнинг ичдан бузилишига ҳам йўл қўймаймиз», деган экан.

Бу шунчаки пўписа эмас, очикдан-очик қилинган таҳдид бўлиб, Юртбошимиз боши устига қора булутлар бостириб келаётгани нишонаси эди. Бахтимизга Марказ ўз машъум ниятини амалга ошира олмади. Халқимиз уйғониб, ўз кадрини била бошлаган, ҳурлик туйғуси қанот ёзаётган эди.

Юқорида келтирилган икки мисолдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон тарихида биринчи марта оддий ишчи, шоир ёки олим эмас, вилоят, кейинчалик республика раҳбари Москвага очикдан-очик қарши чиққан эди. Бу шўронинг зўравонлик сиёсатига берилган дастлабки зарба бўлди.

Ҳозир айтишга осон. У пайтларда комфирка шундай қаттиқ бир интизом ўрнатган, шундай бир зўрлик муҳитини барпо этган эдики, Москва берган топшириқни республика ва

вилоят раҳбарлари у ёқда турсин, ҳатто оддий коммунистлар ҳам сўзсиз бажариши лозим эди, муҳокамаю эътирозга ўрин қолмасди. Москва буйруғига итоат этмаслик бир ёқда турсин, салгина эътироз билдирган одам фирка сафидан ўчирилар, хизматдан қувилар, халқ душманига айланар эди. Айни ўша даврда республикага раҳбарлик қилган нотавон шахсларнинг қўрқоклиги натижасида ўрнатилган террор муҳитида қомфирқа сиёсатиға қарши қаратилган ҳар қандай сўз учун жиноий жавобгарликка тортиш одатий ҳол бўлиб қолганди.

Юртбошимиз мустақиллик учун кураш ҳаракатини ана шундай қўрқинчли бир муҳитда бошлади. Республика раҳбари мустақиллик туйғусининг чуқур илдиз отиши учун мақсадли равишда изчил иш олиб борди. Кўп ўтмай бу ўз самарасини ҳам берди. Юртбошимиз хушёрликни бир сония ҳам унутмай, халқимизни мустақиллик сари дадил бошлаб борди, бўҳронлардан эсон-омон олиб ўтди, истиклолга қовуштирди. Истиклол изтироблар, қаттиқ курашлар эвазига қозонилди.

Мустақиллик халқимизнинг XX асрда эришган энг юксак ютуғи, аждодларимиз тўққан қутлуғ ва табарруқ қонининг қонуний натижасидир. Аждодларимизнинг руҳи покиға муносиб бўлмоқ, республикамизнинг жаҳон майдонида ўз ўрнини эгаллаши, бахтли ва озод жамият қуриш йўлида астойдил меҳнат қилмоқ ҳар бир фарзанднинг муқаддас бурчидир.

МУСТАҚИЛ ИҚТИСОДИЁТ ОДИМЛАРИ: ЎТМИШИ ВА БУГУНИ

Ўзбекистон халқи шу кунларда мустақилликнинг ўн йиллигини кенг нишонлашга қатта тайёргарлик қўрмоқда. Ўтган давр мобайнида босиб ўтилган тарихий йўлга баҳо берганда 80-йилларнинг иккинчи ярми билан боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисалар, яъни мустақиллик арафасидаги реал вазиятни ўрганмасдан туриб, бугунги кунда эришилган ютуқлар ва ислохотлар натижасига баҳо бериш қийин. 1980 йилларнинг иккинчи ярмига келганда тағи пуч ғоя асосига қурилган қизил империя асослари дарз кета бошлади. Иқтисодиёти ҳар то-

монлама Марказга қарам, бир ёклама ривожлантирилган ва асосан Иттифокқа арзон хомашё етиштириб берувчи чекка юрт – Ўзбекистондаги аҳвол, айниқса, оғир эди. Том маънода мустамлака бўлган ўлкада мустикаллик руҳи салгина кўриниш берган ҳолларда Иттифок раҳбарлари бизга «сизлар мустикал давлат сифатида мутлақо яшай олмайсизлар», дейишлари кўпчиликни ажаблантирмас эди. Бундай фикрларни давлат раҳбарлари у ёқда турсин, Москванинг оддий уйларида, энг даҳшатлиси эса ўзимизда, Ўзбекистонда, айрим ҳаммиллатларимиз даврасида ҳам эшитиш мумкин эди.

Ўзбекистон мустикал давлат сифатида яшай олмаслиги тўғрисидаги фикрлар асоссиз гаплар ҳам эмас эди. Биз масаланинг сиёсий жиҳатларини кўя турайлик-да, Ўзбекистонда мустикал давлатчиликнинг иқтисодий асослари бор-йўклигига эътибор берайлик. Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон иқтисодиёти асосан бир соҳа – пахтачилик асосига қурилган бўлиб, бошқа тармоқларнинг ҳам фақат шу комплексга боғлиқ қисмларигина ривожлантирилган эди. Жаҳон тарихи, маданияти, маънавияти ва фани ривожига энг кўп хисса қўшган миллатлар қаторига қирадиган ўзбекларнинг чор Россияси ва советларнинг мустамлакачилик сиёсати оқибатида дучор бўлган азоб-уқубатларини таърифлашга қалам ожизлик қилади.

Бу даврга келганда мамлакат кишлоқ хўжалигида экин майдонларининг асосий қисмини пахта ишғол этиб бўлганди. Ўзбекистоннинг қайси томонига қарасанг ғўзадан бошқа экин кўринмаслиги одатий ҳолга айланиб қолди. Айрим «ватанпарварлар» ҳатто идора ва ташкилотлар бинолари олдидан гул ёки манзарали дарахтларни суғуриб ташлаб, ўрнига пахта экишгача этиб боришди.

Барча экин майдонларининг бор-йўғи 8–10 фоизига буғдой экилар эди, буни фақат машъум пахта якка ҳокимлиги ҳодисаси билан изоҳлаш мумкин. Картошка экиладиган майдон эса, бор-йўғи 0,8 фоизни ташкил этишига деҳқончилик тараккий этган давлатлар вакиллари ҳеч қачон ишонишмас керак.

Ўзбек халқининг пешона тери эвазига етиштирилган пахта арзон-гаровга Марказга ташиб кетилар, Ўзбекистонга

зарур маҳсулотлар юқори нархда бошка республикалардан олиб келинар эди. Ҳаммаёқни пахта экинзорлари босиб кетгани туфайли, асрлар давомида жаннатий мева ва сабзавотлари билан ўзини тўла таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг сифати бўйича дунёни хайратга солган юрт, энди ўзи шу маҳсулотларга зор эди.

Мамлакат ҳаёти учун энг зарур маҳсулотлар – дон, гўшт, сут, картошка кабиларнинг катта қисми четдан олиб келина бошланди. 1988 йили Ўзбекистонда 1 миллион 555 минг тонна ёки жон бошига 80 килограммга яқин дон етиштирилди. Шу йили 324,6 минг тонна картошка, 2929,3 минг тонна сут, 548,3 минг тонна мева ишлаб чиқарилди.

Етиштирилаётган дон эҳтиёжимизни қай даражада қоплаганини тасаввур қилиш мақсадида рақамларни таққослаш фойдадан холи эмас. Ушбу даврда аҳоли жон бошига АҚШда 1250–1300, Францияда 1030–1050, Польшада 750–760, Венгрияда 1200–1220 ва ҳатто собиқ СССРда 700–750 килограммдан дон ва дон маҳсулотлари олинар эди. Қиёслаб кўринг!

Кўриниб турибдики, мамлакат ичида етиштирилаётган дон, картошка, сут, гўшт маҳсулотлари уларга бўлган эҳтиёжнинг кичик бир қисмини зўрға қондира олар эди, холос. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжнинг асосий қисми импорт ҳисобига қопланарди. Ўша даврда кўмир юкланадиган вагонларда Украина, Россия, Белоруссиядан олиб келинадиган усти қора, ичи ғовак картошкалар ҳали эсимиздан чиққани йўқ. Организми кўлда сўйилган гўштга ўрганган халқ ҳаммаёқда, айникса, мактаб, боғча, касалхоналарда четдан келтирилган музлатилган гўштни номига истеъмол қилишга мажбур этилди.

Энг ёмони шундаки, совет даврида атайлаб ўйлаб топилган баҳо механизми қизил империянинг фақат марказий ҳудудлари манфаатларига хизмат қилар эди. Хомашёнинг баҳоси паст, тайёр маҳсулотнинг баҳоси юқори белгиланиши совет баҳо тизимининг асосий мазмунини ташкил этар эди. Ўша пайтдаги нарх-наво айримларнинг хотирасидан чиқиб кетгани учун бир мисолга мурожаат қилайлик. Пахта

хомашёсини XX асрнинг 80-йиллари охирида давлат 1,5–1,6 рублга сотиб олар эди. 1 кило пахтадан эса қайта ишлаш жараёнида 20–30 рубллик ва ундан ҳам ортик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эди. Ўзбекистонда етиштирилган пахтанинг 90 фоиздан ортиғи бошқа юртларда қайта ишланар ва унинг фойдаси ўша жойларда қолар эди. Ўз пахтамиздан тайёрланган кийим-кечакни кейин ўзимиз бир неча ўн баробар қиммат баҳода сотиб олишга мажбур эдик.

Ўзбекистон иктисодиётининг барча тармоқлари худди шу тарзда ташкил этилган эди. Мамлакат иктисодиёти марказий ҳудудлар иктисодиётига батамом қарам бўлиб, нафақат машина ва ускуналар, балки ҳаёт учун энг зарур оддий истеъмол маҳсулотлари ҳам ўша томонлардан олиб келинар эди. Ўзбекистондай катта бир республикада ҳатто ҳеч қандай ақлли техника ёки юксак технология талаб қилмайдиган оддий миҳ ишлаб чиқаришга ҳам имкон берилмасдан, Россиядан юборилар эди. Тасаввур қилинг, темирчининг устахонасида яшаш мумкин бўлган ўта жўн маҳсулот шу жойда ишлаб чиқарилиш ўрнига, мантикка бутунлай зид равишда четдан олиб келинар эди.

Корхона ва ташкилотларнинг энг йирик ва сердаромадлари Иттифок мулки ҳисобланар ва уларнинг даромадлари тўлалигича марказ ихтиёрига тушар эди. Ҳисоб-китоб ва баҳо тизимлари шундай ташкил этилган эдики, республика миқёсида яратилаётган даромаднинг аниқ миқдори фақат Москвага маълум эди. Республика миқёсида миллий даромадни ҳисоблаш механизми атайлаб яратилмаган эди. Юртимиздан Марказга ташиб кетилган бойликлар, энг аввало, олтиннинг ҳақиқий миқдори халқдан яширилганининг сабаби ҳам шунда эди.

Пировард натижада ташиб кетилган ҳар 10 сўм ўрнига Иттифок бюджетидан нари борса 1 сўм қайтариб бериб, «ўлганнинг устига тепган»дек бизни тағин боқимандаликда ҳам айблашарди.

1989 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда умумий экин майдонлари 4160 минг гектарни ташкил этиб, унинг 95 фоиздан ортиғи жамоа ва совет хўжаликлари ихтиёрида

эди. «Ер – дехконларники» шиори остида Марказий Осиёда ўз ҳокимиятини ўрнатишга муваффақ бўлган шўролар ҳеч қанча ўтмай машъум коллективлаштириш сиёсатини ўйлаб топишди ва натижада барча экин майдонлари умумлаштирилди. Бевосита дехконнинг қўлида дўппидек томорка майдони қола бошлади. Шаҳарларда 4 сотихли ҳовлида 2–3, ҳатто 4 оила – 20–30 киши яшаши ҳеч қимми ажаблантирмай кўйди. Қишлоқ жойларида ҳар оилага қачонлардир турли минтақаларда 8 дан 15 сотихгача томорка ери ажратилган эди. Лекин 1960–1980 йиллар давомида Ўзбекистонда томорқа ажратиш жараёни деярли тўхтаб қолди. Томорқа қишлоқда гўё майда буржуа психологиясини туғдирувчи восита бўлиб, коммунистик жамият барпо этиш стратегиясида ўрни йўқ мавҳум бир тушунча эди. Томорқага ер олиш амалга ошмайдиган орзуга айлана бошлади. Натижада, ҳатто қишлоқ аҳоли пунктларида ҳам 8 ёки 15 сотихли ҳовлида 3–4 оила яшашига мажбуран кўника бошладик. Мавжуд 4160 минг гектар экин майдонининг бор-йўғи 125,8 минг гектари ёки 3 фоизигина шахсий томорқа хўжаликлари ихтиёрида бўлган эди.

1989 йилнинг 23 июнида Ислом Каримов мамлакат раҳбарлигига келганида аҳвол шундай эди. Янги раҳбар ўз фаолиятини мамлакат аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганишдан бошлади. Аслида Ислом Каримов бу масалани жуда чуқур билса-да, даставвал вилоятларни ўз кўзи билан кўриб чиқди. Сафар давомида у сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият ўта оғир эканлигини яна бир бор чуқур ҳис қилди.

Ўзбекнинг кунни кун, тунни тун демай пахта экиб, Марказни бойитган, лекин ўз қосаси оқармаган минглаб асл дехқонлари ўгриликда айбланиб, гдлянчилар томонидан ноҳақ қамалган, Фаргона ва Тошкент вилоятларида ўзбеклар билан месхети турклари орасида устомонлик билан уюштирилган тўс-тўполонлар авж олган, аҳолининг турмуш даражаси марказий ҳудудларга нисбатан 3–4 барабар паст бўлгани туфайли моддий аҳволи ўта оғирлашган давр эди. Боз устига ўз ичимиздан чиққан айрим «доҳийчалар» ҳолдан тойган,

тажанг, дўпписи тор келиб турган аҳолини гиж-гижлаб, на-
мойишларга чорлай бошлаган эди.

Юзага келган ўта қалтис ва мураккаб сиёсий, иқтисодий
ва ижтимоий вазият тезлик билан зарур чора-тадбирлар
кўришни тақозо этарди. Ҳаммаси Москвага ташиб кетилгани
боис, Ўзбекистон ҳукумати ихтиёрида ҳеч қандай молиявий
имкон йўқ эди. Горбачёв, Лигачёв, Ельцин кабилар ўртасида
ҳоқимият учун кураш ботқоғига ботган Москвадан нажот
кутиш мумкин эмас эди. Лекин масалани пайсалга солиш
вазиятни чигаллаштириши ва собиқ Иттифокнинг қатор рес-
публикаларида бошланган ур-йикит ва бошбошдоклик бизга
ҳам етиб келишига туртки бериши мумкин эди.

Ўзбекистонда месхети турклар билан тўс-тўполонлар ав-
жига чиққан пайтда Москвада лавозим кутиб ўтирган Рафик
Нишонов хизмат масъулияти тақозо этса-да, Ўзбекистонга
келмаган эди. Вазият мураккаблашиб кетгач, ноиложликдан
ўз ўрнига Министрлар Советининг Раиси Г. Қодировни,
Ички кўшинлар кўмондони генерал-полковник Шаталинни
ва бир гуруҳ юқори таркибдаги офицерларни Ўзбекистонга
жўнатади. Юборилган гуруҳ таркибининг ўзи вазиятни энг
кескин чоралар билан – куч, қурол воситасида ҳал қилиш
йўли танланганидан дарак берар эди. Лекин вазият шунчалик
«тагига олган» эдики, юборилган гуруҳ ҳам, ички кўшинлар
ҳам уни ҳал этишга ожизлик қилди.

Ўзбекистондаги тўс-тўполонлар босилмагач, бундан
қаттиқ хавотирга тушган М. Горбачёв Москвада демократия
ҳақида суҳбатлар қуришдан бўшамаётган Р. Нишоновни
мажбуран – махсус буйруқ билан Ўзбекистонга жўнатади.

«Кулупнай» муаммосини «муваффақиятли» ҳал қилиб
қайтган Р. Нишоновга муқофот тариқасида Москвадан «иссик
жой» ажратилади – у ўзи орзу қилган тинч ва обрўли лавозимга
тайинланади. Бу ҳам, бошқа жиҳатдан, Ўзбекистон халқининг
бахти, пешонасининг ярқирагани бўлса керак. Чунки шу
кундан бошлаб Ўзбекистон муаммолардан қўрқмайдиган,
Марказдан «иссик ва тинч жой» ахтаришни ҳаёлига ҳам кел-
тирмайдиган, халқининг дардларига дармон бўлишни ҳаётий
шиорига айлантириб олган етакчи қўлига ўтди.

Ислом Каримов халкнинг ичига кириб борди. Зудлик билан Фарғонага бориб, тўрт кун давомида вазиятни синчковлик билан ўрганди. Тартиб-қоидага кўра олдиндан тайёрланган жойларга бормай, атрофдагилар учун кутилмаганда чекка-чекка қишлоқларга йўл олди. Ўша пайтдаги сиёсатчилар каби ўз халқига пуч, арзон-гаров ваъдалар беришдан ҳазар қилиб, қишлоқдагилар билан оддий тилда самимий суҳбатлар курди.

Ўша йиллари раҳбар лавозимларни эгаллаган кишиларнинг хотирлашича, ерни деҳқонларга бўлиб бериш масаласи кўрилаётган мажлисда Министрлар Советининг Раиси Г. Қодиров «Иттифок ерини Москвадан сўрамай, деҳқонларга бўлиб бериш мумкин эмас», деб қаршилиқ кўрсатган. Шунда Ислом Каримов босиқлик билан: «Келинлар, энди янгича ишлайлик. Энди Москвага қараб эмас, халқимизни ўйлаб яшайлик. Ўзимизни ҳам, халқимизни ҳам алдамайлик», деб ўз қарорида қатъий турган. Мажлисда ўз ниятига эриша олмаган Қодиров мажлисдан чиқиб, «Каримов вилоят миқёсидагина ишлаган раҳбар, у республика ишларида ҳали тажрибага эга эмас. Москва бу ўзбошимчаликни «кўтара олмайди» ва табиийки, бу сиёсатни тўхтатиб қўяди. Шунинг учун эртаси йўқ бу қарорни амалга оширишга шошмаслик керак», деб атрофдагиларни чалғитмоқчи бўлган.

Лекин бош раҳбар ўз фикридан қайтмай, уни жасорат билан амалга ошира борди.

Кейинги йилларда қатор маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам томорқачиларнинг улуши катта бўлди. Масалан, шу даврда картошка ишлаб чиқариш 324,6 дан 731,1 минг тоннага, мева 548,3 дан 790,9 минг тоннага, сут 2929,3 дан 3636,2 минг тоннага етди. Мазкур маҳсулотларнинг асосий қисми томорқадан олиниши ҳеч ким учун сир эмас.

Шўролар даври давлат аграр сиёсатида «ўгай фарзанд» ўрнида бўлиб келган шахсий томорқа хўжалиги мустақиллик йилларида ўзининг ҳақиқий баҳосини топди. Бугун Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг асосини ширкат хўжалиги, фермер хўжалиги ва деҳқон хўжаликлари ташкил

этади. Кечаги шахсий томорка хўжалиги бугун мустақиллик шарофати билан деҳқон хўжаликларига айланди.

Деҳқон бола-чакаси билан ўзи учун астойдил тер тўкиб ишлагани туфайли томорқаларда самарадорлик ва ҳосилдорлик мамлакатдаги ўргача кўрсаткичлардан 1,3–1,5 баравар юқори бўлишига эришилмоқда. Омилкор деҳқонларнинг эса 3–3,5 баробар самарали ишлашлари ҳеч кимни хайрон қолдираётгани йўқ.

Ажратилган қўшимча ер, яратилган зарур шарт-шароит ва эришилган юқори самарадорлик натижасида бугун мамлакатимизда мавжуд йирик шохли молларнинг 82,5 фоизи, сигирларнинг 87 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 61 фоизи ва паррандаларнинг 57 фоизи деҳқонларнинг томорка хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Ишлаб чиқарилаётган мева-сабзовотнинг 68 фоизи, гўштнинг 85 фоизи, сутнинг 90 ва тухумнинг 63 фоизи, умуман олганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 60 фоизидан ортиғи улар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Буларнинг негизида Президентимизнинг ерни ҳақиқий деҳқонга бериш сиёсати тургани шубҳасиз.

Шундай қилиб, шахсий ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини ривожлантириш, уларга қўшимча ер бериш ўша вақтдаги мавжуд бўлган қатор ўтқир ва қалтис муаммоларни ҳал қилиш имкониятини яратди. Энг аввало, меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисми, асосан, қишлоқда яшаётган хотин-қизлар ва ёшлар ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилинди ва шу тариқа қишлоқда ишсизликнинг кучайиб кетиш хавфининг олди олинди.

Моддий аҳволи ўта оғирлашган аҳолининг реал даромадларини ошириш, шунингдек, шартномалар асосида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш билан шуғулланаётганларга меҳнат дафтарчалари очиш ҳамда кексайганида уларга нафақа олиш ҳуқуқини бериш орқали қишлоқ аҳолиси учун ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлашга асос яратилди. Бундан ташқари, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги танқисликка барҳам берилди. Шахсий томорка эгалари озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз оиласини

таъминлашдан ташқари истеъмол бозорини шу маҳсулотлар билан тўлдиришга катта ҳисса қўша бошлади.

Шунингдек, узоқ вақт давомида деярли тўхтаб қолган якка тартибда уй-жой қурилиши кўламини оширишга эришилди, бу эса, ўз навбатида, республика аҳолиси уй-жой шароитини тубдан ўзгартириш ва уларга коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш имкониятини яратди.

МУСТАҚИЛ БЎЛСАНГ – МУСТАҚИЛ БЎЛ! ДАВЛАТ БЎЛСАНГ – ДАВЛАТ БЎЛ!

Тез кунларда халқимиз тарихида энг муқаддас сана – мустақиллигимизнинг 10 йиллиги нишонланади. Бундай кунларда ортга бир назар солиш, босиб ўтилган йўлни таҳлил этиш одат тусига кирган. Чунки давр ўтган сари эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиш, йўл қўйилган хатоларни таҳлил этиш ва улардан чиқарилган сабоқ юрт истикболи, халқ, миллат келажагини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик даврида ёш давлатимиз, унга қудрат бахш этгучи заҳматқаш халқимиз давлат ва жамият қурилишининг турли жабҳаларида беқиёс ютуқларни қўлга киритганини ғурур билан таъкидлаб ўтиш мумкин. Дунё харитасида янги, ўз овозига, ўз ўрнига эга бўлган мустақил Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлганини ҳозир ҳеч ким, ҳатто ғанимларимиз ҳам инкор эта олмайди. Ўтган давр ичида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларда эришган ютуқларимизнинг энг биринчи, энг асосий омили – бу мамлакатимизда ўрнатилган тинчлик-хотиржамлик, миллатлараро тотувлик, мамлакат хавфсизлигини сақлаш борасидаги чора-тадбирлар бўлди, деб ишонч билан айта оламиз. Чунки фақат тинчлик бўлган мамлакатдагина сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш мумкинлигини тарих ҳам, ўтган кунларимиз ҳам исбот қилиб турибди. Аммо мустақилликнинг асл моҳиятини тушуниш, унинг кадрига етиш учун ҳозирги кунда фақат ютуқларимиз тўғрисида гапириш кифоя қилмайди. Мустақилликка қонсиз, қурбонларсиз эришган бўлсак-да, айтиш жоизки, мустақилликнинг юки

оғир. Бу юкни кўтара олиш, мустақилликни сақлаб қолиш нақадар оғирлигини кўшиларимизнинг тақдири исбот этиб турибди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, сарҳадлари ва хавфсизлигини химоя қилишда бошқа давлат курулли кучларига муҳтож мамлакатларнинг тўла мустақиллиги ҳақида гапириш мумкинми?

Ўзбекистонни ўз таъсир доирасига киритишни истаган ва бунинг учун барча найрангларни, қолаверса, ҳарбий кучни ҳам ишлатишга тайёр бўлган кучлар куршовида Ватанимизнинг мустақиллигини сақлаш учун беҳисоб кийинчиликлар, изтиробларни бошдан кечиришга тўғри келди. Айниқса, ҳозирги кунларда бутун жаҳондаги энг таҳликали минтақалардан бири бўлган бизнинг минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун қанчалик оқилона сиёсат юргизиш кераклигини, сабот ва матонат зарурлигини ҳаётнинг ўзи исбот этяпти.

«Мустақил бўлсанг – мустақил бўл! Давлат бўлсанг – давлат бўл!». Президентимиз айтган бу сўзлар унинг мамлакатимиз тақдири, келажаги ҳақидаги ташвишли ўйларининг қисқа ва маънодор ифодаси бўлди, десак янглишмаймиз. Бу иборادا мустақилликни эълон қилиш билан кифояланиб бўлмаслиги, уни сақлай билиш, бунинг учун эса ўз халқини ички ва ташқи душманлардан химоя қила олиш, унинг тинч-тотув яшashiга имконият яратиш, ўз сарҳадларини химоя қилиш, мудофаа қудратини таъминлаш зарур экани ҳақидаги фикр мужассам.

Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлиб ўтган халқаро анжуманларнинг бирида америкалик сиёсатшунос олим Глеб Ховард Ўрта Осиё давлатларининг ичида фақат Ўзбекистонгина ўзининг чегараларини турли экстремистик ҳуружлардан химоя қилишга кодир бўлган ягона давлат эканини таъкидлади. Аслида, унинг сўзлари турли давлат раҳбарлари ва сиёсатшунослари умумий фикрининг холис ифодаси ҳамдир.

Президентимизнинг узоқни кўзлаб, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан мудофаа масалаларига катта аҳамият бергани сабабларини ва бу аслида ҳозирги кундаги мамлакат тинчлигининг гарови бўлганини тушуниб етиш кийин эмас. Ўша вақтларда мустақилликка эришган кўшни давлатлар

ўз йигитларини ҳарбий хизматга чақирсалар-да, уларнинг ҳарбий хизматни ўташи учун тайёр гарнизон, қурол-аслаҳа, ҳарбий техникаси йўқлиги, ҳаттоки аскарлар оддий ётоқ билан таъминланмагани сабабли ҳарбий билетларига гўёки хизматда деб муҳр босиб, бир-икки ой уйда кўринмаслик шарти билан қўйиб юборилгани маълум. Бундан ташқари, кўшниларимиз шўролар давридан қолган техника ва қурол-яроқларни бир кунлик фойдани ўйлаб арзон баҳоларга хорижий мамлакатларга ёки турли фирмаю компанияларга сотиб юбориб, танг аҳволда қолгани ўтган йилги экстремистик гуруҳларнинг хуружи пайтида яққол сезилиб қолди. Бунинг акси ўлароқ, маҳаллий ҳарбий кадрларни тайёрлаш доимо Юртбошимизнинг диққат марказида турган. Президент ташаббуси билан Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида ҳарбий мутахассисликларга тайёрлайдиган лицейлар ташкил этилди, Қуролли кучлар академияси, Тошкент умумқўшин командирлиги, Самарқанд автомобилчи командир-муҳандислар, Чирчиқ танкчи командир-муҳандислар, Жиззах ҳаво кучлари (авиация) олий ҳарбий билим юртлари, Тошкент алоқа-электротехника институтининг махсус факультети 28 ҳарбий мутахассислик бўйича малакали зобит кадрлар тайёрлаб келмоқда. 1990 йилда маҳаллий зобитлар ҳарбий кадрларнинг бор-йўғи 0,6 фоизини ташкил қилган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 80 фоизга етгани амалга оширилган ишларнинг мевасидир.

Қисқа давр ичида бундай имкониятга эга бўлиш осон кечмади, албатта. Айтилган гапларимизнинг исботи сифатида ўн-ўн икки йил аввалги вазиятни эслаб ўтайлик. XX аср 80-йилларининг охири 90-йилларининг бошларида ҳали Совет Иттифоқи мавжуд бўлган ва Марказда қандай бўлмасин иттифокни сақлаб қолишга ҳаракат кетаётган бир вақтда бунинг энг кучли воситаларидан бири шўро ҳарбий кучлари ҳисобланган эди. Ўша даврларда Иттифок бўйича энг кўп ҳарбийга чақириладиган йигитлар айти бизнинг Ўзбекистондан бўлгани кўпчиликка маълум. Ҳар йили 320 минг нафарга яқин йигитларимиз шўролар қуролли кучларига хизматга чақирилар эди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш

зарурки, ўша даврларда ўзбек йигитлари нафақат ҳаётнинг бошқа жабҳаларида, балки куролли кучлар сафида ҳам камситилар эди. Яъни, йигитларимизнинг аксарият қисми ҳарбий хизматга чақирилиш баҳонасида курилиш батальонларига жалб этиларди. Улар икки йил давомида ҳарбий техникани кўрмай, куролни бир марта бўлсада қўлда тутмай, мардикорлик билан шуғулланиб қайтар эди.

Бу сиёсат аслида Биринчи жаҳон уруши давридаги чор Россияси қўллаган мардикор олиш сиёсатининг давоми эди. Чор Россияси фақат уруш вақтида мардикорликка сафарбар этган бўлса, шўролар давлати тинч даврда ҳам ҳарбий хизмат баҳонасида йигитларимиздан текин ишчи кучи сифатида фойдаланиб келди. Бундай сиёсатни оклаш мақсадида марказдагилар асоссиз баҳоналарни рўқач қилар эди. Масалан, юридик фанлари доктори Галина Литвинованинг матбуот орқали («Наш современник» журналы, 1990 йил 6-сон) ўзбекларни ҳарбий-тарихий тажрибага эга бўлмаган миллат, деб баҳолашининг ўзи бизга бўлган муносабатнинг рўйи рост, ошқора кўриниши эмасми?! Ваҳоланки, Афғонистондаги урушга сафарбар қилинган аскарларнинг кўпчилигини ўзбек йигитлари ташкил этгани ҳақиқат-ку. Демак, уруш даврида ўзбеклар ҳарбий хизматга лойиқ эди-ю, тинч даврда фақат мардикорликка ярқоли бўлибди-да? Бу ҳам шўролар шовинистик сиёсатининг кўринишларидан бири эди.

Афғон уруши даврида энг кўп темир тобутлар Ўзбекистонга келган эди. Уруш, табиийки, қурбонсиз бўлмайди. Лекин, ачинарлиси шундаки, афғон уруши тамом бўлса-да, тинч даврда ҳам Ўзбекистонга келаётган темир тобутларнинг оқими тўхтамади. Фақат 1989 йилнинг ўзида Ўзбекистонга 430 та тобутнинг келгани фикримизнинг далилидир. 90-йилларда ҳам бу даҳшатли жараён давом этди. Бу ҳақда ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов КПСС съездининг (1990 йил июнда) минбаридан туриб, сўнгги ярим йилнинг ўзида 300 га яқин ўзбек хонадонига ҳарбийдан тобутлар келганини ошқора айтганида, унинг гаплари бўҳтонга чиқарилган эди. Буни исботлаш мақсадида тузилган махсус комиссия «масалани ўрганиб», Ўзбекистон вакилининг 40 кишига янглишганини айта олди, холос. Май-

ли, шундай ҳам бўлсин. Аммо ўйлаб кўринг, тинч даврда 200 дан ортик ўзбек хонадони «ўғлим эр йигит бўлди», деб энди кучга тўлган, орзу-умидлари бисёр ўғлонларини орзу-хавас билан ҳарбийга юбориб, кўп ўтмай уларнинг жасадини олгани ўша даврнинг энг даҳшатли ҳақиқати эмасми?.. Ҳатто, Косово урушида ҳам қурбонларнинг сони бунчалик кўп бўлмаган эди.

Устига-устак, ўзларини «демократия ҳимоячилари» деб атаган «Эрк» ва «Бирлик»даги доҳийчалар қурбонлардан сохта обрў орттириш йўлида фойдаланиб, уларни мусулмон одатларига кўра тезда қабрга кўйиш ўрнига кўчама-кўча кўтариб, одамларни хайрсиз курашга чорлагани дард устига чипқон бўлди. 1991 йил 21 январдаги «Эрк» газетасида эълон қилинган «Ўзбек халқига мурожаат»да ушбу сўзлар битилган эди: «Биз сизларни инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва келажақ ҳимоясига даъват қиламиз! Биз сизларни чидаб бўлмас айрилиқ ва мусибатларнинг олдини олиш курашига чорлаймиз!» Аслида бу баландпарвоз сўзлар остида ҳимоясиз халқни тенгсиз курашга даъват яширинган эди. Ваҳоланки, ўша вақтларда Болтиқбўйи, Кавказорги давлатларида бу каби чиқишларнинг қурол билан бостирилгани, ҳисобсиз бегуноҳ қонлар тўкилгани ҳаммага аён эди. Ғаразли мақсадларда ҳар қандай фитна ва найранглардан тап тортмайдиган бундай кимсалар учун бегуноҳ қонларнинг тўкилиши арзимас нарса эди. Ҳали Иттифоқ тарқалиб улгурмаган бу таҳликали даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти катъият билан масалани қон тўкмасдан, тинчлик билан ҳал қилиш йўлини тутди.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган бўлса-да, ҳали СССР Мудофаа вазирлиги ва унинг қуроли кучлари сақланиб турган бир пайтда, бундай кучга қарши тик бориш, «ётган илоннинг бошини қўзғаш» оғир оқибатларга олиб келишини яхши тушунган Президентимиз ҳарбий соҳада ишни босқичма-босқич ҳал этиш йўлидан борди. 1991 йил 6 сентябрь куни эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисидаги Президент Фармони бу йўлдаги биринчи қадам бўлди. Бу янгиликни «ҳазм қила олмаган» Кремль Ўзбекистон Президентига

тазийк ўтказишга ҳаракат қилди. СССР Мудофаа вазири Е. Шапошников ғайриодатий туюлган бу ҳолдан хавотирга тушиб, Президентимизга телефон қилган пайтда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазири этиб тайинланган Рустам Аҳмедов Президентимиз ҳузурида бўлган экан. Унинг хотирлашича, СССР Мудофаа вазири Ислон Каримовга ғазаб билан: «Ислон Абдуғаниевич, биз билан маслаҳатлашмай Мудофаа ишлари вазирлиги жорий қилибсиз, вазир тайинлабсиз. Ўзингизни мустақил деб эълон қилган бўлсангиз-да, ҳали СССР деган қудратли давлат мавжуд. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Ҳатто Украина ҳам генерал Морозовни республика Мудофаа вазири этиб тайинлаётганида биздан рухсат олган эди», – деб пўписа қилади. «Умуман, Сизга армиянинг нима хожати бор, ҳарбий комиссарият нимага керак? Ахир СССР Мудофаа вазирлигининг қудратли Туркистон ҳарбий округи Ўзбекистонда бўлса!», деб коса тагида нимкоса қабилда бу ҳарбий салоҳият билан чўчитмоқчи бўлади. Уларнинг ёрдамисиз Ўзбекистон ўз хавфсизлигини таъминлай олмаслиги писанда қилинганида, куни кеча мустақилликка эришган мамлакатнинг мустақил Президенти жавоби шундай бўлди: «Биринчидан, республика Мудофаа ишлари вазирлигининг жорий қилиниши ва вазирнинг тайинланиши – ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам ҳал қилинган масала. Иккинчидан, бу масалада Сиз билан келишишни асоссиз, деб ҳисоблайман». Қатъий жавоб олган Иттифок вазири анча ҳовуридан тушиб, республика Мудофаа ишлари вазири билан кейинги ҳамкорлик учун танишмоқчи эканини билдиради. Президент: «Модомики, сиз Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа ишлари вазири билан ҳамкорлик қилиш мақсадида танишишни истасангиз, мен уни Москвага юбораман, танишиб оласизлар», деб жавоб беради.

СССР Мудофаа вазири билан суҳбатни тугатгач, Президент Аҳмедовга қарата: «Сен мустақил республика Мудофаа ишлари вазири сифатида Москвага борасан. Лекин у ерга фукароча кийиниб боргин. Негаки, сен полковниксан, у эса – маршал. Ҳарбий кийимдаги погонларинг Иттифок Мудофаа вазири билан мустақил давлатнинг Мудофаа ишлари вазири

сифатида тенгма-тенг гаплашишинга йўл қўймайди», – дейди.

Ўша вақтларда СССР Мудофаа вазирлиги ва унга бўйсунувчи Туркистон ҳарбий округи ҳар қандай қулай вазиятда республика Мудофаа ишлари вазирлигини тан олмаслигини кўрсатишга ҳаракат қилди. Бу пайтда Туркистон ҳарбий округи кўмондонлик таркибининг фақат 2–3 фоизигина ўзбекистонлик бўлиб, қолганлари четдан келганлар эди. Шунинг учун ҳам янги ташкил топган на қўшини, на қуролли кучлари, на ҳарбий техникаси ва қурол-аслаҳасига эга бўлган республика Мудофаа вазирлиги Туркистон ҳарбий округи билан ўз муносабатларини эҳтиёткорлик билан олиб бориши лозим эди. Чунки ҳар қандай низо бизга зиён етказиши мумкин эди. Шунини тушунган Президентимиз Мудофаа вазирини ўз ҳузурига чақириб, республикада осойишталикни сақлаб қолган ҳолда мудофаа қудратини оширишнинг чуқур ўйланган йўл-йўриғини беради. Бу ишларни ортикча ҳиссиётга берилмасдан, босиқлик билан, қон тўкилишига йўл қўймай ҳал қилиш зарурлигини уқтиради. Мамлакатимиз дахлсизлигини таъминлаш учун биринчи галда қуйидаги ишларни бажаришни топширади:

1. Ҳарбий комиссариатларни республика ихтиёрига ўтказиб, собиқ Иттифоқ армиясига аскар юборишни тўхтатиш.

2. Иттифоқда хизмат қилаётган ўзбекистонлик аскар ва зобитларни республикага қайтариб олиб келиш.

3. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча ҳарбий гарнизон ва ҳарбий қисмларни республика тасарруфига ўтказиш.

Министрлар Советининг қарори билан бирма-бир ҳарбий комиссариатлар, Фуқаролар мудофааси штаби ва ДОСААФ республика ихтиёрига олинди (кейинчалик ДОСААФ «Ватанпарвар» ташкилотига айлантирилди). Ҳарбий комиссариатларнинг республика ихтиёрига ўтказилиши йигитларимизнинг Иттифоқда хизмат қилишларига чек қўйди. Навбатдаги вазифа Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида хизмат қилаётган ҳарбий зобит ва аскар йигитларимизни Ватанга қайтариб келиш эди.

Собик Шўролар давлатининг турли чеккаларида ҳарбий хизмат ўтаётган, бироқ мустақиллик нафасини туйган йигитларимиз СССР армиясида хизмат қилишдан бош тортдилар. Таъкидлаш лозимки, фақат ўзбекларгина эмас, ўзларини Ўзбекистон фуқароси, Ўзбекистонни Ватани деб билган турли миллат вакиллари бўлган зобит ва прапорщиклар ҳам Ўзбекистонга хизмат қилиш истагини билдира бошладилар.

Ўша чоғда Президент Ислон Каримов Мудофаа ишлари вазирини ва Ички ишлар вазирининг ўринбосарини хузурига чақириб, Москва яқинидаги Ички ишлар қўшинларида 270 га яқин ўзбекистонлик ҳарбий хизматчи борлигини, улар Россияда хизмат қилишдан бош тортаётганини айтади. «Тезда ўша ерга етиб бориб, уларни зудлик билан Ўзбекистонга қайтариб келиш чораларини кўринг. Бу муҳим масала ҳал этилса, Иттифокнинг бошқа ерларида хизмат қилаётган ватандош йигитларимизга далда бўлади ва уларнинг оммавий равишда Ватанига қайтиб келиши учун йўл очилади».

Дарҳақиқат, Президентимизнинг масалага чуқур ёндашгани кейинги воқеалар ривожини тасдиқлади. Москва атрофида хизмат қилаётган аскар ва зобитларимиз Ватанимизга олиб келинганидан кейин бу ҳақда хабар топган бошқа ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар фақат мустақил Ўзбекистон Республикасигагина хизмат қилажакларини билдириб, Иттифокқа хизмат қилиш тўғрисида қасамёд қилишдан бош торта бошладилар. Шу сабабли СССР Мудофаа вазирлиги уларни Ўзбекистонга қайтариб юборишга мажбур бўлган эди. Эътиборлиси шундаки, бу аскар ва сержантларнинг учдан бир қисми турли миллат вакиллари бўлсалар-да, Ўзбекистонга хизмат қилиш истагини билдирдилар.

Ҳарбий хизматчиларнинг ўз юртига қайтиши юзаки қараганда осон ишдек туюлиши мумкин. Аслида уларнинг ижтимоий ҳимояси, уй-жой билан таъминланиши каби мураккаб масалаларни ҳам ҳал қилиш зарур эди. Ортга суриб бўлмайдиган бу вазифа юзасидан Президентнинг аниқ кўрсатмаси асосида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш ҳукукий таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги Қарори мамлакат Қуролли кучларининг ташкил топишида энг муҳим кадам бўлди. Бу қарор асосида республика ҳудудида жойлашган собиқ Иттифоқнинг барча ҳарбий қисмлари, қўшилмалари, ҳарбий ўқув юртлари, муассаса ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси ихтиёрига олинди. 14 январь «Ватан ҳимоячилари куни» деб эълон қилиниши билан халқимиз тинч ва осуда ҳаёт, Ватанимиз ҳимояси ишончли қўлларда эканини яна бир бор ҳис этди.

Мустақил давлатимиз мудофаа ишларини ташкил этишнинг аҳамияти кам бўлмаган яна бир томони бор. Рухий кайфият жиҳатидан Мудофаа ишлари вазирлигининг қайси бинода жойлашиши ҳам муҳим эди. Дастлаб вазирлик учун Президент Девони биносида бир хона ажратилди. 1991 йил октябрида эса вазирлик Мустақиллик майдонидаги Фуқаролар мудофаа кўмитаси биносига кўчирилди ва унда 12 зобит ва 3 ходим иш бошлади. Мустақил давлатнинг мудофаасини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш уларнинг асосий вазифаси этиб белгиланди. Орадан уч ой ўтар-ўтмас, Президент Мудофаа ишлари вазирлигига кўнғирок қилиб: «Сен қаерда ўтирибсан?», деб сўрайди. Жавобини эшитгач: «Нима сабабдан Туркистон ҳарбий округи биносига ўтмадинг? Ўша ерга кўчгин!», деб топширик беради. Айни пайтда, Туркистон ҳарбий округи кўмондони генерал Кондратьевга ўз биносидан республика Мудофаа вазирлигига жой ажратишни топширади. Орадан чамаси 2–3 ҳафта ўтгач, Президент яна ўша савол билан мурожаат этади. Мудофаа вазири: «Топширигингиз бажарилди, вазирлик Туркистон ҳарбий округи биносига кўчирилди», – деб рапорт беради. Шунда Президент: «Мудофаа вазирлиги ўша ерда жойлашганини ким билади? Мен ҳар куни икки марта ўша ердан ўтаман, аммо «Туркистон ҳарбий округи кўмондонлиги» деган ёзувни кўряпман, холос. Энди фуқароларимиз Ўзбекистоннинг ўз Мудофаа вазирлиги борлигини, давлат ва фуқароларимизнинг ҳимоячиси борлигини билиши керак», – дейди. Эртаси куни эрталаб генерал Кондратьев хизматга келганида, бино узра Ўзбекистон Республикаси байроғи хилпираб турганини ва

эски ёзув ўрнида «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик» пештахтасини кўриб ғазабга келади. Мудофаа вазирининг хузурига важоҳат билан кириб, ғазабини яширмай: «Туркистон ҳарбий округи 1867 йилдан бери бу ерда турган, бундан буён ҳам қолади», дея Туркистон ҳарбий округи биносидан Ўзбекистон байроғини ва янги пештахтани олиб ташлашни талаб қилади. Талаби бажарилмаган тақдирда Москвага мурожаат этишини айтиб, дўк-пўписа қилади ва бу масалани ҳал этиш учун республика Президенти Ислом Каримов билан учрашиши зарурлигини айтади. Шу кунгача Туркистон ҳарбий округи кўмондонлари учун республика барча раҳбарларининг эшиклари очиқ эди. Ўша кунни биринчи бор Туркистон ҳарбий округи кўмондони Президент хузурига кира олмади. Ўсал бўлган генералга Президент республика мудофааси билан боғлиқ барча масалаларни ўз Мудофаа вазири орқали ҳал қилажагини ва барча саволлар билан Мудофаа вазири ёки мудофаа масалалари билан шуғулланувчи Президент маслаҳатчисига мурожаат этиши мумкинлигини билдиришади. Шу пайтгача айтгани айтган, дегани деган бўлишига ўрганган генерал Кондратьевнинг Давлат маслаҳатчиси олдига кириб, ўз норозилигини изҳор этишдан бошқа иложи қолмайди. Шундан сўнг Президент Мудофаа вазири ва Давлат маслаҳатчисини хузурига чақиради ва вазирдан кулимсираб: «Нима тўполон бошлаб юрибсан?», – деб сўрайди. Топширик Президент томонидан берилганини англамаган маслаҳатчи вазирга унинг хатти-харакатлари Конституцияга зид эканини, Ўзбекистон байроғи ҳукумат ва Президент қароргоҳи биноларидагина осилиши мумкинлигини айтиб, танбеҳ бера бошлайди. Бунга қарата Президентимиз хотиржамлик билан: «Энди мустақил бўлдик, халқимиз, оддий фуқароларимиз ўз байроғи ва Қурулли кучларига ишониши, улар билан ғурурланиши керак. Байроқ ҳам, ёзув ҳам менинг топширигим билан қўйилган. Байроғимиз мустақиллигимиз рамзи сифатида хилпираб тураверсин», – деб айтади.

Шундан кейин ҳам Тошкентда қолган Кондратьев янги воқеликни тан олишни истамай, «ётиб қолгунча отиб қол»

кабилида иш тута бошлайди. Ўзбекистонда қолиб хизматини давом эттириш истагини билдирган зобитларни соткинликда айблаб, жамоатчиликда салбий фикр уйғотишга зўр бериб уринади. Шунда Президентимиз қатъият кўрсатиб, Ўзбекистон ўз Қуролли қучларига эга эканини ва Иттифоққа тегишли ҳарбий округнинг ҳудудимизда қолишига ўрин йўқлигини айтади. Шашти синган генерал республика ҳудудидаги ҳарбий техника ва қурол-яроғларни оммавий равишда олиб чиқиб кетиш чораларини излай бошлайди. Бунга жавобан Президент ҳарбий техника ва қурол-яроғларни Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиб кетишни тақиқлаш тўғрисидаги Фармонни имзолайди. Шундан сўнг Туркистон ҳарбий округи таркибида бўлган кўшинлар бирма-бир Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ихтиёрига ўтказила бошлади. Бу қадамнинг Президентимиздан нақадар катта иродани талаб этганини шунда ҳам кўришимиз мумкинки, Россия Президенти Б.Н. Ельцин фақат 1992 йилнинг май ойидагина Россия Мудофаа вазирлигини жорий этади. Мудофаа вазири этиб П. Грачёвни тайин қилар экан, СССР Мудофаа вазирлигини бекор қилишни истамай, генерал Шапошниковни ўз вазифида қолдиради.

Маълумки, МДХ давлатлари раҳбарларининг жуда кўп учрашувларида мудофаа масалаларига катта аҳамият берилади. Бу учрашувларда МДХ кенгашининг раиси сифатида Россия Президентининг ва Россия мудофаа вазири П. Грачёвнинг ўрни салмоқли эди. Лекин у ёки бу масалаларни ҳал қилишда улар Ўзбекистон Президентининг фикри билан келишишга мажбур бўлишар эди. Чунки МДХ давлатлари раҳбарларининг кўпчилиги мустақилликнинг дастлабки йилларида мудофаа масалаларига эътибор қилмас, П. Грачёв ва унинг қўл остидагилари тайёрлаган шартномаларга имзо чекаверганлар. Фақат бизнинг Президентгина ҳар бир масалани чуқур ўрганиб, Ўзбекистон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ўз шахсий муносабатини очик баён этарди. Россия мудофаа вазири П. Грачёвга бу ҳолат, табиийки, ёқмас эди. Шундай учрашувларнинг бирида танаффус пайтида Грачёвдан нима сабабдан Ўзбекистон Президентини унча ҳуш кўрмаслиги

сўралганида, у Президентимизни ҳурмат қилишини, лекин Ислом Каримов мустақил фикрга эга экани ва мудофаа масалаларида қатъийлик кўрсатгани туфайли ундан ҳайиқинини очик айтади. Грачёвнинг айтишича, Россия Президенти Ельцин ҳарбий ва мудофаа масалалари бўйича бирор қарорга келишдан илгари, албатта, Ўзбекистон Президентининг фикрини билишга ҳаракат қилар ва розилигини олар эди. Бирор-бир масала юзасидан Президентимиздан салбий жавоб олинганида, мазкур масала кенгаш кун тартибидан олиб ташланган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Айни сатрларни ёзишдан мақсадимиз мустақил Ўзбекистонимиз бундай қудратга эришганининг асосий сабаблари нимада эканини баҳоли қудрат таҳлил этиб, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириб боришда Юртбошимизнинг узокни кўзлаб қилган ишларини англаб етишга ёрдам беришдан иборатдир. Барчамиз бир юртнинг фарзандимиз. Ўзбекистон тинчлиги – ҳар биримизнинг тинчлигимиз. Шундай экан, Ўзбекистон фуқароси сифатида юртимиз тинчлиги йўлида баҳамжиҳат бўлишимиз кераклигини унутмаслигимиз зарур.

Президентимиз томонидан айтилган «Мустақил бўлсанг – мустақил бўл! Давлат бўлсанг – давлат бўл!» ғоясининг асл мазмун-моҳиятини тушуниб, бу йўлда хизмат қила олсақгина, юртимиз тинч, мамлакатимиз обод, мустақиллигимиз абадий бўлажак!

ЧИН МУСУЛМОН КИМ?

Мустақил ўзбек давлатчилиги тарихида ўтмишнинг аламли манзаралари соя ташлаб турган, даҳшати ҳали-ҳануз хотиралардан кўтарилмаган воқеликлар ҳам бор. Гоҳ ваҳшати аждарга тенглаштирилган, гоҳ эса уммонда дарғасиз қолиб кетган кемага ўхшатишган собиқ шўролар давлатини мана шундай аламли хотиралар билан ёдга оламиз. Зеро, ўша мамлакат иқтисодиётида, ижтимоий ва маънавий соҳаларида рўй берган ўпирилишлар айнан аждар каби даҳшатли, дарғасиз баҳайбат кемадай кўрқинчли воқеаларни ёдга солиб туради.

Ха, шўролар ҳокимияти даврида пайдо бўлган синфсиз жамият қуриш назариялари, совет тарғиботчиларининг синфлар ўртасидаги фарқларнинг бутунлай йўқолгани, эксплуататорларга барҳам берилгани ҳақидаги афсоналари – буларнинг бари ёдимизда. Дарҳақиқат, мулкдорлар бир ҳамла билан йўқ қилиб ташланди-ю, уларнинг ўрнини халқнинг нафақат жисмоний кучини, балки ақлий ва рухий салоҳиятини ўзига хизмат қилдирган партократия эгаллади. Партократларнинг ҳукмронлиги нималарда намоён бўлди? Улар давлат деб аталмиш қозоннинг бошида туриб, жамиятдаги барча неъматларни ўзларига кўпроқ, ўзгаларга камроқ тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан кунларини ўтказди. Мулкдор «аждар» ўлдирилиб, унинг ўрнини нафси конмас партократ «аждар» эгаллади.

Бирок шўролар даврида бу даҳшатли воқеаларнинг бари «жимгина» рўй берар, синфсиз жамият аъзолари ҳам бу адолатсизликларга нисбатан сукут сақлар эдилар. Баъзан юзага қалқиб чиқадиган миллий ва этник норозиликлар ҳам ўша даҳшатли аждар ҳайкириги остида эшитилмай, секин сўниб кетарди. Рост-да, «совет халқи» деб номланган ягона сиртмоқ ичида ҳамма «гуллаб-яшнаётган» бир паллада миллий муаммоларини дастак қилиб олган миллатчиларга нима бор? Шу тариха «совет халқи» деб аталмиш синфсиз жамиятда миллатларга, элатларга ўрин қолмади. Миллий маънавият таъкиб остига олингани боис халқ ўз маънавиятини аждардан яширди. Бирок маънавият халқ орасида авайлаб асранган бўлса-да, мажруҳланди. Лекин «асл – айнимас», деган гап бор. Гавҳар балчикқа ташланса-да, ўз қимматини йўқотмагани сингари, халқимизнинг маънавияти ҳам мажруҳланса-да, баҳосини йўқотмади.

Шўро ҳукумати олиб борган мафкуравий курашнииг асосий фронтларидан бири дин эди. Биргина мисол: 1986 йил январь-февраль ойларида бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезидида: «дин миллатчилик ва шовинизмга ҳар доим йўл очишини, иқтисодий, социал таракқиётга тўсқинлик қилишини, социалистик турмуш тарзи, коммунистик маънавиятнинг қарор топишига тўсқинлик қилишини

хар доим эсда тутмок керак», – дея таъкидланганди. Партия съездида айтилган бу гап ижрочилар учун аниқ кўрсатма эди ва бунинг оқибати нима бўлганини алоҳида изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

«Илмий атеизм», «илмий коммунизм», «КПСС тарихи» каби сунъий фанларни ўқитишдан мақсад маънавияти тортиб олинган инсонларнинг қалбидаги бўшлиқни тўлдириш, ўлик ақидаларни халқ онгига сингдириш эди. «Совет жамияти – динсизлар жамиятининг намунаси» каби мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб борилиши, ваъзлар ўқилиши, боз устига, махсус ўқув юртларида «Қуръоннинг зарари ҳақида» дея номланган махсус курснинг ўқитилиши – буларнинг бари инсон эътиқодига тажовуз эмасми? Хўш, айнан шундай даҳриёна, кўр-кўрона тарбиянинг оқибатида ўз-ўзимизни диний экстремистларнинг қўлига топшириб қўймадикми? Балки диний ақидапарастликнинг илдизларини совет жамияти негизларидан излаш тўғридир?

Дарҳақиқат, компартия раҳнамолари ва «дўппи ўрнига қаллани олиб келадиган» манқуртмия маҳаллий ижрочиларнинг қўли билан амалга оширилган давлат микёсидаги «мияни заҳарлаш операцияси»нинг кўпол шакллари Жума Намангоний, Тоҳир Йўлдош каби «фидойи» ватанфурушларнинг услубларида яққол намоён бўлди. Тўғри-да, тутуриксиз даъволари билан бош кўтараётган бир ҳовуч экстремистларнинг озод ва мустақил Ўзбекистонимизга қилаётган тухмаглари, ўтаётган карвонимизга қарата улишларини яна қандай тушунтириш мумкин? Аслида террор ва ўзбошимчаликнинг қандай байроқ остида амалга оширилиши – диний байроқ остидами ёки коммунистик байроқ остидами – унинг зўравонлик табиатини ўзгартирмайди. Демак, исломнинг яшил байроғини дастак қилиб олган ақидапарастларнинг мақсади негизида ҳам покиза дин эмас, тубан манфаатпарастлик яширинган. Буни исботлаш қийин эмас. Бунинг учун улар кимни ўз душманлари деб билади, кимга қарши курашади, деган саволларга жавоб топишнинг ўзи кифоя.

Улар негандир асрлар давомида қаттиқ тазйикларга қарамасдан ўз диний эътиқодини авайлаб асраган ўзбек халқи,

динимиз ва миллий кадриятимизнинг асосий ҳимоячиси бўлмиш Ўзбекистон Президентига қарши кураш эълон қилишди. Шу ўринда Ўзбекистонимизда ислом динининг тикланишига ким кўпроқ ҳисса қўшганини фактлар ёрдамида аниқлаш истаги туғилади. Зеро, фактлар қайсар бўлади, уларни қанчалик бузиб талкин этишга, сиёсий ўйин воситасига айлантиришга ҳаракат қилманг, улар ортида турган ҳақиқат аён бўлмай иложи йўқ. Келинг, «кўп нарса қиёсда билинади» қондасига амал қилиб, биз ҳам қиёсларга мурожаат этайлик. Шунда ким аслида ким экани, ким чин мусулмонун, ким шайтон малаги экани маълум бўлади-қолади.

Эътиқод йўқ жойда мустақиллик бўлмаслигини яхши тушунган Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов мустақил ҳаётимизнинг дастлабки кунлариданоқ маънавият масалаларига алоҳида эътибор берди. Юртбошимиз халқимизнинг минг йиллик яшаш ва фикрлаш тарзини белгилаб келган муқаддас динимиз – ислом дини ва у билан боғлиқ маданиятимизни тиклашнинг ташаббускори бўлди. Салкам ўн йиллик озод ҳаётимиз солномаси буни далиллайди.

Юртимиз ҳали Иттифок таркибида бўлган, Кремлнинг таъсири ҳали сақланиб турган бир пайтда – 1990 йил июнь ойида Президентимиз «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига Ҳаж қилиши тўғрисида»ги ўша пайт учун мислсиз тарихий ҳужжатни имзолади. Бу пайтда юқорида тилга олинган ватанфуруш кимсалар исломни тиклаш ҳақида қайғуриш у ёқда турсин, балки аксинча, юртимиз тинчини бузишдек манфур режасини амалга оширмакчи бўлган «марказ»нинг ноғорасига ўйнаб, Наманган, Фарғонада содир бўлган қонли воқеаларда иштирок этдилар.

Ҳаж қилиш ҳақидаги ҳужжатнинг имзоланиши мусулмонларнинг энг улуғ орзуси ушалиши йўлидаги биринчи қадам бўлди. Агар 1991 йилда бундай бахтга муяссар бўлганларнинг сони 350 кишини ташкил этган бўлса, 2001 йилга келиб ҳожиларнинг сони ўн карра ошди – 3801 нафар Ўзбекистон фуқароси Ҳаж ибодатини адо этишга муяссар бўлди. 1991–2001 йилларда Ҳаж ибодатини адо этишга муваффақ бўлганларнинг сони 31.057 кишига етди. Эътиборлиси шун-

даки, Ўзбекистонда дин давлатдан ажратилганига қарамай, айнан давлат мусулмонларнинг Ҳаж ибодатини уюштирди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги махсус қарорнинг қабул қилингани фикримизнинг ёрқин далилидир. 1992 йил 27 мартда Президентимиз томонидан Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг биринчи кунини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақидаги Фармоннинг имзоланиши муқаддас динимиз, ислом кадриятларининг тикланиши йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

1992 йил 11–14 апрель кунлари Президент Ислом Каримов Саудия Арабистонига ташриф буюрганида, Юртбошимизнинг исломни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари муносиб баҳоланди – у кишига муқаддас Каъбатуллоҳ, яъни Худонинг уйига кириб тиловат қилиш бахти насиб этди. Сафардан қайтишда журналистлардан бири Президентимизга «Сир бўлмаса айтинг-чи, Сиз Худодан нималарни истаб тиловат қилдингиз?», деган савол билан мурожаат қилганида Юртбошимиз: «Юртимиз, халқимиз олдида турган ҳозирги мураккаб, чигал муаммоларни ечишимизда, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда ўзинг раҳнамо бўл Худо, дея илтижо қилдим», деб жавоб қайтарган эди.

Коммунистик тузум кўп халқларнинг, жумладан, ўзбекларнинг маънавий илдизларини қирқишга, диний кадриятларни жамият ҳаётидан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилди. Бунинг натижасида маънавият ва маърифат ўрнини маънавий саводсизлик эгаллади. Буюк ислом алломаларининг авлодлари фикҳ, ҳадис, тасаввуф каби илмлар ҳақида, ҳаттоки юзаки тасаввурларга ҳам эга бўлмай қолди. Халқнинг маънавиятга, ҳақиқатга чанқоқлигидан ақидапарастлар усталик билан фойдаланмоқчи бўлишди. Пана-паналарда қалби мурғак ёшларга ўзларича «дини ислом»дан дарс бериб, уларга ақидапарастлик оғусини ичириб, давлатга қарши қайрашди. «Халифаликни қайтариш» каби сохта ғояларни тарғиб этиб, халқни жаҳолат ботқоғига тортаётган кимсалар аслида ким? Уларнинг «шарофати» билан эзгулик дини бўлган ислом барчанинг кўз ўнгида йўлида учраган нарсаларни янчишга

тайёр аждар киёфасини олмадими? Биродаркушлик урушларининг авж олишига, бегуноҳларнинг кони тўкилишига сабабчи ким? Маслаги – кон, куроли – террор, тирикчилиги – наркобизнес бўлган, ҳокимиятни ўзлаштириш пайида юрган ақидапарастлар эмасми?

Президент Ислом Каримов эса халкнинг маънавий чанқоғини кондиришнинг бошқа йўлини танлади. У бутун ислом оламининг байроқдорлари бўлган бобокалонларимиз – Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, аз-Замахшарий, Хожа Баҳоуддин Накшбанд, Имом ал-Мотурудий, Нажмиддин Кубро ва яна ўнлаб буюк алломаларнинг оёқ ости килинган ҳикматларини улуғлаш йўлидан борди. Зеро, айнан шу улуғ алломалар қуввати билан юртимиз исломнинг чинакам ватанига айланган эди. Ҳали-ҳануз дунёдаги бир миллиард уч юз миллиондан зиёд мусулмонлар бизнинг бобокалонларимиз номини чуқур эҳтиром билан тилга олади.

Нима учун биз уларнинг ҳикматлари оёқ ости килинган эди, дедик?

Келинг, бу ўринда ҳам фактларга муурожаат қилайлик. Буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорийнинг макбараси совет тузумида улкан ахлатхонага, унинг ёнидаги масжид эса қишлоқ хўжалиги техникасининг эҳтиёт қисмлари омборхонасига айлантирилган эди. Сталин вафотидан кейин «темир тўсик» бироз кўтарилгандек бўлди. 1956 йилда Совет Иттифоқига илк бор ислом дунёсининг вакили – Ливандаги Тароблус шаҳрининг муфтийси Надийим ал-Жиср расмий ташриф билан келади. Унинг қўйган биринчи катъий талаби – Имом ал-Бухорий макбарасини зиёрат қилиш бўлади. Москвани қўя турайлик, ҳатто Ўзбекистондаги ҳукумат вакиллари билан бирортаси буюк муҳаддиснинг қабри тугул, номини ҳам эшитмаган эди. Масъул ходимлар ўзининг маънавий мажруҳлигидан уялмадилар, меҳмоннинг истагини бажо келтириб, уни хушнуд этишга ҳам шошилишмади. Ўша вақтда совет ҳукумати Ўрта Шарқ минтақасини ўз таъсир доирасига олишга интилаётган эди. Бу сиёсат барбод бўлишидан хавотирга тушган ҳукумат вакиллари Тошкент ва Самарқанддаги барча масъул раҳбарларни оёққа турғизади.

Бир кеча-кундузда тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётган ахлат маҳаллий аҳоли ёрдамида ташилиб, мақбара атрофи эпакага келтирилади. Иттифокқа келганидан буён ҳеч қаерга бормай, Имом ал-Бухорийнинг ҳоки қўйилган заминга бош эгиш орзусида бўлган шайх Надийим ал-Жиср мақбара яқинида тиз чўкиб, саҳар соат тўртдан пешингача тинмай Қуръон тиловат қилади. Совук ҳавода жунжикиб, уни кузатаётган амалдорлар шайхнинг кўзларидан бетўхтов оқаётган аччиқ кўз ёшларининг маъносини қайдан тушунсин?

Мақбаранинг ночор ва аянчли аҳволини кўрган меҳмон республика раҳбарияти билан учрашиш истагини билдиради. Шундай қилиб, шайх республика Олий Совети Президиумининг Раиси Ёдгор Насриддинова билан учрашади. Ливанда диний нуфузи ва сиёсий мавқеи баланд бўлган меҳмон бутун ислом оламининг табаррук алломасига бўлган муносабатдан қаттиқ ранжиганини билдиради. Имом ал-Бухорий мақбараси ва сағана атрофидаги тупрокни уларнинг вазнига тенг олтин эвазига сотиб олиш нияти борлигини айтади. Бунга жавобан Олий Совет Раиси: «Урушдан сўнг давлатимиз энди қад кўтараяпти, насиб қилса ўзимиз обод қиламиз», – дейди. Бу воқеадан сўнг коммунистлар салкам қирк йил ҳукмронлик қилдилар. Лекин аждодларини маймун деб билганлардан ҳеч ким бу ерни обод қилишни ихтиёр этмади. Аксинча, вақтлар ўтиб, яна йиғилган ахлатни чиқариб ташлаш учун бир қарвон юк машинаси керак бўлди...

Ислом оламининг буюк мутафаккири, ҳадис илми султони Имом ал-Бухорийнинг мақбарасини тиклаш Ислом Қаримовга насиб этди. Президентимиз раҳнамолигида иқтисодий кийинчиликларга қарамай, ҳозирда бутун дунё мусулмон аҳли учун муқаддас қадамжо ва гўзал зиёратгоҳга айланган Имом Исмоил ал-Бухорий меъморий мажмуасини барпо этишга киришилди. Бу мажмуанинг яратилиши ҳам Ўзбекистон Президентининг Имом ал-Бухорийга ва унинг сиймосида ислом динига, миллий кадриятларимизга муносабатининг амалдаги кўринишидир.

Дастлаб Имом ал-Бухорийнинг ислом дунёсида тутган оламшумул ўрнини ҳисобга олган ҳолда унинг мақбарасини

халқаро миқёсда таъмирлаш кўзда тутилган эди. Шу мақсадда Буюк Британиядаги машҳур Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази билан 1992 йилда битим имзоланди. Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази томонидан доктор Фархон Низомий бу лойиҳани амалга оширишга масъул этиб тайинланди. Имом ал-Бухорий мақбарасини тиклаш лойиҳалари бўйича халқаро танлов эълон қилиниб, ҳайъат комиссиясига асосан хорижий вакиллар тайинланди. Меъморий обидани тиклаш ишларини моддий таъминлаш мақсадида халқаро Имом Бухорий жамғармасини ташкил этиш ҳақида келишиб олинди.

Кўпгина хорижий мамлакатларнинг ислом меъморчилиги билан шуғулланадиган машҳур архитекторлари, илмий жамоалари танловда иштирок этди. Танловнинг охири босқичида бешта энг кучли лойиҳа қатнашиб, Олмониянинг доктор Бодо Раш раҳбарлигидаги меъморлар гуруҳи томонидан тақдим этилган лойиҳа биринчи ўринни эгаллади. Лекин, афсуслар бўлсинки, танлов ҳайъати аъзолари ва танлов иштирокчилари Ўзбекистон миллий меъморчилигининг ўзига хос хусусиятларини яхши тушунмаслиги оқибатида голиб чиққан лойиҳа ҳам кўпроқ араб меъморчилиги услубида яратилгани маълум бўлиб қолди.

Лойиҳада тасвирланган мақбара қадимий Самарқанднинг маданий-тарихий кўринишига ва меъморий услубига мос келмас эди. Боз устига Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасини ташкил қилиш, унинг асосий вазифаларини белгилаш, машҳур бобокалонимизнинг мероси ва таълимотини ўрганиш масалаларида ҳам баъзи келишмовчиликлар пайдо бўлди. Мажмуа Самарқандда барпо қилинса-да, жамгарма Буюк Британиянинг Оксфорд ислом тадқиқотлари марказида ташкил қилинажаги ва жамгармага тушган маблағлар бошқа мақсадларда ҳам сарфланиши мумкинлиги таъкидланди. Бунда ўтиш давридаги иктисодий қийинчиликлар рўқач қилиниб, Имом ал-Бухорий мақбарасини қуришда Ўзбекистоннинг хорижий ёрдамга муҳтожлиги шама қилинди.

Мақбарани тиклаш ишлари турли сабаблар билан кечиктириляётганидан хабар топган Президентимиз улуг бобо-

калонимизга ҳурмат бажо келтириш, мусулмон дунёсининг фахри бўлган Имом ал-Бухорий ҳазратларининг мақбарасини тиклаш ва унинг 1225 йиллик тўйини жаҳон микёсида нишонлашни ўз зиммамизга олишимиз кераклигини уқтиради. Буюк зотларини кадрлаган юрт ҳамиша мунаввар бўлишини билган Юртбошимиз ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, бу меъморий обидани бунёд этишда маблағни тежамасликни таъкидлади.

Меъморий мажмуани куришда ўзбек меъморчилиги, биринчи навбатда, Самарқанднинг тарихий-исломий меъморчилик хусусиятларини ҳисобга олиш талаб қилинди. Шунга қарамасдан, меъморлар томонидан ишлаб чиқилган янгидан-янги лойиҳалардан мутахассисларнинг ҳам, шу мақсадда тузилган махсус давлат комиссиясининг ҳам қўнгли тўлмади. Охириги лойиҳа Президентга кўрсатилганида, Юртбошимиз қуйидаги сўзларни айтди: «Биз қураётган меъморий мажмуа буюк бобокалонимиз, мусулмон дунёсининг фахри бўлган Имом ал-Бухорийнинг ислом оламида тутган ўрнига тенг бўлиши керак. Агар исломда мусулмонлар учун Куръони каримдан кейин Имом Бухорий тўплаган саҳиҳ ҳадислар иккинчи ўринда турадиган бўлса, Имом ал-Бухорий мақбараси ҳам Маккаю Мадинадан кейин мусулмонлар учун иккинчи зиёратгоҳ бўлиши керак».

Сўнг Президент меъморий обида лойиҳасининг асосий қисмларини ўз қўли билан тўғрилаб берди. Шунда Президентимиз давлат раҳбари сифатида ташвиши кўп бўлишига қарамасдан бу лойиҳани тунларни бедор ўтказиб, ўз ҳаёлида бунёд этгани маълум бўлди.

Ҳақиқатан ҳам Президентнинг орзулари ушалди, ниятлари амалга ошди. Тез орада Ўзбекистон мўътабар зиёратгоҳ ўлкага айланди. Дастлаб ватандошларимиз, сал ўтмай Индонезия, Малайзия ва бошқа хорижий мамлакатлардан келган зиёратчилар ҳам Ҳаж сафарига отланишдан илгари Имом ал-Бухорий мақбарасига қадам ранжида қилишни одат қилдилар. Ҳақиқий мусулмоннинг покиза тилаклари бундай ижобат бўлиши Худонинг ўзи унинг хайрли ишларини қўллаб-қувватлашининг белгиси эмасми?

Президентимизнинг «маънавиятда тежаш мумкин эмас», деган таъкиди макбара қурилишида ўз ифодасини топди. Буюк алломанинг 1225 йиллик тўйи арафасида битказилган меъморий мажмуанинг қурилишига қарийб 2 миллиард 200 миллион сўм маблағ (жумладан, 1 миллион 150 минг АҚШ доллари) сарфланди. Лекин ислом маданиятини қайта тиклаш билан боғлиқ ишлар Имом ал-Бухорий макбарасини таъмирлаш билан чекланиб қолмади. Ўтган 10 йиллик вақт давомида (1991–2001 йиллар) давлат томонидан 16 меъморий ёдгорлик таъмирланиб, диний мақсадларда фойдаланишга топширилди. Бу улкан қурилишлар учун жами 3 миллиард 13 миллион 900 минг сўм маблағ сарфланди. Эътиборлиси шундаки, Ўзбекистонда дин давлатдан ажратилгани боис диний ёдгорликларнинг аянчли аҳволига давлат «кўзини юмиб туриши» ҳам мумкин эди. Обидаларимиз таъмирланиб, диний идораларнинг тасарруфига ўтказилаётган бир пайтда ўзларини соф ислом тарафдори деб атовчилар ўз аждодларининг қабрларини бузишга тутиндилар. Ана энди ўзингиз хулоса чиқараверинг: ким чин мусулмонга хос йўлни тутди-ю, ким шайтон изидан борди?

Мустақиллик йилларида имом Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд Замахшарийнинг 920 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Хожа Аҳрори Валийнинг 600 йиллиги кенг нишонланди, уларнинг нишонсиз қабрлари тикланиб, муқаддас қадамжоларга айлантирилди. Бу забардаст алломаларнинг бебаҳо асарлари чоп этилиб, халққа етказилди. Бироқ бой диний меросимизни шарҳлашда масжидлардаги айрим имом хатибларнинг савияси етарли эмаслиги маълум бўлиб қолди. Чунки бу вақтга келиб уч-тўрт ой қориларга қатнаган ёш йигитчалар ҳам диний рутбаларни қабул қила бошладилар. Ўринли савол туғилади: нима учун богча болаларига тарбиячи бўлиш учун камида икки йил ўқиш керагу, одамларнинг қалбида иймонни қарор топтириш учун махсус билим керак эмас? Ваҳоланки, ислом мамлакатларида диний маълумот олиш учун ўқиш камида саккиз йил давом этади.

Бу масала ҳам Президентнинг назаридан четда қолмади. Мустақилликнинг дастлабки йилидаёқ Тошкент шаҳрида «Кўкалдош», Наманган шаҳрида «Мулла Қирғиз» ва Урганч шаҳрида «Фахриддин ар-Розий» ислом ўрта махсус билим юртлари фаолият юрита бошлади. Кейинчалик бундай ўқув юртлари барча вилоятларда ташкил этилди. 1993 йил 22 ноябрда Тошкент шаҳрида «Ҳадичаи Кубро» номли хотин-қизлар ислом ўрта-махсус билим юрти иш бошлади. Диний меросимизни янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида 1995 йил 19 майда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Халқаро Ислом тадқиқот марказига асос солинди. 1999 йилда эса Президентимиз Фармони билан Тошкент Ислом университети ташкил қилинди. Бу вақтда «ислом ҳимоячи»лари дунё мусулмонларига «Ўзбекистон – даҳрийлар мамлакати» деб жар солишдан нарига ўтмади. Ана энди яна ўзингиз фарқлаб олинг: ким исломга хизмат қиляпти-ю, ким ундан тасқара башарасини яшириш учун никоб ясапти.

90-йилларнинг бошларида баъзи одамларнинг маҳаллаларда масжидлар қуриш йўли билан ўзини мусулмон қилиб кўрсатиши одат тусига кирган эди. Улар орасида масжидларни ҳаром топилган даромадлари эвазига қурувчи ва масжид қуриш баҳонасида ўзининг қабих ниятларини амалга оширувчи кимсалар ҳам йўқ эмас эди. Масалан, 90-йилларнинг ўрталарида Фарғона водийсида қурилган баъзи масжидларнинг ертўлаларида жангариларни тайёрлашга мўлжалланган спорт заллари жойлаштирилган эди. Масжид ҳали қуриб битқазилмасдан туриб, у ерда турли жанговар машғулотлар бошлаб юбориларди. Ваҳоланки, мусулмончиликда масжидлар намоз ўқиш, тоат-ибодат қилишга мўлжалланган муқаддас макон ҳисобланади. Ахир масжидлардан жангариларни тайёрлаш учун фойдаланиш қони гуноҳ эмасми?

Шу ерда яқин ўтмишимиздан яна бир мисол келтириш ўринли. Тошкент шаҳридаги жинойий гуруҳлардан бирининг бошлиғи бўлган Шухрат исмли кимса жиноятларини яшириш учун ўзини «эътиқод қурашчиси» деб эълон қилади. 90-йилларнинг бошида у исломга хизмат қилиш ва масжид

куриш никоби остида «илоҳий эҳтиёжлар учун» рэкет, киднеппинг (қариндошларидан маблағ ундириш мақсадида кишиларни гаровга олиш), эгаларидан маблағ ундириш мақсадида автомобилларни ўғирлаш билан шуғулланади. Маълумотларга кўра, бу «дин курашчиси» бошчилигидаги жангарилар йиғилган маблағнинг жуда оз қисмини масжид курилишига сарфлаганлар. Маблағларнинг катта қисми эса Шуҳрат ва унинг ҳамтовоқлари кайфу сафосига сарф қилинган. Бунда ислом ҳаром-хариш ишлар учун никоб вазифасини ўтаган, холос.

Яна бир мисол. 90-йилларнинг бошларида Наманган шаҳрида тартиб-интизомни сақлаш мақсадида спортчи йигитлар бирлашдилар. Ҳуқук-тартибот органларининг баъзи ходимлари бир қанча ўғри, арокхўр ва жамоат тартибини бузувчиларни гўёки тўғри йўлга солган бу гуруҳнинг кучи ва адолати ҳақида ҳатто мақтаниб ҳам юришди. Х.Сотимов томонидан бошқарилган бу гуруҳнинг «хулқни тузатиш» операциялари диний суҳбатлар шаклида, бу ҳам таъсир қилмаса, жисмоний зўравонлик усулида ўтказилар эди. Натижада, бир неча киши ўз хулқини «ўзгартириб», тартиббузардан намунали диндорга айланди-қолди. Лекин бу гуруҳнинг асл мақсади кишиларни тўғри йўлга солиш эмас, балки ўз «жангари» гуруҳларининг сафини кенгайтириш эди. Акс ҳолда уларнинг Конституцияга зид равишда ўзбошимчалик билан одамларни шарият асосида суд қилишларини қандай изоҳлаш мумкин? Бу ёшлар охир-оқибат «муслмонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш» шиори остида рэкет, босқинчилик ва товламачилик йўлига кирди. Боз устига ўз жинояти учун жазодан қочган бу ёшларнинг бир қисми халқаро экстремистлар томонидан ёлланиб, ўз Ватанига қурол кўтариб кирди. «Муслмон жамоасини турли иллат ва даҳриёна ишлардан тозалаймиз!», – деган баландпарвоз шиорларни дастак қилиб олган бу кимсалар, аслида Ватанимизнинг азиз тупроғини нарқобизнес карвони ўтадиган сўқмоққа айлантиришни кўзларди. Уларнинг қабих жиноятлари учун тўланаётган пуллар ҳам асли ҳаром йўллар билан тўплангани ҳеч кимга сир эмас.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: бу гуруҳлар учун ислом қандай вазифани ўтади? Юртни обод қилган одам чин мусулмонми ёки уни вайрон қилиш ниятидаги кимсами? Ким ўз халқига, жамиятга, мусулмонлар қавмига чин дилдан хизмат қиляпти? Чин мусулмон ким? Фикримизча, буни изоҳлашнинг ҳожати қолмади. Шундай бўлса-да, яна бир аниқ факт. 1992 йил 16 декабрда Президентимиз Ислом Каримовга ислом дунёсидаги энг нуфузли олийгоҳ – Қоҳирадаги «Ал-Азҳар» университетининг доктори фахрий унвони берилди. Фақатгина ислом оламининг забардаст уламоларига бериладиган бу унвон Юртбошимизга бежиз тақдим этилмади. Университет илмий кенгаши ушбу унвонни Ислом Каримовга «*ислом динининг ҳимояси ҳамда мусулмон олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари учун*» беришни лозим деб топди.

Барчамиз Президентимизнинг муқаддас Каъбатуллоҳда туриб «Юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ўзинг раҳнамо бўл, Худо» деган илтижолари бундан буён ҳам ижобат бўлишига тилакдошмиз. Биз чин мусулмон кимлигини яхши биламиз.

Иккинчи боб **БЎҲРОНЛАР ГИРДОБИДА**

АМАЛ УЧУН КУРАШ ВАСВАСАСИ

Мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларида мамлакатда халқ бирлиги, давлат равнақи, тинч-осойишта ҳаёт ҳақида қайғурган, бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлган Президент Ислом Каримов сиёсатига қарши кучлар мавжуд эди. Бундай кучларнинг жиддий таҳлили уларни уч гуруҳга ажратиб ўрганишни такозо қилади. *Биринчи гуруҳга* мустақиллик учун кураш жараёнлари тўлқинида вужудга келган ва тез орада давр синовида бардош беролмаган «Бирлик» ва «Эрк» каби кучларни киритиш мумкин. *Иккинчи гуруҳ* шўролар даврида юқори лавозимларга эга бўлган ҳамда

мустақиллик шароитида ўз мансаби, имтиёзлари ва ҳукмрон мавқеини йўқотиб қўйишдан кўрққан, номига мустақил давлатчилик тарафдори-ю, аслида эски мақомини саклаб қолишга ҳаракат қилган мансабпараст фиркачилардан иборат. *Учинчи гуруҳни* 80-йилларнинг охирида вужудга келган, исломнинг яшил байроғи остида хаёлий халифалик тузиш орзусидаги ақидапарастлар ташкил этади.

Ҳар учала гуруҳ юзаки қараганда ўзининг мазмун-моҳиятига кўра фарқ қилса-да, уларнинг мақсади бир хил бўлган. Уларни халқ манфаатлари, миллат равнақи эмас, балки амал курсиси, ҳокимият шоҳсупаси қизиқтирган. Бу гуруҳ асосчилари ўз шахсий манфаатларини халқ ва миллат манфаатларидан юқори қўйган фитначи-амалпарастлардан иборат эди. Улар халқимизнинг ўша вақтдаги шўро ҳукуматининг сиёсатига норозилигидан усталик билан фойдаланиб, ўзларини гўёки халқ ҳимоячилари сифатида кўрсатиб, аслида сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш пайида бўлганлар. Бу кучларга хос бўлган умумий хусусиятлардан яна бири – улар халқимизнинг озодликка интилишидан фойдаланиб, уни жар ёқасига олиб бориб қўйишга уринишган, жамиятда беқарорлик ва носоғлом муҳитни яратиб, халқни оломонга айлантиришга интилган, бир неча бор мамлакатимизда фуқаролар урушини келтириб чиқаришга ҳаракат қилган. Гапимизни исботлаш учун улар фаолиятига далиллар билан мурожаат қилсак.

Мустақиллик учун кураш жараёнида вужудга келган «Бирлик» ҳаракати, «Эрк» партияси фаоллари асосан ёзувчи ва олимлардан иборат бўлиб, улар қисқа муддат ичида ўзларининг асосий фаолиятидан четлашиб, бир думалаб сиёсатчиларга айланиб қолганининг ўзи ғайритабиий туюлса керак. Шунинг учун ҳам уларнинг ташкил топиш тарихига озгина тўхталмасак бўлмайди. «Бирлик» халқ ҳаракатига 1988 йил 11 ноябрда Абдурахим Пўлатов, Муҳаммад Солиҳ томонидан асос солинган эди. Лекин бу ҳаракатнинг дастурига эътибор берадиган бўлсак, уларни бу ҳаракат асосчилари деб айтишга ҳам қийналиб қоласан киши. Чунки 1988 йилнинг бошларида собиқ Иттифокда, айниқса, Болтиқбўйи республикаларида мустақиллик учун кураш анча кучга тўлган эди. Бу

республикаларда турли Халқ фронтлари, «Саюдис» ва шунга ўхшаш кўплаб ташкилот ва ҳаракатлар пайдо бўлган эди.

Юқорида номлари битилган «Бирлик»чилар ўз фаолиятини Болтиқбўйи республикаларидаги бу ҳаракатларнинг дастурларини оғишмай кўчиришдан бошлади. Бунда улар Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини – мавжуд шароитни, сиёсий муҳитни, кишиларнинг сиёсий маданияти даражаси ва бошқа омилларни ҳисобга олмасдан туриб, Болтиқбўйи республикаларидаги ташкилотларнинг фаолиятини айнан такрорлашга ҳаракат қилишади.

1988 йил 3 июнда Вильнюсда республиканинг 35 нафар зиёлисидан иборат ташаббускор гуруҳ «Саюдис» номини олган ҳаракатга асос солди. Ҳаракатнинг асосий мақсади Литванинг мустақиллиги, демократия ва ижтимоий адолат учун курашдан иборат, деб белгиланди. Орадан роппа-роса беш ой ўтгач, 1988 йил 11 ноябрда худди шундай ҳаракат Ўзбекистонда ҳам тузилди. «Бирлик» деб номланган бу ҳаракатга, айтилганидек, Муҳаммад Солиҳ, Абдурахим Пўлатов гўё «асос солдилар».

1988 йилда Болтиқбўйи республикаларидаги ташкилотлар ўз миллий рамзларини тиклаш учун зўр бериб ҳаракат бошлади. Бу ташкилотларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, бу мамлакатлардаги сиёсий вазият, кишиларнинг сиёсий маданияти даражаси тинч йўл билан ҳамда демократик усулларни қўллаган ҳолда дастурий мақсадларга эришиш имкониятини берар эди. Бу ташкилот ва ҳаракатлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун уюштирилган митингларда халқни турли фитналарга берилмаслик, куч ишлатмаслик, тинч йўл билан талабларнинг қондирилишига эришишга ундар эди. Биздаги «кўчирмақаш»лар эса уларга таклид қилиб, тез орада ўзбек тилига Давлат тили мақомини бериш ниқобида митингбозликни бошлаб юборишди. 1988 йилнинг 20 декабрида Тошкентда талабаларнинг биринчи митинги бўлиб ўтди. Лекин «бирлик»чилар ўзининг Болтиқбўйидаги устозларидан фарқ қилиб, дастлабки кунларданок, оғир-вазмин халқни ҳиссиётлари жунбишга келган оломонга айлантиришга, куч ва зўрлик орқали ўз дастурий мақсадларига

эришишга уринишди. Ўзларини сиёсатчи-демократлар деб кўрсатишга ҳар қанча уринишмасин, сиёсатда ғоят муҳим бўлган сиёсий вазиятни тушуниб етиш, уни таҳлил қилишга уларнинг малакаси ҳам, саводи ҳам, фаросати ҳам камлик қилар эди.

Буни қуйидаги оддий мисолда кўрсатиш мумкин: 1987 йилда Болтиқбўйи республикаларида Давлат тили учун кураш бошланган даврда Ўзбекистондаги сиёсий вазият билан Болтиқбўйи республикалари ўртасидаги вазият тубдан бир-биридан фарқ қилар эди. Масалан, Литва ва Эстония каби республикалар асосан бир миллатли республика бўлиб, аҳолининг мутлақ кўпчилигини туб миллат вакиллари ташкил қилар, бу миллат вакиллари ҳам маданий, ҳам илмий соҳада, ҳам ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи ўринларни эгаллаган эди. Бундан фарқ қиларок, Ўзбекистон кўп миллатли давлат экани, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериб, Болтиқбўйидагидек қисқа муддатда барча фуқароларни давлат тилида сўзлашишга мажбур қилиш миллатлараро зиддиятларнинг вужудга келишига туртки бўлиши ҳисобга олинмаган эди. Бундан ташқари, иқтисодда, айниқса, ишлаб чиқаришда юқори малакали инженер-техник кадрларнинг мутлақ кўпчилигини русийзабон ишчи-ходимлар ташкил этишини эътиборга оладиган бўлсак, бу чора оғир иқтисодий шароитни бундан ҳам оғирлаштириши мумкин эди.

«Чала демократ»ларнинг бу сингари кўчирмакашлиги миллат ва унинг келажаги учун жуда қимматга тушишини била туриб, бу ишга қўл ургани кишини ўйлантириб қўяди. «Бирлик»чилар ва «Эрк»чиларнинг ўзларига сиёсий ўқитувчи сифатида Болтиқбўйи республикаларидаги радикалларни танлагани уларни «лайлакнинг юришини қиламан деб бути йирилган чумчук» аҳволига солиб қўйди. Чунки ўзларини «демократия жарчилари» деб билган бу кишилар демократиянинг «Болтиқбўйи варианты»ни тўғридан-тўғри Ўзбекистонда жорий этиб бўлмаслигини ё тушунмадилар, ё қўлидан кўчирмакашлиқдан бошқаси келмаслигини билиб, осонгина йўлни танладилар. Бу ўринда биз мана бу сингари саволдан ҳам ўзимизни олиб қочмаймиз: хўш, нима учун

демократияни Болтикбўйидан импорт қилиб келтириш мумкин эмас?

Авваламбор, миллий киёфасини йўқотишдан қўрмаган давлатгина ташқаридан бирор ғояни айнан ўзлаштириши мумкин. Чунки янгиликни бундай ўзлаштириш халқнинг менталитети, турмуш тарзи, миллий қадриятлари, руҳиятини топташни ва ҳаттоки, қурбон қилишни талаб этади. Мансаб курсисига жон-жаҳди билан интилаётган «бирлик»чиларнинг кўзига ўша пайтда халқнинг ўзига хослиги, миллий қадриятлари кўринармиди?

Иккинчидан, Болтикбўйи республикалари СССР таркибига охириги (40-йилларда) киритилган давлатлар бўлгани учун ҳам улар табиатан диктатор Иттифокдан демократик Европага яқин эди. Табиийки, 130 йиллик мустамлакачиликни бошидан кечирган ўзбекларга нисбатан бу давлатларнинг халқи демократик жараёнларга анча тайёр эди. Шу боис, уларнинг мустақиллик учун кураши эҳтирослар ва қон тўкишлар асосига эмас, қонунчилик ва инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари асосига қурилган эди. Лекин биздаги калтафаҳм «демократия жарчилари» халқ бир кеча-кундузда ҳақ-ҳуқуқларини таниб, намунали демократга айланиб қолмаслигини қайдан билсин?

Учинчидан, Литвада ўтказилган митинглар билан ўша пайтда Ўзбекистонда ўтказилган митинглар бир хил натижа билан тугашига қафолат йўқ эди. Чунки бу митингларнинг мақсадлари ўхшаш бўлса-да, уларга эришиш воситалари турлича эди. Агар Вильнюсдаги митингларда халқнинг қуроли унинг ҳақ-ҳуқуқлари бўлган бўлса, Талабалар шаҳарчасидаги митингларда «бирлик»чилар ёшларни ибтидоий қурол – тош ва таёқлар билан қуроллантирди. Ҳокимият талвасасидаги бу «даҳо»лар учун ғўр талабаларнинг ёшгина жонини сиёсий ўйинга тикиб юбориш нима бўлибди?

Тўртинчидан, агар киёсланаётган мамлакатларга жуғрофий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, атрофдаги қўшнилари билан ҳисоблашишга тўғри келади. Болтикбўйи мамлакатларининг ён қўшнилари ким-у, бизни қандай давлатлар қуршаб турибди? Мустақилликни қўлга кирит-

гач, Болтикбўйи мамлакатларининг кўшилари уларнинг кўлидан етаклаб Европа ҳамжамиятига олиб кирмоқчи бўлган бир пайтда, бизнинг «жон кўшилари миз»дан баъзилари халқимизни исломий халифаликка итариб киритиб, VII асрга қайтармоқни ўйласа, баъзиларининг ўзи мустақилликка энди-гина эришиб, мустақил тараққиёт йўлини ҳали белгилаб ҳам олмаган эди. Болтикбўйи республикаларидаги ташкилотларнинг дастуридан ғояларни ўғирлаётганда минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, кўшни мамлакатларининг ниятларини ҳисобга олиш кераклигига «доҳийча»ларнинг ақли етмаган бўлса, халқда нима гуноҳ?

Гарчанд, мустақиллик учун кураш даврида халқни ўз томонига оғдирадиган баландпарвоз шиорлар воситасида ҳокимиятга эришиш мумкин бўлса-да, лекин реал ҳокимият кўлга текканидан кейин бунёдкорлик ишларини амалга оширишда, давлат ва жамият қурилишини йўлга қўйишда ҳамда иқтисодни бошқаришда юқори малакага эга бўлиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Литванинг мустақиллиги учун курашда кескин чораларни кўллашга мойиллиги билан ажралиб турган «Саюдис» республика мустақилликни кўлга киритганидан кейин ҳам ўзининг радикал кайфиятидан воз кечмади. Мустақилликка эришгач, давлатни бошқариш билан боғлиқ мураккаб вазифаларни ҳал қилиш учун «Саюдис»нинг минимал сиёсий тажрибаси камлик қилар эди. Шу сабабли бу ҳаракатнинг асосчилари давлат бошқарувидаги иккинчи даражали роллар билан қаноатланишлари лозим эди. Аммо шахсий манфаат ва амал илинжи уларга тинчлик бермасди. СССР вақтида коммунистлар билан курашишга ўрганиб қолган «Саюдис»чилар тинчликка кўника олмай, жамиятда низоларни авж олдириш йўлини танлашди. Натижада, «Саюдис» Сейм (парламент) га сайловларда мағлубиятга учраган бўлса, президентлик сайловларида «Саюдис»нинг биринчи раҳбари В. Ландсбергис эмас, балки посткоммунистлардан А. Бразаускас ғалаба қозонди. «Саюдис» сайловларда мағлубиятга учрагач, бунда халқни айблаган эди: «Сеймга сайловларда Литва ўз-ўзига хиёнат қилди ва дунё учун хавфли бўлиб қолди...»

Энди Ватанимизга қайтайлик. Икки амалпарастнинг боши бир қозонда қайнамаслиги маълум бўлгач, 1989 йилнинг сентябрида «Бирлик» халқ ҳаракати иккига бўлинди. Шу кундан эътиборан «Бирлик» ўз номига мос бўлмайд қолди: «Бирлик»нинг сафларида бирлик йўқолди. Унинг таркибидан Муҳаммад Солиҳ бошчилигидаги гуруҳ ажралиб чиқиб, «Эрк» демократик партиясини тузишди. Муҳаммад Солиҳ ўзининг бу қадами билан энди «Бирлик» доирасида демократия учун кураш ғояси уни қаноатлантирмаслигини, энди у ҳокимиятни эгаллашга даъвогар эканини кўрсатди. 1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига биринчи сайловларда И. Каримов ва М. Солиҳнинг номзодлари қўйилиб, халқнинг 86 фоиз овозини олган Ислом Каримов ғалаба қозонди. «Эрк»чилар «Саюдис»чилардан фарқли ўларок, ўз мағлубиятида халқни айбламади, улар ўзларига бошқа «душман» танлади. У халқнинг иродаси билан сайланган Президент Ислом Каримов эди. Ҳаётни фақат оқ ёки қора бўёқларда кўрадиган «Эрк»чилар учун душмансиз ҳаёт ҳаёт эмас эди, чунки улар доимо нимагадир қарши эмас, балки кимгадир қарши курашишга ўрганишганди. Илк душман сифатида коммунистларни танлаган «Эрк»чилар тез орада ўзлари учун бошқа душман образини яратишлари табиий эди. «Эрк»чилар эндиги чинкирик ва жазаваларида Президентни нишонга ола бошлади.

Вильнюсдаги сайлов натижалари юзасидан матбуотда ёзилишича, Литва халқи аслида жанжалларга, низоларга, зиддиятларга қарши овоз берди. Бу ҳақда «Летувос ритас» газетасининг 1993 йил 26 март сониди: «Халқ «Саюдис»нинг етакчиларида адолатли жамият қиёфасининг гавдаланишини кўрар эди. Афсуски, тез орада халқнинг улардан кўнгли қолди», деб ёзилган эди. Содир бўлаётган воқеаларни чуқур таҳлил қилган «Саюдис» ташкилотчиларидан бири файласуф А. Юозайтиснинг фикрича: «Қутилмаган ҳодиса содир бўлди – ўтмишда қолиб кетаётган сиёсий ташкилот, аниқроғи Литва компартиясининг қолдиқлари икки йил ичида «Саюдис»дан «бир бош баланд» бўлиб қолди... Агар «Саюдис»нинг

раҳбарлари ўз мағлубиятлари учун ўзлари йўл очиб бермаганида эди, бу ташкилотнинг кўлидан ҳеч нарса келмас эди». Тез орада янги ҳукуматнинг олдида муҳолифатнинг зарурлиги ҳақида масала кўндаланг бўлиб қолди. Литванинг сиёсатчилари муҳолифатга эҳтиёж ҳақидаги фикрларини матбуотда эълон қила бошласалар-да, улар «Саюдис» киёфасида муҳолифатни кўрмасдилар ёинки «Саюдис»дек муҳолифатга эга бўлишни истамасдилар. «Саюдис» нафақат ҳукмрон партия мақомига эриша олмади, балки муҳолиф партия сифатида ҳам яроқсиз бўлиб қолди. Натижада, «Саюдис» ўз-ўзидан сиёсий сахнадан йўқолиб кетди.

Ўзбекистондаги сайловларда эса халқ иқтидорли, тажрибали, мулоҳазакор раҳбарга овоз берди. Халқимиз жиззаки, жанжалкаш, енгилтак кимса томонидан бошқарилишни истамади. Аслида рақибидан атиги битта кам овоз олган бўлса-да, иккинчи номзоднинг ҳаётий ҳақиқатни тан олиши, янги қонуний ҳукуматга бўйсунити демократиянинг талаби эмасми? У ҳолда ўзини «демократия жарчилари» деб таништирган «Эрк»чиларнинг сайловдаги мағлубиятдан кейин ҳокимиятни ағдаришга чакириқларини қандай изоҳлаш мумкин? Бу – амалпарастлик васвасасидан бўлак нарса эмас. Литвада «Саюдис» раҳбарларининг хатолари ҳаракат аъзоларининг норозилигини туғдирган бўлса, «Эрк» раҳбарларининг бундай ноқонуний ҳаракатлари ҳам партия ичида қаршилиқ келтириб чиқарди. «Эрк» партияси Тошкент шаҳар ташкилотининг собиқ котиби, профессор Шоди Каримов Муҳаммад Солиҳга очик хатида («Халқ сўзи» газетаси, 1993 йил 27 октябрь) жумладан шундай ёзади: «Сиз ўзининг шахсий манфаатини партия ва халқ манфаатидан юқори кўядиган, мансаб ва ҳокимият оғушида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, керак бўлса бу йўлда фуқаролар қонини тўкиб бўлса-да, раҳбарлик шохсупасига чиқиш орзусида юрган, амбицияга берилган шахс бўлиб чиқдингиз. Сухбатларимизда сиз ҳар доим «10–15 одамнинг қони тўкилса ҳам майли, бу халқнинг кўзини очади», дер эдингиз. Бу гапларнинг магзини мен мана энди чакяпман. Яна бу жанобларнинг Ўзбекистонда демократия йўқ, инсоний ҳуқуқлар бўғилипти деб айюҳаннос солишига

хайрон коласан киши. Ҳокимият тепасига фақат Муҳаммад Солиҳ келсагина демократия амалга ошган бўладими?

Мен «Эрк» демократик партиясига Муҳаммад Солиҳ шахсини улуғлаш учун кирган эмасман. Партия раиси Муҳаммад Солиҳнинг бугунги кундаги ҳокимият учун кураш усули менга маъқул эмас ва «Эрк» демократик партиядан чиққанлигимни билдираман. Чунки мен ҳеч қачон анархия йўлини, миллатни бебошларча иккига бўлиб, бир-бирига қарама-қарши курашга чорловчи йўлни қўлламаганман ва бу йўлни миллат ва юрт тақдири учун энг хавфли ва фожиали йўл деб биламан». Кўриб турганингиздек, бу очик хатда Муҳаммад Солиҳнинг кўпгина кирдикорлари фош қилинган. Лекин бу очик хатни унинг рақиби эмас, балки энг яқин сафдошларидан бири ёзганини эътиборга оладиган бўлсак, Муҳаммад Солиҳ давлатни бошқариш у ёқда турсин, ҳатто биттагина партияди бошқаришга ҳам ожизлик қилганини кўрамиз.

Шу ўринда, табиий бир савол туғилади. Литва халқи «Саюдис»дек муҳолифатга эга бўлишни истамаган бўлса, нега чет эллик «дўстларимиз» ўзбек халқига фақат «Эрк»дек, «Бирлик»дек муҳолифатни муносиб биладилар? Нега Ўзбекистонда муҳолифатнинг йўқлигида Президентни айблашади? Агар Президент Ислом Каримов муҳолифат бўлишини истамаганида эди, у ўша пайтлардаёқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг X сессияси минбаридан туриб, «Демократия устун бўлган жамиятда конструктив соғлом оппозициянинг роли жуда катта бўлади. Бундай оппозиция жамиятнинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ривожига ҳисса қўшади», деб айтармиди?

«Саюдис»дан фарқ қилиб, «Эрк»чилар сайловларда мағлубиятга учраганидан кейин ўзини демократия тарафдорлари деб атаса-да, энди ғайридемократик йўллар билан сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишга ҳаракат қилдилар. Улар ҳеч қандай қонунни, ҳаттоки Конституцияни менсимайдиган жиноятчилар гуруҳига айланди. Шундай экан, ҳеч қандай қонунни, ҳаттоки Конституцияни менсимайдиган жиноятчи гуруҳларни муҳолифат деб бўладими? Халқ сайлаган пар-

ламентни оёк ости қилиб, унга муқобил ҳолда ноқонуний «Миллий мажлис» тузишга уринган, жазодан қочиб хорижга яширинса-да, виждон азобидан қийналиш ўрнига четдан туриб, Ватани шаънига мағзавалар тўқаётган инсон муҳолифми ёки хоинми? Унинг учун нима кадрлирок: Ватанини янада обод кўриш истагимиз ёки ҳар қандай қурбонлар эвазига бўлса ҳам ўзининг амал курсисига ташналигини қондиришми?

Сиёсий найрангбозликлар аввал кўпоровчиликка, кейинчалик конституцион тузумни ағдаришга айланиб кетгани учун Ўзбекистон Республикасининг Олий Суди 1993 йил август ойида «Миллий Мажлис» қатнашчилари устидан жиноий иш кўзгади. Шу йилнинг сентябрь ойида ўз низомига зид ҳаракатларни амалга оширгани учун «Эрк» демократик партиясининг фаолияти тўхтатилди. Қарийб беш йил ичида «Эрк» партияси Ўзбекистон сиёсий майдонига шиддат билан кириб келиб, кўплаб тўқнашув ва тўполонлар келтириб чиқаришга, Худодан тинчлик-омонлик сўрайдиган халқнинг кўнглини бездириб, охир-оқибат ёмонотлик бўлиб, сиёсий саҳнадан чиқиб кетишга улгурибди.

«Бирлик» ва «Эрк»нинг сиёсат оламига кириб келишида ҳам, унинг ўз олдига қўйган мақсадларида ҳам, мақсадларга эришиш учун танлаган радикал услубларида ҳам, сайловлардаги муқарар мағлубиятидан кейинги лўттибозликларида ҳам, умри қисқалигида ҳам «Саюдис»га нимададир ўхшашликни, нимададир тақлидни, яна нимададир кўчирмакашликни пайқамаслик мумкин эмас.

Энди бироз кўчирмакашлик ҳақида. Аслида кўчирмакашлик халқаро мулоқот тилида «плагиат» деб аталади. Ўзларини «демократия жарчилари» деб аташни ёқтирадиган «Бирлик»чилар ва «Эрк»чилар учун у қадар бегона бўлмаган бу атама ўзбек тилига айнан таржима қилинганда «ўғир-лаяпман» деган маънони англатади. Бу сўз аслида бировнинг асарлари, кашфиётлари, ихтироларини ўзиники деб эълон қилишга нисбатан ишлатилади. Барча мамлакатларда бундай ҳаракатлар учун жазо белгиланган. «Бирлик»чилар ва «Эрк»чиларнинг «бировга сездирмасдан» қўллаган сиёсий плагиатликлари учун эса тарихнинг ўзи ҳукм чиқариб бўлди.

Улар шунчаки йўқлик қаърига сингиб кетмадилар, уларнинг пешонасида «Ватан хоини», «чала демократ», «амалпараст шаллаки» тамгалари абадий муҳрланиб қолди.

«Бирлик» ва «Эрк»чиларга нисбат берилган бу лақаблар бизнинг жунбишга келган эхтиросларимиз ҳосиласи эмас. Балки уларнинг ҳаракатларига ҳолисона берилган баҳодир. Сўзимизнинг исботи сифатида «Бирлик» халқ ҳаракатининг дастурига мурожаат қилайлик. Унинг муқаддимасида ёзилишича, «Ўзбекистонда унинг янги мавқеидан келиб чиқиши лозим бўлган инқилобий ўзгаришлар бўлаётгани йўқ». Луғатларда «инқилобий ўзгаришлар» бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига сакраш йўли билан тез ўтиш, дея таърифланади. Шундай экан, «Бирлик»чиларнинг биргина шу инқилобпарастлик даъволари уларни «чала демократ» деб аташга тўла асос бўла олади. Демократияга сакраш йўли билан қисқа муддатда эришиб бўлмастлигини билмайдиганларни яна қандай аташ мумкин? Халқ бир кунда ўз кадриятлари ва дунёқарашини 180 даражага ўзгартира олишига ким ишонади?

Ҳаттоки халқнинг юқори сиёсий маданиятга эга вакиллари ҳам Олий Кенгашнинг 1991 йилнинг 31 августидаги навбатдан ташқари сессиясида Президент Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилганида, аввалига бу нарсани «ҳазм» қила олмаган эдилар. Ислоҳ Каримовнинг: «Нима, мустақилликдан чўчияпсизларми, нега қарсақ чалмайсизлар?» деган сўзларини эшитганидан кейингина халқ вакиллари бу ташаббусни қарсақ билан қўллаб-қувватладилар. Мустақиллик-ку, бизнинг азалий орзуимиз эди. Лекин, очигини айтадиган бўлсак, ўша пайтларда демократия биз учун мутлақо янги тушунча эмасмиди? Шундай экан, «Бирлик»чилару «Эрк»чиларнинг демократия ҳақида айюҳаннос солиши – худди демократиянинг нима эканини яхши тушунмаган ва демак, ҳали демократияга тайёр бўлмаган халқни чалғитиш, бошқача айтганда, амалпарастлик йўлида шаллақилик қилишдан бўлак нарса эмас. Боз устига, демократия сари йўл узок давомли ва тадрижийликни талаб этадиган жараён бўлмаганида эди, Америка халқи демократияга 200 йил давомида келмаган бўларди.

Юқорида биз «Бирлик»чилар ва «Эрк»чиларни плагиатда айблаган эдик. Лекин бу – уларнинг ягона нуқсони эмас. Уларни популизмда айблаш учун ҳам барча асосларимиз бор. Сиёсий луғатларда «популизм» сўзи асосланмаган ваъдалар бериш йўли билан омма ҳиссиётларида ўйнаш, сафсата ва ёлғон-яшиқ гаплар билан халқда шуҳрат қозонишга интилиш сифатида шарҳланади. Эътиборлиси шундаки, популизм ўтиш даврида, туб бурилишлар шароитида айниқса авж олади. Популизмнинг ўзига хос «ажойиб» бир хусусияти бор: у кўнгил қолишдан бошланиб, охир-оқибат яна кўнгил қолиш билан тугайди. Бизда ҳам шундай бўлди: эски тузумдан ихлоси қайтган кишилар популистларнинг баландпарвоз гаплари, ҳаётдан узилган ваъдалари, жозибадор чақирикларга соддаларча ишониб қолдилар. Бирок популистларнинг ҳақиқат кифасидаги ёлғонлари фош бўлгач, халқнинг улардан ҳам ихлоси қайтди. Халқ каттик алданганини, орзу-ҳаваслари амал курсиси йўлида қурбон қилинганини ва асосийси, омманинг ҳиссиётларини «қитиклаш» ҳокимиятга элтувчи оддий восита эканини тушунди.

Сиёсатчи қанчалик радикал бўлса, у популистик усуллардан кўпроқ фойдаланишини тарихий ҳақиқат кўп бор исботлаган. Бу эса «демократия жарчиси» никоби остида аслида шафқатсиз диктатор яширинганини яна бир қарра исботлайди. Боз устига, популизм сафсатабозликнинг бир кўриниши ҳамдир. Шундай экан, гап сотиш ҳисобига кун кечирадиган Муҳаммад Солиҳдек инсоннинг салоҳияти популизмдан бошқа усулларни қўллашга ожизлик қилар эди. Барча популистларга теккан яна бир касал бор. У ҳам бўлса – сафсаталар билан эмас, ўзининг амалий ишлари билан халқнинг ҳурмат-эътиборини қозонаётган фидойи етакчиларга тош отиш, уларга тухмат қилишдир. «Эрк»чилар ва «Бирлик»чилар ҳам популизмнинг бу «неъматидан бебаҳра қолгани йўқ. Лекин халқимиз уларнинг бундай хуружларини «мевали дарахтга отиладиган тош» деб қабул қилди, холос.

Юқорида баён этганларимиз – яқин ўтмишимизнинг аччиқ бир ҳақиқати. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу тарихий ҳақиқатни тан олишга мажбурмиз. Афсуски, бу ҳақиқатни

йўклик қаърига кўмиб бўлмайди. Чунки тарих ўз табиатига кўра такрорланиш хусусиятига эга. Шу боис, бизга ёкадими-йўкми, бу тарихий воқеаларни яна бир бор ёдга олиш, уларни холисона баҳолаш ва зарурий хулосалар чиқариш келажакда бундай нохуш ҳодисалар такрорланишининг олдини олади. Шундай экан, мустикаллимизни мустаҳкамлаш йўлида ғов бўлган бошқа кучларнинг ҳам кирдикорларини очиб ташлаш биз учун фойдадан холи бўлмайди.

1991 йилнинг август оyi. «Қардош» республикаларни салкам бир ярим аср мобайнида мустамлакада ушлаб турган кизил империя ўзининг куни битганини сезиб, «жончиқар» талвасага тушиб қолди. 1991 йилнинг 19 августда бир гуруҳ амалпарастлар Москвада «ГКЧП» номи билан тарих саҳифаларида шармандаларча муҳрланган давлат тўнтаришини амалга оширди. Бу кунларда дунё ҳамжамияти нафақат ҳокимият учун беўхшов курашнинг шубҳали ниҳоясини кўрди, балки «бўлинмас иттифок»нинг ич-ичидан зил кетганининг ҳам гувоҳи бўлди.

Республикаларга миллий мустикалликни қўлга кириштириш учун бундан қулай фурсат бўлиши мумкин эмас эди. Лекин бу имкониятдан озодлик йўлида фойдаланиш ўрнига халқнинг хуррияти эвазига бўлса-да, республиканинг биринчи раҳбари курсисини эгаллаш иштиёқидаги мансабпарастлар Ўзбекистонда ҳам топилиб қолди. Президент Ислом Қаримовнинг Ўзбекистонда эмаслиги қўл келган республиканинг ўша вақтдаги вице-президенти Шукрулло Мирсаидов республикада ГКЧПнинг барча қарорларига сўзсиз итоат қилиш ҳақида буйруқ чиқарди:

«... Ўзбекистон ССРнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон АССРга! СССР вице-президенти ўртоқ Г.И. Янаевнинг СССР Президенти вазифасини бажаришга киришгани ҳақидаги Фармонга асосан, совет раҳбариятининг СССРнинг айрим жойларида Фавкулудда ҳолат жорий этиш ҳақидаги Баёнотига биноан, СССРда Фавкулудда ҳолат давлат кўмитаси (ГКЧП)нинг совет халқига мурожаати ва ўртоқ Г.И. Янаевнинг давлат ва ҳукумат бошлиқларига, БМТнинг Бош котибига йўллаган Мурожаатлари муносабати билан

Ўзбекистон ССРнинг барча ҳудудида СССРда Фавкуллда ҳолат давлат кўмитаси фаолиятини яқдиллик билан ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш топширилсин...

Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Мирсаидов
Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси котиби А. Ефимов

Тошкент шаҳри. 1991 йил 19 август».

Албатта, юзаки караганда, оддийгина буйрук бўлиб кўринган бу ҳужжат аслида москвалик мансабдорга тошкентлик амалпарастнинг таклиди эди, холос. Агар СССР вице-президенти Г. Янаев Президент М. Горбачевнинг Форосда дам олаётганидан устамонлик билан фойдаланиб, ГКЧП воситасида давлат тўнтаришини амалга ошириш ва охир-оқибат ўзининг ҳокимиятга ташналигини кондиришни мақсад қилган бўлса, Ўзбекистонда худди Янаевдек мавкени эгаллаган Ш.Мирсаидов Президент И. Каримовнинг расмий сафар билан Ҳиндистонда эканидан «мохирона» фойдаланиб, бу фитначилар гуруҳининг жинойтларини қўллаб-қувватлаш билан тезда ҳокимиятга эришмоқчи бўлди. Катта сиёсий тажрибага эга Г. Янаев Ш.Мирсаидовдаги амалпарастлик сифатларини илғаб, уни «ГКЧП» номи билан тарихда қолган сиёсий ўйинга тортди. Г. Янаев гумашта танлашда адашмади. Бу ишларни, табиийки, ўзининг мустақил фикрига эга, ҳийла-найранглардан нафратланадиган ва, энг асосийси, Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун сидқидилдан курашаётган Ислом Каримов билан амалга ошириб бўлмасди. Ҳиндистон сафаридан қайтган Ислом Каримовнинг кейинги ҳаракатларини бунинг исботи сифатида келтириш мумкин. У мустақилликка эришиш йўлидаги катъиятини яна бир қарра намойиш қилиб, ГКЧП қунларида қабул қилинган барча ҳужжатларни бекор қилди, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси минбаридан туриб, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилди. Ўша қунлар Ўзбекистон учун ҳақиқий синов вазифасини ўтади: Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун қайғурадиган фидойи ким-у, Москванинг ноғорасига ўйнайдиган кимсалар ким экани маълум бўлди-қолди.

Ҳокимиятга ташналигини бу йўл билан қондиролмайд қолган Ш.Мирсаидов энди бошқа йўлни танлади. Энди у атрофига «ўз одамлари»ни йиғиб, улар орқали мавжуд сиёсатга, парламентга, Президентга ишончсизлик билдириш ва шу йўл билан Президентлик лавозимини эгаллаш тадоригини кўра бошлади. 1991 йил 18–21 ноябрни, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессияси бўлиб ўтадиган кунларни у ўз мақсад-муддаоларига етиш учун энг қулай фурсат деб билди. Худди шу кунлари сўз олган Ш.Мирсаидов ва унинг «командаси» депутатлар орасига кутку солиш, ҳукуматга ишончсизлик билдириш ва охир-оқибат давлат тўнтаришини амалга оширишга зўр бериб уриндилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн тўртинчи чакирик VIII сессияси стенограммаси ҳам сессия «хужумкорлик» руҳида ўтганини, Ш. Мирсаидов ва унинг гунаҳкорлари бу сессияга жиддий тайёргарлик кўргани, бироқ улар кўтарган масалалар мутлақо асоссиз эканини, боз устига улар мутлақо мантисиз бир талаб – ўзлари қабул қилган қонунларни бузиш, уларга бўйсунмаслик талаби билан чиққанлигини кўрсатади.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг баъзи вакиллари ўзлари қабул қилган қонунни бузиш ташаббуси билан чиқишининг ўзи улар ҳокимиятга эришиш йўлида барча нарсага тайёр эканининг исботи эмасми? Ш. Мирсаидов бошлиқ гуруҳ аввалбошда ҳам (ГКЧП билан боғлиқ фитна назарда тутилмоқда), кейинчалик ҳам (Олий Кенгаш сессиясидаги хоинлик кўзда тутилмоқда) сиёсий курашнинг энг ифлос усулини – фитна уюштириш, ифвогарликлар қилиш, одамларни ўчакиштириш каби усулларини танлагани КПССда обдан чиникқан бу кимсаларнинг асл башарасини кўрсатади. Бу гуруҳ аъзолари аллақачон ким қандай мансабда ишляжани ўзаро келишиб, ҳукумат портфелларини «бўлишиб олганлари» ҳам уларнинг амалпараст, сохта шон-шухратга ўч, энг ачинарлиси, бу нарсаларга эришиш учун ҳар қанча қурбонликларга тайёр эканини кўрсатади. Президент И. Каримов ва сессияда қатнашган соғлом фикрловчи кишиларнинг қатъияти туфайли бу кўпоровчилар фитнасининг

амалга ошмагани ҳам халқимизнинг толеи баландлигидан далолат беради.

Афсуски, Ўзбекистондаги энг юқори мансабни эгаллаш орзусида жазавага тушганлар фақат М. Солиҳ ва А. Пўлатов бошчилигидаги миллатчи-кўчирмачилар ҳамда Ш. Мирсаидов бошчилигидаги кўғирчоқ-коммунистлардан иборат эмас. Бу ўринга даъвогарларнинг яна бир гуруҳи ўзларининг қораниятларини исломнинг яшил байроғи остига яширишга уринган. Жамиятимиздаги бу кўпоровчи куч ислом радикализи бўлиб, мазкур оқим ўз сафларида исломнинг бузиб талқин қилинган ғояларига берилган ҳамда саробдан иборат ислом давлати қуриш йўлида барча нарсаларни қурбон қилишга тайёр ёшларни бирлаштирган. Улар «Ислом лашкарлари», «Адолат», «Тавба» каби гуруҳлар орқали ўз фаолиятларини амалга оширишга ҳаракат қилганлар.

Барчани шариат аҳкомларидан чекинишда ва жаҳолатда айблаган бу гуруҳлар ҳукуматга қарши йўналтирилган «шовқини зўр» хатти-ҳаракатлари билан амалпарастлик «пойгаси»да иштирок эта бошладилар. Исломиё таълим баҳонасида, асосан, сиёсий жангариликка ўргатилган ҳамда мамлакатимиз танлаб олган дунёвий тараққиёт йўлини инкор этишни тарғиб этувчи кичик-кичик тўғарақлардан ўсиб чиққан бу радикаллар ҳокимият учун курашувчи кучларнинг учинчи гуруҳини ташкил этди.

Бу ҳаракат аъзолари 1991 йилнинг декабрида Наманганда собиқ вилоят партия қўмитаси биносини эгаллаб олиб, ҳукумат вакилларига қуйидаги талабларни илгари сурдилар:

1. Дунёвий тузумдан воз кечиш ва Ўзбекистонни исломий давлат деб эълон қилиш.

2. Дунёвий қонунларни бекор қилиш ва мамлакатда шариат устуворлигини тан олиш.

3. Дунёвий мактабларни беркитиш ва ўғил болалар ҳамда қиз болалар алоҳида ўқитиладиган мактабларга ажратиш.

4. Исломиё кийинишга ўтиш, аёлларнинг эса ҳижобга ўралишини жорий этиш.

5. Намангандаги собиқ сиёсий таълим муассасалари биноларини ислом радикаллари ихтиёрига бериш ва ҳоказолар.

Улар илгари сурган бу жами 15 та талаб аслида ҳокимият-ни ислом радикалларига бериш талабини ифодалар эди. Ҳокимиятнинг уларга берилиши эса аслида ўзларининг «жиҳод қилиш ҳукуки»дан фойдаланиб, улар назарида жиҳод қилиниши лозим бўлган барча-барчани: ўзга диндагиларни, ўзгача фикрловчиларни, дунёвий тараққиёт тарафдорларини, қисқаси, кўнгилларига ёқмаган барчани истисносиз тарзда кириб ташлаш имконини берар эди.

Террористик усулларни кенг қўллаган, мамлакат ҳаётини издан чиқариш ва шу орқали давлатни кучсизлантириш йўлини танлаган радикаллар 1992 йил баҳорида ўз талабларининг жиддийлигини яна бир бор намоён қилиб, расмий ҳокимиятнинг бир неча вакилларини гаровга олишди. Кейинчалик Тожикистон ва Афғонистон ҳудудидаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган бу кучлар мазкур мамлакатлардаги ҳарбий лагерларда тайёргарликдан ўтиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам бир қатор террористик жиноятларни содир этди.

Баъзи халқаро ташкилотлар Ўзбекистон ҳукуматини, гарчи АҚШнинг Давлат департаменти томонидан террористик гуруҳ деб эълон қилинган бўлса-да, Тоҳир Йўлдошев ва Жума Намангонийлар бошлиқ «Ўзбекистон ислом ҳаракати» билан музокаралар олиб боришга ундади. Лекин энг демократик давлат ҳисобланган АҚШ ҳам экстремистик, террористик гуруҳлар билан ҳеч қандай музокараларга киришмаслиги барчага аён-ку. Шу ўринда табиий бир савол туғилади: демократик давлатларнинг ўзлари террористик гуруҳлар билан музокарага киришмас экан-у, нега энди Ўзбекистон ҳукуматини ўз ҳудудида террористик ҳаракатларни амалга оширган гуруҳлар билан музокара қилишга ундайди? Шу муносабат билан яқин ўтмишимизга яна бир бор мурожаат қилишимиз ўринли. 1991 йилда Наманганнинг собиқ обком биносини босиб олган Жума Намангоний ва Тоҳир Йўлдош бошчилигидаги диний ақидапарастлар Президент И. Каримовни қуролсиз, соқчиларсиз – бир ўзини музокарага чақирган эди.

Шўролар тузумидан аламзада бўлган, шу боис ақидапарастларнинг ёлгон даъватларига ишонган минглаб беғуноҳ

кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, мамлакатда фуқаролик уруши алангаланишининг олдини олиш мақсадида Президент Ислом Каримов ёлғиз ўзи Намангандаги музокараларга боришга рози бўлган. Ўзингиз ўйлаб кўринг: қайси бир давлат бошлиғи, мамлакат қуролли кучларининг бош қўмондони бир ўзи, соқчиларсиз, ҳаётини гаровга қўйиб, кўзи қонга тўлган, жоҳил одамларнинг олдига кириб борган?

Обком биносида тўпланган, диний ақидапарастлар томонидан алданган минглаб одамлар «Оллоҳу акбар» деган ҳайкириқлар билан Президентни кутиб олган эди. Президентнинг ёлғиз ўзи келганини кўрган ва минглаб тарафдорлари қуршовида ўзини шербаччадек ҳис қилган Тохир Йўлдошев Президентга юқорида санаб ўтилган 15 та талабни қўйди. Ҳар бир сўзидан кейин оломоннинг «Оллоҳу акбар» деб ҳайкириши Т. Йўлдошевга гўё куч бағишларди. Президент Ислом Каримов ундан микрофонни тортиб олиб, ўта босиқлик ва қатъият билан оломонни бузғунчилик ва биродарқушлиқдан тўхтатиб қолди. Бинода тўпланган 10 мингга яқин оломон Президентнинг даъватини эшитгач, ўзининг қаттиқ алданганини тушуниб етади.

Бу воқеа ким марду, ким номард, ким халқ осойишталигини ўйлагану, ким ўз ўйинида халқни қўғирчоқ қилганини яна бир бор кўрсатди. Ўзингиз ўйлаб кўринг: алданиб, жаҳолат гирдобига кирган, кўзи қонга тўлиб жазавага тушган оломонни жиноятдан сақлаб қолиш учун ўз жонини гаровга қўйган Президент нима ҳақида қайғурипти-ю, хаёлий халифалик ўрнатиш йўлида минглаб кишиларнинг ҳаётини қонга ботиришга ҳам тайёр бўлган ақидапарастларга нима керак? Мамлакатнинг ҳуқуқ-тартибот органлари, қуролли кучлари унга бўйсунушига қарамай, бир ўзи минглаб аламзадалар орасига кирган давлат бошлиғи мардми ёки қуролланган шериклари ва эҳтирослари кўзини кўр қилган одамларнинг орқасига яширинган ақидапарастларми? Президент билан учрашгач, тўпланганлар Т. Йўлдошевдан юз ўтирганларидан кейин ақидапарастлар очикдан-очик жинорий ҳаракатлар, террористик актлар йўлига ўтиб олди.

Фитна, кўпорувчилик, популизм, калтабинлик ҳамда тажрибасизликнинг аралашмасидан иборат ўйинлар – буларнинг бари амалпараст гуруҳлар учун аслида битта мақсад, яъни ҳокимият тепасига чиқиб олиш йўлидаги найранглар эди. Бу ягона мақсад имконият туғилиши билан бир-бирини чоғга ағдаришга тайёр турган, лекин ҳозирча бир-бири билан вақтинчалик боғлиқликда бўлишдан манфаатдор турли кутблардаги инсонларни бирлаштиради. Айтилганидек, бир-бирига зид гояларни байроқ қилиб олган бу кучларнинг асли нияти – нима қилиб бўлса ҳам ҳокимиятга эга бўлишдир. Бу мақсадни амалга оширишда эса улар учун кўлланилган услубларнинг сира аҳамияти йўқ.

Моҳиятан ўрта аср феодал давлати бўлган «ислом халифалиги»ни қуриш мақсадида «ислом бирлиги» ғоясини байроқ қилиб кўтариш янгилик эмас. Бироқ ушбу эски «ашула»га ҳам ҳомийлик қилмоқчи бўлганлар чет элда истаганча топилади. Боз устига, мамлакат ичкарисида ҳам айрим ўзини мутахассис ҳисоблаганлар пайдо бўлиб қолдиларки, уларнинг даъво қилишларича, «ислом халифалиги» – Ғарб давлатлари асрлар давомида қура олмаётган мукамал демократия намунаси эмиш.

Бошқа томондан, сиёсат саҳнасида йўл топа олмаётган «Бирлик»чилар ҳам ўлмас кадрият – демократияни ўзига ниқоб қилиб олди. Ҳомийлар ёрдами учунгина демократик кадриятларни шиор қилиб кўтарган бу кимсалар гоҳ у иттифоқчи билан, гоҳ буниси билан тил бириктирар, гоҳида жангари миллатчилик ғояларини устувор билиб, гоҳида эса «асосийси ҳокимиятга эга бўлиш, қолгани бир гап бўлар» деган ўй-хаёллар билан фаолият юритар эди. «Бирлик»чилар 90-йиллардаёқ панисломизм, экстремизм ва демократияни бирлаштиришга ҳаракат қилган эди. Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўришимиз мумкин.

1990 йилнинг кузида америкалик бир журналист юртимизга ташриф буюриб, Фарғона водийсидаги исломий гуруҳлар ҳақида очерк ёзиш ниятини билдиради. У Наманганда қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлади. Наманган

шаҳрида журналист ислом радикаллари раҳбарларидан бири, ўша вақтларда шаҳардаги Гумбаз масжиди имоми бўлиб ишлаётган Абдулаҳаддан интервью олади. Ушбу масжид атрофида «ислом халифалиги»ни куриш истагида юрган ёш радикал-фаоллар тўпланган эди. Абдулаҳад ва унинг атрофида йиғилган «Адолат», «Ислом лашкарлари», «Тавба» гуруҳларининг аъзолари бажонидил интервью бердилар. Боиси, ақидапарастлар учун бундай интервьюлар муҳим бўлиб, шу орқали улар ўз ғояларини тарғиб қилар эди.

Интервью берувчилар журналистни «Бирлик» ҳаракати ва исломий радикал гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида уюштирилаётган учрашувлардан бирига таклиф қилади. Журналист бу учрашувда «Бирлик» раҳбари Абдурахим Пўлатовнинг Абдулаҳад ва унинг тарафдорларини армия билан, айниқса, зобитлар билан фаолроқ ишлашга ундаётганининг гувоҳи бўлади. Иштирокчилардан бири зобитларнинг аксарияти бошқа дин вакиллари эканини айтиб, уларни ўз томонларига оғдириб олиш қийин кечишини маълум қилганида, А.Пўлатов қуйидагича жавоб беради: «Армиянинг кўмагисиз жамиятда катта ўзгаришлар қилиб бўлмайди. Шу боисдан, қанчалик қийин бўлмасин, миллатидан қатъи назар, иложи борича кўпроқ ҳарбийларни зудлик билан мусулмон қилишимиз керак».

Ажабланарли жойи шундаки, кейинчалик эълон қилинган водий ҳақидаги очеркда айнан ўша учрашув тафсилотлари тушириб қолдирилган, балки журналист шу билан Пўлатовнинг обрўсини сақлаб қолишга уринган. Бирок факт фактлигича қолади. Ҳокимиятга эришиш йўлида ҳар қандай миллийликни бутунлай инкор этувчи панисломизмнинг миллатчилик билан, демократия ҳақидаги сафсаталар билан аралаштириб юборилгани шуни кўрсатадики, сиёсат улар учун шерикларга доимий хиёнатдан иборат бўлган ўйиндан бўлак нарса эмас.

Яна бир мисол. Амалпарастларнинг ноғорасига ўйнайдиган кишилардан бири – Абдуманноп Пўлатов шерик ва ҳомийни танлаб ўтирмайдиганлар хилидан. У 1993 йили АҚШдан туриб, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини «ҳимоя» қилмоқчи бўлади. А. Пўлатов ўша вақтлардаёқ гаровга олиш каби оғир

жиноятлари билан ўзларининг асл башараларини кўрсатиб қўйган «Адолат», «Тавба» экстремистик ташкилотларининг аъзоларини зўр бериб оқлашга, уларни жазодан олиб қолишга асосий эътиборини қаратади. Унинг таржимони, «Америка овози»да хизмат қилувчи афгон ақидапараст жангариси бу масалага доир суҳбатларни таржима қилаётганда дили яйраб кетарди. Абдуманнопнинг ҳомийси ва иш билан таъминловчиси билан танишадиған бўлсак, ғаройиб ҳолатнинг гувоҳи бўламиз. А. Пўлатовнинг фаолияти ўша вақтларда Мека Нафталин бошчилигидаги «Совет яҳудийларини ҳимоя қилиш лигаси» томонидан маблағ билан таъминланар эди. Бирок бундан на Абдуманнопнинг ўзи ва на унинг серсокол таржимони хижолат чекарди...

Шўролар тузуми даврида ўз олдиға қўйган мақсадини муваффақиятли амалға оширган мазкур ташкилотға ортиқча эътироз билдирмаган ҳолда, пул ва ҳокимиятнинг қудратига қойил қолмай иложингиз йўқ. Пул боғланмас ришталарни, яъни панисломизм ва сионизмни битта ип билан чамбарчас боғлай олибди.

Навбатдаги мисол бир вақтлар фаҳш хатти-ҳаракатлари билан машҳур бўлган, кейинчалик катта сиёсатда иштирок этишни истаб қолган «қулуғ ўзбек шоири ва қўшиқчиси» шахси билан боғлиқ. Катта эҳтирос эғаси бўлган бу кичкина одам ҳамма жойда из қолдиришға ҳаракат қилар эди: унинг учун билинар-билинмас бўлса ҳам майли, асосийси, из қолса бўлди эди. Бу қўшиқчи «тарихда ўчмас из қолдириш» мақсадида ўзининг ўта дабдабали номға эға бўлган «Туркистон ислом демократик партияси»ни ҳам тарғиб қилишға уриниб кўрди. Мутахассислар эса ҳанузгача «қандай қилиб панисломизм, пантуркизм ва демократияни битта байроқ остида бирлаштириш мумкин» эканиға тушунолмамай ҳайрон.

Ўзбекистонда ҳокимиятға талабгор бўлган кучлар орасида исломий шиорлар ортиға яширинган радикаллар, ўзини демократия жарчилари қилиб кўрсатувчи чаласаводлар, москвалик «катта оғалар»нинг этагини ўпиб юрган кўғирчоқ-коммунистларға хос умумий жиҳатлар ҳам бор. Хусусан, етакчиларининг манманлиги, жоҳиллиги, ҳокимиятға ўта

ташналоги, экстремизм ва бузғунчиликка интилиши бу кучларнинг барчаси учун хосдир. Бири «учига чикқан демократ», бири ўтакетган коммунист, бири такводор халифа бўла туриб, бу кучларнинг бирлашиб қолгани улар ҳокимият йўлида, керак бўлса, шайтон билан ҳам шерик бўлишга тайёр эканини кўрсатади. Бундай шайтоннинг шериклари қанчалик васваса қилсалар ҳам, бизни танлаган йўлимиздан адаштира олмайди.

ХАЛҚНИНГ ҚАДДИНИ ҒУРУР ТИКЛАЙДИ

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон фуқароларига «Сизга мустақиллик нима берди?» деган савол билан тез-тез мурожаат қилинаётгани ва бунга турли кишилар томонидан турлича жавоб олинаётганини кўряпмиз. Бу савол дафъатан жуда оддий, унча-мунча киши ҳеч қийналмасдан жавоб бериши мумкиндай туюлади. Аслида эса бу саволнинг салмоғи, ҳақиқий мазмун-моҳияти ҳар бир кишини ўйлантириши лозим. Чунки шу биргина савол бизни ҳамиша кечаги кунимиз ва бутунимизни, ютуғу камчиликларимизни, аламу шодлигимизни, армону шукронамизни, шўролар давридаги кунларимиз билан бутунги мустақиллик давримизни қиёслаб кўришимизга сабаб бўлиши керак. Фақат муқояса қилгандагина биз бутунги куннинг қадрига етишимиз мумкин. Бу қиёсда ҳар ким маънавияти, дунёқарашига яраша ўзига қулай бўлганини ёклаши ҳам бор гап.

Шўролар даврида ҳозирга қараганда тўқ, бадавлат яшаган, мансаби юқори, иши яхши бўлган кишилар замон ўзгариб ўша фаровонликларидан ажраб қолгач, ўтмишини қўмсаб юргани ҳам тушунарлидир. Кўп ҳолларда эса кишилар бу саволга, гарчи ижобий бўлса-да, ўз шахсий тақдири мисолидагина жавоб беришади. Лекин биз бу саволни ўзбекка миллат сифатида, яхлит бир халқ сифатида берадиган бўлсак, бу савол замирида ётган асосий мазмун-моҳиятни тўлиқ тушуниб етишимиз мумкин бўлади. Гапнинг очиғи – шўролар томонидан ривожланган социализм даври деб байроқ қилинган 70–80 йилларнинг ўрталарида биз миллат, халқ сифатида сал бўлмаса ўзлигимизни йўқотиш арафасида турган эдик, деб айтсак хато

қилмаймиз. Ўзлигимизни, ўзбеклигимизни, бошқа миллатлардан ажратиб турадиган хусусиятларимизни йўкатаёзган эдик. Ўз тилимизни «иккинчи она тили» – миллатлараро мулоқот тили бўлган рус тилига, динимиз, иймон-этикодимизни шўролар атеизмига, тарихимизни КПСС, совет ва рус тарихига, маданиятимизни, маънавиятимизни социалистик совет маданияти, шарқона ахлоқимизни коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексига алмаштириш даражасига бориб етган эдик. Айтаётган фикримиз қуруқ, исботсиз бўлмаслиги учун 80-йиллардаги конкрет воқеликка бир назар ташлайлик.

Ҳозирги кунда жуда кўп юртдошларимиз яқин ўтмишни гапирганда Гдлян, Ивановлар бошчилигидаги десантчилар олиб борган «пахта иши», «ўзбеклар иши»ни ҳақли равишда ғазаб ва нафрат билан эслашади. Гдлян ва Марказдан келган бошқа десантчиларнинг Ўзбекистондаги қонунга зид қилмишлари, зўравонлиги, жиноятлари қоралаб кўрсатилади. Лекин Марказдан нега айнан Ўзбекистонга «десант» юборилганлиги сабабини ҳеч қайсимиз чуқур ўйлаб кўрмаймиз. Ўша пайтларда кўшиб ёзиш, порахўрлик нафақат Ўзбекистон, балки бутун собиқ Иттифокни қамраб олганлигини биламиз. Ўшанда иттифокдош республикалар халқ хўжалигининг барча соҳаларида бу иллат мавжуд эди. Бундай бўлмасликнинг иложи ҳам йўқ эди, чунки унинг илдизлари Марказда эканлиги ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Кундан-кун ҳар жиҳатдан путури кетаётган, ҳаробага айланаётган, ёвузлик ва зўравонлик асосига қурилган бу социалистик тузум инсоният учун асли ёт эканлиги тобора аёнлашаётган эди. Ҳатто Болтиқбўйи мамлакатларининг ажраб чиқиш ҳаракатлари ошқор ойдинлашиб қолган эди. Қандай бўлса-да, бу таназзулнинг чорасини топиш керак бўлди (қайта қуриш, жадаллаштириш, ошқоралик, горбачёвча демократия шиорлари ўртага тушди. Булар бари юзадангина ўзгариш бўлиб кўринса-да, моҳият эса ўзгармай қолаверди). Бунга-ча шўро мамлақати бўйлаб юзага келган танг вазиятнинг, аслида мавжуд тузумга хос бўлган иллатнинг «айбдорлари» излай бошланган эди. Уларни дастлаб Ўзбекистондан топа бошлашди.

Нега Марказқўм синалган отамерос сиёсатини – ўзига тобе ўлкаларни, халқларни мудом қўрқув исқанжасида тутиб туриш, руҳан эзиш учун террор амалиётини айнан Ўзбекистондан бошлади? Бу мавзу муносабати билан айтилган кўплаб фикрларда ҳақиқат бор. Тўғри, бошлаб ҳудуди, аҳолисининг нуфуси катта, хўжалик кўлами кенг юртда ўтказиладиган «тозалаш тадбири»нинг ваҳимаси катта бўлиши кўзда тутилди. Бу катағон орқали шўро салтанати кучини пеш килиб қўйиш, унинг ваҳимасини, даҳшатини юракларга, онларга сингдириш, миллий онг шаклланишига йўл қўймаслик, миллий кадрларни синдириш ва йўқотишга қаратилган эди. Лекин, бизнинг фикримизча, десантчиларнинг айнан республикамизга юборилганининг асосий сабабини ўзимиздан кидиришимиз лозим. Аччиқ бўлса-да, лекин ҳақиқатни тан олиш зарур. Бу пайтда аҳвол шу даражага бориб етган эдики, миллий манфаат, ғурур, ўзликни англаш туйғулари, тушунчалари ҳақида гапирган киши жиноятчига чиқариб қўйиларди. «Пахта иши» ғарази билан кичик бир гуруҳ билан келган Гдлян ва Иванов бошлиқ «десантчилар» фаолиятини қўллаб-қувватлаб, «жиноятларни очадиган» кўшимча кучлар, партия, ижроия органлари, хўжалик ташкилотларига раҳбар кадрлар сўраб Марказга илтижо қилган раҳбарлар ўзимиздан чиққан эди. Террор ижрочилари гуруҳининг қонунсиз ва чекланмаган фаолиятига ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилди. Оқибат шу бўлдики, кундан-кун улғайган, иштаҳаси юҳо тортган махлук бу юрт хўжасининг ўзини ҳам домига тортиб кетди. Ўзимиздан чиққан маҳаллий мутахассислар эса Марказ десантининг назарига тушиш, мақтовини олиш учун берилиб хизматини қилишди. Дўппи сўрашса, койилмаком килиб бошни келтиришарди. Баъзи ҳолларда эса ўз хатти-ҳаракати билан улардан ўзиб кетишга уринган шоввозлар ҳам йўқ эмас эди.

Кенг халқ оммаси ўртасида десантчилар фаолиятини ёқлаш, уларнинг жасоратини, хизматларини тарғиб-ташвиқ қилиш борасида ҳам ўзимиздан чиққан раҳбарларнинг улуши катта бўлди. Бунга далил сифатида халқимиз бошида кечган ўша талотум замоннинг бир неча воқеасини қуйида хотирга оламиз.

Қирғин кампанияси авжига минган 80-йиллар ўрталарида ўша пайтлари республика Прокурори ўринбосари бўлган Гайданов ТошДУнинг юридик факультети профессор-ўқитувчилари ва студентлари билан учрашувга келди. Бу «адолатпеша жаноб» ҳам шу вақтлардаги нотавон раҳбарларнинг илтимосига кўра Ўзбекистонга тартиб ўрнатгани келганлардан эди. Гўё у халқ қаҳрамонидек гуллару қарсақлар билан кутиб олинди. Унинг таржимаи ҳоли таништирилганда ҳам, республикадаги аҳволни тафтиш қилган, «жиноятчилар»ни фош этган маърузаси чоғида ҳам бот-бот қарсақлар янграб турди. Учрашувда иштирок этаётганларнинг кўпчилиги таникли ҳуқуқшунослар бўлса-да, айбсиз кишиларга нисбатан қамакамаларнинг ноқонунийлиги, тергов фаолиятида қонунлар кўпол бузилаётгани тўғрисида рост гапни айтишдан ожиз эди. Ҳатто маърузачидан сўнг сўзга чиққанлар «десант»чилар фаолиятини ёқлаб, шарафли ишларида омадлар тилашди, зарур бўлса уларга ёрдам беришга шай эканликларини билдирди. Учрашувда сўз олган юқори курс талабалари эса Гдлян, Иванов ва Гайданов сингари одил ҳуқуқшунослар бўлиб етишиш орзусида юргани, улар билан бирга ишлашга ҳавасманд эканликларини ҳаяжон билан гапиришди...

Бундай учрашувлар бошқа ўқув масканларида, турли муассаса ва ташкилотларда тез-тез бўлиб турарди. Республикада ҳукмрон ҳолат, қалтис вазият мана шундай маънавий муҳитни яратди. Лекин бу билан биз ҳамма ҳам шу аҳволга тушиб қолганди, деган фикрни айтишдан йироқмиз. Ўша пайтда ҳам ҳақиқатга тик қараган, Гдлян ва Ивановларга қарши турган, мажбурий сўроқлар вақтида беғуноҳ кишиларни сотмаган мардлар ҳам бўлган. Айтмоқчи бўлган гапимиз шундан иборатки, раҳбари элдан йироқ, кўрқоқ ва ихтиёрсиз бўлганидан халқ, юрт ҳимоясиз қолган эди. Биз миллат сифатида, халқ сифатида анча букилиб қолгандик. Ўз кадримиз, ғуруримиз, ҳуқуқимизни ҳимоя қилишга қурбимиз етмай қолган эди.

Айтиш керакки, Марказдан юборилган терговчиларнинг ҳаммаси ҳам бирдек ўз манфаатини, ҳамёнини ўйловчи, доврुक, шов-шув қозониб обрў-амал шоҳсупасига интилган, шахсий ғарази йўлида инсон тақдирини писта пўчоқчалик

кийматга олмаган виждонсиз кимсалар эди, дейиш ҳам нотўғри бўлар эди. Шулардан бири «ўзбеклар иши»га жалб килинган Украина прокуратурасининг муҳим ишлар бўйича терговчиси Сухобрус ҳисобланади.

Ўша вақтларда Ўзбекистон Республикаси Прокурори бўлиб ишлаган Н. Бўрихўжаевни тийиб қўйиш Москва десантчилари учун керак бўлиб қолди. Шу ниятда унинг ўғилларидан бирига нисбатан сунъий жиноят иши кўзғатилган эди. Сухобрус бу ерга мана шу ишни олиб бориш учун чакиртирилган экан. Камина ҳам вақтида мана шу «жиноий иш» бўйича гувоҳ бўлишимга тўғри келган. Шу сабабли республика прокуратурасига чакирилган эдим. Белгиланган вақтда айтилган жойга бордим. Хонада икки маҳаллий кадр ўтирарди. Улар ўзларини республика ички ишлар вазирлигининг ходимлари сифатида танитиб, шу заҳоти менга ёлгон кўрсатма беришим тўғрисида тазйиқ ўтказа бошлашди. Уларнинг хатти-ҳаракати ва муомаласи, иш йўриғи шу даражада қўпол ва конунга зид эдики, бу ҳол ўша замоннинг тергов услубига хос хусусият эди. Мен уларга юридик фанлар номзоди эканим, бу ерга айбланувчи эмас, гувоҳ сифатида чакирилганимни айтдим, процессуал нормалар қўпол бузилаётгани ҳақида эътироз билдириб, кўрсатма беришдан бош тортдим. Шунда улар очикдан-очик кўркитишга ўтишди. Шу пайт хонага ўша Сухобрус кириб келди. Менинг эътирозимни ва ановиларга кўрсатма беришдан бош тортганимни билгач, энди ўзи мен билан конун доирасида ишни давом эттирди. Расмий ишлар тамом бўлгач, у киши билан республикадаги аҳвол ва бошқа масалалар тўғрисида шунчаки самимий суҳбатлашдик. Унинг гуруҳида ишлаётган курсдошим сабабли алоқамиз бир қадар яқинроқ бўлиб қолди.

У юқорида тилга олинган ишни тез кунларда объектив ҳал қилгач, десантчилар билан бу ерда ортиқ ишлашга хоҳиш билдирмай, Украинага қайтадиган бўлди. Кетиш арафасида оғайним ва мени Тошкент меҳмонхонасидаги номерига таклиф этди. Хонада Сухобрус, курсдош дўстим ва мендан ташқари яна икки маҳаллий кадр ҳам бор эди. Кузатув таомилига кўра, егулик-ичгулик ҳозирланди. Қадах сўзи Сухобрусга берилди. Унинг ўшанда айтган гаплари ҳеч қачон

ёдимдан чикмаса керак. Чунки унинг деганлари мустабид тузум шароити туғдирган, кишилар ва халқ умумруҳиятида, табиатида, зехниятида илдиз отиб улгурган ўша пайтлардаги иллатларимиз тўғрисидаги ҳақ гаплар эди. Хуллас, ўзбекнинг ғурурига тегадиган, нафсониятига ботадиган, юрагига наштар бўлиб санчиладиган аччиқ, аммо рост сўзларни айтганди у:

«Сиз ўзбеклар аҳмоқ халксизлар».

Дабдурустдан айтилган бу гапнинг баланд-пасти, даромадини мулоҳаза қилиб сукут сақлаб турганларга қараб тургач, сўзини давом эттирди:

«Сиз ўзбеклар икки қарра аҳмоқсизлар. Негаки, мен сизларни биринчи бор сўкканимда, ҳеч қайсингиз эътироз билдирмадингиз. Шунинг учун мен ҳақоратимни такрорладим. Агар сиз миллат сифатида бирлашмасангиз, ўзингизни ўзингиз химоя қилишни ўрганмасангиз, ўз ичингиздан ўзингизни бадном қиладиганлар, хоинлар йўқолмас экан, сизни миллат, халқ деб атаб бўлмайди. Сизларда бирлик, миллий ғурур, раҳбарлар ва халқнинг жипслиги йўқлиги сабабли Москва десантни айнан Ўзбекистонга ташлади. Агар менинг республикамга бундай десант ташланганида Гдлян, Ивановларга ўхшаганларнинг бундай иш тутишларига, шу қадар таҳқирлашларига раҳбарлар ҳам, украин халқи ҳам ҳеч қачон йўл қўймас эди...».

Яна бир мисол. Собик Иттифок парчаланиши арафасида хизмат иши юзасидан Вильнюс шаҳрида бўлган эдим. Шаҳарнинг одамлар гавжум жойларидан бирида ўрнатилган ҳажв сурат (коллаж)лардан бири ҳеч эсимдан чикмайди. Унда СССР халқ депутатлари съезди кўрсатилиб, залда ўтирган депутатларнинг ҳаммасининг бошига дўппи кийдириб қўйилган ва улар қайсидир бир масалани бир овоздан маъқуллаётгани тасвирланган эди. Ичимдан зил кетдим, аччиқ алам эди мени.

Ўша пайтдаги раҳбарларнинг Марказга «ҳа-лаббай»чилиги, ношудлиги, мутелиги, итоаткорлиги, энг ёмони, ўз манфаатини халқ манфаатидан, ўз тинчини юрт тақдиридан афзал билгани боис бошқалар назарида, фикрида ҳам бутун ўзбек халқи тўғрисидаги нохуш тасаввурлар, номуносиб тушунчаларнинг уйғонишига сабаб бўлмадимиз? 1989 йилгача юрт

рахбарлигига ҳақиқий йўлбошчи келмагунга қадар халқимиз ўша киргин-қатағон бўронида суринмадим!..

Орадан ўн йил ўтар-ўтмас – 1997 йили мустақил Ўзбекистонда Украина маданияти кунлари бўлди. Юртимизга келган Украина Республикаси вакиллари таркибида ҳукумат ва парламент аъзолари, таниқли маданият ва фан арбоблари, ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар бор эди. Улар суҳбатлар чоғида Ўзбекистонга, унинг халқига чин ҳавас билан қарашаётганини яширмадилар. Юртимиз эришган иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳадаги ютуқлар замирида миллий-маънавий асослар ётганини ва халқнинг ўз йўлбошчиси билан бирлиги, яқдиллиги бунга асосий омил бўлаётганини эътироф этишди. Тарихимизни, миллий кадриятларимизни қайта тиклаётганимиз, тилимизга, динимизга бўлган ҳаққоний муносабат, бир сўз билан айтганда, маънавиятимиз такомилли тўғри белгилангани боис бутун юксалиши билан ўзбекнинг, Ўзбекистоннинг номи, шон-шукухи дунё бўйлаб ўсаётганини тан олишди. Ўзбекистон танлаган йўл тўғри ва биз ҳам албатта сизлардан ўрнак олишимиз керак, дея ният билдиришди. Беихтиёр ўша алғов-далғов замонда Сухобрус билан кечган гаплар хотирга келади. Уни ҳам шу меҳмон вакиллар орасида кўришни, шу гапларга, эътирофларга гувоҳ бўлишини жуда-жуда хоҳладим шунда...

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида яқин тарихимизда шонли из қолдирган жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчиликка бағишланган халқаро анжуманда таниқли немис олимаси Ингеборг Бальдауф ва франциялик олим Шанталь Лемерсье-Келькёже жаноблари соф ўзбек тилида маъруза қилдилар. Шўролар даврида болалар богчасидан ҳукумат доирасигача ўрнини рус тилига бўшатиб берган, миллатимиз ўртасида сал бўлмаса маиший турмуш тилига тушиб қолаётган тилимизни бугун равнақ топиб, шундай нуфузли минбарларда халқаро илмий тил даражасига кўтарилаётганини кўриб қалблар фаҳрга тўлади.

Бизга «катта оға»лик қилиб келганлар ўз давлати ичида чуқур иқтисодий-сиёсий бухронни бошидан кечириётган, тинчлик, барқарорлик, бирдамликка эриша олмаётган бир

даврда юртимиздаги миллатлараро тотувлик, жамиятимиз ҳаётида кечаётган чуқур иктисодий-сиёсий ислохотлар боис яратувчанлик ишлари, эришилаётган натижалардан севиниб, барчамиз – ёшга қари «мен ўзбекман», дея ғурур билан айта олаётган вақтда ўша оғир йиллар сабоғини ёдда тутишимиз керак.

Қисқа, ўн йилга етар-етмас давр ичида миллатнинг миллат, давлатнинг давлат бўлиши, ҳеч қандай қон тўкишсиз мустақиллигимизнинг қўлга киритилиши, иродаси букилган, руҳан эзилган, таҳқиру маломатга қолган ўзбекнинг, Ўзбекистоннинг ғурури, шони, номининг қайта тикланиши қайси инсоннинг номи билан боғлиқлигини бирор лаҳза ҳам ёддан чиқармаслигимиз лозим.

ОГОҲ БЎЛАЙЛИК!

Республикамиз Олий Мажлисининг 1998 йил май ойида бўлиб ўтган XI сессиясида Президентимиз мамлакатимиз келажагига ташқи тажовуздан ҳам кўра тинчлигимизни ичдан бузадиган кучлар кўпроқ хавфли эканини таъкидлаб, шундай деди: «Бу жуда катта муаммо. Ўзбекистоннинг келажагига хавф солаётган, умуммақсадларимизни, орзу-ниятларимизни барбод қилиши мумкин бўлган, авлодларимизни хавф остида қолдирадиган катта таҳдид бу!».

Президентнинг бунчалар ташвишланиб билдирган фикрлари ҳаммани огоҳ қилиши, ҳушёрликка чорлаши керак.

Тинчлик-осойишталикни, миллатлараро ва ички миллий тотувликни таъминлаш, жамиятимиз ахлоқ нормаларини ҳимоя қилиш кимнинг вазифаси, деган савол туғилиши мумкин. Ҳозирда кўпчилик бу ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифаси, деган бирёклама фикрни баён этмоқда. Аслида, бу вазифа барча Ўзбекистон фуқароларининг муқаддас бурчи бўлмоғи зарур. Авваламбор, бу ишда зиёлилар асосий роль ўйнаши, халқни маърифат ва маънавият сари етаклаши лозим. Ахир олиму уламози ношуд, адибу шоири журъатсиз, фикрсиз, бошқа зиёлилари лоқайд ва ланж бўлган миллат ойдин келажак ҳақида орзу қилиши мумкинми?

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўнинчи йилида маънавий-маърифий, мафкуравий ишларни янада такомиллашти-

риш ва мазмунан янгилаш, уларга янги шакл бериш эҳтиёжи туғилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тарихий тараққиёт ҳеч қачон зиддиятларсиз кечмаган, жумладан, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб эскилик ва янгилик, жаҳолат ва тараққиёт ўртасида кескин мафкуравий кураш бормоқда.

Ўша илк кунлардаёқ баъзи бир «демократлар» ўзларининг ғаразли мақсади йўлида ёш давлатимизни бир неча бор фуқаролар уруши гирдобига тортмоқчи бўлди, фақатгина Президентимизнинг босиқлиги, халкимизнинг тинчлигини сақлаш йўлидаги қатъияти ва жасурлиги туфайли мамлакатимизда Тожикистондаги воқеалар такрорланмаслиги кафолатланди. Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, ўша хавотирли даврда халкимиз ўз Президентини яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. Халқ ғазабидан кўрққан газандалар очиқдан-очиқ исён чиқариш йўлидан қайтиб, панапастқамларга беркиниб ҳаракат қила бошлади. Уларнинг баъзилари эса қулай вақт келишини пойлаб ётди. Бундай кимсалар ўз тактикаларини ўзгартиришига яна бошқа жиддий объектив ижтимоий-сиёсий сабаблар ҳам бор эди.

Энг аввало, мустақилликнинг дастлабки кунларида манфур шўролар тузумининг халқ тақдири ва қалбида қолдирган жароҳатлари ҳали янги эди. Халкимиз собиқ совет тузуми шароитида ўзининг миллий ғурури ва манфаатлари, тарихий ва маънавий кадриятлари топталганини унутмаган эди. Бундай руҳий шароитда ўзбек халқининг мустақиллигига очиқдан-очиқ қарши чиқишга ғаразли кимсалар ботина олмади.

Мустақиллигимизнинг илк кунларига хос яна бир тарздаги воқеаларни албатта тилга олишимиз керак. Бизда мустақиллик галаба қозонган. Аммо собиқ шўролар тузуми охириги дамларини ва ўлим талвасасини бошидан кечираётганини пайқаган Марказ ўша дамларда ўз умрини чўзиш учун минг хил ҳийланайрангларни ишга сола бошлади. Бу қаллобликларнинг ҳаммасини санаб адоғига етиб бўлмайди. Биргина ўйлаб топилган «ўзбеклар иши» (ёки «пахта иши») деб аталмиш энг катта ва машғум ўйиннинг ўзи бу тузумнинг башарасини кўрсатишга

етарли далилдир. Аслида «ўзбеклар иши» Марказнинг бошқа халқларни ҳам исканжада ушлаб туришга ва уларнинг «кўзини очиб кўйиш»га қаратилган мудҳиш бир тадбири эди. Айни шу кўргиликларни бошидан кечирган халқни истиклол неъматларидан бебаҳра қилишга ҳар қандай уриниш ўзи учун хунук тугабини билган собиқ шўро мафкураси ва тузуми тарафдорлари ҳам пана-пасткамда писиб ётишга мажбур эди.

Энг муҳими, бизнинг мустақил ривожланиш йўлига кирганимизни кўрган собиқ Марказ раҳбарлари, янги Россиядаги баъзи бир калтабин, буюк давлатчилик шовинизми васвасасидан қутула олмаган сиёсатчилар бошқа халқлар қатори ўзбеклар ҳам барибир мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб боролмасдан яна Москвага бош эгиб келади, деб хомхаёл қилган эди. Бундай кимсалар, бизнинг орамизда ҳам топилар, аммо уларнинг дами ичида эди.

Объектив ҳаёт эса улар чиза бошлаган режаларнинг тамомила аксини кўрсатди. Ёш давлатимиз ўзи танлаган ҳуррият йўлидан дадил ривожланди, тез орада дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Халқаро сиёсий-иқтисодий ҳамкорликка фаол киришиб кетдики, эндиликда бу халқни орқага, яна қуллик замонларига қайтариш мумкин бўлмай қолди.

Мамлакатимиз Президенти мустақилликни сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш билан бирга, биринчи навбатда, унинг қонуний асослари яратилишига раҳбарлик қилди ва йил сайин бу жараёнга янги куч ва мазмун бағишлади.

Мустақилликнинг илк босқичидаёқ Президентимиз томонидан илгари сурилган ижтимоий-иқтисодий ривожланишимизнинг машҳур беш тамойили реал заминга таяниб ишлаб чиқилгани ва ҳаётий мазмунга эга эканини турмуш тараққиётининг ўзи исботлади.

Бизнинг ютуғимиз яна шунда бўлдики, навқирон янги давлатимизда иқтисодий-сиёсий ислохотлар билан бир қаторда, маънавий-маърифий ишларга ҳам устуворлик берилди. Зеро, инсон онгида, қалбида, шуурида ўзгариш ясамай туриб, унинг юрагига озодлик, ўзликни англаш туйғуларини жойламай туриб, қўл-оёғидаги қуллик кишанлари буткул узилганига

уни ишонтириб бўлмайди, озод ва обод давлат куриш ҳам муаммолигича қолаверади.

Шу боисдан бир неча ўн йиллар давомида топталиб, оёк ости қилиб келинган миллий ғуруримизни, маънавиятимизни, қадриятимизни, буюк маданиятимизни тиклаш, ўзликни англашга имконият яратиб бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жаҳон цивилизацияси тараққиётида ўзбек халқининг муҳим тарихий ўрнини кўрсатишга, шу билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро микёсдаги обрў-эътиборини мустақамлашга алоҳида эътибор берилди.

Бугун жаҳон ҳамжамиятида мустақил Ўзбекистон давлати катта мавқега эга. Президентимизнинг нуфузли халқаро минбарлардан маъруза қилиб илгари сурган салмоқли фикр ва таклифлари юксак сиёсий доираларда алоҳида диққатга сазовор бўляпти, дунёда ривожланишнинг «ўзбек модели» ҳақида гапирила бошлангани эса, табиийки, барчамизнинг қалбимизни ғурурга тўлдиради.

Жамиятда ўрнатилган тинчлик-тотувлик, осойишталик, миллатлараро иноқлик, миллий яқдиллик бизнинг энг катта ютуқларимиздандир. Бундан ташқари, мамлакат Президентининг миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги изчил саъй-ҳаракатлари ютуқларнинг асосий омилларидан бўлмоқда. Бундай шароитда халқимизнинг мамлакат иқтисодий қудратини юксалтириш ва ҳар бир оиланинг турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган яратувчи, ижодий ва кўп ҳолларда тадбиркорликка асосланган бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланиши учун кенг уфқлар очилди.

Албатта, ёш мустақил давлатимизнинг ана шундай даражасига қадамлари ва унинг шахдам ривожланиш йўлига тушиб олгани ғаразли кимсаларнинг ва «катта оғалик» ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, армон билан яшаётган зотларнинг пайтавасига қурт туширди. Энг ачинарлиси шундаки, бундай жирканч ниятли кимсаларга ўз орамиздан чикқан айрим мунофиқлар патак-пайтава бўлиб хизмат қилмоқда. Уларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб демократияни, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини «ҳимоя

килиш» никоби остида ҳокимиятни қўлга олишга уринган, ниятлари амалга ошмагач, хорижга қочиб, четдаги «ҳомий амакилар»нинг валютаси эвазига малайликни ўзига касб қилаётган кимсалар биринчи гуруҳга мансубдир. Улар халқимизнинг яратувчилик фаолиятдан узилиб қолган, ишлари сафсатабозлик ва тирноқ остидан кир кидиришдан иборат. Улар на сиёсат, на иқтисод бобида тайинли бирон мутахассисликка эга бўлгани ҳолда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни зўр бериб, чираниб танқид қилишга уринмоқда.

Хорижий диний ҳомийлар хизматига астойдил бел боғлаган, сохта «иймон софлиги» шиори остида садақа эвазига халқимизнинг диний, миллий ҳис-туйғуларини, ота-боболаримизнинг қабрларини, улуғ инсонларнинг табарруқ қадамжоларини топтаётган, мамлакатимиз ичида ихтилоф келтириб чиқаришга интилаётган диний-экстремистик кайфиятдаги бебош кучлар иккинчи гуруҳга мансубдир. Улар умрини яшаб бўлган чиркин акидаларни ўзларига дастак қилиб олиб, мамлакатимиздаги тинчлик, тотувлик, миллатлараро ҳамжихатликни барбод этиш, XXI аср бўсағасида миллатимизни тағин орқа асрларга, иқтисодий-сиёсий, маънавий қолоқлик қаърига улоқтириш пайидадир.

Улар диний ақидапарастлик билан никобланган кимсалардир, асл ниятлари эса юртга эга бўлиб, халқимизни асрий куллик ва жоҳилия замонларига қайтаришдир. Ватан равнақи, халқимизни дунёнинг энг илғор ва юксакликка кўтарилган миллатлари қаторида кўриш тушунчалари, мустақиллик ва ўн йиллар давомида интиқ бўлиб кутган ҳамда эришаётган орзу-умидларимиз улар учун мутлақо беқадрдир. Таассуфки, жоҳилликни маърифат деб билган бу кимсалар мусулмонни мусулмонга қарама-қарши қўймоқда, ота-оналар ва фарзандлар ўртасида нифоқ туғдирмоқда. Дунёдаги энг қимматли неъмат бўлмиш инсон ҳаётини ўзининг манфур сиёсий кирдикорлари йўлида сарик чақага олмаяпти. Ўз ёвузликларининг бегуноҳ қурбони бўлган кишилар, уларнинг бева хотинлари, етимлик кулфатига учраган фарзандлари ва муштипар оналарнинг кўз ёшлари бундайлар учун мутлақо аҳамиятсиздир.

Учинчи гурухга мансуб бўлмиш, эски шўролар даврида юқори мансаб ва имтиёзларга эга бўлган, бир умр коммунистик мафкурага дастёрлик қилган, суяк-суягига шу мафкуранинг кули бўлиб қолган коммунистик ақидапарастлар учун ҳам мамлакатимизнинг равнақидан кўра, унинг таназзулга юз тутиши «кувончлирок»дир.

Президентимиз мустақилликнинг дастлабки кунларида, эски гина-кудуратларни четга кўйиб, биргаликда янги мустақил Ўзбекистон давлатининг равнақи учун курашайлик, деб шиор ташлаган эди. Бу чакириқдан сўнг бадният гурухлар очик курашга ботина олмай, боши берк кўчаларда юрдилар. Йиллар ўтиши билан эса эски давру давронлар қайтиб келмаслиги уларга янада кўпроқ аён бўла бошлади. Бу уларнинг оромини туну кун ўғирламокда.

Афтидан, бундай тоифалар hozирга келиб сувлар сепилиб, излар босилди, деб ўйлашди, шекилли, тагин унда-бунда гимираб қолишди. Уларнинг айна кунлардаги гапининг аввалгисидан фарқи шундаки, эндиликда умуминсоний кадрятлар, миллий маданият, манфаатлар ҳақидаги ваъзхонликларини марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларидан кўчирмалар билан эмас, балки улуғ аждодларимизнинг меросидан дидсизларча ва илмий таомилга риоя қилмасдан, узиб-юлиб олинган иқтибослар билан изоҳлашмокда. Юқорида келтирилган фикрларга исбот тариқасида турли анжуманларда сиёсатнинг ҳавосини олган айрим «академик»ларимиз ва «дин пешволари» ҳамда табиати номукамал баъзи зиёлиларимизнинг билдираётган фикрларини далил қилиб келтиришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда бундай «халқ фидойилари»нинг ўз чиркин мақсадларига эришмоқлари учун ҳеч қандай ижтимоий-сиёсий ва тарихий замин йўқ, албатта. Лекин бундай ҳаракатларга хотиржамлик билан қараб ўтириш гоҳида нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам зинҳор эсдан чиқариб бўлмайди. Чунки ганимларимиз бизнинг лоқайдлигимиз, бепарволигимиздан фойдаланиб, ўтиш даврининг табиий қийинчиликларини рўқач қилиб, баъзи ёшларимизнинг шаклланиб улгурмаган онгига ўзининг қабих мақсадларини синг-

диришга ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун ҳам ёшларимизни ақидапарастликка тортишга қаратилган ҳар қандай уринишларни, хоҳ у диний бўлсин, хоҳ коммунистик бўлсин, барибир келажакимизга бўлган хиёнат, деб баҳолашга тўғри келади. Чунки диний ақидапарастлик ҳам, коммунистик ақидапарастлик ҳам таракқиётга, мустақиллигимизга, ўзлигимизни англашга, миллий ғуруримиз ва шууримизга қарши қаратилган бўлиб, бизларни кимларнингдир қўлидаги кўғирчокка айлантириши мумкин. Шунинг учун бундай оғишларга қарши кураш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг XI сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Демак, биз энди ҳар хил диний ва сохта мафкуравий тамойиллар билан никобланган ўзбошимчаликларга қарши курашни қонуний асосга қўйиш имкониятига эга бўлдик. Сессияда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов сўзга чиқиб, жойлардаги давлат, адлия органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлари, олий мактаб, халқ таълими, маданият ходимлари олдига ислом фундаментализми, экстремизм, миссионерлик кўринишлари, олга қараб қилаётган ҳаракатимизга тўсик бўлиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб бориш вазифаларини қўйди. Бу вазифаларни бажаришда биз асло лоқайдлик ва масъулиятсизликка йўл қўймаслигимиз керак.

Бизнингча, олдимизда яна бир муҳим вазифа турибди. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг мустақиллик мафқурасини ишлаб чиқиш, уни ҳаётга кенг татбиқ этишга эҳтиёж тобора кучлироқ сезилмоқда. Бу мафқуранинг асоси Президентимизнинг асарларида кўрсатиб берилган бўлиб, унинг негизи бизнинг миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз ва хусусиятларимизнинг умумбашарий демократик тамойиллар билан узвий уйғунлашувидан иборатдир.

Бизнинг мустақиллик мафқураимиз мустамлакачилик даври мафқурасидан тубдан фарқ қилмоғи лозим. Мустамлакачилик мафқурасининг – коммунистик мафқуранинг замини, асоси бўлмаган, у фақат бир қарашда чиройли, олийжаноб,

аслида эса зўрлик билан дунёни ўзгартиришни мақсад қилиб олган ҳаёлий ғоялар, сафсата назариялар асосида бунёд бўлган. У бизнинг кадриятларимизга, анъаналаримизга, урф-одатларимизга ёт мустабид тузум мафқураси эди.

Бундан фарқли ўларок, мустикаллик мафқураси ўзликни англашга, кадриятларни тиклашга, яхши анъаналаримизни авайлаб-асрашга, миллатимизнинг маънавиятини кўтаришга, миллий хусусиятларимизни умумбашарий демократик тамойиллар билан оқилона уйғунлаштиришга қаратилган мафқурадир. Бу мафқура ўз мазмун-моҳиятига кўра, коммунистик мафқуранинг барча саркитларидан, ҳар қандай кўринишларидан буткул холи бўлиши лозим.

Мафқуранинг кучи – қандай гоёни ким, қай усулда омманинг онгига етказиб бера олишида намоён бўлади. Миллий мафқура халқнинг орзу-умидлари, истаклари, урф-одатлари, кадриятларига мос тушади, лекин уни оммага етказишда ношудлик, нўноклик, сусткашлик қилинса, мафқура халқ онгига, юрагига етиб бормаса, у қоғозда қолиб кетаверади.

Ҳозирги кунда баъзи мафқурачиларимиз, маънавият-маърифат соҳасида ишловчи арбобларимиз эскича шакл ва усуллардан фойдаланишга чақирмоқдалар. Албатта, биз ўша шўролар тузумидаги баъзи бир шакл-усуллардан фойдаланишимиз мумкин. Биринчи навбатда, масалан, ўша даврдаги мафқурачиларнинг ҳақиқий фаоллиги, дадиллиги, кўпроқ омманинг ичига кириб бориши, ўз ғоясини ўтказишдаги қатъиятидан. Асосий вазифаси элга зиё тарқатиш бўлмиш зиёлларимизда шу дадиллик ва жасорат, фаоллик етишмайди. Айрим раҳбарларимиз эса пана-панада, бировнинг орқасига ўтиб ишлашга ўрганиб қолишяпти.

Шу ўринда табиий савол туғилиши мумкин. Халқимизнинг урф-одатларига, миллий хусусиятларига, хоҳиш-иродасига зид бўлган коммунистик мафқуранинг асоратлари баъзи кишиларимиз онгида сақланиб қолганининг сабаби нимада? Асосий сабаб – шўролар мафқураси ҳам сиёсий, ҳам давлат ҳокимиятини қўлида ушлаб турган коммунистик партиянинг зўрлаш апаратига асосланганидир. Бу мафқура халқнинг туб манфаатларидан узок бўлгани учун унинг қалбига кира

олмайди, бироқ атрофлича, узлуксиз, изчил қатъият билан олиб борилган мафкуравий кураш, тарғибот-ташвиқот ақл-идрокларни захарлади ва унда муайян ўзгаришлар ясади.

Бизнинг миллий мафкурамиз давлатнинг зўрлик аппаратига асосланмаслиги, таянмаслиги лозим. Чунки бу мафкура халқимизнинг орзу-умидларига, ўй-фикрларига асосланган бўлиши, уни умумхалқ мақсадига айлантириш учун, биринчи навбатда, давлат механизми ўрнига зиёлиларимиз, жамоат ташкилотларимиз, жамгармаларимиз кўпроқ ҳаракат қилиши керак.

Қолаверса, ҳозирги мафкурачиларимизда миллий мафкурамизнинг мазмун-моҳияти, унинг теран миллий манбалари ҳақида тўла тушунча йўқ. Бир ҳақиқатни унутмаслик керак: ҳар қандай мафкура миллий асосга эга бўлган вақтдагина, у нафақат одамларнинг онгига, балки юрагига ҳам етиб боради. Чунки тарихнинг ўзи кўрсатди: давлатнинг зўрлик аппаратига асосланиб, бир неча авлод онгига мажбуран тикиштирилган шўролар мафкураси бир силқинишда чок-чокидан сўқилиб кетди.

Бизнинг ўз миллий тизимига эга бўлган миллий мафкурамиз шўролар мафкурасидан фарқ қилиб, ҳар қандай силқинишлардан сўнг, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларини жиқлаштиришга хизмат қилиши керак. Мустақиллик бизга шу имкониятни яратиб берди.

Ҳар қандай ривожланаётган жамият, давлат барибир муайян кўринишдаги ўз мафкурасига, миллатни бирлаштирувчи ва олға ундовчи ғоялар заминига эга бўлади. Бусиз ҳар қандай давлат ва жамият эртаги кечми инқирозга дуч келади.

Бинобарин, давлатнинг миллий мафкураси асосида сиёсий партиялар ва ташкилотлар ўз мафкуравий ишларини амалга оширади. Сиёсий партиялар сони қанча бўлишидан қатъи назар, уларнинг асосий вазифаси умуммиллий, умумдавлат мафкурасини ҳаётга у ёки бу шаклда татбиқ этишдан иборатдир. Улар шу мақсадда турли усуллардан ва йўллардан фойдаланиши мумкин. Аммо моҳият битталигича қолиши керак. Шунинг учун ҳам хорижий мамлакатларда мамлакат тепасига қайси партия қилишидан қатъи назар, давлатнинг асосий ички ва ташқи сиёсатининг моҳияти сезиларли ўзгармайди.

Шу ўринда Америка Қўшма Штатларида «америкача яшаш тарзи»дан фахрланиш, уни бутун дунёга олий идеал сифатида ёйиш ҳар бир америкаликнинг ҳаёти мазмунига айланганини эслаб ўтиш жоиздир. АҚШда ҳокимият тепасига республикачилар ёки демократлар партияси келадими, бундан қатъи назар, «америкача яшаш тарзи»нинг афзалликларини сақлаб қолиш ҳамиша бош мақсадлигича қолаверади.

Миллий мустақиллик мафқурасини шакллантириш, бойитиш ва унинг ҳаётимизда устувор бўлишига эришишда мамлакатимиз илмий жамоатчилиги алоҳида куч-ғайрат кўрсатиши лозим. Шунингдек, бу жабҳада республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази, «Камолот», «Маҳалла», «Нуроний», «Олтин мерос» жамғармалари, Хотин-қизлар кўмиталари сингари жамоат ташкилотлари фаол камарбаста бўлиши зарур.

Лекин, таассуфлар бўлсинки, улар ўзига юклатилган вазифани ҳозирги кун талаблари даражасида олиб боролмаяпти. Ушбу ташкилотларнинг ишларида ҳали ҳам қандайдир ҳадиксираш, бепарволик ва лоқайдлик сезилади. Миллатнинг кейинги тақдири билан боғлиқ бўлган масалаларга ҳар қандай бепарволик ва лоқайдлик кейинчалик бориб Ватан ва мустақилликка нисбатан хиёнатга олиб бориши мумкинлигини тушуниб етмоғимиз лозим.

Шуни айтиш керакки, миллий мафқура бўлмаган ёки ғоявий бўшлиқ бор жойда бу бўшлиқни, хоҳлаймизми-йўкми, жамиятнинг соғлом таракқиёти учун зарарли бўлган оқимлар эгаллаб олади. Бир қарашда ҳатто беозор бўлиб кўринадиган, турмушимиз учун ёт оқимлар ва маслаклар таракқиётимиз йўлига ғов бўлиши, ёшларни дунёвий илм олишдан, илғор миллатлар сафида бўлишга интилишдан чалғитиши мумкинлигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Президентимиз ХI сессиядаги сўзлаган нутқида худди ана шу муаммога жамиятимизнинг эътиборини қаратди. Айрим вилоятларимизда юз берган кўнгилсиз воқеалар бунинг далилидир.

Шу сабабли бугунги кунда олиб бориладиган маънавий-маърифий, мафқуравий ишларни янада такомиллаштириш ҳамда уни шаклан ва мазмунан янгилаш зарурати ҳар қачонгидан кўра долзарброк аҳамият касб этмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, бизнинг бу фикрларимиз баъзилар учун бироз кескин, ҳатто бўрттирилгандай бўлиб туюлиши мумкин. Модомики, гап ота-боболаримиз орзу қилган, кимлар етиб, кимлар етолмаган мустақилликни кадрлаш, ёшларнинг қалбида ўз Ватани мустақиллигига фидоийлик хис-туйғуларини тарбиялаш, Ватан ва авлодлар тақдири ҳақида борар экан, кўтарилган масалага бошқача ёндашиш мумкин эмас, деб ўйлаймиз.

Президентимизнинг деярли ҳар бир нутқида буюк аждодларимизга содик авлод бўлишга, Ватан истикболи учун курашчи ёки жонқуяр бўлишга даъват сўзларининг қуюнчаллик билан янграётгани бежиз эмаслигини дил-дилимиздан тушунадиган вақт келди.

«Мустақилликни мустаҳкамлаш учун мен нима қилдим?», деган савол кундалик ҳаётимизнинг бош талабига айланиши керак. Энг асосийси, биз фақат бугуннинг ташвиши билан эмас, балки Ватан қудратини ошириш, уни обод қилиш истаги билан яшашни ҳаётимизнинг мақсади ва мазмунига айлантира боришимиз зарур. Зотан, бу бизнинг миллий хусусиятларимиздан келиб чиқади. Халкимиз болаларининг бахти, келажаги учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш ташвиши билан яшайди. Уларни яхши қийинтиришга, едириб-ичиришга, уйли жойли қилишга, ўқитишга интилади. Халкимизнинг ана шу ажойиб фазилати мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз мазмунига мазмун қўшади, куч-қувват бағишлайди. Шунинг учун ҳам бугун осойишталигимиз, тараққиётимизга ҳалақит бераётган турли кўринишдаги ақидапарастларнинг ёшларимизнинг мурғак онгига таъсир кўрсатишига қаратилган ҳаракатларига чек қўйиш вақти келди. Неча ўн йиллар давомида ота-боболаримиз орзу қилиб келган мустақилликка эришганимиз пайтида тарих бизга шундай имконият яратган экан, бу муқаддас озодлигимизга қарши чиқаётган ҳар қандай очик ва яширин тажовуз ва таҳдидлардан огоҳ бўлишимиз лозим. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, «биздан озод ва обод Ватан қолиши» учун бор куч-ғайратимизни ишга солиб, мустақиллик ғоясига чин дилдан хизмат қилишимиз керак.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА МАФКУРАЛАР КУРАШИ

Мустақиллигимизни қўлга киритгандан кейинги яқин ўтган йиллар ичида айрим вилоят ва шаҳарларимизда бўлиб ўтган баъзи экстремистик гуруҳларнинг жиноий ҳаракатларини, айниқса, бу жиноятчиликнинг энг юқори кўриниши сифатида 1999 йил 16 февралда пойтахтимиз Тошкентда юз берган қонли воқеаларни эҳтиросларга берилмасдан яхшилаб таҳлил қиладиган вақт келди. Оммавий ахборот воситалари – телевидение, матбуот, радио орқали фаолларимиз, оддий фуқароларимиз, жамоат ташкилотларининг вакиллари ўз чиқишларида бу қабих жиноят ижрочилари, ташкилотчиларига ўзларининг нафрат ва ғзабларини ифодалаб, Ўзбекистон мустақиллигининг қафили бўлган Президент атрофида янада жипсрок бирлашиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда. Юз берган жиноятлар нафақат ўзбек халқини, балки жаҳон афкор оммасини ғзабга келтирди. Президент номига жаҳондаги қарийб барча давлат раҳбарларининг ёзган хатларида, телефон орқали билдирган фикрларида бунини сезиш мумкин. Бу фикрлар диний террористларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари жаҳон жамоатчилигини ҳам ташвишга солаётгани, Президентимизнинг мардона сиёсатини, унинг ўзи танлаган сиёсатида собитқадамлиги ва мардлигини қўллаб-қувватлаётганлиги, мамлакатимиз йўлбошчиси раҳбарлигида олиб борилаётган сиёсатнинг тўғри эканини жаҳон тан олганидан далолат беради.

Энди бўлиб ўтган воқеаларнинг сабаблари, мақсади, моҳияти, оқибатларини чуқур таҳлил қилиб, бундай жиноятларнинг бошқа такрорланмаслиги учун қилинадиган тадбирларни белгилаб олиш, йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш ва уларнинг такрорланмаслик тадбир-чораларини яхшилаб ўйлаб кўриш керак. Зеро, мана бу савол ҳаммамизни бирдек ўйлантирмоғи лозим: 16 февралда бўлиб ўтган фожиали воқеалар тасодифий эдими ёки олдиндан пухта уюштирилган жиноятми?

Оғир ҳақиқат бўлса ҳам шуни тан олишимиз керакки, бу жиноятлар мутлақо тасодиф эмас. Чунки Президентимиз

мустақилликка эришган дастлабки кунларимиздан бошлаб бизнинг хавфсизлигимиз ва озодлигимизга таҳдид кўрсатувчи энг асосий хавфлардан бири сифатида диний экстремизмни кўрсатиб келмоқда. Президентимизнинг фикрларида бу хавфнинг мавжудлик сабаблари, мазмун-моҳияти очик-ойдин кўрсатилган.

Мавзуга доир материал

Тергов ва судда сўрок қилиниб, баённома ва видеотасмага туширилган кўрсатмалари судда муҳокама қилинган жиноий уюшма раҳбарларидан хисобланган Б. Абдуллаев, З. Аскарлов, К. Зокиров, О. Болтаевларнинг тан олишидан маълум бўлишича, улар 1997–1998 йиллардан Истанбул, Боку, Кобул ва Техронда бўлиб ўтган Т. Йўлдошев, С. Мадаминов ва бошқалар иштирокида уюштирилган учрашувларда иштирок этишган. Бу учрашувларда Ўзбекистонда «жиҳод»га даъват қилиш ва унинг тарафдорларини кўпайтириш, жиноий уюшма аъзоларини чет эл ҳарбий лагерларида ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш, жиҳодий ҳаракатлардаги таркокликларни бартараф қилиш, ҳарбий тайёргарликка юборилаётган йигитларнинг сонини ошириш, 1999 йил баҳор ойларида Ўзбекистондаги мавжуд тузумни «қуроли жиҳод» йўли билан ағдариб, ислом давлати қуриш, бунинг учун Тошкент шаҳри ва Фарғона водийсида террористик ва кўпоровчилик ҳаракатлари содир қилингандан кейин Т. Йўлдошев ва Ж. Ҳожиёв жангарилари билан Ўзбекистонга бостириб кириш мақсадлари режалаштирилган. С.Мадаминов бу жиҳодий ҳаракатлар учун 1.600.000 АҚШ доллари ажратишга ваъда берган. Бўлажак давлатда С. Мадаминов раҳбар, Т. Йўлдошев мафкура ишлари бўйича, Ж. Ҳожиёв ҳарбий ишлар бўйича масъул бўлиши ҳақида келишилган.

Лекин шу вақтгача биз бу хавфни мустақиллигимиз учун қанчалик огир, зарарли эканини тушуниб етмасдан келдик. Тан олишимиз керак, фақат Президент – йўлбошчининг ўзигина бу хавфга қарши собитқадамлик билан курашди. Шунинг учун ҳам 16 февраль куни суиқасд шахсан Президентга қарши уюштирилгани бежиз эмас.

Келинг, узокқа бормасдан бир йил аввал Наманганда бўлиб ўтган воқеаларни эслайлик.

Мавзуга доир материал

Аҳоли ўртасида маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларига нисбатан ишончсизлик уйғотиш ва уларни кучсиз қилиб кўрсатиш мақсадида жиноий уюшма аъзолари 1991 йил 8 декабрь куни Халқ депутатлари Наманган вилоят совети ижроия комитети биноси олдида норасмий митинг уюштириб, ИИБ ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмай, бинони «ислом уйига айлантирамиз», деб эгаллаб олишган. Кечаси шаҳар кўчаларида норасмий юришлар қилиб, фуқароларни ўзларига қўшилишга даъват қилганлар. Эртасига эрталаб вилоят ижроия комитети биноси ёнидаги майдонга фуқароларни тўплаб, Т. Йўлдошев сўзга чиққан, митинг иштирокчиларини давлат бошқаруви идораларига бўйсунмасликка, «Ислом маркази» уюшмаси аъзоларига эргашишга ҳамда Наманганни «Исломобод»га айлантиришга даъват қилган.

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан жиноятчиликка, жумладан, диний экстремистик характердаги жиноий уюшмаларга қарши кураш кучайтирилгани натижасида 1992 йил март ойида жиноий уюшма раҳбарлари Т. Йўлдошев ва Ж. Ҳожиевлар чет элга чиқиб кетишнинг белгиланган тартибини бузиб, Тожикистон Республикаси ҳудудига ўтиб яширинган.

Т. Йўлдошев ва Ж. Ҳожиевлар Тожикистон Республикасининг қонуний ҳукуматига қарши жанглarda иштирок этаётган мухолифат кучларига ёлланиб, Ўзбекистонда конституциявий тузумни ағдариб, ислом давлати қуриш учун жангарилар тайёрлаш ҳақида улар билан ўзаро жиноий тил бириктирган. Шу мақсадда Фарғона водийси ва бошқа вилоятларда қолган тарафдорларини «жиход»га тайёргарлик кўриш учун Тожикистонга олиб ўтиб, «Наманган батальони» тузишган. Т. Йўлдошев ўзини Ўзбекистондаги жиҳодий ҳаракатларнинг «амири» деб эълон қилиб, Ж. Ҳожиевни эса мухолифатнинг дала қўмондони этиб тайинлаган.

1992 йил 22 август куни Т.Йўлдошев ўзининг тарафдорлари билан фуқаролар уруши давом этаётган ва қурол-аслаҳаларни қўлга киритиш учун қулай бўлган Афғонистон давлатига Тожикистон Республикаси Қўрғонтепа вилояти, Қумсангир туманидаги «Айкуль» чегара заставасининг 122-белгисидан қонунсиз равишда ўтиб кетиб, Ўзбекистонда ўрнатилган конституциявий тузумга қарши кураш олиб бориш мақсадида Афғонистоннинг шимолий ҳудудларида ўзбекистонлик жиноий унсурлардан иборат ҳарбий дала лагерларини ташкил этади.

Суд мажлисида сўрок қилинган жабрланувчи У. Эргашев, Х. Исмоилова, М. Раҳимов, Т. Турсунбоев, Н. Абдуллаев, З. Бўрибоев, Т. Қодиров, А. Жакпаров, М. Саидов, С. Фозилова, А. Жўраевларнинг кўрсатмаларидан маълум бўлишича, 1991–1992 йиллар давомида Т.Йўлдошев бошчилигидаги жиноий гуруҳ аъзолари уларни уриб-қийнаб, ўзларининг қароргоҳларида ноқонуний ушлаб турган, аслида содир қилмаган жиноятлари учун асоссиз равишда тухмат қилиб, улардан тамагирлик йўли билан пуллар олиб, фуқароларнинг кадр-қимматини асоссиз равишда камситган ҳамда Наманган шаҳрининг турли жойларида қонунсиз митинглар ўтказиб, ислом давлати қуришга даъват қилган.

Гувоҳ Х. Сатимов судда 1991 йил 2 августда Наманганда унинг томонидан «Адолат» уюшмаси ташкил қилиниб, низоми ишлаб чиқилгани, аммо низом Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтмагани, Т.Йўлдошевнинг мақсади Ўзбекистонда исломий давлат қуришдан иборат бўлгани, Намангандаги митинг ва ўзбошимчаликлар Тоҳир Йўлдошев томонидан уюштирилгани, унинг томонидан ташкил қилинган «Ислом лашкарлари» ҳақиқатан ҳам қонунга хилоф ишларни қилиб, кишиларни сабабсиз жабрлаб келганини кўрсатди.

Суд мажлисида сўрок қилинган гувоҳ В. Эгамбердиев 1990 йилда «Уйчи» кўчасида жойлашган «Гумбаз» масжидига катнаб, у ердагилар топшириғи бўйича Тошкент шаҳрига кўп марта бориб келгани сабабли, уни Т.Йўлдошев «Ислом уйғониш ҳизби»га раис қилиб тайинлагани, «Ислом уйғониш ҳизби»нинг асосий мақсади Ўзбекистонда ислом давлати ўрнатиш бўлгани ҳақида кўрсатма берди.

Гувоҳлар Р. Ҳожиёв, А. Ҳайдаров, Қ. Солихонов, М. Солиевнинг тергов давридаги кўрсатмаларига кўра, улар 1990 йилдан бошлаб Т. Йўлдошев бошчилигида тузилган гуруҳга аъзо бўлиб, Қашқадарё вилоятининг Касби туманида уч кун Т. Йўлдошев билан биргаликда «ислом давлати қуриш» ҳақида даъват қилиб келганлар. Шундан сўнг «Тавба», «Ислом лашкарлари» гуруҳлари тузилиб, шу гуруҳ аъзолари Покистонда 4 ой мобайнида «Давлат-Таблих амаллари»ни ўрганиб келишган. Уларнинг мақсади Ўзбекистонда, қолаверса, ер юзида ислом давлати қуриш, Қуръон ҳукмларини жорий қилиш бўлиб, гуруҳ аъзолари «Байтулмол» жамғармасига пул ажратганлар. Т. Йўлдошев Намангандаги даъватчилар гуруҳини бошқариб, уни «амир» деб аташган.

Эътибор берсак, буларнинг барчаси Тошкентда содир этилажак асосий жинойт олдидан тайёргарлик эканини тушунамиз. Ўша воқеаларда ҳам бир неча бегуноҳ кишилар ўлдирилди. Наманган воқеаларидан кейин ҳам жамоатчилик, фаоллар, оддий фуқаролар бу хунрезликларга қарши ўз нафратини билдирди. Кўплаб фаоллар йиғилишлари ўтказилди, матбуотда мақолалар эълон қилинди, телевидение ва радиода чиқишлар бўлди. Ҳуқуқ-тартибот органлари ўша воқеа иштирокчилари бўлган жинойтчиларни тутдилар ва улар қонуний жазоларини олди. Айримларда шунинг ўзи билан чеклана қолайлик, ҳатто, баъзан жинойтчиларга берилган жазо чоралари жуда қаттиқ эмасми, деган фикрлар ҳам бўлди. Бу борада, айниқса, хорижий мамлакатлар мухбирлари юртимиздаги ҳақиқий аҳволни билмасдан инсон ҳуқуқларини асраш ниқоби остида ўша жинойтчиларни ҳимоя қилишга ҳам уриндилар. Ватанини сотган, ҳозирда хорижда юрган ватанфурушлар ҳам шу жумлага киради. Шуларга қарамасдан кўпчилигимизни бепарволик, лоқайдлик чулғаб олди.

Мисол тариқасида Президентимиз билан биргаликда миллатимиз, мустақиллигимиз тақдирига жавоб берадиган Олий Мажлис сессиясида виждон эркинлиги тўғрисида қонунни қабул қилишдаги муҳокамани эсга олайлик. Депутатларнинг чиқишларида эҳтиросли гаплар, қонун нормаларини кўллаб-қувватлаш ва экстремизм хавфи тўғрисидаги

умумий гаплардан нарига ўтилмади. Ўшанда Президент қайта сўз олиб, бу қонуннинг қанчалик аҳамиятга эга экани, диний экстремизмнинг хавфи, унга енгил муносабатда бўлиш мумкин эмаслиги тўғрисида залда ўтирган депутатларни ҳам, бутун ўзбек халқини ҳам яна бир қарра оғоҳ қилишга мажбур бўлган эди. Юртбошимиз бу масалага ўзининг дунёга машхур «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари» асарида яна бир қарра тўхталди, қарийб ҳар бир чикишида бу хавф тўғрисида оғоҳлантирди. Биз эса, яна қуруқ умумий гаплар, Президент сўзларини қайтариш билан чекланиб қолавердик.

Тошкент воқеалари бизнинг кўзимизни очиши зарур. Ўзбекларда «кўр ҳассасини бир марта йўқотади», деган мақол бор. Биз бир неча марта йўқотдик ва шундай давом эттаверадиган бўлса, энди мустақиллигимизни йўқотиб, келажак авлод нафратига учрашимизни ҳам унутмаслигимиз лозим.

Душман ўзининг ким эканини, ўз мақсадларини очик кўрсатди. Мустақиллигимиз, халқ, миллатга қарши уруш эълон қилди. Энди биз қурашга киришар эканмиз, йўл қўйган хато ва камчиликларимизни чуқур ўрганишимиз, ўзимизнинг қучли ва қучсиз томонларимиз, хавф-хатарларнинг ўзига хос жиҳатларини билиб олишимиз зарур. Чунки ҳеч қайси қўшин душман тарафидаги маълумотларни билмай туриб, урушга киришмайди.

Шуни очик айтишимиз керакки, ғанимларимиз бизни обдан ўрганишган, бизнинг қучли ва қучсиз томонларимизни яхши билишади ва жиноий ҳаракатларида бундан усталик билан фойдаланмоқда. Келинг, душманнимизнинг имкониятлари нимада эканлигини бир ўйлаб кўрайлик.

Биринчидан, уларга хорижий мамлакатлардаги «доҳий» лари томонидан жуда қучли молиявий, сиёсий, мафкуравий ёрдам берилмоқда. Хориждаги бундай «доҳий»лар учун ўзбек миллатининг келажаги, тақдири, мустақиллиги бир пулга қиммат. Улар ўзларининг мақсади йўлида адашган ватандошларни (уларни шундай аташ мумкин бўлса) қўғирчоқ қилиб ҳар йўсинда ўйнатишга тайёр. Улар қўлига тушиб қолган ёшлар ўз фикри, онгига эга бўлмаган «зомби»ларга айланиб

қолган. Улар, биринчи навбатда, ўзининг инсоний, миллий ҳис-туйғуларини йўқотади. Бундай хулоса чиқаришимизга сабаб – қандайдир мавҳум исломий халифалик ғояси учун ўз ватани, халки, ота-она, опа-сингил, биродарларини киши қандай сотиши мумкин? Ёки қайси акли расо ўзбек отасига, ака-укасига, ўз Президенти ҳаётига суикасд қилиши мумкин?

Хориждаги саховатпешаларнинг молиявий салоҳияти манбаини нималар ташкил этади? Мана бир мисол: маълумотларга караганда, дунёда «жиҳод банкири» деб ном олган Усама бин Ладен Саудия Арабистони фуқароси бўлиб, назорат қилаётган капитали бир миллиард долларга яқиндир. Унинг турли хорижий мамлакатларда 60 га яқин фирмаси мавжуд. 1996–1998 йилларда мингга яқин жангарини тайёрлашда молиявий ёрдам берган. Фақатгина Марказий Осиё ва Кавказ учун мужоҳидларни тайёрлашга йилига 150 миллион доллар маблағ ажратмоқда. Иккинчи молиявий манба – бу гиёҳванд моддаларни етиштириш ва сотиш натижасида олинадиган даромаддир. Ҳозирги кунда ҳаммага маълумки, наркобизнес Афғонистон, Тожикистонда жуда авж олиб кетган. Бу ерлар дунёдаги энг хавфли нуқталардан бирига айланиб қолди. Афғонистонда бир килограмм қора дори 100 доллар турадиган бўлса, Москвада у 10000 доллар туради. Европа мамлакатларида эса бундан ҳам қиммат. Шунинг ўзидан наркобизнес билан шуғулланаётганлар бу кимсалар исломга зид бўлган ҳаром йўл билан қанча фойда олаётганини тушуниб етса бўлади

Қизиги шундаки, ислом ақидапарастлари мусулмон учун ҳатто тамаки чекиш ҳам гуноҳ деб ваъз ўқиса-да, лекин ўзлари гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариб, сотиб, шу йўл билан бойишдан парҳез қилиб ўтиришмайди. Наркобизнес тўғрисида гапирганда шуни эслатиб ўтмоқчимизки, Афғонистон, Тожикистонда тайёрланган гиёҳванд моддаларнинг дунё мамлакатларига тарқалишига Ўзбекистон асосий тўсик бўлмоқда. Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, чегарачилар, божхона ходимлари ва бошқалар транзит йўли билан гиёҳванд моддаларни Ўзбекистондан олиб ўтилишига қарши туну кун курашаётгани ва бу соҳадаги ютуқлари ҳозир ҳаммага маълум. Бу ишда ҳам Президентнинг

роли қандай эканини ҳамма тушунади. Шунинг учун ҳам Юртбошимизга ислом экстремистлари томонидан уюштирилган суиқасднинг буюртмачиларидан бири гиёҳванд моддалар савдоси вакиллари, деб тушуниш мумкин.

Иккинчидан, ғанимларимиз, уларнинг чет элдаги хомийлари ҳозирги ўтиш даврининг табиий қонунияти бўлган баъзи бир етишмовчилик, камчиликлардан ва иқтисодий қийинчиликлардан усталик билан фойдаланишмоқда. Лекин улар бу жараён табиий эканлигини, бир тузумдан, айниқса, тоталитар совет тузумидан демократик тузумга ўтишдаги қийинчиликларнинг табиийлигини тан олгиси келмайди. Қизиғи шундаки, уларда ўта реакцион тарздаги сиёсий мақсадлар ўртага кўйилган бўлса-да, ҳеч қандай иқтисодий мақсадлар илгари сурилмаган. Уларнинг сиёсий мақсади пойдеворини «Ислом – бизнинг динимиз, Қуръон конституциямиз, жиҳод – йўлимиздир», деб ислом экстремизмининг отахони бўлган ал-Биннанинг айтган гапларида кўришимиз мумкин. Бу исломий экстремизм мафқурасида сиёсий масалалар юзаки, бир-бирига зид тарзда баён этилади. Иқтисодга оид масалалар кўтарилмайди ҳам. Баъзан улар феодал тузум давридаги иқтисодий муносабатларни такрорлайдиган айрим фикрларни кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилади. Улар ҳозирги иқтисодий қийинчиликларни оғиз кўпиртириб танқид қилса-да, ўзларини халқнинг манфаатини ўйловчилар қилиб кўрсатса-да, асосий мақсади – ҳокимиятга чиқиб олса, иқтисодий қийинчиликларга чоралар кўриш ўрнига «сабрли бўлинг, Худо берса яхши бўлади, бу Тангрининг синовиди» деган ақида билан одамларни алдаб вақт ўтказишдан нарига ўтолмайди. Ҳолбуки, Худо ҳам ҳаракат қилган бандасига ризк беради, ўшани ўзига яқин кўради.

Уларнинг аниқ сиёсий-иқтисодий дастурлари йўқлиги, сиёсий масалаларда нўноқлиги сабабли ўз муҳолифлари билан ҳеч қачон очик демократик усулларда кураша олмайди. Улар ўзининг нўноқлигини билган ҳолда курашнинг демократик усулларидан бош тортиб, турли жиноий, махфий ишларга зўр беришади. Бу «дохий»ларнинг қарийб барчаси ўз ватанидан қочган, ўз ватанида қидирилаётган жиноятчилардир. Биз

уларга қарата шундай савол бермоқчимиз: агар сен ҳақиқий ислом тарафдори бўлсанг, ислом кадриятларини тиклаш мақсадинг бўлса, нега ислом эъзозланадиган ватанингдан қувғинда юрибсан? Нега ўз ғояларингни ўз миллатинг, ватандошларинг ичида тарқатмасдан, бошқа мамлакатларда бузғунчилик қилиб юрибсан? Нега сенлар этагини тутган ислом давлатларида аҳолининг аҳволи аянчлигу, нима сабабдан илм-маърифат, тараққиёт йўлидан кетаётган ислом давлатларида аҳолининг турмуш тарзи сенинг мафқуранг билан кетаётган давлатларникига қараганда солиштириб бўлмайдиган даражада юқори? Нега энди мустақилликка эришган, ўз миллий кадриятларини, диний урф-одатларини қайта тиклаётган ўзбек халқи, унинг тупроғи сенинг манфур ғояларинг учун жангтоҳ бўлиши керак?

Учинчидан, улар бизда ташкилий жиҳатдан йўл қўйилаётган камчиликлардан усталик билан фойдаланмоқда. Биз фақат фаоллар билан ишлаймиз. Аслини олганда, онги шаклланган, қатъий нуқтаи назари бўлган фаоллар билан ишлаш катта натижа бермайди. Аксинча, жамоат ташкилотлари фаоллари ва зиёлилар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, ўзининг шахсий позициясига эга бўлмаган кишилар билан кўпроқ ишлаши зарур.

Наманган воқеаларидан кейин бўлгани сингари Тошкентда юз берган машъум жинойтлардан сўнг ҳам ўтказилаётган йигилишлар асосан фаоллар йигилишидангина иборат бўлиб қоляпти. Кўп ҳолларда бундай фаолларимиз фақат мажлисларда микрофон олдида, журналист қаршисида фаолу, лекин уларнинг аниқ амалий ишларидан дарак йўқ. Тўғри, учрашувларда воқеаларга муносабат билдириб, умумий гаплар кўп айтилади, баъзан йўл қўйилган камчиликларни ҳам бўйнимизга оламиз. Лекин ўша заҳоти қилинган ишлар, эришилган ютуқлар тўғрисида мақтанишни бошлаймиз ёки баъзи етишмовчиликлар ҳақида айюҳаннос соламиз. Бунга мисол қилиб яқинда бўлиб ўтган бир йигилишдаги маҳалла оксоқолининг чиқишини кўрсатиш мумкин. У ўз сўзида маҳаллалар диний экстеримизмни йўқотишда асосий куч бўлиши, кишилар бу хавфдан доимо огоҳ туриши, баъзи

тадбирлар ҳақида гапира туриб, сўзининг индаллосида бу ишларни муваффақиятли амалга ошириш учун маҳаллаларга кўпроқ эътибор бериш лозимлигини айтиб, ишнинг яхши йўлга қўйилмаганига маҳаллада лаган, идиш-товоқ ва бошқа жиҳозлар етишмаганини сабаб қилиб кўрсатди... Энди ўйлаб кўринг, мамлакатимиз мустақиллигига, Президентимиз ҳаётига суиқасд қилинган бир вақтда бизнинг диний экстремизмга қарши курашимиздаги ношудлигимизни лаган, қозон-товоқ етишмаслигига боғлаб оқламоқчи бўламиз.

Ёки яна бир мисол. Ўша мажлисда республика миқёсидаги катта жамоат ташкилотлари раҳбарларидан бири диний экстремизмга қарши ўтказилган тадбирларга мисол тариқасида республика раҳбарияти томонидан берилган топшириққа биноан, Тошкент воқеаларида вафот этганларнинг жанозаларида иштирок этганини келтириб ўтди. Ахир бу сизнинг жамоат ташкилоти раҳбари сифатидаги вазифангиз эмас, инсоний бурчингиз-ку, дейдиган одам йўқ!

Мана бу жиҳатга ҳам эътибор берайлик. Ёшларимизни оила, маҳалла, боғча, мактаб, ўрта ва олий ўқув юртларида ўн йиллаб ўқитамиз, тарбия берамиз. Бу ишда кўплаб жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, ижтимоий жамғармалар, маҳаллалар иштирок этади. Лекин шунча жамоат ташкилотлари, фаолларнинг ўн йиллар давом этган ишидан кўра узоғи билан ярим йил, бир йилда бузғунчи муллаваччалар томонидан тарғиб қилинган ҳавойи гоёлар ёшларимизга кўпроқ таъсир кўрсатаётгани сабабини ўйлаб кўришимиз керакми-йўқми?

Бизнингча, баъзи ёшларимизни бу чаласавод муллалар таъсирига тушиб қолиш сабабларидан бири ўша шўролар тузуми давридаги коммунистик мафкура билан диний ақидапарастлар мафкурасининг бир-бирига яқинлигидадир. Бир қараганда, бу мафкуралар бир-биридан узоқ ва бир-бирига қарама-қарши. Лекин уларнинг асл мақсади ва қўллайдиган усуллари бир-бирига жуда яқин. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг мактабларимиз, олий ўқув юртларимизда таълим тизимини бир кунда тамомила ўзгартириш мумкин эмаслиги табиий ҳол. Ўқитилаётган дарсликлар, ўқитувчиларимиз ҳам ўша шўролар мафкураси-

ни ўзига синғдирган кишилар экани ҳам сир эмас. Биз ўша даврлар – мустақилликнинг дастлабки кунларида таълим тизимига чуқур ўзгартишлар кирита олмадик. Мустақиллик шарофати билан шўролар мафкураси ўрни маълум муддат бўшаб қолди. Бу бўшлиқдан ғанимларимиз баъзи жойларда унумли фойдалана олишди. Коммунистлар мафкурасидан ўрин олган, барчага маълум «бутун дунёда коммунизм қурамиз» деган ғоя ислом халифалиги барпо қилиш ғояси билан ўзгартирилди. Большевик ақидапарастларининг бутун дунёни бирлаштириш ғояси дунёдаги мусулмонларни бирлаштириш ғояси билан ўзгартирилди. Коммунистик манифест, партия программалари ақидапарастлар бузиб кўрсатаётган ғоялар, шариат қоидалари билан ўзгартирилди. Коммунистларнинг синфлар ўртасидаги антагонистик қурашлари ҳам ғайридинлар, Аллох йўлидан қайтган мусулмонларга қарши қураш ғояси билан ўзгартирилди.

Бу иккала ғоя, мафқуранинг мазмун ва моҳият жиҳатидан бир-бирига яқинлиги ёшларга уни ўзлаштириш имкониятини осонлаштирди. Яна таъкидлаймиз, диний ақидапарастлар ўзларининг асосий душманлари қилиб коммунистларни кўрсатсалар-да, ўз ғояларини амалга ошириш методларини бир-биридан ўрганишади. Лекин ўзбек мақолида таъкидланганидек, «оқ ит, қора ит, бари бир – итдир».

Агар виждонан айтадиган бўлсак, маҳалла оксоқоллари, масжид имом-хатиблари, мактаб ва бошқа таълим масканларининг ходимлари (биз бу ерда ота-оналар тўғрисида гапирётганимиз ҳам йўқ) бундай кишилар кимлар эканини англаб етиши қийин эмас. Оддий мисол: ҳеч қаерда ўқимай, ҳеч қаерда ишламай, фойдали меҳнат, ҳаттоки, тижорат билан шуғулланмасдан, яхши кийиниб, еб-ичиб, ҳар доим чўнтагида пул билан масжидлар атрофида айланиб юрган ёшларнинг бу маблағни қаердан олгани шубҳа туғдирдирмаслиги мумкинми ахир? Ёки ишламай, ўқимай, дайдиб юрган фарзандларининг уйга пул ёки буюм олиб келиши ота-оналарни ташвишлантirmайдими? Маҳалла-қўйда ўтказилаётган турли маросимларда иштирок этмайдиган ёшлар маҳалла фаоллари назаридан четда қолиши ҳам табиий. Ҳеч қандай диний илмга эга бўлмаган

ёшларнинг ҳақиқий исломга қайтиш тўғрисидаги гаплари ёки қизларимизнинг ҳижобга кириши уларни бу йўлга кимлар тарғиб этаётганини билдирмайдими? Лўнда қилиб айтсак, аслида ким билан ишлаш кераклигини яхши биламиз. Лекин жойларда ўтказилаётган маърифий-тарбиявий йиғилишлар, суҳбатлар, тадбирларга айнан ўша – чакирилиши керак бўлган ёшларни чақирмаймиз. Чунки улар бу тадбирларни бузиб қўйиши мумкин, деган фикрда юрамиз. Бу билан фақат ўзимизни алдаётганимизни тушунмаймиз.

Биз манфур ғояларни илгари сураётган муллаваччаларни саводсиз дейишимизга сабаблардан бири – дунёвий билимларга нисбатан диний билимларни эгаллаш кўп вақтни талаб қилишини ҳамма яхши тушунади. Олий дунёвий билим дипломини олиш учун узоғи билан олти йил ўқилса, олий диний билимлар дипломини олиш учун эса саккиз-ўн йил керак. Бу муллаваччалар эса ярим йилда Куръони каримни «ўзлаштириб», мутахассис бўлиб қолаётганига нима дейиш мумкин? Улар бу билан муқаддас динимиз, Куръон, ҳадисларга нисбатан беписандлик, ҳурматсизлигини кўрсатмоқда.

Баъзида диний экстремизмга қарши курашда диний билимларни кучайтириш керак, ёшларга боғчадан бошлаб олий ўқув юртларигача ўқув тизимида диний билимларни ўргатиш керак, деган мулоҳазаларни ҳам эшитиб қоламиз. Биз бундай таклифларга умуман қаршимиз. Сабаби – ким ёшларимизга диндан сабоқ беради? Кечаги атеистларми ёки бугунги чаласавод муллами?

Бизнинг фикримизча, ёшларимизга, аввало, миллий мафкураимизни, кадриятимизни ўргатишимиз, дунёвий билимлар беришимиз зарур. Биз уларнинг ғоясини ўз ғоямиз билан енгизишимиз керак. Чунки бизнинг мафкураимиз кўп асрлик миллий кадриятларимиз, урф-одатларимизга асосланган. Агар муҳолифларимиз ўз хатти-ҳаракатларини Куръон суралари, ҳадислар билан исбот қилишга уринса, улар билан диний масалаларда диний уламоларимиз, шу соҳанинг етук мутахассислари курашиши мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, улар билан оддий ҳаётий саволлар воситасида ҳам курашиш

мумкин. Масалан, кани, айтинг-чи, Тошкент воқеаларида бегуноҳ қурбон бўлган 13 кишининг ўлимини қайси муқаддас диний китоб билан асослаб бериш мумкин?! Бегуноҳ инсонлар ўлимига сабабчи бўлиш, ота-оналарни фарзандидан жудо қилиш, фарзандларни етим қолдириш исломнинг қайси қоида-амалларига тўғри келади? Ким нариги дунёда жаннат ёки дўзахда бўлади: бегуноҳ ўлдирилганларми ёки уларнинг қотилларими?.. Муқаддас исломда, Қуръони каримда, ҳадиси шарифларимизда бу саволларга аниқ-равшан жавоб бор.

Ўрни келганда диний уламоларимизга айтадиган айрим аччиқ гапларимиз ҳам бор. Зеро, уларнинг бир қисми масжид, мадраса хужраларида ёшларга таълим берилаётганида бу ёшлар эътиқодга тортилаётганини кўриб хурсанд бўлишгани ҳолда, бу эътиқод тўғри шакллантирилмоқдами, фарзандларимизга ким нимани ўқитяпти, қандай ўқитяпти, нима мақсадда таълим бeryапти, бунинг оқибати нима бўлади... деб ўйлаб ҳам кўришмаган. Лекин ўзлари йўл очиб берган бу жараённинг зарарли оқибатларини кўргандан кейин яна жим бўлиб, сукут сақлаб тураверишди...

Диний экстремизмга қарши курашда қатъият етарли эмас. Ҳолбуки, инсон онгини эгаллашда қатъият бўлмаса, фақат умумий сўзлар билан ёшларни тўғри йўлга бошлаш мумкин эмас. Бунинг учун, энг аввало, экстремизмнинг ҳар қандай кўринишига қарши собитқадамлик ва қатъият билан изчил курашишимиз зарур. Биринчи навбатда, ақидапарастлик касалига чалинган одамларни даволаш лозим.

Фикрларимизни Президентимиз айтган ушбу сўзлар билан яқунламоқчимиз: «**Бир нарсани англаб олайлик, азиз ватандошлар! Мустақил Ўзбекистон ўз истиқлолини, ўз озодлигини ҳимоя қилишга, турли қўпоровчи ҳаракатларга муносиб зарба беришга, минтақага қурол ва аслаҳаларни киритишга йўл қўймасликка – ҳаммасига қурби ва қудрати етарли бўлиши зарур... Сизларни, сизлар орқали барча ватандошларимни хушёрликка даъват этмоқчиман**».

УЧИНЧИ ФАСЛ

ЧИН ЎЗБЕК ИШИ

Биринчи боб

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

ҚИЗИЛ АЖДАҲО КОМИДА

ёхуд ривожланган социализм «неъматлари»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқида мамлакатимизни демократлаштириш билан боғлиқ муҳим вазифаларни белгилар экан, жумладан, шундай деди: **«Биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад тенгсиз олий неъмат – мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, химоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади».**

Бирок Юртбошимизнинг юрагидан отилиб чиққан бу хитобнинг қанчалик долзарблигини ҳаммамиз ҳам тўла англаб етаяпмизми?

Тўғри, ўн икки йиллик мустақил ҳаёт даврида биз унинг неъматларига анча кўникиб қолдик. Бундан фақат қувониш керак, албатта. Лекин, Президентимиз таъкидлаганидек, мустақиллик «осмондан тушган шунчаки неъмат эмас». Истиқлолимиз кўп йиллик курашлар, беҳисоб қурбонлар, минглаб кишиларнинг изтироблари ҳосиласидир. Ана шу туфайли ҳам шўролар даврида кўрган-кечирганларимизни унутишга мутлақо ҳаққимиз йўқ.

* * *

Навоий ҳазратлари ўз салтанати устунларини зулм лойи билан қурган подшоҳларни беҳисоб ганж устида ётган аждаҳога, бундай ҳукмдорлар қўл остида хизмат қилишни эса, аждаҳонинг ҳар сонияда бир ютиниб ямлаб юбориши мумкин бўлган очофат оғзида кун кўришга қиёслаган эди.

Чор Россияси ҳокимиятини ағдариб, тарих саҳнасига чиққан шўролар ўзларини на подшоҳ ва на император деб

аташар, аксинча, янги русум номлар билан омма қаршисида адолатпарвар ҳукумат ролини ўйнашарди. Бироқ, номлар ҳар қанча ўзгартирилмасин, моҳият ўша-ўшалигича қолган, байроғидан тортиб майдонигача қон рангини олган салтанат коми мутгасил равишда қурбон талаб қиларди.

Аллома шоир Ғафур Ғулом:

«Тақдирин қўл билан яратур инсон,
Ғойибдан келажак бахт – бир афсона»

деганди. Бугун ўзбек миллати ҳам ўз тақдирини ўз қўли билан яратиш ҳуқуқига эга бўлган экан, бу ҳуқуқни қўлда сақлаш, ундан тўла ва мукамал фойдаланиш масъулияти ҳар бири-мизнинг зиммамиздадир. Зеро, ғойибдан келажак бахтни – кимдир қачондир келиб бизга нимадир қилиб беришини кутмоқ ҳам, бошқа бир афсонани – кимдир қачондир келиб бизга нимадир қилиб берганини соғиниб-қўмсаб ўтирмоқ ҳам ўзини ҳурмат қилган миллат учун ор саналади.

Афсуски, қатта авлод вакиллари орасида, уларнинг дурагайлашган тили билан айтганда, «ностальгияга берилаётган», ўзимизнинг жайдари тилимиз билан айтсак, хўрлик қунларини йиғламсираб қўмсаётган кимсалар ҳам, онда-сонда бўлса-да, учраб турибди. «Йўқолган пичоқнинг сопи тиллодан» эканини зўр бериб исботлашга уринаётган бундай кишилар наздида шўро ҳукумати ўта халқпарвар, камбағалпарвар, адолатпарвар, инсонпарвар ва яна нимапарвардир бўлган.

Инсоний ҳаёт кадрини дўкондаги қолбаса нархига қиёслаб ўлчайдиган бу одамлар, айниқса, ўтган асрнинг 70–80-йилларини айрича энтиқиш билан қўмсашади, бу паллани, «ўзимиз сезмай ўтказиб юборган коммунизм даври», деб аташни хуш кўришади. Мустақиллик даврида ошқор бўлган тарихий ҳақиқат – биродарқушлик уруши ва қолхозлаштириш сиёсати, 30–50-йиллардаги қатағон даври, Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги очарчилик, 80-йилларда «пахта иши» билан боғлиқ равишда ўтказилган сўнги қатағон қирдикорларидан толадек нур топа олмаган бу кимсалар, «ривожланган социализм йиллари»ни шўро давлатининг қонли тарихидан алоҳида ажратиб эслашга уринадилар. Улар айни давр билан

боғлиқ бошқа шафқатсиз фактларни эслашдан зўр бериб кочишади.

Хўш, ўша «коммунизм йиллари» миллатнинг тили, дили, қалби не ҳолга солинганди? Нима учун Марғилонда тўқилган атласни ўзбек Масковдан бориб олиб келар ва бунинг учун «чайқовчи» тамғасига эга бўларди? Декабрнинг охирига қадар даладан қайтмай, олти миллион тонна пахта етиштирган ўзбекнинг косаси нега оқармасди? Бу халқнинг бошига нега тонналаб бутифос сепиларди? Унинг жигари ириб оққан фарзандлари хунига ким жавобгар бўлади? Ҳар йили тонналаб олтин қазиб топширган миллатнинг номи нима учун «бокиманда» аталди?! «Дарё-дарё қабул қилиб, томчи-томчи улашадиган» Иттифок раҳбарларининг «сизлар бизларсиз мутлақо яшай олмайсизлар», деб уқтиришларини қандай тушуниш мумкин эди?

Агар эҳтиросга бериладиган бўлсак, юқоридаги сингари саволлар ўз-ўзидан «қайнаб чиқаверади». Бирок бугун биз учун ўзаро савол талашиш эмас, балки бошимиздан кечган барча кўргуликларнинг асл моҳиятига етиш, уларни ақл элагидан ўтказиб, тегишли сабоқ чиқариш муҳимроқ туюлади.

* * *

Чор мустамлакачиларидан идора пештоқидаги ёзув билангина фарқланадиган шўролар иттифокчи республикаларга нисбатан ўзининг хўрлов ва зўрлов сиёсатини узлуксиз равишда ўтказган. Фақат бу сиёсат шундай маккорона усулда амалга оширилганки, асл моҳият оддий халқ кўзидан панага яширилиб, ҳар қандай ҳаракат шу халқ манфаати йўлида қилинган иш сифатида тақдим этилган.

Марказ барча республикаларни ўз панжасида ушлаб туриш мақсадида, миллий кадрларни бошқариш масаласига айрича диққат билан ёндашган. Ўз мақсадига етишиш учун эса ҳеч қандай қабих усуллардан ҳам қайтилмаган. Ўзи чизган чизикдан чиқмайдиган, лаббайгўй, ҳамма масалада «есть!» дея честь бериб туришга тайёр кадрларни тайёрлаш сиёсатида комсомол ва партия мактабларида ўқитиш, Марказдан «вакиллар отряди жўнатиб ёрдам бериш», комфирканинг

республикалардаги барча иккинчи секретарларини Масковдан юбориш сингари тажрибалар очик, расмий йўл ҳисобланса, маҳаллий кадрларни бир-бирига қарши қўйиш, қайраш, амал-этибор ваъдалари билан авраб, турли гуруҳларга бўлиб юбориш ва уларнинг бирлашишига йўл бермаслик пинҳона усуллар саналарди. Ҳатто ҳозирги кунгача ўз таъсирини йўқотмаган маҳаллийчилик иллатлари ҳам, аслида, айна ўша сиёсат маҳсулидир. Бунда турли ҳудудлардан етишиб чиққан кадрларни бир-бирига гиж-гижлаб, бирини рағбатлантириш эвазига бошқасига пишанг бериш кенг тарқалган усул ҳисобланган.

Шўро ҳукуматининг охириги даврларда ўйлаб топган разил усулларида яна бири шу эдики, аввал маҳаллий раҳбарият вакиллари ўртасида бир-бирига қарши кайфият вужудга келтирилиб, кейин ҳокимият тепасида турган ўз миллатдошидан норози бўлганлар Марказга ишга чақириларди. Улар орқали эса республикада қолган «норозилар»дан амалдаги раҳбарият ҳақида «компрогат» йиғиларди. Бунинг давоми сифатида «Марказга чақирилган одам тез орада республикага раҳбар бўлиб боради», деган овозалар тарқатиларди. Марказга борган кадрнинг эса юртдаги раҳбариятни обрўсизлантириш ишига ёрдам бериши гўё қарздек ҳисобланарди.

Ўз навбатида маҳаллий раҳбарлар ёдига «шамол бўлмаса, дарахтнинг учи кимирламайди», деган мақол солинар, улар Марказдаги юртдошининг «кирдикорларини» фош этиш, уни ёмонотлик қилиш кампаниясига тортиларди. Қарабсизки, бу сафар ҳам «сопи ўзидан чиқар» – ҳар икки томондан тайёрлаб берилган «ўта муҳим материалларга» эга бўлган Марказ республика раҳбарияти, демак, бутун ҳаёти тизгинини янада қаттиқроқ қўлга олар, улардан мавриди келганда максимал тарзда фойдаланарди.

Гапимиз курук бўлмаслиги учун ўша «ривожланган социализм йиллари» юз берган, ҳозирга қадар тарихчиларимиз, жамиятшуносларимизнинг этиборидан четда қолиб келаётган, турли миш-мишлар ўровида турган муҳим воқеаларга диққатингизни жалб қиламиз.

Бу воқеаларнинг бошланиши 1969 йилнинг апрелига тўғри келади. Ўша пайтда ўзбекистонликларнинг севимли

футбол командаси «Пахтакор» олий лигада тўп сураб, унинг Тошкентда бўладиган ҳар бир ўйинига 40–50 минг нафар атрофида ишқибоз тўпланарди. Бу сафар команда Москва-нинг «Торпедо»сига қарши ўйинга тушади. Бирок, ҳар канча ҳаракат қилмасин, ҳакамнинг пойтахт жамоасига ён босиши натижасида, «Пахтакор» мағлубиятга учрайди. (Ҳамма соҳада бўлгани сингари спорт соҳасида ҳам миллий республикалар манфаати очикдан-очик камситилар, масалан, футболда асосий эътибор Марказ ва Украина командаларига қаратиларди!)

Мағлубиятдан, бунга кўшимча – ҳакамнинг адолатсизлигидан аламга тўлган ёшларнинг айримлари стадиондан чиқиб, Навоий кўчасидаги ва «Комсомол кўли» атрофидаги дўконлар ойналарига тош отишади, автомобилларга шикает етказишади, кўчада кетаётган аёлларга тегажўғлик қилишади.

Шу ўринда, мавриди келди, муҳим бир фактни эслатиб ўтамиз. Ўша йиллари стадионга томошабинларнинг жуда кўп йиғилиши, колаверса, шаҳар транспорти ҳозиргига қараганда анча кам бўлгани туфайли, ўйин тугагач, стадион атрофида транспорт қатнови тўлик тўхтатилар, деярли ҳамма уйига пиёда қайтарди. Одатда, ўзбек аёллари шомдан кейин кўчаларда ёлғиз юрмас, боз устига турфа кайфиятда ўйиндан чиқажак эркаклар нигоҳидан ўзларини панада тутишарди.

Биласизки, шу воқеадан роппа-роса уч йил аввал – 1966 йилнинг апрелида Тошкентда зилзила рўй берган, шаҳарни қайта тиклаш кампанияси бошланиб, юртимизга шимолнинг кўплаб шаҳар-қишлоқларидан минглаб русийзабон одамлар йўлланганди. Албаттаки, улар бу юртга фақат қўлларидаги белкурагу чўқмор билан эмас, балки ўз дунёқараши, ахлоқ, кийим-бош ва юриш-туриш кўникмалари билан ҳам кириб келишган. Ўз-ўзидан, масалан, Саратовда оддий туюлган нарса Тошкентга ботмаслиги, Тамбов кўчасида мумкин бўлган ҳолат Тошкентда эриш туюлиши ҳам табиий эди.

Шу ўринда айни уч йил мобайнида республикада жиноятлар сони кескин ошиб борганини алоҳида таъкидламоқ керак. Юқоридаги воқеалар муносабати билан тайёрланган расмий маълумот муаллифлари, ўзлари хоҳлаб-хоҳламай, куйидаги фактларни ошкор қиладилар: «Республикада жиноятчилик

йилдан-йилга ўсиб бормоқда. 1966 йилда – 22.473та жиноят қайд этилган бўлса, 1967 йилда – 22.796та, 1968 йилда – 24.783та, 1969 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида эса 18.970 та ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,1 фоиз кўп жиноят содир этилган. Ундан ташқари, кейинги уч йил ичида 125 минг киши жамоат тартибини бузганликда, 120 минг киши майда безориликда айбланган, 230 минг одам хушёрхоналарга олиб келинган». (Ўзбекистон КП МК Бюроси йигилишининг 114-сон протоколи материалларидан. 1969 й. 29 декабрь.) Ҳарқалай, 1966 йилга қадар мўътадил аҳвол сақланган республикада жиноятчиликнинг бирданига ўсиб кетиши ҳамда хушёрхоналарнинг тўлиб-тошганида фақат маҳаллий аҳолини айбдор санаш тўғри эмас эди.

Бояги безори болалар қўлига тушган 7 нафар жабр кўрганларнинг айримлари ҳам мана шу – «интернационал бурчини бажаргани келган» аёллар бўлиб чиқади. Бугунги тил билан айтганда, 14–20 ёшли футбол фанатлари бу аёлларни ҳақоратлаб, кўзлари кўникмаган калта кўйлақларини йиртиб юборадилар. Бундай тартиббузарликларнинг олдини олишга тайёр бўлмаган ички ишлар ходимлари саросимага тушиб, ёшларни тўхтатишга улгурмайди. Милиция, қилғиликни қилган беш-олти ўспиринга қўшиб, қўлига тушганки одами (29 кишини) тутишга бошлайди. Милиция ходимларининг ҳатто шу ҳаракатиёқ, тартиббузарликка чек қўяди, одамлар тинчланиб, уйига таркайди.

Албатта, бу ножўя ҳаракатларни оклаш, унинг сабабчиларини жазосиз қолдириш фикридан ҳамма сингари биз ҳам жуда узоқмиз. Бироқ атайин уюштирилмаган, аввалдан режалаштирилмаган ва аксарият қисми балоғатга етмаган ўсмирларнинг бебошлигини миллатчилик деб баҳолаш, бу ҳодисадан уюшган жиноятчилик илдизини излаш бориб турган адолатсизлик экани ҳам кундай равшан. Афсуски, воқеаларнинг кейинги ривожини айни шу адолатсиз ўзанга буриб юборилган.

Футбол ўйинидан кейин бўлиб ўтган ҳодисаларга миллатчилик рангини бериш, республикада мана шундай уюшган ҳаракат мавжуд, деб оламга жар солиш, шу орқали республика раҳбарияти тилини қисқ қилиб қўйиш кимларгадир жуда

зарур бўлган бўлса керакки, ёшларнинг шу кунги безорилиги ўзидан кейин яна узоқ йиллар ғалати акс-садо беришда давом этади.

Яъни «Пахтакор» ўйинидан кейин бошланган катта ўйинда ҳам машъум сценарийга тўла амал қилинади. Боя айтилган «халқпарварлик»дан огишмаган ҳолда, аввало, «оддий халқ вакиллари» номидан турли идораларга кетмакет аризалар уюштирилади. Жумладан, В. Смирнов деган кимса номидан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорныйга, «Правда» газетаси редакциясига, ЎзССР Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш.Рашидов номига аризалар йўлланади. Бу аризаларнинг умумий руҳини тасаввур қилишингиз учун уларнинг биттасидан айрим кўчирмалар келтирамиз: «Хурматли ўртоқ Рашидов! Биз айнан сиз раҳбарлик қилаётган Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётида миллий масалаларда вужудга келаётган хавфли тенденциялардан сизни огоҳ қилишимиз зарур», – деб бошланган дағдағали хатида у ўзбек халқини нафақат миллатчиликда айблайди, балки миллий кадрларни, ўзбек зиёлиларини, юртимиз олимларини, ўзбек талабаларини ғирт саводсизларга чиқариб қўяди. «Республиканинг барча олий ўқув юртларидан ўзбек бўлмаган талабалар сиқиб чиқарилиб, уларнинг ўрнини ўзбек талабалари эгалламоқда, – деб ёзади у ўз хатида, – Уларнинг кўпчилиги ўқишга тайёрланмаган, ўзлаштириши паст, оддий математика у ёқда турсин, ҳатто, арифметикани ҳам билмаслигига ҳамда аксарият қисмининг билимлари бошланғич мактабнинг 3–4-синфи даражасида эканлигига мен шахсан амин бўлдим. Уларнинг кўпчилиги нафақат ҳеч нарсани билмайди, балки билишни истамайди ҳам. Бироқ, шундай бўлса ҳам, улар олий ўқув юртларида ноқонуний равишда жой эгаллаб туришибди ва давлатнинг пуллари мана шундай ашаддий текинхўрларга сарфланмоқда. Бундан ташқари, барча олий ўқув юртларидан ўзбек бўлмаган ўқитувчилар сиқиб чиқарилиб, уларнинг ўрнига яхши тайёрланмаган, лекин ўзбек ўқитувчилари ишга олинмоқда. Катта маош тўланадиган барча лавозимларга қобилиятларига қараб эмас, балки буржуа миллатчилиги тамойилига амал

килган ҳолда кадрлар қўйилмоқда. Барча илмий тадқиқот муассасалари, суд-медицина экспертизаси органлари, Қон қуйиш институти, хуллас, қаердаки ҳаром-хариш йўл билан пул топиш, давлатнинг меҳнат билан топилган бойлигини ўзлаштириш мумкин бўлса, ўша ерларга фақат миллий белги бўйича ишга қабул қилмоқдалар».

Лекин бу ҳам ҳаммаси эмас. Смирновнинг уқтиришича, Ўзбекистонда ҳатто гўшт савдоси ҳам адолатсиз равишда амалга оширилар эмиш: гўштнинг энг яхшиси ўзбекларга, суяклари эса русларга сотилар эмиш. Хатининг ниҳоясида Смирнов, «фашизмга ўсиб кетаётган бу миллатчилик»нинг илдиз отаётганини таъкидлаб, Ўзбекистоннинг раҳбарини зудлик билан чоралар кўришга ундайди.

Албатта, ўша даврда бу каби «дил изҳорлари» эътиборсиз қолдирилиши мумкин эмас эди. Шу боис, дарҳол махсус комиссия тузилиб, ушбу хат бўйича текширувлар ўтказилди. Суриштирувлар давомида В. Смирнов деганлари бундай аризани ёзмагани, ундаги имзо ҳам ўзиники эмаслигини тан олгани ҳам инобатга олинмайди. Боз устига, текширув хулосаларидан ўртоқ Смирновнинг хати бошдан-оёқ тухматдан иборат экани маълум бўлади. Текширув натижалари баён қилинган далолатномада шундай фикрлар келтирилган: «Тошкентдаги тўрт олий таълим муассасаси – Текстиль ва енгил саноат институти, Халқ хўжалиги институти, Темир йўл транспорти инженерлари ҳамда Алоқа электромеханика институтларининг кундузги бўлимларида ҳаммаси бўлиб 11.194 талаба таҳсил олмақда. Шулардан 5836 таси ёки 52,2% маҳаллий миллатга мансуб бўлса, қолган 5358 талаба ёки 47,8 фоизи европа ва бошқа миллат вакиллари дир. Охириги тўрт йил ичида жами 1495 нафар талаба ўқишдан четлаштирилган бўлса, шулардан 793 киши ёки 53% маҳаллий миллат вакиллари дир. Республикадаги барча олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари сафидан турли сабабларга кўра 1584 киши чиқиб кетган бўлса, шулардан 810 нафари, яъни 51,4% маҳаллий миллат вакиллари дир. 1969 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг олий ўқув юртларида жами 12330 нафар илмий-педагог ходимлар меҳнат қилмоқда ҳамда

шулардан 6184 нафари, яъни 55,3% маҳаллий миллат вакилларидир». Кўриниб турибдики, ўша вақтларда, «ўртоқ» Смирнов айтганидек, русийзабон аҳолига адолатсизлик қилиш тугул, улар ерли аҳолидан кўра кўпроқ имтиёзлардан фойдаланганлар. Гарчи республика аҳолисининг ярмини русийзабон аҳоли ташкил қилмаган бўлса-да, ўқув-илмий муассасалардаги салкам 50 фоиз иш ўринлари улар томонидан эгалланганлигини яна қандай изоҳлаш мумкин? (Миллионлаб ўзбек халқининг ўша паллада ҳар жабҳада топталаётган миллий манфаатлари тўғрисида биров «миқ» этиб оғиз очиб кўрсин-чи!)

Мафкуравий ёғ-мойи роса созланган машина ҳам тез орада ишга тушади. Бояги жабр кўрган аёллар ишлайдиган, ўқийдиган муассасаларда турли муҳокамалар уюштирилади, уларнинг бир-биридан дарғазаб протоколлари ҳам пайдарпай «йўлга солинади». Хусусан, 1969 йилнинг 10 апрелида жабрланган аёллардан бири ишлайдиган Тошкентдаги ГСКБ заводининг партия-хўжалик фаоллари махсус резолюция ҳам қабул қилиб, уни ҳокимият идораларига юборишади. Лекин масаланинг асосий жиҳати шундаки, ўзларини миллатчиликдан азият чеккан деб кўрсатган кишиларнинг ўзлари бу резолюция орқали ўтакетган миллатчиликка йўл қўядилар. Ўша резолюциядан бир парчани айнан келтирамиз:

«Партийно-хозяйственный актив постановляет:

1. Просить партийные органы организовать учебу, расширить ряды дружинников и вооружить отряды дружины оружием.

2. Просить компетентные органы дисквалифицировать стадион «Пахтакор» на весь сезон.

3. Потребовать отмены решения суда Октябрьского района над задержанными преступниками и провести показательный суд.

4. Довести содержание настоящей резолюции до сведения и исполнения Октябрьского райкома, горкома, ЦК КП УзССР и ЦК КПСС».

Этибор беринг-а, резолюцияда бундай воқеаларнинг бошқа такрорланмаслиги учун маҳаллий миллатга мансуб ёшларга қарши қурол ишлатиш лозимлиги таъкидланади.

Резолюциянинг учинчи бандида эса вояга етмаганларга нисбатан оғир жазони қўллаш, майда безориликларга сиёсий жиноят тусини бериш талаб қилинар эди. Ана энди ушбу резолюцияга кимлар имзо чекканига эътибор беринг: В. Жиганов, Ю. Удовик, В. Грязнова, С. Дмитриева, Г. Соколовская, И. Сухоиванова, Н. Бончаревская, И. Павлова, Г. Хромова ва яна 18 та рус миллатига мансуб кишиларнинг фамилиялари келтирилади. Ана шундай ҳолатнинг аксини тасаввур қила оласизми? 20 га яқин маҳаллий халқ вакиллари томонидан имзоланган ва бошқа миллатга нисбатан қурол ишлатиш талаб қилинган резолюцияни «катталар» қандай қабул қилар эди? Тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Аслини олганда, бу талабларнинг барчаси – очиқ судни талаб қилиш ҳам, тинч аҳолига нисбатан қурол ишлатишни сўраш ҳам 1917 йилда бошланган қизил террорнинг мантикий давоми эди.

Хуллас, «Пахтакор» ўйинидан кейин содир бўлган воқеаларга миллатчилик тамғасини босишга уринувчилар кўпайиб кетди. Натижада, Навоий кўчасида содир этилган безориликларга нисбатан икки хил муносабат шаклланди. Марказнинг «огзини пойлайдиган» айрим раҳбарлар қонун доирасидан четга чиқиб бўлса-да, балоғат ёшига етмаганларга нисбатан оғир жазо қўллаш тарафдорига айландилар. Кремлдагиларга яхши кўриниш учун кўплаб мажлис ва йиғилишлар ўтказиб, «пашшадан фил ясаш»га уриндилар.

Ўша пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг иккинчи секретари ҳисобланган Ломоносов ва идеология секретари Р. Нишонов «навбат етганидан» ўзларида йўқ шод эдилар. Улар дарров ташаббусни қўлга олиб, кенг фронт бўйлаб ҳужумни бошлайдилар.

Очиғини айтганда, Р. Нишонов ўта усталик билан ҳаракат қилишга мажбур эди. Рафиқ Нишоновичнинг вазифаси «оғир» эди. Аввало, у Марказнинг Тошкентдаги вакиллари кўзига яхши кўриниши, демак, бўлиб ўтган ҳодисаларга «партиявий, синфий нуктаи назардан баҳо бериб, миллатчилик илдизига болта уришда» ўз ташаббускорлигини намойиш этиши лозим эди. Бирок «республикада миллатчилик барқ уряпти», деган гапни Марказ олдида тан олиш идеология

секретари сифатида унинг тақдирини бир зумда ҳал қилишга олиб келишини ҳам Нишонов яхши биларди. Демак, икки фронт бўйлаб ҳаракат қилиш, иложи бўлса, бир ўк билан икки қуён овлаш керак эди.

Р. Нишонов худди шу йўлни тутди. У Тошкентдаги олий ўқув юртлари, меҳнат жамоаларида катта-катта йиғинлар чақириб, миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши зарба бериш борасида ғоявий жиҳатдан оташин нутқлар сўзлади, бирор эътирозга ўрин қолмайдиган хулосалар ясади. Иккинчи томондан эса КПСС МК, СССР Олий Совети Президиумига маълумотномалар йўллаб, республикадаги идеологик вазият назоратда сақланаётгани, ариза жўнатганлар билан суҳбатлашилиб, уларга тегишли тушунтиришлар берилгани ҳақида рапорт берди.

Р. Нишонов «миллатчиликка қарши кураш»га шу қадар берилиб кетдики, унинг имзоси билан қабул қилинган ҳужжатларда уч-тўрт ўспириннинг бебошлиги миллатчиликнинг олий кўриниши – шовинизм сифатида баҳоланди. Ўша замонларнинг руҳини ҳис қилишингиз учун ана шундай ҳужжатлардан бир парчани айнан келтирамиз: «Подчеркнута необходимость дальнейшего совершенствования деятельности по интернациональному воспитанию трудящихся, усилению пропаганды идей дружбы народов СССР, советского патриотизма. Настойчиво воспитывать у трудящихся, особенно у молодежи, непримиримость к любым проявлениям шовинизма, национализма, чуждой буржуазной идеологии» (Ўзбекистон КП МК Бюроси йиғилиши баённомасидан). Бир қарашда бу гаплар ўша замонлар учун тўғри ва табиийдек туюлади. Лекин масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, 1917 йилдан буён қатағоннинг шафқатсиз машинасини ишга тушириш учун айнан ана шундай баҳоналар сабаб бўлмадими? Айнан шу шовинизм, миллатчилик, ёт буржуа мафқураси тамғаси билан миллионлаб кишилар нобуд қилинмадими? Бирок, энг ачинарлиси, «ўзингники ўзагингни кесиб турса», идеология бўйича секретарнинг ўзи миллатчиликка қарши курашаман деб, аслида шовинизмни тарғиб қилаётган бўлса, бечора халқ додини кимга айтсин?

Бирок раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам «катта оғалар»нинг ноғорасига ўйнамас эди. Бундай раҳбарлар ҳар бир жиноят конун доирасида жазоланиши лозимлигини уқтира бошладилар. Ўзбекистон ССР Олий Судининг ўша вақтдаги раиси С. Пўлатхўжаев ана шундай раҳбарлардан эди. У Марказнинг босимига қарамай, «Пахтакор» стадионидаги воқеаларнинг иштирокчиларини қилмишига яраша жазолаш ҳақида ҳукм чиқарди, уларга сиёсий айб ёпиштиришдан бош тортди.

С. Пўлатхўжаевнинг ҳақиқатни қарор топтиришга уринганлигини исботловчи далиллар етарли эди. Биринчидан, содир этилган ҳаракатлар қасддан, атайин уюштирилмаган эди. Иккинчидан, жиноят содир этганлар ҳали балоғат ёшига етмаганлиги инобатга олинаши керак эди. Учинчидан, уларнинг муқаддам судланмаганлиги ҳам ёшларнинг ҳаракатларини безорилик сифатида баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қиларди. Шу каби далилларни қаттиқ ушлаб олиб, ўз сўзида туриб олган С. Пўлатхўжаев қўлга тушганларга нисбатан конун доирасида, адолатли ҳукм чиқаради.

Бирок безориларга берилган жазо юмшоқ экани рўқач қилиниб, С. Пўлатхўжаев олдига бу ишларни миллатчилик ҳаракати сифатида қайта кўриб чиқиш, шунга яраша қўшимча жинорий ишлар кўзгаш талаби қўйилади. Марказнинг бу талабларига кўнган республика Ички ишлар вазирлиги, Прокуратураси, Давлат хавфсизлик кўмитаси раҳбариятидан фарқли равишда, Олий Суд раиси бу ишга қатъиян қарши чиқади. Бўлиб ўтган ҳодисалар бор-йўғи майда безорилик экани, 14–20 яшар ўспиринлар миллатчилик деган нарсани етти ухлаб тушларида кўриши мумкин эмаслигини айтиб, ўз позициясини қатъий ҳимоя қилади. Унинг бу принципиал, конуний ҳаракатларини Ўзбекистон Олий Совети Президиуми Раиси ҳам қўллаб-қувватлайди.

Афсуски, республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ўтказилган тазйик, қолаверса, бояги аризачилар талаблари сабаб, қўлга олинганларнинг барчаси жазоланади: вояга етмаганлари ўқиш-ишларидан ҳайдалган бўлсалар, қолганлари турли муддатларга қамаладилар. Лекин қизил аждаҳо иштаҳаси беш-ўнта ўспиринни ямлаш, уларнинг

тақдирини синдириш билан конмас эди, албатта. У каттарок, йирикроқ қурбонларни талаб қиларди. Бунинг учун эса ходисага сиёсий тус бериш, ўзбекларни миллатчи сифатида «фош этиш» лозим эди.

Ҳамма ходисаларга режиссёрлик қилаётган Марказ бундай ҳол юз беришини олдиндан ҳисобга олгани туфайли, синалган сценарийдан оғмай ҳаракат қилишда давом этади. Ўзбекистон Олий Совети Президиуми Раиси Ё. Насриддиновани «принципиал, миллатлараро муносабатларни яхши идрок этадиган раҳбар» сифатида 1971 йилда Москвага чақиртиради ва СССР Олий Совети Миллатлар палатасига раҳбар этиб тайинлайди. Кучлар бўлиб ташланади, ҳар бир бўлакни алоҳида-алоҳида ямлашга тайёргарлик кўрилади.

Кейинги воқеалар оқимини эса, юқорида эслатганимиз сценарийдан хабардор бўлганингиз туфайли, Сиз ҳам яхши билиб турибсиз – бу киши тез орада Ўзбекистонга раҳбар бўлиб бориши мумкинлиги ҳақидаги миш-миш тарқатилади. Буёғи ҳам ўша сценарий асосида давом этаверади: Тошкентдаги раҳбарият Ломоносов, Анисимкин, Бесчастнов, Белоножко, Орлов сингари Марказ вакиллари куткуси билан Москвага «кўтарилган» кадрнинг обрўсини тўқиш, уни республикага келтирмаслик ҳаракатига тушади. Бунинг энг мақбул йўли – у кишининг Тошкентдаги «шериги» Пўлатхўжаевни сиқувга олиш, уни Масковдаги вакилга қарши кўрсатмалар беришга мажбур этиш эди. С.Пўлатхўжаевнинг узок йиллик фаолиятдан бирор жиддийроқ камчилик топиш осон бўлмайди, албатта. Лекин арзирли камчилик топилмаса, уни ўйлаб чиқариш ҳам мумкин-ку! Ахир республика Марказқўми, унинг Бюросидагилар нима қилиб ўтирибди бўлмаса?

Олий Судни ўровга олиш ваҳималироқ кўлам касб этмоғи учун яна бир синалган усул қўлланади. СССР Олий Советининг органи бўлмиш «Известия» газетасида (27.08.1971 й.) «Уроки одного дела» номли мақола чоп эттирилади. Унда тўрт йил аввал бўлиб ўтган бир жиноий иш ҳақида ҳикоя қилиниб, республика ҳуқукни муҳофаза қилиш органлари бу жиноят юзасидан тўғри ажрим чиқармаганликлари танқид қилинади. Агар мақолага жиддий ёндашилса, аниқ кўринадик, унда

кўпрок масаланинг ҳуқуқий жиҳатига эмас, балки сиёсий жиҳатига урғу берилади. Тўғрироғи, бўлиб ўтган жиноий ишдан зўрма-зўраки тарзда сиёсий оҳанг ахтарилади. Жумладан, мақола муаллифи, ҳеч ўрни бўлмаса-да, Ўзбекистонда аёлларни раҳбарлик ишларига кўтаришга зўр бериш замони аллақачон ўтгани, бу масалага нуқул эътибор беравериш ҳозир шарт эмаслигини алоҳида кистириб ўтади:

«Нет нужды приводить цифры. Женщины в республике – на всех постах – управления, экономики, культуры. Но не потому, что они – просто женщины. На дворе семидесятые годы. Уже давно все идет на равных – в правах и обязанностях. Никто не нуждается в снисхождении. А кое-кому все кажется что ничего не изменилось, что круг женских кадров замыкается ими, давно знакомыми друг другу, и их нескромность, капризность могут быть терпимы по той причине, что они женского рода».

Очик кўриниб турибдики, мақолани уюштиришдан мақсад – тўрт йил аввал бўлиб ўтган жиноят ишани адолат билан ҳал этиш эмас, балки ўзининг «нокамтарлиги, инжиклиги» билан маҳаллий раҳбарият режаларининг амалга ошувига ҳалақит бераётган Марказдаги аёл раҳбарга «аёл кадрлар сафи у билан тугамаслиги»ни эслатиб қўйиш, бундай аёллар тарафини оладиганларнинг кўзини мошдек очиб қўйиш эди.

Масковнинг марказий газетасида республика ҳаётига оид танқидий мақоланинг чиқиши у замонларда қанчалик ваҳима туғдиришини яхши тасаввур қиласиз. Фақат шуниси қизиқки, мақолада республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг барчаси умумий саналган ва танқид қилинган бўлса-да, асосий зарба Олий Судга берилади.

Сезаётганингиздек, бу ерда гап С.Х. Пўлатхўжаев ва унинг идораси устида эмас эди. Ҳамма гап Кремлда ишлаётган миллатдошимиз ва республиканинг биринчи раҳбарини ўзаро гиж-гижлаб, кейин бу юртни «тозалаш учун» янги «десант» ташлашга баҳона яратишда эди. Шу сабабдан ҳам С.Х. Пўлатхўжаев республика Марказқўмига аввал «дўстона» суҳбатга чақирилади. Унга «яхшиликча» шарт таклиф қилишади: «Известия»да ёритилган жиноий ишнинг шу

тарика ечим топиши кераклигини менга Ё. Насриддинова буюрган» деб Бюрода кўрсатма берса – олам гулистон. Ишида ҳам, Бюро таркибида ҳам қолади, биров мушугини бошқа пишт демайди. Акс ҳолда...

Пўлатхўжаев Марказқўм Бюросининг 1972 йилнинг 12 январиди бўлиб ўтган бу йиғилишида Ломоносов, Анисимкин, Бесчастнов, Белоножко, Орлов ва ўша пайтдаги республика Министрлар Советининг Раиси бошчилигида ҳар томондан сикувга олинади. Гарчи республика прокуратураси вакили бўлмиш Зотов Олий Суд раиси ҳаракатларида қонунга зид ўрин йўқ экани, у ўз хизмат вазифаси доирасида қонуний фаолият кўрсатганини тан олишга мажбур бўлса-да, бир гала кашкирлар орасида қолган «айбдор»га нажот топилмайди. Мана ўша «партиявий муҳокама»нинг айрим ўринлари:

«т. Ломоносов – Вы не хотите себе приговора сделать. Почему вы идете по этому пути, я не могу сказать.

т. Пулатходжаев – Мне очень трудно.

т. Худайбердыев – Если так будете делать, будет ли легче? Знаете, за вами сколько людей идет сейчас?

т. Ломоносов – Людей исключили из партии, сняли с работы. Я уже не говорю о пострадавшей стороне и обо всем, что вытекает из этого. Мы об этих моральных издержках не говорим. Вы поймите, что и нам очень тяжело.

т. Пулатходжаев – Я уяснил, до глубины души доходит.

т. Худайбердыев – Главный виновник вы или кто?

т. Пулатходжаев – Я виноват.

т. Худайбердыев – Вы или кто другой? Если какое-то дело будет проходить через мои руки, если окончательное решение за мной, если оно не будет решено, – главная вина за мной.

т. Пулатходжаев – Я виноват.

т. Худайбердыев – Главный виновник вы или кто?...

т. Бесчастнов – Теперь дело, может быть, не в самом т. Пулатходжаеве. Конечно, его нужно привлечь к партийной ответственности. Он обязан как кандидат в члены ЦК помочь Бюро ЦК разобраться, где зарыта собака, почему много людей свихнулось на этом деле...

т. Худайбердыев – ... Если прокуратура Узбекской ССР не может до конца дело довести, нужно попросить Союзную

прокуратуру, чтобы поручили кому-то другому, считая, что республиканская прокуратура неспособна. Но им давать, чтобы они так к этому делу относились, нельзя...»

Эътибор беринг, нукул «социалистик конунчилик устуворлиги» тўғрисида бонг урилаётган бир пайтда, республика Олий судининг раиси партия Бюросига чақиртирилиб, жиний ишдан беҳабар, бирортаси ҳуқуқшунослик кўчасидан ўтмаган унинг аъзолари томонидан сўроққа тутилади. Шундай шароитда С. Х. Пўлатхўжаев ҳамма айбни фақат ўз бўйнига ағдаришлари мумкинлигини айтиб тураверади. Бюро аъзолари ҳар қанча «асосий айбдорнинг ким эканлигини айтиш»ни талаб қилмасин, у улар қутган исми тилга олмайди.

Бу аҳволда эса натижа маълум – С. Х. Пўлатхўжаевга қаттиқ партиявий ҳайфсан эълон этилиб, бундан кейин ишда қолиш-қолмаслик масаласини ҳал этиш раҳбарият ихтиёрига ҳавола этилади. Йиғилиш иштирокчилари юқоридаги таклифни қўллаб-қувватлаб, Марказдан алоҳида терговчилар гуруҳларини сўрашни ҳам келишиб оладилар...

Марказга эса худди шу натижа – миллий республикаларнинг «ўзидан чиқадиган» худди шу «илтимос» керак эди. «Биз нима ҳам қилайлик, халқнинг ўзи шуни сўраяпти», деганларидек, Марказ жон-жон деб бу «ёрдам»ни тез орада (ортиғи билан!) юборади. Республика Олий Суди тизимини яхшилаб «элақдан ўтказиш учун» СССР Бош прокуратурасининг муҳим ишлар бўйича терговчилари Ю. Зверев, Ю. Любимов, СССР Бош ҳарбий прокуратурасининг муҳим ишлар бўйича ҳарбий терговчилари В. Гольст, Ковалев, СССР прокуратурасининг терговчилар гуруҳи аъзоси Э. И. Мехрилиев, Красноводск область прокуратураси қатта терговчиси Э. И. Мухралский, Витебск область ИИБнинг бошлиғи ўринбосари Г. Е. Ерзаев, Москва шаҳар ИИБ терговчиси А. С. Прохоров сингари ўнлаб терговчилар юртимизга келиб, навбатдаги «тозалов ишлари»га киришадилар.

1975 йилда Ўзбекистон Олий Суди, вилоят ва район судлари тизимидаги ўттиздан ортиқ раҳбар қамоққа олинади. Натижада, ЎзССР Олий Суди раиси С. Х. Пўлатхўжаев 10 йилга, унинг ўринбосари М. Сиддиқов 9 йилга, Олий Суд аъзолари

Д. Сулаймонов 15 йилга, Т. Умаров 8 йилга, Т. Абдуллаев 15 йилга, Бухоро вилоят суди раиси Ғ. Орифжонов 10 йилга, Наманган вилоят суди раиси М. Раҳимов 6 йилга, Тошкент шаҳар суди раиси А. Муталов 10 йилга, унинг ўринбосари С. Дадажонов 9 йилга, Хоразм вилоят суди раиси Б. Раззоқов 10 йилга озодликдан маҳрум қилинадилар. Аслида республикада кўзга кўринган раҳбар кадрларни ўз ичига олган бу рўйхатни давом эттириш учун яна ўнлаб саҳифалар керак бўлади.

Жумладан, Пўлатхўжаевга 16 банддан иборат айб қўйилиб, иши судга оширилади. Судни ҳам Марказдан жўнатилган «ишончли» одамлар ўтказади – СССР Олий Судининг жинойий ишлар суди коллегияси раиси Е. А. Смоленцев мазкур судга раислик қилади. Унга СССР Олий Суди маслаҳатчилари В. А. Корженевская ҳамда В. И. Иванов ёрдам беришади. Давлат айбловчиси сифатида СССР Бош прокурори ёрдамчиси В. Г. Демин иштирок этади.

Суриштирувлар давомида Пўлатхўжаевга нисбатан қўйилган 16 та айбдан 12 эпизод судда ўз исботини топмайди. Аслида қолган тўрт эпизодда ҳам қонунга зид ҳолатлар мавжуд эди. Жумладан, айбларнинг барчаси пора олди-бердиси билан боғлиқ бўлиб, ҳукм тахминларга асосланиб чиқарилган ҳамда етарли ва ишончга сазовор далиллар билан исботланмаган эди. Гўёки етти-саккиз йиллар аввал кимлардир Пўлатхўжаевга 500–1000 сўм миқдорида пора берган эмиш. Терговчилар бундай кўрсатма берган кишиларни уч-тўрт кун изоляторда сақлаб, бундан саккиз йил аввал содир бўлган воқеаларни «эшлашга» мажбур қиладилар. Тергов ва суд жараёни шу қадар майнавозчиликка айланиб кетадики, совет қонунчилигига кўра пора берганга ҳам, пора олганга ҳам жазо қўллаш зарур бўлса-да, тазйик ўтказилганидан кейин пора берганини «тан олган»ларга нисбатан, табиийки, ҳеч қандай чора кўрилмайди. Очиғи, бу жинойий иш бошдан-оёқ ясама бўлиб, суд тизимидагиларни камаш учун бошқа баҳона топиш ҳам қизил десантчиларга ҳеч гап эмасди. Юқорида саналган Олий Суд аъзолари, вилоят ва район судьялари иши ҳам кўрилиб, барчаси турли муддатларга қамаб юборилади. Ҳаммасининг ишида бир хил айб – қачондир, кимдир

уларга пора берган экан. Бирок, на далил-исбот, на гувоҳлар кўрсатмаси бор эди бу ишларда.

Очиғи, пора олиш билан боғлиқ жиноятларни исботлаш ниҳоятда кийин эканлигини ҳуқуқшунослар яхши биладилар. Чунки пора олишда айблаб, жинойий жавобгарликка тортиш учун, аввало, айбланувчини жиноят содир этилаётган вақтда – пора олиш вақтида қўлга олиш, ўша жойнинг ўзида қонунда белгиланган тартибда махсус белгилар қўйилган ашёвий далилларни ва жиноятни тавсифловчи баённома тузиш талаб этилади. Шу шартлар бажарилгандагина кишини пора олишда айблаш мумкин. Умуман, бирор кишига бундан беш-олти йил аввал пора олгансан, деб айб қўйишнинг ўзи эриш туюлади. Шундай бўлишига қарамасдан, ўша вақтда суд-ҳуқуқ тизимидагиларни узок муддатларга озодликдан маҳрум қилиш учун оғзаки кўрсатмаларнинг ўзи кифоя қилган. «Пора олган» деган айблов жиноятнинг предмети – пора бўлмаган ҳолда эълон қилинган. Афсуски, мазкур судлар натижасидан фақат расмий жазоланганларгина эмас, уларнинг аксарият оила аъзолари, қариндош-уруғлари ҳам узок йиллар «баҳраманд бўлишади».

Биргина мисол. Улуғ Ватан урушининг иккинчи гуруҳ ноғирони Турсунбой Жакбаров «емаган сомсасига пул тўлаган»лардан бири бўлган. Унинг ягона айби – С. Пўлатхўжаевнинг уйи тинтув қилинганида Т. Жакбаровнинг телефон рақами топиб олинганида эди. Тўғри, 70-йилларнинг бошида у С. Пўлатхўжаев билан тасодифан танишиб қолади – Наманган вилояти Чортоқ сайлов округидан Ўзбекистон Олий Советига депутатликка С. Пўлатхўжаевнинг номзоди кўрсатилган бўлиб, сайловолди учрашувларда улар суҳбатлашиб қоладилар ва бир-бирларига телефон рақамларини берадилар. Бирок шу «айби» туфайли орадан тўрт йил ўтиб, 2 йил давомида камокда сақланиши ва КГБ подполковниклари Кондратьев, Давидов ва Калустянлар томонидан узлуксиз тергов қилиниши унинг етти ухлаб тушига кирмаганди. Т. Жакбаровдан «ўзларига керакли» маълумот олишнинг усулларига эътибор беринг: у бир неча кунга сувга солиб қўйилади, унга овқат бермай тинкасини қуритадилар, хавфли

жиноятчилар билан бир камерага жойлаштирадилар (суд тизимидагиларни айблаш учун асос бўлиб хизмат қилган маълумотлар қандай усуллар билан олинганлигини энди фаҳмлаётгандирсиз?). Шунда ҳам мақсадларига эриша олмагач, улар Т. Жакбаровнинг катта куёви ва 18 га тўлмаган ўғлини ҳам Тошкентга келтириб, «агар керакли маълумотларни айтиб берсанг, уларни қўйиб юборамиз, акс ҳолда қамаймиз», деб шарт қўйишади. Т. Жакбаров виждон амрига зид бормагани учун жинойи ишлар уюштирилиб, куёви 5 йилга, ўғли 3 йилга ҳукм қилинади. Лекин энг ачинарлиси, Кондратьев Т. Жакбаровнинг турмуш ўртоғини ҳам келтиришларини буюриб, тергов пайтида прожекторнинг нурини унинг кўзига тўғрилаганида аёл хушидан кетади. Боз устига, «Қаҳрамон она» унвонига сазовор бўлган бу аёл «намунча итваччаларни кўпайтирмасанг», дея таҳқирланади. Хуллас, 1976 йилда бўлиб ўтган судда Т. Жакбаров далиллар эмас, турли фаразларга асосланиб, 6 йилга озодликдан маҳрум этилади-ю, урушнинг 30 йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистияга асосан суд залидан озод этилади. Лекин бу киши ва унинг оила аъзолари каби ҳанузгача маънавий жароҳатлари битмаган кишилар қанча?

Энди бир нарсага эътибор берайлик. Бутун бошли республиканинг Олий Суди раиси, унинг муовинлари, Олий Суд аъзолари, кўпчилик вилоят ва район суди раҳбарларининг бирданига жиноятчи бўлиб чиқиши ва узоқ муддатга қамалиши, аслида, чакана воқеа эмас эди. Агар бу ишлар ҳақиқатда бўлган ва ўзининг қонуний ечимини топганида эди, улар ҳеч иккиланмай оммага маълум қилиниши, бутун дунёга жар солиниши керак эди. Бироқ...

Қолаверса, суд системаси ҳуқуқ-тартибот идораларининг сўнгги босқичи бўлиб, агар бу жиноятлар амалда юз бергани рост бўлса, бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ҳам уларга аралашмаслигининг иложи йўқ эди. Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, мазкур идоралар Марказ кўрсатмасига бўйсунган, бўйсунини истамаган Олий Суддан эса мана шу тарзда ўч олинган эди. Токи, Марказ билан ўйнашиш яхши эмаслигини, у жўнатган оддий терговчи ҳам миллий респуб-

ликанинг хоҳлаган даражадаги раҳбарини ўзи хоҳлаган кўйга солиш кудратига эга эканини, марказнинг кўрсатмаси ҳар қандай қонундан устунлигини, бу юртда чинакам хўжайин ким эканини яхшилаб билиб олсин ва буни умрбод ёдда сақласин!

Қолаверса, Марказ бу сафар ҳам ўз кўлига тўплаган «жиной материаллар»нинг фақат бир қисмидан – республикада тайёрланган қисмидан фойдаланган, холос. Материалларнинг қолган қисми – марказдаги миллий кадрлар томонидан тайёрланган қисми эса ўз хизмат муддатини кутиб турган. Орадан етти йил ўтгач, «қайта қуриш» баҳона бошланадиган «ўзбек иши» қирғин кампаниясида, «рашидовчиликка қарши қураш»да айнан шу материаллар асос бўлиб хизмат қилган...

* * *

Мана шунақа гаплар.

Ўтган асрнинг 70–80-йилларида, кимлар учундир «коммунизм йиллари», «тўқлик-фаровонлик замони» бўлиб туюладиган даврларда кечган ушбу ҳодисаларни идрок этар эканмиз, мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг мустақилликнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, миллат шаъни ва ғурури йўлида, керак бўлса, жонни ҳам фидо қилиш лозимлиги тўғрисидаги гапларининг асл моҳияти нимада эканига тушуниб етамиз. Мана шу тушунча, мана шу эътиқод билангина биз ўзлигимизни сақлашимиз, ҳимоя қилишимиз, фарзандларимизнинг ёруғ келажagini таъминлашимиз мумкин. Зеро, юз йиллаб орзу қилинган мустақил мамлакат, мустақил миллат мақомини елкада кўтариш ҳеч қачон ҳеч кимга осон бўлган эмас.

ЧИН ЎЗБЕК ИШИ

*ёхуд Марказдан келган қонун қосбонларининг
қирдикорлари ҳақида*

...Яқинда жиянларимдан бири бизникига келиб, университетда янги бир домла пайдо бўлгани, унинг ажабтовур хислатлари ҳақида тўлқинланганча хикоя қилиб кетди. Жиян,

негадир домланинг илми, педагогик маҳорати тўғрисида эмас, нукул унинг ватанпарварлиги, шўролар даврида миллат учун қаҳрамонларча курашгани ҳақида жўшиб сўзларди. Домланинг талабаларга айтишича, у Ўзбекистон мустақиллиги арафасида Москвадан келган «десантчилар» билан ҳам матонат кўрсатиб олишган, унинг бу мардонавор ҳаракатлари натижасида Марказдан юборилганларнинг кўпчилиги, жумладан, республика Бош прокурорининг муовини ҳисобланган О. Гайданов ҳам ишдан бўшатиб юборилган экан.

Бир қараганда, жияннинг ўз домласи тўғрисида бундай ғурурланиб гапириши мени хурсанд қилиши лозим эди. Лекин бу сўзамол домланинг ўша вақтдаги қилмишларини яхши билганим учун, кўнглим жуда хира тортди...

Худди атай қилгандек, орадан кўп ўтмай, шунга ўхшаш яна бир манзаранинг устидан чиқдим. Ўзини Ўзбекистоннинг етакчи ҳуқуқшуноси деб билган бир аллома ҳам талабаларига уни машҳур Гдлян-Ивановлар сўроққа чақиргани, акамик эса ҳеч иккиланмай терговчилар юзига эшикни тарс ёпиб чиқиб кетгани тўғрисида ғурурланиб ҳикоя қиларди.

Очиғи, ёв қочганидан кейин кўпаядиган бундай қаҳрамонлар «хотиралари»ни эшитиб, одам ғалати ҳолга тушиб қоларкан. Уларга «ахир бу нарсалар бўлмаган-ку», дея эътироз билдирсангиз, барча замонларнинг қаҳрамони ролига даъвогар бу кимсалар юзига файласуфона сўлиш бериб, «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун шунақа гаплар ҳам керак, акаси», деб сизга ақл бўладилар.

Албатта, бундай вазиятда «Ҳа, энди домланинг бир мақтангиси келибди-да», деб бошқа индамай қўя қолиш ҳам мумкиндек. Лекин, таассуфли жиҳати шундаки, ўша воқеаларнинг тирик шохидлари бўлган айрим дўстларимиз ҳам чин ҳақиқатни билсалар-да, бояги маддоҳларни жимгина эшитиб, уларнинг уйдирма тарихларини тасдиқлаб кетаверадилар.

Бугун тарих ҳақиқатини тиклаш, ўтмишни ҳалол ёритиш, илм кишиларининг холислиги борасида кўп ва хўп гапираримиз. Аммо яқиндагина кечган, ўзимиз гувоҳи бўлган энг янги тарихимизни ҳам баъзида бузиб талқин қилинаётгани,

айрим сохта қахрамонларнинг ўзларини мустақиллик учун курашчи деб тақдим этаётганига ҳам жим қараб тураверамиз. Қўйиб берилса, гўёки ҳамма райком, обком котиблари, ҳуқуқшунослар, олимлар, барча даражадаги раҳбарлар шўро даврида ҳам фақат халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиб, азият чеккан, барчаси бирдай жабрдийда.

Бундай кимсаларнинг енгил-елпи ҳикоялари натижасида эса баъзи ёшларимиз онгида мустақиллик жуда осонлик билан қўлга киритилган экан, деган фикрлар пайдо бўлиши мумкинлигини ўйламаймиз ҳам.

Мен-ку, албатта, жиянга, уйдагиларга асл бўлган воқеаларни бафуржа айтиб бердим. Лекин домлаларининг «кашфиётлари»га махлиё бўлган бошқа талабалар холи не кечади, уларга ҳақиқий тарихни ким сўзлаб беради? Шуларни ўйлаб, янги тарихимизнинг қай бир саҳифасига ойдинлик кирармикан, деган ният билан мазкур мақолани ёзишга жазм этдим.

* * *

Келинг, суҳбатни бояги домламиз О. Гайдановни қандай «йўқ қилгани» тўғрисидаги қизик бир воқеадан бошлай қолайлик.

1987 йилда ТошДУнинг юридик факультети профессор-ўқитувчилари О. Гайдановни тантанали учрашувга тақлиф қиладилар. Домламиз эса ўша вақтда партия органларида «масъул вазифада» ишлар, Марказдан келганлар билан турли учрашувлар уюштириб, одамлар орасида улар фаолиятини кизгин тарғиб қиларди. Бу йиғинларда «аксарият ўзбеклар жиноятчи ва порахўр», деб уқтирилар, айна қусурлар «бу халққа йўргакдан теккан», деган гаплар айтиларди. Домламиз бу учрашувни ташкил қилишга ҳам, албатта, бош-кош бўлувдилар. У ўзини компартиянинг «масъул ходими», сиёсий жиҳатдан хушёр эканлигини таъкидлаш учун Гайданов ташрифидан бир неча кун аввалдан келиб, тайёргарлик даражасини бир неча бор кўриб ҳам кетди. Зеро, бундай мулоқотлар мафкуравий жиҳатдан ўта муҳим, долзарб тадбир ҳисобланарди.

Нихоят, шўро «марди майдонлари» йиғилганлар томонидан гулдурос қарсақлар билан кутиб олинди ҳам. Сўзга

чикувчилар олдиндан тайёрлаб қўйилган, залда эса ваҳима аралаш сергаклик руҳи ҳукмрон. Раислик қилувчи «масъул ходим», О. Гайдановни кўкларга кўтариб таърифлаб-тавсифлагач, тантанали равишда унга биринчи сўзни берди. Ўзбекларга ҳалоллик ва адолатдан сабоқ бермоқ учун «иссик ўрнини совитиб» атай Марказдан ташриф буюрган О. Гайданов сўзларига ҳар турли товланишлар бериб, роса гапирди. Учрашувга йиғилган ҳукукшунослар бу «ўтқир нотик»нинг ўзи бошчилигида амалдаги қонунлар қанчалик зўрланаётганини жуда яхши билишса-да, маърузачи сўзларини ора-орада қарсақлар билан олқишлаб ўтирдилар. Маърузадан кейин саволлар бериб, Гайдановнинг таржимаи ҳоли билан ҳам қизиқдилар. «Қаҳрамон» ўзининг «шонли йўлини» оддий ишчиликдан бошлагани, ҳарбий хизматни ўтагач, шаҳар ВЛКСМ ходими бўлиб фаолият кўрсатгани, кейин эса прокуратура органларига ўтиб, ўз фидойилигини исбот қилгани туфайли амал поғоналаридан жуда тез кўтарилиб борганини ортиқча камтарликни йиғиштириб қўйиб сўзлай кетди. 1984 йилда Қозоғистон ССР прокуратураси бошқарма бошлиғининг ўринбосарлигидан бир сакраб, Ўзбекистон ССР Бош Прокурорининг ўринбосари лавозимига ўтиб қолганини айтаётганида эса ўзини худди бу юртга юборилган янги пайғамбардек тақдим этди. Тўғри-да, 1971–1984 йиллар оралиғида – 12 йил давомида кичик бир шаҳар комсомол ташкилоти котиби бўлиб келган одам кейинги 12 йилда «суверен» бир давлатнинг Бош прокурори ўринбосари даражасига етиши мўжиза эмасми?! Буни эшитиб, зал гулдурос қарсақларга тўлди. О. Гайданов сўзининг охирида «Мен СССР Бош прокурорининг буйруғи билан Ўзбекистонга социалистик қонунчиликни ўрнатгани келдим», деганида эса, компартия вакилининг ишораси билан бошланган қарсақлар анчагача тинмади.

Ундан кейин олдиндан тайёрлаб қўйилган факультет комсомол секретари сўз олиб, ўзининг энг катта орзуси – Гдлян, Иванов ва Гайдановларга ўхшаган қонун посбони бўлиб етишиш экани, ҳукукшунослик факультети талабалари учун бу инсонлар чинакам ўрнак эканини тантанали равишда

билдирди. Масъул ходим эса мажлисни Марказдан келганлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга елкадош бўлиш ҳар бир бўлғуси ҳуқуқшуноснинг бурчи бўлмоғи лозимлиги тўғрисидаги гаплар билан якунлади. Мазкур учрашув О. Гайдановга жуда ёққан бўлса керакки, мажлисдан кейин масъул ходимга шундай тадбирларни янада кўпроқ ташкил қилиш таклифини билдиради...

Бояги домланинг «Гайдановга қарши ўтказган кураши» тарихи аслида шу тариқа «шарафли» якун топганди.

* * *

Ана энди ўйлаб кўрайлик. Мустақилликка эришганимизга эндигина 12 йил бўлди. Кечагина иблиссифат кимсаларга ҳар томонлама ёрдам берган кишилар томонидан тарихнинг бундай бузиб кўрсатилиши кейинчалик нима оқибатларга олиб келади?

Шу ташвишли ўй бизни фақат фактик материаллар асосида фикр юритиш ҳамда асл ҳақиқат қандай бўлганини баён этишга ундайди.

Албатта, «ўзбеклар иши» тўғрисида мустақиллик даври адабиётимиз ва матбуотимизда озми-кўпми материаллар эълон қилинган туфайли, юз берган қонунсизликларга батафсил тўхталиб ўтирмаймиз. Бизни бу бебошликларнинг туб моҳиятида нима ётгани, уни кимлар ва қандай амалга оширгани кўпроқ қизиқтиради.

Шўролар ҳукумати нафақат шафқатсиз, балки жуда маккорона сиёсат олиб бориши билан ҳам дунёда донг таратганди. Аслида, Гдлян-Иванов бошчилигидаги «десант» Ўзбекистонда аксарият қонунсиз фаолият билан машғул бўлишини марказ аввалбошданок тушуниб етган. Айни қонунбузарликларни «қонунлаштириш» учун эса марказдагилар тергов ишларининг қонуний ташкил қилинишини таъминлаши лозим бўлган республика прокуратурасига ҳам ўз вакиллари доимий ишлаш учун юборган.

Бунинг учун гўё асослар ҳам етарли эди. Аввало, республиканинг ўша пайтдаги ношуд раҳбарияти нуқул марказдан ёрдам сўрашдан чарчамасди. Бошқа томондан бўлса, СССР

конституцияси, совет конунларига биноан прокуратура органларида фақат вертикал бўйсунуш ҳукм сурарди. Гарчи, конституцияга кўра, Ўзбекистон суверен давлат саналса ҳам, унинг прокурори, республика раҳбарияти билан маслаҳатлашилмаган ҳолда, СССР Бош прокурори томонидан тайинланарди.

Марказкўм ва СССР Бош прокуратураси ўзларининг бу ваколатларидан, албатта, кенг фойдаланишган. Қисқа муддат ичида Ўзбекистон ССР прокуратурасининг энг юқори, энг муҳим лавозимларидан тортиб, область, район прокурорларига марказдан доимий ишлашга юборилган вакиллар билан алмаштирилди. Ўзбекистонга ташланган бу «социалистик десант»нинг сони эса юздан ортиқ эди.

1984 йилда Ўзбекистон ССР прокурори, унинг муовинларидан учтаси, энг катта бошқармаларнинг бошликлари лавозимларига марказдан келган одамлар қўйилди. Бу билан чекланилмасдан, аста-секин область даражасидаги прокурорлар – Бухоро области прокурори (Матюшов Г. Н.), Самарқанд области прокурори (Еременко В. И.), Хоразм области прокурори (Титаренко А. Д.), Навоий области прокурори (Сухарев А. П.), Сурхондарё области прокурори (Желтков В. М.), Қорақалпоғистон АССР прокурори (Донцов В. В.) ва Тошкент шаҳар прокурори (Филиппенков Г. П.) ҳам Москов томонидан юборилди. Кейинги босқичда эса район прокурорлари лавозими ҳам «меҳмонлар» учун бўшатилади..

Ўша вақтда Ўзбекистонда иш олиб борган Гдлян-Ивановлар қилмишларини яширишгина эмас, балки уларнинг эндиги ўзбошимчаликлари учун ҳам барча шароитни муҳайё қилиш марказдан юборилганларнинг асосий вазифаси ҳисобланган. Бунга қўшимча республика прокуратураси тизимидаги малакали ходимларни ишдан бўшатиб, уларнинг ўрнига ҳамма гапга «лаббай» деб жавоб берадиган одамларни лавозимларга тайинлаш сиёсати ошқора юргизилган.

Эътибор берадиган бўлсак, Марказдан юборилганлар прокуратура органларидаги энг асосий бўлим ва бошқармаларни ўз қўлига олганлар. О. Гайданов ЎзССР прокурорининг ўринбосари бўлиш билан бир қаторда тергов бошқармасини

ҳам тасарруфига олган бўлса, А. Жуков Ўрта Осиё транспорт прокурорининг ўринбосари бўлган. О. Маценко ЎзССР прокуратурасининг Ички ишлар вазирлиги идораларида тергов ва суриштирув устидан назорат бўлимини бошқарган бўлса, Б. Сёмкин ЎзССР прокуратурасининг судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи лавозимини эгаллаган. В. Лаптев деганларига республика прокуратурасининг тергов бўлимини бошқариш, Я. Осиповга республика прокуратураси қамоққа олинганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати бўлимининг бошлиғи, П. Кушнирга ЎзССР прокурорининг ўринбосари, кадрлар бошқармаси бошлиғи лавозими теккан.

Бу «меҳмонлар»нинг ҳаммасининг аввалги иш жойларига қарасак, улар Ўзбекистонда камида икки поғона юқори лавозимга эга бўлганлари ошқор бўлади. Қасбий малакаси ҳақида эса гапирмасак ҳам бўлар. Уларнинг баъзилари учун прокуратура органларида ишлаш умуман мумкин бўлмаган. Масалан, бизга келиб, «қонун устуворлигини таъминлаши» лозим бўлган В. Ю. Лаптев Красноярск вилояти прокуратурасида алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчи вазифасида хизмат қилаётган пайтда ўзининг онаси ўша жойда қотиллик содир қилиб – одам ўлдириб, жиноий жавобгарликка тортилганди. Аслида, бундай ҳолатда прокуратура ходими ишдан бўшатилиши керак эди. Қотилнинг ўғли эса Ўзбекистонга юборилиб, республика прокуратураси тергов бўлими бошлиғи лавозимига қўйилади.

Келгинди «қонун посбонлари»нинг қасбий малакаси нақадар паст бўлганини яна шундан ҳам билса бўладики, масалан, Тошкент шаҳар прокурори лавозимига беш йилда тўрт марта янги одам олиб келиб қўйилади. Прокурорнинг конституциявий ваколат муддати беш йиллигини эсга олсак, бу ҳолатга ҳам баҳо ўз-ўзидан маълум бўлади.

Донишмандлардан бири «Мени ҳеч ким кўрмайди ва ҳеч ким билмайди, деб ҳеч қандай иш қилмайман, ҳарқалай, виждон деганлари шу бўлса керак», деганди. Бизга келган қонунбардор азаматлар учун эса виждон, имон, уяту шарм

деган гаплар «оркада қолган Шаркнинг қолок тушунчалари» ҳисобланган. Бу ахлоқий нопок кимсаларнинг Ўзбекистонга келиб қилган номаъқулчиликларидан илон пўст ташларди.

Дейлик, Д. Паньков деганларини Киев шаҳар прокуратураси тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосарлигидан бирданига Тошкент шаҳри прокурори ўринбосари қилиб кўтаришади. Кундузи бегуноҳ одамларни қон қакшатиб чарчаган, асли наслига тортган бу кимса «Россия» меҳмонхонасида фоҳишалар билан маишат қилаётганида ўзининг хотини томонидан ушлаб олинади. Бу лавозимда бор-йўғи бир йил ишлаган Д. Паньковни «иш фаолиятида йўл қўйган камчиликлари ва номуносиб ҳаракатлари учун» эгаллаб турган лавозимидан озод этиб, прокуратура органларидан бўшатадилар.

ЎзССР прокуратураси ички ишлар вазирлиги идораларида тергов ва суриштирув устидан назорат бўлими бошлиғи лавозимига қўйилган А. Маценко эса бу юртга қадам босган кунидан бошлаб, Ўзбекистонга вақтинчалик келгани, унинг асосий вазифаси – бир йил ишлайдими, икки йилми – умрининг охиригача етадиган мол-дунё тўплаш эканини яширмай айтиб юради.

Бу нафс бандасининг «иш фаолиятидан» биргина мисол келтирсак, унинг ҳақиқий башараси ошкор бўлади-қолади. 1985 йилда Тошкентнинг Бешёғочидаги машҳур «Подарочный» магазинга ўша пайтда жуда танқис бўлган енгил фин костюмлари келтирилади. Магазин директори Шукур Аминовнинг хотирлашича, келтирилган моллар ҳақида хабар топган О. Маценко, қўл остидаги ходимларидан бирини юбориб, «прокурор ака учун» шу костюмлардан тайёрлаб қўйишларини айтади. «Хўжайин»нинг ўзи дабдаба билан магазинга кириб келган вақтида ундан қандай размер ва рангдаги костюм кераклигини сўрашганида, «қонуншунос меҳмон» директорга ғалати қулимсираб: «Ёш бола экансан, яна савдо ходимимиш, шунақаям савол берадими, бундай саволлар билан ўсиш у ёқда турсин, камалиб кетиш мумкин-а», дея заҳарханда қилади. Ўнғайсиз ҳолда қолган шўрлик директор вазиятдан чиқиш учун «Бизнинг дўкон келин-куёвларга

талон бўйича хизмат қилади-да, шунга...» деса, Маценко ўша заҳоти директорнинг оғзига уриб: «Бугундан эътиборан Ўзбекистоннинг энг эрка куёви мен бўламан. Бундан буён янги-янги келинларни бошлаб келавераман, сен эса – уларни кийинтириб ясатаверасан!», дея олифталик қилади.

Шу кундан бошлаб О. Маценко тез-тез бу дўконга хушторлари билан ташриф буюрар, уларга хоҳлаган кийимлари, қимматбаҳо духиларни танлатиб, ёнидан ел ўтмай, совға қилиб юбораверарди. Кийим-бош ва духилар магазин ҳисобидан кетгани етмагандек, директор тез-тез турли ресторанларга чакирилар, у ердаги ўтиришлару «қонун посбони»нинг жонлар билан қиладиган кейинги кўнгилхушликлари учун ҳам пул тўлаш бечора директор бўйнига илинганди. Шоввоз О. Маценконинг нафси фақат шу дўкон билан қонмаган бўлса керакки, у ҳар икки-уч ойда Донецкка контейнерда мол жўнатиб турган...

Самарқанд вилояти прокурори лавозимига келиб, борйўғи бир йил ишлаган В. Сухоноснинг хурмача қилиқлари эса латифа даражасига етганди. У порахўрликка шунчалик муккасидан кетгандики, қабулига киргани одамлар безиллаб қолганди. Ҳатто иш юзасидан олдига кирган ўзининг ходимларига ҳам таъма билан кўз тикиб тураверарди. Бечора ходимлар унга Гоголнинг «Ревизор»идаги Хлестаков лақабини кўйган бўлиб, раҳбарга қираётганда бир-бириларидан қарз сўраб туришга мажбур бўлишган.

Ўзи хон, кўланкаси майдон бўлганлардан яна бири А. Титоренко Хоразм области прокурорининг ўринбосари бўлиб ишлаган даврида, областнинг кўплаб собиқ раҳбарларини камокқа олиш учун самолётда туриб санкциялар берганини мақтаниб гапирарди. Умуман олганда, марказ гумашталарининг аксарияти ўзбекларга нисбатан нафратини яширмайдиган, мавриди бўлди дегунча миллатимизни камситувчи, ўзбекларни инсон ўрнида кўрмайдиган ва уларнинг ҳаммасини жиноятчи деб ҳисоблайдиган шахслар эди. Улар учун «социалистик қонунчилик устуворлигини таъминлаш» эмас, ўзбек миллатини ҳар турли йўллар билан эзиш, хўрлаш устувор вазифа бўлган.

1985–1987 йилларда ЎзССР прокурори ўринбосари лавозимида ишлаган А. Жуковнинг хузурига Жиззах области прокурори Нормели Норпўлатов томонидан область прокуратурасининг кадрлар бўлими бошлиғи лавозимига тавсия қилинган Мамат Маманов суҳбатга киради. Унинг бошидаги дўпписини кўрган А. Жуковнинг жон-пони чиқиб кетади ва М. Маманов юзига айтмаган ҳақорати қолмайди. Дўппи билан боғлиқ бу «масала» кейинчалик прокуратура органларида ўтказилган кўплаб мажлисларнинг кун тартибидан ўрин эгаллайди, Н. Норпўлатов касбдошлари олдида қанчадан-қанча ҳақоратлар эшитади. А. Жуков барча вилоят органларига бундай «бемаза одат»га барҳам бериш, «эскилик саркити бўлган дўппини узоқроқка улоқтириб ташлаш» вазифини топширади..

Марказ Гдлян-Иванов гуруҳининг қонунга зид фаолиятини яшириш мақсадида прокуратура тизимига «десант» юбориш билан чекланмай, балки уларни ҳам ёлғиз қолдирмаслик ниятида Марказий Комитетга ўз одамларини тикиштирган. Масалан, 1986–1987 йилларда Усатов Марказий Комитет бошқарувчиси, кейин эса республика прокурори бўлади. Шунингдек, республика Марказқўми иккинчи секретарлигига Ефимов, маъмурий идоралар бўлими бошлиқлигига эса Великанов жўнатилади. Уларнинг асосий иши – Марказий Комитетда туриб, прокурор қийимидаги бояғи қимсаларни ҳимоя қилиш бўлган. Шу тариқа ҳаётда қонунсизлик тантана қилдирилган, раҳбариятга нисбатан халқ нафрати кучайиб, адолатга эса ишонч йўқолган.

* * *

Мамлакат раҳбари Б. Мустафоевни республика прокурори лавозимига тавсия қилиш олдидан ўз хузурига чақириб, «Сизнинг эндиги вазифангиз – юртимизда Ўзбекистон қонунларининг устуворлигини таъминлаш, халқимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, айниқса, «пахта иши» бўйича қатағонга учраган, ноҳақ жазоланган фуқароларнинг ҳуқуқини тиклаш бўлади» деб уқтиради. Суҳбатда иттифоқдан келган прокуратура ходимларини қайтариб юбориш масаласи ҳам муҳим

вазифа этиб белгиланади. Биринчи раҳбар бўлгуси республика прокурорига, бирма-бир ёзиб олишини тайинлаб, қуйидаги вазифаларни топширади:

– халқнинг прокуратура органларига ишончини уйғотиш, биринчи навбатда, мана шу халқ ва мана шу юрт манфаатларидан келиб чиқиб иш ташкил этиш;

– Гдлян-Ивановлар томонидан содир этилган қонунбузарликларга барҳам бериш, бунинг учун эса ноқонуний жазоланганларни озод этиш ишида суд органларига ҳар томонлама кўмаклашиш;

– прокуратура органларига тикиштирилган марказ гушталарини келган жойларига қайтариб юбориш;

– Гдлян-Ивановларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш, улар бу жиноятларни Ўзбекистонда содир этганларини асос қилиб, жиноий ишни кўриб чиқишни Ўзбекистон ихтиёрига топшириш юзасидан СССР Бош прокуратурасига талабнома юбориш;

– энг асосийси – СССР Бош прокуратураси билан алоқани секин-аста узиш ва бу ҳолатга узил-кесил барҳам бериш.

Б. Мустафоев кадрлар масаласини ҳал қилиш анча мушкул эканлиги, республика прокурори тўғридан-тўғри СССР Бош прокурорига бўйсунишга мажбурлиги, у хоҳлаган пайтда уни лавозимидан бўшатиши мумкинлигини айтади. Б. Мустафоевни босиқлик билан тинглаган раҳбар, бу ҳолга йўл қўймаслик учун республика прокурорини Ўзбекистон Олий Советида тайинлаш лозимлигини уқтиради.

1990 йил 31 октябрда Олий Советнинг 12-чақириқ учинчи сессиясида Ўзбекистон Президенти тавсияси билан республика прокурорининг иттифок прокурорига қарамлигига барҳам бериш ва бу тизимнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида Б. Мустафоев Ўзбекистон прокурори этиб тасдиқланади. Бу – юрт тарихида биринчи марта республика прокурорининг республика Олий органи томонидан тасдиқланиши эди. Президент ташаббуси билан амалга оширилган бу иш республика прокурорига мустақил фаолият юритиш, прокуратура органларини номуносиб кадрлардан тозалаш имкониятини яратди.

Шундан сўнг Юртбошимиз тавсияси билан прокуратура ҳайъати мажлислари давлат тилида ўтказила бошлади, барча иш ҳужжатларини ҳам ўзбек тилида юритиш тартиби йўлга қўйилди. Бу эса нафақат Марказдан келган ходимларнинг, балки партия Марказқўмидаги Масков вакилларининг ҳам норозилигини келтириб чиқаради. Ефимов ва Великанов бир неча бор республика прокурорини ҳузурларига чақириб ёки телефон қилиб, унинг бу иши «миллатчилик» экани, русий-забон ходимлар ҳуқуқини поймол қилиш эканини айтиб, унга дўк-пўписалар қилишади. Республика прокурори эса уларга жавобан, бу ҳаракатлар мамлакатда қабул қилинган қонунлар асосида, қолаверса, республика раҳбарининг қатъий талабига кўра амалга оширилаётганини айтади. Буни қарангки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бояги адолатпарварларнинг ҳақиқий башараси маълум бўлади. Улар ўзаро келишиб, Ўзбекистонга ғалла келтириш баҳонасида, Масковдаги сохта фирма орқали Ростов вилоятига 900 млн. рублни республика раҳбариятидан яширин равишда ўтказиб юборишганди. Бундан хабар топган Президент республика прокуратурасига Ефимовни сўроққа чақириш, халқ ризқини жойига келтириб қўйиш вазифасини қатъий равишда топширади. «Ўрток» Ефимовнинг бу қилмиши оқибатида мамлакат бир тийин зарар кўрадиган бўлса, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилиши, айбдорлар камалишини маълум қилади.

Марказқўмнинг иккинчи қотиби бўлса-да, энг муҳими, ортида Марказ турганига қарамай, республика Президентидан бундай муомалани кўрган, Ўзбекистон прокуратурасига сўроққа чақирилган Ефимов, Масковдаги ҳамтовоклари олдига кетиб, бир ой ўтар-ўтмас пулнинг ҳаммасини жойига қайтаришга мажбур бўлади. Зарар қоплангач эса, Ўзбекистондан Ефимовнинг кавуши тўғрилаб қўйилади. Бу – шу пайтга қадар учрамаган ҳодиса ҳисобланиб, фақат республика раҳбарининг қатъиятлилиги, мустақиллик йўлидаги собитқадамлиги туфайлигина содир бўлади.

1991 йил февралида М. Горбачев бошчилигида СССР прокуратураси коллегияси чақирилади ва унда Ўзбекистон прокурорининг ҳисоботини эшитиш режалаштирила-

ди. Москвага боришдан аввал Б. Мустафоев республика раҳбарининг хузурига кириб, ҳисобот учун чакирилаётгани хақида маълумот беради. Унга ўз ҳисоботида марказнинг кейинги йилларда республикада олиб борган сиёсати натижасида кўплаб бегуноҳ кишилар ҳуқуқи поймол қилингани, унинг айбдорлари жазосиз қолгани, прокуратура тизимида марказдан номуносиб кадрлар юбориш натижасида тизим фаолияти издан чиқиб кетаётганлигини айтиш ва бу ҳолга иттифок раҳбарлари қандай муносабат билдиришини аниқлаш топширилади.

Сўзининг якунида Президент: «Сизни республика Олий Совети тасдиқлаган, улар энди ишдан бўшата олмайди. Талабларни кўркмасдан қўяверинг, уларни шу нарсага ўргатиш керак. Мажлисда Горбачев бўлгани яна ҳам яхши. Сиз бошқа республикалар прокурорларидан фарқ қилиб, Бош прокурор олдида эмас, кўпроқ Парламентимиз олдида жавобгар эканлигини унутманг», дейди.

Коллегияда М. Горбачев бошчилигида иттифокнинг бошқа раҳбарлари ҳам иштирок этган. Ўзбекистон прокурори ҳисоботида марказ томонидан ўйлаб чиқилган «пахта иши» натижасида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари поймол қилингани, айбсиз кишиларнинг кадр-қиммати оёқ ости этилгани, олиб борилган қатағон натижасида республика қишлоқ хўжалиги бошқарувининг кадрлар корпуси жиддий зарарлангани, бу ишларнинг асосий айбдорлари Гдлян-Иванов ҳамда уларнинг ҳамтовоқлари ҳамон жазосиз қолаётгани, Марказнинг ва СССР Бош прокуратурасининг республикага малакасиз, масъулиятсиз кадрларни юбориш сиёсати прокуратура органлари фаолиятига жиддий зарар етказгани очикдан-очик айтилади.

Бу гаплар, ўз-ўзидан, марказ раҳбариятига ёкмаган ва улар республика шаънига асоссиз эътирозлар билдириб, Ўзбекистон иттифокнинг кўпгина қонунларини бекор қилганлиги, бундай суверенитет республикага қимматга тушишини писанда қилишади. Танаффус пайтида СССР Бош прокурорининг ўринбосари А.С. Побежимов Б. Мустафоевни ўз хонасига олиб кириб, унга қаттиқ дакки беради. «Сен биринчи

навбатда СССР Бош прокурорининг, колаверса, иттифокнинг вакилисан, ишингни шунга яраша ташкил қил ва этагингни ёпиб ол», дея пўписа қилади. Бу ҳолат ҳақида Б.Мустафоев шу заҳоти телефон орқали республика раҳбарига хабар беради. Президент: «Яхши, сиз ўз вазифангизни бажарибсиз. Энди улар Ўзбекистон нуктаи назарини билиб олишди. Уйга қайтаверинг», – дейди.

Шу тарика Ўзбекистон прокурори уч кунлик коллегиянинг тугагини ҳам кутмай, унинг биринчи кунийёқ Тошкентга қайтиб келади.

Бўлган воқеалар ҳақида республика прокурори Президентга батафсил маълумот берганида, Юртбошимиз Ўзбекистон Парламенти қабул қилган «Мустақиллик декларацияси»га асосан, юртимиз суверен давлат эканлиги, унинг барча органлари ўз фаолиятини шу ҳужжатга асосан ташкил қилиши, яъни қонунлар ижросини таъминлашда Ўзбекистон манфаатларидан келиб чиқиш зарурлигини ва прокуратуранинг ҳозирги кундаги энг асосий вазифаси – кейинги йилларда бўлиб ўтган қонунсизликларнинг оқибатини тузатиш эканлигини уқтиради. Президент бундан буён марказнинг ҳар қандай чакирувларига бориш шарт эмаслигини ҳам алоҳида таъкидлайди.

Республика прокурори, кейинги коллегияларга қанчалик қатъий чақирилмасин, пўписалар қилинмасин, Президент кўрсатмасига амал қилиб, Москвага бормади.

Б. Мустафоевнинг эслашича, 1991 йилда у СССР Бош прокурори номига ёзилган расмий хат билан Гдлян-Ивановларга нисбатан кўзғатилган ишнинг терговини Ўзбекистонга бериш тўғрисида мурожаат қилган. Лекин хатга ҳеч қандай жавоб бўлмаган. Шундан кейин яна бир хат тайёрланиб, республика прокурорининг биринчи ўринбосари иш материалларини олиб келиш учун Москвага жўнатилган. Лекин унга ҳам иш материаллари берилмаган.

1992 йил январда республика прокуратураси органларини Ўзбекистоннинг юрисдикциясига ўтказиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди. Шундан кейин ҳам СССР Прокуратурасидан республика прокурорини ҳисобот бериш

учун Москвага чақириш тўхтамади, лекин у бирор марта ҳам йиғилишларга бормади. Сиёсий раҳбарият республика тузилмаларини, жумладан, Ўзбекистон Прокуратурасининг иттифок прокуратурасидан мустақил бўлишини доимий равишда қўллаб-қувватлаб турди.

Масалан, Кремль раҳбарияти кейинчалик ҳам Ўзбекистонга навбатдаги «десант»ни ташлаш учун баҳоналар ахтаришни тўхтатмаган. Марказ билан республика ўртасидаги муносабатлар ана шундай таранг тортиб турганида, Наманганда бир мудхиш воқеа содир бўлади. 1990 йил 2 декабрда бу шаҳарда хизмат ўтаётган турли миллат вакиллари бўлмиш беш нафар солдат ваҳшийларча ўлдирилади. Шу кунлари республика Президенти Москвада эди. Бу воқеа Марказдан яна қатта десантнинг Ўзбекистонга юборилишига тайёр баҳона бўлишини тушунган Президент Москвадан дарҳол телефон қилиб, зарур кўрсатмалар беради. Унга кўра, воқеанинг асл сабабларини аниқлаш мақсадида махсус комиссиялар тузилиши, Министрлар Совети ҳамда прокуратура вакиллари зудлик билан Наманганга етиб бориши лозим эди. Юртбошимиз, шунингдек, малакали юристларни жалб қилган ҳолда жинорий ишни тезда очиш лозимлигини айтиб, бу ишнинг очилиши Ўзбекистон прокуратурасининг иттифокдан ажралган ҳолда мустақил ишлай олишини марказ олдида исботлашини уқтиради. У Б. Мустафоевга қатъий топшириқ беради: «Ишни ўз кучларинг билан очасизлар. Жиноятчиларга қонуний жазо берасизлар. Четдан ҳеч қандай терговчини яқин келтирмайсизлар».

Президентнинг топшириғига биноан, Б. Мустафоев бошчилигидаги тергов комиссияси ҳамда республика комиссияси тузилади. Комиссиялар раислари Президентга қилинаётган ишлар ҳақида узлуксиз ҳисобот бериб борадилар.

Бошқа томондан, Намангандаги воқеалар сабаб СССР прокуратурасида ҳам махсус штаб тузишганди. Ўша куни кечкурун иттифок бош прокурорининг ўринбосари Кравцов Б. Мустафоевга телефон қилиб, дўк қила бошлайди: «Мана сенларга мустақиллик, қалай энди аҳволинг? Бу жиноят учун нафақат жиноятчилар, балки ҳали сенлар ҳам жавоб

берасан. Биз СССР Бош прокуратураси, ҳарбий прокуратура, КГБ, МВД ходимларидан иборат махсус тергов гуруҳи тузиб, ишни очишни ўз тасарруфимизга оламиз. Жиноятчиларни ўзимиз жазолаймиз», – дейди. Унга жавобан Ўзбекистон прокурори бу иш юзасидан республикада махсус комиссия тузилгани, тергов ишлари аллақачон бошлангани, ҳозирча Москвадан ҳеч қандай ёрдам керак эмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилади. Бундан коникмаган Кравцов ўша заҳоти Ўзбекистон Министрлар Советига телефон қилади ва бояги гапларни янада ваҳималироқ оҳангда қайтариб, тез орада марказ гуруҳи Ўзбекистонга юборилишини маълум қилади. Ўзбекистон ҳукумати аъзолари уларнинг таклифини рад этиб, республика раҳбарияти томонидан зарур чоралар кўрилгани, биринчи раҳбар руҳсатисиз мамлакат ҳеч қандай гуруҳни қабул қилмаслигини, бундай масалага Президент Москвадан келгачгина тўхталиш мумкинлигини билдиради.

Шу кунларда марказ билан гаплашган республика раҳбари бу жиноятни очишга мамлакатда куч ва имкониятлар етарли экани, қолаверса, Гдлян-Иванов бошлик «десантчи»ларнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида халқнинг иттифок прокуратурасига ишончи қолмаганлигини билдиради. Шу боис халқ ичида ортикча норозиликни келтириб чиқармаслик учун, асосан, республика мутахассисларига ишониш лозимлигини таъкидлайди.

Беш кун ичида юқоридаги жиноий иш очилиб, айбдорларнинг барчаси қўлга олинади. Маълум бўлишича, бу жиноятларни содир этган кимсалар Наманганда ўша вақтда мавжуд бўлган «Адолат», «Тавба», «Ислом лашкарлари» каби гуруҳларнинг таъсиридаги кишилар экан. Улар бундай жанжаллар орқали гўё Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун курашаётгани ҳақида оғиз йиртардилар. Аслида ўзларининг бу ҳаракатлари билан Ўзбекистонни қай даражадаги хавфга қўйиб, юртимизда янги катағонлар учун баҳона яратиб бераётганларини англаб ҳам етмасдилар.

Кўряпмизки, ўша кунлари Ўзбекистон раҳбарининг икки томонлама ёвуз куч билан курашишига тўғри келган. Ўзимиздан чиққан балолар миллатлараро низоларни вужудга

келтирса, марказдагилар, бундан фойдаланиб Ўзбекистоннинг «кўзини очиб кўйишни» режалаштирардилар. Президент халқимизни бу икки балодан ҳам вақтида қутқаз олди!

Мазкур жиноятнинг очирилишида заррача ҳам субъективликни топа олмаган Москва гумашталари ҳам, охир-оқибат, ҳақиқатни тан олишга мажбур бўлишди. Кейинчалик Марказга Намангандаги ҳодисалар ҳақида Великанов хабар қилгани, у масалага сиёсий тус бериб, шу баҳона билан Ўзбекистонга навбатдаги катта «десант»ни юборишни сўраганлиги маълум бўлади. Шу ва юқорида гувоҳи бўлганингиз бошқа қилмишлари учун вақти келиб Великановнинг ҳам кавуши тўғрилаб қўйилганини айтиб ўтиришимиз ортикча бўлса керак.

Ҳарқалай, мухтарам ўқувчиларимиз юртимиздан чиройли қилиб чиқариб юборилган марказ ходимларининг кейинги тақдири нима бўлгани билан қизиқсалар керак. Биз ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида улар тўғрисидаги маълумотларни сўраб, республика прокуратурасига мурожаат қилдик. Бунни қарангки, худди урушда енгилган томон ўзидан кейин бирор ҳужжатни қолдирмай ёқиб юборгани сингари, бояги шоввозлар ҳам ўз кирдикорларини яшириш мақсадида барча маълумотларни ўзлари билан олиб кетишган ёхуд йўқ қилиб юборишган экан. Фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодировнинг саъй-ҳаракатлари туфайлигина биз айрим маълумотларни олишга муваффақ бўлдик.

Юртимизга «социалистик конунчиликни ўрнатиш учун» юборилган кимсаларнинг аксарияти Ўзбекистондан кетгач, тайинланган иш жойларидан ҳам ҳайдалганлар ёки паст лавозимларга ўтказилганлар. Бу саводсизларга ўз уйларида ҳам жой тегмагани эса яна бир бор марказ аксар «дордан қочганлар»ни Ўзбекистонга юборганини исботлаб турибди.

Бу борада ҳам фактларга мурожаат қилайлик. 1984–1987 йилларда ЎзССР прокурори лавозимини эгаллаган А. Бутурлин ҳозирги вақтда Москва шаҳридаги хусусий адвокатуранинг адвокати бўлиб хизмат қилмоқда. Шунга ўхшаш О. Гайданов, О. Маценколар ҳам хусусий адвокатуралардан бошпана топишган. 1985 йилда Сирдарё вилоят прокурори

ўринбосари лавозимига тайинланган А.Жихарев ҳозирда Донецк шаҳрида юрист-маслаҳатчи бўлиб ишляпти. «Десантчилар»нинг кўпчилиги эса бугунги кунга келиб прокуратура органларидан умуман ҳайдалган. Ҳолбуки, ёшига қарасак, улар айти жавлон уриб ишлайдиган пайтлари...

* * *

Гувоҳи бўлганингиздек, республика прокуратураси органларининг мустақилликка эришиши, айрим кишилар талкин қилганидек, асло осон кечган эмас. Нафақат прокуратура, балки барча соҳаларнинг ҳам миллий давлат тасарруфига олиниш жараёни тўғрисида худди шу фикрни билдириш мумкин. Зеро, ўта оғир, ўта мураккаб вазиятда энг тўғри ва оқилона йўлни танлай билиш, миллат ва мамлакатни бу йўллардан талофатсиз ва эсон-омон олиб ўтиш иқтидори ҳаммага ҳам берилавермайди. Мана шу ҳақиқатни билиш, фарзандларимизга билдириш виждонимиз олдидаги, бугун ва келажак олдидаги бурчимиздир.

МАРКАЗНИНГ ГИРРОМ ҲИЙИНЛАРИ

ёҳуд Ўзбекистонда қурилган бўрилар уясининг яқсон қилиниши ҳақида

Муқаддима

Бундан икки йил аввал Москвага хизмат сафарига бо-ришга тўғри келди. Ажойиб кунларнинг бирида, иш билан кетаётиб Ўзбекистон Ички ишлар тизимининг икки ходими билан кўчада учрашиб қолдик. Бегона жойда юртдошларимни кўриш кўнглимни бирдан равшанлаштирган бўлса-да, иш кўплигидан улар билан бафуржа суҳбатлаша олмаслигим алам қиларди. Ҳайриятки, йигитлар мени тўғри тушунишди, фақат йигирма минут вақт ажратишимни, ўзлари гувоҳ бўлган қизиқ бир манзарани менга ҳам кўрсатмоқчи эканликларини айтиб, туриб олишди. Ноилож рози бўлдим. Арбат

кўчасидан ўтиб, Смоленск майдонидаги кўримсизгина бир кафега кирдик. Улардан нега айнан шу жойга келганимизни сўраганимда, йигитлар, «Ҳозир билиб оласиз», дея сирли кулимсираб қўйишар, кўзлари билан эса залдан кимнидир қидиришарди. Ниҳоят, топилди шекилли, менинг тирсагимдан туртиб, «Анави одамга қаранг», дея бир мужикка ишора қилишди. Сарғиш соқоли тиркайиб ўсиб ётган, қадди буқик, исқирт кийим-бошли, йиртик бошмоқ кийган оёғининг бири пайпоксиз, бирига бўлса, футболчиларнинг гетриси илинган бу одамга қараб, аввалига сал энсам қотди. У атрофдагиларнинг очикдан-очик жирканиб қарашларига эътибор бермай, шилпик кўзлари билан бўш шиша ахтарар, қўлга кирганини кир елим халтага солиш билан банд эди. Менинг футболга кизишимдан хабардор йигитлар бирор собик футболчини кўрсатмоқчи бўлишибди-да, деб ўйлаб, унинг қайси ўйинчилигини сўрадим. Йигитлар бу одам бир вақтлар юртимизда, «юкори эшелонда» ўтириб «катта ўйинлар» кўрсатган, собик Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерали Виктор Гаврилович Гусев эканини айтишганда, ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим ...

Қурбон талаб қилинарди

1984 йил. СССР аталмиш империянинг ташқи ва ички сиёсатида кечаётган таназзулнинг, мамлакат тушиб қолган ночор ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг туб илдизларини яшириш, уларни вақтинчалик қийинчиликлар, «турғунлик даври асоратлари» дея хаспўшлашга уриниш бошланган даврлар. Ҳокимият эгалари халқни муаммоларнинг чин моҳиятидан чалгитиш, унинг нигоҳини бошқа томонга буриб юбориш мақсадида навбатдаги «тубдан тозалаш» («генеральная уборка») кампаниясини бошлашга аҳд қилди. Бундай вазиятда қурбон талаб қилинишига ҳамманинг акли етарди. Фақат асосий қурбонлик сифатида қайси ҳудуд ва қайси миллат танланиши масаласини ҳал этиш қолганди. Болтиқбўйи республикаларига тегиб бўлмасди. Улар анчагина ҳақини таниган, жим

юришганининг ўзи ҳам катта давлат эди. Қолаверса, Европага якинликлари ҳам раҳбарият режаларини амалга оширишга жиддий халакит берарди. Кавказ орти ва Озарбайжон тепасида марказдаги муайян кучлар билан якин алоқада бўлган, халқини ёппа талатиб қўймасликка акли етадиган раҳбарлар ўтирарди. Белорусия ва Украина ҳарқалай қардош халқлар ҳисобланар, уларни ўғри-қароқчига чиқарилса, бир учи «катта оға»га тегиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди. Қолаверса, гарчи Машеров ўртадан олиб ташланган бўлса-да, унинг издошлари билан ҳисоблашишга тўғри келарди. Демак... Демак, қурбон Ўрта Осиё республикалари орасидан танланиши керак. Марказ бунда ҳам «тарих тажрибасига суяниб» иш кўрди. Яъни худди чор Россияси тутган йўлдан борди. Ўрта Осиёнинг марказий давлати, юраги бўлмиш Ўзбекистонга қарши қилинган ҳаракат унинг атрофидаги қолган тўрт республиканинг ўз-ўзидан, сўзсиз таслим бўлишига олиб келиши ҳисобда тутилиб, асосий ҳужум Тошкентга уюштирилди. Бунга қўшимча, айти даврда республика тепасида ўтирган одамнинг кўзлари қурбонликка мўлжалланган жониворникидек жовдирашдан бошқа белги бермасди.

Бу йиллари Гдлян-Иванов бошчилигидаги десант амалга оширган кирдикорлар тўғрисида кўп тўхталингани туфайли бугун уларни қайтариб ўтирмаймиз, албатта. Бу галги мулоҳазаларимиз кўпроқ республика ички ишлар тизимида юз берган ҳодисалар, уларнинг сабаб ва оқибатлари хусусида бўлади.

Демак, якин тарихнинг фактларига, аччик ва нурли ҳақиқатларига мурожаат қиламиз.

1984–1989 йилларда «Ўзбекистонда социалистик қонунчиликни тиклаш» шиори остида республика ҳуқуқ-тартибот идораларининг барчасига марказдан минглаб одам жўнатилди. Бу идоралар орасида шахсий таркиби, ҳаракатланиш ҳудуди ва таъсир кучи нуктаи назаридан энг йириги ҳисобланган ЎзССР ИИВга собиқ советлар мамлакатидан ҳаммаси бўлиб 150 та ходим келди. Йиллар бўйича қарайдиган бўлсак, 1984 йилда 5 та, 1985 йилда 33 та, 1986 йилда 86 та, 1987 йилда 27 та, 1988 йилда 2

та, 1989 йилда 3 та «осойишталик посбони», бировдан сўраб-сўрамай, Ўзбекистонга «ташриф буюрган». Бу «кутилмаган меҳмонлар»нинг асосий мақсади – социалистик қонунчиликни таъминлаш эмас, балки ўзбек халқини таҳқирлаш эвазига хизмат пиллапояларидан кўтарилиш эди.

Биз бу гапни осмондан олиб айтаётганимиз йўқ, албатта. Гап шундаки, вазирликнинг кадрлар бошқармасини қўлга олиб улгурган «ўрток» А. Теплов уларни хотамтойларча кутиб олишга аввалдан тайёргарлик кўрганди. Биргина мисол: 1986 йилда Тошкентдаги милиция мактабида область ва район миқёсидаги милиция раҳбарларининг бутуниттифок ўқиши ташкил этилади. Унда мамлакатнинг турли бурчакларидан вакиллар иштирок этади. Ўқишни ЎзССР ИИБ Кадрлар бошқармасининг бошлиғи, вазир муовини А. Теплов тантанали равишда очади ва кириш нутқи сўзлайди.

«Мени, – дейди нотик ўз сўзида, – Коммунистик партия Марказқўми Ўзбекистонда социалистик қонунчиликка амал қилинишини назорат этиш учун жўнатган. Олиб борган текширишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, Ички ишлар вазирлиги тизимидаги миллий кадрларнинг аксарияти ўғри-муттахам, порахўр одамлардир. Мен шу ерда ўтирганларга мурожаат қилиб айтаманки, кимда-ким ишда ўзини кўрсатмоқчи, хизмат поғоналаридан ўсмоқчи бўлса, марҳамат, бизга (!) келиб ишланг. Ўзингизгина эмас, хизматдошларингизга ҳам шу гапни етказинглар. Ўзбекистонга келиб ишлайдиганлар учун ҳозирдан яна 300 та квартира ажратиб қўйилган.

Мана бу ерда ўтирган маҳаллий ходимлар тўғрисида айтадиган бўлсам, уларнинг ярмидан кўпи бугун бўлмаса эртага лавозимидан олинади ва келадиганларга жойларини бўшатиб беришади. Бу масалада мен сизларга юз фоиз кафолат бераман!»

Шу тарика Ўзбекистонга келганлар адолатни қарор топтиришга эмас, балки кўпроқ бегуноҳ одамларни қамашга, йиллик ҳисоботларини бойитишга зўр бердилар, Ўша пайтдаги Ички ишлар вазирининг ўринбосари генерал Ғафур Раҳимовнинг далилларига кўра, вазирлик таркибидаги 27 бошқарма ва бўлимдан бор-йўғи иккитасинигина ўзбек мил-

латига мансуб кишилар бошқарган. У ҳам бўлса, хўжалик ва тиббиёт бошқармалари эди.

ЎзССР Ички ишлар вазирлиги таркибида ишлаган шовинистик кайфиятдаги бу кишилар ўзлари каби прокуратура ва суд тизимига туширилган десантчилар билан тил бириктириб, бир хил сиёсат юритишган. Гдлян гуруҳида иш олиб борган конхўр терговчилардан бири Карташьяннинг «Узбекистан нужно оградить колючей проволокой и поставить вышки с часовым, так как все здесь воры и взяточники» деган гаплари («Народ должен знать правду» мақоласидан. «Сельская правда» газетаси, 1990 йил, 30 январь) улар учун исбот талаб қилинмайдиган аксиомага айланган эди.

Очиғини айтганда, ўтган асрнинг 80-йиллари амалда бўлган ҳокимиятнинг нўноқлиги, кўрқоқлиги туфайли Ўзбекистонда икки ҳокимиятчилик пайдо бўлди – расмий, ҳамма нарса билан келишувчи ҳукумат ва куч тизими идоралари раҳбарияти. Ўзларини «силовиклар» деб аташни хуш кўрадиган Ички ишлар вазирлиги ва республика Прокуратураси раҳбарияти – А. Бутурлин, Э. Дидоренко, В. Гусев, А. Тепловлар кунора, тушлик баҳонасида, Марказқўмнинг Шелковичная кўчасидаги шаҳар қароргоҳида тўпланишарди. Бу жой улар учун келгуси режалар, маҳаллий аҳоли устида ўтказилиши лозим бўлган «тажрибалар» хусусида келишиб олинадиган штаб вазифасини ўтарди..

«...Бўлмаслар асло одами»

Юртимизга социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга келганлар учун «ўзбекларнинг барчаси ўғри, порахўр, муттаҳам» ҳисоблангани тўғрисида айтдик. Хўш, уларнинг ўзлари-чи? Бирининг елкасида, бирининг ёкасида темир ва ипақдан беш юлдуз порлаган, «ўзи хон – кўланкаси майдон» бўлган бу кимсаларнинг «асли насли» қандай эди?

Яна мисолларга мурожаат қиламиз.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирининг ўринбосари Дидоренконинг ўғли «ота ўғил»лик билан Тошкентда ном чиқарганди. Дарвоқе, ота ва ўғил «иш услуби»да фарқ

бўлмаган десак, адолатдан эмас. Агар ота Дидоренконинг зулм болтаси турли буйруқлар, кўрсатмалар, хуфиёна ишлар орқали халқ бошига тушган бўлса, ўғил Дидоренко кўлига кирган болта билан дуч келган одамни чапанिकासига ура-верган.

1987 йилнинг жазирама ёз кунларининг бирида уч-тўрт оғайниси билан «кайф» қилиб юрган кичик Дидоренконинг кўнгли бирдан яна пиво тусаб қолади. Улар Тошкентнинг собик Ивлев кўчасида жойлашган бакалея дўкони қаршисида машинадан тушишади. Бу пайтда иш вақти тугагани туфайли дўкон ёпилаётган эди. Сармаст Дидоренко сотувчидан дўконни қайта очишни, унга пиво топиб беришни талаб қилади. Сотувчи рози бўлмайди. Ўзини камида шаҳарнинг эгаси ҳис қилиб қолган Дидоренко дўкон ойнасига тош отиб синдириб, ичкарига йўл олади. Уни тўхтатмоққа уринган сотувчининг оёғига эса гўшт чопиладиган болта билан туширади.

Воқеа жойига етиб келган милиция наряди эркатойни ит тутгандай тутиб, шаҳар ички ишлар бўлимига олиб боради. Орага ота Дидоренко аралашгач, «шўхлик қилиб қўйган» ўғилдан кечирим сўраб, қўйиб юборилади.

1988 йилда эса ўғил Дидоренко отаси ишхонасининг шундоқ биқинида, Герман Лопатин кўчасида бировнинг мотоцикли ўзига ёқиб қолгани учунгина унинг эгасини уриб, тортиб олади ва мотоциклни олиб қочади. Ўз-ўзидан бу иш ҳам ёпди-ёпди қилинади.

Болта билан жиноят содир этишга «мутахассислашган» Дидоренконинг «шўхлиги» шу йили энг баланд нуқтага етади. У «Россия» меҳмонхонаси олдида бир одам билан жанжаллашиб, уни болта билан чопиб ўлдиради. Ота Дидоренко ўғли устидан очилган жиноий ишни шаҳар милицияси тергов бошқармасидан ўз қарамоғига чақиртириб олади. Бу ишда унга республика прокурори Бутурлин бевосита ёрдам беради.

«Ит бўлур, доғи эшак» деганларидек, вақти келиб, Бутурлиннинг ўғлини ҳам (у ҳам прокуратура тизимида тикилиб олганди!) маҳаллий ички ишлар ходимлари катта пора – белги қўйилган нақд пуллар билан қўлга туширишади. Бу опера-

цияда милиция полковниги Ботир Турсунов ҳам иштирок этади. Порахўр бўлимга келтирилгачгина, унинг Бутурлиннинг ўғли эканлиги ошкор бўлади. Шунда вазирлик БХСС бошқармаси бошлигининг муовини Белоусов Б. Турсуновдан барча далилий ҳужжатларни унга топширишни талаб қилади. Б. Турсунов «Унинг ўрнида ўзбеклар бўлганида, албатта камар эдинглар, ўзбекларни сохта материаллар билан, қачондир пора олган деб ҳам қамайсанлар-ку», деган эътироз билан материалларни бермайди. Белоусов зўрлик билан унинг қўлидан ҳужжатларни тортиб олиб, Дидоренконинг бошқа бир ҳамтовоғи, вазирнинг биринчи ўринбосари Гусевга етказди.

«Қарс икки қўлдан» деганларидек, Бутурлиннинг олдидаги қарзини унутмаган Дидоренко порахўр ўғилнинг ишини «тўғрилаб» беради.

Пайғамбаримиздан шундай ҳадис келади: «Ёмон – мункар ишни кўрганингизда уни қўлингиз билан тузатинг, агар қўлингиз билан тузата олмасангиз, тилингиз билан тузатинг, агар буни ҳам қилолмасангиз, дилингиз билан тузатинг. Лекин бу ҳолат Сизнинг имонингиз сузглигидан далолатдир». Албатта, ўша йиллари маддалаб ётган бу адолатсизликларни ҳамма кўриб-билиб турар, уларга ичдан нафрат сезарди. Бироқ аксарият одамлар «бизда ҳам бола-чака бор» қабилида иш тутишиб, кўзларини кўрликка, кулоқларини карликка ўргатиб олишганди. Масалан, Б. Турсунов вазирлик партия ташкилоти йиғилишида бу адолатсизликларнинг ҳеч бўлмаса бир қисмини айтмоқчи бўлиб сўз сўрайди. Бироқ йиғилишни олиб бораётган Дидоренко ҳам, президиумда савлат тўкиб ўтирганлар ҳам (улар орасида бирорта ўзбек йўқ эди!) унга сўз беришни пайсалга солишади. Ниҳоят, раислик килувчи йиғилиш сўнггида «Кимда савол бор?» деб залга мурожаат этганидан фойдаланиб, вазирлик раҳбариятини фош этишга тушади – Дидоренко, Гусев, Тепловларни қаттиқ танқид қилади. Улар ўзини ҳокимияти чекланмаган подшоҳчалардек тутишларини айтиб, «десантчилар»га хайрихоҳлигига кўра ходимларни яроқли ва яроқсизга ажратишаётганини, яроқсизлар – маҳаллий кадрлар таъкиб қилинаётганини очик

гапиради. Москвадан юборилганларнинг барчаси, касб малакасидан қатъи назар, юқори лавозимларга тайинланиши, бор унвону мукофотларнинг ҳам уларга «насиб этиши» ҳақида яширмай айтади. Ерли аҳолига нисбатан эса ўта такаббурлик билан, менсимай муносабатда бўлишлари ҳақида куйиниб гапиради.

Унинг гапини қўллаган кўпчилик маҳаллий милиция офицерлари қўлларини оёқлари орасига тутишиб қарсақ чалишади. Шу гапдан олдин зарурат юзасидан ташқарига чиққан маҳаллий генералларимиздан бири эса залга кирар экан, жойига ўтираётиб ошқора қарсақ чалиб ўтади.

Ўрнига келиб ўтиргач, ёнидаги одамдан қарсақ сабабини эшитгандан кейин бўлса, қарсақ чалган қўлларини шошапиша орқасига яширади.

Танқид қилинганларнинг иш услуби фитначилик билан бевосита боғлиқ бўлгани боис, уларнинг кўрсатмаси билан 1989 йил августида «тили узун» Б. Турсунов ҳам «порахўр ўзбеклар» қаторидан ўрин олиб, унга қарши жиноий иш кўзғатилади...

Бояги «эрка ўғилларнинг» қилмишлари асосан пойтахтнинг Фрунзе райони ҳудудида содир этилганди. Ўша вақтда мазкур район ички ишлар бўлими бошлиғи лавози-мида Асланбек Ибрагимов хизмат қилган. 1986–1987 йиллар якунларига кўра, жиноятчиликнинг очилиши бўйича бу район кетма-кет биринчи ўринни эгаллайди ва кўчма кизил байроққа эга бўлади.

Йил якунига бағишланган мажлисда иштирок этган Дидоренко район ходимлари ишини пастга уриш мақсадида «Ибрагимов чойхонада ўтиравермаса, жиноятчиликнинг очилишини юз фоизга етказиш мумкин эди», деган гапни қилади.

А. Ибрагимов ишида ҳали муайян камчиликлар мавжудлигини тан олган ҳолда, жиноятчиликнинг очилишини юз фоизга етказган мамлакат йўқлиги, қолаверса, улар оча олмаган ишларнинг тўрттаси «юқоридагиларнинг кўрсатмаси» билан тергов бошқармаси ихтиёрида бўлгани туфайли судга оширилмаганини айтиб, «талабчан» раҳбарларнинг шохига қалтак уради.

Албатта, бу кайсар милиционернинг бетгачопарлиги Дидоренконинг эсида қолади. Орадан икки-уч кун ўтгач, кечаси ўн иккида А. Ибрагимов уйига сим қокилиб, у эрталаб соат саккизда Дидоренко ҳузурига чақирилаётгани маълум қилинади.

Дидоренконинг қабулхонасида шаҳар милиция бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Волков ҳам рангида ранг йўқ ҳолда ўтирарди. Дидоренко кела солиб, А. Ибрагимовга ўшқира кетади: «Сенинг районингда замминистрнинг уйига боскинчилик ҳужуми тийёрланаяпти-ю, балони ҳам билмайсан. Теплов менга Самарқанддан телефон қилди. Унинг квартирасига газовик кийимида бир кимса келиб, уйдаги вазиятни разведка қилиб кетибди. Зудлик билан жиноятчини топиб, жазолайсанлар ва иш натижаси тўғрисида бутуннинг ўзида ахборот берасанлар!», дейди.

Шаҳар ва район милицияси оёққа туради, зудлик билан А.Тепловнинг уйига бориб суриштирув бошланади. «Замминистрнинг хотинчаси» хушламайгина уйига уч кун олдин газ таъмирловчиси келганини, унинг «башараси ёқинкирамаганини» гапириб беради. «Уч кун олдин бўлса, нега ариза ёзиб бермадингиз?», деган саволга эътибор ҳам бериб ўтирмайди. Район газ бошқармасидан ўша куни навбатчиликда бўлганлар аниқланади. Бояги хонадонга борган 18–19 яшарлик йигит топилади. Ҳам кўрқиб кетган, ҳам ҳайрон бўлган бу йигит фақат у уйга эмас, «дом»даги бошқа хонадонларга ҳам кириб профилактик кўрик ўтказгани, Тепловнинг хотинига газ плитаси яқинига сочик илиш мумкин эмаслигини огоҳлантирганини айтади. Мазкур вазиятда ҳеч қандай жиноий ҳолат йўқлигига амин бўлган А. Ибрагимов ва Волков, буйруққа биноан, Дидоренко ҳузурига ўша йигитни бошлаб боришади ва бор гапни айтиб беришади. Ноқулай вазиятда қолган «хушёр раҳбар» эса ўзи берган топшириғини гўё унутиб, улар тақдим этган қоғозларни йиртиб отаркан, «Мени бир газовикдан бошқа қиладиган ишим йўқми?!», дея ўшқирришга тушади...

Аслида «замминистрнинг хотинчаси» ҳам, кўрқиб кетган газчи йигит ҳам ўша куни бўлган ҳодисани яширишган эди.

А. Ибрагимов Дидоренко кабулдан қайтиб чиқишгач, бояги йигитдан бор ҳақиқатни эркакчасига айтиб беришни илтимос қилади. Йигитнинг уялиб айтишича, у хизмат юзасидан Тепловнинг хонадонига кирганида, эри командировкада эканида кўзи конга тўлган бу хоним йигитга «холис хизмат» таклиф қилади. Бунақа ишга ўрганмаган, қолаверса, катта лавозимдаги «қонун посбони»нинг хотини билан суйкалишиб ўтиришдан кўрқиб кетган йигит қаршилик кўрсатганида, хоним «Сенга ҳали кўрсатиб қўяман!», дея унга ташланади. Бечора йигит эркаксирраган хотиннинг чангалидан зўрга қочиб, ўзини эшикка уради. Шовкиндан подъездга чиққан кўни-кўшнилари олдида шарманда бўлишдан хавотирга тушган хоним эса «замминистрнинг уйига тайёрланаётган босқинчилик ҳужуми» тўғрисидаги чўпчакни ўйлаб топади.

А. Ибрагимов қайтиб ишига борганида, хотинчасининг инжиқлигидан келиб чиққан ҳодисага чидамаган Теплов Самарқанддан телефон қилиб: «Нега Дидоренконинг олдида газовикни олиб бординг? Сендақа одамга милицияда ўрин йўқ, бошқа ишламайсан», деб бақиради. (Ҳолбуки, улфати Дидоренко унга фақат сочиқ воқеасини айтганди, холос. Ё хотинининг хурмача қилиқларини эри аввалдан билармикин?..) Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, вазирликнинг шахсий таркиб билан ишлайдиган масъул ходими А. Ибрагимовга кўнғирок қилиб, ўзига раҳбариятдан топшириқ тушгани, унга қарши «компрогат» йиғиб, жиноий иш кўзғатиш талаб қилинаётганини айтади. Гапининг охирида ишни шунгача олиб бормай, ариза ёзгани маъқул эканини дўстона маслаҳат беради. Шу тариха эндигина 45 ёшга тўлган, намунали фаолияти учун икки йил кетма-кет кўчма кизил байроқни қўлга киритган мутахассис «ўз ихтиёрига кўра» ишдан бўшатилиб, нафақага чиқарилади...

Агар эътибор бераётган бўлсангиз, ҳозирга қадар биз вазирликнинг энг юқори лавозимларига жўнатилган, ишга тайинланаётганида «ўта ҳалол, принципиал, виждонли одам» дея таърифланган кимсалар қилмишларигагина тўхталаяпмиз. Уларнинг Ўзбекистонда қонунчиликни қай тарзда «муштаҳкамлагани»ни эса кўриб турибсиз: Бутур-

лин ўзини порахўрликка қарши курашчи, деб эълон қилган бўлса, ўғли пора билан қўлга тушган, Дидоренко «уюшган жинойатчиликни йўқотишга» бел боғлаган бўлса, ўзининг ўғилчаси қонсираган болтасини одамлар боши узра сермайди, Теплов маҳаллий кадрларни «ёппасига ўғри-муттаҳам»га чиқаради-ю, энг малакали мутахассислар тақдирини, эркак-сираган хотинчасининг таманносига қулоқ осиб, ҳал этиб ташлайверади. Дарвоқе, генерал Теплов ГКЧП кунлари Саратов область КГБининг бошлиғи лавозимида эканида фитначиларни қўллаб-қувватлагани учун генераллик унвонидан Мосуво этилиб, ишдан ҳайдалгани ҳам унинг қанчалар содик коммунист бўлганидан далолатдир.

Биз ушбу мақолага материал йиғиш жараёнида келгинди «қонун посбонлари»нинг ўғиллари томонидан содир этилган жинойатлар илдизини топишга анча уриндик. Буни қарангки, бу ишлар нафақат ёпиб юборилган, балки уларга оид йиғилган дастлабки ҳужжатлар ҳам йўқ қилиб ташланган экан. Бирок улар бу ходисаларнинг жонли гувоҳлари – одамлар хотирасини ўчириб ташлаб бўлмаслигини ҳисобга олишмаганди.

Агар ўша йиллар ҳужжатларига синчиклаб назар ташласак, ўзбек замини генераллик унвонларини тарқатишда қанчалик «сахий» бўлганига яна бир марта амин бўламиз. Бу ерда энг катта унвонлар аксарият «меҳмонлар»га тортик қилинганди. Янаям тўғрироғи, уларнинг марказдаги ҳомийлари маҳаллий кадрлар иши натижалари учун ҳам ўз одамларини сийлашдан уялишмаган. Бу борада ҳам далилларга эътибор берайлик.

Хўш, «қайта қуриш» йилларида кимлар генераллик унвонларига сазовор бўлган? Рўйхатни кўрамиз – Дидоренко, Теплов, Рибакков исму шарифлари. Яна давом этамиз – Криворучко, Гусев...

Дейлик, ҳикоямиз бошида эслаганимиз В.Гусев генераллик мундирини жуда тез – Ўзбекистонга келганига олти ой тўлар-тўлмас эгнига илади. Ўйлашингиз мумкин: шунга яраша хизмат қилгандирки деб. Биз эса Сизга бу сийловнинг реал тарихини келтирамиз.

Тошкентнинг Октябрь райони БХССи раҳбари ўз ходимлари билан Эски Жува бозори ҳудудида катта миқдордаги

сохта пулларни таркатаётган кимсани қўлга туширади. Уни тергов қилиш натижасида вокзалнинг юкхонасига келтириб қўйилган янада катта партия сохта пуллар топилади. Бу пуллар Россиянинг қайси вилояти, қайси хуторида тайёрланаётгани аниқланиб, бизнинг ходимлар ўша жойга етиб боришади ва у ердаги «устахона» ҳам фош этилади. Бу операциянинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини шундан ҳам билса бўлардики, у ҳақда марказий телевидение ва барча оммавий ахборот воситаларида кетма-кет хабарлар берилади. «Ўроқда йўк, бошоқда йўк, хирмонда ҳозир» марказдан эса дарров махсус гуруҳ жўнатилиб, тўла очиб бўлинган иш материалларига эга чиқади ва барча хизматни ўзлариники қилиб кўрсатишга ўтади.

Айни операция амалга оширилган пайт – 25 апрелдан 17 май оралигида жаноб Гусев таътилда бўлиб, жазирама Ўзбекистондан узоқ жойларда мазза қилиб хордиқ чиқарарди. Бунини карангки, мукофотларни ўзаро тақсимлаб олган марказдагилар уни ҳам муддатидан илгари генераллик унвони билан сийлайдилар. Жиноятни очган, шу йўлда кечани кундузга улаган Октябрь райони БХСС бўлими ходимлари эса ҳеч кимнинг эсига ҳам келмайди, биров бу масалани суриштирмайди ҳам.

Бўрилар қуршовида

Энди, мухтарам ўқувчи, ҳар биримизни жиддий мулоҳазага толдириши табиий бўлган қуйидаги саволларни ўзимизга бериб кўрайлик: Президентимиз нега мустақилликни асраб-авайлаш, уни кўз қорачиғидек саклашга бу қадар кўп аҳамият беради? Бу масалада ҳаммадан кўп жон қуйдиришининг асл сабаби нимада?

Биз юқорида тўхталганимиз ходисалар, аслида, мазкур саволларга жавобнинг бошланиши эди, десак тўғри бўлар. Зеро, биргина соҳа мисолида эсланган шу айрим ходисаларнинг ўзиёқ, мустақиллик арафасида юртимизда нақадар мураккаб вазият ҳукмрон бўлганини, ундан мамлакат ва миллатни соғомон олиб чиқиб кетиш бўлғуси раҳбардан қанчалар катта ирода ва матонат талаб қилганини кўрсатади. Энди эса Ис-

лом Каримов раҳбарликни қўлга олган пайтдаги республика бошқарувини бир кўз олдимизга келтирайлик: Республика Прокуратураси аввал Бутурлин, ундан кейин Усатов қўлида; Ички ишлар вазирлиги – Камолов, Дидоренко, Гусевлар қўлида; Давлат хавфсизлик хизмати – Мелкумов қўл остида, Туркистон ҳарбий округи раҳбарлиги Кондратьев ихтиёрида. Демак, давлатнинг барча куч тузилмалари тепасида марказнинг содиқ одамлари ўтирар, улар ўзларига маъқул тушмаган ҳар қандай одамни бўридек ғажиб ташлашга шай эдилар.

ЎзССР Олий Совети раиси Ибрагимов, республика Министрлар Советининг раиси Қодировлар марказ чалаётган сурнайга эшилиб ўйнашдан нарига ўтишмасди.

Партия раҳбариятида марказ вакиллари мафкуравий жиҳатдан тўла қўллаб-қувватлашга сафарбар этилган Анишчев, Огорок, Ефимов сингари кимсалар жавлон урар, улар Усмонхўжаев, Нишонов сингари «биринчилар»га худди юввош қўйга қарагандек карашарди, холос. Барча область ва район микёсидаги бошқарувда ҳам худди шу тизим истисносиз амал қиларди. Марказ ўзи ўрнатган бу тизимнинг енгилмаслигига, унинг ишида ҳеч қандай ЧП содир бўлмаслигига ишонар (бугун маълум бўляптики, ортиқча ишонар) эди. Раҳбарият жойлардаги бўрилар ҳар қандай принципал, миллатпарвар одамни қўйга айлантира олишига шубҳа қилмасди. Бирок, ўзбекнинг Худога айтгани бор экан ...

Бу бўрилар галасининг қандай қилиб қувиб чиқарилгани тарихини эса хийла олдинроқдан бошлашга тўғри келади. Онгу шуури партократия тизимида заҳарланмаган, асосий фаолияти ишлаб чиқариш, иқтисод, молия соҳасида кечган Ислом Каримов ҳар жиҳатдан энг огир худуд ҳисобланган Қашқадарё области партия комитети раҳбари этиб юборилади. Милиция полковниги Тохир Рискиевнинг хотирлашича, обком секретари иш бошлаганига ҳеч қанча вақт ўтмай, 1987 йилнинг июнь ойида совпартактив чақиради ва унинг кун тартибига асосий мавзу қилиб область ички ишлар бошқармасидаги кадрлар масаласини қўяди. Область ички ишлар бошқармасининг раҳбари О. Новиков ҳам, унинг барча муовинлари, кадрлар бўлимининг бошлиги ҳам «таклиф

этилганлар» сирасидан бўлиб, ҳал қилувчи лавозимларнинг бирортасида маҳаллий кадрлар йўқ эди. Йиғилиш аввалида О. Новиков қилган баландпарвоз ҳисоботдан, унинг муовинлари билан ўтказилган савол-жавобдан кўнгли тўлмаган обком секретари кадрлар бўлимининг бошлиғи ўрнidan туришини сўрайди. Бўлим бошлиғи мажлисда бўлмаганлиги туфайли унинг муовини – Т. Ризкиев туради. И. Каримов у кишига «Сиз каерликсиз?» деб савол беради. Т. Ризкиев асли тошкентлик эканини айтганида, кейинги саволга дуч келади: «Бу областда яна қанча ишламоқчисиз?». Ундан, «Очиғи, бирор йил ишлаб, бола-чақанинг олдига борсам девдим», деган жавобни олган И. Каримов энди ўзи ўрнidan туриб: «Кўряпсизларми, фақат шу одамгина менга рост гапиряпти. Ахир бу ернинг дардлари, муаммоларини шу ерни яхши биладиган, халққа жони ачийдиган одамларгина ҳал қила олади. Маҳаллий вазиятни, одамларнинг феъл-атворини яхши билмайдиган милиция катталарига халқ қандай ишонади? Область раҳбари сифатида, Новиков, Сизга топширигим шу – барча район ички ишлар бўлимлари раҳбарларини маҳаллий, ишнинг кўзини биладиган одамлар билан алмаштирасиз. Протоколга ёзиб қўйинглар: роса бир йилдан кейин бюрода шу топшириқнинг бажарилиши бўйича ўрток Новиковнинг ҳисоботини эшитамиз».

Бўлиб ўтган гапларнинг салмоғи Новиковнинг бошидан-оёғигача зириллатиб юборади. Зеро, у марказ йўналишига очиқдан-очиқ зарба берилишини умрида биринчи марта шу ерда кўраётганди. Мажлисдан кейин аламидан ўз одамлари билан яримгани бўлиб ўтираркан, Новиков: «Мен кўп обком секретарларини кўрганман. Очиғи, бунақасини кўрмовдим. Лекин кўрқманглар. Москва ўз йўриғига юрмайдиган бунақа одамларни бир йилга қолмай ишдан олади. Кўрасизлар, ҳисобот беришимизга ҳам ҳожат қолмайди», деган гапни айтади.

Новиковнинг «башорати», дарҳақиқат, ортиғи билан тўғри чикади. Фақат тескарисига! Орадан тўрт ой ўтмай, 1987 йилнинг 23 ноябрида унинг қавуши ўзи келган Ленинград области томон тўғрилаб қўйилади...

Ислом Каримов Ўзбекистонга раҳбар этиб тайинланганда, уйдаги иссиқ ўринларида хотиржам ўтирган бўрилар галаси, аввалига пинак бузишмади. Унинг устига, марказ куткуси билан республиканинг гоҳ у, гоҳ бу ерида миллатлараро тўқнашувлар юзага келтирилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарияти уларнинг янада алангаланиб ёниши учун хилма-хил найрангларни ўйлаб топарди. Юқорида генераллик унвонини қандай кўлга киритганини ҳикоя қилганимиз В. Гусевнинг ўз соҳасида канчалик «мутахассис» эканини, халқимиз тақдирига қай кўз билан қараганини яхшироқ билиш учун яна Ғ. Раҳимовнинг хотираларига мурожаат қиламиз.

Наманганда машъум ҳодисалар содир бўлаётган кунлар эди. Жума намозига масжидга йиғилган ўн минглаб киши бошидан ўта катта қирғин кучига эга бўлган портловчи пакетлар ташлаш тўғрисида Гусев Тошкентдан туриб буйруқ беради. Агар шу иш қилинса, нақадар катта хунрезлик юз беришини кўнгли сезган, қолаверса, ўзининг бевосита раҳбари бўлмиш Камоловнинг тўғри қарор қабул қилишига шубҳа қилган Ғ. Раҳимов бу буйруқ тўғрисида хавфсизлик масалалари бўйича масъул Ғ. Алиевга қўнгирак қилади. У эса ўз навбатида Ислом Каримовга ахборот беради. Мамлакат раҳбари бунга асло йўл қўйиб бўлмаслигини, одамлар ҳаётини асраш энг муҳим вазифа эканини қатъий уқтиради.

Ахир тасаввур қилинг, ўн минглаб одам саждага бош қўйиб турган пайтда уларни қонга ботириш халқнинг шундоқ ҳам тўлиб турган сабр қосасини қанчалар чайқатган бўларди. Агар шу хунрезлик юз берганида, давлатга ишончсизликни зўр бериб тарғиб этаётган диний экстремистик гуруҳлар тилининг чигали яна-да ёзилишига кўшимча баҳона пайдо бўлмасмиди?

Фарғона воқеаларига келсак, у, ўша пайтда айримлар айтганидек, миллатлараро низо ёки адоват натижаси, миллатчиликнинг намоён бўлиши эмас, балки махсус хизматларнинг қилмиши, қўпоровчилик ҳаракати ҳосиласи эди.

Ёдингизда бўлса, Фарғона воқеалари 1989 йил 26 майда Қувасойда меҳсети туркларининг юришидан бошланади. Орадан бир ҳафта ўтиб, яъни 3–7 июнь кунлари Фарғонада аҳолига қарши одамнинг баданини ўпириб кетадиган махсус ўқлар отилган. Илгари бундай ўқлардан совет кўшинлари Афғонистондаги урушда фойдаланган, кейинчалик уни ишлатиш тақиқланган эди. Бундай шафқатсизликни оклаш учун 14 июнда Тошкентга келган СССР Министрлар Советининг раиси Н. Рижков ва СССР Давлат Хавфсизлик Комитетининг раиси В. Чебриков пленум ўтказиб, воқеаларга миллатчилик тусини берадилар. Ўша вақтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Р. Нишонов ҳам ўз маърузасида уларнинг фикрини маъқуллайди ва янада «ривожлантиради».

1989 йил 23 июнда Ўзбекистонга янги раҳбар – Ислом Каримов сайланади. 24 июнда, яъни орадан бир кун ўтгач янги раҳбар мажлисда сўзга чиқиб, бу тўполон ва чиқишларни миллатчиликнинг кўриниши эмас, балки одамларнинг мавжуд шароитдан, ҳаётдан норозилиги ифодаси, деб баҳолайди.

Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, Ислом Каримов лавозимга ўтирганига икки кун бўлар-бўлмас ниҳоятда оғир муаммо билан тўқнашади – 25 июнда Фарғонада вазият кескинлашади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ғ. Қодиров тўполон бўлаётган жойларга десантчиларни ташлаш тўғрисида кўрсатма бергани боис, кўчаларда БТРлар турган, автоматчилар одамларни текшириб ўтказаётган бир пайтда Ислом Каримов ўша ерга етиб келади. Бундай шароитда, аввало, одамларни тинчитиш, бунинг учун улар кўнглига ваҳима солиб турган қуролли кучларни олиб кетиш зарурлигини тушунган Ислом Каримов десантчиларни жойига қайтариш ҳақида топшириқ беради. Шу кунги хавфсизлик хизматининг қаттиқ қаршилигига қарамай, Қўқонга етиб келади. Йўл-йўлакай бир-икки жойда одамларнинг рўй бераётган воқеалар ҳақидаги фикрини ўрганади.

Натижада шу нарса аён бўладики, одамлар ҳеч кимга ва ҳеч нарсага, давлатга ҳам, адолатга ҳам ишонмай қолган, ниҳоятда аламзада аҳволда эдилар. Шунда Ислом Каримов

уларга: «Мен сизлар билан биргаман, муаммоларни биргалликда ҳал этамиз, лекин сизлардан илтимосим, фақат ҳамма жойда тинчлик, тартиб-қоида бўлиши керак», дейди ва бу мураккаб вазиятда ҳам ўз ниятига эришади.

Ҳолбуки, бу ишларнинг барчаси республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ўтирган кимсаларнинг вазифаси эди.

Бўкага борганида ҳам Ислом Каримов аянчли манзаранинг гувоҳи бўлади – йўл ёқасида машиналар ёнар, жунбишга келган ёшлар тўполон қилишарди. Янги раҳбар уларнинг ёнига бориб, ўзини таништиради. Бирок улар шу қадар жазавага тушган эдики, ҳеч қандай гап-сўзга қулоқ солмасдилар. Шунда Ислом Каримов: «Одатда ўзбекнинг олдига биров келса, юринг, бир пиёла чой қуйиб берай, деб айтади-ку, мен ҳам йўл босиб келдим, бир пиёла чойга чақирсаларинг бўлмайдими, шунда бафуржа гаплашиб ҳам олардик», дейди. Жавобан «Чақирганимиз билан бизникига кирмайсиз-да», деган гапни эшитади. Сўзларининг самимий эканига тўпланган оломонни ишонтирган Ислом Каримовни ёши каттароқ бир йигит кўримсизгина бир ҳовлига таклиф этади. Дастурхон атрофида ўтирган тўрт-беш қария билан саломлашиб, раҳбар улар каторидан жой олади. Ўша пайтдаги Тошкент обкомининг котиби С.Мамарасулов бу учрашувда унга ҳамроҳлик қиларди. Тез орада ошни ҳам олиб келишади. Сухбат орасида бу одамларнинг қачонлардир Қашқадарёдан кўчиб келгани устида гап кетиб, умумий танишлар борлиги ҳам маълум бўлади. Айни йўсин гап қовушиб, улар билан умумий тил топилади. Шу тариқа ҳалигина вазоҳатидан қон иси келиб турган тўполон тарқалади.

1990 йил 16 февралда Ислом Каримов Бўкага иккинчи марта боради. Ўша кунни райком олдида одамлар тўпланиб, тўполон қилаётгани ҳақида хабар келади. Маҳаллий месхети туркларининг уйларига ўт қўйилиб, газ баллонлари портлатилаётган экан. Биринчи раҳбар машинада ўша жойга етиб келади. Аҳвол ниҳоятда мураккаб эди. Қалқон кўтарган милиция ходимларига оломон тош отади, кейин милиционерлар уларни таъқиб қилади, одамлар яна тош отиб, орқага

қараб қочади. Шунда Ислом Каримов мегафонни қўлига олиб, одамларга ўзини таништиради ва милицияни орқага қайтариб юборади.

Милициянинг ортда қолиб кетганини кўриб, оломон бироз босилади. Уларнинг қўпчилиги маст-аласт, наша чеккан, хуллас гап уқадиган аҳволда эмасди. Улар орасида от миниб олганларидан бирини чақириб, Ислом Каримов «Отдан туш», – дейди ва шартга отга миниб халойиқ орасига қиради. Уларга мурожаат қилиб, «нима талабларинг бўлса, менга айтинглар, ҳаммасига эътибор билан қараб, ҳал қилиб беришга ҳаракат қиламан», дейди.

– Сиз ҳам шуларнинг бирисиз, сиз ҳам Москвадан кўрқасиз, биз ҳеч кимга ишонмаймиз! – деган ҳайкириқлар эшитилади.

Шунда Ислом Каримов марказ ҳақида ўзининг дангал фикрини айтади. Янги раҳбардан бундай жавобни сира кутмаган халойиқ, бўшашиб, тараддудланиб қолади. Кейин Ислом Каримовдан месхети туркларини 24 соат ичида олиб чиқиб кетишни талаб қилишади. Раҳбар 48 соат ичида олиб чиқиб кетишни ваъда беради. Чунки бошқа илож йўқ эди. Кейин автобуслар ташкил қилиниб, турклар Паркентга – Қумушқондаги дам олиш уйига олиб чиқиб кетилади.

Ислом Каримов ўз жонини гаровга қўйиб, ҳар қандай хавф-хатарга қарамай, чигал жанжаллар қучайган жойларда кескинликни қурбонсиз бартараф этган бўлса, идорасидаги юмшоқ курсидан кетини кўтармаган генерал Гусев Паркентда қирғин уюштиради. Бўрилар тўдаси ўзини сўнгги ҳамлаларидан бирини айни шу жойда – Ислом Каримов шахсан назорат қилишга улгурмаган Паркентда амалга оширади. Генерал Гусев Наманганда ишлата олмаган портловчи пакетларини шу ерда ўзбошимчалик билан аҳолига қарши қўллади ва қонли фожиаларга сабабчи бўлади. Қолбуки, қирғин қуввати ўта қучли бўлган бу портловчи моддалар аҳолига қарши политбюронинг махсус руҳсати билангина қўлланиши мумкин эди. Ана энди хулосани ўзингиз чиқаринг: ким учун элини омон сақлаш муҳим бўлган-у, ким жасадлар сонини санашдан лаззатланган...

1990 йил 4 июнда Ўшда ҳам фожиали воқеалар бошланади. Улар ҳам худди бизнинг юртимизда рўй берган воқеалар сценарийси бўйича ривожланиб боради. Ислон Каримов Қирғизистон Компартиясининг ўша вақтдаги биринчи котиби А. Масалиевга телефон қилиб: «Оғайни, катта жанжалнинг хиди келяпти, зарур чорасини кўринг», деб талаб қилади. У эса эртага пленум бор, мен шунга тайёргарлик кўряпман, деган баҳона ишлатиб, жанжал жойига ёрдамчиларидан бирини юбориш билан чекланади, холос...

6 июнда Андижонга Қирғизистондан иккита аёл мурдаси олиб келинади. Бу ҳомиладор аёллар каттиқ таҳқирланган эди. Буни кўрган халқ, табиийки, ўз-ўзидан кўзгалиб кетган, Хўжаободда ғазабга тўлган минг-минглаб одамлар чегарага келиб, ўч олишга шайланган эди. Улар Ислон Каримов кўрсатган қатъият туфайлигина ушлаб қолинган ва тасаввур қилишнинг ўзигина одамни даҳшатга соладиган фожиаларнинг олди олинган.

Ислон Каримов Ўшдаги воқеалар туфайли вазият кескинлашаётгани муносабати билан тезкор чоралар кўриш лозимлиги ҳақида КПСС МК Бош котиби М. Горбачевга 1990 йил 7 июнда шошилинч телеграмма йўллайди. Бирок «иттифокнинг отаси» ҳар қандай масалада амалий ишдан кўра кўпроқ сафсата тўқишга ишқибоз эканини яхши билган республика раҳбари унинг жавобини кутиб ўтирмай, шўролар салтанати тарихида илк бор бу муҳим масалада мустақил ҳаракат қилади. Зеро, вақт ўта тиғиз, йўқотилган ҳар бир соат асрларга татиғулик кулфатларни бошлаб келиши мумкин эди. Шу туфайли ҳам эртаси куниёқ, яъни 1990 йил 8 июнда ЎзССР Президенти Ислон Каримовнинг «Андижон областининг Жалолқудук, Қўрғонтепа, Марҳамат, Пахтаобод, Хўжаобод районлари ва Андижон шаҳри худудида фавқулодда ҳолат жорий қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинади ва вазиятни барқарорлаштирувчи тезкор чоралар кўрилади. Бу фармонда Ички ишлар вазирининг муовини Ғ. Раҳимов белгиланган ҳудудларга комендант этиб тайинланади.

Буни қарангки, 7 июнда Москвага жўнатилган, икки кардош халқнинг келгуси тақдирига дахлдор ўта муҳим

масала кўтарилган телеграммага «тезкор» жавоб орадан бир ҳафта вақт ўтгач – 14 июндагина келди. СССР Ички Ишлар вазири генерал Бақатиннинг 231-сон буйруғи билан Қирғизистоннинг Фрунзе ва Ўш областлари ҳамда Ўзбекистоннинг Андижон областида 14 июндан эътиборан фавқулодда ҳолат «шошилиш равишда» жорий қилинди...

Ички ишлар идоралари фаолиятидаги жиддий камчиликларни зудлик билан бартараф этиш мақсадида Президент ўз хузурига вазирни – генерал Вячеслав Камоловни чақириб, «Сизнинг, генерал, биринчи навбатда қиладиган ишингиз – юртимизга ҳар ердан келиб тизимингизда ўрнашиб олган «десантчилар»дан халос бўлиш», дейди. Марказдаги ҳомийларига каттик ишонган, «Ўзбеклар иши» бўйича тезкор гуруҳларда жонбозлик кўрсатган, ўрни келганда Гдлян-Ивановларга садоқат билан хизмат қилган Камолов бу сафар ҳам икки хил ўйин бошлади. Гусев ва Теплов сингарилар унинг энг яқин ошналари бўлгани туфайли, улар орқали Москвага Ўзбекистоннинг янги раҳбари тўғрисида турли маълумотларни жўнатиб туради.

Юкорида гувоҳи бўлганимиздек, ўша пайтда «қонун побонлари» ўзининг бевосита ишини бир ёкка қўйиб, турли кирдикорлар билан банд бўлишгани туфайли, республикада жиноятчилик ҳар қандай ҳаддан ошиб кетганди. Масалан, 1984 йилда ҳаммаси бўлиб 60162 та жиноят содир этилган бўлса, 1990 йилга келиб бу рақам 88155 тани ташкил қилганди. Шуниси кизикки, «социалистик қонунчиликни тиклаш учун» марказдан қанча кўп «десантчи» келса, боқинчилик, одам ўлдириш, ўғирлик (жумладан, автомобил ўғирлиги), уюшган жиноятчилик шунчалик тезроқ ўсиб борди. Ўша пайтларда республикадаги уюшган жиноятчиларнинг «крестный отец»лари айнан Москвада ин қургани ҳам оддий гапдек айтилаверарди. Одамларнинг ҳуқуқ-тартибот идораларига ишончи қолмагач, ёрдам таклиф қилган ҳар қандай кимса қаршисига бош эгиб борарди. Бу вазиятдан эса ашаддий жиноятчилар, турли «разборчи»лар унумли фойдаланар, пана-пастқамларда жойлашган чойхоналар «адолат маҳкамалари»га айланиб қолганди. Ички ишлар тизимининг ишга яроқсизлигидан

«Адолат», «Тавба», «Ислом лашкарлари» сингари экстремистик гуруҳларга ҳам гўё «иш топилганди».

Шу ўринда министр Камолов хузурига журналист А. Ковалев кирганида бўлиб ўтган суҳбат, айниқса, кизиқарлидир. Мазкур суҳбат бизга Камолов асл киёфасининг камида икки жиҳатини очиб беради. Республикамизга Дидоренко билан бирга келган, бироқ юртдоши каби қонунсизликлар ва ўзбошимчаликлар йўлини тутмаган ИИВ БХСС бошқармаси бошлиғи Г. Овчаренкога у «ўзбекларга сотилган», дея баҳо беради. Эътибор беринг-а, бу ибора марказ гумашталарининг оғзидан эмас, «ўзимизнинг министр», фақат паспортида ўзбек бўлган Камоловнинг оғзидан чиқяпти. Дарвоқе, худди шундай М. Кирик ҳам маҳаллий аҳоли тақдирига бефарқ бўлмагани учун яроксизлар рўйхатидан жой олади.

А. Ковалев олти марта судланган, водийни қон қакшатаётган ашаддий жиноятчилардан бири Э. Мамадалиев Андижон шаҳрида футбол ўйинидан кейин бўлиб ўтган тартибсизликларда ҳам асосий ролни ўйнагани, Камоловнинг ўзи бу одам билан оғиз-бурун ўпишиши тўғрисида гапира бошлаганида эса, вазир унинг оғзига уриб, шундай дейди:

– Бечора Эркин, ҳамма нарсада уни айблашади. Бу жанжалларга ҳам у айбдормиш. Уни Звездочетнинг (В. Аветисов деган «авторитет»нинг лақаби – тахр.) ўлдириб кетилишидаям айблашувди. – Кейин кўтаринки оҳангда давом этади. – Ахир унга миннатдорчилик билдиришимиз керак. У янги шаҳардаги бузғунчиликларнинг олдини олиб қолган. Сиз бу бебошликларнинг шаҳарнинг у қисмида ҳам давом эттириш мўлжалланганидан хабарингиз борми ўзи? Йўқми? Ана каранг! Ахир шу одам уни тўхтатиб қолди-ку!..

Ҳарқалай, Камоловнинг ўзи химоя қилаётган «қахрамонлар» билан қанчалик яқин алоқада бўлгани хусусида гапириб ўтириш ортикчадир.. Бизни бу вазиятда бошқа бир нарса кўпроқ ҳайратга солади – агар бир шубҳали шахс шунча нарсага қодир бўлса, Вячеслав Камолов бошчилигидаги милициянинг нима кераги бор ўзи?

Марказ ноғорасига ўйнаб ўрганган Камолов фаолиятида ҳеч қандай ижобий ўзгариш юз бермаётганини кўрган, бу

одам ички ишлар тизимида туб ислоҳотлар ўтказилишига фақат халакит бериши мумкинлигини теран тушунган Президент уни вазифасидан четлаштиради. Энди ўйинлари ўтмай қолганидан аламзада Камолов хизмат хонасини топшириш учун ҳамтовоқлари ёрдамида лаш-лушларини йиғиштирар экан, кабинет тўрида осиглик турган Президент портретига қараб: «Биз Сиз билан ҳали учрашамиз!» дея жўжахўрозларча чиранади. Бу гапи билан «шоввоз» Камолов вақти келиб Ўзбекистонда кизил салтанат кўли яна баланд келишига умид қилгани, республика эришган мустақилликнинг умри узоқ бўлмаслигини орзу қилгани, бу йўлда ҳар қандай разилликдан ҳам қайтмаслигини ошқор этганди. У ўзининг хомхаёлида қонхўр Фрунзенинг набиралари қаторида кизил байроқ қилпиратиб бу юртга қайтишни истаган бўлса, не ажаб. «Нотавон кўнгилга кўтир жомашов» деганларидек, бу олифтанинг орзулари ҳам худди Новиковнинг «башорати»дек саробга айланди.

Президентнинг бевосита кўрсатмаси билан республика Ички ишлар вазирлигининг масъул лавозимларига малакали маҳаллий кадрлар қўйилди. Тизим раҳбарлиги халқ тақдирига бефарқ бўлмаган, унинг орзу-армонлари билан яшайдиган кишилар кўлига ўтгач, ишда жиддий ижобий ўзгаришлар юзага келди. Уюшган жинойтчилик, босқинчилик, автомашиналарни олиб қочиш сингари ўнлаб жинойтларнинг пайи қирқилди. Собик иттифок ҳудудида авж олиб ётган автомашина ўғирлигини оладиган бўлсак, агар 1990–1991 йилларда бир кунда ўртача 154 та жинойт расмий рўйхатга олинган бўлса (рўйхатга тушмаганининг эса саноғи йўқ эди!), айни масалада Президентимиз кўрсатган қатъият туфайли 1992 йилга келиб – бир йилнинг ичида бу бемазагарчиликларга кескин чек қўйилди!

Бу тадбирларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб эса 1990 йил 31 октябрда Президент имзолаган «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги ЎзССРнинг Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги тўғрисида»ги 270-сон қарори

хизмат қилди. Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан Ички ишлар вазирлиги фаолиятига доир энг муҳим масалалар ўз ечимини топди. Уларда ички ишлар ходимларининг асл вазифалари, ҳуқуқ ва бурчлари аниқ кўрсатиб берилди, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш чоралари белгиланди. Ҳар бир лавозимдор шахснинг ҳуқуқ ва масъулияти алоҳида кўрсатилиб, вазирликнинг янги структураси тасдиқланди. Энг муҳими – бу тизим фаолиятини молиялаш, ходимларга унвонлар бериш ва лавозимларга тайинлаш республика ихтиёрига олинди. Шу тариқа мамлакат Ички ишлар тизими ўз мустақиллигини қўлга киритди.

Яқуний мулоҳазалар

Газеталар қоғози тез саргаяркан. Агар Усмонхўжаев, Нишонлар даврида нафақат иттифок, балки ўзимизда чоп этилган оммавий ахборот воситалари саҳифаларига қарасак, уларнинг ҳар кунги сониди ўзбек халқи бошига минг турли маломатлар ёғдирилганининг гувоҳи бўламиз. Ислон Каримов раҳбарликни қўлга олгач эса, уларда адолат овози янграйди, халқ тухматдан ҳимоя қилинади, ҳаттоки, марказий нашрлар тилёғламаликка ҳам ўтишади.

Инсон хотираси эса газета қоғози эмас.

Биз ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида ўша йиллари ички ишлар тизимида хизмат қилган, юқорида баён этилган барча ҳодисаларни бевосита ёки билвосита гувоҳи бўлган ўнлаб кишилар билан учрашдик, суҳбатлар қурдик. Суҳбат давомида бир ҳақиқатни илғадик – улар бир вақтлар «десантчилар»нинг зулмидан, адолатсизликларидан жабрлангани туфайли мустақилликнинг кадрига кўпроқ етишади, зеро, бу одамлар келгиндиларнинг зуғуми ҳақида бировдан эшитмаган, балки мақолада қисман тилга олинган ноҳақликларни ўз бошларидан кечирган. Бугун ўрни бўлса бўлмаса ўзини мустақиллик қаҳрамони дея тақдим этаётган айрим кимсалардан фарқ қилароқ, улар ўтган кунларнинг нақадар хатарли бўлганини, бўрилар галасига қарши бориш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермаганини очиқ тан олади-

лар, бугунги кунларга шукрона келтирадилар. Зеро, Ислон Каримов марказдан келган бир неча юз бемаза одамга қарши эмас, балки шўролар давлати деган бутун бошли тузумга қарши жангга кирганди. Бу тизимни синдириш, ундан мамлакат ва миллатни халос қилиш айтишгагина осон эди. Айни тузум тарафдорларини эса фақат марказдан юборилганлардан иборат эди, деб ўйлаш ҳам бориб турган соддаликдан. Унинг «содик ҳимоячилари» ўзимизда ҳам истаганча топиларди. Маълумки, «ўзингдан чиққан балоларнинг» кирдикорлари ҳаммасидан ошиб тушади.

Мустақиллик, миллий нафсоният, инсон ҳақ-ҳуқуқи учун олиб борилган жангларда мағлуб бўлган Нишонов, Қодиров, Камолов ва яна бошқа ўнлаб «шўро лашкарбошилари» тешик қалқонларини елкага ортиб, ўзлари ёрдамга чақирган «десантчилар» ортидан Московга кетарканлар, бу билан яна бир бор ўзларининг кимнинг одами, қайси галадан эканини ошкор қилишди. Бу ҳаракатлари билан улар гўё халқ нафратидан қочиб кутулишгандек, бироқ Яратганнинг нигоҳидан қайга яширинишаркин?..

Биз юкорида Пайғамбаримизнинг ҳадиси шарифларини бекорга эслаганимиз йўқ. Зеро, ҳар инсоннинг иймони тил учида Аллоҳни ёдлаб туриш ёхуд ҳар қандай дунёвий ишлардан, халқ ташвишу қувончларидан узилиб, тинимсиз тоат-ибодат қилиш билан белгиланмайди. Ёмонликни, адолатсизликни, хунрезликни кўрганда нафақат дили, тили, балки забардаст қўли билан ҳам уни тузатиш ҳақиқий имон, чин инсонликнинг ўчмас белгисидир!

Иккинчи боб

ҲУҚУҚИЙ ҚУРОЛУ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОН

ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Мустақилликка эришганимизга, демократик йўлни танлаганимизга 10 йилдан ошаяпти. Ўтган давр ютуқлар, муваффақиятлар, қувончлар билан бир қаторда кураш, ўсиш, фидокорона меҳнатга тўла давр бўлди. Истиклолнинг

дастлабки йиллари мустақиллигимизни мустаҳкамлашга сарфланган бўлса, бу вазифа адо этилгач, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш сари одим ташладик. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иккинчи чақириқ еттинчи сессиясида бу соҳада амалга оширилган ишлар, ижтимоий-сиёсий жабҳадаги ислохотларнинг натижалари сарҳисоб қилинди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси демократик давлат қуришнинг янги палласига қадам қўётганлиги таъкидланди ва очиқ демократик жамият барпо этишнинг навбатдаги стратегик вазифалари белгилаб олинди. Сессияда муҳим масалалар кўтарилди. Бу – республикада икки палатали парламентни шакллантириш ва Президентнинг конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш масалаларидир. Бундай давлат аҳамиятига молик масалаларнинг референдум орқали ҳал қилиниши Ўзбекистонда демократик таракқиётнинг янги босқичи бошланганидан далолат беради. Бу босқич демократия сари интилишларимизга, фаровон ҳаёт томон йўналтирилган саъй-ҳаракатларимизга янгича шиддат ва шижоат бағишлаши шубҳасиз.

Референдумга қўйилган ҳар икки масала ҳам халқ ҳокимиятчилигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, демократия тушунчасининг асл мазмуни ҳам халқ ҳокимиятини ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» деб ёзиб қўйилган. Таъкидлаш жоизки, халқ ўз қўлида тўпланган ҳокимиятни икки усулда – вакиллик демократияси ва бевосита демократия шаклида амалга оширади. Вакиллик демократиясида халқ ўзи сайлаб қўйган вакиллари орқали ҳокимиятни амалга оширади. Бунда халқ ўзи маъқул топган, муносиб деб билган инсонларга ўз ҳокимиятини, ваколатларини ишониб топширади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ томонидан сайланиши ҳам унинг ўз ваколатларини халқдан олганлигини кўрсатади. Демократиянинг иккинчи тури – бевосита демократияда халқ, ўз қўлида тўпланган ҳокимиятни ҳеч қандай вакилларсиз, бевосита амалга оширади. Ана шундай бевосита демократиянинг ёрқин ифодаси референдумдир. Де-

мократиянинг бу турида халқ ҳукмига ҳавола этилган масала ҳеч қандай воситачисиз, давлат аралашувисиз ҳал қилинади. Референдумда халқ ўзи қарор қабул қилади, халқ ўзи ҳукм чиқаради ва шу боис референдум халқ ҳокимиятчилигининг олий шакли ҳисобланади. Тан олишимиз керакки, баъзи кишилар референдум ва сайлов ўртасидаги фарқни тушуниб етмайдилар. Сайловларда фуқаро унинг номидан иш кўрадиган вакилларни сайласа, референдумда халқ ўз ваколатларини тўғридан-тўғри амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этишларининг барча қонуний асослари яратилган. Конституциямизнинг 9-моддасида референдум тўғрисида қуйидаги норма мустаҳкамланган: «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади». Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонун 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган бўлиб, 2001 йил 29 августда Олий Мажлис бу қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритди ҳамда унинг янги таҳририни қабул қилди. Бу қонунда нима учун референдум ўтказилиши, унинг аҳамияти, қабул қилинган қарорларнинг юридик кучи, қандай масалалар референдумга қўйилмаслиги, референдум ўтказилишини истисно этадиган ҳолатлар, уни ўтказишнинг асосий тамойиллари, референдум тайинлаш ва ўтказиш тартиби, унда иштирок этувчиларнинг ҳуқуқлари белгилаб берилган.

Мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантириш масаласининг халқ ҳукмига ҳавола этилиши юртимизда демократиянинг мукамаллашиб бораётганлиги нишонасидир. Бу қадам давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш сиёсатига ҳамоҳангдир. Чунки халқнинг референдум орқали қабул қилган қарори олий юридик кучга эга бўлиб, муҳим сиёсий аҳамият касб этади. Референдум йўли билан қабул қилинган қарор ҳуқуқий нуқтаи назардан Конституциядан кейинги ўринда туради. Бинобарин, референдумда ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи бўлган халқ ўз иродасини

эмин-эркин ифода этади. Дунё тажрибасининг кўрсатишича, референдумда қабул қилинган қарор халқнинг манфаатларига тўлиқ мос келиши учун икки шартнинг бажарилиши талаб этилади.

Биринчи шартга кўра, халқ ҳукмига ҳавола этилган масала овоз берувчилар учун тушунарли, оддий ва содда тилда ифода этилмоғи лозим.

Иккинчи шартга кўра, масаланинг моҳияти, унинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти халққа тўғри, ҳар томонлама муфассал тушунтирилиши, турли хил сўз ўйинларига йўл қўйилмаслиги зарур. Шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, 27 январда ўтказилган референдумда овоз бериш бюллетенига киритилган саволлар оддий тилда, халқ тушунадиган тарзда баён қилинган ҳамда иккиламчи, яширин маъноларга эга эмас.

Шу боис халқимиз мамлакатимиз тақдири, истиқболи учун ғоят муҳим бу тадбирда фаол иштирок этди. Марказий сайлов комиссияси маълумотларига қараганда, референдумда овоз берувчилар рўйхатига киритилган 13 266 602 нафар фуқароларнинг 12 113 070 нафари ёки камида 91 фоизи овоз берган.

Дарҳақиқат, референдумда иштирок этиш ихтиёрий бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятини кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Унда иштирок этиш фуқароларнинг ўз давлати, халқи, миллати ва қолаверса, ўзининг тақдирига бефарқ эмаслигининг ёрқин далилидир. Бошқача айтганда, референдумда мамлакатимиз фуқароларининг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлиги, ўз келажагига муносабати яна бир бор синовдан ўтади. Шу боис референдумларни ўтказиш демократик давлатларнинг ажралмас белгиси, сиёсий ҳаётининг таркибий қисми саналади. Аксинча, тоталитар давлатларда эса, муҳим масалаларни референдум, умумхалқ овозига қўйиш йўли билан ҳал қилиш амалиёти сира қўлланилмайди.

Баъзи ҳолларда бевосита демократиянинг яна бир тури бўлган қонун лойиҳасининг муҳокамаси билан референдумнинг фарқини тушуниб етмаймиз. Қонун лойиҳасининг муҳокамасида фуқаролар қонун лойиҳаси ҳақидаги фикр-

мулоҳазаларини билдиради, уни яхшилашга доир ўз таклифларини беради. Бироқ ушбу таклиф ва мулоҳазаларни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик, охир-оқибат, давлатнинг иродасига боғлиқ бўлади. Референдумда эса, аксинча, фуқаролар иродаси, халқ ҳукми давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг хоҳиш-истакларидан қатъи назар, қабул қилинади. Шундай экан, халқ чиқарган қарор олий юридик кучга эга бўлиб, ижро этилиши мажбурий ҳисобланади. Бу қарорни ҳеч ким, ҳеч бир тузилма, ҳатто Олий Мажлис ҳам қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Референдумда ўртага ташланган биринчи масала – мамлакатимизда икки палатали парламент тизимини шакллантириш билан боғлиқ. Парламент ислоҳоти Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш сиёсатининг мантикий давомидир. Агар референдумда Ўзбекистон халқининг кўпчилиги икки палатали парламентни ёқлаб овоз берса, қонун чиқарувчи органда қандай ўзгаришлар содир бўлади?

Авваламбор, Олий Мажлис ҳозирдаги каби сессиялар шаклида ишламай, қуйи палата доимий ва профессионал шаклда ишловчи палатага айланади. Натижада, қуйи палатага сайланган депутатларнинг доимий иши, асосий машғулотни қонунчилик фаолиятдан иборат бўлади. Улар учун депутатлик касб-корга айланади, демак, улар қонунлар тайёрлаш ва қабул қилишдан бошқа фаолият билан шуғулланмайдилар. Бу эса қабул қилинажак қонунларнинг янада пишиқ-пухта бўлишига олиб келиши табиий.

Иккинчидан, доимий ишловчи қуйи палатанинг ташкил этилиши қонунчилик жараёнини тушунадигани ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, иқтисодчиларни ва таниқли жамоат арбобларини парламент ишига жалб қилиш имконини беради. Бироқ раҳбарлик лавозимида ишлайдиган кишилар, йирик корхона раҳбарлари ўз касб-кори, мансабидан воз кечиб, парламентда ишлаш масаласи устида жиддий «бош қотириш»ларига тўғри келади.

Учинчидан, қуйи палата депутатларининг асосан сиёсий партия вакилларидан иборат бўлиши партияларнинг мам-

лакатимиз ҳаётидаги фаоллигини оширишга муҳим туртки бўлади. Чунки навбатдаги сайловларда партия фракцияларининг парламентдаги фаолияти сайловчилар учун овоз бериш мезони бўлиб хизмат қилади. Боз устига, қуйи палатанинг иши партия вакиллари фаолиятига боғлиқлиги партиялар ишини жонлантиришга хизмат қилади. Парламентга номзод кўрсатаётган вақтда партиялар номзодларнинг мансабига, кўрсатган хизматларига қарамай, уларнинг қонунчиликни қай даражада тушунишига эътибор қаратишга мажбур бўладилар. Демак, партиялар ўз сафларига имкон қадар фаол, билимли, фидойи кишиларни жалб қилишга ҳаракат қилади. Бу партияларнинг ўз дастурий мақсадларига эришиш имкониятларини янада оширади. Мазкур жараён Ўзбекистондаги сиёсий партияларни ривожланган давлатларда фаолият юритаётган сиёсий партиялар даражасига кўтарилишига олиб келади.

Қуйи палатанинг мансабдор шахслар, давлат арбобларидан холи бўлиши депутатларга ўз фикрларини эркин баён қилиш имконини беради. Оддийгина мисол. Айтайлик, туман ёки вилоятдан сайланган депутат парламентдан жой олгач, ўз ҳокими олдида ўртага ташланган масала бўйича мустақил фикр билдириши, ҳоким билан маслаҳатлашмай таклиф киритиши мушкуллигини ҳисобга олиш керак. Парламент қуйи палатасининг депутатлари ўзлари истиқомат қилаётган вилоят, туман ҳокимлари олдида ўзини кўрсатиш учун эмас, балки сайловчилар ва партиядаги сафдошлари олдида обрў олишга ҳаракат қиладилар. Бу эса мамлакатимизда давлат қурилишини либераллаштириш сари қўйилган муҳим қадам бўлади.

Дунё тажрибасига кўра, доимий ишловчи қуйи палатанинг мавжудлиги ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини кучайтириш имконини беради. Бир йилда икки марта фақат сессияларда йиғиладиган парламент билан бу вазифани амалга ошириб бўлмайди. Доимий ишловчи профессионал қуйи палатанинг мавжудлиги эса депутатларга қонун ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш билан бир қаторда уларнинг қай даражада ижро этилаётганлигини ҳам назорат қилиш имконини беради.

Парламентнинг юқори палатаси ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бундай палатанинг шаклланиши ҳам демократияни

ривожлантиришга муҳим туртки бўлиши шубҳасиз. Федератив давлатларда парламентнинг юқори палатаси федерация субъектларининг вакилларидан иборат бўлиб, асосан уларнинг ҳудудий манфаатларини ифодалайди. Бироқ бу – икки палатали парламент тизими фақат федератив давлатларга хос дегани эмас. Унитар шаклдаги давлатларда ҳам икки палатали парламент кенг урф бўлган. Давлатнинг федератив ёки унитар эканлигидан қатъи назар, парламентнинг юқори палатаси давлат аппарати ишини самарали ташкил этиш, унинг изчиллик билан мунтазам ишлаши учун имконият яратади. Бу палатанинг депутатлари ўз ваколатларини бевосита сайловчилардан олмай, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари томонидан сайланади ёки тайинланади. Бу палатанинг депутатлари бошқарув соҳасида банд кишилар бўлиб, улар кўпроқ сиёсий тарафга йўналтирилган қуйи палата ишлаб чиққан қонунларни амалиётга яқинлаштиришга хизмат қилади.

Кўп мамлакатларда парламентнинг юқори палатаси ижроия ҳокимияти билан қонунчилик ҳокимияти ўртасидаги кўприк ҳисобланади. Масалан, АҚШда Сенат мажлисларига раисликни вице-президент амалга оширади. Буюк Британияда Лордлар палатасини ҳукумат томонидан тайинланган Лорд-канцлер амалга оширади. Бу эса парламентга ижро ҳокимияти билан доимий алоқада бўлиш, унинг фаолиятидан хабардор бўлиш, мақсад-муддаоларини тезроқ етказиш имконини беради.

Юқори палатани ташкил қилиш демократик жараён эканлиги Юртбошимизнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларида ўз исботини топди. Президентимиз И. Каримов: «Юқори палата ташкил қилинганидан сўнг мен ўз ваколатларимнинг баъзиларини юқори палатага беришга тайёрман», деб алоҳида таъкидладилар. Парламент ваколатларининг бундай кенгайиши, ўз-ўзидан, парламентнинг масъулиятини ва унинг халқ олдидаги нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Буни яхши англаган фуқароларнинг 11 344 242 нафари, яъни 93,65 фоизи парламентнинг икки палатали бўлишини ёқлаб овоз берган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти конституциявий ваколат муддатининг 5 йилдан 7 йиллик қилиб ўзгартирилиши Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи ҳокимияти – парламент ислохотлари билан, икки палатали парламентнинг вужудга келиши билан бевосита боғлиқ. Табиийки, бу ислохот давлат қурилиши соҳасида ҳам муайян ўзгаришлар қилишни талаб этади. Парламент ваколатларидаги ўзгаришлар ижро ҳокимияти билан парламент ўртасидаги ваколатлар тақсимланишига ҳам таъсир кўрсатиши табиий. Шунинг учун парламент билан боғлиқ ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституцион ваколат муддатини ўзгартиришни ҳам конституцион асосга қўйишни тақозо этади.

Давлат институтларини ислох қилиш билан боғлиқ бундай жиддий ўзгаришларни амалга ошириш шунчаки осон иш эмас. Бу ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши мамлакат Президентининг фаолиятига ва, демак, унинг ваколат муддатига бевосита боғлиқ.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасида «Президент Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади», деб эътироф этилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир» деб белгиланган. Кўриниб турибдики, мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида қутилаётган ўзгаришларнинг ягона кафили бу – Президент. Бундай қатта ўзгаришларни амалга ошириш, бир томондан, давлат бошлиғидан қатта ҳаётий тажрибага, етакчилик салоҳиятига, раҳбарлик маҳоратига эга бўлишни талаб этса, иккинчи томондан, белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ваколат муддатининг етарли бўлишини ҳам тақозо этади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда демократик ислохотлар амалга оширилаётган шароитда халқни ўзига ишонтира олган, фуқароларнинг эътиборини қозонган, ташқи ва ички

сиёсатда катта нуфузга эга бўлган етакчига кўп нарса боғлиқ бўлади. Мамлакат тараққиётини белгиловчи ва фуқаролар тақдирига дахлдор ислохотларни амалга оширишнинг аҳамиятини эътиборга оладиган бўлсак, Президентнинг 5 йиллик конституциявий ваколат муддати анча қисқа эканлигига амин бўламиз. Бу борада дунёдаги бошқа мамлакатлар тажрибасига назар ташлайлик. Ҳозирда Америка Қўшма Штатларининг собиқ Президенти Рональд Рейган номини «Рейганомика» билан боғлайдилар ёки Буёқ Британиянинг собиқ бош вазири Маргарет Тетчер номи тарихга «тетчеризм» номи билан муҳрланган. Ҳар икки етакчи ҳам ўз мамлакатда жиддий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширганлиги барчага маълум. Бироқ мамлакатнинг иқтисодий аҳволини ўнглаш ва сайловчиларнинг ишончини қозониш учун Маргарет Тетчерга 12 йил керак бўлганлигини кўпчилик билармикан? Рональд Рейган олиб борган сиёсат дастлабки йилларда кўпгина эътирозларга учраган эди. Аммо унинг иккинчи муддатга сайланиши туфайлигина белгиланган ислохотлар самарали яқунланди ва америкаликлар унинг меваларидан ҳам баҳраманд бўлдилар. Бугун Америка ёки Англия халқи бу етакчиларнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга олишлари бежиз эмас. Модомики, демократия қарор топган, ривожланган мамлакатларда ислохотлар бу қадар кўп вақт талаб қилган экан, ўтиш давридаги мамлакатларда Президентнинг ваколат муддати катта роль ўйнаши ўз-ўзидан аёнлашади. Фақат вақт Президент кўзлаган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини юзага чиқариши мумкин.

Ҳам ҳукумат, ҳам парламентдаги ўзгаришларнинг бир вақтда амалга оширилиши мамлакатнинг белгиланган мақсадлар сари интилишида, унинг тараққиётида давомийликни сақлаб қолишга салбий таъсир этиши мумкин. Юқорида саналган ўзгаришлар эса мамлакатнинг тадрижий ривожланишини, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда тараққий этишимизни таъминлайди. Ўтказилиши назарда тутилган ислохотлар натижасида Президент ваколатининг еттинчи йилига келиб, икки палатали янги парламент икки йиллик тажрибага эга бўлади. Сайловларда

ғолиб чиққан янги Президент энди маълум тажрибага эга парламент билан ишлайди. Шунда ҳокимиятнинг ҳар иккала тармоғининг ишида мутаносибликка, уйғунликка эришилади. Натижада, ислохотлар жараёнидаги узилишларнинг, белги-ланган йўлдан четга оғишларнинг, тараққиётдаги қутилмаган ўзгаришларнинг олди олинади.

Содда қилиб айтганда, оддийгина бир корхонанинг муваффақиятли ишлашани таъминлаш учун шу соҳа етук мутахассисларининг тажрибаси билан ёш мутахассисларнинг ғайратини уйғунлаштириш талаб этилади. Ҳатто кичик бир корхона мисолида ҳам биз бундай уйғунлик муваффақият гарови эканлигининг гувоҳи бўламиз. Агар давлат механизми ҳақида гапирадиган бўлсак, янги парламент депутатлари билан тажрибали Президентнинг ишлаши ёки аксинча, ҳали тажрибага эга бўлмаган Президент билан тажрибали парламентнинг ишлаши кўплаб хайрли ишларимизни охирига етказишда пухта замин бўлади.

Шу ўринда Президентимизнинг давлат бошқарувида маълум тизимни шакллантириш зарурлиги ҳақидаги фикрлари ёдимизга келади. И. Каримов таъбири билан айтганда, бундай тизим, ҳокимият тепасига ким келишидан қатъи назар, мунтазам ишлайди ва ўз фаолиятини изчиллик билан давом эттираверади. Дунё тажрибасининг кўрсатишича, Президентнинг ва парламент таркибининг бир вақтнинг ўзида янгиланиши ҳамма вақт ҳам ижобий самара бермаган. Президентнинг конституциявий ваколат муддатининг беш йилдан етти йилга ўзгартирилиши шу нуқтаи назардан ҳам айрим салбий ҳолатларнинг олдини олади. Боз устига, бошқарувнинг президентлик республикаси шаклидаги давлатлар орасида бир вақтнинг ўзида ҳам парламентнинг барча аъзолари, ҳам Президент сайланадиган мамлакатлар йўқ.

27 январда ўтказилган референдумда Президентнинг конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш масаласининг кўйилиши мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти қонуниятларига, демократик ислохотларни чуқурлаштириш мантиғига тўла мос келади. Шу ўринда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, ҳокимиятнинг ва-

киллик органлари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари, депутатлик фракциялари ва блоклари, парламентнинг кўмита ҳамда комиссиялари, кўплаб депутатлар ҳамда мамлакатимиз фуқаролари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар инobatга олинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Марказий сайлов комиссияси маълумотларига кўра, бу масала юзасидан сайловчиларнинг 11.117.841 нафари (91.78 фоизи) президентлик ваколати муддатини 7 йилга узайтиришни ёқлаб овоз берган.

Мустақиллик Ўзбекистон халқи ҳаётида янги тарихий саҳифани очиб берди. Ўтган йиллар давомида ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти куриш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Жаҳон Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузи ошиб бораётганлигига гувоҳ бўлмоқда. Бирок ҳаёт оқимини тўхтатиб бўлмайди. Замон олдимизга янги ва янги талаблар кўймоқдаки, улар билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Шу жихатдан, референдумда халқ ҳукмига ҳавола этилган масалаларнинг ижобий ҳал қилингани мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга, ҳаётимизнинг янада барқарор ва фаровон бўлишига, Ўзбекистоннинг юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

ЭРКИНЛИКНИНГ ҒАЛАБАСИНИ МУҲРАЛАН ҚОНУН

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунининг тантаналарига ҳам санoқли кунлар қолди. Бугун Конституциямизнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида сўзлаш айни муддаодир. Конституциямиз қабул қилинган кун давлатимиз тарихидаги муҳим бурилишни ўзида ифода этадиган сана ҳисобланади. Чунки айнан шу кундан эътиборан бизнинг демократик давлат куриш йўлидаги барча интилишларимиз ўзининг қонуний, ҳуқуқий асосига эга бўлди. Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, халқимиз тақдири, давлатимиз келажаги, унинг дунё ҳамжамиятида қандай ўрин эгаллаши тўғридан-тўғри Конституциямизга боғлиқдир.

Конституция – давлатнинг асосий қонуни, олий юридик кучга эга қонун, деб эътироф этилса-да, унга фақат «қонунлар қонуни» деб қарасак, Конституциянинг моҳиятини тўла англамаган бўламиз. Зеро, бизнинг Конституциямиз янгликнинг эскилик устидан, эркинликнинг зўравонлик устидан, адолатнинг ҳақсизлик устидан, тараққиётнинг таназзул устидан ғалабасини қонуний муҳрлаган ҳужжатдир.

Бугунги кунда Конституциямизнинг етук ва мукамал ҳужжат эканлигини фахр билан таъкидлаш лозим. Ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилганлиги ва истикболга йўналтирилгани боис Конституциямиз ҳаётнинг барча жабҳаларида беистисно амал қилмоқда. Бунинг сабаби, аввало, Конституциямизнинг халқимиз манфаатлари негизига қурилганлигидир. Баъзи Конституциялар ҳокимият тепасига келган айрим гуруҳ ва кучларнинг манфаатларини ўзида акс эттиради, уларнинг иродасини қонун даражасига қўтаради. Бизнинг Конституциямиз, аксинча, мустақиллик маҳсули бўлиб, у ҳеч қандай гуруҳ ёки табақанинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмай, истиклол тарафдорлари бўлган жамият барча аъзоларининг манфаатларини ўзида ифода этади. Халқ манфаатлари негизига яратилган Конституция ўтиш даврида мамлакатимизнинг бўҳронларсиз, ларзаларсиз ривожланиши учун мустақкам ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилди.

Конституциямизга хос яна бир хусусият – унинг узокни кўзлаб яратилганлигидир. Албатта, ҳар қандай қонун сингари Конституция ҳам келгусидаги барча ўзгаришларни назарда тута олмайди. Дунёда мутлақо ўзгармаган конституциялар йўқ. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, конституция қабул қилинганидан сўнг дастлабки 5–10 йил давомида унга асосий қўшимча ва ўзгартишлар киритилади. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. 1791 йилдан 1958 йилгача (167 йил давомида) Францияда 15 та конституция қабул қилинган. Бу ўртача олганда 10 йилда бир мартани ташкил этади. Умуман олганда, дунёнинг ҳеч бир мамлакатада бу қадар кўп конституция қабул қилинмаган ва уларга бу қадар кўп ўзгартишлар киритилмаган. Бу жиҳатдан Франция жаҳон рекордини ўрнатган, дейиш ҳам мумкин. Лекин дунёда

Ўзининг барқарорлиги билан ажралиб турувчи АҚШнинг Конституциясига алоҳида тўхталиш лозим. 1787 йилда қабул қилинган бўлишига қарамасдан, ҳозирги кунгача АҚШ Конституциясига бор-йўғи 26 та ўзгартиш киритилган. Улардан 11 таси дастлабки саккиз йилда амалга оширилган. Бунинг асосий сабаби – одатда Конституция мамлакатда мавжуд ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи меъёрлардан иборат бўлади. Бизнинг Конституциямизнинг ўзига хос хусусияти эса, унда нафақат мавжуд муносабатлар тартибга солинганлигида, балки, шу билан бирга, давлат ва жамият тараққиётининг истиқболдаги йўналишлари ҳам белгилаб берилганлигида намоён бўлади. Шу боис Ўзбекистон Конституциясига 9 йил мобайнида бор-йўғи биргина ўзгартиш киритилди.

Албатта, юқорида таъкидланганидек, Конституциямиз абадий ўзгармас ҳужжат эмас. Шароит тақозо этиб, амалга оширилаётган ислохотлар натижасини Конституциявий даражада мустаҳкамлаш зарурати пайдо бўлганида, ҳаётимиздаги янгиланишлар ва ўзгаришлар Конституциядан албатта ўрин топмоғи лозим. Бундай ўзгартишлар Конституциямизнинг асосий мазмун-моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда киритилади ва демократик ривожланишимизга ҳамоҳанг равишда амалга оширилади.

Икки палатали парламентни ташкил этиш вазифаси кўндаланг бўлган ҳозирги кунда бу палаталарни ташкил қилиш, уларнинг ваколатларини аниқлаш бевосита конституциявий меъёрлар асосида амалга оширилиши зарур. Шу боис, бугунги кунда Конституциямизга айрим ўзгартишлар киритиш масаласи алоҳида долзарблик касб этди. Табиийки, бу – шунчаки оддий ва осон иш эмас. Бу вазифа катта билимни, бошқа давлатлар тажрибасини синчиклаб ўрганишни, ҳар бир масалани ақл тарозусига солиб кўришни, халқнинг фикрига қулоқ тутишни талаб этади.

Конституциянинг аҳамияти ҳақида гапирар эканмиз, бизнинг ўн йил ичида давлат ва жамият ҳаётида қўлга киритган ютуқларимизнинг асосида ҳам шу муҳим ҳужжат туришини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки Ўзбекистонда демократик

хукукий давлат куриш ва фукаролик жамиятини қарор топ-тириш жараёнида кенг қамровли ислохотларнинг хукукий негизини Асосий Қонуниimiz ташкил этади. Демак, бир ҳақиқатни тан олишимиз керак: бугунги кунга қадар қандай ютуққа эришган бўлсак, қандай марраларни эгаллаган бўлсак, қандай чўққиларни забт этган бўлсак, уларнинг ҳаётбахш негизида Конституциямиз турибди.

Айнан шу ҳужжатда Ўзбекистон мустақиллиги эътироф этилиб, Конституциямизнинг «Давлат суверенитети»га бағишланган биринчи бобида бу ҳақиқат хукукий ифодасини топган. Афсуски, ҳали-ҳануз мустақил давлат эканлигимизни тушунишни истамаётган, Ўзбекистонга халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қарамаётган айрим кучлар топилиб қолмоқда. Улар терроризмга қарши курашда Ўзбекистоннинг АҚШ ва бошқа давлатлар билан ҳамкорлигини кўра олмай, гўёки «Ўзбекистонни йўқотиб кўйиш» хавфи ҳақида бонг урмоқдалар. Бу жаноблар Ўзбекистонни 1991 йил 1 сентябрда йўқотганлигини, бу йўқотиш Конституцияда қонуний мустаҳкамланганлигини тан олишни истамаётган кўринадилар. Ваҳоланки, Ўзбекистон ҳеч кимники эмаслиги, мустақил ва тенглар ичида тенг давлат эканлиги исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўз овозига эга бўлиши, жаҳоннинг манаман деган мамлакатлари орасида ўзига хос мавқе эгаллаши, халқаро майдонда обрў-эътиборининг ошиб бораётгани негизини ҳам Конституция ташкил этади. Халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устунлигини ўз Конституциясида мустаҳкамлаган Ўзбекистоннинг ҳозирги ташқи сиёсати, терроризмга қарши курашдаги ҳаракатлари ҳам шу улуг ҳужжат доирасидадир.

XXI аср вабоси – терроризмга қарши курашда Ўзбекистон мустақил давлат сифатида қатъият билан фаол иштирок этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Афсуски, бу офатга қарши курашиш билан боғлиқ кўпгина ташаббуслар, шу жумладан Ўзбекистоннинг ҳам ташаббуслари ўз вақтида эътиборсиз қолди, шу сабабли терроризм бугун ақл бовар қилмас кўламлар ва кўринишлар касб этди. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Истанбул саммитида сўзлаган

нуткида Президентимиз Ислом Каримов халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш ташаббуси билан чиққан эди. Бу таклифнинг амалга оширилиши кечиктириб бўлмас масала эканини англаб етиш учун инсоният 11 сентябрь воқеаларини бошдан кечиришга мажбур бўлди. Халқаро терроризмга қарши курашни мувофиқлаштирувчи марказ тузишнинг нақадар зарурлигини вақтнинг ўзи кўрсатди.

Шу ўринда халқаро терроризмга қарши кураш маркази ўз фаолиятида ҳуқуқий ҳужжатларга таяниб иш кўриши зарурлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ҳужжатда «халқаро терроризм» тушунчасининг мазмун-моҳиятини ойдинлаштириш, унинг белгиларини аниқлаш, бу ҳодисага мукамал ва муфассал таъриф бериш талаб этилади. Чунки шу пайтгача халқаро ҳуқуқ доирасида бу ҳодисага берилган таъриф ноаниқ, ҳаддан ташқари умумлаштирилган, ҳар хил маънода талқин қилиниши мумкинлиги сабабли турли давлатлар ва кучлар бундан ўз манфаатларида фойдаланмоқдалар. Натижада, бундай ноаниқлик террорчи кучларга қўл келмоқда, жаҳон ҳамжамиятининг терроризмга қарши курашига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳужжатда халқаро терроризмга қуйидагича таъриф беришни таклиф қилиш мумкин:

«Халқаро терроризм – давлатлар ичида бошбошдоклик келтириб чиқариш, халқаро ташкилотлар, сиёсий партиялар ва гуруҳлар, алоҳида сиёсий арбобларни йўқ қилиш ва ижтимоий-сиёсий оқибатлар келтириб чиқариш мақсадида амалга ошириладиган сиёсий қўпурувчилик фаолиятидир.

Терроризмнинг халқаро характерини кўрсатувчи белгилар қуйидагича кенгайди:

- халқаро ҳуқуқ ҳимояси остида бўлган объект ёки субъектга қарши қаратилган террористик ҳаракатлар;
- халқаро экстремистик уюшмалар, деб тан олинган, яъни ўз сафига икки ёки ундан ортиқ мамлакат фуқароларини, жумладан, ёлланма жангариларни ҳам жалб этган уюшмалар томонидан амалга ошириладиган террористик ҳаракатлар;
- экстремистик уюшмалар таркибида қўпурувчилик ишларини олиб бориш бўйича хорижий мутахассисларнинг мавжудлиги;

– бошқа давлатлар ҳудудида экстремистик уюшмалар катнашчиларини махсус лагерларда тайёрлаш;

– террористик ҳаракатларни тайёрлаш ва амалга оширишда айрим давлатлар, хорижий экстремистик ташкилотлар молиявий маблағларидан, жумладан, халқаро характерга эга бўлган ноқонуний гиёҳванд воситалар ва қурол-яроғ савдосидан олинган маблағлардан фойдаланиш;

– алоҳида бир мамлакат ҳудудида у ёки бу террористик хуружларни амалга ошириш чоғида юқорида тилга олинган белгиларнинг мавжудлиги бу хуружнинг халқаро характерга эга эканини кўрсатади ва унга нисбатан тегишли муносабатни тақозо этади».

Қонунга асосланмаган ҳаракатлар, инсон ҳуқуқларига совуққонлик билан қараш ижтимоий ларзалар ва инкирозга олиб келиши – барчага аён бўлган ҳақиқат. Шу боис, конституциявий тузумга қарши қаратилган жиноятлар энг оғир жиноят деб баҳоланади ва ҳар қандай давлатда бундай ҳаракатларга лойиқ жазо белгиланади. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартириш мақсадидаги барча ҳаракатларни давлат суверенитетига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қилинаётган тажовуз, деб баҳолаш зарур. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Конституцияси халқимиз танлаган демократик тузумни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилади. Бироқ ҳозирги кунда танлаган йўлимиздан оғишмаслигимиз учун бунинг ўзи кифоя эмас. Зеро, конституциявий тузумга ҳар биримиз қалқон бўлишимиз, уни ўзгартиришга чақирувчи бузғунчи даъватларни ўз ҳуқуқ ва эркинликларимизга қарши тажовуз деб билиб, муносиб зарба қайтаришимиз керак.

Бугунги кунда Конституциямизнинг ҳар бир инсон ҳаёти билан бевосита боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Маълумки, ҳар бир инсон учун унинг эркинлиги, мулкнинг дахлсизлиги, хавфсизлиги қадрли. Инсон шу нарсаларга тажовузни сира қабул қила олмайди. Боз устига, инсон ўзига нисбатан адолатсизликка ҳам чидай олмайди. Шундай экан, инсонни бундай тажовузлардан ҳимоя қиладиган асосий қонун Конституция эканлигини ҳар бир фуқаро англаб ети-

ши ва шунга мувофиқ Конституциямизни ҳурмат қилиши, уни эъзозлаши шарт. Инсонларнинг Конституцияга ўзидан бегона нарса, шунчаки рамз, безак сифатида қарамасдан, уни ўз ҳаётий манфаатлари муҳрланган қалқон сифатида ардоқлашларига эришиш зарур. Конституцияни билмайдиган, уни ўрганишга ҳаракат қилмаган одамларни тушуниш қийин. Ўзини ҳурмат қилган ҳар бир инсон Конституцияни билиши лозим. Чунки Конституцияни биладиган инсон учун у ноёб ҳуқуқий қурол вазифасини ўтайди. Ундан ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилинганда фойдалана билиши, кўплаб ўзбошимчаликларнинг олдини олишда уни моҳирона қўллаш олиши мумкин. Демак, Конституцияни билмаслик ҳуқуқий ожизлик белгисидир. Бу ҳолатни конституциявий кафолатларга жиддий хавф, деб баҳолаш лозим.

Шу ўринда Конституциямизни ўрганишнинг, уни идрок қилишнинг ҳамон кўнгилдагидек эмаслигини тан олиш зарур. Тўғри, кейинги йилларда бу соҳада талайгина ишлар қилинди. Конституцияни ўрганиш барча илм даргоҳларининг ўқув режаларига киритилди. Бу масала бошланғич тарбия муассасаларининг ҳам диққат марказида турибди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси турли шаклларда тарғиб-ташвиқ қилинмоқда. Турли даражадаги анжуман ва семинарлар бу масалага бағишланмоқда. Конституцияни ўрганишнинг янги, ноанъанавий шакллари ҳам ҳаётга татбиқ этиляпти.

Хўш, бу саъй-ҳаракатларимиз эвазига нималарга эришдик? Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини ҳаммамиз ҳам тўғри ва тўлиқ идрок эта олдикми? Олдимизда турган муаммоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асоси Конституциямизда мужассам эканлигини ҳис этдикми? Холисона айтайлик, ҳар биримиз ўз оиламизда фарзандларимиз билан жамулжам бўлиб, Асосий Қонунимизни ўрганишга вақт топа олдикми? Мамлакатимиз фуқароларининг неча фоизи «Мен Ўзбекистон Конституциясини ва ўзимнинг конституцион ҳуқуқларимни тўлиқ биламан!», – дейишга журъат қила оларкин? Аслида, мамлакатимизнинг ҳар бир онгли ва етук фарзанди шундай деб ғурурлана олиши керак.

Давлат қурилишини ва бошқарувини эркинлаштириш бевосита суд-ҳуқук соҳасини эркинлаштириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, суд-ҳуқук соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади – суд мустақиллигига эришиш, уни том маънода фуқаролар манфаатини ҳимоя қилувчи орган даражасига кўтариш, жазоларнинг самарали бўлишини таъминлашдир. Бу борада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, бироқ Конституциянинг кучи ва обрўсидан суд фаолиятида янада самаралироқ фойдаланиш мумкин. Судлар ҳукм ёки қарор чиқарганида фақат тегишли жорий қонунлар тилга олинади. Конституциямиз эса деярли тилга олинмайди. Аслида ҳар қандай қонунбузарлик охир-оқибат Конституцияни бузишга қаратилгандир. Шунинг учун судлар ҳукм ёки қарор чиқарганида бевосита Конституцияга таяниб, уни илова қилса, ҳукм ва қарорнинг кучи таъсирлироқ бўлади, Конституцияга ҳурмат янада ортади.

Шу ўринда фуқароларимизнинг иктисодий ҳуқуқларига тегишли бўлган бир масалага эътибор қаратиш лозим. Асосий Қонунимизнинг 36-моддасида «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли», – деб ёзиб қўйилган. Фақат мустақиллик шарофати ила қабул қилинган Конституциямизгина ҳақиқий маънода ҳар биримизга шундай ҳуқуқни берганлигини биламизми? Декларация тариқасида эмас, балки ҳақиқий маънода бизга инъом этилган бу ҳуқуқдан қандай фойдаланаяпмиз?

Назаримда, кўпчилигимиз бундай ҳуқуқнинг берилганлигини жуда тор маънода талқин қиляпмиз. Ҳозирги шароитда ҳар биримизда мулкдорлик ҳиссиётининг тор маънода шаклланиши мутлақо етарли эмасдир. Ҳолбуки, фуқароларимиз бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришларининг иктисодий негизи ана шу ҳуқуқда ўз ифодасини топган. Бунинг ўзгача йўли ёки ўзгача асоси йўқ. Ахир барчамизнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришни исташимиз табиий-ку! Нега у ҳолда ўзимизнинг бу конституциявий ҳуқуқимиздан барчамиз етарли даражада фойдалана олмаёпмиз?

Янги шароитда ўзининг конституциявий ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ҳақиқатда мулкка эга бўлган замондош-

ларимиз – ҳақиқий тадбиркорларимиз, уддабурон ишбилармонларимиз, замонавий тилда айтадиган бўлсак, бизнесменларимиз – ўша мулкдан самарали фойдаланишга эришмоқлари ва мулкка эга бўлмаганлари эса мулкдор бўлиб яшашга ҳаракат қилиб, бу соҳадаги ўз конституциявий ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланмоқлари лозим. Ҳаётга келиб, инсондек яхши яшашнинг бундан ўзга ҳалол йўли ҳали тарихда мавжуд бўлмаган. Инсоният тараққиётининг тарихий йўли ана шундан далолат бермоқда. Демак, Конституциямиз ҳар бир ўзбекистонлик учун ҳам ҳаётий дастуриламал, ҳам ифтихор манбаи, ҳам ҳуқуқий қуроли, ҳам ишончли қалқон бўлиб хизмат қилиши зарурдир.

КОНСТИТУЦИЯВИЙЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ

Миллатлар ва халқлар тарихида ўчмас из қолдирадиган саналар бўлади. Тез кунларда мамлакатимизда ана шундай кунлардан бири – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 10 йиллиги тантанана қилинади. 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Конституция нафақат Ўзбекистон Республикасининг мустақил тараққиёти учун ҳуқуқий замин яратди, балки демократик ривожланишнинг пойдевори бўлиб хизмат қилди.

Бу Конституцияда нафақат бугунги кундаги ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинди, балки Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти сари юзланишининг тамал тоши қўйилди. Конституция Ўзбекистоннинг демократик қиёфасини белгилаб берди ҳамда барқарор ривожланишимизнинг мустаҳкам замини бўлди. Биз Конституция қабул қилинган кунни нишонлар эканмиз, одатда, унинг мамлакатимиз ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатишга, моддаларини шарҳлашга эътибор берамиз.

Таъкидлаш жоизки, давлат тузумининг асослари Конституцияда ифодаланади. Бутун бир мамлакат ҳаётини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш Конституция каби устувор юридик аҳамиятга молик ҳужжат зиммасига юклатилади. Консти-

туция давлат ҳокимиятининг субъектларини ва олий давлат органларининг фаолиятини тартибга солувчи таянч ҳуқуқий акт ҳисобланади. Демак, ҳар қандай қонун Конституцияга таяниши, ҳар қандай маъмурий фармойишлар эса қонунга асосланиши лозим. Акс ҳолда, мамлакатда амал қилаётган Конституция ва жамики бошқа қонунлар тенг юридик кучга эга бўлиб, судлов органлари уларнинг устуворлигини аниқлашда, қонуний адолат ўрнатишда қийналиб қолган бўлар эди. Шундай экан, ҳеч қандай қонун конституциявий нормаларга зид келиши мумкин эмас. Зеро, Конституция асосий ҳуқуқий нормалар мажмуи ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт тамойилларини ифодалаган ҳужжат сифатида конституциявий тузум ўрнатилиши учун замин тайёрлайди. Шунинг учун биз 1992 йил 8 декабрдан бошлаб Ўзбекистонда янги конституциявий тузум ўрнатилди, деб тўла ишонч билан айта оламиз.

Шу ўринда масаланинг яна бир муҳим жиҳатига эътибор беришимиз лозим. Бу масала Конституция қабул қилинганидан кейин мамлакатимизда конституциявийликнинг ўрнатилиши билан боғлиқдир. Конституциявийлик мамлакатнинг Бош Қомусида белгиланган қоида ва тамойилларга жамиятда қатъий амал қилинишини такозо этади. Агар масалага кенгрок ёндашсак, конституциявийлик Асосий Қонун негизида қабул қилинган қонунчиликнинг амал қилишида ҳам ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида конституциявийлик тамойили ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамлаб қўйилган: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устувлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Аслида, конституциявийлик замонавий демократик давлатларнинг ажралмас белгиси саналади. Немис олими Г. Еллинек ўзининг «Давлатчилик ҳақида умумий таълимот» асарида таъкидлаганидек, «Ўз конституциясига эга бўлмаган давлатнинг анархияга юз тутиши шубҳасиз». Демак, конституциявийлик давлатчилик асосларини дахлсиз сақлашга

хизмат қилади. Конституциявийликни таъминлаш учун олий давлат органларининг фаолиятини Асосий Қонунга мослаштириш ва мамлакатда қонунийликни ўрнатиш лозим. Демак, конституциявийлик, охир-окибат, қонун устуворлигининг муҳим ифодасидир. Шундай экан, конституциявийлик тамойилига амал қилмаслик ноқонуний иш юритиш билан баробардир.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, конституциявийликни таъминлашнинг ўзига хос шартлари мавжуд. Конституциявийликнинг биринчи шarti – мамлакатда Асосий Қонун – Конституциянинг мавжуд бўлишидир. Демак, Конституциясига эга бўлмаган мутлақ монархияларга конституциявийликни нисбат бериб бўлмайди. Боз устига, конституциявийлик давлат бошқарувида вакиллик органларининг иштирокини инкор этувчи мутлақ ҳокимиятнинг ўрнатилишига қарама-қаршидир. Шунингдек, конституциявийлик давлат бошқаруви устидан назорат ўрнатишни ҳам такозо этади. Бирок бу – монархия тузуми шароитида конституциявийликни таъминлаб бўлмайди, дегани эмас. Масалан, конституцияси бўлмаган, лекин инсон ҳуқуқларига устувор аҳамият берилган Буюк Британия каби мамлакатнинг давлатчилик тизимида конституциявийлик хос эмас, дейиш мумкинми? Буюк Британияда «Эркинликларнинг буюк хартияси», «Хабеас корпус акт», «Ҳуқуқлар ҳақидаги билл», «Парламент ҳақидаги акт» ва бошқа шу каби ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар амалда Конституциянинг ўрнини босади. Бу ҳужжатларда давлат бошқарувида оид масалалар ўзининг ҳуқуқий ечимини топганлиги боис, улар бошқа қонунларга нисбатан устувор аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, Конституциянинг шунчаки мавжудлиги ҳали конституциявийликни кафолатламайди. Масалан, шўролар даврида Конституция мавжуд бўлса-да, унинг меъёрлари жамият ҳаётида ўз ифодасини топмагани, давлат томонидан жамият ҳаётининг ялпи назорат қилингани, инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда поймол қилингани боис, бу собик тузумда конституциявийлик амал қилмаганини яхши биламиз.

Конституциявийликни таъминлайдиган кафолатлардан яна бири ижтимоий кафолатлардир. Бунда Конституция бир синф ёки бир ижтимоий гуруҳ манфаатларини ифода этмай, жамиятдаги барча ижтимоий қатламларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши назарда тутилади. Бошқача айтганда, жамиятдаги мавжуд ижтимоий қатламлар манфаатларининг мувозанати ҳар қандай давлат тузилмасининг таянч нуқтасини, демак, Конституциянинг ижтимоий асосини ташкил этади. Айнан турли ижтимоий қатламларнинг манфаатлари тўқнашувини бартараф этадиган ва аксинча, манфаатлар уйғунлигини таъминлайдиган асосни мустаҳкамлаш ўзаро муроса, келишув, аҳдлашувнинг пойдеворини яратади. Конституциявийлик тамойили амал қилиши учун Конституция ана шундай мустаҳкам пойдевор вазифасини ўташи лозим.

Дарвоқе, шўролар даврида 1924 йилда қабул қилинган Конституция синфий табиатга эга бўлгани боис, унда айнан турли манфаатлар мувозанати ва турли кучлар нисбати ҳисобга олинмаган эди. Зеро, бу Конституцияда бир синф – ишчиларнинг ҳокимияти, аниқроғи, пролетариат диктатураси мустаҳкамланган ва бошқа қатлам ҳамда кучларнинг манфаатлари камситилган эди. Боз устига, ўша вақтларда аграр мамлакат бўлган Россияда озчиликни ташкил этадиган қатлам – ишчилар синфи манфаатларига Конституцияда устувор ўрин берилишининг ўзи мантқиққа зид эди. Очиғини айтганда, бу озчиликнинг кўпчилик устидан диктатурасини мустаҳкамлаган ҳужжат эди.

Ҳатто собиқ СССРнинг «умумхалқ Конституцияси» деб номланган 1977 йилдаги Конституцияда ҳам инкилобдан кейинги узоқ давр давомида шаклланиб борган кўплаб ижтимоий қатламларнинг манфаатларини ҳисобга олиш у ёқда турсин, ҳатто уларнинг мавжудлиги ҳам тан олинмаганди. Дарҳақиқат, ўша даврда ҳукмрон сиёсий доира мафкурачилари томонидан белгилаб берилган ва СССР Конституциясининг 19-моддасидан ўрин олган «СССРнинг ижтимоий асосини ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг мустаҳкам иттифоқи ташкил этади», деган сохта қоида жамиятни тор

қолипта солишдан бўлак нарса эмас эди. Юкорида қайд қилинган қатламлардан ташқари ўнлаб ижтимоий қатлам, тоифа, гуруҳлар (айтайлик, ҳарбийлар, савдо ходимлари, руҳонийлар, эркин касб вакиллари ва бошқалар) раванқ топиши зарурлигини ҳеч бир сиёсий раҳбар ҳаёлига ҳам келтиришни истамас эди. Боз устига, ижтимоий фан вакилларига «жамиятнинг тобора бирхиллашиб бориши» ҳақидаги назариялар яратиш топшириғи бериб бориларди. Албатта, жамиятни тотал тарзда назорат қилишни ёқтирадиган муштумзўр тузум учун бундан-да қулай услубнинг ўзи йўқ эди.

Демак, конституцияда ижтимоий қатламлар манфаатларининг ифодалангани ҳамда жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар нисбатининг ақс топгани унинг барқарорлигини кафолатловчи асосий омилдир. Таъкидлаш жоизки, мазкур қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари мувозанати конституцияда қарор топмаса ёки бузилса, ҳар қандай мукамал конституция ҳам жамиятдаги аҳамияти ва кучини йўқотади. Ўз навбатида, мамлакатдаги ижтимоий кучлар нисбатига, ижтимоий қатламлар манфаатларига устувор аҳамият бериб яратилган конституция мамлакатни сиёсий бўҳронлардан сақлайди.

Албатта, мазкур масаланинг бирмунча амалий томонлари ҳам бор. Масалан, муайян шарт-шароитда ўзи учун ноқулай сиёсий келишувга мажбур бўлган ижтимоий гуруҳ имконият пайдо бўлиши билан ўз манфаатларини кўзлаб конституцияга тегишли ўзгартишларни киритишга уриниши шубҳасиздир. Шу боис, конституцияда турли ижтимоий гуруҳ манфаатлари мувозанатининг ўрнатилиши жамиятдаги мавжуд сиёсий кучлар нисбати ўзгарган тақдирда ҳам, ундаги асосий меъёр ва тамойилларнинг ўзгармай сақланишини таъминлайди. Масалан, парламентлар сиёсий институт сифатида нисбатан беқарор тузилма ҳисобланади. Чунки парламент таркибига кировчи сиёсий кучлар нисбати шароитга кўра тез-тез ўзгариб туради. Хусусан, АҚШ сиёсий майдонидаги кучлар нисбати гоҳ демократлар, гоҳ республикачилар фойдасига ўзгариб турса-да, бу ўзгаришлар Конституцияни ўзгартириш учун асос бўла олмайди. 200 йилдан ортиқ вақт давомида АҚШ Конституциясига бор-йўғи 26 ўзгартиш киритилгани ҳам бу

хужжатда манфаатлар мувозанатининг кафолатлангани билан тушунтирилади. Шу ҳолатни эътиборга олиб, ҳар қандай давлат Конституцияни муҳофазаловчи ижтимоий кафолатларга алоҳида аҳамият беради.

Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси шу маънода нафақат мустақил демократик тараққиётимизни кафолатловчи, балки ижтимоий ҳаётимизда содир бўлаётган улкан ўзгаришларни ўзида акс эттирувчи ҳужжат ҳамдир. Дарҳақиқат, жамиятда мавжуд ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг манфаат ва эҳтиёжлари, пировард натижада, конституциявий тузумнинг асосини, устувор йўналишини белгилаб беришини теран англашимиз фуқаролик жамияти томон ҳаракатланиб боришимизда катта имкониятлар туғдиради. Ўзбекистон Конституциясининг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деб қайд қилинган ҳамда 18-моддада «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», – деб белгилаб қўйилган конституцион норма мамлакатимизда конституциявийликнинг асосий таянчларидан биридир.

Ҳокимиятлар тақсимланиши тамойили ҳам конституциявийликни ўрнатишнинг муҳим кафолатларидан ҳисобланади. Зеро, бу тамойил ҳокимиятнинг бир гуруҳ ёки айрим кучлар қўлида тўпланишига йўл қўймайди, бошқарувдаги суиистеъмолликларнинг олдини олади, умумхалқ манфаатларига хизмат қилади. Бу тамойил бир-биридан мустақил, бир-бирига тобе бўлмаган, лекин бир-бирини назорат қиладиган ва тийиб турадиган ҳокимиятнинг уч тармоғи – қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимиятининг мавжуд бўлишини шартлаб қўяди. Демак, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади», деган қонуннинг мустаҳкамлаб

кўйилгани мамлакатимизда конституциявийликни таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири сифатида хизмат қилади. Ҳокимиятларнинг бундай тақсимланишида улар ўртасидаги мувозанатнинг таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, амалиётнинг кўрсатишича, ҳокимиятлар тақсимоти принципи барча демократик давлатларда амал қилса-да, ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанат масаласи ҳали-ҳануз тўлиқ ечимини топмаган. Биз буни Европа ва АҚШ мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, АҚШ каби бошқарув шаклига кўра президентлик республикаларида ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалга ошириш бирмунча осонроқ бўлади. Парламентар республикалар кенг расм бўлган Европада эса ҳукуматни парламент шакллантиради ва шу боис, ҳокимиятнинг ушбу иккала тармоғи бирлашиб кетиб, суд ҳокимиятидан устунликка эришади. Табиийки, бундай ҳолатларда ҳокимият тармоқлари орасидаги мувозанат бирмунча бузилиши мумкин. АҚШда эса бундай мувозанат нафақат таъминланган, балки амалиётда суд ҳокимиятининг устуворлигини ҳам кузатиш мумкин. Ҳокимият тармоқлари фаолиятига чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, қуйидаги ҳолатнинг гувоҳи бўламиз: парламент ҳам, ҳукумат ҳам ўз таъсирини кенгайтиришга, мамлакат сиёсий тизимида устувор мавқега эга бўлишга интилади. Суд ҳокимияти эса ўзининг устуворлигини эмас, балки қонун устуворлигини таъминлаш ҳақида қайғуради. Бу фикрни мантиқий давом эттирадиган бўлсак, суд ҳокимиятининг ролини ошириш айна вақтда мамлакатда қонун устуворлигига эришиш ва демак, конституциявийликни таъминлаш шартидир.

Суд ҳокимияти томонидан жорий қонунчиликнинг конституцияга мос келиш-келмаслигини назорат қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Суд органлари конституциявий қонунлар билан оддий қонунлар ўртасида ихтилофли ҳолатлар юзага келганида, ўз ваколати доирасида ҳукм чиқармоғи лозим. Бундай ҳолатларда конституциявий қонунчиликка устунлик берилиши шубҳасиздир. Шундай экан, суд ҳокимияти конституциявий назорат тариқасида қонунчиликнинг конституцияга

тўлалигича мувофиқ келишини таъминлашга ёрдам беради. Гарчи конституциявий қонунларнинг дахлсизлиги эътироф этилса-да, суд органларига конституцияга зид келувчи қонунларни бекор қилиш имконияти берилмас экан, давлатчиликнинг мустақамлигига путур етади. Демак, жамиятда обрў-эътиборли ва мустақил судлов тизимини шакллантириш конституциявийликни таъминлашдаги муҳим омилдир. Шунингдек, суд ҳокимиятига қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятининг фаолиятини қонунийлик нуктаи назаридан назорат қилиш, юридик жиҳатдан кучлироқ қонуний актга устуворлик бермоқлик учун турли хил ҳуқуқий нормаларни таққослаш, қонун ва маъмурий фармойишлар ўртасидаги ўзаро муносабат ҳамда устунликни белгилаш, миллий ва хорижий қонунчилик нормаларини қиёслаш вазибалари нисбат берилади.

Аслида, конституциявий назорат институтининг шаклланиши ва ривожланиши айнан суд органларининг давлат бошқарувида тутган ўрнига бевосита боғлиқ. Ҳаётий тажрибанинг кўрсатишича, Европанинг аксар давлатлари конституцияларида даставвал конституциявий назорат институтларини ривожлантиришга етарлича аҳамият берилмаган эди. Фақатгина XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб конституцияларга тегишли ўзгартишлар киритилиб, Европа давлатларида конституциявий назорат механизми амал кила бошлади. Европа давлатларидан фарқли ўлароқ, Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимияти томонидан конституцион назорат ўрнатилиши масаласига аввалбошданок жиддий эътибор берилди. Америка суд органлари конституциявий назорат институтининг муҳим элементига айлантирилди. Бу эса АҚШда суд ҳокимиятининг мустақиллигини кафолатлади, унинг сиёсатга таъсирини кучайтирди ва пировард натижада давлатчиликнинг барқарор ривожланишига ҳамда мамлакат равнақиға хизмат қилди.

Конституциявийликни таъминлашнинг яна бир кафолати конституцияға ўзгартиришлар киритиш имконияти ва шартлари билан боғлиқдир. Бу масала ниҳоятда жиддий бўлиб, конституциявийликнинг амал қилиши кўп жиҳатдан

конституциянинг ўзгармасдан сакланишига боғлиқ. Конституция барқарор юридик асосга эга бўлсагина, конституциявий назорат ўрнатиш учун зарур шарт-шароитлар яратилади. Конституциянинг тез-тез ўзгартирилиши мамлакатда қонунчилик тизимининг узлуксиз ва самарали амал қилишига тўсқинлик қилади. Албатта, ижтимоий ҳаёт доимо ривожланишдаги динамик жараёндан иборат бўлганлиги боис, вазият тақозосига кўра айрим ҳолларда конституцияга тегишли тузатишлар киритилади. Бирок, таъкидлаш жоизки, конституцияни мавжуд ижтимоий-сиёсий воқеликка қанчалик тез ва осон мослаштириш мумкин бўлса, конституциявийлик ўрнатиш учун ҳам шунчалик кам асос қолади. Демак, конституцияга ўзгартириш киритиш механизмлари ва шарт-шароитларини мураккаблаштириш тамойили конституциявийликни муҳофазаловчи сиёсий қафолатлардандир. Шунинг учун мамлакатда конституциявийлик тамойилининг амал қилишини текшириш шарт бўлганида конституцияни ўзгартириш механизмининг нечоғли мукамаллигини эътиборга олиш муҳимдир.

Табиийки, икки палатали парламент тизимида ўтилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳам айрим ўзгартишлар киритилади. Бир палатали парламент амал қилаётганида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан Конституцияга ўзгартишлар киритиш мумкин бўлган бўлса, икки палатали парламент шароитида Конституцияга ўзгартишлар киритиш масаласининг юқори палата – Сенатда ҳам кўриб чиқирилиши талаб этилади. Фикримизча, Конституцияга ўзгартишлар киритишнинг янги тартибини белгилашда парламентнинг қуйи палатаси учун эски талаблар сакланиб қолса-да, Сенатда вилоятдан вакилларнинг тўртдан уч қисмининг розилигини олиш мақсадга мувофиқ. Конституцияга ўзгартиш ва тузатишлар киритиш ҳақидаги таклифни Сенат қўллаб-қуватламаган ҳолларда уни қуйи палатада қайтадан кўриб чиқиш тартиби ҳам Конституцияда мустаҳкамлаб қўйрилиши лозим.

Тан олиш зарурки, жамиятда конун устуворлигига эришиш, конституциявийликни таъминлаш, Конституцияда белгилаб қўйилган меъёрларнинг кундалик ҳаётимизда ўз аксини топиши фақатгина давлатга ёхуд ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг фаолиятига боғлиқ эмас. Бунинг учун фуқаролар ўзларининг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини танишлари, фуқаролик бурчларини билишлари, ҳуқуқий билимларга эга бўлишлари, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиш ва уларни ҳимоялаш кўникмаларига эга бўлишлари зарур. Бошқача айтганда, фуқаролар Конституция ва қонунларга амал қилиб яшашни ҳаёт тарзига айлантиришлари лозим. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва манфаатларини қондиришда Конституциядан, унинг демократик салоҳиятидан самарали фойдаланишни ўрганмоғи керак. Шундагина ҳуқуқий билим, кўникма ва тажрибанинг уйғунлашиб бориши асосида фуқароларда юксак ҳуқуқий маданият шаклланади. Демак, фуқароларнинг юксак ҳуқуқий маданияти ҳам мамлакатда конституциявийликни таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўрнатилган конституциявий тузумни янада мустаҳкамлаш энг долзарб масала ҳисобланади. Бунинг учун, авваламбор, Конституция нормаларида белгиланган қоидаларнинг ижросини таъминлаш механизмини мустаҳкамлаш муҳимдир. Конституцион нормаларнинг сўзсиз бажарилиши Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш учун замин бўлиб хизмат қилади. Президентимиз айтганидек, қонун устуворлиги амалда ўрнатилган тақдирдагина адолат ҳукм суради. Қонун устуворлиги эса қонунларнинг қонунни бўлмиш Конституциянинг устуворлигини шартлаб қўяди. Биз масаланинг бир тарафигагина эътибор бера олдик, холос. Ўйлаймизки, Конституциямизнинг моҳияти, хусусиятлари ва салоҳиятини ўрганиш мунтазам давом этаверади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳали қанчадан-қанча бунёдкорлик ҳаракатларининг, эзгу мақсадларга йўналтирилган демократик ислохотларнинг, кучли фуқаролик жамияти қурилишининг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилишига ишончимиз қомил.

Учинчи боб МИЛЛАТ ДАРДИДА ЁНИШ

ЭХТИРОСЛАРГА ИШОНМА, ФИКРЛА!

Юртимиз мустақилликка эришганига ўн икки йил тўлмоқда. Ушбу улуғ айём арафасида ўтган давр воқеаларини яна бир эслаш, собитқадамлик билан ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳар тарафлама таҳлил қилиш табиий бир ҳол. Шубҳа йўқ, ўн икки йил давомида кўп нарсаларга эришдик, мустақилликни мустаҳкамладик, порлоқ келажакнинг иқтисодий асосини яратдик. Бир пайтнинг ўзида бизнинг иқтисодий ҳаётимизни мураккаблаштиришга сабаб бўлган ҳодисалар ҳам юз берди. Ушбу мақолада биз мустақил давлатнинг мустақил молия, пул муомаласи, солиқ, банк тизимларини барпо этиш ҳам осонликча юз бермаганлиги ҳақида фикр юритамиз.

Тарихда кўп воқеа-ҳодисалар ўзининг ҳақиқий баҳосини ўз вақтида ололмаган. Айрим давлат ёки халқ тақдирида кескин бурилиш ясаган воқеаларни ҳам замондошлар ўз вақтида англаб, моҳиятини тўғри тушунавермаганлар. Тарихнинг ҳукми адолатли бўлиши учун табиийки, маълум бир муддат ўтиши керак бўлган. Биз қуйида ўзбек халқи тарихида, юртимиз келажакда энг ривожланган давлатлар даражасига чиққан пайтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайдиган айрим ҳодисалар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Гап Ўзбекистон мустақилликка эришиш арафасида унда мавжуд молия, солиқ, банк ва пул муомаласи соҳаларининг аслида жарликка тушиб қолгани, вазиятни ўнглаш учун қилган ҳатти-ҳаракатларимиз ва мустақил молия, солиқ, банк тизимларини барпо этиш соҳасида ўтказган чора-тадбирларимизга кескин салбий таъсир кўрсатган айрим ҳолатлар ҳақида кетмоқда. Орадан ўтган 10–12 йил муддат, бизнингча, ўша пайтда содир бўлган воқеа-ҳодисаларга объектив баҳо бериш учун етарли асос бўла олади.

Шўро даврида Ўзбекистон том маънодаги мустамлака мамлакат эди. Аҳвол шу даражада эдики, мамлакатимиз Пре-

зиденти Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, ўзбек халқи яратган бойлик тўлалигича Москва ихтиёрига ташиб кетилиб, худди шу бойликнинг кичик бир қисми юртимизга қайтариб бериларди. Лекин бу қайтиш энди гўёки ўзини ўзи боқишга қодир бўлмаган халққа иттифок ҳукуматининг «ёрдами» эди. (Бу сафсатанинг асоссиз эканини мустақиллик тезда исботлади – 1994 йилдаёқ Ўзбекистон собиқ СССР худудидаги давлатлар билан ташқи савдода ижобий қолдиққа эришди). Ҳатто юртимиздан шу йўл билан олиб чиқиладиган бойликларнинг ҳисоб дафтарлари, яъни бухгалтерия ҳисоб-китоблари ҳам Москвада ўша ерлик мутахассислар томонидан юритилар ва яратаётган даромадларимиз миқдорини биз мутлақо билмаслигимиз учун зарур восита ҳамда усуллар ўта пухталиқ билан ўйлаб топилган эди.

Натижада, мустақилликка эришиш арафасида, яъни 1989–1991 йилларда Ўзбекистон давлат бюджети даромадининг 30–40 фоизи собиқ иттифокдан қайтиб бериладиган субвенциядан (соғда тилда – ёрдамдан) иборат эди. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ЎзССРни «боқиманда» республикага айлантириш механизми ҳам ҳеч қандай иқтисодий қонун-қоидаларга асосланмаган. Хусусан, 1988 йилдаги ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистондан олиб кетилган бир йиллик пахта толасидан 25 миллиард рубль даромад олинган, яъни бу бизга «дотация»га берилган 2,5 миллиард рублдан 10 баробар кўп эди. 1991 бюджет йилида Ўзбекистон учун янада оғир молиявий аҳвол юзага келди. Иттифок ҳукумати билан муросасиз қураш йўлига ўтган жаноб Ельцин бошлиқ Россия Федерацияси раҳбарияти СССР давлат бюджетига Россия худудидан йиғиб олинадиган маблағнинг тушишини тўхтатиб қўйди. Бир пайтлар Европада эндигина қаддини тикладиган буржуазия қироллик ҳокимиятини қучсизлантириш учун унга солиқ тўлашдан бош тортиш йўлини тутган эди. Ўшанда солиқ учун қураш ҳокимият учун қурашга айланиб кетиб, тез орада Европада бир нечта давлат қироллик мақомини йўқотган ва буржуа республикаларига айланганди. Ҳокимият учун қурашнинг мазкур усулини собиқ СССР раҳбарияти ўз вақтида тушуниб етмади. Мазкур ҳолат

иттифок бюджетидан Ўзбекистонга қайтиши мўлжалланган субвенция ҳажмининг олдинроқ қисқара бошлашига, кейин эса бутунлай тўхташига олиб келди. Ўзбекистон давлат бюджети тақдирнинг бундай қутилмаган зарбасига тайёр эмас эди, шу сабаб унинг иктисодиёти бутунлай издан чиқиб кетиш хавфи вужудга келди.

Қисқача айтадиган бўлсак, аҳвол ўта оғир ва ундан чиқиб кетишнинг йўли йўқ эди ҳисоб. Қолаверса, худди шундай вазиятда 50–60-йилларда сиёсий мустақилликка эришган Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ўнлаб давлатлар ҳозиргача молиявий кийинчилик шароитида яшамокдалар. Масалан, Аргентина, Мексика каби улардан ҳам олдинроқ мустақилликка эришган давлатларни олиб кўрайлик. Улар ўтган асрнинг 80-йилларида бирмунча муваффақиятларга эришдилар. Лекин бундай ижобий натижаларга кучли ташки ёрдам, иктисодиётнинг халқаро корпорациялар манфаатидан келиб чиқиб танланган тармоқларинигина ривожлантириш, миллий бойликни талон-торож қилиш каби омиллар ёрдамида эришилди. Ҳеч ким мустақил иктисодиёт яратишни ўйламади. Узокни кўра олмаслик тезда панд берди. Аргентина, Мексика иктисодиётлари асоси бўшлиги туфайли четга бутунлай қарам бўлиб қолди. Улар ташки қарзларининг миқдори бўйича дунёнинг энг олдинги давлатлари қаторига кириб қолишди ва яқин йиллар ичида бу рўйхатдан чиқиб кета олишлари ҳам гумон.

Айтишимиз мумкинки, ўша шароитда иктисодий мустақил давлат сифатида Ўзбекистон ҳам ташки молиявий ёрдамсиз яшаб кета олмаслиги керак эди. Лекин бундай бўлиб чиқмади. Нега? Ўзбекистон қисқа муддат ичида ташки ёрдамсиз фақат ўз халқи кучи ва раҳбарият иродаси билан қандай қилиб мустақил молия, банк, пул муомаласи ва солиқ асосларини ярата олди? Бугун бу саволларнинг жавоби хусусида наинки ўзимиз, ҳатто халқаро молия, банк ташкилотларининг мутахассислари ҳам фикр юритишмоқда.

Бунинг сабабларини юртимизда мустамлака иктисодиёти мустақил давлат иктисодиётига айлантириш ва бир пайтнинг ўзида бозор муносабатларини шакллантириш каби

икки улкан вазифани ҳал этиш жараёнида халқимизга хос ва мос эволюцион йўлнинг танланиши, энг асосий стратегик ва тактик масалаларнинг оқилона ечимини топа олиш, эски тузумдан қолган барча нарсани большевикларча бузиб ташлаб, кейин унинг вайроналари устида янги бино қуриш йўлидан кетмаслик, яъни янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик, халқимизнинг ўз раҳбариятига бўлган чексиз ишончи, раҳбару оддий халқнинг фидокорона меҳнати каби омиллардан қидириш, бизнингча, тўғри бўлади.

Бир вақтнинг ўзида мустақил Ўзбекистоннинг мустақил молия, банк ва солиқ тизимига асос солиш режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш объектив заруриятга айланган мураккаб бир шароитга тўғри келгани ва бу вазифа республика раҳбариятининг узокни, оқибатини ўйлаб нозик иқтисодий сиёсатни юрғизиш асосида амалга оширилганини ҳам қайд этиб ўтишимиз керак. Энг асосийси, Ўзбекистоннинг мустақил молия, банк ва солиқ тизимига асос солишда «фалаж қилиб даволаш» (шоковая терапия) усулидан фойдаланилмаганидир. Тўғриси айтиб қўяколайлик, бундай ўзига хос йўлнинг танлангани ва нима учун айнан унинг танланганини идрок этишга ҳамон кўпчилигимиз ожизмиз. Шу туфайли ҳам гапни, аввало, иқтисодий мустақилликка эришишнинг дастлабки қадамларини таъкидлашдан бошламоғимиз керак бўлади. Бунинг учун, биринчи навбатда, молия, солиқ ва банк тизимини мутлақо янги асосда барпо этишга мўлжалланган, жаҳон андозаларига мос зарур ҳуқуқий асос яратилди.

Мустақил давлатчилик талаблари асосида ва янги қонунчилик негизида мазкур соҳаларнинг бошқарув органлари бутунлай қайтадан ташкил этилди. Масалан, Молия вазирлиги тизими тубдан қайта ташкил этилган бўлса, Давлат солиқ қўмитаси бутунлай янгидан барпо қилинди. СССР Давлат банки Ўзбекистон филиали негизида Ўзбекистон Республикаси мустақил Марказий банки, СССР давлат ихтисослаштирилган тармоқ банклари Ўзбекистон филиаллари асосида пайчиликка асосланган тижорат банклари тузилди. Аралаш мулк ва хусусий мулкчиликка асосланган ўнлаб янги тижорат банклари ташкил топди.

Ўзбекистон мустақил давлатлар аъзо бўлиши мумкин бўлган жаҳон молия-кредит сиёсатини белгиловчи энг нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишга муваффақ бўлди.

Юқорида санаб ўтилган чора-тадбирлар натижасида 1991–1992 йиллар мобайнида мустақил давлатга хос бўлган молия, солиқ ва банк тизимлари шакллана бошлади. Ўз даромадимиздан оқилона фойдаланиш эвазига харажатларимизни, қийинчиликлар билан бўлса-да, ўзимиз қоплай бошладик. Бу даврга келиб Президентимиз томонидан мамлакатимизда бозор иқтисодиётини барпо этишнинг асосий стратегик масалалари, унинг тамойиллари ишлаб чиқилди. Ва Ўзбекистон халқи олдида ҳар тарафлама баркамол, маърифий жамият барпо этиш учун аниқ йўллар очилди.

Бахтга қарши, тақдир эндигина мустақил нафас ола бошлаган жафокаш ўзбек халқи учун яна бир зарба тайёрлаб қўйган экан. 1991 йил декабрида жаҳондаги энг машъум империялардан бири бўлмиш СССРнинг куни битганлиги XX асрнинг ғоят ижобий ҳодисаларидан бири сифатида тарихга кирди. Лекин, шу билан бир қаторда, ёш, мустақил давлатлар ҳали ўзларининг мустақил пул тизимларига эга бўлмай, уни яратиш учун катта харажат, ҳаракат ва вақт керак эди.

Ҳар қандай мустақил давлат ўзининг мустақил пул бирлигига эга бўлишни хоҳлайди ва бу мустақил давлатчиликнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Лекин эндигина мустақилликка эришган давлатлар ўша пайтдаги шароитда то ўз миллий пул тизимларини барпо этгунга қадар «рубль»дан умумий ҳолда фойдаланиб туришлари иқтисодий зарурият эди. Бошқа чора ҳам йўқ эди. Чунки сиёсий мустақилликка эришилгани билан собиқ иттифокдош республикаларнинг бир-бирига қарам қилиб ташланган иқтисодиётлари бир кунда мустақил яшаб кета олмасди. Натижада, Ҳамдўстлик давлатларининг кўпчилиги то ўз валютасини киритишга етарли шароит яратгунга қадар «ягона рубль зона»сида қолишга хоҳиш билдиришди. «Рубль зона»сида қолган давлатлар раҳбарлари 1992 йил октябрида ягона пул тўғрисидаги битимни имзоладилар. Кейинроқ Ўзбекистон ва Россия

хукуматлари, Марказий банклари пул тизимларини бирлаштириш ҳақидаги икки томонлама шартномани имзоладилар. 1993 йил намунасидаги янги рубллар Ўзбекистон худудига жўнатила бошланди.

Шу ўринда кутилмаган ҳодиса юз берди. Давлатлараро шартномалар имзоланиб, уни ижро этиш бошлангандан кейин, яъни янги рубль солинган самолётлар Тошкентга етиб келиб, пул Ўзбекистон Республикаси Марказий банки махсус омборига жойлаб бўлинган, қолган қисми жўнатилиш арафасида бу операция Россия томонидан ҳеч қандай асоссиз равишда тўхтатилди.

Бу воқеалардан сал олдинроқ, яъни 1993 йил 10 майда Қирғизистон тўсатдан ўз миллий валютаси – сомни муомалага киритди. «Тўсатдан» деганимизнинг боиси шундаки, Ҳамдўстлик давлатларидан бирортаси ўз миллий пул бирлигига ўтишга қарор қилса, бу ҳақда бошқа аъзоларни уч ой олдин расман огоҳлантириш шартлиги ҳақида махсус давлатлараро битим бор эди. (Мазкур битимга унинг иштирокчи давлатлари раҳбарлари бир марта, А. Акаев эса икки марта имзо чеккан. Тақдирнинг ўйинини қарангки, шу битим имзоланаётган мажлисда Қирғизистон Президенти раислик қилган ва иккинчи имзони мажлис раиси сифатида қўйган).

Қирғизистонда рубль ўрнига сомнинг муомалага киритилиши устига Россия Федерацияси раҳбариятидаги айрим кимсалар, айниқса, ўша пайтдаги молия вазири Б. Федоров каби шахсларнинг қарши ҳатти-ҳаракатлари туфайли кечагина имзоланган шартномалар қоғозда қолиб кетди. Натижада, 1993 йил кузига келиб ягона рубль зонаси яратиш ғояси чиппака чикди. Савол туғилади: кимга керак эди бу ўйинлар? Нега бундай бўлиб чикди? Бу саволларнинг ҳақиқий жавобини излаш шу соҳанинг мутахассислари ва тарихчилар ҳукмига ҳавола.

Биз эса шуни айтишимиз мумкинки, бу ўйинлар бизга жуда қимматга тушди. Наинки бизга, бу ҳодиса қолган барча давлатлар иктисодиётига катта зарар етказди, иктисодий ислохотлар самарасини сезиларли даражада пасайтириб юборди, унинг илк натижаларини йўққа чиқарди. Энг

ёмони шу бўлдики, СССР парчалангандан кейинги даврда Ўзбекистонда эндигина шаклланиб кела бошлаган молия ва пул муомаласи тизими қайтадан жар ёқасига келиб қолди. Мамлакат иқтисодий ҳаёти ўз маромида давом этиши учун зарур воситалардан бири бўлмиш пул тизими ва пул бирлигисиз қолди. Тасаввур қилиб кўринг-а: мустақил давлат бор, лекин унинг пули йўқ! Ва бундай ҳодиса бизнинг ихтиёримизга қарши юз берди. Бизнинг назаримизда, бу ҳодиса Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларни энг қамада бир йилга орқага суриб юборди... Иқтисодий ҳаёт қисқа муддат ичида яна бир бор бутунлай издан чиқиш хавфи остида қолди.

Зудлик билан Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида параллел тўлов воситаси сифатида «Сўм-купонлар»ни муомалага киритиш тўғрисида»ги Қарори билан 15 ноябрдан биз учун номақбул шароитда сўм-купонларни муомалага киритишга мажбур бўлдик. Яхшиямки, узокни кўра оладиган Юртбошимиз ҳар эҳтимолга қарши сўм-купонларни тайёрлатиб қўйган экан. Уларнинг 1, 3, 5 ва 10 сўмликлари Англияда ишланган бўлса, 25, 50, 100 сўмликдан 10 минг сўмликкача бўлган қисмини ўзимиз, ўз пул фабрикамизда босиб чиқара бошлаганимиз ҳаммани ҳайратга солгани ҳали ёдимиздан чиққани йўқ.

Маълумки, пул белгиларини ишлаб чиқиш ғоятда мураккаб, кўп меҳнат ва юқори аниқлик талаб этадиган жараён бўлиб, унга эришиш юксак техник ва технологик тайёргарликни талаб этади. Бизда эса ўта қисқа фурсат ичида, яъни 1993 йилдаёқ замонавий техника ва технология асосида пул, бошқа қимматли қоғоз ва танга ишлаб чиқара оладиган «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси қурилиб, ишга туширилди.

Ўрни келганда шунини ҳам айтиб қўяйлик, ўзининг «пул фабрикаси»га эга бўлишга ҳар қандай давлат ва давлат раҳбарининг ҳам ҳадди сиғавермайди. Бунинг учун фақат давлат иқтисодий салоҳияти даражасининг ўзи етарли эмас. Мустақил «пул фабрикаси»га эга бўлиш тўғрисидаги тегишли қарорга келиш учун, ўз вақтида давлат раҳбаридан сиёсий

жасорат ҳам талаб қилинади. Ҳозирги кунда дунёнинг бор-йўғи 8 мамлакатада ана шундай «пул фабрикаси» мавжуд бўлса, унинг биттаси Ўзбекистонда бўлиб, бундай «пул фабрикаси», том маънода, давлат раҳбари сиёсий жасоратининг маҳсулидир. Бугунги кунда бундай фабрика мустақил Ўзбекистоннинг мулкидир.

«Ягона рубль зона»си гоёси барбод бўлиши боғлиқ кўп салбий оқибатларни бартараф этишни сўм-купонлар ўз устига олди ва ўта қисқа фурсат ичида Ўзбекистон ўзининг тўлақонли пул бирлиги – сўмни 1994 йил 1 июлдан муомалага киритиш учун зарур иқтисодий шароит ярата олди.

Миллий валютаимизнинг муомалага киритилиши эса мамлакатимиз мустақил иқтисодиётини барпо этиш тарихида янги босқични бошлаб берди.

Ҳар қандай мустақил давлат қачондир ўз миллий пулига эга бўлиши табиий. Шу нуктаи назардан қараганда, миллий пулимизнинг муомалага кириши давлатимиз тарихида алоҳида ўрни бор ҳодиса ҳисобланади. Афсусланарли жойи шундаки, Россия Федерацияси ва Қирғизистон Республикаси раҳбарияти ягона рубль ҳудудини яратиш бўйича барча зарур ҳужжатларга қўл қўйди ва биз уларнинг лафзига ишондик. Пировард натижада эса ҳам иқтисод, ҳам вақт бўйича (маънавий зарарни эса ҳеч қандай пулга чакиб бўлмайдим) катга зарар кўрдик.

Шу даврда юртимизда мустақил молия асосларини яратиш жараёнига ноҳуш таъсир кўрсатган воқеалардан яна бири аҳолининг собиқ СССР жамғарма банки тизимида сақланаётган омонатлари масаласига тегишли бўлди (ўша пайтда бу муассаса халқ тилида эски номи билан «омонат кассалари» деб аталар эди).

Россия Федерацияси ҳукумати бу масалада ҳам миллий эгоизм ҳиссиётини устун қўйди ва ҳеч ким билан ҳисоблашмасдан ўзини собиқ СССРнинг барча соҳалар бўйича қонуний меросхўри, деб эълон қилди. Натижада, узоқ йиллар барча собиқ иттифоқдош республикалар аҳолиси меҳнати эвазига яратилган жами бойлик улар ихтиёрига ўтиб кетди. Россия Федерацияси ҳудудидаги ва чет эллардаги

хаммамизга тегишли бойлик уларга камлик қилгандай, айрим шовинистик руҳдаги рус «биродарлар»имиз қолган 14 та республика ҳудудида жойлашган жозибадор мол-мулкка ҳам даъвогарлик қилиш даражасигача етиб боришди. Қарангки, Ўзбекистон ёки Қозоғистондаги қатор иншоотлар бутун СССР халқлари меҳнатининг маҳсули эмиш. Бу фикрда жон бор, албатта, лекин Россияда қурилган минглаб объектларда ҳам қолган барча республикаларнинг иштироки борлиги нега уларнинг ҳаёлига келмади?

Майли, мавзудан узоклашмайликда, аҳоли жамғармалари масаласига қайтайлик. Собик СССРдан қолган барча бойликларнинг «конуний» эгаси бўлиб олган Россия унинг қарзлари масаласига келганда, енгилроқ айтганда, яна ноҳалол йўл тута бошлади. СССР даврида аҳоли жамғармалари билан ишлайдиган мазкур банк битта бўлиб, унинг тизгини тўлалигича Москва ихтиёрида эди. Қолган республикаларда унинг филиаллари фаолият кўрсатар ва барча йиғилган маблағ Москва кўрсатмаси билан ишлатиларди.

1991 йил охирида эса бизга ҳар бир собик иттифоқдош республика ўз ҳудудида узок муддат давомида йиғилган, лекин Москва тасарруф қилган аҳоли жамғармалари бўйича ўзи жавоб берсин, деб таклиф беришди. Узок тортишув ва жанжаллар самарасиз тугади, Москва ўзи еб тугатган жамғармаларни эгасига қайтариб беришдан воз кечди. Инсон ҳуқуқларини бир пулга олмайдиган айрим диктаторлик режимларидан бошқа давлатларда бундай ноинсофлик, сомсани еб, пулини бировга тўлатишга ҳаракат қилиш шу кунга қадар кам учрайдиган ҳодиса эди.

Бу масала 1991–1995 йиллар давомида ҳавода муаллақ ҳолда турди. Ва ниҳоят, 1995 йил кузида Юртбошимиз мамлакатимиз молия тизимига, айниқса, пул муомаласи соҳасига қанчалик оғир юк бўлиб тушмасин, собик СССР ҳукуматининг Ўзбекистон Республикаси аҳолиси олдидаги қарз мажбуриятини ўз елкамизга олганлигимиз ҳақида эълон қилди. Ва бу муаммо ҳам ўз имкониятларимиз ҳисобига ҳал этилди.

Мустақилликка эришганимиздан кейинги ноҳуш иқтисодий ҳодисалардан яна бири инфляция ва унинг салбий

окибатлари билан боғлиқ. Тўғри, узок йиллар сунъий баҳо механизми ҳукмронлик қилган ва иқтисодий қонунлар ҳисобга олинмай маъмурий-буйруқбозлик асосида хўжалик юритилган жамиятда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида инфляциянинг муайян даражада кучайиши маълум эди. Ўзбекистон ҳукумати инфляцияни жиловлаш ва унинг салбий оқибатларини халқ учун мумкин қадар енгиллаштириш мақсадида қатор чора-тадбирлар кўриб келди. Бу бир қадар енгиллик берди.

Лекин Ўзбекистон ва собиқ СССР республикалари иқтисодиётининг бир-бирига минглаб кўзга кўринмас иллар билан маҳкам боғлаб ташлангани туфайли уларнинг айримларида амалга оширилган «шок терапия»сининг ҳам нохуш таъсири бизга сезилиб турди. Натижада, биз қанчалик ҳаракат қилмайлик, мустақилликнинг дастлабки йилларида инфляциянинг юқори даражаси сақланиб турди ва унинг бир қисми ўзимизга боғлиқ сабаблар билан пайдо бўлган бўлса, бошқа қисми, очик айтадиган бўлсак, собиқ СССР ҳудудида ташкил топган янги давлатлар ва биринчи навбатда Россия давлатидаги юқори инфляция даражасининг баъзан билиб, баъзан билмаган ҳолда бизга экспорт қилиниши билан боғлиқ эди.

Ушбу фикр янада тушунарли бўлиши учун соддарок бир мисол келтириш ўринлидир. Такдир тақозоси билан ота-она бир пайтда ҳаётдан кўз юмди ва улардан 15 нафар фарзанд қолди, дейлик. Ота-она ҳаётлигида улар ўз фарзандларини каттиққўллик билан бошларини қовуштириб ушлаб туришган. Улар вафоти арафасида фарзандлар битта ховлида ягона оила сифатида яшашни хоҳламасдан мустақил хўжалик сифатида ажралиб кета бошлашди. Лекин бўлиб олинадиган буюмлар шу кунга қадар умумий бўлиб, бирор фарзандга кўпроқ нарса тегиши фақатгина қолганлари ҳиссасининг қамайиши эвазига бўлиши мумкин эди.

Натижада, уларнинг иқтисодий манфаатлари тўқнашиб, шу кунга қадар четдан қараганда тотув яшаб келган фарзандлар ўртасида жанжал, ур-тўполон бошланди. Улар рўзғоридан барака кетди, ҳаётлари издан чиқди. Қолаверса, «ягона совет халқи», «ягона оила» деган тушунчалар ҳаммамизнинг мия-

мизга куйилган эди. Буларнинг ҳаммаси пуч, асоссиз гаплар эканлиги дарҳол билиниб қолди.

Мазкур оила фарзандлари бўлинишмоқчи экан, аҳиллик билан, ўзаро келишилган ҳолда шу ишни амалга оширишлари мумкин эди-ку! Бу ҳолда улар нисбатан кам йўқотиш эвазига ўз мақсадига етишишлари аниқ эканлиги кўриниб турибди-ку! Тасаввур қилиб кўрайлик: аввал Узоқ Шарқ ёки Сибирдан Ўзбекистонга ёғоч ташкилий равишда вагонларда эшелон-эшелон қилиб жўнатилар эди. Худди шу тахлит юртимиздан мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар у томонларга юбориларди. Транспорт харажати маҳсулот баҳосига 5–10 фоиз бўлиб қўшилар эди. Энди эса худди шу юкни ўртада минглаб автомашина у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа ташишмоқда. 1 сўмлик маҳсулотни ташиш харажати баъзан 2–3 сўм ва ундан ортиққа тушмоқда.

Хўш, бундан кимга фойда, кимга зиён? Ҳар ҳолда халқнинг 99 фоизига бу зарар келтираётгани кўриниб турибди. Россия Федерацияси айрим сиёсатдонлари СССРни қайта тиклаш каби бемаъни ғоялари ўрнига собиқ империя республикалари ўртасида мавжуд бўлган шу каби мақсадга мувофиқ интеграция жараёнини тиклаш ҳақида ўйлашса яхши бўлармиди?.

Биз келтирган ўхшатиш унча чиройли эмаслигини тушунамиз. Лекин мисолнинг маърифий хулосалари ҳам йўқ эмас. Негаки, бу мисолдагига ўхшаш вазият собиқ СССР худудида тахминан шу тахлит юз берди. 15 ёш, мустақил давлатларнинг айримларида миллий эгоизм, ўз иқтисодий манфаатини ўзгалар ҳисобига амалга ошириш ҳиссиётлари устунлик қилган ҳолатлар юз берди. Бу, айниқса, Болтиқбўйи давлатлари ва Россия Федерацияси раҳбарлари, баъзи ҳолларда эса, ҳатто уларнинг аҳолиси табиатида ҳам кузатилди. Масалан, улар иш ҳақини асоссиз равишда ошириш ва ўз юртида товар билан таъминланмаган ортиқча пулга қўшни давлатлардан маҳсулот ташиб кетиш каби ноҳалол йўлларга ҳам боришди. СССРнинг Европа қисми, айниқса, Латвия, Литва, Эстониядан 1990–1991 йилларда юртимизга қоп-қоп пул кўтариб келиб, ўрнига автомашина ва ҳоказо товарларни

олиб кетишганини эсланг. Ўзбек халки бу йўлдан юрмади. Негаки, кўшнилар манфаати зарар кўриши эвазига ўз ҳаётини яхшилаш, ўзгалар ҳақида хиёнат қилиш ва ўзгалар нонини туя қилиш Юртбошимиз ва халқимиз табиатига зид эди.

Биз юқорида ноқулай шароитда миллий валютаамизни муомалага киритишга мажбур бўлганимиз ҳақида тўхталдик. Бугун миллий валютаамизни муомалага киритганимизга тўққиз йил бўлди. Ўзбек сўми кун сайин ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллаб бормокда. У тўлақонли пул бирлиги сифатида кўпчилик томонидан тан олинган. Албатта, ҳар қандай миллий валютанинг жаҳон томонидан тан олинishi учун қилинадиган ишлар жуда кўп. Миллий валюта эркин алмашинадиган бўлиши учун, энг аввало, бунга иқтисодий замин бўла оладиган бақувват иқтисодиёт бўлиши зарур. Шу боис биз миллий валютаамизни пировард натижада эркин алмашинадиган ва жаҳонда обрўли пул бирликлари сафига қўшмоқчи эканмиз, бунинг учун етарли иқтисодий асос яратиш йўлини танладик. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиётни ривожлантириш орқали миллий валютаамизнинг белини бақувват қилиш сари юз тутдик.

Шу ўринда айрим саволлар туғилиши табиий. Масалан, Болтиқбўйи давлатларида, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдовада миллий пул бирликлари нисбатан тез фурсатда ички алмашинадиган, бирмунча барқарор валюталар сафига қўшилишига сабаб нима? Тўғри, биз ҳам улар тутган йўлдан боришимиз мумкин эди. Биз ҳам бутун топган-тутган даромадимизни, бекордан-бекорга, текинга ёки холисона эмас, балки аксарият ҳолларда турли-туман ғаразли мақсадларни ўз олдига қўйиб, жиловимизни, ўрни келганда, тортиб туриш, ўзлари истаган «музыка»га ўйнатиш мақсадида бериладиган ташқи ёрдамни ҳамда барча хорижий валюта резервимизни сўмимизни мустаҳкамлаш мақсадида унинг орқасига тиргович сифатида қўйишимиз мумкин эди. Бироқ биз сўмимизни сунъий тиргович ёрдамида эмас, табиий суръатда ва иқтисодий имконият яратиш йўли орқали ўз қаддини тиклаш йўлини тутдик. Ўзгача йўлни тутган, ташқи ёрдам эвазига иқтисодий ривожланиш суръатларига кўра «ҳаш-

паш» дегунча дунёнинг тараккий этган давлатлари қаторига қўшилади, дея умид килинган, пировардида эса бир куннинг ўзида, қанчалик чиранган бўлишига қарамай, пуфакдек «пок» этиб ёрилиб кетган иктисодиётга эга бўлиб қолган, ўз бошланғич табиий нуктасига қайтган, «оти айланиб ўзининг эски қозиғини топган», халки кострюлка ва қошиғини кўтариб кўчага чикқан, бир ҳафтада ўз мамлакати Президентини 4 марта алмаштиргани ҳам ёрдам бермаган Лотин Америкасидаги айрим мамлакатлар танлаган йўлдан бормадик. «Ўйинчилар»га ишонганимиз йўк. Доно халқимизнинг ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтган кадриятларига таянган ҳолда, бу масалада ҳам узоқдаги бугўйдан уйимиздаги сомонни афзал кўрдик. «Емоқнинг қусмоғи бор»лиги эътиборимиздан четда қолмади. Мавриди келгани учун яна бир фикрни айтиб кўяйлик: ўз қаддини ўзи ростлаётган Ўзбекистонга ҳам бу масалада четдан, ташқаридан «ёрдам бериш» ниятида бўлганлар, «ёрдам берамиз!» дегувчилар ҳозир ҳам талайгина. Лекин қанийди ўша ёрдам холисона бўлса. Қанийди, ўша «ёрдам»нинг тагида ёрдам берувчи томоннинг узоқни кўзловчи ва асосан, айнан унинг манфаатларигагина хизмат қилувчи ғаразли мақсадлари ётмаса. Огоҳ бўлинг: «ёрдам»ларини, «марҳамат»ларини бизга дариг тутмайдиганларнинг аксарияти холис ниятлилар тоифасига кирмайди. Бу нарсани ўз вақтида англаган ва тўғри хулоса чиқарган давлат раҳбаригина ўз юрти тизгинини ўзгалар кўлига тутмаслик, бошқалар «музыка»сига ўйнамаслик бахтига муяссар бўла олади.

Мустақиллик йилларида юртимизда бозор муносабатларини шакллантириш даври талабларига жавоб бера оладиган банк тизими яратилди. Халқаро андозаларга мос ҳолда Ўзбекистон банк тизими икки даражадан иборат: Марказий банк ва тижорат банклари. Бугун мамлакатимизда мавжуд банк тизими ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли уддаламоқда. Биз банк тизимини шакллантириш жараёнида ҳам стихияли бозор муносабатларини қўлламадик. Айрим давлатларда ҳеч қандай иктисодий асос бўлмаган шароитда ҳам баъзи бир қинғир, олғир шахслар кўплаб банклар очишга

муваффақ бўлишди. «МММ», «Чара», «Русский дом Селенга», «Гермес» каби банк ёки банк каби аҳоли жамғармалари билан ишлайдиган жамғармалар аввал бошиданок халқнинг пулини «туя қилиш» мақсадида тузилгани, бир гуруҳ муттахамлар бир неча миллион кишининг маблағларини ўмариб кетгани бугун кўпчиликка маълум.

Бизнинг юртимизда ҳам шундай уринишлар юз берди. «МММ», «Гермес» каби жамғармалар, ўзимизнинг айрим фукароларимиз ҳам турли йўллар билан ҳаракат қилиб кўришди. Мамлакатимиз раҳбарияти ва бизда мавжуд қонунчилик бунга мутлақо йўл бермади. Бу масалада ҳам бизнинг тутган йўлимиз тўғри эканини ҳаёт тезда исботлади.

Ўз тақдирини ўйлаган ҳар қандай давлат банк ишидаги бундай бошбошдоклик халқ эвазига айрим нопок шахслар ҳамёнини тўлдириш муҳити эканини ҳаминиша ёдида тутиши мақсадга мувофиқлиги кўриниб турибди.

Банк тизими хусусида сўз юритганда, яна бир масалани четлаб ўтиб бўлмайди. Гап Ўзбекистон банкларининг жаҳон банк тизимига уйғунлашиб кириб бориши, улар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали асосда ҳамкорлик қилишини таъминлаш устида бормоқда. Айни пайтда мамлакатимиз банк тизими, айниқса, Марказий банк, Ташки иқтисодий фаолият миллий банки, «Асакабанк» каби қатор банкларимиз жаҳоннинг кўзга кўринарли банклари қаторига кириб бўлишди. Юртимизда жаҳоннинг энг нуфузли банклари, шу жумладан, Жаҳон банки, Европа ҳамда Осиё тикланиш ва тараққиёт банклари. Дойчебанк, Берлинербанк, Креди свисс, Креди коммерсиал де Франс, АҚШ, Голландия, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Россия, Малайзия, Корея, Швейцария, Англия, Япония каби қатор давлатларнинг банклари ўз ваколатхоналарини очдилар ва очмоқдалар, айримлари қўшма банклар тузишди ва тузишмоқда.

Айни пайтнинг ўзида мамлакатимизга турли йўллар билан суқилиб киришга ҳаракат қилаётган айрим ноҳалол банклар ҳам йўқ эмас. Аллоҳга шукурки, ҳозирча бундай мақсадга ҳеч ким ета олмади ва етолмайди, деган ишончдамиз. Уриниши зое кетган айрим банклар эса чет эл матбуотида шаънимизга

бўхтон гаплар айтишгача етиб боришди. Эмишки, банк очиш ишини бозор муносабатлари стихияли суратда ўзи ҳал этсин, сингани синиб, қолгани ривожланаверсин.

Эркин бозор муносабатлари ғоясининг жонкуярлари бўлмиш айрим хорижий банкир жанобларга айтадиган гапимиз битта: биз битта шахснинг ноҳалол йўл билан бойиши учун миллионлаб халқ турмушини гаровга қўя олмаймиз. Бизнинг бозор муносабатларини қарор топтиришдан мақсадимиз айрим шахс ёки гуруҳларни асоссиз суратда бойитиш эмас, балки ҳаммага бир хил иқтисодий имконият яратиб бериш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини бозорнинг шу каби ногаҳоний зарбаларидан ҳимоя қилиш, ҳалол йўл билан бойиш ҳаракатига тўғаноқ бўлмаслик каби қатор шартларни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, қурол-яроғ, гиёҳванд моддалар сотиш, порнография каби ҳаром-хариш йўллар билан топган пулингизни «ҳалоллаш» учун ўзбек юртининг дарвозалари ҳамиша ёпик эканлигини унутмасангиз бўлди. Ниятингиз пок, йўлингиз ҳалол бўлса, юртимизга марҳамат, ҳурматли банкир жаноблар!

Ёш мустақил давлатнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини топиши ўта мураккаб ва ҳар қандай юртга ҳам насиб қилавермайди. Бугун баралла айтиш мумкинки, Ўзбекистон жаҳонда ўз сиёсий, иқтисодий ва маънавий киёфасига эга бўлган давлат сифатида кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Лекин мустақилликнинг дастлабки йилларида, яъни бизнинг иқтисодий ривожланиш моделимиз эндигина шаклланаётган даврда дунё бизни ҳали билмас эди, айрим давлатлар эса бизнинг келажагимизга шубҳа билан қарашар эди. Бугун у кунлар ортда қолди. Қарангки, ўша пайтда баъзи бир давлатларнинг биз билан иқтисодий муносабатларда эҳтиёткорлик йўлини тутганлиги уларнинг ўзига ҳам сезиларли иқтисодий зарба бўлди. Яъни, улар биз билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали иқтисодий муносабатлар ўрната олган давлатлардан ортда қолишди. Биз эса воқеаларни тезлатиш, уларни гап билан ишонтириш йўлини эмас, балки кимлигимизни иш билан кўрсатиш йўлидан юрдик. Ҳар қандай шарт билан ташқаридан ёрдам олиш

бизнинг миллий хусусиятларимизга мос келмас эди. Бугун Ўзбекистон бозорига кечикканлигини аллақачон тушуниб етган баъзи бир хорижий бизнесменлар ғурури баланд раҳбар бош бўлган, ғурури баланд миллат яшайдиган, ғурури баланд юрт билан мулоқотга киришаётганини, афсуски, ўз вақтида тушунишмади.

Парвардигор бизнинг юртимизга фаровон яшаш учун ҳамма зарур шарт-шароитни берган: табиий бойликлар, сахий замин, серкуёш осмон, энг муҳими эса меҳнаткаш халқ ва халқнинг ишончига сазовор бўлган раҳбарият. Буларнинг ҳаммаси қўшилиб келган юртда эса бахтли келажак бўлмаслиги мумкин эмас. Бунинг учун яна озрок вақт, сабртоқат ва фидокорона меҳнат зарур, холос.

Лекин бу жараён қийинчиликсиз, камчиликсиз рўй бермаслиги ҳам табиий. Ва айни чоғда қийинчиликларга бўй ҳам бериш керак эмас. Аслида бу гап ортиқча. Негаки, ўзбек халқи ўз бошидан бундай ҳодисаларнинг кўпини мардона ўтказган.

Биргина XX асрнинг ўзида миллатимиз бир неча уруш, кўплаб очарчилик ва қаҳатчиликлардан кейин ҳам қаддини тиклай олди, ўзлигини кўрсата олди. Узок йиллар чоризм ва большевиклар зулми остида яшаган пайтимизда ҳам халқнинг келажакка ишончи сўнмади. Бугун эса биз мустақилмиз. Лекин мустақиллик осонлик билан қўлга киритилмаганлигини юқорида тилга олган айрим воқеалар ҳам кўрсатиб турибди. Агар шу каби ҳодисалар юз бермаганда эди, биз аминмизки, иқтисодий ислохотларимизнинг самараси ҳозиргидан-да анча юқорирок, рўзгоримиз тўкинрок, қийинчилик ва камчиликларимиз камрок бўлган бўлур эди.

Баъзан бугунги рўзгорнинг қийинчилик ва ташвишларидан нолиб қўямиз. Бу, аввало, табиий бир ҳол, негаки, дунёнинг энг бой давлатларининг ўзига тўқ одамлари ҳам кундалик ташвиш ва етишмовчиликлар қуршовида яшашади. Лекин юқорида баён этилган ҳодисаларнинг бор-йўғи бирортасида хатога йўл қўйганимизда эди, биз мустақил давлатчиликнинг иқтисодий асосларини қура олмаган бўлур эдик, турмуш даражамиз эса ҳозиргидан бир неча баравар паст бўлиши муқаррар эди.

Умид киламизки, тақдир бизни етарли даражада си-
наб кўрди ва энди бундай зарбалар ато этмайди. Аслида
бундай синовлар халқимиз қаддини бука олмади, аксинча,
чиниктирди, буюк келажак сари қадамимизни тезлаштирди.
Биз шундай миллатмизки, бизга нисбатан қилинган ёки яна
килинажак ноҳолислик ва нопокликлар бизга айримлар кут-
ганчалик даражада салбий таъсир этмайди, тўғри йўлимиздан
адаштира олмайди. Чунки биз ўтмиши ва келажаги буюк
халқмиз.

ЎЗБЕКИСТОН 2002 ЙИЛДА: ЖАҲОН ЭЪТИРОФИ, ЭЪТИБОРИ, ЭҲТИРОМИ

Кун охирида, ҳафта ниҳоясида, ой якунида амалга ошир-
ган ишларини сарҳисоб қилиш режали инсон учун одат-
дир. Бундай ортга назар ташлашдан мақсад – эришилган
ютуқларни мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчиликларни
такрорламаслик чораларини кўришдир. Янги 2003 йилни
кутиб олиш арафасида ҳам, табиийки, ҳар бир инсон оз
эмас-кўп эмас – 365 кунлик ҳаётини сарҳисоб қилади ва
йилнинг янада маҳсулдорроқ бўлишини ният қилиб, янги
йилга қадам қўяди. Шунга ўхшаш йил ниҳоясида давлат
томонидан амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш
ҳам фойдадан холи эмас. Тўғри, бир йил тарих олдида жуда
қиска муддат. Бирок санокли кунлардан сўнг мамлакатимиз
тарихига айланадиган бу йилни соатлар, кунлар билан эмас,
балки амалга оширилган ишлар салмоғи, янгиланишлар
самараси, ислохотлар қўлами билан ўлчаш ўринли. Зеро, бу
бир йиллик муддат ёш Ўзбекистон давлати учун янада етук,
янада салоҳиятли, янада қудратли бўлиш палласи сифатида
кечди, десак хато қилмаймиз.

Албатта, давлатимизда йил давомида барча жабҳаларда
амалга оширилган ишларни бир мақола доирасида баён қилиш
мушкул. Зеро, 2002 йилда иқтисодиётимизда ҳам, маънавий
ҳаётимизда ҳам, таълим соҳасида ҳам, қонун ижодкорлиги
соҳасида ҳам, спорт соҳасида ҳам эришган ютуқларимиз та-
лайгина. Бирок бу йил Ўзбекистон учун, айниқса, ташқи сиё-

сат бобида чинакам бурилиш йили бўлди. Дарҳақиқат, 2002 йил Ўзбекистоннинг халқаро сиёсати сермахсул ва самарадор кечгани билан ажралиб турди. Фикримизни асослаш учун ташқи сиёсат билан боғлиқ олий даражадаги учрашувларга назар ташлашнинг ўзи кифоя. Айнан 2002 йилда Ўзбекистон Президенти АҚШ, Япония, Қозоғистон, Литва, Венгрияга расмий ташриф билан борди. Айнан шу йили Германия Федерал Канцлери Г.Шрёдер, Польша Президенти А. Квасьневский, Литва бош вазири А. Бразаускас, Эрон Президенти С. Ҳотамий, Афғонистон ҳукуматининг раиси Х. Карзай, Украина Президенти Л. Кучма Ўзбекистонга ташриф буюрди. Боз устига, энг нуфузли халқаро ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари ҳам айнан шу йили Ўзбекистонга ташриф буюрдилар. Бу – БМТ Бош қотиби К. Аннан ва ЕХҲТ Бош қотиби Я. Кубишлардир. Ўзбекистоннинг бундай халқаро алоқалари нафақат унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини ва халқаро майдондаги мавқеини кўрсатади, балки ички сиёсатимизга ҳам кучли таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, бу ўринда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан алоқалари масалаларининг таҳлили билан чекланмоқчимиз.

Мустақилликни қўлга киритгач, Ўзбекистон учун жаҳон ҳамжамиятига эшик очилди. Ўзбекистон халқаро майдонда халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида иш кўра бошлади. Аслида, давлатнинг суверенитети ҳам нафақат мамлакатнинг ўз худудида мустақил бўлишини, шунингдек, унинг халқаро муносабатлардаги мустақиллигини ҳам назарда тутди. Қуни кеча халқаро сиёсатдаги ютуқларимизни таъкидлаш учун мустақиллигимизни тан олган давлатлар сонини, Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатган мамлакатлару Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар саногини кўрсатар эдик. Яъни, жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириб бораётганимиздан қувонардик. Энди-чи? Шу вақтгача Ўзбекистонни дунё таниган бўлса, 2002 йилда Ўзбекистон жаҳоннинг манаман деган давлатлари – АҚШ ва Япония томонидан стратегик ҳамкор, деб тан олинди. Бу – халқаро майдонда Ўзбекистонга стратегик ҳамкор

сифатида ишониш ва таяниш мумкинлигининг эътирофи эмасми? Бу – Ўзбекистоннинг минтақадаги ўрни ва нуфузига ишора эмасми? Бу – қудратли давлатларнинг Ўзбекистонга ҳурмат-эҳтиромининг ифодаси эмасми? Бу – Ўзбекистон танлаган йўлининг ва саъй-ҳаракатларининг етакчи давлатлар томонидан қўллаб-қувватланаётганига далил эмасми? Энг асосийси, бу – Ўзбекистоннинг имкониятлари, салоҳияти ва истикболига ишонч эмасми?

Шундай экан, Президентимиз Ислом Каримовнинг жаҳоннинг энг қудратли давлатларига қилган ана шу ташрифлари тафсилотларига алоҳида тўхталиш жоиз. Ўзбекистон янги тарихида 2002 йилнинг 11–14 март кунлари унутилмас воқеа сифатида муҳрланиб қолиши шубҳасиз. Чунки айнан шу кунлари Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида манфаатлар муштараклигига асосланган, ўзаро фойдали ва тенг ҳуқуқли шериклик ва стратегик ҳамкорликнинг тамал тоши қўйилди. Тўғри, Ўзбекистон – АҚШ ҳамкорлигига ўтган йилнинг 11 сентябрь воқеалари сабаб бўлди, деб тушунтиришга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Аслида эса, давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар АҚШнинг Ўзбекистон мустақиллигини тан олган кундан бошланади ва АҚШ учун мушкул дамларда томонларнинг бирдамлиги, ҳамкорлиги ўзига хос синовдан ўтди, холос. 11 сентябрь воқеалари эса томонлар мустаҳкам ва узоқ муддатли муносабатлар ўрнатишдан манфаатдор эканликларини кўрсатди. Афсуски, бу воқеалар Ўзбекистон раҳбарининг халқаро минбарлардан туриб инсониятни терроризм ва диний экстремизм сингари хавф-хатарлардан огоҳлантириб бонг урганида, қанчалик ҳақ эканлигини тасдиқлади. Айнан Ўзбекистон машъум 11 сентябрь воқеаларигача ҳам, ундан кейин ҳам ўзининг ташқи сиёсатдаги позициясини ўзгартирмай, уни собит ва изчил давом эттиргани боис халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига эга бўлди.

Ҳозир АҚШнинг ялпи ички маҳсулот ҳажмини, давлатнинг олтин захиралари салмоғини ёки жаҳон иқтисодиётидаги «об-ҳавони белгиловчи»лик ролини гапириб, бу давлат салоҳиятини асослашга ҳожат бўлмаса керак. АҚШнинг харбий қудрати ва бой демократик тажрибаси ҳам алоҳида

таърифларга мухтож эмас. Ана шундай давлат билан Ўзбекистон ўртасида «ўзаро шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация»нинг имзоланиши ташқи сиёсатимизнинг энг катта ютуқларидан биридир. Бу декларацияда томонлар беш йўналишда – сиёсий муносабатлар, иқтисодий алоқалар, ижтимоий мулоқотлар, ҳуқуқий соҳа ва хавфсизлик масалаларида шериклик ҳамда ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳақида аҳдлашиб олди. Бундай шериклик Ўзбекистоннинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш, халқаро террорчиликка қарши кураш, иқтисодиётимизни юксалтириш, эркин демократик жамият барпо этиш кафолатларини янада мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Президентимиз АҚШда кимлар билан учрашганига эътибор берадиган бўлсак, ташрифнинг нуфузи ҳамда сафарнинг мақсад-муддаolari янада ойдинлашади. Агар Ислom Қаримовнинг АҚШ Президенти Жорж Буш билан мулоқоти олий даражадаги учрашув ҳисобланса, Пентагон раҳбари Колин Пауэлл билан учрашув сафарда хавфсизлик ва ҳарбий масалаларнинг ечимига эътибор берилганининг белгисидир. Жаҳон банкининг раҳбари Жеймс Вульфенсон, АҚШнинг молия вазири ва мамлакатнинг ишбилармон доиралари билан мулоқотларни иқтисодиётимизни юксалтириш йўлидаги самарали уринишлардан, деб баҳолаш мумкин. Президентимизнинг АҚШ қишлоқ хўжалиги вазири билан ўтказган суҳбатининг нақадар аҳамиятлилигини алоҳида таъкидлашга ҳожат йўқ. Шундай бўлса-да, бир рақам келтирамиз: АҚШ қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг бор-йўғи 2,5 фоизи банд бўлса-да, пахта, ғалла ва гуруч етиштириш бўйича жаҳонда етакчилик қилаётган бу давлатнинг аграр соҳадаги тажрибаси Ўзбекистон учун ғоят қимматлидир.

Ўзбекистон Президенти Ислom Қаримовнинг АҚШга сафари, дарҳақиқат, сермахсул ва унутилмас воқеаларга бой бўлди. Бу сафарнинг яна бир тафсилотига алоҳида тўхталиш жоиз. Сафар чоғида АҚШнинг жамоат ва ноҳуқумат ташкилотлари халқаро террорга қарши курашга қўшган улкан ҳиссаси учун Ислom Қаримовни «Халқаро микёсдаги буюк давлат арбоби» мукофоти билан тақдирладилар. Шу ўринда сафар чоғидаги

барча учрашувлар Америка учун синовли дамларда уни даяр қўллаб-қувватлагани учун Президентимизга ташаккур изҳоридан бошланганини таъкидлаш лозим. Мукофотнинг АҚШ жамоатчилиги томонидан тақдим этилгани кишини, айниқса, қувонтиради. Зеро, бу мукофот Президентимизга Америка халқининг ташаккури тимсоли ва меҳр-муҳаббати изҳоридир. Бу – Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли муносабатлар эндиликда илиқ ва самимий муносабатларга ўсиб ўтганининг нишонаси ҳамдир.

Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги сафари жаҳоннинг кейинги пешқадам давлатларидан бири, «кунчиқар юрт» ва «хайратлар мамлақати» сифатида донғи кетган Японияга бўлди. Тараққиёт бобида ривожланган давлатлар билан беллашаётган бу юртга Президентимизнинг ташрифи ҳам мамлакатларимиз ўртасида стратегик шериклик алоқаларига доир қўшма баёотнинг имзоланиши билан яқун топди. Бу баёотнинг дунёга келиши ҳам Ўзбекистон ташқи сиёсатининг катта ютуғидир. Ислоҳ Каримовнинг Япония Бош вазири Жунъитиро Коидзуми ва Япония императори Акихито билан олий даражадаги учрашувлари давлатимиз раҳбарига чуқур ҳурмат-эҳтиромнинг намоёниши бўлди. Учрашувлар чоғида икки томонлама дўстлик ва ҳамкорлик, Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди. Сафар тафсилотларига эътибор бериб қарайдиган бўлсак, Японияга ташрифта савдо, сармоя, технология ва таълим соҳаларидаги алоқаларни юксалтиришга устувор аҳамият берилди. Ислоҳ Каримовнинг Япониянинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири – Васеда университетига ташрифи, Япониянинг иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири, Япония ташқи савдо ташкилоти раиси, мамлакатнинг молия вазири, Япониянинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги Президенти, Япония Халқаро ҳамкорлик банки ва кунчиқар мамлакатнинг ишбилармон доиралари билан учрашувлари сафарнинг самарали ва сермахсул бўлишига хизмат қилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатнинг ташқи сиёсати унинг ички сиёсатининг узвий давоми, ажралмас қисми ҳисобланади.

Шу боис, хорижий давлатлар билан қандай ҳужжатлар им-
золанганлигига, Президентимизнинг сафар чоғида ким-
лар билан учрашганига қараб ва, ҳаттоки, Президентга
Ўзбекистондан сафарда кимлар ҳамроҳлик қилганига қараб
ҳам қайсидир жиҳатдан ташқи ва ички сиёсатимизнинг
устувор йўналишларини аниқлаб олса бўлади. Шу жиҳатдан,
хориж сафарлари давомида давлатимиз раҳбари хавфсизлик,
мудофаа, иктисодий масалалар билан бир қаторда таълим
соҳасига, яъни кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга
оширишга ҳам катта эътибор бераётганини кузатиш мумкин.
Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ўзининг ана шу
жиҳати билан ҳам бошқа мамлакатларнинг ташқи сиёсатидан
фарқ қилади.

Хорижий мамлакатлар ҳам Ўзбекистонда малакали кадр-
лар тайёрлаш масаласининг устувор эканлигини билиб, буни
маъқулламоқдалар ва бу соҳадаги ислоҳотларни ҳар томон-
лама қўллаб-қувватлашяпти. Боиси, таълим соҳасига эъти-
бор – мамлакатнинг келажагига эътибор демакдир. Таълим
tizimini ислоҳ қилиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар тезда
даромад, фойда келтирмаслигини билса-да, ҳукуватимиз узок
келажакни ўйлаб, бу соҳани ривожлантираётгани давлатимиз-
нинг оқилона ва доно сиёсати сифатида халқаро доираларда
эътироф этилмоқда. Шу боис, Ўзбекистоннинг бу соҳадаги
ислоҳотлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда: бир
мамлакат ўзининг илғор тажрибаси билан алмашяпти, бошқа
мамлакатлар ўз университетларида Ўзбекистон ёшларини
ўқитмоқда, қатор давлатлар ўқув жиҳозлари билан ёрдам-
лашяпти, қайсидир мамлакат компьютер техникаси билан
кўмаклашаётган бўлса, яна бир давлат таълим тизимидаги
ислоҳотларга грантлар ажратяпти. Умуман олганда, бундай
сиёсат таълим соҳасига хорижий сармояларнинг жадал кириб
келишини таъминламоқда.

Жаҳоннинг ривожланган, етакчи мамлакатлари бўлмиш
АҚШ, Япония, Германия, Корея ўз мавқелари ва манфаатла-
ридан келиб чиқиб, сайёрамизнинг турли минтакаларидан
ҳамкорлар излайдилар. Бунга юқори даражада ривожланган-
лик омили имкон беради ва шу маънода бу табиий истакдир.

Охирги йилларда айнан шу мамлакатлардан юртимизга турли даражадаги делегациялар ташрифнинг кўпайгани Ўзбекистоннинг обрўси етакчи мамлакатлар ва умуман жаҳон ҳамжамияти кўз олдида ошиб бораётганини исботлайди. Стратегик ҳамкор мамлакатлар манфаатлари, уларнинг ички ва ташқи сиёсатининг тўла маънода демократик тамойилларга мослиги нуктаи назаридан ҳам ривожланган демократик мамлакатлар билан икки томонлама ва ҳар томонлама ҳамкорлик мамлакатимиз тараққиётининг стратегик манфаатларига мос келади. Қолаверса, бу Ўзбекистонни минтақадаги стратегик жиҳатдан нуфузли мамлакат сифатида эътироф этилиши ҳамдир. Чунки бу каби мамлакатлар турли минтақаларда ўз манфаатларини чамалар эканлар, кўплаб омилларни синчиклаб ҳисобга олади ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарор мамлакат билан кўпроқ ҳамкорлик қилишга интилади. Ўзбекистон Республикасига кўплаб хорижий давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари, парламентлар раислари, ташқи ишлар вазирлари, халқаро ташкилотлар бошлиқлари ва вакиллари, элчилар, йирик ишбилармонлар, бошқа расмий шахсларнинг ташриф билан келишлари Ўзбекистон билан алоқаларнинг кенгайганини кўрсатади. Масалан, шу йилнинг ўзида Ўзбекистонга келган делегациялар орасида етакчи мамлакатлар улуши салмоқли бўлди. Бунда энг кўп ташрифлар АҚШ ҳисобига тўғри келади. 2002 йилда бу мамлакатдан юртимизга қилинган турли даражадаги сафарлар йигирмадан ошиб кетгани фикримиз далилидир.

Америка – Ўзбекистон икки томонлама муносабатларининг кенг ривожланаётганини мамлакатимизга океан ордидан ташриф буюраётган делегацияларнинг таркиби ҳам кўрсатиб турибди. Аввало, минтақамизда хавфсизликни ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан жадал фикр алмашувлар учрашувларнинг асосий мавзуси бўлиб қолаётгани муҳим аҳамиятга эга. АҚШ Давлат қотиби ўринбосари Элизабет Жонснинг 2002 йил 27–29 январдаги, АҚШ Давлат қотиби ўринбосари Л. Крейннинг 7–8 февралдаги сафари чоғида айни масалалар чуқур муҳокама этилди. Шу билан бирга, икки томонлама манфаатли иктисодий ҳамкорлик

масалалари АҚШ молия вазири П. О. Нейлнинг 16–17 июлда қилган сафари чоғида атрофлича ўрганилди.

Марказий Осиёда кучли ва барқарор ҳамкорга таяниш истаги АҚШ ҳукумати ташки сиёсатининг устувор муддаоларидан бирига айланаётгани равшан. Бундан АҚШ ҳарбий доиралари, Куролли кучлар қўмондонлиги вакилларининг кўплаб сафарларида, хусусан, 21–25 январда АҚШ Куролли кучлари Марказий қўмондонлиги Бош қўмондони Т.Франкс, 19 февралда АҚШ Куролли кучлари штаб бошликлари Бирлашган қўмитаси раиси Р.Майерснинг ташрифлари чоғида ҳамкорлик ва хавфсизлик масалалари муҳокама қилингани ҳам яққол дарак беради.

Дунёнинг энг ривожланган бошқа мамлакатлари, жумладан, Япония, Германия сиёсий ва молиявий доиралари вакилларининг юртимизга ташрифи ҳам ушбу йилда сезиларли жадаллашди. Хусусан, 2002 йил 26–28 апрель кунлари Япония Ташқи ишлар вазири катта ўринбосари С.Сигиура, кун чиқар мамлакатнинг кўзга кўринган бошқа арбобларининг, жамоатчилик, фан ва бизнес вакилларининг ташрифлари Ўзбекистонга нисбатан билдирилаётган юксак эътибор ва ишончдан далолатдир.

Европанинг иқтисодий-индустриал жихатдан энг ривожланган мамлакати бўлиб танилган, охириги йилларда жаҳон ҳамжамиятида сиёсий мавқеи ошиб бораётган Германия билан алоқалар мустаҳкамланмоқда. Шу йилнинг ўзида бу мамлакатнинг ўнга яқин делегациялари Ватанимизда меҳмон бўлишди.

Германия Федерал Канслери Г. Шрёдернинг 9–10 май кунларидаги ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни юқори даражага кўтариш билан бирга, Европадаги бошқа мамлакатларнинг ҳам давлатимиз билан ҳамкорлигига туртки бўлди. Хусусан, Швейцария, Бельгия, Норвегия, Швеция каби ривожланган мамлакатлар юқори лавозимдаги вакиллари Ўзбекистонда бўлишиб, ўзаро муносабатларга доир фойдали мулоқотларни амалга оширдилар.

Юқоридаги фактлар шундан далолат берадики, дунёнинг катта иқтисодий, ҳарбий, сиёсий ва дипломатик нуфузга эга

мамлакатлари Ўзбекистонни стратегик шерик ва ҳамкор сифатида баҳолаши реал самара бера бошлади. Бундай катта эътироф ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Бу мамлакатимиз ташқи сиёсатининг собитқадамлик билан олиб борилиши натижаси, Ўзбекистонга ҳамкор сифатида таяниш мумкинлигига ишонч кун сайин мустаҳкамланаётганидан далолатдир. Буни энг бообрў ташкилотлар раҳбарларининг мамлакатимизга ташрифи ҳам исботлайди. Айни ташрифларнинг аксарияти сарҳисоб қилинаётган биргина ҳозирги йилга тўғри келганини эътиборга олсак, бу Ўзбекистон ташаббуслари салмокли натижалар бера бошлаганидан дарак ҳисобланади. Масалан, ЕХҲТ ташкилотининг Бош қотиби Я. Кубиш 6–7 апрель кунлари ташриф буюрган бўлса, кўп ўтмай – 9–13 апрелда ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси делегацияси юртимизда меҳмон бўлди. БМТ Бош қотиби К. Аннанинг юртимизда 18–20 октябрь кунлари бўлишини Ўзбекистоннинг бу ташкилотга аъзо бўлганидан кейин ва Президентимиз Ислом Каримовнинг БМТ минбарида нутқ сўзлаганидан кейинги энг эътиборли воқеа бўлди, дейиш мумкин.

Жаҳон банки Президенти Ж.Вулфенсоннинг 11–13 апрелдаги ташрифи Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисоди томон интеграциясида янги саҳифа очиши табиий. Шу йил 28–30 ноябрь кунлари Европа тараққиёт ва тикланиш банки Президенти Ж.Лемьернинг сафаридан сўнг бу соҳада янги ўзгаришлар яққол кўзга ташланди. Шу ўринда масаланинг муҳим бир жиҳатига эътибор қаратиш жоиздир. Маълумки, мустақилликка эришган ҳар қандай мамлакат дастлаб дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари билан алоқаларга алоҳида аҳамият беради. Бу ички ва ташқи сиёсатини ўзаро уйғунликда кўрадиган мамлакат манфаатларига мос ҳодисадир. Лекин вақт ўтиши билан, мустақилликни мустаҳкамлаш баробарида ривожланишнинг ўрта бўғинида бўлган, шу билан бирга у ёки бу минтақада ўз мавқеига эга бўлган давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш масаласи долзарблашади. Бу каби тенденцияларни ўз вақтида идрок этиш ташқи сиёсатнинг тўғри йўналишини кўрсатади. Ўзбекистон ташқи сиёсатида ҳам ана шу ўзгаришлар ўз

ифодасини топди. Ўз вақтида қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли собик социалистик мамлакатлар, ҳозирда ўз тараққиёт йўлидан бораётган Польша, Чехия, Словакия каби Шарқий Европа мамлакатлари билан муносабатларга йўл очилди. Бу мамлакатларнинг раҳбарлари ҳам ўз ташрифлари билан Ўзбекистонга хайрихоҳликларини намоён этдилар. Бунинг мисоли сифатида 20–23 октябрь кунлари Польша мамлакатининг Президенти А. Квасневскийнинг ташрифини келтириб ўтиш мумкин.

Маълумки, Польша Республикаси ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, режали иқтисоддан эркин бозорга ўтишда ўзига хос тажриба тўплаган мамлакатдир. Айни пайтда бу мамлакат жаҳон бозорига кириш борасида ва халқаро тузилмаларга интеграциялашув жараёнларида Шарқий Европа мамлакатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Европа Иттифоқининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиш имкониятларига эга бўлган бу мамлакат ўз ташқи сиёсатида Ўзбекистон билан ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш ва мустақамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу мамлакат раҳбари ўз сафари чоғида Ўзбекистонни «Марказий Осиё давлатлари ичидаги етакчи давлат» деб билишини, шу боис Польша нафақат икки томонлама ҳамкорликни, балки минтақада халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ҳам сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ниятини изҳор этди. А. Квасневскийнинг: Ўзбекистон «атиғи ўн йил аввал мустақилликни қўлга киритган бўлишига қарамай, бугунги кунда мустақил ташқи сиёсат юргизишга қодирлигини намоён этди ва юргизмоқда», – деган сўзлари диққатга сазовордир. Шунингдек, Польша Республикаси Президентининг: «Ўзбекистон демократик ислохотларни ва бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишни муваффақият билан олиб бориши билан бутун Марказий Осиё худудида барқарорликни таъминлаяпти», – деган сўзлари ўзимиз ёки яқин қўшниларимиз томонидан эмас, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан берилаётган холис баҳодир.

Мамлакатимиз ўз ташқи сиёсатида турли минтақаларда стратегик ўрин эгаллаган давлатлар билан алоқаларни мус-

тахкамлар экан, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ҳудудий кооперация ва ҳамкорликни ривожлантиришдан самаралар кутишга ҳақлидир. Айнан шундай сиёсат туфайли ички ва ташқи сиёсат уйғунлиги, энг муҳими, ҳар иккаласининг халқ манфаатларига мослиги таъминланади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро обрў-эътибори ошиб бораётганининг яна бир далили шуки, турли минтақалардаги мамлакатлар юқори доиралари вакилларининг мамлакатимизга ташрифлари Ўзбекистонга минтақадаги барқарорлик ва хавфсизлик кафолати сифатида қаралаётганини англатади. Хусусан, Россия Ташқи ишлар вазири И. Ивановнинг 9–10 январдаги, Тожикистон Бош Вазири А. Оқиловнинг 12 февралдаги, Литва Бош Вазири А. Бразаускасининг 18–20 февралдаги, Афғонистон Ҳукумати Раиси Х. Карзайнинг 4–5 мартдаги, Эрон Президенти С. Ҳотамийнинг 26–28 апрелдаги ташрифлари минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда мамлакатимизнинг ўрнини аниқ кўрсатиб турибди. Зеро, Ўзбекистон ташқи сиёсати мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб аниқ ва қатъий тамойилларга асосланиб келмоқда.

Биз билан бирин-кетин мустақилликка эришган Украина, Молдова каби мамлакатлар билан муносабатларимиз ҳам ижобий тенденциялар асосида ривожланиб бораётгани ушбу йилда янада аниқроқ кўзга ташланди. Бу мамлакатлардан мамлакатимизга келаётган делегациялар сони сезиларли ошди. Хусусан, Украина Президенти Л. Кучманинг мамлакатимизга 19–20 декабрь кунларидаги ташрифи азалий дўстона муносабатларга янги бир туртки берди, 9–11 декабрда Молдова Бош Вазири В.Тарлевнинг ишчи ташрифи эса ўзаро фойдали муносабатлар учун кенг имкониятларни очди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида ўтаётган йилда ҳам турли давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон раҳбари муаммоларни ҳал этишда, давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлишлари керак, деган ғоясини амалда ишботлаб келди. Ўтаётган йилда бу соҳадаги ўзаро ҳамкорлик

ҳам ривожланиб борди. Уларда Ўзбекистон Республикаси ўзининг амалий таклифлари билан иштирок этгани, ҳамкорлик ташкилотлари орасида ҳам унинг нуфузи ошиб бораётганини кўрамиз. Хусусан, Санкт-Петербургда ўтган (6–7 июнь) Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги саммитини, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Прага саммитида (21–22 ноябрь) иштирок этганини ёки МДҲнинг Кишиневда ўтказилган саммити, Осиё ҳамкорлиги ташкилоти саммити ҳамда Халқаро Оролни қутқариш жамғармасига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Душанбедаги учрашувларини бунга далил сифатида келтириш мумкин.

Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлиги унинг ташқи сиёсати асосига қўйилган миллий манфаатлар устуворлигига таянган ҳолда амалга ошириб келинмоқда. Бундай ҳамкорлик давлатларни ёки халқаро, минтақавий ташкилотларнинг бир-бирларини англашларига ёрдам бермоқда. Бу мамлакатлар олдида турган умумий муаммоларни ечишнинг энг тўғри йўлидир. Айрим муаммоларнинг муайян давлатлар ва минтақалар доирасидан ташқарига чиқиб кетаётгани уларни ҳал этишда халқаро ҳамжамиятнинг кўмагисиз бирон-бир муваффақиятга эришиш қийинлигини кўрсатади. Бугун халқаро жамоатчиликни ўйлантираётган нарқобизнес, халқаро терроризм, диний ва сиёсий экстремизмга қарши курашишда, Марказий Осиё мамлакатларининг НАТО билан ҳамкорлигини ривожлантиришда НАТОга аъзо мамлакатларнинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро алоқаларини янада фаоллаштириш, хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор берилаётгани аҳамиятлидир. Бу ҳамкорлик ташкилотлари олдида турган муаммоларнинг умумий жиҳатларини кўрсатади. Бундай ҳамкорлик натижасида кўрилган амалий тадбирлар ўзининг самарасини бераётганини ҳам кўрамиз. Масалан, Ўзбекистоннинг ташаббуси ва Марказий Осиё мамлакатлари қўшма саъй-ҳаракатлари билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан минтақамизда «ядро

қуролидан холи зона» ташкил этиш тўғрисида резолюциянинг қабул қилиниши ёки мазкур ташкилотнинг «оммавий қирғин қуроллари тарқатмаслик тўғрисида»ги қарори фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистоннинг жаҳон ва минтақавий ҳамкорлик ташкилотларида иштироки унинг миллий манфаатларига тўлиқ мос келади. Масалан, НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури ҳамда Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши доирасида муносабат ўрнатиш Ўзбекистоннинг ҳам манфаатларига мосдир. Бу замон талабларининг ўзгариши ва унинг талабларига муносиб жавоб бераётган мамлакатлар сафида бўлиш, янгича таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олиш ёки уларни барқарор этишда муҳим аҳамиятга эга. Бу халқаро террорчиликка қарши фақат ҳамжиҳатликда курашиш, хавфсизлик ва барқарорликни фақат ҳамкорликда сақлаб туриш мумкинлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Президентининг фикри ўз тасдиғини топиб бораётганини кўрсатади.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Шанхай саммитида қабул қилинган террорчилик, айирмачилик, экстремизмга қарши кураш ҳақидаги Конвенцияда бу ҳаракатларнинг зўравонлик деб баҳолангани ва бундай хатти-ҳаракатлар жиноят сифатида қонун билан жазоланиши белгилаб қўйилгани муҳим аҳамиятга эгадир. Маълумки, Конвенцияга биноан ташкилот аъзолари бир-бирларини таҳдидлардан огоҳлантириш, бундай хатти-ҳаракатларни олдиндан аниқлаш ва олдини олиш, уларга қарши курашда ёндашувларни мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар ўтказиши ва ахборот алмашиши зарурлиги белгилаб қўйилган. Бу нафақат мамлакатимизнинг, балки Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлган бошқа барча давлатлар манфаатига ҳам тўла мос келади. Айтиш пайтда, Президент Ислам Каримов мазкур ташкилотни сиёсийлаштиришга уринишлар бўлаётганидан таассуф билдирганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Ўзбекистон дўстлик, тинчлик, тараққиёт йўлида барча халқаро ташкилотлар, жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти билан ҳам ҳамкорликни давом эттириш сиёсатини олиб бормоқда.

Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашувида Президент Ислон Каримовнинг иштироки ёки Осиё ҳамкорлиги ташкилотли саммитида, Халқаро Оролни кутқариш жамғармасига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашувида Президент Ислон Каримов томонидан билдирилган амалий таклиф ва мулоҳазалар нафақат минтақадаги, балки МДҲ давлатлари, бутун дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотларнинг умумий муаммоларини биргаликда ечиш учун ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлишга ундайди. Ўзбекистоннинг бу ташаббуслари дунё ҳамжамияти томонидан умумий муаммоларни англашга ҳамда бу йўлда ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлишга хизмат қилмоқда, деб айта оламиз. Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик ҳам шу саъй-ҳаракатларнинг самарасидир, дейишга асосимиз бор.

Хуллас, тарих саҳнасида жой олаётган 2002 йил Ўзбекистон ташки сиеватида, халқаро ҳаётида ўзига хос бурилиш йили бўлди, дейиш мумкин. Буни юкорида келтирилган далиллар кўрсатиб турибди. Ўтаётган йил Ўзбекистон халқаро ҳаётда, айниқса, дунёнинг етакчи, ривожланган давлатлари томонидан стратегик шерик ва ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган давлат сифатида эътироф этилгани, бизга нисбатан ишончнинг янада мустаҳкамлангани ҳамда мамлакат обрўсининг ортиб боргани билан ҳам характерлидир.

Дунё ҳамжамияти, халқаро ҳамда минтақавий ташкилотларда Ўзбекистоннинг обрўси, нуфузи янада салмоқли бўлиб бораётгани ҳар бир юртдошимизда ғурур туйғусини уйғотиши табиий. Ўтаётган йил халқаро ҳаётда давлат раҳбарлари, мамлакатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар томонидан инсониятни ташвишга солиб келаётган хавф-хатарлардан халос бўлиш, тинч, осойишта ҳаётни таъминлаш борасида муҳим қадамлар қўйилган йил бўлиб қолади. Бунда Ўзбекистоннинг ҳам ўз ўрни ва ҳиссаси борлиги, унинг халқаро нуфузи тобора ортиб, дунё мамлакатлари ва обрўли ташкилотлари томонидан эътироф этилаётгани қувончлидир. Хулоса қилиб, ўтаётган 2002 йилни жаҳонда Ўзбекистон ташки сиеватининг эътирофи, эътибори ва эҳтироми йили, деб атасак бўлади.

«Давлатни бошқариш – оғир юк, машаққатли меҳнатдир. Кишилар ўзи билан ўзи овора, подшоҳ эса уларнинг барчаси билан овора. Инсон бир душмандан хавфсираса, подшоҳ минглаб душманлардан хавфсираб яшайди. Инсон ўз хўжалигини тартибга солиш, оиласини озуқа билан таъминлашни ҳам баъзида эплай олмайди, подшоҳ эса ўз давлатидаги бутун аҳолининг ташвишини қилишга мажбур. У ўз салтанатининг бирор жойига эндигина ямоқ кўйганида, унинг бошқа жойи йиртилиб қолади. Эндигина бир душманни бостирганида, бошқалари билан курашга тайёрланишга мажбур бўлади. Шуниси эътиборлики, унинг жони битта, овқатни ҳам бир фуқарочалик ейди. Лекин биргина кулча еса-да, минглаб кулчалар ҳақида ҳисобот беради, бир товоқдан ейди, минглаб товоқлар учун жавоб беради, бир турмушдан лаззатланади, минглаб ҳаётлар ҳақида қайғуради. Шундай қилиб, ҳукмдор фуқароларнинг барча юқларини ўз елкасида кўтаради, ўзининг меҳнати ҳисобига уларга дам беради, уларнинг душманларига қарши курашади, уларнинг камчиликларини яширади». Ат-Тартуший ҳукмдорларнинг кўпчилик ҳақидаги ғамхўрлиги тўғрисида ана шундай фикр юритади.

Х асрда айтилган бу фикрлар орадан ўн бир аср ўтиб, жуда эскириб қолди, деб айта оламизми? Юқоридаги фикрлар бугунги воқеликка мос келмайди, дейишимиз мумкинми? Тўғри, бугунги кунда давлатларни подшоҳлар эмас, асосан Президентлар, бош вазирлар бошқаради. Тўғри, бугунги кунда дунё харитасининг салмоқли қисмини салтанатлар эмас, республикалар ташкил этади. Тўғри, бугунги кунда бир кишининг иродасига бўйсунадиган мутлақ монархиялардан кўра халқнинг иродасига таянадиган демократик давлатлар улуши катта. Аммо бу ҳолат давлат бошлиғининг елкасидаги масъулиятни камайтирдими? Инсонлар ҳали-ҳануз ўзи билан ўзи овора эмасми? Кишилар ҳали ҳам уй-рўзғор ташвишлари билан банд эмасми? Ҳозир ҳам барчамиз ўз турмушимиз, ўз бола-чақамиз, ўз рўзгоримиз ғамини емаймизми? Баъзида фарзандларимизнинг тарбиясини эплай олмай ёки рўзгорни

бутлай олмаганимизда дунё кўзимизга қоронғу кўриниб кетиб, ҳаётимиздан нолиб ҳам қўймаймизми? Лекин, негадир, ўз оиласидан ташқари бутун юрт ғамини еб яшаётган, ўз фарзандларидан ташқари ўзбегим фарзандларининг комил инсон бўлиб етишиши ҳақида қайғураётган, барча каби манфаат дардида эмас, миллат дардида ёнаётган, хуллас, барчамизнинг ташвишимизни қилаётган инсоннинг бундай беҳаловат ҳаётини одатий деб биламиз. Уйқу олдидан кўчада Президент кортежи ўтаётганида ҳавас қилиб қараймиз-у, бу одам шу пайтгача ишлаб, аслида сизу бизнинг тинч ва фаровон ҳаётимиз ғамини қилиб, ўз ҳаловатидан кечаётгани ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Унинг бундай куюнчак фаолиятига ва ташвишмандлигига кўникиб ҳам қолганмиз. Баъзида яқин қон-қариндошларимизнинг ташвишлари ҳам бизга ортикчалик қилганида бу кишининг миллионлаб ўзбекистонликлар ҳақида қайғуриб яшаётганига таҳсинлар айтишни унутиб қўямиз.

Ваҳоланки, Москвадан ўтириб Ўзбекистонни «бошқара олган», пахта даласида қадди букилган ўзбекнинг ғурурини ҳам синдириш мақсадида амалга оширилган «ўзбеклар иши»ни бамайлихотир кузатган, мамлакатдаги қонли тўқнашувларнинг сабабини қулупнай билан тушунтирган раҳбарларни ҳам кўрганмиз. Ҳокимият васвасаси туфайли намоёнлар уюштириб, уларда ҳаттоки маййитдан ҳам «транспарант» сифатида фойдаланишдан тап тортмаган сохта демократларни ҳам кўрганмиз. Бир кишининг руҳини азоблаш нима, 16 февралда ҳокимиятпарастликнинг қонли қўллари нимага қодир эканининг жонли гувоҳи ҳам бўлдик. Демак, яқин ўтмишимиз «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил», деган ҳикмат асосида хулоса чиқаришга ундайди.

Шарқда давлатга ўзгача муносабатни кузатиш мумкин. Шарқда инсон давлатни катта бир оила деб билади. Шу боис, Шарқ кишиси давлат бошлиғини ўз отасидек ҳурмат қилади, уни эъзозлайди-ю, лекин бу ҳурмат эвазига ўзи сезмаган ҳолда унинг зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Натижада, давлат бошлиғидан ҳам фуқаролари ҳақида ўз фарзандларидек қайғуриш, уларга ўз боласидек ғамхўрлик кўрсатиш

талаб этилади. Демак, давлатни бундай шарқона тушунишимиз туфайли биз давлат раҳбарининг елкасидаги юкни юз, минг чандон ошириб юборамиз. Лекин давлат бошлиғи ҳам аслида сизу бизга ўхшаш оддий инсон эканини, юқорида айтганимиз – бир кишичалик тановул қилса-да, минглаб «қора қозон»ларнинг қайнаши ҳақида қайғураётганини унутиб қўямиз. У Оллоҳ бир мартагина берган умрини миллионлаб одамларнинг турмушини яхшилашга сарфлайди.

Барчамиз шу нарсани яхши биламизки, мусулмончиликда инсондан умри давомида уч нарсани қилиш талаб этилади. Мусулмон ҳеч бўлмаганда битта кўчат экиши, оиласи учун уй-жой қилиши ва ниҳоят, фарзандларига яхши тарбия бериши лозим. Ҳар биримиз шу нарсаларга интилиб яшаймиз, умримизни шунга бахшида этамиз. Бу мақсадлар ҳаётимиз мазмунига айланади. Лекин, очик тан олиш керак, ҳаммамиз ҳам бунинг улдасидан чиқавермаймиз ва турли баҳоналарни рўқач қилиб, ўзимизни оқлаймиз. Ана энди масалага кенгрок қаранг – бир кишичалик куч-ғайратга эга давлат раҳбари қанча жойни обод қилди, қанчадан-қанча бинолар бунёд этди, қанчадан-қанча ёшларнинг тарбиясига бош-қош бўлди!?

Даромад олишни кўзлаб боғ барпо этмокчи бўлганларнинг юрт ободончилигини кўзлаб солиқлардан озод қилингани бежиз эмас-ку. Агар деҳқон дарахт экаётганида, ундан фойда олишни кўзлаган бўлса, уни дарахт экишга рағбатлантирган Юртбошимиз нимани ўйлади экан? Вилоятларга сафар чоғида кўкаламзор кўчаларни кўриб самимий қувонганида, уларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатишга Юртбошимизни нима ундади экан? Одамларни терак экишга чақириб, буни «эрганиндин уйга тўсин бўлади», деб тушунтирганида Юртбошимиз кимнинг уйини назарда тутди экан? Юртбошимиз эктирган дарахтлар бугун мева берди, у эктирган тераклар хонадонларга тўсин бўлди, унинг ташаббуси билан маҳаллалар, кўчалар кўкка бурканди.

Албатта, юртнинг ободлигига фақат кўчат-у гулзорлар билан баҳо берилмайди. Мамлакатда қад кўтарган бинолар ҳам шу давлатнинг раўнақи ҳақида гувоҳлик беради, унинг салоҳиятини кўрсатади. «Агар қудратимизга шак-шубҳангиз

бўлса, биз курдирган биноларни кўринг!» Юртимиздаги бунёдкорлик ишлари Темур бобомизнинг Оксарой пештоқиға ёздирган шу ҳикматларини эслатади. Мамлакатимиз нафақат тарихий обидалари билан, балки замонавий бинолари билан ҳам барчани лол қолдирмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги Ўзбекистонимизни улкан қурилиш майдонига ўхшатиш мумкин. Агар истиклолнинг дастлабки кунларида ҳар бир оилаға иморат солиш учун алоҳида томорқа ер ажратилган бўлса, эндиликда бунёдкорлик ишлари давлат миқёсида амалға оширилмоқда.

Аммо гап шундаки, ҳар бир фуқаро ўз оиласи учун бошпана курса, фақат бир инсон барча кишиларни бошпанали қилиш ҳақида қайғурмоқда. Ҳар бир фуқаро иморат қураётганида ўзига қулайлик туғдиришни ўйласа, фақат бир инсон бинолар қурдираётганида бутун мамлакат раванқининг ташвишини тортмоқда.

Баъзан суҳбат асносида эшитиб қоласан: «шартми ҳозир ҳашаматли саройлар қуриш, бу – ортиқча зебу зийнатға берилиш эмасми, шунға кетган маблағ одамларнинг ҳожатини чиқаришға сарфланса бўлмайдими?» Албатта, бу бир ёқлама фикрлаш, қалта ўйлаш оқибатидир. Келинг, ўйлаб кўрайлик: Ўзбекистонда қандай бинолар қад кўтаряпти? Бу бинолар шунчаки кўзни қувонтириш ва ҳашамат учун қуриляптими ёки зарурат туфайлими?

Аввало, бу биноларнинг аксари маънавият ўчоқлари эканини унутмайлик. Темурийлар музейи, Имом Бухорий мақбараси, Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали – буларнинг барчаси халқимизнинг ифтихори, миллий ғуруримизни тиклаш учун яратилмадими? Наҳотки халқимизнинг топталган ғурурини қайта тиклаш бизға қиммат бўлиб кўринса? Боз устиға, бизда қадимдан кўримсиз бинолар қуриш урф бўлмаган, биз ҳали-ҳануз аждодларимизнинг маҳобатли бинолари билан ғурурланамиз. Шундай экан, нега энди бугун барпо этаётган биноларимизнинг салобати улардан кам бўлиши керак?

Иккинчидан, қуриляётган иншоотлар ичида меҳмонхона, банк ва биржалар талайгина. Бир қараганда, бундай бинолар биз учун ниҳоятда дабдабали ва ортиқчадек туюлади. Аслида-

чи? Буларсиз Ўзбекистонни жаҳонга танитиш мумкинми, дунё билан бўйлашиш мумкинми? Ўйлаб кўринг: замонавий банк хизмати, шинам меҳмонхоналар, кулай савдо биржаларисиз хориждаги сармоядорларни ҳам, сайёҳларни ҳам юртимизга жалб қилиб бўладими? Буларнинг барчаси шу юртнинг равнақи учун хизмат қилмайдими?

Учинчидан, давлатимиз раҳбари айрим кўшниларимиз каби ўзига олтидан ҳайкаллар қурдираётгани йўқ.

Эътибор беринг, қурилаётган барча иншоотлар, аввало, инсонга хизмат қилиш учун мўлжалланган. Янги консерватория, театрлар ва бошқа маданият ўчоқлари сизу бизнинг маънавиятимизни юксалтиришга хизмат қилмаяптими? Янги спорт мажмуалари ва стадионлар фарзандларимизнинг жисмонан соғлом ўсишига хизмат қилмаяптими? Кўзимизга жуда ҳашаматли бўлиб кўринган коллеж ва лицейлар оқил, етук ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмаяптими?

Халқимиз азал-азалдан илму фан тараққиёти, таълим ва маърифат ривожига эътибор қилган юрт раҳбарларини улуғлаб келган. Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек даврида қанчадан-қанча етук олимлар, адиблар етишиб чикди, жаҳонга татиғулик илмий асарлар яратилди. Бунинг сабаби улар мактаб-мадрасалар қуришга алоҳида эътибор бердилар. Мирзо Улуғбек Самарқандда расадхона қуриб, атоқли олимларни йиғиб, фалакиёт илмини ўрганишдан ташқари, бир қанча мадрасалар ҳам қурдиргани маълум. Айтишларича, у Самарқандда мадрасани олия қуриш ҳақида фармон берганида, айрим вазирлар: «Бундай мадрасани қуриш учун жуда катта маблағ керак, подшоҳлик хазинасининг ўндан бир улуши сарфланади бунга», деб таҳликага тушганлар. Шунда Улуғбек уларга қараб: «Агар бунга подшоҳлик хазинасининг ярми сарфланса ҳам, мадрасани қуриш ниятидан қайтмайман. Зеро, илм-маърифат ҳар қандай хазинадан баланд туради», дейди. Бу гапни бир вақтлар ўз обсерваторияси орқали жаҳонга танилган Улуғбек айтган эди. Ана энди ўйлаб кўринг: юртимизда коллеж, лицейлар қуриш мақсади ортида қанчадан-қанча ёш Улуғбек, Форобий, Навоийлар авлодини тарбиялаш ва улар орқали миллатимизни жаҳонга танитиш каби эзгу ният тур-

маяптими? Тўғри, иқтисодий қийинчиликлар мавжуд паллада давлат бюджетининг салмоқли қисмини таълим тизимига сарфлаш бироз оғирлик қилади. Лекин айнан илм даргоҳларида келажакнинг баркамол, ақли расо авлоди вояга етишини кўра билган Юртбошимиз худди Улуғбек сингари бундай масканлар куришдан маблағни аямаётир. Нахотки, фарзандларимизнинг ақлий салоҳиятини, заковатини тоблайдиган таълим-тарбия масканлари куришдан пулни қизғониш мумкин бўлса?

Тан олиш керак, маърифатга сарфланган сармоя бир-икки йилда ўзини оқламайди. Шу боис, Юртбошимизнинг таълим-тарбияга бунчалик эътибор бериши бир ривоятни ёдга солади. Айтишларича, кекса бир киши ёнғоқ экаётганида ундан сўрабдилар: «Эй, отахон, ҳали бу кўчатингиз қачон дарахт бўлиб мевага киради-ю, қачон сиз унинг ёнғоғини еб кўрасиз?». Шунда қария жавоб берибди: «Гапингиз тўғри, бу дарахт ўн-ўн беш йилсиз мевага кирмайди. Унинг мевасини мен тотиб кўраманми-йўқми, бу фақат Яратганга аён. Мен бу кўчатни ўзим учун эмас, фарзандларим, набираларим учун экяпман». Ёнғоқ-ку 10–15 йилда мевага кириб, набиралар бобоси қилган меҳнатнинг роҳатини кўришар. Қария ҳам ўз фарзандларини ўйлаб бу ишга қўл уряпти. Юртбошимиз кимни ўйлаб маърифатни юксалтириш ҳақида қайғурияпти? Келажак авлоднинг саодатини ўйлаб қилинаётган ишлар эмасми бу? Бу саволга жавоб берар эканмиз, Президент фарзандим деб билганларнинг сон-саноғига ета олармиканмиз?

Очиғини тан олайлик. Баъзида ўзимизнинг пушти камаримиздан бўлган 4–5 фарзандимизнинг тарбиясини ҳам эплай олмаймиз. Ўзига тўқ оилаларда бу «тўқликка – шўхлик» деб изоҳланса, ночорроқ оилаларда бунинг сабабини йўқчиликка йўямиз. Нима бўлганида ҳам ўзимизни оқлашга ва турли баҳоналар ахтаришга тушамиз. Лекин, негадир, Ўзбекистоннинг миллионлаб ўғил-қизларининг тарбияси ҳақида қайғуриш Юртбошимизга қанчалик қийинлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Ўзи иқтисодчи бўлса-да, эрта-индин даромад келтириши мумкин бўлган соҳалар қолиб, самарасини узок йиллар кутиш талаб этиладиган таълим тизимидан сармояларни нима учун аямаётгани ҳақида жиддий мулоҳаза

килмаймиз. Агар шундай қилсак, Юртбошимиз муаммога иктисодчи ёки сиёсатчи сифатида эмас, балки давлат арбоби сифатида ёндашаётганини теран англаган бўлардик.

Одатда, аксариятимиз бугунги кун билан яшаймиз. Кўпроқ кундалик ташвишларимиз билан банд бўламиз. Шунинг учун бугунимиз тўқ ва фаровон бўлса, шу билан қаноат қиламиз ва бошқа нарсанинг ташвишини чекмаймиз. Юртбошимиз эса даврларни моҳирона боғлай олиши билан ажралиб туради, ҳаракатларини келажакка йўналтириб фаолият юритади. Бу – унинг ҳақиқий давлат арбоби сифатидаги хислатидир. Бундай фазилатларга эга бўлиш осон эмас. Даврнинг мураккаблигини англаб, унга қарши боришни ҳамма вақт ҳамма ҳам уддалай олмаган. Даврга шунчаки мослашиб, ўзининг роҳат-фароғатини ўйлаб яшаш мумкин бўлган пайтда ўзининг ҳаловатидан воз кечиб, элу юрт манфаатини барча нарсдан устун қўйиш ҳамманинг қўлидан ҳам келавермайди. Бугунги кунда амалга оширилаётган ишларга биз баҳо беришга ожизмиз, бунда вақт – одил ҳакам.

Кишиларнинг табиати қизиқ. Америкалик киши тадбиркорликни, одатда, бино излашдан бошлар экан. Немис кишиси эса иш бошлашдан аввал ишлаб чиқаришнинг илғор технологиялари билан танишар экан. Японлар ўз бизнесини корхонасининг бўлғуси ходимларини ўқитишдан бошларкан. Ҳақиқатан ҳам, инсон салоҳиятини оширишга йўналтирилган маблағлар энг самарали сармоя саналади. Аслида Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ижроси ҳам инсонга сарфланаётган инвестиция эмасми? Таълим тизимини бундай ривожлантириш орқали биз буюк келажакимизнинг мустаҳкам пойдеворини яратмаяпмизми? Бу борадаги ислохотлар «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган мантикка бўйсундирилмаганми?

Балки бундай шиорлар Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатларини баъзан тўла тушуниб етмаётганимиз туфайли қалбларидан хитоб бўлиб чиқаётгандир. **«Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак!»**. Юқорида тилга олинган барча ўзгаришлар, ислохотлар, тадбирлар бу шиор аллақачонлар

Президентимизнинг ҳаётий тамойилига айланганини кўрсатади. Юрагидан отилиб чиққан бу шиорни биноларнинг пештоқига ёзиб қўйиш ҳақида қуюнчақлик билан гапирганида Юртбошимиз ўзини ўйладимикан ёки бизними? Бир кўчат экиш, бир иморат солиш ва ўз фарзандларини тарбия қилишнинг савоби кўпми ёки мамлакатни боғ-роғга айлантириш, беҳисоб иморату йўллар курдириш ва юрт фарзандларини ўз фарзанди деб билиб, уларнинг таълим-тарбияси бошида туришнинг савобими?

Х асрдаёқ бобокалонимиз Абу Наср Форобий раҳбарнинг фазилатларини санаб ўтар экан, ислохотчилик, келажакни ўйлаб амалга оширилган тадбиркорликни энг улуғ фазилат деб қайд этган эди: «Баъзан раҳбарлар бир шаҳарнинг (жамиятнинг) соҳибкори, шаҳар халқи ҳаётига тегишли ишларда тадбиркор бўладилар. Улар бу йўл-йўриқларни ўтмишда кечган бошлиқлардан ўрганадилар. Лекин, шу билан бирга, раҳбар келажак учун ўтмишдаги расм-русум, йўл-йўриқларни ислоҳ қилиши лозим ва фойдали деб топса, турмуш шароити тақозосига қараб уларни ўзгартиради. Шунингдек, ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда ўтмишнинг талабларига риоя этиб, унинг қайфияти сақланса, турмушда ҳеч қандай энгилик, ўзгариш ва ўсиш ҳам бўлмайди».

Бу ҳикматларнинг бугун қанчалик долзарблигини таъкидлаш, албатта, ортиқча. Аммо бу ўғитларнинг Ўзбекистонда қадам-бақадам амалга оширилаётганини айтиб ўтиш, бунинг ҳар бир соҳада турмушимиз, онгимиз, тафаккуримизда рўй бераётганини сезиш, шуларнинг бошида улуғ бир инсон турганини ҳис этиш, буни камоли хурсандлик ва қониқиш билан қайд этиб, шукр қилиш лозим. Лекин шу билан бирга, бу инсон ҳам сизу бизга ўхшаш одам эканини унутмайлик, бизни ўйлаб қилинаётган машаққатли ва масъулиятли ишларида унга елкадош бўлайлик. Бунинг учун катта-катта минбарлар ва ойнаи жаҳондан туриб, Юртбошимизнинг айтганларини шунчаки қайтариб, сохта обрў кетидан қувмайлик. Бунинг учун уларнинг айтганларини, орзу-умидларини рўёбга чиқаришга қаттиқ бел боғлайлик.

**МАФКУРА
ПОЛИГОНЛАРИДАГИ ОЛИШУВ**

* Мазкур фасл сиёсатшунослик фанлари номзоди Н. Умарова ва филология фанлари номзоди Р. Қўчқоров билан ҳамкорликда ёзилган.

23 – *Алишер Азизхўжаев*

ҒОЯГА ҚАРШИ ҒОЯ: КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Ушбу ўта долзарб муаммо бўйича Ғарб мамлакатларида фаолият кўрсатаётган айрим мутахассисларга бир нуқтаи назар хос. У ҳам бўлса, сайёрамиз бўйлаб тобора авжга чиқаётган диний мутаассиблик сабабларини эски андозалардан келиб чиқиб талқин этишга интилишдир. Бу йўл билан эса бирор бир амалий натижага эришиш амримаҳол. Ўзбекистон Президенти мамлакат Парламенти сессияларидан бирида бундай «**нохуш, ачинарли ҳолатни атрофлича ўрганиб, хулоса ва керакли сабоқлар чиқаришимиз талаб этилади**»¹ – дея бекорга таъкидламаган. Зотан, бугун олимлар ҳамда амалиётчилардан батамом янги таҳдидга янги жавоб излаш талаб қилиняпти. Барча даражадаги мутаассиблар интилишлари инсоният мақсад-манфаатларига зид эканлигини, хавф ниҳоятда кўламли эканини аниқ фактлар асосида фош этиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Минтакамизга ошқора таҳдид солаётган бу хавф-хатарларнинг эҳтимолий оқибатларини олдиндан кўра олиш ва жамиятни огоҳликка даъват этиш мутахассисларимизнинг фуқаролик бурчидир.

Бугун бутун дунёдаги миллиардлаб одамларда мутаассиблик ҳодисасининг мазмунини тушунишга эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан Президентимизнинг «**фан ва сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги ва бу борада вакуум – бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик**»², «ислохотлар

¹ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: «Ўзбекистон». 1998, 29–30-бетлар.

² Ўша жойда, 25–28-бетлар.

мохиятини теранрок идрок этиш»¹, «муайян ижтимоий воқеа ва ходисаларни келтириб чиқарадиган омиллар ҳақида ҳолисона, ҳақиқий ҳулосалар бериш»² га қаратилган кўрсатмалари илмий жамоатчилик учун дастуриламал вази-фасини ўтайди.

Замонавий тараққиёт жараёнида инсон ҳаёти ва хавф-сизлигига нисбатан ғайриинсоний гуруҳлар айби билан тамоман янги таҳдидлар пайдо бўлмоқдаки, уларнинг ечи-ми тобора мушкуллашиб боряпти. Улар тараққиёт билан ҳаёт-мамот курашида кўз кўриб, кулоқ эшитмаган ёвуз ус-лублардан фойдаланмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, «минг йиллар олдин мавжуд бўлган шароит ва вазият билан яшаётган, ёввойиларча қон тўкишга бел боғлаган кучларни»³ фақат куч билан баргараф қилишга бўлган ҳаракатлар дунё тақдирини янада чигаллаштириши ва бирор бир ижобий ечимга олиб келмаслиги ҳам тобора равшанлашмоқда.

Чунки бутун дунёда ижтимоий муносабатлар, одамлар-нинг яшаш ва тафаккур тарзи кескин ўзгариб кетди. Аме-рикалик олим Иммануэл Валлерстайн ва немис файласуфи Ҳанс Георг Ҳадамернинг «Биз тамомила бошқа дунёга кириб келдик, кейинги эллик йил инсоният учун «совук уруш» дав-рига нисбатан ҳам мушкул бўлиши кутилмоқда»⁴, «барчага баробар таҳдидларга биргалашиб барҳам бериш иштиёки камайиб бормоқда»⁵ – деган ташвишли фикрлари бугунги кун хусусиятини анчагина ойдинлаштиради.

Шундай экан, диний мутаассиблик ҳамда ғарбона турмуш тарзини демократия пардози ила экспорт қилишга бўлган

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: «Ўзбекистон». 1997. 20-бет.

² Каримов И. А. Хушёрликка даъват. – Т.: «Ўзбекистон». 1999. 27-бет.
Каримов И. А. Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимиз ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. // Халқ сўзи, 2004 йил, 30 апрель.

⁴ Валлерстайн И. Социальная наука и коммунистическое интерлюдие. К объяснению современной истории. // Полис, 1998, № 2, с. 14–29.

⁵ Гадамер Х. Г. Я – человек диалога. // Вестник МГУ. Сер. 7. Фило-софия. № 5, 1998, с. 23.

уринишларга қарши кураш долзарб сиёсий, маънавий-маърифий, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамот масаласи эканини англаб етиш бугунги куннинг стратегик вазифасига айланмоқда.

Ҳар қандай таҳдидга нисбатан жамоатчиликнинг ҳозиржавоб сафарбарлиги жиддий омиллардан ҳисобланади. Бу ўринда муаммога илмий ёндашувдан келадиган самаранинг ўрни ўзгача экани маълум. Зеро, турли фан вакилларининг бошини қовуштирган комплекс ёндашувгина диний экстремизм ҳамда «вестернизация», яъни «гарблаштириш» сиёсати мураккаб ва энг ёмони – салбий сафарбарликка йўналтириш қобилятига эга ўта зарарли ҳодисалар эканини асослашга имкон беради.

Чунки таъсир объектининг ўзи – инсон комплекс характерга эга, яъни бир вақтнинг ўзида у тарбия, маънавият, менталитет ва психология масаласи демақдир. Масалан, нуфузли исломшуносларнинг таъкидлашича, «*органлар қанчалик уринишмасин, мустамлакачилик даврида одамлар ва мамлакатлар мусулмонлигича қолишда давом этаверишди*»¹.

Шу ўринда масаланинг бир муҳим жиҳатига эътибор қаратмоқчимиз. Гап «ислом» ва «мусулмончилик» тушунчалари ўртасидаги муайян фарқ ҳақида бормоқда.

Гувоҳи бўлаётганимиздек, дунё ҳамжамияти бугун ҳақиқий ислом таълимотидан деярли хабарсиз бўлгани ҳолда, у сайёрамизнинг аксарият минтақаларида ҳаракат қилаётган, ўзларини мусулмон деб эълон қилаётган террорчилар билан тўқнаш келмоқда.

Қолбуки, ислом ўзини бениҳоя кўп киррали, бағрикенг, яъни барча замонларда тинчлик ва барқарорликни юксак қадрият деб билган жаҳон динларидан бири эканини аллақачон исботлаган. Шундай экан, бирон бир мутахассис ёки гуруҳнинг бу диннинг илк кенгайиш (футувват) давридан келиб чиқиб, унинг бугунги ҳолатини белгилашга уриниши, айниқса, бу буюк эътиқодни сиёсий мақсадлар хизматчисига айлантириши мутлақо хатодир. Афсуски, бу каби бир

¹ *Татуң С. А.* Уроки М. Ковалевского и Российский Кавказ. Вестник МГУ, серия 8, Социология и политология, 2 // 2001, с. 48.

ёқламалик, яъни минг йил олдинги ақидалардан келиб чиқиш амалиёти ҳанузгача бор¹. Бундай шароитда муаммонинг ечимини бири-бирига узвий боғлиқ, аммо икки хил мақомга эга бўлган «мусулмончилик» ва «ислом» тушунчаларига аниқлик киритишдан излаш керакка ўхшайди.

Ислом таълимотини кимнингдир ўзини «мусулмонман» дейиши ёки қандайдир хатти-ҳаракатларга мойиллигидан келиб чиқиб баҳолаб бўлмайди. Дарҳақиқат, Ислом – таълимот бўлса, мусулмончилик – бу ғоя эгаларининг аъмолидир. Бири – моҳият бўлса, иккинчиси – кундалик турмуш тарзи. Шу билан бирга, бу масала индивиднинг минтақа, мамлакат, муайян ижтимоий жараёнларда шаклланган шахсий манфаатлари, салоҳияти ва керак бўлса, руҳий ҳолатига кўра тушуниш даражасига боғлиқ. Масалага умумфалсафий кўламда ёндашилса, ижтимоий-маънавий воқелик (ислом) ҳамда унинг муайян инсон миясидаги субъектив инъикоси (мусулмончилик) ўртасидаги мувозанатда доимий зиддият мавжуд². Демак, бу бениҳоя нозик масалада урғуни жойига адашмай кўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда собик иттифок парчаланганидан сўнг, насронийлар аҳли орасида «жанубдан хавф солаётган аллақандай улкан ислом таҳдиди» ва у билан боғлиқ «зўравонлик» ёки «вахшийлик» тўғрисидаги фикрлар кучайгани, исломни «ислом дини таҳдиди» тарзида талқин этилганига ҳам эътибор қаратиш фойдадан холи эмас. Бунинг оқибатида мусулмон маданиятига мансуб миллионлаб аҳоли ўртасида ўзларига ҳам ёт мутаассибликка «шарққа хос ҳодиса», дея геосиёсий тус берилишидан норозилик туғилибгина қолмасдан, балки бу улкан таҳдидга қарши умуминсоний даражада бирлашишга ҳам путур етказилгани бор гап.

Ғайриилмийлик ва сиёсий нуқтаи назардан нотўғри талқинлар «радикал исломийлар» ёки «радикал исломчи-

¹ Қ а р а н г: Василенко И. Политическая глобалистика. – М.: 2000, с. 82–83.

² Қ а р а н г: Суркова Л. В. От теории познания – к философии познания. Вестник МГУ, серия 7, философия, 2001, № 2, с.41.

лар» сингари қалтис тушунчаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Натижада бундай зарарли сиёсат ва мафкурага қарши ҳамфикрликка эришишнинг ўзи халқаро ҳамжамият олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айланди. Аини пайтда фан ва сиёсат даражасида жиддий тортишувларга сабабчи бўлаётган бундай ноҳолис атамалар фойдадан кўра кўпроқ зарар келтираётганини айтиш жоиз.

Тўғри, дунёда исломдан никоб сифатида фойдаланишга интилаётган радикал унсурлар кўпайиб боряпти. Ачинарли жойи шундаки, ушбу тенденция, биринчи навбатда, бағрикенгликни бош йўналиш сифатида эътироф этган ислом дини ҳақидаги қарашларга жиддий зарар етказяпти. Ислом дини никоби остидаги ақидапарастлар турли мамлакатларнинг маърифий-сиёсий бошқарув жараёнига тазйик ўтказишда айрим натижаларга эришди ҳам. Радикал гуруҳлар ўзларининг исломга зид чиқишларини маккорлик билан никоблагани туфайли ер юзининг ҳали у, ҳали бу минтақасида қанчадан-қанча адашганлар армияси вужудга келмоқда.

Маълумки, муайян ижтимоий тенденциянинг кутилмаганда, тўсатдан қайтарилиши тарихда кўп содир бўлган. Натижада, тарихнинг айрим даврларида ўхшаш ҳолатлар замонга мутлақо мос бўлмаган моҳият ва шаклда қайта вужудга келади. Бунинг асосий сабаби – бу ҳаракатлар **замирида яширинган имкониятлардан ўз сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга ҳар доим тайёр турувчи гуруҳларнинг мавжуд бўлиши деб ўйлаймиз.** Экстремизм ва терроризмнинг социал, сиёсий ва маънавий йўналиши ҳақида жаҳон ҳамжамияти ва нуфузли илмий доиралар нисбатан тўғри хулосага келган бир пайтда, аллақандай «Миллий ва халқаро хавфсизлик жамгармаси» деган муассасанинг вакили Хлобустовнинг «объектив мавжуд ва орқасида бир миллиардга яқин мусулмон аҳли турувчи исломий терроризм» ҳақида сўз юритишини нафақат илмий жиҳатдан асоссиз, балки динлараро муҳорабага даъватдек тушунишга ҳам асос бор. (Қаранг: // Социс, 5/2001, 7 б.)

Шу маънода, экстремистик хуружларнинг негизи ҳам том мақсадига кўра, исломга қарши бўлган, сиёсий

мутаассибликка ружу қўйган яширин социал-сиёсий қатламларнинг фаолиятига бориб тақалади.

Аслини олганда, бу ёвуз кучларнинг идеологияси, моҳият-эътибори билан, собиқ шўролар мафкурасининг диний шаклдаги кўринишидан бошқа нарса эмас. Эътибор беринг: хар иккисининг туб мақсади – бошқарувда тоталитаризмни ўрнатиш, халқларни миллий қиёфадан маҳрум этиш, барчани ягона мафкуравий қарашлар доирасида ушлаш. Агар компартия динга қарши курашган бўлса, булар дунёвийлик ва дин ўртасида зиддият келтириб чиқармоқчилар. Шўровийлар бутун дунёга коммунистик режимни тикиштирган бўлсалар, «хизб»чилар инсониятни халифалик режимида бошқаришни ўйламоқдалар.

Уларнинг бу йўлдаги дастлабки тажрибалари, масалан, Афғонистонда қандай «мева»лар берганини бир эсга олайлик. Чаламулла толиблар бу жафокаш халқ бошига озмунча кўргулик олиб келдими? Мамлакат ва миллат тақдири улар қўлига ўтган қискагина давр ичида бу юртда чакана хунрезликлар юз бердими? Ўзларига мусулмон бир инсоннинг ҳаёт-мамотини ҳал этиш ҳуқуқини олиб, уни ҳамманинг кўз олдида бўғизлаган кимсаларнинг шўро катагонлари пайтидаги «тройка»лардан нима фарқи бор? Минг йиллик тарихнинг ноёб обидалари бўлмиш Будда ҳайкалини замбаракдан ўққа тутишга буюрган ваҳшийларнинг Бухоро мадрасалари меҳробини отнинг охурига айлантирган шаккоқлардан нимаси афзалроқ? Қолаверса, илк кўз очган жойларидаёқ «оқ қилинган» – қонундан ташқари деб эълон этилган, ўзи туғилган юртга сигмаган дарбадарлар бизга – чинакам ислом динини қувватлантирган ўлка кишиларига нимадан сабоқ бермоқчилар?

Демокчимизки, манфаатлари нуқтаи назаридан икки унсурни, яъни ҳақиқий мусулмонни ва ислом динидан ўз мақсадида фойдаланувчиларни бир-биридан аниқ ажратиб олишимиз ниҳоятда муҳим.

Кейинги масала. Айрим мутахассисларнинг фикрига кўра, диний экстремизмнинг бугунги хуружи, қайсидир жиҳати билан, умумсайёравий демократия жараёнига хос

бўлган объектив ва субъектив камчиликлар билан ҳам боғлиқ. Чунки демократиянинг «ғарбча модели»нинг ўзида ҳам муайян кучларнинг тазйиқи остида пайдо бўлган, **маърифий демократиялашиш** жараёнига зид хавфли йўналишлар бор. Чунончи, баъзи сиёсий-мафкуравий унсурлар Европа тафаккурига хос мағрурликка берилиб, бошқа халқлар уларга куллуқ қилиб яшаши кераклигини «исботлаш»га қаратилган ўнлаб таълимотларни ҳам яратишди¹. Ғарчанд бунда асл демократиянинг айби бўлмаса-да, мутаассиблар масаланинг айнан шу томонига урғу беришга уринмоқда.

Демак, токи одамзодда «ўйламай қадам ташлаш»га мойиллик йўқолмас экан, бу иллат гоёвий душманларимиз тегирмонига сув қуяверади. Чунки улар ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай эзгу ғояни ҳам бадном этиш имкониятини кидиришади. Айниқса, мусулмон маданияти минтақаларида одамларнинг фикр-ўйларига «ичкаридан» туриб таъсир қилиш ва уларни кескин ўзгартиришга интилиш амалиёти улкан ижтимоий, маънавий кадриятлардан ҳисобланган демократия ва дин ўртасида сунъий жарликни пайдо қилиб, кенгайтирмоқда.

Чунончи, Ғарбда шакллантирилган, умумсайёравий демократия шароитида устувор бўлган, лекин бугун анча хира тортаётган «тараққиёт назарияси»ни олайлик. Уни зўр бериб «илоҳийлаштириш» амалиёти айрим сабабларга кўра тараққиётдан четда қолган халқлар, миллатлар руҳиятига салбий таъсир қилиши билан бирга, Ғарб мамлакатларининг обрўсига ҳам жиддий путур етказаётгани барчага маълум. Ачинарли жойи шундаки, ўтган замонларда юз берган камчиликлардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланувчи ғирромлар сони кундан-кунга кўпайиб боряпти. Бу эса, айниқса, мусулмон маданиятига мансуб, нисбатан кам тараққий этган давлатлардаги маънавий-мафкуравий ва руҳий иқлимга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳеч кимга сир эмас – қандайдир «ислом

¹ Қ а р а н г: Международная жизнь, № 1, 2001, с. 57. Жумладан, юқорида зикр этилган даъволар Россия Фанлар Академияси АҚШ ва Канада Институти бўлим бошлиғи, профессор А. Уткин каламига мансуб материалда батафсил келтирилган.

жиходи» деб аталмиш ҳаракат ўз сиёсатини «вестернизация», яъни «ғарблаштириш» сиёсатига қарши қўймоқда¹. Бундай интилишлар юртимиз ҳудудидаги хизбут-тахрирчиларнинг фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланаётгани ва бу ҳаракат айрим аҳоли қатламлари онгига қаратилганлигини сезиш қийин эмас. Шуни яхши билишимиз керакки, «ғарблаштириш» – бу асло демократия эмас, балки демократиянинг туб моҳиятига путур етказувчи унинг зиддидир.

«Вестернизация» дастлабки босқичда, ўз маънавий чегаралари доирасида фаолият юритганида ҳеч кимга ҳалакит бермаган, аксинча, бир гуруҳ давлатлар тараққиётининг жадаллашувида кўмаклашган. Айни пайтда, бошқа бир жиҳат эътиборни ўзига жалб этади. **Яъни ҳар қандай буюк ғоя муайян бир гуруҳ манфаатлари қўлида қуролга айланган захотиёқ умуминсоний тараққиётга тўсқинлик қила бошлайди.** Боз устига, «ғарблаштириш»нинг бошқа халқлар тафаккур ва фаолият тарзига мос келавермаслиги ҳақида Ғарб демократияси «оталари»нинг ўзлари огоҳлантиришган эди.

Бугун биз бир томондан, глобаллашув, иккинчи томондан, миллийлашув каби зиддиятли жараёнлар авжга чиққан даврда яшаймиз. Бундай вазиятда ғарблаштиришнинг универсалликка даъво қилишдан воз кечиб, ўзига ажратилган маданий маконда самарали фаолият олиб бориш мавриди етди. Буни биринчилардан бўлиб Ғарб олимларининг ўзлари таъкидлаётгани эътиборга моликдир. Масалан, 1984 йилдаёқ Оксфорд университети профессори Хедлей Буллнинг «Ғарбга қарши исён» номли фундаментал китобида мазлум халқларнинг бу галги «глобал исёни» ўз асоси ва мақсадига кўра батамом янги экани, нохуш натижаларга олиб келиши ва ниҳоят, ушбу тарихий фожианинг асосий иштирокчилари асосан мусулмон давлатлари бўлишини башорат қилинганини эслайлик. Қолаверса, йирик олим ва амалиётчи С.Хантингтоннинг катта шов-шувларга сабаб бўлган «Цивилизациялар тўқнашуви»,

¹ Бу сингари хатти-ҳаракатга рус сиёсий файласуфи А. Панарин «гегемонлик фалсафаси» деб тўғри таъриф берган. Қаранг: // Свободная мысль, № 9, 1991, с. 17.

германиялик профессор Бассам Тибининг «Фундаментализм таҳдиди» ва «Ислом шариаатида жиноят ҳуқуқи ва цивилизациялар уруши» сингари асарларида «ўзга юртларда» авж олаётган маданий-мафкуравий ва сиёсий жараёнларга қандайдир «ёвузлик тимсоли» сифатида қараш холисона ёндашувдан йироқ экани таъкидланади, ислом дунёсига «маърифий нигоҳ ташлаб» талқин этиш зарурлиги тўғрисида фикр юритилади.

Бундай қарашлар кўпчилик учун муҳим аҳамият касб этади, уларни ислом дунёсидаги уйғонишни бузиб талқин қилишдан огоҳ бўлишга ундайди, деб ўйлаймиз. Чунки бугун муслмон дунёсида асосан мутаассиб террорчилар кучаяётган бўлса-да, бу ҳаракатлар ислом дини ғояларига мутлақо ёт экани барчага аён бўлиши лозим. Жумладан, «ҳизбуттаҳрирчи»лар умумсайёравий халифалик тузиш ғоялари билан, Президентимиз айтганидек, **«аклга сиғмайдиган афсонага берилмоқда»**¹.

Бизни ҳушёр торттириши керак бўлган бошқа бир хавф эса янгича киефада майдонга чиқаётган неокOLONиализм ҳаракатидир. Собик иттифок худудида жойлашган республикалар жиловини яна қўлга олиш, улар тақдирини йирик давлатлар «стратегик манфаатлари» йўлида қурбон қилишга уринаётган кучлар «рангли инқилоб»лар стратегиясини ишлаб чиққанларки, унинг амалиётдаги аянчли оқибатлари собик Югославия, Украина, Грузия, Қирғизистон сингари мамлакатлар мисолида яққол намоён бўляпти. «Янгича инқилоб технологиялари»нинг амал қилиши тамойиллари, уни ҳаракатга келтирувчи ва бошқарувчи кучлар, энг муҳими, буларнинг ҳаммасидан кўзланган пировард мақсад ҳамда бу мақсад эгаларини яхши таниб олиш ўзи ва Ватани тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир юртдошимизнинг инсоний бурчидир. Афсуски, халқимиз орасида юкоридаги сингари афсона ва сохта назарияларга, пуч ғояларга ишонадиган одамлар ҳамон топилади. Бундай хавфли ғояларнинг мустақиллигимизга,

¹ *Каримов И.А.* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзлаган нутқи. // Халқ сўзи, 2004 йил, 30 апрель.

эркинлигимизга келтирадиган зарари, осойишталик ва тинч-лигимизга рахна солаётган хавфу хатарини имкон қадар ёритиб бериш – кейинги мулоҳазаларимизнинг бош мақсади ҳисобланади.

І бўлим

СИЁСАТ САҲНАСИНING СИРЛАРИ

СУВЕРЕНИТЕТГА СУИҚАСД

Инсоният янги – XXI асрга қадам қўйди. XX аср тарих бисотидан ўрин олди. Ўтган аср инсонлар ҳаётига қирон келтириш усуллари – террор, катагонлар, урушлар кенг авж олган аср бўлди. Икки жаҳон урушининг ўзида 65 миллион кишининг умри завол топди. Япония атом бомбасини синаш полигонига айлантирилди. XX асрда инсоният белигача қонга ботди, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Айни пайтда ўтган асрда анъанавий империялар кулади, мустамлакачилик тизими барбод бўлди, тоталитар тузумлар емирилиб, икки кутбли дунё барҳам топди. XX асрда инсоният мислсиз ютуқларга эришди: ракетасозлик ва космонавтика тараққий этди, телекоммуникациялар ривожланди, «микрорелектроника» ва «ирсият инженерияси» каби атамалар сўз бойлигимизни беади. Хуллас, келгуси авлодлар олдида фахрланишга асос бўладиган натижаларни қўлга киритган ҳолда янги асрга қадам ташладик.

Мантиқан инсоният ўтмишдан тегишли сабоқлар чиқариши ва XXI асрда тарих варақларига ҳижолатлик билан битиладиган воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлишига йўл қўймаслиги керак эди. Бирок янги даврнинг таҳдид ва хавф-хатарлар билан лиммо-лим эканлигини кўриб, дунё ҳали ҳам ҳар жиҳатдан ўта мўрт эканлигига иқроп бўламиз.

Афсуски, XXI асрда дунё хавфсизроқ бўлиб қолмади. Қашшоқлик, экологик муаммолар, захиралар тақчиллиги, оммавий касалликлар, диний ақидапарастлик ва терроризм XX асрдан XXI асрга мерос бўлиб ўтди. Устига-устак, айрим

кучларнинг уринишлари натижаси ўларок, хавф-хатарлар рўйхати янгилари ҳисобига янада кенгайди. Демографик инқироз, демократия экспорти, маънавий кашшоқлашув, ахборот урушлари, ғарбона турмуш тарзини тикиштириш каби хавф-хатарлар шундоқ ҳам безовта дунёнинг ташвишларини кўпайтирди. Одамзоднинг мавжуд иллатларга қарши кураши қайсидир жиҳатдан афсоналарда тасвирланадиган кўп бошли аждар билан олишувни эслатади. Аждарнинг битта боши танасидан жудо қилиниши зоҳати, шу жойдан икки-учта бош ўсиб чиқиши бу маҳлуқ билан курашиш нақадар машаққатли эканини кўрсатади.

Хавф-хатарларга жиддий разм соладиган бўлсак, мустамлакачилик сиёсати, бировларни қарам қилиш сиёсати янги асрда йўқолмаганини, балки ўзининг шаклу шамойилини ўзгартирганини тушуниб етамиз. Дарҳақиқат, «Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар»¹.

Аслида, суверенитет давлат микёсида олий ҳокимиятга эгалликни, ташқи ва ички сиёсатни олиб боришдаги тўла мустақилликни англатади. Айнан суверенитет муайян давлат мустақиллигининг бирламчи шарт ва белгисидир. Бу эса суверенитетнинг қисман ёки чекланган шаклда мавжуд бўла олмаслигини англатади. Чунки суверенитет давлатнинг бошқа давлатларга тобе бўлмай, қарам бўлмай яшашини, ўзга кучлар томонидан бошқарилмай, бировларнинг иродасига бўйсунмай, мустақил ҳаёт кечиришини назарда тутати. Мухими, давлат суверенитетининг ўрнатилиши мамлакатлар ўртасида тенглик қарор топишини шартлаб қўяди ҳамда мутелик, ўзгалар ҳисобига яшаш, турли камситишлар, ортиқча таъзим-тавозега йўл қўймайди. Давлат суверенитети

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Ўзбекистон», 2000, 3-бет.

мустамлакачиликнинг ҳар қандай шаклини, унинг камситувчи табиатини, у тақозо этадиган зўравонликларни инкор этади.

Гарчи бутун дунё мамлакатлари ўртасидаги тенг ҳуқуқлилиқ жаҳон ҳамжамияти тараққиётининг табиий ва зарурий шарт ҳисобланса-да, айрим мулоҳазалар ва хатти-ҳаракатларда ҳамон империяча фикрлаш таъсирини, давлатлар суверенитетини емириш истагини илғаш қийин эмас. Бугунги воқелиқ давлатларнинг суверенитетига зарба берилаётгани, мамлакатлар мустақиллиги нураётгани ҳақида гувоҳлик бермоқда. Шу боис, давлатлар суверенитети тобора омонат бўлиб бормоқда, деган фикр тарафдорлари кўпаймоқда. Халқаро ҳуқуқ институти раҳбари Н. Вальтикос давлатлар суверенитетининг кучсизланаётганини қуйидагича тушунтиради: «Халқаро ташкилотларнинг қонунчилиқ вазифаси, халқаро ҳуқуқ меъёрларини ишлаб чиқиш жараёнлари ва халқаро назоратнинг ривожланиши давлатлар мутлақ суверенитетининг чекланишига олиб келмоқда»¹.

Шу ўринда «чеклаш» атамасининг мазмунига ойдинлик киритиш талаб этилади. Яъни, давлатнинг ўзи ихтиёрий равишда суверенитетини чеклаб, халқаро ташкилотларга ён босиб, ўзининг айрим ҳуқуқларини уларга узатишга рози бўляптими ёки ўзга кучлар унинг суверенитетига тажовуз қиляптими? Масаланинг бу тарзда қўйилиши бежиз эмас, чунки жаҳон ҳамжамиятида давлатларнинг ўзаро тенглик асосида иш кўриши ёхуд муносабатларнинг «ҳукмронлик – тобелик» асосига қурилиши айнан шу саволга бериладиган жавобга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Глобаллашув жараёнларини таҳлил қилган олимлар бу жараёнларда давлатнинг ролини турлича баҳолайдилар. Айрим назарияларда глобаллашув жараёнида давлатнинг роли тобора пасайиб бориши уқтирилса, бошқаларида унинг ўрни ва аҳамияти ўзгармайди, деб таъкидланади. Яна бир гуруҳ олимлар эса глобаллашув шароитида давлат билан давлатлараро ташкилотлар ўртасида сиёсий ҳокимият қайта

¹ Морозов Г. И. Мировое сообщество и надгосударственность//Мировая экономика и международные отношения. 1997, № 5, с. 14–15.

таксимланиб, давлат уларга ўз суверенитетининг бир қисмини беради¹, деган фаразларни илгари сурмоқда.

Шу маънода «Бир ховуч ривожланган давлатлардан бўлак мамлакатларнинг суверенитети тобора саробга айланиб бормоқда»² сингари илмий хулосалар чиқариш учун жиддий асос бор эканини тан олиш лозим. Афсуски, давлатлараро муносабатларда сиёсий, мафкуравий ва иктисодий ҳукмронликка интилаётган кучлар СССР парчаланиб кетганидан кейин пайдо бўлган янги мустақил давлатларни нишонга олмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида «Ўзбекистон – суверен демократик республика»³ деб катъий мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-да, буюк давлатчилик тафаккури таъсири остида давлатимиз суверенитетига беписанд муносабатда бўлаётган кучлар барҳам топгани йўқ. Давлатимиз суверенитетига уюштирилаётган турли шакл ва кўринишидаги тажовузларга жавобан миллатимиз тақдиридан безовта қалбнинг ушбу хитобини келтириш ўринли бўлар эди: «Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатдан қайтариш, кимгадир қарам қилиш мақсадида четдан туриб ички ишларимизга аралashiш, турли никоблар остида бизга қарши тазйик ва зўравонлик ўтказиш сиёсатини мутлақо қабул қилмаймиз»⁴.

«Кимгадир қарам қилиш» таҳдиди. Наҳотки, бу таҳдид дунёда анъанавий империялар қулаган ва мустамлакачилик тизими емирилганига ҳеч қанча вақт ўтмай яна бош кўтарса? Наҳотки, ХХ асрда тоталитар мафкураларнинг беаёв тажриба майдонида «синалган», кичиккина бир тугманинг босилиши натижасида сайёрани йўққа чиқаришга қурби етадиган ядро қуроллари билан таҳдид қилиб, совук уруш азобларини торт-

¹ Удовик С. Л. Глобализация: семиотические подходы. – М.: «Ваклер», 2002, с. 389.

² Бжезинский З. Выбор. Мировое господство или глобальное лидерство. – М.: «Международные отношения», 2005, с. 20.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2003 йил, 4-бет.

⁴ Қаримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. «Халқ сўзи», 2005 йил 8 декабрь.

ган инсоният XXI асрга етарли даражада ақл-идрокли бўлиб кадам кўймаган бўлса? Наҳотки, машъум мустамлакачилик танига жон ато этган мафкуралар ҳамон завол топмаган бўлса? Бу вайронкор мафкуралар бизга нисбатан қанчалик қувватга эга, уларнинг кучи қанчалик залворли?

Таассуф билан тан олиш керак, диний ақидапарастлик ва терроризм, «демократияни олға силжитиш»га уринишлар, ахборот хуружлари, ғарбона турмуш тарзини тикиштириш, маънавий қашшоқлаштириш ҳаракатлари, буюк давлатчилик тафаккури ва империяча фикрлаш хуружлари давлатимиз суверенитетига жиддий хавф туғдирмоқда. Ҳа, гегемония дунё каби кўхна. Бироқ бугунги кунда ҳудудларни ҳарбий куч билан забт этиш ўрнига жаҳонда етакчилик қилишнинг ноанъанавий усуллари, анча замонавийлаштирилган, бир-мунча маданийлаштирилган усуллари кенг урф бўлмоқда. Дунёга ҳукмронлик қилишнинг энг осон ва қисқа йўллари излаётган кучлар тинчликни олий неъмат деб биладиган, сахий замини табиий бойликларга тўла, халқи соддадил ва меҳнаткаш Ўзбекистонни ўз таъсир доирасига олишга интилаётганлигини пайқамаслик мумкин эмас. Шунинг учун ҳам мустақилликни асраб-авайлаш, химоя қилиш ва мустаҳкамлаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Очиғи, жаҳонда мутлак ҳукмронлик ўрнатиш учун курашда сиёсий мақсадлардан кўра иқтисодий сабаблар кўпроқ тош босади. Чунки мустақил бўлмаган давлатнинг, миллатнинг, жамиятнинг кучи, имкониятлари, салоҳияти, моддий ва маънавий бойликлари асосан унинг устидан ҳукмрон давлатни мустаҳкамлашга сарфланади. Гегемониянинг ана шундай пинҳона мақсадлари ҳақида огоҳлантириб, Ислом Каримов шундай деб ёзади:

«...Мустамлакалар ва ярим мустамлакаларни ривожлаштириш йўлидаги куч-ғайратлар буюк давлатларнинг кундалик ва узоқ муддатли манфаатларига бўйсундирилади. Шу жиҳатдан олганда, қарам халқларнинг манфаатлари ҳамма вақт иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган. Империялар қарам мамлакатлар тараққиётини,

ўз манфаатлари доирасидан четга чиқмаган ҳолда, ҳаммиша қаттиқ чеклаб келган ва муайян йўлдан олиб борган. Хусусан, ...инфраструктурадаги ўзгаришлар, йўл қурилиши ва коммуникацияларнинг ривожлантирилиши – буларнинг барчаси империянинг манфаатларини қондирганлиги, бу ҳолда арзон хом ашё ва энергия манбаларидан баҳраманд бўлишни кафолатлаши керак бўлганлиги учунгина амалга оширилган»¹.

Юқоридаги фикрларнинг исботи сифатида аниқ рақамларга мурожаат қилсак. Курраи заминимизнинг юзаси 510,6 млн. кв. км.ни ташкил этади, шундан 149,1 млн. кв. км.ни, яъни 29,2% ини куруклик эгаллайди. Агар бу микдордан музликлар билан қопланган Антарктида ва Гренландияни чиқариб ташласак, 134 млн. кв. км. қолади ва айнан шу ҳудуд инсоннинг ҳаётий маконини ташкил этади². Бу маконда 200 дан ортиқ давлатлар жойлашган бўлиб, уларнинг чегаралари дунёда содир бўлаётган сиёсий ўзгаришларнинг оқибатларини ўзида акс эттирган ҳолда Ер юзидаги ажинлар сингари ўз суратини ўзгартириб туради. Эътиборлиси шундаки, Ер қаърида табиий бойликлар, минерал ресурслар нотекис жойлашган ва бу омил давлатларнинг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда жаҳоннинг турли мамлакатларидаги инсон ресурслари табиий захира ва минерал хом ашёни истеъмол қилиш ҳажмлари ўртасида номутаносиблик яққол намоён бўлмоқда. Минерал ресурсларнинг асосий қисми саноати ривожланган мамлакатларда истеъмол қилиниб, хом ашё оқимлари, асосан, Шимолий Америка ва Ғарбий Европа давлатлари сари йўналтирилган. Хусусан, истеъмолчи мамлакат сифатида танилган АҚШ аҳолиси жаҳон аҳолисининг 5 фоизини ташкил этса-да, бу давлат жаҳон захираларининг

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997, 55–56-бетлар.

² Азроянц Э. А. Глобализация: катастрофа или путь к развитию? Современные тенденции мирового развития и политические амбиции. – М.: «Новый век», 2002, с. 17.

40 фоизини истеъмол килади¹. Тараққиёт тенденцияларини эътиборга олган олимлар 2030 йилга келиб, АҚШ жаҳон захираларининг 60 фоизини истеъмол қилишини тахмин қилмоқда². Бундай ишгага эга бўлган давлат жаҳондаги табиий захиралар устидан назоратни кенгайтиришдан манфаатдор экани ортиқча изоҳ талаб қилмайди. Чунки АҚШдаги ҳаётнинг фаровонлиги ҳам, бу мамлакатнинг иктисодий ўсиш суръатлари ҳам кўп жиҳатдан айнан шу омилга боғлиқдир. Демак, табиий захираларга бой ҳудудлар АҚШнинг ҳаётини манфаатлари доирасига киради.

Жаҳон ресурсларининг яна 30 фоизини Ғарбий Европа, Канада ва Япония истеъмол килади. Бу мамлакатларда жаҳон аҳолисининг 9 фоизи истиқомат қилади³. Оддийгина ҳисоб-китоб қилиб кўрадиган бўлсак, жаҳон аҳолисининг 14 фоизи истиқомат қиладиган ривожланган мамлакатлар жаҳон захираларининг 70 фоизини истеъмол қилар экан. Бунга карама-карши ўларок, ривожланаётган мамлакатларда жаҳон аҳолисининг 60 фоизи истиқомат қилса-да, бу мамлакатлар эвазига заминимиздаги табиий ресурсларнинг бор-йўғи 16 фоизи тўғри келади⁴.

Бу ҳолат икки тенденцияни вужудга келтиради: ривожланган мамлакатларнинг ташқаридан олиб келинадиган хом ашёга боғлиқлиги тобора ортиб бормоқда, ривожланаётган мамлакатларнинг экспортида эса хом ашё улуши устуворлик қилмоқда. Демак, ривожланган мамлакатлар ўз эҳтиёжларини кондириш учун кўшимча захира манбалари излайди ва бундай захира жойлашган ҳудудларни ўз таъсир доирасига олишга интилади. Юқорида келтирилган рақамлар нефть ва газ захираларига бой мамлакатларда демократия «кидираётганлар»нинг, бошқа мамлакатларнинг

¹ Природно-ресурсный потенциал мирового хозяйства. http://monax.ru/geography/00002041_1.html.

² Козлова Н. Все в НАТО, 7.11.2005, <http://www.kommentator.ru/tmru/2005/t1107-1.html>.

³ Природно-ресурсный потенциал мирового хозяйства. http://monax.ru/geography/00002041_1.html.

⁴ Природно-ресурсный потенциал мирового хозяйства. http://monax.ru/geography/00002041_1.html.

суверенитетини менсимай, уларнинг ички ишларига бурун сукаётганларнинг, «демократия» деб ғарбона турмуш тарзини тикиштираётганларнинг хатти-ҳаракатларининг асл сабабларини, бир оз бўлса-да, ойдинлаштиради. Таъбир жоиз бўлса, демократия экспортини ривожланган мамлакатларнинг миллий капиталини тежаш, миллий манфаатларини химоялаш усули, дея баҳолаш мумкин. Шу боис МДХ маконида ташқи кучлар бошқарувидан холи **суверен демократия** ҳақидаги ғоя куюнчаклик билан тилга олинмоқда.

Давлатлар суверенитетини кемирувчи бу хавф-хатарларга юзаки қараш, уларни таҳдид манбаи сифатида эътироф этмаслик инсоният бошига яна кўплаб кулфатлар солиши муқаррар. Шу боис, бугунги кунда суверенитетимизга таҳдид солаётган бундай ҳодисаларнинг мафкуравий пойдеворини ҳосил қилувчи вайронкор ғояларни фош этиш бирламчи вазифага айланади. Зеро, юқорида санаб ўтилган ва куйида таҳлил этиладиган нохуш воқеа-ҳодисалар қайси давлатда содир бўлишидан қатъи назар, инсониятда бирдай ташвиш ва хавотир уйғотмоғи лозим.

ГЛОБАЛЛАШУВ ТУЗОҒИ

XXI асрда инсоният глобаллашув жараёнининг гувоҳи бўлмоқда. Дунё микёсида кузатилаётган ва интеграция жараёнларида ўз ифодасини топаётган глобаллашув инсон ҳаётининг барча жиҳатларига дахл қила бошлади. Глобаллашув таъсирида иктисодиётда ҳам, сиёсий муносабатларда ҳам, ижтимоий-маданий ҳаётда ҳам сифат ўзгаришлари юз берди. «Глобаллашув» тушунчасининг умумқабул қилинган таърифи бўлмагани боис, бу ҳодиса турлича талқин қилинмоқда. Кимдир глобаллашувни объектив қонуният асосида ривожланаётган жаҳон тафаккур тарзи деб тушунтирса, яна кимдир мустамлакачиликни янгича шаклда тиклашга уриниш, деб баҳоламоқда.

Одатда, глобаллашув деганда дунё микёсида ягона иқтисодий-молиявий макон ва яхлит ахборот майдонининг шаклланиш жараёни тушунилади. Жаҳонда юз бераётган

глобаллашув назарий жиҳатдан мустакил давлатларнинг суверенитети сақланишини тақозо этади. Бирок, воқелик шуни кўрсатмоқдаки, глобаллашув натижасида давлатлар ўз суверенитетидан муайян даражада маҳрум бўлмоқда. Дастлаб олимлар глобаллашувни кўпроқ иқтисодий жараён сифатида талкин қилишга мойиллик билдириб, унинг сиёсий жиҳатлари ҳақида сукут сақлашни афзал кўрдилар. Бирок охириги пайтларда турли шарҳларда, фикрларда, илмий асарларда бутун дунё давлатларининг «сайёравий ҳокимияти»ни шакллантириш, «бутунолабий ҳокимият» куриш ғояси баралла янграй бошлади. Глобаллашув ялпи, комплекс табиат касб этиб, унинг таъсири ахборот соҳасига, маънавий ҳаётга, сиёсатга, иқтисодга, социал соҳага ёйилди. Глобаллашув тобора кучайиб бораётган тўфонга ўхшаб бормоқда: у янги-янги ҳудудлар ва давлатларни, янги фаолият соҳалари ва муносабатларни ўз домига тортмоқда.

Глобаллашув жараёнлари дунё қиёфасини тубдан ўзгартиряпти: геосиёсий таъсир доиралари қайта тақсимланмоқда; Ғарб маданияти инсониятга ҳаммабоп ва илғор андоза сифатида тақдим қилинмоқда ва зимдан ғарблаштириш сиёсати амалга оширилмоқда; кишилар онгига таъсир кўрсатиш даромадли бизнесга айлантирилмоқда.

XX аср охирида тоталитар тузумларнинг емирилиши, СССР, Югославия, Чехословакия каби давлатларнинг парчаланиши оқибатида жаҳон харитасида 20 дан ортиқ мустакил давлатлар пайдо бўлди. Бирок эндигина демократия сари юзланган бу ёш давлатларни ўз чанғалига туширишга уринаётган кучлар ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларини ҳар жиҳатдан кучайтиришга интилмоқда. Охириги пайтларда бу давлатларнинг айримлари рангли инқилобларни синаш учун тажриба майдонига айлантирилгани, мазкур мамлакатлар аҳолисига демократик кадриятлар номи билан Ғарб кадриятларининг тикиштирилиши янги мустакил давлатларнинг суверенитетини заифлаштиряпти, фуқароларни эркин танлов ҳуқуқидан маҳрум қилмоқда.

Глобаллашув жараёни давлатларни кўзга кўринмас ўргимчак тўрлари каби камраб олмақда, уларнинг иқтисодиётини

ипсиз боғламоқда. Глобаллашув туфайли шундай трансмиллий корхоналар вужудга келдики, дунёдаги энг йирик ана шундай 200 та корхонанинг умумий савдо айланмаси ҳажми жаҳон ялпи маҳсулотининг тўртдан бирини ташкил этади. Ваҳоланки, бу 200 та фирмада атиги 18,8 миллион киши, яъни жаҳон ишчи кучининг 0,75 фоизи ишлайди, холос. «Женерал Моторс» корпорациясининг ишлаб чиқариш ҳажми Даниянинг ялпи миллий маҳсулотидан ортиқроқ кўрсаткични (!), «Тойота» корпорациясининг ишлаб чиқариш ҳажми эса Норвегиянинг ялпи миллий маҳсулотидан ортиқроқ кўрсаткични (!) ташкил этади¹.

Юзаки қараганда, жаҳонда тижорат гуллаб-яшнамоқда. Бутун дунё ягона бозорга айланмоқда. Бундан одамзод фақат қувониши керак эмасми? Йўқ. Глобал иқтисодиёт шароитида капитал, меҳнат ресурслари ва хом ашёдан оқилона фойдаланиш эвазига имкон қадар кўпроқ даромад олиш мақсад қилинади. Шу боис, трансмиллий корпорациялар на давлат чегаралари ва на мавжуд меъёрлар билан ҳисоблашади. Масалан, «Америкалик дастурчи-инженер компьютер ва факс орқали бутун дунё билан боғланган ва унинг фаолияти ўз шаҳридаги заводда ишлаётган хизматчилардан кўра Куала-Лумпурдаги инженерларга, Тайвандаги ишлаб чиқарувчиларга, Токио ва Бонндаги банкирларга, Париж ва Миландаги маркетинг ва савдо бўйича мутахассисларга кўпроқ боглик»².

Дарҳақиқат, глобаллашув шароитида халқаро меҳнат бозори вужудга келди. Максимал даромад олишга интилган йирик корпорациялар ўз корхоналарини ишчи кучи арзон бўлган худудларда қуриб, тайёр маҳсулотни эса турмуш даражаси юқори бўлган мамлакатларда сотишга ҳаракат қилмоқда. Тижоратнинг ана шу нуктасида корхона манфаатлари билан жамият манфаатлари ўртасида узилиш содир бўлганини кўриш мумкин. Шу ўринда иқтисод бўйича Нобель мукофо-

¹ *Рамоне И.* Геополитика хаоса/Пер. с франц. И. А. Егорова. – М.: ТЕИС, 2001, 49-бет.

² *Рамоне И.* Геополитика хаоса/Пер. с франц. И. А. Егорова. – М.: ТЕИС, 2001, с. 43.

ти совриндори профессор Поль Самуэльсоннинг куйидаги гаплари ёдга келади: «Бозор – ўта самарали, бироқ унинг на акли ва на юраги бор». Замона зайлини қарангки, эндиликда давлатлар эмас, иктисодиёт тобора тоталитар хусусият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда глобаллашув жараёни ахборот майдонида ҳам яққол намоён бўляпти. Яъни, ахборотлаштириш глобаллашув жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечмоқда. «Бугунги дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Масалан, Интернет тизими орқали ахборот алмашув, бинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгайяпти. Аслида ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратадиган жараёндир»¹. Айтиш мумкинки, жамиятнинг глобал ахборотлашуви илмий-техник, иктисодий ва ижтимоий тараққиётнинг ўзагини ташкил этади. Бошқача айтганда, ахборот тараққиётнинг бош омилига айланиб бормоқда.

Таассуфки, ахборотни тараққиёт кушандасига айлантираётган кучлар ҳам йўқ эмас. Ахборотлаштириш жараёнининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда ахборот соҳасидаги ютуқлардан ғаразли ниятларда фойдаланиш хавфи ҳам туғилмоқда. Яъни, баъзан ахборотдан жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг суверен тенглиги тамойилларига амал қилиш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, кучдан фойдаланмаслик, ички ишларга аралашмаслик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш каби мақсадларга зид равишда фойдаланилмоқда. Масалан, ахборот технологиялари соҳасида хийла юксалган давлатларда бундай устуворликдан сиёсий, ҳарбий, иктисодий, ахборот

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Ўзбекистон», 2000, 23-бет.

ва маданий тажовуз мақсадида фойдаланишга хавфли ҳавас туғилмоқда.

Ахборот соҳасидаги глобаллашув жаҳонда етакчилик қилиш учун курашда ҳам намоён бўляпти. Чунки ахборот технологияларининг ривожланганлик даражаси давлатнинг геосиёсий таъсирини белгиловчи омиллардан бирига айланмоқда. Бугунги воқелик бу ҳодисани «ахборот неокOLONиализми», «ахборот урушлари», «информацион фашизм», деб номлаётган олимларнинг гапида жон бор эканини кўрсатади. Яъни **глобаллашув дунёни бирлаштира туриб, айни пайтда, уни емиряпти**, деган хавотирлар жиддий асосга эга. Бу жараёни шарҳлашда жаҳон ҳамжамиятининг интеграциялашуви аҳамияти бўрттирилиб, дунёнинг ранг-баранглигини асраш муаммоси атайин хаспўшланмоқда. Хўш глобаллашувни «яхлит дунёнинг шаклланиши, ягона йирик давлатнинг қарор топиши, ягона жаҳон маданиятига эга халқаро ҳамжамиятнинг таркиб топиш жараёни»¹ сифатида талқин қилаётган олимларнинг муддаолари нима?

Уларнинг асл нияти – глобаллашув шиори остида миллатларнинг ўзига хослигини «текислаб» йўқотиб юбориш, дунёдаги маданий хилма-хилликка барҳам бериш, турли халқлар маънавиятини емиришдан иборат. Бунда Ғарб ўзини дунёга тақлид учун андоза сифатида тақлиф этмоқда. Ғарб маданиятини умуминсоний маданият, универсал маданият сифатида жорий этишга уриниш мавжудлигини 2004 йил Берлинда «Европалаштириш, америкалаштириш ва глобаллашув шароитида миллий давлатлар» мавзуида илмий анжуман ўтказилгани ҳам тасқидлайди. Бу ҳол глобаллашув жараёнини маданий империализмнинг янги кўриниши сифатида талқин қилаётган аксилглобалистлар ҳақиқатдан йироқ эмасликларини кўрсатади². Ваҳоланки, бу жараёни ўз ҳолига ташлаб қўймай, глобаллашувни маданиятлараро мулоқот воситасига, миллий ўзига хосликни бойитувчи

¹ *Азроянц Э.* Глобализация: катастрофа или путь к развитию? – М.: «Новый век», 2002, с. 64.

² *Удовик С. Л.* Глобализация. Семиотические подходы. – М.: «Рефл-бук», 2002, с. 317.

омилга, дунёдаги ранг-барангликнинг муҳим манбаига айлантириш мумкин.

Кўриниб турибдики, глобаллашув ҳозирча миллий давлатлар суверенитетининг заифлашуви ва емирилишига, уларнинг шикаста бўлишига олиб келмоқда. Чунки мустамлакачиликни янгича шаклда тиклашга уринишлар айнан глобаллашув шиори остида амалга оширилмоқда. Бундай неокOLONиализмнинг уч ўзаро боғлиқ максадлари бор: дунё устидан гегемония, жаҳон захираларига эгалик қилиш ва жаҳон бозорларида ҳукмронлик ўрнатиш. Глобал неокOLONиализм бир қатор стратегик вазифаларни ҳам ўз ичига олади. Мустақил давлатлар доирасидаги интеграциялашувга зид жараёнларни рағбатлантириш, очиклик шиори остида уларнинг иктисодиётини издан чиқариш ва мамлакатларнинг суверенитетини емириш каби вазифалар шулар жумласидандир.

Бугунги воқелик мустамлакачилик сиёсатига асос бўлган мафқуралар ҳали завоЛ топмаганини кўрсатмоқда. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсоният жиддий танлов олдида турибди. Дастлабки пайтларда асосан ижобий жиҳатдан баҳоланган глобаллашув, вақт ўтгач, асосли равишда қаршилик ва танқидга учрай бошлади. Инсоният бу жараённинг жilовини тортмаса, глобал тақдирнинг ожиз ўйинчоғига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Зеро, «кенг миқёсли интеграция ва глобаллашув жараёнлари жаҳон тараққиётининг ҳозирги пайтдаги муҳим хусусиятларидан бири эканини эътироф этган ҳолда, уларнинг кучли мафқуравий таъсир кўрсатиш воситаси эканини ҳам унутмаслик даркор»¹.

ҲАММАБОП ЁХУД ТАҚЛИДОНА ДЕМОКРАТИЯ

Жаҳонда демократиянинг ёйилиши мураккаб ва зиддиятли жараён сифатида кечган. Зеро, ҳар ким демократиядан ўзи истаган нарсани топмоқчи бўлади. Аслида, чинакам демократия ақл-идрок учун жиддий синов, бой маънавиятнинг

¹ Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Ўзбекистон», 2000, 23–24-бетлар.

Ўзига хос кўригидир. Чунки халкнинг онглилиги, ўзини ўзи англаши демократияни кувватлантиради. Демократия инсон учун ҳаётини ўз ақл-идрокига таяниб, ўз хоҳиш-истагига монанд тарзда қуришга имконият яратиши билан ҳам жозибалидир. Демократия шахсга имкон қадар эркинлик беради, бироқ шунга яраша масъулият ҳам юклайди. Мухими, демократия тарафдорлари, бу ғояни ҳимоя қилишга шай турганлар миллионларни ташкил этади.

Давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этиш ҳукуки, фикр эркинлиги, қонун олдидаги тенглик ва инсон ҳуқуқларини таъминлагани боис демократия умуминсоний қадрият сифатида эътироф этилади. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, **«бугунги замонда асосий демократик тамойилларни рад этадиган бирон-бир давлатни ер юзида учратиш қийин»**¹. Бинобарин, демократия халқ иродасини ифода этади ва шахе салоҳиятини рўёбга чиқариш учун қулай макон сифатида хизмат қилади.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон ҳам демократик тараққиёт йўлини танлади. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шундай дейди: **«Истиклол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэътироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик»**². Дарҳақиқат, истиклол йилларида Ўзбекистон тараққиётида демократиянинг умумэътироф этилган тамойиллари ва халқимизнинг миллий хусусиятлари ҳамда дунёқараши мутаносиблиги таъминланди, бошқача айтганда, умуминсонийлик ва миллийлик мувозанатига эришилди.

¹ Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. «Ўзбекистон овози», 2005 йил, 8 декабрь сони.

² Каримов И. А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 6-бет

Таъкидлаш жоизки, демократлаштириш жараёнларини амалга ошираётган халкимиз тарих олдида ўзига хос имтихон ўтамоқда, даврнинг мураккаб синовларини бошдан кечирмоқда. Бирок **«Биз демократик жамият барпо этиш сари қадамларимизни кимгадир яхши кўриниш, кимгадир ҳисобот бериш ва сохта обрў топиш учун эмас, аввало – халкимизнинг хошиш-иродаси билан танлаб олинган, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган манзилга босқичма-босқич ривожланиш йўли билан етиб бориш учун кўймоқдамиз»**¹.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда демократия халққа хушомад қилиш ёхуд жаҳон ҳамжамятига манзур бўлиш учун қарор топтирилаётгани йўқ. Ўзбекистонда демократия ривожланган мамлакатларнинг эътирофи учун ёхуд бир ҳовуч ватанфурушларнинг бақир-чақирларини тўхтатиш учун қарор топтирилаётгани йўқ. Ўзбекистонда демократия ҳар бир инсоннинг иродаси, қобиляти, тафаккурига ривож берадиган тузум экани учун шакллантирилмоқда. Ўзбекистонда демократия фуқароларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш учун қулай замин яратиши туфайли ривожлантирилмоқда. Ўзбекистонда демократия Ҳазрати Инсон барча жараёнларнинг марказига қўйилиши сабабли қарор топтирилмоқда.

Башарият тарихи аксарият мамлакатларда жамиятни демократлаштириш жараёнлари узок муддат давом этгани ҳақида гувоҳлик беради. Зеро, демократия ўрнатилмайди, балки яратилади. Чунки **«...демократия тегишли институтлар ва жараёнлар тизими эмас, балки маданиятдир, аниқроғи, демократик маданиятнинг етилиши ҳосиласидир»**². Ахир, одамлар дунёқараши, фикрлаш тарзи ва онглилик даражасини бир кунда ё бир йилда ўзгартириш мумкин эмас.

Мустақилликнинг қисқа даври давомида Ўзбекистон Республикасида ҳам демократик давлатнинг мустаҳкам пой-

¹ Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. «Ўзбекистон овози», 2005 йил, 8 декабрь сони.

² *Ги Эрмэ*. Культура и демократия. – М.: «Прогресс», 1994, с. 11.

деворини яратиш борасида муҳим натижаларга эришилди. Бироқ «...биз ҳозир демократик давлат қуришнинг бошланғич даврини бошимиздан кечиряпмиз, бу жараён учун муайян вақт керак, лекин бизни шоширувчилар ҳам топилади. Бироқ бу масалада шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Ахир, биз ҳозирча кўпроқ бу давлатнинг шаклу шамойилини яратиш устида иш олиб боряпмиз, аммо, энг муҳими – уни маъно-мазмун билан тўлдиришдир»¹. Мураккаб табиатга эга бу жараён эса, табиийки, бир текис кечмайди.

Сиёсатшунос олим З. Бжезинский посттоталитар давлатларда демократияни қарор топтириш жараёнини уч босқичга ажратади². Биринчи босқич коммунистик тартибнинг емирилишидан бошланиб, унда ҳокимият тузилмаларини янгилаш ва иқтисодий тиклашга эътибор берилади, сиёсий тизимда жиддий ўзгаришлар юз беради. Бу босқичда асосий демократик институтлар қарор топтиради, оммавий ахборот воситалари партия назоратидан халос этилади, давлатнинг ялпи назоратига чек қўйилади, демократик ўзгаришларни ёқловчи сиёсий кучлар пайдо бўлади. Олимнинг фикрича, бу босқич 1 йилдан 5 йилгача давом этиши мумкин.

Иккинчи босқичда иқтисодий тизимда жиддий ўзгаришлар юз беради, сиёсий соҳада барқарорликни таъминлаш устуворлик касб этади, янги Конституция қабул қилинади, янги сайлов тизими қарор топтиради, демократик сайловлар ўтказилади, давлат бошқаруви тизимини номарказлаштириш амалга оширилади, ҳудудларнинг ваколатлари кучайтиради, демократик кучлар янада мустақамланади. Туб иқтисодий ислохотлар амалга оширилади – замонавий банк тизими шакллантирилади, мулк хусусийлаштирилади, мулкдорларнинг ҳуқуқлари қонуний мустақамланади.

Демократик институтларнинг барқарор амал қилиши, жамият аъзоларининг сиёсий маданияти юксалиши, иқти-

¹ *Каримов И. А.* Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т.: «Ўзбекистон», 2005, 16-бет.

² *Brzezinski Z.* The Great Transformation. – The National Interest, № 33, Fall 1993. P. 4.

содиётнинг барқарор ўсиши учинчи босқич бошланаётганидан дарак беради. З.Бжезинскийнинг тахминича, иккинчи босқичнинг давомийлиги 3–10 йилни ташкил этса, учинчи босқич ўртача 5–15 йил давом этади. Кўриниб турибдики, тоталитаризмдан демократияга ўтиш, айримлар айтмоқчи, кўз очиб юмгунча битадиган иш бўлмай, 30 йилгача давом этиши мумкин.

Шу маънода, айрим кучларнинг муайян давлатлардаги демократик жараёнларни сунъий тезлатишга уринишлари ҳеч қандай назарий ва амалий асосга эга эмас. Негаки, демократлаштириш серкирра ва мураккаб жараён бўлиб, мамлакатда демократик институтларнинг таркиб топиши ва амал қилиши ҳали бу давлатда демократия қарор топганини билдирмайди. Зеро, «...демократия – фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга, халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир. Демократия ғояларини баён қилиш мумкин, сиёсатда демократияни юқоридан «тушириш» мумкин. Лекин бу билан демократия сизу бизнинг амалий ҳаётимизга сингмайди. Демократия жамиятнинг кадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи лозим. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия ўша халқ турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократик тамойилларни ўзлаштиришдан иборат паллаларни ўз ичига оладиган узоқ муддатли жараёндир. Баъзи давлатларда бунга эришгунча кўплаб авлодлар умри ўтган»¹.

Демак, демократик кадриятларни кишилар онгига сингдирмасдан туриб, демократик институтларнинг фаолиятини самарали ташкил этиб бўлмайди. Демократлашув жараёнларини сунъий тезлатишга ҳар қандай уриниш аслида табиий тадрижий ривожланишга инқилобий зулм ўтказишни англа тади ва ясама, сохта демократиянинг шаклланишига олиб

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997, 185-бет.

келади. «Рангли инкилоб»ларни ҳам ўзгача мантик билан тушунтириб бўлмайди.

Қолаверса, демократияни умуминсоний кадриятдан универсал кадриятга айлантиришга ҳавасманд кучлар ҳам йўқ эмас. Улар демократияни мавжуд барча муаммоларнинг давоси сифатида тортиқ қилиб, турли мамлакатлардаги демократик жараёнларни бир андозага солишга уринмоқда. Ваҳоланки, «...**барча мамлакатлар учун, уларга хос хусусият ва аломатларни ҳисобга олган ҳолда, бирдек мос келадиган яккаю ягона – универсал демократия модели йўқ ва бўлиши мумкин эмас**»¹.

Демократиянинг барча даврлар ва халқлар учун умумий бўлган қонуниятлари, тамойилларини тан олган ҳолда, унинг миллий моделларини фарқлаш зарур. Чунки демократик институтлар, демократия тамойиллари ва меъёрлари улар жорий этилаётган ҳудуддаги миллий манфаатлар ва тарихни ҳисобга олмасдан туриб, шаклланиши мумкин эмас. Шу боис, демократия бошқа давлатлардан оддийгина ўзлаштириш ёки нусха кўчириш ёхуд тақлид қилиш орқали қарор топтирилмайди. Балки у ҳар қандай жамиятнинг табиий ривожланиши асосида шаклланадиган ва такомиллашадиган узлуксиз, тадрижий жараён ҳисобланади.

Демократик давлат сари ҳаракат турли мамлакатларда турли шароит ва турфа шаклларда юз бериши тайин. Мамлакатни демократик модернизациялаш натижасида муқаррар равишда ривожланган Ғарб давлатларидагига ўхшаш сиёсий тизимларнинг вужудга келиши назарда тутилмайди. Зеро, ҳар бир мамлакатда демократиянинг ўз қиёфаси бор. Чунки одамлар онгида демократик кадриятларни қарор топтириш ўзига хос тарзда, юзлаб йиллар давомида таркиб топган тафаккур табиатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Гегель ибораси билан айтганда: «Ҳар бир давлат қурилиши маълум халқ миллий маънавий маҳсули, ўзлигини намоён

¹ Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Ўзбекистон овози, 2005 йил, 8 декабрь сони.

етиш ва маънавий онглилик тарақиётининг пиллапоясидир. Бу тараққиёт зиналарни қадам-бақадам босиб, бир меъёрдаги ҳаракатни, вақтдан ўзиб кетмасликни тақозо этади»¹. Демократиянинг яшовчанлиги ҳам унинг мавжуд миллий, диний, маданий хусусиятларни инкор қилмаслигида, миллий ўзига хосликка зарар етказмаган ҳолда ривожлана олишидадир.

Айрим сиёсатдонларнинг Шарқ ва Ғарб демократияси ўртасида фарқ йўқ, демократия ҳамма ерда бирдек бўлиши керак қабилдаги фикрлари назарий ва амалий жиҳатдан пуч. Ҳаттоки, Ғарб ва Шарқ демократиясини кўя туриб, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва бошқа давлатлардаги демократик жараёнларни таққослаганимизда ҳам, уларнинг ҳар бирида ўзига хос белгиларни кўрамиз.

Бошқарувда ўзгалардан андоза олиш, кўр-кўрона нусха кўчириш мамлакатни боши берк кўчага киритиб қўяди. Масалан, Ғарб демократиясига Шарқ мамлакатларида таклид қилиш, уни жорий этиш қутилмаган фожиаларга олиб келиши мумкин. Бу жиҳатдан барча халқларнинг эҳтиёжларига тўлатўқис жавоб берадиган ҳаммабоп демократия моделининг мавжудлиги ҳақидаги фикр аслида демократия ғоясини обрўсизлантираётган пуч ғоядан бўлак нараса эмас.

Жаҳонда демократиянинг нечоғлик асраб-авайланиши ёки топталиши айнан шу омилга боғлиқ бўлиб бормоқда. Демак, демократиянинг умумэтироф этилган қадриятлари ҳамда миллий қадриятлар муштарақлигига эришиш демократик ислохотлардаги тадрижийлик ва изчилликни кафолатлайди.

«ЖАҲОНДА БИР ШАРПА ИЗҒИБ ЮРИБДИ...»

Парвардигор оламини мукамал яратган, лекин барча нарсанинг зиддини ҳам берган: оқ – қора, эзгулик – ёвузлик, қувонч – қайғу, бунёдкорлик – вайронкорлик. Шукрки, одамлар яхшидан ёмонни, ҳалолдан ҳаромни ажрата биледи. Лекин бугунги таҳликали дунёда гуноҳни савоб деб, асоратни эркинлик деб, ёлғонни рост, деб уқтирадиганларнинг домига тушиб қолаётганлар ҳам йўқ эмас. Бунинг сабаби нимада?

¹ Гегель. Философия права. – М.: 1990, с. 469.

Жаҳоннинг геосиёсий кифоаси ўзгараётган XXI асрда дунёда юз бераётган ҳодисалар сирлилик гардиши билан копланди, манфаат-мақсадлар ниқобланиб, турли мамлакатларда юз бераётган жараёнларга турлича қаричлар билан баҳо бериш урф бўлди. Янги геосиёсий шароитда «ёв – ғаним», «тахдид», «хавф-хатар» тушунчаларининг маъно-моҳияти чигаллашди. Сиёсий мақсадларга эришиш мақсадида рақибнинг онги, ҳиссиётлари ва иродасига махсус усул ҳамда воситалар орқали таъсир кўрсатилиши оқибатида ялтироқ нарсани олтин деб қабул қилиш ҳоллари учрамоқда.

Бу юк давлатчилик тафаккури таъсири остида ёш мустақил давлатларда демократия танқислигини рўқач қилиб, бу мамлакатлардаги демократлаштириш жараёнларига «устозлик» қилишга даъво қилаётган, уларни ўз йўриғига солишга уринаётган айрим кучларнинг ҳаракатлари инсониятни ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Демократиядек эзгу ғояни дастак қилиб олиб, унинг моҳиятига мутлақо зид сиёсат юритаётган, бошқа мамлакатларга «ўзи истаган демократияни» зўраки тикиштираётганларга нисбатан соғлом кучлар ҳамиша ҳушёр туриши зарур. Нега деганда, «**демократияни ташқаридан, ҳар қайси давлат ва халққа хос бўлган замин ва хусусиятларни ҳисобга олмасдан ўрнатишга қаратилган ҳаракатлар бир вақтлар коммунизм тизимини экспорт қилиш каби аянчли, хунук оқибатларга олиб келиши муқаррар**»¹. Ахир, моҳиятан зулм негизига қурилган коммунистик мафқурани демократия ғояси билан осонгина алмаштириб, эркинлик байроғи остида инсониятни бахт-саодат сари «мажбуран ҳайдаб бориш» ҳеч бир мантикка тўғри келмайди.

Демократик жараёнларни сунъий жадаллаштириш баҳонасида ўз таъсир доирасини кенгайтиришга уринаётган, худбин манфаатларини кондиришга интилаётган, дунё жилловини қўлга киритишга ҳаракат қилаётган кучлар узокни кўзлаб тузилган аниқ режа асосида иш кўрмоқда.

¹ Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Ўзбекистон овози, 2005 йил, 8 декабрь сони.

«Демократияни олға силжитиш» деб номланаётган бу технологияларнинг туб моҳиятидаги яширин ҳақиқатни Юртбошимиз ошкор этади: «Маълум бир мамлакатда, айтилик, «демократия тақчиллиги» мавжуд, ушбу мамлакат халқига ана шу тақчилликдан халос бўлишга ёрдам бериш керак, деб ҳисобланади. Бунинг учун катта маблағлар ажратилиб, тегишли кучлар йўналтирилади. Ва бундан кўзланган мақсад – тўнтариш уюштириш ва ана шундай «тақчиллик»ни вужудга келтирган ва авж олдирган раҳбариятни йўқотишдан иборат. Мана шундай ҳолатларда «бахмал ўзгариш»лар технологиялари ишга тушади: аввалги ҳокимият нисбатан тинч йўл билан, қурбонларсиз кетиши, унинг ўрнини бошқа, мазкур технологиялар манфаатларига жавоб берадиган кучлар эгаллаши кўзда тутилади»¹.

Дунё саҳнасида «рангли инқилоб» деган умумий номда бир-бирини такрорловчи спектакллар қўйилгани ўз тақдирига бепарво бўлмаган кишини муайян хулосалар чиқаришга ундайди. Грузиядаги тўполонлар жозибадор қилиб «атиргуллар инқилоби» деб ном олган бўлса, Украинадаги талотўплар зарғалдоқ рангга «бўялди», Қирғизистондаги хомталашлар «лолалар инқилоби» дея жар солинди. Аслида, турли мамлакатларда куч ишлатмасдан ҳокимиятни ағдариш технологиялари XX асрнинг 80-йиллари охирида ишлаб чиқилди ва Шарқий Европанинг бир неча мамлакатларида синовдан ўтказилди. Тинч йўл билан амалга оширилишига ишора қилиниб, бу жараёнлар «бахмал инқилоб» дея номланди. XXI асрда бу технологиялар янада такомиллаштирилган ҳолда МДХ давлатларининг айримларида қўлланиб, «рангли инқилоб»лар мақомини олди ва «демократия экспорти» стратегиясининг тактик босқичларидан бирига айлантирилди. Грузия, Украина ва Қирғизистонда рангли инқилобларнинг деярли бир сценарий асосида амалга оширилгани уларнинг томизгиси бир жойдан олинганидан далолат бўлди.

¹ Каримов И. А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т.: «Ўзбекистон», 2005, 9–10-бетлар.

Олимлар ва жамоатчилик эътиборини тортган бу таҳликалик вокелик турлича изоҳланмоқда. Кўпчилик мутахассислар томонидан «рангли инкилоб»лар тинч йўл билан давлат ҳокимиятини ағдариш усули, дея таърифланмоқда. Айни пайтда, олимлар «рангли инкилоб»лар оқибатида юз берган ўзгаришларни инкилобий деб ҳисоблаш мумкинми-йўқми, деган савол устида ҳам бош котирмоқда.

Аввало, «инкилоб» сўзининг мазмун-моҳиятини аниқлаштириб олиш талаб этилади. Давлат ҳокимиятини ағдариш ва унинг тузилиши ҳамда вазифаларида чуқур ўзгаришлар яшаш «инкилоб» деб аталади. Бир вақтлар марксистлар инкилобни синфлар курашининг олий шакли, давлат ҳокимиятининг бир синф кўлидан иккинчи синф кўлига ўтиши, дея таърифлаган эди. Бунда жамият ҳаётида туб ўзгаришлар содир этилиши, янги ижтимоий тузумнинг ўрнатилиши инкилобнинг асосий белгиси ҳисобланган.

Марксизм асосчиларининг фикрича, коммунизм ва пролетариатнинг фаолияти умумжаҳоний кўлам касб этиши зарур. («Немис идеологияси», Асарлар, 3-том, 33–34-бетлар). Яъни, пролетар инкилобининг хусусиятларидан бири – унинг умумжаҳон табиатига эга эканлигидир. Ленин ўзининг «Империализм капитализмнинг олий босқичи сифатида» номли асарида фақат жаҳон (!) пролетар инкилоби дунё халқларини капиталистик эксплуатациядан халос этишда мотор бўлиши мумкинлигини уқтиради. Табиатан бири-бирига мутлақо зид бўлган пролетар инкилоби билан демократик инкилоб ўртасидаги ўхшашликни қаранг: ҳар иккиси ҳам умумжаҳон табиатига эга бўлгандагина самара бериши мумкин экан. Ана энди коммунистлар танлаб олган «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» шиорининг моҳияти ҳам ойдинлашади.

2005 йилнинг февраль ойида АҚШ давлат котиби Кондализа Райс хоним ўзининг хорижий сафари чоғида Парижда нутқ сўзлаб, ўз мамлакати кўзлаётган максадларни қисман ошкор этган эди: «АҚШнинг асосий вазифаси дунёни демократлаштиришдан иборатдир. Ер юзида қудратли ва энг

ахлоқий мамлакат бўлган Американинг зиммасига ана шу ниятларни амалга ошириш вазифаси юклатилган».

Юкоридагилардан келиб чиқиб, «демократияни экспорт» қилиш зарур, деб даъво қилаётганларни беихтиёр коммунизмни дунёга ёйишга интилган кучлар билан солиштирасан киши. Украинадаги «рангли инкилоб» ташкилотчиларидан бирининг: «Зарғалдоқ инкилоб» бутун дунё бўйича эркинлик эпидемиясига айланади»¹, деган фикрлари ҳам коммунистлар билан демократияни турфа рангларга бўяшга шайланган кучлар ўртасида катта ўхшашлик бор эканини кўрсатади. «Коммунистик манифест»нинг кириш қисмидан ўрин олган ибора бир оз таҳрир қилиниб, «Жаҳонда бир шарпа изғиб юрибди – бу бўялган демократия шарпасидир» дея ўзгартирилса, бугунги воқеликка ниҳоятда мос келиши кишини ҳайратга солади.

Аслида, демократия бошқа мамлакат худудига, унинг миллий манфаатлари ва хусусиятларини инобатга олмасдан туриб, экспорт қилиниши мумкин бўлган оддий бир буюм эмас. Агар демократияга ҳам экспорт предмети сифатида ёндашилса, у бир тарафнинг бошқа тараф устидан устунликка эришиш воситасига айланади. Ҳолбуки, бирон-бир халқаро ташкилот ёки давлатга ўзга мамлакатда зўравонлик билан демократия ўрнатиш ваколати ҳеч қачон, ҳеч ким томонидан берилган эмас, берилмайди ҳам.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, айрим мутахассислар «бахмал инкилоблар» асосан ҳокимият тўнтаришига хизмат қилишини таъкидлаб, уларга инкилоб мақоми берилишини нотўғри, деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, Украина, Грузия, Қирғизистонда жамият ҳаётида туб янгиликлар амалга оширилмади, янги ижтимоий тузум ўрнатилмади, давлат ҳокимияти тузилиши ва вазифаларида туб ўзгаришлар содир бўлмади. Бирок дунёнинг тузилишида ўзгаришлар юз берди, демократияни «импорт қилган» давлатлар экспортчиларнинг геосиёсий мақсадларига эришиш йўлидаги бир воситага

¹ *Кара-Мурза С. Г.* Экспорт революции. Ющенко, Саакашвили... – М.: Изд-во Алгоритм, 2005, с. 252.

айланиб қолди. Демак, фанда қабул қилинган «инқилоб» тушунчасини «бахмал инқилоб»дан фарқлаш зарур. Зеро, «бахмал инқилоб»лар том маънодаги инқилоб бўлмай, уларни собиқ социалистик маконда элиталарни алмаштириш усули, ҳокимиятни ишғол этишнинг янги механизми сифатида талқин этиш ҳақиқатга яқинроқ бўлар эди.

Кейинги йилларда айрим ёш мустақил мамлакатлардаги демократлаштириш жараёнларини жадаллаштириш зарурлиги ҳақида айюҳаннос солаётганларнинг ҳаётдан йироқ мулоҳазалари ортида қандай геосиёсий, стратегик ва иқтисодий мақсад-муддаолар турганини жаҳон аҳли теран англаб етмоқда. Бугунги кунда мустақил давлатлар суверенитетини писанд қилмай, уларнинг ички ишларига аралашаётган «демократия режиссёр»лари аслида демократия «улашиш» ниқоби остида дунёда гегемонлик қилишга интилаётганлари сир эмас. Бундай ҳаракатлар давлатларни, халқларни кучдан фойдаланмаган ҳолда, тинч йўл билан тобе қилишга қаратилганлигини унутмаслик лозим. Ҳаётий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, «бахмал инқилоб»ларнинг синов майдонига айлантирилган давлатлар суверенитети заиф бўлади. Чунки бу мамлакатлардаги ҳукмрон доиралар, маълум сабабларга кўра, ўз хатти-ҳаракатларини Ғарбдан туриб айтилган кўрсатмаларга мослаштириб бориши талаб этилади. Демак, «рангли инқилоб»лар янги кўринишдаги мустамлакачиликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда, деб хулоса чиқариш учун барча асослар бор.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, демократлашув жараёнлари эндигина «атак-чечак қилаётган» XX аср бошларида демократияга таҳдидлар кўп бўлгани боис, уни ҳимоялаш вазифаси устуворлик қилганди. Орадан бир аср ўтиб, инсоният демократиянинг турли рангларга бўялганига, қолиплаганига, товарга айлантирилганига, экспорт қилинганига, зўрлаб тиқиштирилганига гувоҳ бўлди. Демократия гоёсининг бу тариқа бузиб талқин қилиниши ва ўзининг зиддига айлантирилиши туфайли башарият бундай «демократия»дан ҳимояланишга мажбур бўлмоқда. Дунёдаги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашда нажоткор ва

халоскор вази фасини бажариши керак бўлган демократия бирор рангга бўялгач, жиддий таҳдид манбаига айланмоқда. Чунки «жаҳонда изғиб юрган демократия шарпаси» нафақат сиёсатга, балки инсонларнинг турмуш тарзи, маданияти, кадриятлар тизими, анъаналари, уларнинг онгу кайфиятларига ҳам дахл қилмоқда.

МАДАНИЙ ГЕГЕМОНИЯ

Бугунги кунга келиб бирор мамлакатни босиб олиш, бирор ҳудудни забт этиш, бирор халқни бўйсундириш воситалари тубдан ўзгарди. Илгари бу мақсадларга эришиш учун қанчадан-қанча қурол-аслаҳа, қимматбаҳо техника, минглаб аскарлар ва анча-мунча вақт керак бўлар эди. Энг муҳими, ким кимни забт этмоқчи экани, қайси мамлакат қайси халқни босиб олаётгани кундек равшан эди. Ҳозирги кунда эса бирор мамлакат ёки халқни бўйсундириш учун баъзи ҳолларда оммавий ахборот воситаларининг ўзи кифоя қилмоқда. Куч ишлатиш, мажбурлаш, зўравонлик, ахборот орқали таъсир қилиш, одамларни бирор ғояга ишонтириш, онгни бошқариш технологияларига ўрин бўшатыпти.

Куч орқали мақсадга эришиш инсоният томонидан бирдек қораланади, чунки бунда инсонга жисмоний оғриқ, шикаст, моддий зарар етказилади. Ишонтириш воситасида ҳаракат қилаётганларни эса бирор нарсада айблаш қийин, зеро улар тарғиб қилаётган ғоялари ортида қандай манфаатлар яширинганини билиш ниҳоятда мураккаб. Ваҳоланки, сўз, фикр, ахборот орқали инсон тафаккурини забт этиш ҳам халқни, мамлакатни, ҳудудни босиб олишнинг бир оз маданийлашган кўриниши ҳисобланади. Бирок бунда истилочининг ким экани номаълум бўлади, ҳатто аҳоли уни забт этиш учун кураш олиб бораётганини англамайди ҳам. Бундай кураш урушга тайёр бўлмаган тинч аҳолига қарши курашни эслатади. Бу кураш яширин равишда, зимдан амалга оширилгани боис, унга уюшган тарзда қаршилик кўрсатиб бўлмайди, айнан шу омил бундай курашларнинг муваффақиятини белгилаб беради.

Гегемониянинг бу шакли «маданий гегемония» деб номланади. Жаҳон микёсида авж олдирилаётган бундай маданий

гегемония курашида алданиб қолмаслик учун истилочиларнинг асл мақсад-муддаоларини билиш, қўлланаётган услуб ва воситаларни пухта ўрганиш талаб этилади.

XX асрнинг 30-йилларида инсоният бошидан ўтказган инқилобларни тадқиқ этиш асосида ва инсоннинг феъл-атвори ҳақида билимлар негизида янги назария пайдо бўлди. Бу назариянинг муаллифи Италия компартиясининг асосчиси ва назариётчиси Антонио Грамши эди. «Қамок дафтарлари» асарида (бу асарнинг номиданоқ унинг қаерда ёзилганини билиб олиш мумкин) баён қилинган бу назариянинг муҳим қисми – маданий гегемония ҳақидаги таълимотдир. Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, бу таълимот инқилоб назариясининг ажралмас қисми ҳисобланади. Унда инқилоблар ҳокимиятни ағдариш ва янги ижтимоий-сиёсий тартибот ўрнатиш воситаси сифатида талқин қилинади. Грамшининг фикрича, маданий гегемонияга эришиш учун инқилоб қилиниши даркор, бунда ижтимоий онг инқилобий бузғунчилик объекти сифатида танланади.

Грамшига кўра, гегемония жамиятнинг «маданий ўзаги»га таянади. Бу ўзак инсоннинг ҳаёт, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурларини, билим ва тажрибани, анъана ва рамзларни ўз ичига қамраб олади. Маданий ўзак қанчалик барқарор бўлса, мавжуд тартибни сақлаб қолишни ихтиёр этган жамоанинг иродаси ҳам шу қадар қатъий бўлади. Ва аксинча, маданий ўзакнинг кучсизланиши ёки кўпорилиши жамоа иродасининг емирилишига олиб келади ва инқилоб учун замин яратади. Дарвоқе, жамиятдаги бирдамлик гегемония учун хавfli ҳисобланади. Демак, маданий гегемония учун кураш биз билган – синфлар кураши, кучлар тўқнашуви шаклида кечмайди, бу жараёнда қон тўкилмайди, қурбонлар берилмайди. Маданий гегемония учун кураш зимдан, кўзга кўринмас тарзда, кишилар онги, кайфиятлари ва фикрларида аста-секин ўзгаришлар қилиш орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, маданий гегемонияга эришиш учун маданий ўзакка тажовуз қилишнинг ўзи кифоя. Бунинг учун танкларга снарядларни тикиш, самолётларга бомбаларни жойлаштириш, автоматларни ўқлаш талаб этилмайди, балки кўп сонли китоб ва рисоаларда, журнал ва газеталардаги

маколаларда маданий ўзакни кўпорувчи вирус-ғояларни тарқатишнинг ўзи кифоя қилади. Грамши бу жараённинг қабих моҳиятини билмаслиги оқибатида аҳолининг унга қаршилиқ кўрсатмаслигига ишора қилиб, бундай ўзгаришни «пассив инқилоб» деб атайди.

Грамши яшаган даврда бундай инқилоб, асосан, зиёлилар онгида юз берган бўлса (чунки вирус-ғоялар сингдирилган адабиётлар билан, биринчи навбатда, улар танишар эди), бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг тараккий этиши туфайли бундай инқилобни бошқа китъаларда яшайдиган одамлар онгида амалга ошириш ҳеч гап бўлмай қолди. Телевизор ҳар бир хонадоннинг тўрини эгаллаган, глобал ахборот макони шаклланган бугунги кунда, афсуски, маданий гегемония учун курашдан, бошқача айтганда, инсон онги ва қалби учун курашдан паноҳ топиш осон иш эмас. Бироқ, ишончимиз комилки, бундай кураш усул ва воситаларини чуқур ўрганиш улардан ҳимояланиш чораларини ишлаб чиқишда қўл келади.

Хўш, маданий гегемония ўрнатишга, аниқроғи, маданий ўзакни кучсизлантиришга шайланганларга Грамши нима маслаҳат беради? Тарихий хотирани сусайтириш, жамиятдаги бирдамликка путур етказиш, анъанавий ижтимоий институтларни емириш, халқни маънавий илдиэларидан маҳрум этиш, соғлом ақлни «ўчириш» каби усулларни таклиф қилган Грамшининг рўйхатини унинг замонавий «шоғирдлари» янги йўналишлар – ахлоқсизликни тарғиб қилиш, инсоннинг энг тубан майллари, ҳайвоний хирслари, нафсини кўзга ш ҳисобига «бойитмоқдалар».

Таъкидлаш жоизки, жамиятнинг маданий ўзаги таназзулга учраганида инсонлар қатъиятсиз бўлиб қолади ва мустақил қарор қабул қилишга қийналади. Ўз пайтида Гитлернинг сафдоши А. Шпеер Нюрнберг жараёнидаги сўнгсўзида бир ҳақиқатни тан олган эди: «Радио ва овозкучайтиргич каби техник воситалар ёрдамида 80 миллион кишининг мустақил тафаккури тортиб олинган, улар мустақил фикрлашдан жудо қилинган эди»¹.

¹ *Кара-Мурза С. Г.* Манипуляция сознанием. – М.: «Алгоритм», 2006, с. 82.

Маънавий асосдан маҳрум қилинган халқ яхшилик ва ёмонлик, оқ ва қора, эзгулик ва қабихлик ўртасидаги фарқни англамай қолади. Фуқароларнинг воқелик ҳақидаги ва ўз манфаатлари тўғрисидаги тасаввурлари зарурий ўзанда ўзгартирилгач, уларнинг хавф-хатар ва таҳдидларни англаш қобилияти заифлашади. Бундай жамият гегемония учун курашда ожиз ва ҳимоясиз бўлиб қолади. Кўп ўтмай, бу жамиятда мутлақо бегона маданиятнинг ҳукмронлиги ўрнатилади, демакки, бу жамият ўзгалар томонидан забт этилади. Маданий гегемония оқибатида пайдо бўлган омма онгидан ижтимоий-маданий кадриятлар «ўчирилиб», компьютерга дискета солингани каби уларнинг онгига ўзга маданиятнинг бегона кадриятлари тиқиштирилади. Ҳолбуки, бу ажнабий турмуш тарзи ва бегона кадриятлар мустақкам маънавий асосга, ижтимоий пойдеворга таянмайди.

Кўриниб турибдики, маданий гегемония негизида инсонни мустақил фикрдан маҳрум қилиш, уни ўзлигини унутган кимсага, манкуртга айлантириш мақсади ётибди. Янги кўринишдаги бундай мустамлакачиликнинг таҳдиди ва аянчли оқибатлари ҳам шунда.

ОНГНИ БОШҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ҳозирги даврга хос айрим ижтимоий жараёнларни кузатар эканмиз, улар Грамшининг маданий гегемония ҳақидаги таълимотига уйғун тарзда, унинг кўрсатмаларига мос равишда кечаётганини тан олишга мажбур бўламиз. Айрим ҳолларда ҳаттоки «бу жараёнлар Грамши таълимотига таянган ҳолда махсус ишлаб чиқилган ва моҳирона амалга оширилган, аниқроғи, Грамши назариясининг қанчалик тўғри эканлигини тажрибада синаб кўриш учун ўтказилган операция эмасмикан», деган гумонга ҳам борасан киши.

Эътибор беринг. Грамшининг назариясига кўра, маданий гегемония ўрнатиш учун соғлом ақлни заифлаштириш ёки умуман «баргараф» этиш талаб этилади. Соғлом ақл «ўчирилгач» эса, инсонни ақл бовар қилмас афсона ва уйдирмаларга ишонтириш мумкин бўлади. Ҳозирги кунда

жаҳонда кенг ёйилаётган ана шундай чўпчак-мафкуралардан бири «евроцентризм» деб аталади. Номидан ҳам кўришиб турганидек, унда Ғарбдан андоза олиш, унга таклид қилиш тараққиётнинг бош омили эканлиги уқтирилади. Евроцентризм ҳаммабопликка даъво қилаётган мафкура бўлиб, унга кўра, барча халқлар бир хил тараққиёт йўлини босиб ўтади, фақат ҳозирги кунда улар тараққиётнинг турли босқичларида турганликлари боис, бир-биридан фарқ қилади. Ўз тараққиёт йўлини белгилаётган жамиятларга нисбатан евроцентризм мафкурачилари «Ғарб изидан бор – бу энг яхши дунёлардан биридир», дея «маслаҳат» беради.

Аслида эса, якранг дунё куриш ғояси чўпчакдан бошқа нарса эмас. Зеро, дунёда кўп сонли ранг-баранг маданиятларнинг биргаликда мавжуд бўлиши, бир-бирини тўлдириб, бойитиб туриши инсоният тараққиётининг зарурий шarti ҳисобланади. Ва инсониятнинг ҳеч бир бўлаги бутун дунёда ўз ҳаёт тарзини татбиқ этишга ҳақли эмас. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, теран миллий кадриятларни, одамларнинг ўзига хос хусусиятларини, анъаналарни сақлаб қолиш йўлидаги интилишлар миллатни сақлаб қолишга қаратилган табиий, объектив эҳтиёж саналади. **«Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин – инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шаҳе имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боис ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсадн бўлмоғи керак. Ва бу мақсад, биринчи навбатда, ушбу этник гуруҳларни ўз ичига олувчи ҳар бир алоҳида давлатнинг вазифасидир»¹.** Бу фикрлар нафақат Ғарбдан нусха кўчириш ғоясини пучга чиқаради, балки одамзодни бундай асоссиз афсоналарга қарши курашга чорлайди.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997, 73–74-бетлар.

Евроцентризм мафкурасининг яна бир даъвосига кўра, капитализм қудратли ишлаб чиқарувчи кучларни шакллантиргани боис Ғарб ўз тараққиётида бошқалардан ўзиб кетди. Тараққиётда Ғарбдан орқада қолган халқлар эса унга етиб олишлари учун ўз мамлакатларида айнан Ғарб намунасидаги капитализмни қарор топтиришлари зарур эмиш. Ваҳоланки, Ғарб капитализми мустамлакаларнинг ресурслари ҳисобига шакллантирилгани ҳеч кимга сир эмас. Масалан, Францияда аграр соҳада банд бўлганлар сони ортиб кетгач, XX асрнинг 20-йилларида бу муаммони ҳал қилиш учун Жазоир мустамлакага айлантирилди ва ерларнинг ярми француз мустамлакачилари ихтиёрига берилди. Ёки аксинча, АҚШда ерга ишлов бериш учун ишчи кучи тақчиллиги юзага келганда, Африканинг 100 миллион бақувват ва навқирон йигитлари қул қилиб олиб кетилгани, бироқ улардан бор-йўғи 9 миллионга яқини манзилга омон етиб борганини тарих далиллайди.

Ғарб намунасидаги капитализмни қарор топтириш негизида айнан маданий гегемония ўрнатиш мақсади яширинганини ҳам унутмаслик даркор. Моддиётга берилиш, нафсни кондириш, буюмпарастлик каби кадриятларнинг сингдирилиши иқтисодий жараёнларни жадаллаштиради, чунки барча нарса сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган товарга айлантирилади. Фикрлар ва буюмларнинг, инсон танаси ва руҳиятининг, табиат ва маданиятнинг товарга айлантирилиши – замонавий капитализмнинг асосий хусусиятига айланмоқда. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, жамият ҳаётининг барча соҳаларида савдо-сотик муносабатлари устувор бўлмоқда, «емак ва томошалар» шиори остида инсонларда истеъ-молчилик руҳияти авж олдириляпти, «инсоннинг ҳамёни қаерда бўлса, унинг қалби ҳам ўша ерда» деган ҳалокатли гоя сингдирилмоқда. Молпарастлик ва худбинликнинг шу тариха ҳаммабоп кадрият сифатида тикиштирилиши эса маънавиятни қашшоқлантириб, маданий гегемония ўрнатиш учун қулай замин яратиши табиийдир.

Евроцентризмнинг навбатдаги уйдирмаларидан бири – технологик афсона сифатида танилган. Унга кўра, айнан Ғарбда яратилган маданият, фалсафа, ҳуқуқ, фан ва техноло-

гиялар дунёда устуворлик қилмоқда ва инсоният тараққиётига белгиларни таъсир кўрсатмоқда. Демак, бошқа халқлар томонидан илғор Ғарб маданиятининг ўзлаштирилиши уларнинг раванқига туртки бўлади.

Тан олиш керак, маданият ўзига жалб этадиган жозибали куч саналади. Кишиларда Ғарб маданиятига, Америка маданиятига тақлид қилишга интилишни ҳам тан олмай иложимиз йўқ. Бу ҳолатни америкалик олим З.Бжезинский куйидагича таърифлайди: «Маданият соҳасида, унинг бир оз жўнлигига қарамай, Америка, айниқса, жаҳон ёшлари орасида алоҳида жозибаторлиги билан ажралиб туради. Бу эса Америка Қўшма Штатларига дунёнинг ҳеч бир давлатига насиб қилмаган сиёсий таъсирни таъминлайди»¹. Фикрини давом эттириб, З.Бжезинский яна шуларни ёзади: «Маданий устунлик Америка глобал куч-қудратининг муҳим жиҳати саналади. Айримлар ўзининг эстетик кадриятлари ҳақида нималарни ўйламасин, Америка оммавий маданияти, айниқса, жаҳон ёшларини оҳанрабо каби ўзига тортади. Унинг жозибаторлиги, эҳтимол, шу маданият орқали тарғиб қилинаётган ҳаётни севиш фалсафаси, ҳаёт сифати билан боғлиқдир, лекин Америка маданиятининг жозибаторлиги шакл-шубҳасиздир. Американинг телевизион дастурлари ва фильмлари жаҳон бозорининг қарийб тўртдан уч қисмини эгаллаган. Американинг оммабоп мусиқаси ҳам устувор мавқега эга, шунингдек, америкаликларнинг кизиқишлари, овқатланишдаги одатлари ва ҳаттоки кийинишларига бутун дунёда тақлид қиладилар. Интернет – инглиз тилида ва компьютердаги сўзларнинг аксарият қисми Америкадан бўлиб, глобал мулоқотнинг мазмунига кучли таъсир ўтказди. Ва ниҳоят, Америка замонавий таълим олишга интилаётганлар учун ўзига хос Маккага айланган...»².

Дарҳақиқат, фан-техника тараққиёти глобаллашувнинг таркибий қисми саналади. Интернетнинг яратилиши эса ил-

¹ *Бжезинский З.* Великая шахматная доска. Господство Америки и геостратегические императивы. – М.: 1998, с. 36.

² *Бжезинский З.* Великая шахматная доска. Господство Америки и геостратегические императивы. – М.: 1998, с. 38.

мий-техник соҳада инкилобий ўзгаришлар ясади. Интернет инглиз тилининг глобаллашувига кучли туртки берди. БМТ томонидан 5 тил – инглиз, француз, испан, рус ва хитой тиллари халқаро мулоқот тили сифатида тан олинган бўлса-да, инглиз тили охириги йилларда кенг урф бўлди. Ахборот соҳасидаги устуворликни таъминлайдиган бу омиллар инсон онгига кучли таъсир ўтказиш ва уни бошқариш имкониятларини кенгайтди. Хусусан, жаҳон медиа-холдингларининг эгалари содир бўлган воқеа-ҳодисаларни ёритишда урғуларни ўзгартириш йўли билан ҳам томошабинда бу воқеликка нисбатан ўзлари истаган муносабатни шакллантириш қудратига эга. Ёшларга кучли таъсир кўрсатадиган Америка фильмлари воситасида кишиларга истаган фикрни, қадриятларни, кўрсатмаларни сингдириш имконияти бор. Интернет эса виртуал воқеликни шакллантириб, ундан фойдаланувчиларда маданиятнинг янги кўриниши – кибермаданиятни қарор топтирмакда. Виртуал воқелик ва кибермаданият, ўз навбатида, кишиларнинг феъл-атворини осонликча программалаштириш имкониятини берапти.

Бирок 3. Бжезинский томонидан жозибадор дея тасвирланган Ғарб маданиятида қандай қадриятлар тарғиб қилинмоқда? Статистик маълумотларга кўра, ўша кўкларга кўтариб мақталаётган маданият эгаси бўлган ёш америкалик 18 ёшга келиб, компьютер ўйинларидаги 40 мингга яқин қотилликнинг гувоҳи ёки «муаллифи» бўлиши аниқланган. Бундан ташқари, шундай навқирон ёшда у кинофильмлар орқали 200 мингга яқин (!) зўравонлик ҳаракатларининг шоҳиди бўлар экан¹. Бу жиҳатдан мутахассислар Ғарб маданиятига «ўлим ғоясини тарқатувчи маданият» сифатини бермоқдалар. Бот-бот оммавий ахборот воситаларида шовшувга сабаб бўлаётган ҳодисалар – мактаб ўқувчисининг ўз тенгдошлари ёки ўқитувчисига қарата ўқ отиши, қурол билан ўқталиши ана шу маданият таъсирида юз бераётган ҳодисалар эмасми?

¹ *Азроянц Э.* Глобализация: катастрофа или путь к развитию? – М.: «Новый век», 2002, с. 40.

Истеъмолчилик рухиятини авж олдириш, «роҳатланиш саноати»ни ривожлантириш, «ўлим маданияти»ни кенг ёйиш оқибатида Ғарбда маънавий-ахлоқий таназзул кузатилмоқда. Қадриятлар тизими оёғи осмондан келиб, илгари фазилат саналган нарсалар айбга, авваллари гуноҳ сифатида қораланган ҳаракатлар фазилатга айлантирилипти. Ғарб мамлакатларида жиноятчилик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, бесоқолбозлик каби иллатларнинг авж олиши, оилаларнинг бузилиши, туғилишнинг камайиши бунинг яққол далилидир. Маълумотларга кўра, АҚШда 12 ёшгача қизлардан 25 фоизининг номусига тажовуз қилинган. 1998 йил августида АҚШда 8 яшар (!) бола зўрлашда айбланиб қамалган. Америка эркакларининг 25 фоизига яқини бесоқолбоз экани аниқланган. Ҳар йили 200 мингга яқин бесоқолбозлар Лос-Анжелес кўчаларида намойиш ўтказида¹. Ва бу ҳолат ахлоқнинг таназзули сифатида эмас, инсон эркинликларининг тантанаси сифатида талқин қилинади.

Яна бир манбага кўра, Европада эр, хотин ва фарзандларнинг оилавий мажбуриятлардан «халос этилиши» оқибатида оила институти барҳам топа бошлади, натижада 17 мамлакатда ўлим кўрсаткичлари туғилиш суръатларидан ортиб кетди. Бельгия, Болгария, Венгрия, Германия, Дания, Испания, Италия, Латвия, Литва, Португалия, Россия, Руминия, Словакия, Словения, Хорватия, Чехия ва Эстония каби давлатларда беланчақлардан кўра тобутларга бўлган эҳтиёж тобора ўсиб бормоқда²... Бундай мисоллар Ғарбга тақлидчиликни тараққиётнинг бирдан-бир шарти сифатида тақдим этаётган афсоналарнинг магзи пучлигини кўрсатади. Боз устига, бугунги воқелик Ғарбда жамият ич-ичидан емирилаётгани, ахлоқ инкирозга юз тутаётгани, тараққиёт орқага кетаётгани ҳақида гувоҳлик бермоқда.

¹ *Азроянц Э.* Глобализация: катастрофа или путь к развитию? – М.: «Новый век», 2002, с. 58.

² United Nations Secretariat, Department of Economic and Social Affairs, Population Division, *World Population Prospects: The 1998 Revision. Vol. 1: Comprehensive Tables*, November 24, 1998, pp. 100, 118, 152, 158, 164, 182, 202, 224, 240, 258, 268, 376.

Таассуфки, маданий гегемония ўрнатиш ўзга худудларни ўз таъсир доирасига олиш, инсон онгини бошқаришнинг кенг тарқалган технологиясига айланыпти. «Онгни бошқариш» («манипуляция сознанием») атамасига олимлар куйидагича таъриф беради: «Манипуляция – инсонларга таъсир кўрсатиш харакати бўлиб, уларни мохирона бошқариш, хусусан, уларга объект сифатида қараб, беписанд муносабатда бўлиш, зимдан бошқарув ёки таъсир этишдир»¹.

Манипуляция инсонлар феъл-атворини бошқаришни, аниқроғи, омманинг фикрлари ва интилишларини, уларнинг кайфияти ва рухий ҳолатини программалаштиришни назарда тутади. Онгни бошқариш муаммосига бағишланган илк асарлардан бири немис олими Герберт Франкенинг 1964 йилда чоп этилган «Манипуляция қилинаётган инсон» китобидир. Бу асарида олим мазкур ҳодисага куйидагича таъриф беради: «Кўпинча онгни бошқариш деганда яширин ҳолда амалга ошириладиган рухий таъсирни тушуниш керак ва демак, бу таъсир кимга йўналтирилган бўлса, ўша шахсларга зиён етказишга хизмат қилади»². Манипуляция – зўравонлик эмас, у инсонда бирор нарсага ҳавас туғдирувчи васваса, уни йўлдан оздириш усулидир.

XX аср ижтимоий онгни бошқариш борасида бурилиш асри бўлди. Миллионлаб кишиларни бир вақтнинг ўзида жадал тарғибот билан қамраб олиш имконини берадиган янги технологик воситалар пайдо бўлди. Илгари тасаввур этиб бўлмайдиган кўламларда сиёсий томошалар қўйишга кодир режиссёр – ташкилотлар бўй кўрсатди.

Баъзан беозордек кўринган реклама ҳам маданий ўзакни кўпоришнинг кучли воситасига айланаётганини эътиборга оладиган бўлсак, «ғояга қарши ғоя билан курашиш зарурлиги» ҳақидаги фикрнинг аҳамиятини янада чуқурроқ англаймиз. Шундай экан, ўзлигимиздан маҳрум қилишга интилишларнинг пайини қирқишимиз, онгимизни бошқаришга уринишларга йўл бермаслигимиз керак.

¹ *Қара-Мурза С.* Манипуляция сознанием. – М.: «Алгоритм», 2006, с. 15.

² *Қара-Мурза С.Г.* Манипуляция сознанием. – М.: «Алгоритм», 2006., с. 16.

Башарият тараккиёти туфайли инсон онгини бошқариш технологияларидан фойдаланиш имкониятлари чексиз кенгайди. Бундай технологияларни самарали қўллаш бўйича қимматли «маслаҳатлар» битилган назариялар ҳам кўпайди. Мазкур назарияларга хос умумий хусусият шундан иборатки, унинг муаллифлари онгни бошқариш учун, аввало, инсонларни тўдага, оломонга айлантириш зарурлигини, шундан кейин уларни исталган куйга солиш мумкинлигини илмий «асослаб» беришга ҳаракат қилади.

Француз файласуфи Ги Деборнинг «Томоша жамияти»¹ (1967 й.) асарида инсонларни тўдага айлантириш мақсадида ўй-хаёлдан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган. Унинг фикрича, онгни бошқариш технологиялари шундай қудратга эгаки, улар ёрдамида реал ҳаёт, тарихий тажриба асосида тўпланган билим йўққа чиқарилиб, уни режиссёрлар томонидан сунъий шакллантирилган билимга алмаштириб қўйиш мумкин. Шу йўл билан инсонда «ҳаётнинг ўзи бир томоша» деган фикр пайдо қилинади. Унингча, «томоша жамияти»ни шакллантириш учун маданиятни тубдан ўзгартириш, ҳаёт билан томоша ўртасидаги чегарани онгли равишда йўқотиш, томошага хос хусусиятларни ҳаётга жорий этиш зарур.

Шунда одамлар «марокли спектакл»даги қизиқарли ўзгаришларни нафасини ичига ютиб кузатаётган томошабинга айланиб қолади. Режиссёр эса сахна ортидан туриб, оммавий томошани киши билмас тизгинлар воситасида бошқариб туради. Натижада одамлар реал воқеликни идрок этиш ҳиссини йўқотиб, ҳақиқий ҳаёт қаердаю, ўйин қаерда бошланаётганини тушунолмай, гаранг бўлиб қолади. Ҳақиқий ҳаёт билан унинг сунъий инъикосини бир-биридан ажрата олмай қолган инсон онги фалажланади. Энг ёмони, томоша жамиятида инсонга барча нарсани ўйламай-нетмай қабул қилаверадиган пассив томошабин роли «раво кўрилади». Шу тариқа, томо-

¹ *Ги Дебор*. Общество спектакля. – М.: «ЛОГОС», 2000.

ша режиссёрлари инсон ақл-идроки ва орзу-истакларининг мутлақ хўжайинига айланади.

Эътиборлиси шундаки, инсон онгини нишонга олган бу технологиялар сиёсий ҳаётга ҳам жадал кириб келмоқда. «Рангли инқилоб»ларнинг режиссёрлари ҳокимиятни қўлга киритиш мақсадида сиёсий томошалар қўйишни ўзларига хунар қилиб оляпти. Бу ҳақда С.Тамбиа куйидагича ёзади: «Театрлаштирилган давлат ғояси замонавий демократик давлат шароитларига кўчирилиб, мослаштирилди. Бу давлатларда сайловлар нафақат ҳокимият учун кураш ва ўзига хос мусобақа, балки марокли томошага ҳам айлан-тирилди. Моҳиятан сайловлар сиёсий томоша қўйиш учун жуда қулай жараён ҳисобланади. Чунки айнан сайловларда дабдаба, ваҳима, зиддият, мусибат ва кульминация бўлиши кафолатланади»¹.

Сиёсий томошаларнинг режиссёрлари томонидан тайёрланган сценарийга кўра, улар нишонга олган мамлакатда носоз сайловлар ўтказилаётганлиги ҳақидаги фикр уйғотишга зўр берилади, шундагина уларнинг сохталаштирилаётгани ҳақида инсонларда тасаввур туғдириш осонлашади. Юқорида зикр этилганидек, «рангли инқилоб»ларнинг асосий шартларидан бири фуқароларни томошабин-оломонга айлантиришдан иборат. Шу сабабли, «рангли инқилоблар»даги асосий томоша гиж-гижланган, жунбушга келган оломоннинг пойтахт кўчаларидаги намоёишлари кўринишига эга бўлади. Махсус техник ва бадиий воситалар ёрдамида қўйилган бу томоша оммавий ахборот воситалари орқали кўрсатилгач, «рангли инқилоблар» умумжаҳон миқёсида томоша қилинадиган спектаклга айланади.

«Рангли инқилоб»ларнинг сиёсий томошага айлантирилишининг яна бир жиҳати – шоу ва куй-қўшиқлар, нурли мусиқа унинг муҳим таркибий қисми сифатида ишлатилишидир. Масалан, ҳаммамиз гувоҳи бўлганимиз – Украинадаги «зарғалдоқ инқилоб» давомида мусиқа доимий жўр бўлди.

¹ Тамбиа С. Национальное государство, демократия и этнонационалистический конфликт//Этничность и власть в полиэтнических государствах. – М.: «Наука», 1994, С.58.

Деярли барча машхур рок-ашулачилар Майданда тинмай кўшиқ куйлаб, ўзига хос «байрам» кайфиятини яратиб турди. Оммавий онгга таъсир қилишнинг бундай воситалари самараси ўлароқ, сиёсатдан узоқ ит ва мушукларнинг бўйнига зарғалдоқ ленталар боғланди. Сиёсий томоша карнавалга айланиб кетди.

Украинада қўлланган замонавий техник воситаларнинг таъсир кучи ҳақида В. Осипов шундай ёзади: «Қизиқ бир техник жиҳат ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Тасаввур қилинг: муҳолифат вакилларида бири катта майдонда чиқиш қилиб, бир шиорни баралла айтади. Шу лаҳзадаёқ лазер ёрдамида бу шиор уйларнинг деворларида нур, лазер графикаси ёрдамида ёритилади. Бундай таъсир қилишда барча шиорлар, барча фикрлар, уларнинг чин ёки сохта эканидан қатъи назар, ҳеч бир эътирозсиз ва муҳокамасиз қабул қилинади. Ҳиссиётлари жунбушга келган оломон бундай чақириқларга ҳеч бир мулоҳаза юритмасдан, ўйлаб ҳам кўрмасдан «ҳа» дея жавоб беради»¹. Томоша муҳитига тушиб қолган инсон соғлом фикрлаш, танқидий таҳлил қобилиятини йўқотади.

Шу нуқтаи назардан, бугунги воқелик ҳар қандай давлат олдида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласини кўндаланг қилиб қўймоқда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласининг дунё миқёсида қизгин муҳокама қилинаётгани ҳам бежиз эмас. Бундай муҳокамаларда ахборотнинг инсоният тараққиётидаги ижобий ролини таъкидлаш билан бир қаторда, ундан халқаро барқарорлик ва хавфсизликка зиён етказиш мақсадида фойдаланиш ҳолатлари кескин қораланмоқда. Шунингдек, ахборот технологияларидан жинояткорона ва террористик мақсадларда фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида бонг урилмоқда. Ўз тараққиётининг мураккаб, ўтиш босқичини бошдан кечираётган мамлакатлар учун бу муаммо алоҳида долзарблик касб этади. Чунки мамлакат манфаатларига зид ахборот хуружлари унинг учун айниқса хавfli ва ҳалокатли тую олади.

¹ *Кара-Мурза С.Г.* Экспорт революции. Ющенко, Саакашвили... – М.: «Алгоритм», 2005, с. 86.

Ана шундай таҳликали дунёда миллий мафкура давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ўзликни химоя қилиш, маданий ўзига хосликни асраш ва ахборот хуружларидан химояланишнинг маънавий-маърифий қуроли сифатида намоён бўлади. Одамлар онгини бошқариш ҳаракатида юрган кучларнинг домига тушиб қолмаслик учун Президентимизнинг ушбу кўрсатмаларига қатъий амал қилиш талаб этилади: «Мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга доимий дахлдорлик ҳисси билан яшашимиз даркор. Токи шу юртда яшайдиган ҳар қайси инсон ана шу мураккаб жараёнлардан ҳар томонлама хабардор бўлиб, уларга нисбатан ўз фикри ва муносабатига эга бўлсин, нима ҳақиқату нима бўҳтон ва уйдирма эканини англаб ета олсин. Чунки ҳозирги даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади»¹.

И б ў л и м

ДАЪВАТ ОРТИДАГИ ДАЪВОЛАР

Мазкур бўлимда «Ҳизбут таҳрир» мазҳаби томонидан яширин тарқатилаётган, бу ҳаракат аъзолари ўзига «дастуриламал» қилиб олган ёзма манбалардаги бузғунчи ғояларнинг айримлари тағ замирида ётган асл мақсад-муддаоларни очиб беришга уринамиз. Ўйлаймизки, мулоҳаза давомида аниқ манбасидан келтириладиган бу кўчирмалар сиз билан бизнинг бугунги ҳаётимизга, эртанги тақдиримизга жиддий хавф солувчи ғояларнинг, уларни ҳаётга татбиқ этмоқчи бўлган кучларнинг устомонлиги, айёр ва бетаимизлигини фош этади.

¹ Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. «Ўзбекистон овози», 2005 йил, 8 декабрь.

«Ҳизб жамиятда таъсирланувчи эмас, балки таъсир ўтказувчи шаклда, жамиятни ўзгартирадиган, ўзи эса ўзгармайдиган вазиятда ҳамда бошқаларга бўлган ишончни сусайтирадиган ва ўзининг зотий қийматларини тўла сақлаб қоладиган қатъийликда ҳаракат қилиши лозим».

(«Жамиятга кириш» китоби. 5–6-бетлар.
Нашр йили кўрсатилмаган.)

Дунё бунёд бўлганидан буён бундай даъво билан чиққан не-не гуруҳлар, секталар, фирқаю ташкилотларни кўрмади. Улар ўзлари «кашф этган янги қараш ва ғоялар»ни инсон ўйлаб топиши мумкин бўлган энг тўғри ва мутлақ ҳақиқат дея оламга жар солиши, уларни ҳозирга қадар ҳеч кимнинг аклига келмаган «ёмби фикрлар» сифатида тақдим этиши билан ўзаро икки томчи сувдек ўхшашдир. Неча минг йиллардан буён олам, одам ва унинг Яратувчиси тўғрисидаги ҳақиқатни излаб сочи оқарган инсоният, улар наздида, гўё мудом адашиб, «лайлак ҳайдаб юрибди». Ҳолбуки, инсон фикрларининг ўзгарувчанлиги, тадрижий ривожланиши, тўхтовсиз сайқалланиб бориши мутлақо табиий ва мантикли ҳодиса ҳисобланади. Дунё тан олган мутафаккирлар, акли донишлар фаолиятдан бунга истаганча мисол келтириш мумкин. Эҳтимол улар ўзини мудом тафтиш ва таҳлил қилгани, муайян фикр-қарашларини узлуксиз бойитиб, чуқурлаштириб боргани туфайли ҳам, барчанинг эътироф-эъзозига сазовор бўлган, авлодлар ҳурмат-иззатини қозонган. Миллати ва яшаётган даврдан қатъи назар, инсон авлодининг неча-неча бўғинлари бу донишмандларга қайта-қайта мурожаат қилишининг бош сабаби ҳам айнан шундадир. Улар-ку олиму фузалолар, ахир, ҳатто Куръони карим оятларининг туширилиш, Пайгамбаримиз ҳадисларининг айтилиш тарихларини синчиклаб ўргансак, бир нарсага – аввалроқ келган оят ва ҳадислар мавжуд вазият, инсонлар ҳолати ва кайфияти, жамият тараққиётининг ўзгаришига қараб мослангани, ўзгартирилгани, кўшимчалар киритилгани, зарур ўринларда тўғриланиб воқе қилинганига гувоҳ бўламиз-ку. (Бу ўринда

биргина хамир – арокнинг харом қилиниш тарихини эслатиш кифоядир.)

Ҳизбчиларнинг даъвоси бўйича эса, алмисокдан қолган ғоялар билан жамият аталмиш ниҳоятда мураккаб, зиддиятли, ранг-баранг оламга кириб, унга хоҳлаганча таъсир ўтказилар экан-у, ундан мутлақо «таъсирланилмас» экан, уни ўзгартиришга ҳаракат қилинар экан-у, уларнинг ўзи ҳечам ўзгаришни хоҳлашмас экан. Бу ўринда беихтиёр Навоийнинг куйидаги мисралари ёдга келади:

Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмағай ғамнок чикмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайних,
Эрур ҳаммомдин нопок чикмоқ.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 3-китъа. Сарлавҳаси – «Камол касбиға далолат ва нуқсонидин изҳори маломат»)

Мутафаккир бобомиз қачонлардир ўзларини «мутлақо бенуқсон, тамом баркамол» деб эълон қилгувчи гумроҳлар тўдаси пайдо бўлиши мумкинлигини сезгандек, беш аср илгари уларга изҳори маломат қилмоқдалар. Зеро, олам уйига (жамият) келган ҳар кас муттасил баркамоллик йўлида ҳаракатда – ўзгариш ва такомилда бўлмоғи шарт. «Мен баркамол бўлиб яралдим, менинг барча фикр-қарашларим комиллик намунаси – унга барча бирдек эргашиши лозим!», дея даъво қилиш ҳам ҳаммомга кириб покланмаган кимсанинг чиранишидан бошқа нарса эмас.

Зеро, ҳар қандай ғоя, агар у инсонларнинг эзгу манфаатларига, яшаш тарзи ва орзу-интилишларига мос тушмас, унга зид келар экан, у бир бутун жамият не, балки бир гуруҳ одамларнинг эътиқоди ва ҳаёт дастурига айланиши ҳам амри маҳолдир. «Таъсир ўтказиб, ўзи таъсирланмайдиган», «ўзгартиришга уриниб, ўзи ўзгармайдиган» ақидаларга эса аввалдан «догма» деган ном берилган. Догмалар ва уларга эргашган бир ҳовуч адашган кимсалар инсоният бошига не кулфатлар солгани ҳам қадимдан маълум. Қолаверса, ўзгармайдиган, ўсиб-ривожланмайдиган, қуриб-чириган тўнкани одамлар таг-томири билан суғуриб, ўчоққа тикадилар.

«Ҳизбут таҳрир... бутун умматга, шу жумладан, сиёсий доираларга ўзини Ислом ақидасига асосланган сиёсий ҳизб сифатида кўрсата олди. Фикрларини жамият тақдирлайдиган ва ҳисоблашишига мажбур бўлган куч қила олди».

(«Жамиятга кириш» китоби. 3-бет.)

Ўзбекда шундай пурмаъно ҳикмат бор: «Уйда чакса уни йўқ – том бошида кўш тандир». Ичи бўш идишга калтак урсангиз, ичи тўла идишдагидан кўра баландрок ва шанғирок овоз чиқишини ҳам яхши биламиз. Хўш, қуруқ даъвоси бўйича «бутун умматга ўзини кўрсата олган» ҳизбут таҳрир сектаси пайдо бўлганидан буён не каромат кўрсатдики, унинг фикрларини «жамият тақдирласин»?!

Бу ўринда ортикча эҳтиросга берилмай, мазкур масалалар бўйича мутахассис бўлган ҳурматли уламолар, жумладан, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф фикрларига муурожаат этамиз. У киши «Дин насихатдир» номли китобида шундай деб ёзади:

«Ҳизбут таҳрир раҳбарлари кишиларнинг соддалиги, Исломга бўлган рағбати, кўп нарсаларни билмасликлари каби омилларни ўз фойдаларига жуда ҳам унумли ишлатадилар.

Улар ҳизбут таҳрир Исломдир, Ислом ҳизбут таҳрирдир дейиш билан бирга, дунёда миллионлаб одамлар ҳизбут таҳрирга аъзолигини даъво қиладилар. Ҳизбут таҳрир раҳбарлари баъзи соддадил одамларимиз чет эл билан кам алоқада эканлари, кўпгина маълумотлардан беҳабарликларидан фойдаланиб, ҳамма ўлкаларга ҳизбут таҳрир аллақачон ёйилиб бўлганини такрорлашдан чарчамайдилар. Аммо ўз ҳизбларининг Лондондаги идорасидан бошқа бирор нарсани далил сифатида келтира олмайдилар. Улар биздаги ҳизбчиларни алдаб, кўрдингизми, дунёнинг ҳамма тарафида бормиз, бизни қўллаб Лондонда намойиш бўлибди, дейдилар. Аммо йиллар давомида бошқа бирор ердан садо чиқмагани ҳақида лом-мим демайдилар.

Кўп марта такрорланганидек, Ислом оламида турли жамият, ташкилот ва ҳизблар жуда кўп. Уларнинг барчасининг

идоралари, шуъбалари, газет-журналлари, вакиллари ва ша-хобча ташкилотлари мавжуд. Уларнинг ичида ҳизбут таҳрирга ўхшаб сиёсатга аралашадиганлари ҳам оз эмас. Фақат ҳизбут таҳрирнигина Лондондан бошқа ерда ҳеч нарсаси кўзга кўринмайди. Бас, ҳизбут таҳрир дунёни эгаллаб бўлган деган хаёлга чек қўймоқ керак. Агар бу гапни ким инкор қиладиган бўлса, ҳизбут таҳрирнинг ҳаммаёққа тарқалганини ва миллионлаб одамлар унга аъзо эканини исбот қилсин. Албатта, куруқ гап билан эмас, далиллар билан исбот қилсин».

(Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф.
«Дин насиҳатдир». «Шарқ» Нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси бош таҳририяти. – Т.: 2004. 91–92-бетлар.)

Энди мазкур китобдан ҳизбчиларнинг фаолиятини жамият қандай «тақдирлагани»-ю у билан қай йўсинда «ҳисоблашгани» тўғрисидаги асосли фикрларни ўқийлик:

«Набиҳоний Ислоом давлати ҳақидаги фикрни ихвонул муслимийнлардан олган. Чунки Ҳасан Банно ўзининг ихвонул муслимийн ҳаракатини тузиб, Ислоом давлати барпо этиш фикри билан чиққанида Набиҳоний ҳеч ким эмас эди. У Банно ва унинг ташкилотини мақтаб юриб, ўзи ҳам алоҳида дохий бўлиши мумкинлигини хаёл қилиб қолди. Кейин ҳизбут таҳрирни тузишни бошлади. Унинг фикрлари, режалари ва иш тутиш услуби хатарли экани очиқ-ойдин кўриниб турганидан кўпчилик уламолар ва Ислоом арбоблари бу ишга қарши чиққанлар ва бу ишни тарк қилишни талаб қилганлар.

Мазкур уламо ва арбоблар Набиҳоний ҳақида бежиз ташвишга тушмаган эканлар. Унинг тузган ҳизбут таҳрири ва қилган ишлари оқибатида юқорида ўрганиб ўтганимиз фатво ва ҳукмлар (*биз суҳбатимиз давомида уларни навбати билан эслаб ўтамиз – муал.*) дунёга келиб, мусулмонларга ортамғаси бўлди.

Ҳизбут таҳрир тузилганидан бери мусулмонларга нима яхшилик берди?

Ҳизбут таҳрир ҳар қандай душман қила олмайдиган зарарли ишларни қилдики, Ислоом душманлари ўзлари ҳаракат қилсалар, ҳозирги натижага эриша олмас эдилар». (Ўша китоб, 89–90-бетлар.)

Дарҳақиқат, дунё аҳли, жумладан, мусулмонларга берадиган озгина бўлса-да эзгу фикр-гояси, инсонлар иймонини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган заррача яхши амаллари бўлмаган ҳизб «доҳийлари» одамзод бошига гўё кўш тандир ўрнатиб, унга олов қалаш билан бандлар. Бу олов тандирдан чикиб, бутун олам уйини камраб олишини эса улар ҳар нарсадан кўра кўпроқ хоҳлашади. Мана, фикрларимизга далил.

* * *

«Инсонлар табиятан урушни ёмон кўрсалар ҳам ва ўзаро муаммоларни тинчлик воситалари билан ечишга уринишса ҳам, ўзлари ёмон кўрган нарсага мажбур қилинишлари аниқдир. Шунинг учун ҳам инсонлар бу урушлардан узоқлашишга қанчалар ҳаракат қилишса ҳам улар ўртасида уруш бўлиши муқаррар. Улар урушни тўхтатишга қодир эмаслар...

Миллатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамда давлатлараро тинчлик, гарчи унга интилиш чиройли иш бўлса ҳам, лекин уни доимий шаклда рўёбга чиқаришининг имкони йўқ, балки уруш бўлиши муқаррар. Шунинг учун бирор инсоннинг урушларни ман қилиш ҳақида фикрлаши хатодир».

(Тақийюддин Набиҳоний. «Сиёсий қарашлар».
Ҳизбут таҳрир нашрларидан, 48–49-бетлар.
Нашр йили кўрсатилмаган.)

Энди мулоҳаза қилайлик:

Ҳизбут таҳрирнинг асосчиси бўлмиш Набиҳоний исмли «валломат» илгари сурган бу гоялар қайси бир эътиқодга кўпроқ яқин?

Энг сўнгги Пайгамбари (С.А.В.): «Икки мусулмон қўлларида қиличлари билан тўқнашсалар (урушсалар), бири иккинчисини ўлдирса, қотил ҳам мактул ҳам дўзахга маҳкумдир» ёки «Умнатларим ҳеч қачон залолатли ишга бирлашмайдилар. Қачонки одамлар ўртасида ихтилофни сезсаларинг, кўпчилик томонга ўтиб олинлар» дея таълим берадиган Ислом динигами ёки «Руслар ва чехлар тақдири нима бўлади – менга мутлақо қизиги йўқ. Бошқа халқларнинг қонигаги барча яхши сифатларни, керак бўлса, уларнинг болаларини

тортиб олиб, ўз мухитимизда тарбия қилиш орқали, олиб кўямиз – уларни ўзлигидан маҳрум қиламиз. Бошқа миллатлар фаровон ҳаёт кечиряптими ёки очликдан ўляптими – бу масала мени, бизга қанча миқдорда куллар кераклиги нуқтаи назаридангина қизиқтиради, холос...» (Г. Гиммлер) дея инсон болаларини ҳайвон ўрнида кўрган фашизм мафқурасигами?!

Инсониятга «коммунизм жаннати»ни ваъда қилган, лекин бунинг учун қуйидаги «кичкинагина» шартни унинг олдига қўйган К.Маркснинг мана бу чақириғи билан Набиҳонийнинг урушга даъвати орасида қандай фарқ бор?

«Биз ишчиларга шундай деймиз: сиз фақат мавжуд муносабатларни ўзгартириш учунгина эмас, балки ўзингиз ҳам ўзгаришингиз ва сиёсий ҳукмронликка яроқли бўлишингиз учун 15, 20, 50 йиллаб фуқаролар урушини ва халқаро жанглارни бошдан кечирингиз керак» («Пролетариат дохийси»нинг немис ишчиларига мактубидан).

Чаламулла жоҳиллар етовида қолган Афғонистон мисолида ҳозирча 20 йил фуқаролар урушини бошдан кечириб, абгор ҳолга келган мамлакатни кўриб турибмиз-ку. Бундай урушга марксистлар ёки фашистлар даъват қилди нима-ю, ҳизбчилар етаклаб борди нима?

Шу ўринда ягона халқ ўртасида уруш оловини ёқмоқни ўйлаган бу даъватчиларнинг кураш стратегиясидаги яна бир қизиқ ўхшашликка ҳам эътибор берайлик. Маркс немис ишчиларига йўлланган юқоридаги хатни қўли қалтирамай ёзар экан, ўзи Европанинг энг қиммат санаторийларида баданига тез-тез тошиб турадиган чипкон касаллигини даволатиш баҳонасида дўсти Энгельс пайдар-пай жўнатиб турган фаранг вносини симириш билан овора эди. «Ҳизбут таҳрирнинг ёйилиш нуқтаси»ни белгилаб бермоқчи бўлган кимсалар эса ўзлари даъват этаётган урушни қуйидагича тасаввур қиладилар.

* * *

«Ҳизб мамлакат аҳолиси билан тўқнашишдан ўзини четга олмоғи ва мустамлакачиликни ёлғиз ҳизб билан эмас, балки бутун уммат билан тўқнашувини юзага келтирмоғи

лозим... Бу билан уммат кучли бўрон каби ақл-идрок ва куч-қувват билан битта сафда юради ва мустамлакачиликнинг тўла таъсири йўқ бўлиши учун у билан нафақат уммат ўртасида, балки бутун мамлакат аҳолиси ўртасида ҳақиқий жанг бўлади».

(«Ҳизбут таҳрирининг ёйилиш нуқтаси», 38-бет.)

«Ота бир, она бошқа» бу «дохийлар»нинг маккорлигига эътибор берайлик. Ўз тақдирини ўзи мустақил белгилаётган, фаровон келажак ҳаётни куриш йўлида тинч бунёдкорлик меҳнати билан банд мусулмонларга булар нимани таклиф этмоқда!?

Демак, қаерлардадир уя қурган, тўйимли тушликдан кейин, илиқ-иссиқ ошёнида яланғоч суратларни томоша қилиб ўтириб фатво тўқиш ҳизб дохийларининг иши экан-у, «бутун мамлакат аҳолиси ўртасида ҳақиқий жанг»да қатнашадиганлар бошқалар бўлар экан-да! Булар учун уммат – одам болалари бояги тандирга қаланадиган ўтин экан-да! Исломиё давлат куришни шу қадар орзиқиб исташар экан, нега уларнинг ўзлари майдонга тушмайдилар, шаҳидлик камарини боғлашга беллари, уруш кундасига қўйишга бўйинлари ёр бермайди? Алдашга улгурган ўспиринларга – ҳали Аллох яратган покиза неъматлардан баҳраманд бўлишга ҳам улгурмаган ёшларга ваъда қилаётганлари – жаннатга ўзлари йўл бошлаб беришдан бунчалар «парҳез қиладилар»?! Ўзларининг жонлари ширин-у, бояги ўспиринларники, ёш-ёш қиз-жувонларнинг жонлари сабилми? Миллионлаб бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлган гайриинсоний ғояларни ўйлаб топган устозлариникидек киндикка тушган соқолни парвариш қилиш ғами бу жувонмарг жонларнинг ғамидан ортиқроқми?

Биз юқорида ҳизб раҳбарларига нисбатан «яланғоч суратларни томоша қилиб ўтириб» деган луқмани ишлатдик. Буни осмондан олиб гапираётганимиз йўқ, албатта. Ҳизб раҳбарлари тарқатаётган, исломиё ҳис-туйғуларга мутлақо зид бўлган фатво ва ҳукмларнинг нақадар тубанлигига тўхталар экан, Шайх Муҳаммад Содик, жумладан, шундай мулоҳаза юритади:

«Ўша нарсаларнинг баъзилари куйидагилар:

«Яланғоч суратларни томоша қилиш жоиз».

Уят ва шармандалиқдан иборат бу ишни нафақат барча мусулмонлар, балки барча ўзини билган, одам боласи эканини унутмаган гайримусулмонлар ҳам ножоиз ҳисоблаб, ҳаром деганлар. Ислом номидан сафсата сотаётган, Ислом софлиги учун кураш даъвосини қилаётган ҳизбут таҳрир эса бу шармандаларча ишни, ҳатто ўтакетган разил одамлар ҳам бировдан беркитиб қиладиган ишни уялмай-нетмай ҳаммага эълон қилиб, жоиз деб ўтирибди. Дунёда ўзини билган ва ҳокимият даъвосини қилаётган бирорта ҳизб бу гапни айтмаган ва айтмайди ҳам. Чунки заррача ақли бор фуқаро яланғоч суратлар ва фильмлар тўла давлатда яшашни ўзига ора деб билади.

Аммо бу нарса куруқ гап эмас, балки ҳизб аъзолари томонидан қилинаётган амал ҳамдир. Ишончли кишиларнинг гувоҳлик беришича, ҳизбнинг Ўзбекистондаги «амир»ларидан бири сўроқ қилинаётганда ажабтовур воқеа юз берган. «Амир» компьютердан фойдаланишга руҳсат сўраган ва ўзи билан суҳбатлашаётган кишиларни хонадан чиқиб туришини сўраган. Маълум вақтдан кейин кўриқчилар ташқарида турганларга «ақл бовар қилмайдиган иш бўлаётгани», «амир» шармсиз саҳналарни тамоша қилаётгани ҳақида хабар берган. Бу қанақаси бўлди, деган саволга «амир» олма дарахти тагига ахлат солса ҳам мевасини еса бўлади-ку, бу шунга ўхшаш нарса деган. Бунга ўхшаш «амир»лари бор давлатда яшайдиган мусулмоннинг ҳоли нима кечар экан?!»

(«Дин насиҳатдир». «Шарқ» Нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. – Т.: 2004. 78–79-бетлар.)

Гувоҳи бўлаётганимиздек, ҳизб йўлбошчилари ўз ниётларига етишмоқ учун фашистик, коммунистик ва бошқа яна минг турлик разил гоя ва усулларга сиғинишдан, уларни ўзлаштириш ва амалда қўллашдан жирканмайди. Жирканиш қайда, ўша Набиҳоний ўзи сизинган бу таълимотлар яратувчиларининг, хусусан, Лениннинг асарларини биринчилардан бўлиб араб тилига таржима қилганди!

Ленин таржимонининг ўз устозига кўрсатган «садоқати» бу билангина чекланмайди. Шўролар даврида Лениннинг «Агар социализм ишчини ўз миллатидан ажратиб олиб, уни тўла ўз синфига оғдира олса, у ғалаба қилди деяверинг... Агарда ишчини миллат деган организм билан богловчи, қилдек бўлса-да, торлар сақланиб қолар экан, халқаро социализм ғалаба қила олмайди», деган машғум васияти бор эди. Ана шу «васият»га кўра, ҳар бир кишини ўз миллатидан ажратиб олиш – халқаро социализм ғалабасининг ҳаёт-мамонт масаласига айлантирилди. Миллий қадриятларга қарши уруш очилди. Кеча коммунистик мафкура миллий ўзликни англа-тувчи ҳамма нарсага қарши курашган бўлса, бугун бу ишни ҳизбчилар давом эттирмоқдалар.

* * *

«Жамиятга кириш одамлар ўртасидаги мавжуд алоқаларга қарши чиқиш демакдир».

(«Жамиятга кириш» китоби. 7-бет.)

Демак, ҳизбчилар жамиятга киришлари учун одамлар ўртасида миллион йиллар мобайнида шаклланган алоқалар тубдан ўзгариши лозим.

Энди бир нарсага эътибор берайлик. Одамлар ўртасидаги мавжуд алоқалар шунчаки, ўз-ўзидан ёхуд бекорчиликдан шаклланиб қолмаганини ҳамма тан олса керак. Бу алоқаларнинг айнан шундай шакл ва мазмун касб этишига инсоният асрлар давомида тўплаган ҳаётий (демак, фойдали, самарали, керакли, ақл ва кўнгилга мос, ҳаммани бирдек қаноатлантирадиган!) тажрибаларгина эмас, Аллоҳ томонидан одамзодга нозил этилган муқаддас китоблар, ояту ҳадислар орқали сингдирилган, ўзаро дўстлик, биродарлик, очиқ кўнгиллик, бағрикенглик тамойилларига ундовчи алоқа ва мулоқот қоидалари асос бўлгани ҳам кундек равшан. Ҳизбчилар «мавжуд алоқаларга қарши чиқиш» орқали ҳам нафақат инсониятнинг яшаш маданиятига, балки унинг Яратувчиси хоҳиш-иродаси ва амрига ҳам қарши чиқмаяптиларми?!

Бу «қарши чиқиш»нинг қандай натижаларга олиб келиши мумкинлигини, агар қувваи хофизамиз етса, бир тасаввур қилиб кўрайлик.

Маълумки, дунёда қанча миллат ва элат бўлса, ҳар бири ўз аждодлари тажриба ва урф-одати, ҳозирга қадар сайқалланиб келаётган қадриятларига ихлос қилади. Улардан ажралиш, бутун бошли халқ бир ёқда турсин, биргина инсон учун ҳам ниҳоятда оғир кўргулик саналади. Тўғри-да, мен отамга, бобомга ўхшагим келиб, уларга ҳавас қилиб улғаяётган бир пайтимда кимдир шахсий ҳаётимга, ўзлигимга тумшуғини тикиб, мен учун мутлақо ёт бўлган «кун тартиби»ни пешонамга илса. Худди шундай «кун тартиби» испан чўпонининг уйига, хитой шоликорининг чайласига, мексикалик раққос йигитнинг ранчосию, канадалик буғи боқувчининг овулига тиқиштирилса. Оврупа ва Американинг дабдурустдан кўрган одамни эсини оғдириб қўядиган биржаларида ишлаётган маклернинг ёки умри Варшаванинг қадимий ибодатхонасида ўтган роҳибнинг ҳаёти ҳамда ёр-дўстлари билан муносабатлари ҳам зудлик билан ўзгартирилишини биров талаб қила бошласа... Тасаввурга ҳам сигмаётган шу хомхаёлни амалда рўёбга чиқармоқлик учун мусулмон уммати аввало ўзаро, кейин жаҳон халқлари билан неча йил урушиши керак бўларкин? Бу нарса урушсиз амалга ошмаслигини ҳизбчи дохийларнинг ўзи, юқорида кўрганимиздек, очикчасига даъво қилмоқдалар. Хўш, (Худо кўрсатмасин!) бундай урушлардан кейин Ер юзида ким ва нима омон қолади? Бундай урушни бошлаб қўйиб, ўзлари бир чеккада томошабин бўлиб турадиган ҳизбчиларнинг касрига бутун мусулмон уммати қолмайдими? Бошқа халқларнинг мукаддас Исломи динига нисбатан тобора ортиб бораётган ихлосига бир зарб билан ҳалокатли зарба берилмайдими? Агар **ҳизбчиларнинг энг асосий мақсади ҳам айни шудир десак, ишонасизми?!**

Бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун ҳизбут таҳрир йўлбошчилари чиқариб, тарқатаётган куйидаги «фатво ва ҳукмлар»га эътибор берайлик:

«Бегона аёлни шаҳват билан ёки шаҳватсиз ўпиш ва у билан қўл олиб сўрашиш мубоҳ»; «Исломи давлатининг

раҳбари кофир бўлиши жоиз»; «Модомики уруш кофирларга қарши бўлса, жосус одамнинг байроги остида кофир давлатнинг режаси бўйича уруш қилиш жоиз»; «Ўзининг абадий маҳрамларига (яъни онасига, қизига ёки туғишган синглисига – мух.) уйланган одамга ўн йил қамоқ жазоси берилади»; «Кема ва учқичга ўхшаш нақлиёт воситалари ажнабий ширкатларга мулк бўлса, уларга миниш жоиз. Аммо мазкур ширкатлар мусулмонларнинг мулки бўлса, уларга миниш харом. Чунки кейингилар аҳд-шартнома тузишга лойиқ эмаслар» ва ҳоказо.

Кўриниб турибдики, бу харом-хариш аралаш «хукму фатволар» мусулмонларнинг имонини бут қилиш, ахлоку одобини гўзаллаштириш, уларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини, маърифий тараққиётини юксалтиришга эмас, бу мақсадларнинг айнан тескарисига хизмат қилади. Бундай ажабтовур алжирашларнинг пайдо бўлишига хизбнинг штаб-квартираси Лондонда жойлашгани таъсир қилиптимикин ё?..

* * *

«Жамиятга таъсир қилишда шахслар ўртасидаги алоқаларга қарши чиқишнинг ўзи етарли эмас. Балки салтанат ва халқ ўртасидаги алоқаларни куч ва журъат билан қарши чиқиш орқали ларзага келтириш зарур».

(«Жамиятга кириш» китоби, 8-бет.)

Ҳизбчилар бугунги кунда мавжуд барча давлатларни (улар қаерда жойлашгани, аҳолиси қайси динга эътиқод қилиши, ҳаёт тарзи ва ўтказаетган сиёсатидан қатъи назар) беистисно «кофир давлатлар» деб эълон қилганларини айтдик. Уларни бошқараётган жами ҳукуматлар – «салтанат»лар ҳам, ўз-ўзидан, кофирга чиқарилган. Демак, аксарият эркин тарзда ўзига миллий йўлбошчиларини сайлаб, мустақил ҳаёт йўлини тутган миллиардлаб инсонларнинг хоҳиш-иродаси, фикр-у ўйи, эртанги кунга тузган режалари сариқ чақалик қимматга эга эмас. Ҳар бир давлатда шу мамлакатнинг тарихий ривожини, конкрет ижтимоий-сиёсий вазият, аввалдан белгиланган мақсадлар талабидан келиб чиқиб умумхалқ иродасига кўра

ўтказилган сайловлар заррача аҳамият касб этмайди. Бир-икки давлат нима экан, бутун инсоният адашган. Бир ҳовуч ҳизбчиларнинг ақли етган нарсаларга миллиардлаб инсонлар ақли ожизлик қилган. Миллиардлаб ақл ва қалблар ҳаммадан яширинган ана шу бир тўда кишилар ақли ва кўнгил истакларига бўйсунуши, уларнинг гапига кириб, ўз ҳукуматларига – миллий салтанатларига қарши туриши лозим...

«Салтанат ва халқ ўртасидаги алоқалар ларзага келтирилиши лозим» деган гап кулоққа жуда таниш эмасми? Инсоният бундай чақириқларни «Коммунистик манифест»дан ўқиган, Маркс ва Лениннинг пролетариатга қилган мурожаатларида эшитган, энг ачинарлиси, бу жозибадор даъватларга эргашиб, бошига даҳшатли фалокатлар тушган эди. Рус мутафаккири Ф. М. Достоевский бундай даъватчиларни «иблислар» («бесы») дея номлаган бўлса, инглиз адиби Ж. Оруэлл улар ташкил этмоқчи бўлган жамиятни «оғилхона» («скотный двор») деб атаганди. Ҳизбчилар ўз секталарини «исломий ҳизб», бундан буён инсоният яшаши лозим бўлган тузум номи эса «ҳалифалик» бўлади, деб ҳаммаёққа жар солмоқдалар. Лекин ашаддий атеизмни тарғиб этган шўровий тузум мафкурарчилари ҳам «олма дарахти тагига ахлат солса ҳам мевасини еса бўлади-ку, бу шунга ўхшаш наrsa» дея яланғоч суратларни томоша қилишни тарғиб этмаган эди. Бошқача қилиб айтганда, ҳатто «оғилхона»да маън қилинган ишларга рухсат бериб кўйиладиган «ҳалифалик»нинг бўлғуси ҳаётини тасаввур этиш учун ортиқча фаросатнинг ҳожати бўлмаса керак.

Хўш, энди ўйлаб кўрайлик: халқ шундай аҳволга тушиш учун ўзи умргузаронлик қилаётган салтанатни ларзага келтирмоғи керакми? Ҳизбчилар бу жараёнда халққа қайси ролни таклиф этмоқдалар: тагига ахлат солинадиган олма ролиними ёки олманинг тагига солинадиган ахлат ролиними?!

* * *

«Модомики унга кучли ва доимий зарба берилмас экан, одамлар ўз жамиятларининг ёмонлигини ва бу жамиятни ўзгартириш зарурлигини ҳис қила олмайдилар...»

(«Жамиятга кириш» китоби, 8-бет.)

Тилда бутун умматни «саодатга олиб чикмок»ни ваъда қиладиган ҳизбчилар амалда айни шу уммат борасида бу қадар менсимай, пастга уриб муносабатда бўлиши ўзини озгина бўлса-да ҳурмат қиладиган ҳар қандай одамнинг ғашини келтирмаслиги мумкин эмас. Ҳизбчилар то қай бир гўрдан келиб «зарба» бермагунларича ўзлари яшаётган жамиятнинг, уни бошқараётган раҳбариятнинг яхши-ёмонлигини «ҳис қила олишмас», одамлар ҳам юрган экан-да... Қолаверса, муайян нарса-ҳодисанинг яхши ёхуд ёмонлигини сезмок учун унга «кучли ва доимий зарба» бериш лозимлиги ҳақидаги тескари қонуният қачон кашф бўлган ўзи? Ўзинг бемалол яшаб турган уйнинг яхши-ёмонлигини «сезиш» учун уни портлатиш... қайси ақлга тўғри келади? Бу ўзи ўтирган шохни кесиб, у билан бирга юзтубан бўлиб кетишга очиқдан-очиқ даъват эмасми?

Ахир, бирор нарсанинг қандай эканлиги синчиклаб кузатиш орқали сезиб-билингач, унинг моҳияти обдон ўрганилгач, уни ўзгартириш йўлида ҳаракат бошланмайдими?

Аслида ҳизбчиларнинг нияти мутлақо бошқа нарсага қаратилган. Улар кўзлаган пировард мақсад – дунё давлатларини ўша юрт эгалари эмас, балки улар бошқаришига эришиш, ҳамма ерда салтанат тизгинини қўлга олиш. Бу жараёнда улар амал қилмокчи бўлган тактик ғоя – «сопини ўзидан чиқариш» – халқ билан миллий ҳукуматлар ўртасидаги алоқаларни куч билан бузиб ташлаш.

Кўряпмизки, бу ғоя ҳам аввалгиларидек марксизмнинг тешик қопидан тушиб қолган қарашлар сирасига киради. Ёдингизда бўлса, шўро пайтида «пролетариат доҳийси»нинг кўплаб дарсликларга киритиладиган қуйидаги ғалати гапи бор эди:

«Файласуфлар дунёни турли тарзда тушунтириб келдилар, лекин гап шундаки, уни ўзгартирмок керак».

Ҳизбчиларнинг ҳам дунёни ўрганмокқа, тушунмокқа, ҳис қилмокқа ҳеч тоблари йўқ. Нима қилиб бўлса ҳам, қанча қурбон эвазига бўлса ҳам уни ўзгартиришга ошиқмокдалар. Яна бу «ўзгариш» шундай бўлсаки, пировардида салтанат тепасида, албатта, улар ўтиришса.

«Ҳизб салтанатни фақат ҳокимлар қўлидангина эмас, балки бутун ҳукмрон синф қўлидан амалда тортиб олишни мақсад қилади».

(«Жамиятга кириш» китоби, 19-бет.)

Энди ушбу кўчирмани «ҳизб» сўзи ўрнига «коммунистлар» ёки «большевиклар» сўзларини қўйиб қайта ўқиб кўринг. Нима ўзгаради? Қачон исломда жамият синфларга бўлиб талқин этилган? «Синфий жамият» тушунчасини инсониятга ким тиқиштирган? Муайян жамиятни синфларга бўлиш, улар ўртасига сунъий хитой девори тиклаш, бир миллат орасини баррикадалар билан ажратиб, биродаркушлик урушларини бошлаш кимларнинг аъмоли? Наҳотки, Аллоҳ умматга шуни буюрган, шу йўл билан унинг пароканда бўлиб кетишини, бутун дунё кўз олдида шарманда бўлишини хоҳлаган?

Салтанатни «ҳокимлар» ва «ҳукмрон синф қўлидан амалда тортиб олишни мақсад қилган» большевиклар ва фашистлар тузуми одамзод бахт-у иқболи учун нималар барпо этгани маълум-ку! Советлар ҳукумати тузган ГУЛАГ лагерларида, фашистлар урфга киритган концлагерларда юз эмас, минг эмас, миллион эмас, ўн миллионлаб бегуноҳ одамларнинг азиз умри елга совурилгани, бунинг натижасида инсоният не-не илмий ва бадий кашфиётлардан, қанчадан-қанча бунёдкорлик мўъжизаларидан бенасиб қолгани аниқ-ку! «Отанасининг тайини ҳам йўқ, сут кўр қилгур хароми Гитлер оқпадар» ҳам (Ғафур Ғулом таърифи) айни ҳизбчилар сингари ўз миллатдошларига «жаннатлар» ваъда қилгани ҳали одамзоднинг ёдида-ку! Фарқи фақат юзада – «фюрер» «иркдошлар бахту иқболи»ни қартага тиккан бўлса, ҳизбчилар «диндошлари» тақдирини хомталаш қилдирмоқчи..

«Кўр ҳассасини бир марта йўқотади». Заҳарли ишкорнинг қуйдирувчи хоссасини билиш учун унга қўл ёхуд бошни тикиб кўриш шарт эмас. Жамиятни синфларга ажратиб бирига гиж-гижлаш, юзага келган талотўмдан фойдаланиб салтанатни қўлга киритгач, ҳукмрон синфга айланишни мақсад қилган бу кучлар ўз ҳукми остида қоладиганларни

не куйга солиши мумкинлигини, улар худди гранатадек жамият ичига ташлаётган ғоялардан бурксиётган тутун-у хиддан ҳам билса бўлади. Президентимизнинг «**Мафкура полигонлари ядро полигонларидан хавфлироқ**» деган огоҳлантиришидан келиб чиқсак, бу мафкуравий бурксишни ўз вақтида ва батамом ўчириш нақадар долзарб, ҳаёт-мамот масаласи экани яққол ойдинлашади.

III бўлим ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

МИЛЛАТ РУҲИГА САДОҚАТ

*«Мен мусулмон бўлиб туғилганман,
мусулмон бўлиб ўламан»*

Ислом КАРИМОВ

Ихлос

2003 йилнинг 27 ноябри – Ийди Рамазоннинг учинчи куни. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бухорои Шариф тупроғида қайта қад ростлаган икки муборак қадамжо – Абдулхолик Ғиждувоний ва Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд мажмуалари зиёратига келиши кутилмоқда. Президент Ғиждувоний зиёратгоҳини кўриб, кейин Баҳоуддин Нақшбандга – асосий анжуман ўтадиган даргоҳга келади. Мамлакат раҳбари ташрифи учун ҳамма нарса тахт қилинган. Тошкентдан ва вилоятлардан борган уламолар, тарихчи ва тасаввуфшунос олимлар, хорижий меҳмонлар, Бухоро жамоатчилиги – ҳамма Баҳоуддин Балогардон ҳоки ётган тупроққа катта руҳий тадорик ва ихлос-ла қадам қўяди. Одамлар икки-учтадан бўлиб қадамжони зиёрат қилар эканлар, улар ўртасидаги суҳбат пироварди муштарак мавзуга бориб тақалади: бундан бир-икки йилгина аввал бу жойлар қай аҳволда эди? Даҳрий шўро замонида-чи?

Бизнинг ҳамроҳимиз Жондор тумани ҳокими Ҳолмурод Жумабоевнинг тўлқинланиб айтаётган гапларига кулок тутамиз:

– Мана шу турган жойимизда не воқеаларнинг гувоҳи бўлмадим. Шўро тузуми ўзини охирги кунларигача бизнинг руҳимизга эгалик қилишини қўймади. Шу Когон райони бошқарувида хизмат қиламан денг. Мана шунақа улуғ айём – ҳайит кунлари тўғридан-тўғри Масковнинг ўзидан келган топшириқни бажаришга сафарбар қилинамиз. У пайтда турфа аҳмоқона топшириқлар кўп бўларди-ю, лекин буниси ҳаммасидан аввал юракка юк бўлиб тушарди. Яъни биз арафа куниёқ шу мазорот дарвозаси олдида қўриқчилик қилиб, зиёратга келаётган халқнинг йўлини тўсишимиз, одамларни худди қўйдек олдимизга солиб қувишимиз талаб қилинарди. Алҳамдулиллоҳ, мусулмонмиз – одамларга иложи борича қаттиқ гапирмасликка уринамиз, зиёратгоҳнинг ўзида эмас, нарироқда – тут пайкаллари орасига бориб, бировни кўзига кўринмасдан дуои фотиҳа қилиб кетаверишларини маслаҳат берамиз...

У ёғини сўрасангиз, одамлар талпинаётган зиёратгоҳнинг ўзи бирор инсофли топилармикан деб, мадад сўраб ётарди. Атроф-теваракни одамнинг бели баравар ёввойи ўт қоплаган, шу яқин қишлоқлардаги савобталабларга бу ерни тозалаб тартибга келтиришга ҳам руҳсат берилмас, гўё бу жой қанча харобалашса, даҳриёна сиёсат учун шунча яхши эди. Баҳоуддин Нақшбанд қабри атрофига қурилган масжидларга «Коммунизм» колхозининг тонналаб сунъий ўғити тўлдирилган, бу ердан беш-олти чақирим нарига ўткир қўланса ҳид таралиб турарди. (Айрим кўзи очик одамлар буни тағдор қилиб «коммунизмнинг ҳиди» деб қўйишарди.)

Яратганга шукрки, юртимизни мустақил кўрмоқ бизга насиб этди. Президентимиз бошқа зиёратгоҳлар қатори Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари хилхонасини обод қилиш ташвишига тушдилар. Шу жараёнда бўлиб ўтган бир воқеа ҳеч ёдимиздан чиқмайди.

1993 йилнинг сентябрь ойи эди. Президентимиз улуғвор ва гўзал бир қандилни Тошкентдан шу зиёратгоҳнинг энг

муаззам гумбазига осиш учун юбордилар. Таъмир ишлари тугай деб қолган пайтда қандилни юкорига кўтара бошладик. Шу пайт унинг занжири бирдан узилди-ю маҳобатли қандил пастга қараб кетди. У билан бирга бизларнинг ҳам юрагимиз қанчалар шувиллаб кетганини тасаввур қиларсиз. Буни карангки, ҳов юкоридан тушаётган қандил хонақонинг тош полига 2–3 метр қолганда бир нозик электр симига илинганча осилиб, тўхтаб қолди...

Орадан уч кун ўтиб, таъмирлаш ишларининг боришини билиш мақсадида барча вилоятлар ҳокимларини ёнига олиб, Президент келди. Ҳамма жойни синчиклаб кўрди, зарур кўрсатмалар берди, Қуръон ўкилиб фотиҳалар қилинди. Юртбошимиз хонақадан чиқиб кетаётган жойида бир қайрилиб гумбазга қараб қолди-ю, бизларга савол берди:

– Мен жўнатган қандилни нега осмадинглар?

Ҳамма жавоб кутиб менга қаради. Мен ҳаяжондан зўрға ўзимни босиб:

– Гумбаз қандилни қабул қилмади, – деб жавоб бердим.

Президент бошқа гап айтмай, Баҳоуддин Нақшбанд масжидининг имом-хатиби Бобожон домланинг қўлтиғидан олиб ичкари кириб кетди ва ўша ерда икки ракат номоз ўқиб, узоқ дуо қилди.

Номоздан туриб чиқаркан, «Қани, энди яна бир ҳаракат қилиб кўринглар-чи», дея биз билан хайрлашди.

Худонинг қудрати билан ўшандан кейин қандил осонгина масжид гумбазига осилди ва ҳамон шу ерда нур сочиб турибди...

Асосий мезон – одамийлик

Мавриди келди, келинг, эътиборли таълимотлардан бири – тасаввуф тўғрисида қисқача мулоҳазага берилайлик. Бу таълимот одам руҳияти ва қалби билан мустаҳкам алоқада бўлиб келгани билан ҳам маданий тарихимизда алоҳида ўрин эгаллайди.

Тасаввуф ботин, яъни инсон ички олами ҳақидаги илмдир. Шу боис суфийлар бу илмни илми хол (руҳият илми) деб атаганлар.

Алоҳида уқтириш жоизки, суфийлар шариатни асло инкор этмаганлар. Аммо тоату ибодатни адо этиш билан чекланмасдан, балки Аллоҳ каломининг мазмун-моҳиятига чуқуррок кириб бориш, инсон ва Яратган орасидаги муносабатни теран англаш, Илоҳни чин дилдан севиш ва қалбни тозалаш, уни Худонинг уйига айлантиришни орзу қилганлар. Бундай ёндашув юзаки, чала диндорликни рад этиб, унинг ўрнига бутун вужуди билан Худога интилиб, ахлоқий покланиш, инсон сифатида камол топиб, юксалишга, маънавий чиниқишга олиб келади. Ана шу ғоя замирида Комил инсон тушунчаси ривожлантирилган.

Комил инсон – софлик ва шафқат тимсоли. У шариат ва тариқатда етук инсон бўлиб, умрини одамларни тўғри йўлга бошлаш, фитна ва жанжаллар, уруш-қирғинларнинг олдини олишга бағишлаши лозим. «Комил инсон учун одамлар орасида яхшилик уруғини сепиш ва ёмонликлар, жаҳолатга қарши курашишдан кўра фойдалироқ ибодат йўқдир» (Азизиддин Насафий).

Шу маънода, яхшилик қилишга доимий қарздорлик хис қилиб яшайдиган замондошимизнинг ҳар бир амалига баракаи азимни Яратганнинг ўзи ато этиши шубҳасиздир.

Нажмиддин Кубро, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрори Вали ана шундай комил инсонлар, халқни эзгу мақсадлар сари етаклаган руҳоний пирлар эди. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида охират ва дунё, илоҳийлик ва дунёвийлик бирлашиб кетади. У инсонни ҳам жисман, ҳам руҳан тарбиялар, ҳалол меҳнат билан кун кўришни, ободончилик ва яратиш ишлари билан шуғулланиб, Аллоҳни қалбда олиб юриш, бир нафас ҳам Уни унутмасликни уқтирган. Нақшбандия ва умуман хожагон тариқатининг тамойиллари ҳам айна шу мақсадга йўналтирилган. Яъни Аллоҳ ёди билан нафас олиш, ватанни севиб сафар қилиш, обод этиш, манманлик, қибру ҳавони тарк этиб, руҳиятни поклаш, ўз-ўзини назоратга олиб, қилаётган ишларининг Аллоҳга ва инсонларга қанчалик хуш келишини аниқлаш.

Ана шулар асосида «Дил ба ёру даст ба қор» (Дилинг Худо билан, қўлинг иш билан банд бўлсин) шиори майдонга таш-

ланган эдики, бу тарки дунёчилик ғоясини ҳам, текинхўрлик ва таъмагирликни ҳам рад этарди. Тасаввуф аҳли ҳаётга, жамият ва инсон масалаларига кенг қараганлар. Бу чин маъноси билан инсонпарварлик таълимотидир. Чунки суфийлар, гарчи чин мусулмон сифатида шуҳрат қозониб, ислом дини тозалиги учун курашган бўлсалар-да, аммо ҳеч қачон ўзга динларни камситмаганлар. Аксинча, улар барча динларни Худо сари олиб борадиган турли йўллар ва воситалар деб қараб, хоҳ насроний бўлсин, хоҳ буддавий, эхтиром ва ҳурмат билан муносабатда бўлганлар. Тасаввуфни обдон ўрганган инглиз олими Р. Николсон бундай ёзади: «Мусулмон бўлиб туриб, барча динлар ва мазҳаблар билан муроса ва мадора қиладиган ҳамда ўзаро кечиримлилиқ, меҳрибонлик асосида яшайдиган жамики кишилар, гарчи расман суфий бўлмасалар ҳам, улар (амалда) суфийдирлар».

Ана шунинг учун ҳам тасаввуф ва тариқат ақидапараст фундаменталистларга ёқмаган. Абдулвахҳоб ва унинг издошлари тасаввуфни исломга зид, бидъат таълимот деб, унга қарши жиҳод эълон қилган, улуғ шайхларнинг мақбараларини вайрон этиб, китобларини ёндирган. Улар қабрларни зиёрат қилиш, авлиёга ихлос қўйишни куфр, Аллоҳга ширк деб айтган. Бу бориб турган калтабинлик ва динни ҳам, инсон психологиясини ҳам тушунмасликдир. Зеро, одамлар авлиёлар, шайхларни зиёрат қилар экан, улар воситасида Аллоҳга эътиқодларини изҳор этадилар, бу орқали диний туйғулар кондирилади, исломга муҳаббат кучаяди. Тасаввуфнинг Комил инсон ғояси айниқса диний ақидапарастлар ғазабини келтиради. Зотан бунда улар инсоннинг эрки ва тараққиёти ифодаланганини ҳис этадилар. Чунки ақидапарастлик – айни жаҳолатдан бошқа нарса эмас. У инсонга муте қул, тақдирнинг ўйинчоғи деб қарайди, унинг қалби ва маънавий эҳтиёжлари билан мутлақо ҳисоблашмайди. Фундаменталистлар тасаввуф таъсирида шаклланган адабиёт, фалсафа ва санъатдан ҳам воз кечиш, умуман ақл ва ҳис билан яратилган жамики нарсаларни нобуд этишни талаб қилади. Шу боис ҳам суфийлар ақидапараст шахсларни жоҳил ва думбул одамлар деб баҳолаган. Ақидапарастлик одамлар орасига

низо уруғини сепса, тасаввуф уларни рухан бирлаштириш гоясини илгари суради.

Тасаввуфни диний бағрикенглик таълимоти, инсон камолотига йўл кидирган ҳамда жаҳолатга қарши курашиб келган маърифий таълимот, деб атаймиз. Ушбу таълимот бугунги Ўзбекистоннинг миллий-маънавий юксалишининг асосларидан бири сифатида танланиши, Юртбошимизнинг улуғ шайхларимиз руҳи покларини эъзозлаб, уларнинг мазоротларини обод этиб зиёратгоҳларга айлантираётгани, асарларини кенг тарғиб этишга раҳнамо бўлишида катта маъно бор. Биз исломни шу муборак зотлар таълимоти билан қабул қилганмиз ва севганмиз. Ислом динининг ҳақиқий моҳияти бизнинг юртимизда кенг ўрганилган ва маданий ҳаётимизга сингиб кетган экан, биз бу меросни кўз қорачиғидек асраймиз, унга чанг солган ёвуз кучларга қарши курашдан чарчамаймиз.

Жаҳолатга қарши – маърифат

Давлатимиз раҳбари Хожа Баҳоуддин Накшбанд зиёратгоҳида ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нуткида бир муҳим масалага алоҳида урғу бериб, шундай деган эди: **«Мен Ўзбекистон тарихидаги шу каби олижаноб ишларни халқимизнинг нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда ислом динини асраш ва ҳимоялашга кўшаётган ўзига хос ҳиссаси, динимизга нисбатан турли бўҳтонлар уюштираётган, унинг обрўсини тўкишга уринаётган кучларга қарши аниқ ва амалий жавоби, деб қабул қилишингизни истардим».**

Яқинда Ўзбекистонга АҚШнинг Р. Никсон номидаги таҳлилий марказ ҳузуридаги «Халқаро хавфсизлик ва энергетика» дастури директори Зейно Баран хоним ташриф буюрди. У сафардан қайтиб боргач, Вашингтондаги ушбу марказда ўтказилган илмий семинарда қилган ҳисобот докладада Ўзбекистонда ислом динидаги бағрикенгликни кўллаб-қувватлаш, тарихан вужудга келган анъанавий исломий кадриятларни тиклаш, диний таълимни йўлга қўйишда эришилган муваффақиятларга юксак баҳо берди.

3. Баран семинарда иштирок этаётган АҚШ Конгресси, Давлат департаменти, Пентагон, Адлия вазирлиги, халқаро ташкилотлар вакиллари ва дипломатлар эътиборини айти соҳада Ўзбекистон тажрибасини жиддий ўрганишга чақирди. «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан қилган суҳбатда у, жумладан, шундай дейди:

«Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида қўлга киритилган ютуқларни, афсуски, АҚШда ҳамма ҳам яхши билмайди. Мен АҚШга шундай катъий ишонч билан қайтдимки, ислом дини демократия гоилари ва иқтисодий ислохотлар билан уйғун кела олиши борасида Ўзбекистон бутун Марказий Осиё мамлакатлари учун ибрат намунаси бўла олади. Ҳозир Ғарб мамлакатлари ва АҚШ афкор оммасига чинакам исломий кадриятлар билан уни бузиб кўрсатаётганлар орасидаги фарқни изоҳлаб бериш ниҳоятда муҳимдир. Буни худди Ўзбекистонда қилинаётгани сингари тегишли адабиётларни чоп этиш, Куръонни тўғри таржима қилиб, тўғри талқин этиш орқали амалга ошириш мумкин. Имоним комилки, динга муносабат борасидаги Ўзбекистоннинг ҳозирги тажрибалари анъанавий исломни чуқурроқ тушунишимиз учун бизга ёрдам беради».

Дарҳақиқат, бутун дунёга таҳдид солаётган фундаменталист оқимлар, террорчи ёвуз кучлардан фақат қурол, куч ишлатиш йўли билангина кутулиб бўлмайди. Афғонистон ва Ироқдаги воқелик бу кураш жабҳасини маънавий-маърифий соҳага кўчиришни, айти миллатлар – мусулмон аҳолисининг ижтимоий-руҳий ҳолати, миллий кадриятлари билан ҳисоблашишни талаб қилмоқда.

Демак, инсониятнинг мадания тараққиёти йўлида катта говга айланаётган диний экстремизм, фундаментализм ўзини турли йўллар билан намоён этаётган экан, унга қарши кураш усуллари ҳам хилма-хил бўлиши, бу кураш мунтазамлик касб этиши лозим. Халқимиз тўнкани кетмон билан қазиб олса, қўлга кирган зирапчани игна билан чиқаради. Ҳар бир дарднинг давоси ўзгача. Модомики, жаҳолат аввало инсон онгу шуурига ўрнашар, айнан шу ерни макон тутар экан, ундан қутилишнинг энг тўғри йўли онга таъсир қилмоқ, уни

турфа тазйиклардан асрамоқдир. Юқорида Хожа Баҳоуддин Накшбанд зиёратгоҳи шўро замонида қай ҳолга солинганини бекорга эслаганимиз йўқ. Бу мўътабар жойни ташландиқ ҳолга келтиришга уринган шўровий мафкурачилар, аслида, ҳазрат қабригагина эмас, балки миллат онгига ҳам зуғум қилган эдилар. Зиёратгоҳ ва унинг атрофини ёввойи ўт босиши – халқ хотирасининг қоронғилашуви, зиёдан бебаҳра қолиши дегани эди. Бу ерга эътиборсизликнинг тарғиб қилиниши – миллатнинг шонли ўтмишига беписандликнинг авж олдирилишини англатарди. Зиёратгоҳ йўлининг тўсилиши – миллий ўзликка қайтиш эшигининг тамбаланиши эди...

Демак, бу зиёратгоҳларнинг обод этилиши – инсон қалбининг ободлиги учундир. Уларнинг тозаланиб, покланиши онгу шууримизга ўрнашиб олган даҳриёна қарашлардан фориғ бўлишга даъватдир. Бу жойларга эътибор миллат рухиятига эътибордир. Зиёратгоҳлар йўлининг очилиб кенгайтирилиши дину диёнат томон олиб борадиган йўллардаги эмин-эркинликдир.

Айни мақсадларнинг эзгулиги ва ортга қайтмаслигининг яна бир далили сифатида, юртимиздаги асосий зиёратгоҳларнинг давлат томонидан таъмирланиб, Ўзбекистон Муслмонлари идораси тасарруфига фойдаланиш учун берилаётганини кўрсатиш мумкин.

Энди Президентимизнинг мана бу самимий сўзларига эътибор беринг:

«Сизларга очиқ айтсам, Баҳоуддин Накшбанд бобомизнинг мана шу муборак қадамжосини обод қилиш фикри кўп йиллардан буён хаёлимни банд этиб келарди.

Ҳар сафар шу муқаддас даргоҳни зиёрат қилганимда ўзимни шу буюк зотнинг руҳи олдида қандайдир қарздор деб ҳис этардим».

Англаш қийин эмаски, бу турли нокас кимсалар томонидан топталган тарих, халқ хотираси, миллий маънавият олдидаги қарздорлик ҳиссидир.

Абдулхолик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Накшбанд ҳазратлари замонидан буён бу юртни не-не ҳукмдорлар сўрамади. Амир Темур, Мирзо Улуғбек сингари бунёдкорлар нафақат

улуғвор иншоотлар билан юртни обод айладилар, балки миллат рухиятининг устунлари мустақкам бўлиши йўлида қайғурдилар. Дарҳақиқат, Соҳибкирон бобомизнинг «Биз ким...» дея бошланувчи машхур хитоби замирида ҳам савол, ҳам даъват, ҳам ифтихор жамул-жамдир. Юртбошимизнинг «**Ҳар бир инсон қурувчи бўлиши керак**» деган таъкидлари замирида фақат маҳобатли иморатлар қуришгагина эмас, балки инсон кўнглидаги бунёдкорлик, миллат қалбининг ободлиги, диёнат устунларининг тикланишига даъватни ҳам кўрмоқ лозим.

Афсуски, ўтмиш йўлларимиз ҳар доим ҳам ёруғ, текис ва обод бўлган эмас. Бу халқ теурий шижоатдан бебаҳра, миллий ғурур кўчасидан ўтмаган, энг баланд тахтга даъвогар бўлиб туриб бурнидан нарини кўрмаган подшоҳлару амирларнинг ҳам кўпини кўрди. Уларнинг бири яхлит мамлакатнинг пароканда бўлишига тек қараб турган бўлса, бошқаси фақат харамини кенгайтириш ташвиши билан яшади...

Энди Хожа Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳидаги анжуманда иштирок этган, бу ерда амалга оширилган савобли ишлардан тўлган кўнглини Юртбошимизга самимий сўзлар билан тўкиб солган нуроний отахонга қулоқ тутамиз:

«Бизнинг ота-боболаримиз, бизга насиҳат қилган, илм ва маърифат тарқатган алломаларимизнинг йиллар давомида етолмаган орзусини Сиз гапирдингиз. Қанча одамлар кон ютиб, йиғлаб, ханафия мазҳабига мувофиқ дин ишини ушлаб кетишликни орзу қилиб, шу орзуга эришолмади. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, мустақиллик бизга насиб этганидан кейин, алҳамдулиллоҳ, бизга динимизни, ўзимизнинг азалий, бутун оламга, бутун халқларга адолат билан муомала қиладиган бир ҳақ йўлни, ота-боболаримизнинг қилган ҳақ йўлини, яъни ханафия мазҳабига мувофиқ динимизга амал қилишликка Аллоҳ Сиз бошчилигингизда йўл очиб берди. Энди бунинг шукронасини асло-асло Аллоҳга айтиб чарчамаймиз.

Мана, динимизнинг ҳимоясини қиляпсиз. Аллоҳ йўлида, ҳақ йўлдан кетишимизга ўзингизнинг улуғ сифатларингиз билан мадад беряпсизми, Сизга Аллоҳнинг ўзи мадаккор бўлсин!»

Сизга Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин!

Энди айтинг – Нақшбанд ҳазратларининг асрлар куму тупроғи остида кўмилиб, унутилиб кетган муборак қадам-жолари пойдеворининг Юртбошимиз қадам-ла ўлчаб, қоғозга чизиб кўрсатган жойдан чиққани шу мададнинг, Аллоҳ амрининг ихлосли кўнгилдаги акси эмасми!? Мана шунинг эътирофи:

«Илоҳий куч мени шу нарсага зўрлагандек... Пок бўлиб сўрасанг, Аллоҳ берар экан. Яратганнинг ўзи мададкор бўлар экан».

«Бу дунёда кимдир кураб, кимдир бузар бемалол» дейди шоир. Қай бир қалби кўр кимса ўтган аср – шўро замонида Бобур Мирзонинг Сулаймон тоғ бағрига қурган ажойиб кўшкини бузиб ташлашга буйруқ берган бўлса, XXI аср тонготарида бошига яшил салла ўраган жоҳиллар раҳнамози мингйиллик маданият тимсоли – Будда ҳайкалларини замбаракдан ўққа тутуди. Демак, нур бор экан, соянинг бўлиши ҳам муқаррардир. Чин эътиқод бор экан, жаҳолатдан мудом огоҳ бўлиш ҳам фарздир.

Бу соҳада олдимизда турган улкан вазифаларни Президент лўнда ва тушунарли тарзда шундай ифодалайди:

«Бутун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этншимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб-беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор».

Бизнинг ўз сўзимиз

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган йиғилишда юрт раҳбари бутун миллат номидан яна бир бор ўз сўзимизни айтди. У ҳам бўлса ҳеч кимнинг етовига тушмасдан, ҳамма соҳада миллий манфаатлардан келиб чиқиб ички ва ташқи сиёсатни юритиш, иқтисодий ва маънавий-руҳий ҳаётни ташкил этиш. Бугунимиз ва келажағимизга даҳлдор бу бунёдкорлик ишлари ким-

гадир кўз-кўз қилиш, мақтаниш учун қўл учида қилинаётган ишлар бўлмай, балки узоқ истикболни ўйлаб режалаштирилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу ишларнинг муҳим йўналишларидан бири мамлакатимизнинг маънавий-руҳий ҳаётига дахлдор.

Маълумки, бу соҳа ниҳоят даражада кўпқирралилиги, мураккаблиги ва нозиклиги билан алоҳида диққат талаб қилади. Шу ўринда демократик қарашлар билан миллий кадриятлар ўртасидаги муносабат масаласига тўхтаб ўтмоқчимиз. Китобнинг шу боби дастлабки бўлимида таъкидланганидек, демократиянинг яшовчанлиги унинг турли шароитларга мослашиб кетиши ва миллий хусусиятларни инкор этмаслиги, аксинча, миллийлик билан уйғунлаша олиши билан белгиланади. Аслида бағрикенгликни кадрлайдиган демократия миллий хусусиятларга нисбатан ҳам ўз бағрикенглигини намойиш этади. Миллий хусусиятлар билан уйғунлаштирилган демократия эса демократик қурилишдаги ранг-барангликни келтириб чиқаради. Шу боис биз янги тараккиёт йўлини танлаганимизда ҳам ўзбеконаликдан воз кечиш эвазига демократик қарашларни ўзлаштиришни асло мақсад қилмаганмиз. Бошқача айтганда, мингйиллик илдизларга эга маънавий-руҳий дарахтни қўпориб ташлаш эвазига кўзни камаштирадиган номаълум ниҳолга эътикод қўйиш бизнинг аъмолимиз эмасдир. Зеро, бизнинг йўқотадиган нарсамиз – мустаҳкам маънавий томирларимиз, не-не суронли асрлар тўфонларидан бизни миллат сифатида эсон-омон олиб ўтган ўлмас кадриятларимиз бор. Демократияни эса биз мана шу кўхна тарихга эга маънавиятимиз дарахтига пайванд қилиш имконияти борлиги учун ҳам танлаганмиз. Шу боис демократиянинг даражасини миллий хусусиятлардан чекиниш даражаси билан ўлчаётган кишиларга ўз сўзимизни айтишга ҳақлимиз: сиз бу ҳаракатларингиз билан диний ақидапарастларнинг мусулмонлар орасидаги мавқеини ошираётганингизни, турли миллатлар ва халқларнинг демократияга бўлган ишончини сўндираётганингизни тушунасизми?

Ўзини инсон ҳуқуқларининг холис ҳимоячиси деб таништирадиган хорижий ташкилотлардан айримларининг

«Маҳалла давлатнинг тазйик кўрсатувчи идорасига айлан-япти» деган даъволари муносабати билан бир мулоҳазага тўхталиб ўтсак. Маълумки, бизда маҳалла институти кеча пайдо бўлгани йўқ. Афсуски, шўро замонида бу тузилма жамият бошқарувидан мутлақо мосуво қилиб қўйилди, у майда-чуйда масалаларда ҳар қандай шўро идораси талаб қилиши мумкин бўлган маълумотнома – справка ёзиб бериш пунктига айлантирилди. Бунинг натижаси эса – тарихимизда умуман учрамаган тирик етимларнинг кўпайиши, кишилар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг кўтарилиши, «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» деган қарашнинг кенг тарқалиши билан ўзини намоён этди.

Бугун биз миллий турмуш тарзимизга етказилган мана шу захани даволаш мақсадида эканмиз, бу эзгу ниятимиздан ҳам кир қидираётган, уни ўз манфаатига мос тор қарашларидан келиб чиқиб баҳолашга уринаётганлар ҳаракатига тушуна олмаймиз. Ахир қай бир Ғарб давлати бир жинсли никоҳларга кенг йўл очиб беришни ўзига эп кўраётган бўлса, бошқа бир «маданиятли миллат» вакиллари эса демократияни дўконга кип-яланғоч ёпирилиб кириб, қўлига илинган нарсани олиб кетиб, тубан нафсини қондиришдан иборат деб тушунаётган бўлса, уларнинг бу ишига аралашмаётганимиз бизнинг айни борада умуман фикрга эга эмаслигимизни англамайди-ку. Кунора такрорланиб турган бундай ҳолатлар борасида биров бизнинг фикримизни сўраб ўтиргани йўқ-ку. Нега энди инсонпарварлик руҳи уфуриб турган ўз миллий кадриятларимизни қайта тиклаш йўлида қилаётган ҳаракатларимиз бошқаларнинг уйқусини кочириши керак? Ахир, ўз фикримизни бировга зўрлаб тиқиштириш ниятидан узоқлигимиз ҳам бизнинг демократияни теран тушунишимиз белгиси эмасми?..

Қолаверса, бизнинг халқимизда қалб кўзи билан кўриладиган, миллат руҳиятига сингиб, унда мингйиллик тажрибалар асосида сайқал топган ёзилмаган турмуш қоидалари ҳам мавжуддир. Уларга кўра, оилавий тушунмовчиликлар дарров эл орасида дастурхон қилинмайди, эр хотиннинг, хотин эса эрнинг устидан пинҳона ариза ёзиб кўчага ҳовлиқмайди.

Модомики, бу оила аъзоларининг ҳар иккиси маҳалла-қўй кўзи олдида вояга етган, уларнинг феъл-атворидан айнан шу маҳалладагилар ҳаммадан кўра яхшироқ хабардор экан, энг муҳими эса, уларнинг муқаддас никоҳига шу кишилар гувоҳ бўлган экан, пайдо бўлаётган оилавий низоларнинг олдини олишга маҳалланинг кўмаклашуви тўғрироқ ва самаралироқ бўлиши табиийдир.

Марказий Осиё давлатлари аҳолиси орасида сўров ўтказган бир хорижий ташкилот «хулосаси»га кўра, гўё Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқи кўпроқ поймол қилинар эмиш. Энди «текширувчилар»нинг бундай хулосага келишига асос бўлган саволларига эътибор беринг: «Оила катталари Сизнинг калта қўйлак кийишингизга қаршилиқ қилишадими?», «Кечкурун истаган вақтингизда уйдан чиқиб кетишингиз мумкинми?», «Телевизорда истаган фильмингизни, жумладан, беҳаё фильмларни ҳам кўриш имкониятига эгасизиз?» ва х. Ўйлаб кўрайлик, чинакам ўзбек қиз-жувонлари бу саволларга қандай жавоб беради? Қандай жавоб берса, уларнинг эркинлиги намоён бўладию, қай жавоблари уларни «хуқуқсиз» деб эълон қилинишига «асос» бўлади?

Албатта, умуминсоний қадриятларни биз ҳам тан оламиз. Лекин, ўз навбатида, юқорида тилга олганимиз халқ қадриятлари айнан умуминсоний қадриятларга мос келишини ҳам айтиб ўтмай иложимиз йўқ. Шу нуқтани назардан биз демократик қарашларни сув қилиб ичиб юборган, уларни ўз аъмолига айлантиргану, лекин қалби миллий қадриятлардан бебаҳра қолган одамни ўзбек деб, комил инсон деб айта олмаймиз.

Юқорида халқимиз табиатига хос бўлган туйғу ва маънавий кўникмаларни ҳамма вақт ҳам қоғозда акс эттириб бўлмаслиги тўғрисида гапирдик. Бугина эмас, ҳатто қоғозда акс эттириш мумкин бўлган имон, инсоф, ор-номус, шарм-ҳаё, ифбат, андиша, ихлос, меҳр ва мурувват сингари ўнлаб миллий хислатлар борки, жуда кўп тилларда уларнинг таржимаси ҳам йўқлиги бояги нодавлат ташкилотлари вакилларини ўйлатиши лозим эди, бизнингча. Ахир, улар инсон ҳуқуқи ҳақида гапиришяпти-ку, улар инсон ҳуқуқларини ҳимоя

килишмоқчи-ку? Ахир одам боласининг, жумладан, она табиятнинг мўъжизаси бўлмиш аёлнинг чин инсоний ҳуқуқлари айнан шулар эканлигини уларга тушунтириб бўлармикан? Сўзга кўчмаган кадриятларни тушунишни улардан кутиб, балки биз ҳам хато қилармиз.. Эҳтимол, бу кадриятларни тушуниш учун фақат ўзбек бўлиб туғилиш керакдир.

Инсон инсондан тафаккури, дунёқараши билан фарқ қилади. Агар кимлар учундир фақат ўзини ўйлаб, индивидуалистик ва эгоистик дунёқарашга асосланиб яшаш яхшироқ ва қулайроқ туюлса, бу – уларнинг ҳуқуқи. Уларнинг бу ҳуқуқига дахл қилишни биз ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Бизнинг халқимиз азалдан жамоавий турмуш қоидаларига амал қилиб, шу кунларга етди ва бундан кейинги ҳаётини ҳам айна шу тамойил талаблари билан боғлайди. Бизнинг бир боламизга етти маҳалла ота-оналик қилиши бирортамизга малол келмайди, келинимиз ахлоқи учун қўни-қўшни ҳам ўзини жавобгар ҳис қилишини фақат яхшилик аломати деб биламиз, фарзандимизнинг ноҳўя қадамидан маҳалладошларимиз бизни вақтида огоҳлантирса, унга фақат раҳмат айтамиз. Биз инсонга хос ва мос ҳаёт деб мана шунақа ҳаётни тушунамиз ва уни ҳар томонлама рағбатлантирамыз. Зеро, бизнинг аждодларимиз имонли ҳаёт кечириш деганда айнан шундай турмушни тушунганлар ва Худога шукрки, кам бўлмаганлар.

Президентимиз «**Миллатни асраш керак**» деган ғояни қайта-қайта уқтиришдан чарчамайди. Миллатни асраш – унинг дину диёнатини, имон-этикодини, ахлоқ-одобини, бугунга қадар етишган маданий даражасини асраш демакдир. Ўтмишда юртимизга бостириб келган ҳар қандай мустабид борки, биринчи навбатда, миллий кадриятларни оёқости қилишга, миллат руҳини синдиришга ҳаракат қилган. Бугунги кунда ҳам бутун дунёда инсон қалби учун шиддатли кураш кетаётганини яхши тушунамиз. Демократия никобидаги нафсга қулликни, дин никобидаги жаҳолатни тарғиб этишдан кўзланаётган, узоқларга кетадиган манфаатларни теран англаймиз. Ва буларнинг барига нимани, қандай қудратни қарши қўйиш лозимлигига ҳам ақлимиз етади. Бу, биринчи навбатда, халқимизнинг ор-номуси, диний ва дунёвий

этиқоди, маърифатини ўзида мужассам этган маънавий кудратидир.

Сир эмаски, айрим кучлар томонидан «демократия тарғиботи» шаклида амалга оширилаётган ишлар тўғридан-тўғри Ғарб турмуш тарзининг зўрма-зўраки тикиштирилишига айланиб кетяпти. Бир пайтлар «жаҳон пролетариати инқилоби» қандай экспорт қилинган бўлса, бугун беҳаёлик, уятсизлик, шафқатсизлик ва зўравонлик билан боғлиқ ғайриинсоний ғоя ва қарашлар шундай экспорт қилиняпти. Бу «экспорт»нинг айрим кучлар томонидан «ҳақиқий демократия» деб номланаётгани айти тушунчанинг обрўсини тўкишдан бошқа нарса эмаслиги кундай равшан. Қолаверса, бу ҳаракатлар кеча ёки бугун бошланмагани ҳам маълум.

Бундан икки аср муқаддам яшаб ижод қилган фаранг адиби Маркиз де Саднинг номини кўпчилик эшитган, албатта. «Садизм» термини айти шу ёзувчининг исмидан олинган. Унинг, хусусан, «120 дней Садома», «Философия в будуарах» сингари тубандан-тубан китобларида инсон боласи ҳайвондан-да баттарроқ, шармандалироқ ҳолатларда тасвирланади, жинслараро муносабатларда ҳеч қандай шарм-ҳаёга, одоб-ахлоққа тўғри келмайдиган манзаралар тасвирланади, ҳатто (астаффурулло!) одамнинг чикитини еб роҳатланиш мумкинлиги тарғиб этилади...

Бир қарашда, руҳий алжирашдек туюладиган бу асарларнинг мағзида эса, де Сад яшириб ўтирмагани мана бундай ғоявий-мафкуравий мақсад ётади:

«Биз, – деб ёзади у «Ғоҳишахоналар фалсафаси» асарида, – бундан буён дунёни забт этмоқ учун беҳисоб қўшин билан узок ҳудудларга ҳарбий ҳужум уюштиришимиз, жангдан сўнг ўлган аскарларимиз этиги бегона юртларда чириб битиши мутлақо шарт эмас. Агар менинг китобларимга ўхшаш асарларда тасвирланган яшаш тарзи ва ахлоқни(?) бутун дунёга аста-секин муваффақиятли тарғиб қила олсак, шу орқали у ерларда яшовчи одамлар қалбини эгалласак, уларни жисман маҳв этишга ҳеч қандай ҳожат қолмайди. Қалби бизнинг қўлимизга ўтган халқларнинг ўзи, ихтиёрий равишда, оёғимиз остига юкиниб келади, бизга қул бўлади...»

Шукрки, бизнинг устозларимиз, таълим ва тарбия талаб қилиб борадиган мактабларимиз мутлақо бошқа. Де Садни устоз қилиб олганларнинг хуружларига биз устозимиз Нақшбанд ҳазратларининг ғоялари билан жавоб берамиз, ўлмас миллий кадриятларимизни асраб-авайлаймиз. Зеро, бу кадриятлар умуминсоний демократик тамойилларга қарши бўлмай, аксинча, уларни янада бойитилиши ва такомиллаштирувига хизмат қилади. Диний-экстремистик жаҳолатга жавобан динимизнинг софлигини сақлаш орқали маърифатли кураш олиб борамиз. Хулоса қилиб айтганда, бундай оммавий маданий экспансияга қарши туриш қудратига эга маънавий-рухий қувват соҳиби эканмиз, уни тарғиб қилишдан, ривожлантиришдан, бутун дунёга кўз-кўз этишдан андиша қилиб ўтириш вақти эмас.

ЎЗБЕКЛИГИМИЗЧА ҚОЛАЙЛИК

Инсоният тарихини баъзилар синфлар ўртасидаги курашлар тарихи, бошқалар бир-бирига уланган катта-кичик урушлар тарихи, деб баҳолашга мойиллик билдирган. Немис драматурги Шиллер эса «Одамзод ҳаётини очлик ва муҳаббат бошқаради» дейди...

Биз бугун бу талқинлар атрофида баҳс очиб ўтириш ниятида эмасмиз. Фақат ўз ҳаёти ва тақдирига бефарқ бўлмаган катта бир миллат вакили сифатида одамзод тарихига назар ташлаб, бу тарих азалдан миллатлар ва халқларнинг ўз озодлиги, мустақиллиги, ҳурлиги ва эркинлиги учун кураш тарихи деб баҳоланса, адолатдан бўлишини таъкидлаймиз, холос. Зеро, ўзини таниган, миллат сифатида дунёда яшашга ўзини ҳақдор деб билган ҳар бир халқ, беистисно, бу тақдирни бошдан ўтказган. Айни курашлар толотўмида қанчадан-қанча миллат ва элатлар йўқ бўлиб кетгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Яна бир ҳақиқат ҳам борки, бирор-бир халқ «бу курашда мутлақ ғолиб бўлдим, бундан кейинги ҳаётим то қиёмат қадар ҳурлик ва эркинликда ўтади», дея хотиржам яшаши мумкин эмас. Токи дунё бор экан, токи одамзод бу дунё неъматларига эгалик қилиш қутқусидан қутулмас экан,

бирон халқ тинчлик-хотиржамликка абадиян эга бўлолмади. Демокчимизки, миллий мустақилликни қўлга киритиш, унга эга бўлиш миллат олий мақсадининг бир қаноти бўлса, унинг иккинчи қаноти – бу буюк неъматни ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилиш, уни тобора мустаҳкамлаб боришдир. Ана шундагина бу халқнинг келажакка бўлган парвози ишончли, кўзлаган уфқлари кенг ва ёруғ бўлади.

«Инсонпарварлик нима бўлади?»

Яқинда шоир дўстларимиздан бири Америка сафаридан қайтди. Нафсининг эмас, кўнгилининг кишиси бўлган бу дўстимиз, кўпчиликнинг оғзидан сувини келтирадиган Америкага «бизга ҳеч бўлмас экан!» деган баҳони берди. У ўзини ҳайрон қолдирган, тасаввурини ҳуркитган оддийгина бир воқеа мисолида ўша фикрини исботлади:

«Бир куни элчихонамиз йигитлари ҳамроҳлигида катта бир «супермаркет»га кирдик. Болаларга совга бўлар, деб у-бу нарса танлаган бўлдим. Кейин ҳақ тўлайдиган йўлакчадаги навбатга бориб қўшилдим. Мендан олдин беш-олтита одам, олдимда қартайган бир кампир, секин силжиб бораяпмиз. Кампир билан менинг оралиғим икки-уч қадам бор. Навбатни жиним суймаганиданми, юрагим сиқилиб сал кампирга яқин бориб қолсам, ортимда турган элчихонамиз вакили кастюмимнинг этагидан тортиб қўяди. Икки-уч шундай бўлди. Ниҳоят, харидимнинг пулини тўлаб дўкондан чиқдик. Кўчада элчихонада ишлайдиган юртдошим – ёшгина йигитдан нега бундай қилганини кизиқиб сўрадим.

– Ака, – дейди у, – ўша кампирга бирор ерингиз, ҳатто нафасингиз тегиб кетса ҳам у сизни судга бериши, менинг эркинлигимга даҳл қилди, деб даъво қилиши мумкин. Кейин сафарингиз бир ёнда қолиб, судма-суд судралиб юришингизга тўғри келади. Бу – шунақа мамлакат...»

Анграйиб, оғзим очилиб қолди. Нима, инсон инсонга бегонами, бўрими, жўралар? Эркинлик дегани шу бўлса, инсонпарварлик деганимиз нима бўлади? Онамдек қария мендан жирканса... тараққиётми шу?»

Шоирни тингларканмиз, Россия газеталарининг бирида босилган мақоладаги «ғарбона ҳаёт»нинг яна бир «ғаройиб неъмат» кўз олдимизда намоён бўлади. Мақолада Франциянинг Анже шаҳрида 62 киши икки йил давомида 45 нафар ёш болалар номусига теккани, текканда ҳам тилга олиб бўлмайдиган усулларни ишлатганлари ёзилади. Бу бечора болаларнинг ичида ярим яшар гўдак(!)дан тортиб 12 ёшли норасидагача бор... Энг даҳшатлиси, бояги 62 та инсон қиёфасидаги махлуқларнинг каттаси – 73 ёшли Филипп деган қария бундан анча йиллар илгари ўзининг ёш қизалоқларини ва ўғли Франкни ҳам булғаган экан. Қон тортишини қарангки, Франк деганлари катта бўлиб, ўзига ўхшаган бир бузукқа уйланибди, хотини иккиси болалар исловотхонасини ташкил этишибди. Наҳс босган кимсалар кўтариб келган жирканч пул, майда-чуйда совға-салом, ичимликлар эвазига уларнинг ихтиёрига ўз болаларини, қўни-қўшниларнинг гўдақларини қўшиб беришни одат қилишибди. Қўни-қўшни деганимиз ҳам бош-бути билан шу манфур ишга шўнғиган иблислар бўлиб, дунёда ўзининг ҳайвоний нафсидан бошқани тан олмайдиган кимсалардир. 73 ёшли қария Филипп энди ҳар куни ўз набирасининг – оғзидан она сути кетмаган (агар бу бечора болалар она сутидан умуман баҳраманд бўлишган бўлса!) қизалоқнинг номусини булғаб «лаззатланаркан».

Бу ҳодисалар ўзини инсоний такомилнинг энг юқори чўққисига етдим, деб ҳисоблайдиган Европа қитъасининг қоқ марказида юз беряпти.

Юқорида тилга олинган ҳодисанинг хавфли жиҳати – бу тубанликларнинг ҳам ўз «фалсафий илдизи, таянчи» мавжудлигидир. Шу ўринда Маркиз де Саднинг бутун дунёга ёймоқчи бўлган «эркин яшаш фалсафаси»ни яна бир бор эслайлик. Унинг назарида, «эркинлик деганлари – кишининг хоҳлаган ишини хоҳлаган пайтда, хоҳлаган ерда, хоҳлаган шаклда, хоҳлаган муддатда, хоҳлаган кишиси билан қилиш ҳуқуқидир...»

Дунёни обдан кезган одам – Жаҳон Олимпия қўмитасининг раиси жаноб Жак Роже гапини шамолга совурадиганлар хилдан эмас. Шу киши Ўзбекистон билан танишгач, жиддий бир хулосаси билан ўртоқлашди:

«Очиғи, сизга ҳавас билан қараймиз, – деди у. – Чунки сизнинг интиладиган порлоқ келажагингиз бор. Афсуски, аксарият Ғарб ва океанорти мамлакатларининг келажаги йўқ. У ерларда аҳолининг 70–80 фоизини кексалар ташкил қилади. Бари айб – ўзимизда. Сизларда бўлса, аксинча – туғилиш, кўпайиш кўп. Сизлар эртанги кун умиди билан яшайсизлар. Фарзандларингиз соғлигини ўйлаб, уч босқичли спорт мусобақалари тизимини яратганингиз ҳам худди шу – келажак тўғрисидаги ўйларингиз, орзуларингиз ифодасидир».

Кўзлари басир бир нотавондан дунёдаги энг катта орзуси нима эканини сўрашганида, у кўзининг очилишини эмас, аксинча, бошқа барча одамларнинг ўзи сингари сўқир бўлиб қолишини истагини айтгани тўғрисидаги ривоят ёдингиздами?

Бугун бизга ўз яшаш тарзини экспорт қилиб сингдирмоқчи бўлаётган Ғарбдаги айрим кучлар ҳаракатини айни шу одам ҳолатига қиёслаш мумкин. Улар ўзини ҳалоқат ёқасига бошлаб келган тушунчаларни дунёга ёйиш билан ўз умрини узайтириш истагида юрибди. Агар уларда келажак учун яшаш эътиқоди бўлганида, ўзларининг кўпайишини исташармиди-йўқми? Ўз шахсий ҳузур-ҳаловатини, нафсий истакларини фарзандни дунёга келтириш ва тарбиялаш, шу йўлда азиятлар чекишдек табиий ва инсоний туйғулардан устун қўйган қавмнинг нимасига эргашиш керак?

Бугунгина эмас, келажакда – бозор иқтисодиёти ва инсон эркинлиги ҳаётимизни тўлиқ қамраб олганида ҳам ўзбек йигити отаси билан ошхонага кириб қолса, ўзига пул тўлаб индамай чиқиб кетавериши – бўлиши мумкин бўлмаган ҳодиса эканини бошқалар тушунишмаса, бизнинг айбимиз не?

Биз – ўзбеклар, чилласи чикмагунча ҳатто ўз қизимизнинг боласига – неварамизга ҳам тикилиб қарамаймиз. Назар теккизиб қўйишдан, боланинг ороми бузилишидан қўрқамиз. Биз бу дунёнинг лаззатини де Сад айтган ишлардан эмас, фарзандларимизнинг эртанги кунини ўйлаб, тинимсиз меҳнат қилиш, иморат қуриш, терак ўтказиш, тўй қилиб ёру биродар олдида дастурхон ёзишдан, беморлар ҳолидан хабар олиб, йўлимизда дуч келган тобутни етти қадам бўлса-да елкага олишдан излаймиз. Нима қилайлик – биз шунақа халқмиз. Шунақа халқ бўлганимиз учун ҳам номимиз – ўзбек!

Ўзбеклигимизча қоламиз!

Атрофимиздаги давлатларда яшайдиган миллатдошларимиз ҳам шунақа – ўзбеклигидан ҳеч қачон тонмайди ва тоймайди.

«Илмий конференция сабаб, Эронга бориш насиб этди, – дея ҳикоя қилади оғайниларимиздан бири. – Бу мамлакатда миллионлаб озарбойжонлар яшар экан. Лекин, нимагадир, уларнинг тилида ўқитиладиган мактабларга кўзимиз тушмади. Кунларнинг бирида Техрондаги машҳур истироҳат боғига саёҳатга олиб боришди. Боғ кичикроқ бир тоққа туташиб кетган. Пилапоялардан юқорилаб борар эканмиз, тоғ ёнбағрига тошдан ажойиб зина ясаётган йигирма чоғли ишчиларга кўзим тушди. Дарров билдим – булар эроний ҳам, озарбойжон ҳам эмас. Ҳамроҳимга «гаров боғлашамизми, шу одамлар – ўзбек» дедим. У ишонмади. Яқинроқ бориб, бояги кишиларга ўзбекчалаб баралла «Ҳорманглар-о-в!» деб салом бердим. Шунда уларнинг тўрт-бештаси бирданига «Бор бўлинг, ака!» деб туришибди-ю.

Суриштирсак, улар Афғонистоннинг Мозори Шарифидан иш излаб келган кишилар экан. Мана шу оғир меҳнатлари учун кунига олти доллардан ҳақ олишаркан. Кийим-бошлари ҳам бир аҳвол, пастдаги вагончаларда тикилишиб кун кечиришяпти. Хуллас, бир муддат улар билан суҳбатлашгач, кетишга чоғландик. Шунда улардан биттаси эмас, бир нечаси «Бугун қолинглар, акалар, меҳмон бўлинглар, ош қилиб берамиз», дейди самимий ялиниб. Кўзларимда ёш қалқди. Ўзлари арзимаган пул топишяпти, қўллари қадоқ, эгнидаги кийими афтодаҳол. Лекин... лекин ўзбеклигини унутмаган, инсонга ўзбекча муомала қилишни унутмаган, қўнглини ўзбекча изҳор этишдан тонмаган! Мен кўз ёшимни ичимга ютиб, «оши софи қиласизми, чойхона паловми?», дея ҳазиллашаман. «Кўнглингиз тусаганидан қилиб берамиз, ака!», дейди қурмагурлар...

Ўзбек ҳамма ерда ҳам ўзбеклигича қолар экан-да..»

Дўстимизга айтамиз: ўзбеклигимизча қоламиз бўлмайди-да. Парвардигор ҳам суйган бандасини синовдан ўтказди.

Агар биз ҳам фақат бугунни ўйлаб, эртани эсдан чиқарсак, нима бўлади? «Эрта» бу – моддий тушунча эмас, биринчи навбатда, маънавий тушунчадир. Бугун фарзандимиз ҳар турли оқимларга берилиб, эртага ўз ота-онасига бемехрлик қилиб ўтирса, бу ҳаётнинг кимга кераги бор? Шундай бўлмаслиги учун ҳам биз фарзандимизга доимий эътиқод ва эътибор кўрсатамиз.

Четдан туриб камчилик топиш, воқеликни ўз қаричи билан ўлчаб, бурун жийришдан осони йўқ. Ахир, инсоф юзасидан мулоҳаза қилиб кўрайлик. Бугунги кунда Ғарб давлатларида бир оилада биттадан фарзанд бўлса бор ёки у ҳам йўқ. Бошқача айтганда, бу оилаларнинг битта муаммоси бор, холос. Бизда аксарият оилаларда камида бештадан бола бор. Демак, муаммо ҳам беш барабар кўпроқ. Энди бунини давлат миқёсида ҳисоблаб кўрайлик. Бу болаларнинг ҳар бирини бепул ўқитиш, касбга ўргатиш, ҳозирча ҳатто ишга жойлаштиришни ҳам давлат бўйнига олмақда. Қайси ривожланган давлатда шу иш қилинган? Умуман, бу ташвишнинг давлатга қанчага тушаётганини ўйлаб кўриш керакми-йўқми?

Яна ҳам аниқроқ далилга ўтайлик. Агар эътибор берсак, Ғарб кинофильмларида болаларни мактабга ташийдиган сариқ рангли автобуслар кўзга кўриниб қолади. Соддароқ одам «бу давлатлар шунчалар бойиб кетганки, тўрт қадам жойга ҳам боласини мошинда олиб боради» деб ўйлаши мумкин. Аслида-чи? Аслида гап нимада?

Гап шундаки, тугилишнинг кескин пасайиб кетиши натижасида бу жойларда ҳар 10–15 километрда битта мактаб қурилишига талаб бор. Масалан, бизнинг Наманган шаҳрида 50 дан ортиқ мактаб бўлса, уларда худди шу шаҳар ҳудудича жойда нари борса 5 та мактаб бор, холос. Агар уларда учта хонадондан битта бола мактабга йўл олса, бизда бир ҳовлидан камида учта бола мактаб сумкасини кўтариб чиқади. Яъни бизда болалар боғчаси, мактаблар, ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларига гарбдагига қараганда камида ўн барабар кўп бола қатнайди. Бу таълим-тарбия муассасаларининг қурилиши, уларнинг таъмири, жиҳозланиши, иситиб-

совутилиши, ўқитувчи-мураббийлар билан таъминланиши ва яна бошқа ўнлаб харажатларга камида ўн баравар кўпроқ маблағ талаб этилади дегани.

Агар Фарб давлатларида эр-хотин ишлаб, бир боланинг ташвишини тортишса (ҳозир шугина ташвиш ҳам уларга «огирлик» қияпти!), бизнинг аксарият оилаларда биргина эрнинг топган даромадига тўрт-беш бола ва хотин кўз тикиб туради...

Бизнинг бу ўзбекона ташвишларимизни фақат ўзимиз тушунамиз. Бизда ҳам фақат 16 ёшгача тарбия бериб, ўспиринларни кўчага – «мустақил ҳаётга» чиқариб юбориш кўшимча яна қанча муаммо пайдо қилишини ҳам фақат ўзимиз биламиз. Қолаверса, биз ниҳоятда кўп миллатли, демакки, кўп талабларга жавоб беришни бўйнимизга олган мамлакатмиз. Бу масъулиятли ишни, бутун дунё кўриб турибди, Ўзбекистон бекаму кўст уддасидан чиқмоқда.

Мамлакат раҳбариятининг худди шу мулоҳазалардан келиб чиқиб олиб бораётган мустақил ички ва ташқи сиёсати айримларга ёқмаслиги табиий ҳол. Шу туфайли ҳам улар ўзбек руҳиятини ўзгартириш, иродасини букиш, маънавиятига заха етказиш ниятидан ҳеч қайтмаяптилар. Дунёнинг у четида ҳам ўзбеклигича қоладиган миллатга қандай яшаш кераклигини ўргатишга бўлган бу уринишларни «демократик кадриятларни ёйиш йўлидаги эзгу ҳаракатлар» деб ўйласак, гўллик даражасидаги соддалик бўлиб қолмасмикин? Ахир, бунинг замирида кейинги ўн йилликлар давомида дунё сиёсий харитасининг кескин ўзгаришларни ривожлантириш ва амалга оширишда бевосита иштирок этган машҳур стратег-сиёсатчи Збигнев Бжезинскийнинг бундан саккиз йил илгари ёзилган «Жаҳон шоҳмот тахтаси» («Мировая шахматная доска») китобида баён қилинган қуйидаги мўлжалларни англаб етиш учун у қадар катта ақл талаб қилинмаса керак:

«АҚШ сиёсатининг мақсади, бирор-бир тушунтиришсиз, ўзининг ҳукмронлик мавқеини ҳеч бўлмаганда бир авлод умри, ундан ҳам яхшироғи – янада узоқроқ даврга мўлжаллаб мустаҳкамлашдан иборат бўлмоғи керак...

Бу йўналишда эришилган геостратегик муваффақият Американинг дунёдаги биринчи, ягона ва сўнгги чинакам жаҳоний хукмрон давлат сифатидаги мавқеини қонунлаштиради...»

...Бир пайтлар болаларимиз америкалик ҳиндулар тўғрисидаги фильмларни қизиқиб томоша қилишарди. У пайтда болаларни уларда тасвирланган воқеалари, ур-сурлари кўпроқ ўзига жалб қилиб, кино асарига асос бўлган тарихий ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятига тушуниб етмасди. Бутун эса улар сиз билан бизни бу фильмлар тўғрисида жиддий саволга тутишади: «Ҳиндулар шу китъанинг эгаси бўлган бўлса, ҳозир улар қани? Уларнинг маданияти, тили, урф-одатлари, тарихи нима бўлди? Бутун бошли халқ кириб битказилганми? Яқинда телевизорда кўрсатишди – Америкага борган туристлар бу халқнинг қолган-қутган қабила вакиллари билан «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонлар сингари расмга тушишаркан. Америка шунақа бўлиб қурилган экан-да!»

Фарзандларга нима деб жавоб беришга ҳам ҳайрон бўлиб қоламиз. Охири уларнинг қўлига ҳозиргина сизга иқтибос келтирилган З. Бжезинскийнинг китобини бериб, уни ўқиб, керакли хулосани ўзлари чиқариб олишларини маслаҳат берамиз. Балки шунда ҳиндулар тақдири ҳали кўп халқлар бошига тушиши мумкинлигини сезиб, сергак тортишар...

Бутун жонажон Ватанимизнинг қаерига бормайлик, буюк тарихий обидаларимизга қайта жон ато этилаётгани, одамлар бу қадамжоларни зиёрат этиб, Яратганга шукроналар келтираётганига гувоҳ бўламиз. Ям-яшил далалар ўртасидан ўтган симёғочларга, улкан иншоотлар томларига сон-саноксиз лайлаклар ин қуриб, қишда ҳам бу ошёнларини тарк этмаяётганини кўриш мумкин. Айтишларича, бу гўзал қушлар тинчлик-омонлик рамзи, эзгулик элчиси экан.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, биз келажакда ривожланган мамлакатлар қаторидан, албатта, ўрин оламиз. Бирок биз бу қаторга Америкага ўхшаган, Японияга ўхшаган, Германия ёки яна бошқа бир давлатларга ўхшаган эмас, фақат ўзимизга ўхшаган, мустақил, озод ва обод Ўзбекистон бўлиб қўшилажакмиз!

«Сизларнинг мантигингиз шундай: гўё сизларнинг давлатларингиз Цезарнинг рафиқасию, у ҳар қандай танқид ва шубҳалардан ҳоли. Нима учун шундай деб ўйлайсизлар?»

Ислом КАРИМОВ

Латифанамо ишлар

Ўзбекнинг мақолу ҳикматли сўзлари остида олам-олам маъно ётиши-ку, бор гап. Қарангки, бу халқнинг замонлар оша ўтиб келаётган латифалари ҳам тез-тез ёдга тушиб туриши бежиз эмас экан.

Бир одамнинг боғига ўғри тушибди. Қўйни-қўнжини мевага тўлдириб энди девор ошиб қочаман деб турганда, хавфдан огоҳ бўлган боғ эгаси ўғрининг оёғидан ушлабди. У:

– Нега бировнинг боғига тушасан, текинхўр!? – деса, ўзини оклашга дурустрок баҳона топа олмаган ўғри:

– Нега ўзинг хотинингга ковуш олиб бермайсан? – дермиш.

АҚШ Давлат департаментининг ўзи тузган «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» рўйхатига Ўзбекистон Республикасини киритганини эшитиб беихтиёр шу латифа ёдга келади.

Аслида бирор халқаро ҳужжат билан муайян давлатга дунёдаги мамлакатларга баҳо бериш, унисини «ўпоқ», бунисини «сўпоқ» деб эълон тарқатиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилган эмас. Бу гап асрлар оша муқаддас ислом динига эътиқод қиладиган мустақил мусулмон давлатларига ҳам, бу давлатларни турли олишувлар майдонига гиж-гижлаб чиқаришга уринаётган, ўзи эса жанг саҳнаси атрофига қўйилган оромкурсига ястаниб, олишувчилар ҳаракатига «балл» бериб туришни хоҳлаётган «ҳакам давлатлар»га ҳам бирдек тегишлидир.

Кейинги йилларда Ғарбнинг мусулмон давлатларида қўллаётган сиёсатига жиддий ўзгартириш киритилганини

пайкаш қийин эмас. Ғарбона демократияни, эътиқодсиз яшаш тарзини бу юртларга мажбурий жорий этиш режаси барбод бўлаётганини, бу йўналишда бирор арзигулик натижага эришиш амримаҳол эканини сезган «ҳакам давлатлар» энди «сопини ўзидан чиқариш» йўлини тутмоқда (аслида бу усул ҳам унчалик янги ихтиро эмаслигини ўқувчиларимиз яхши билишади).

Авваллари ўзаро тинч, бир-бирларини қўллаб яшаган, турли дин ва мазҳабларга эътиқод қилган миллат ва элатлар, «тинчликпарвар кучлар», «инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш ташкилотлари» «саъй-ҳаракати» натижасида бирданига ўзаро душманга, бир-бировини бўғизлаб ташлашга тайёр ёвга айланиб боряпти. Ислом динининг икки йирик мазҳаби – сунний ва шиа мазҳаби асосида ягона Аллоҳга эътиқод қиладиган кечаги биродарлар бугун то қиёмат қадар урушишга тайёр оломон сиёқига кирмоқда. Ҳеч қачон кимлигини топиб бўлмайдиган яширин кучлар бир кун шиаларнинг етакчилари ҳаётига суиқасд уюштира, эртасига суннийлар раҳбарлари кетаётган машина портлаб кетади... Бу суиқасдлар натижасида оккан қон ва парчаланиб кетган жасадларни қайта-қайта кўрсатиб, шундоқ ҳам ёниб ётган оловга керосин пуркайдиган ОАВчилар елкасида ҳам ғарб телекомпаниялари белгилари...

Энг хавфлиси – бундай парокандаликни фақат бир мусулмон давлати фуқаролари ичидагина эмас, балки кўпчилик аҳолиси муайян мазҳабга эътиқод қилиши билан фаркланадиган ўзаро қўшни мусулмон давлатлари ўртасида ҳам пайдо қилишга зўр берилаётганидир.

Агар ўша кучлар бу ёвуз ниятларига эришадиган бўлса, мусулмон дунёси учун бошқа душманнинг кераги бўлмаслиги аниқ.

Шоир Шавкат Раҳмон шўро замонида ёзган «Хиргойи» номли шеърида истиқлолга талпинган халқ номидан замона зўрларига киноя аралаш мурожаат қилиб, «ўриндан озгина турсак майлиму?», «ўз беким ерида юрсак майлиму?» дея гўё ижозат сўраб, шеър сўнгида уларнинг юзига қарата «Нега сиз бўлмайсиз сира ҳижолат? Нега мен сўрайман сиздан ижозат?!» деган эди. Буни қарангки, юртимиз

мустақилликка эришгач, бизга ҳам йўл-йўриқ кўрсатувчилар, ақл ўргатувчилар, йўлимизни тўсмоқчи бўлганлар ҳамон топилиб турибди.

Бояги рўйхатга Ўзбекистоннинг тиркалишига бизнинг юртимизда диний фундаментализм, дин никобидаги терроризмга қарши қатъий кураш олиб борилаётгани, турли диний касталар, фиркалар томонидан аҳоли ўртасида бузгунчи тарғибот юргизилишининг олдини олишга қаратилган чоралар кўрилаётгани «асос материал» қилиб олинган. Бу сиёсатчилар назарида, Ўзбекистон ҳукумати кўли қонга ботган террорчиларни, оғир жиноятлари туфайли қамокда сақланаётган кимсаларни «диндор кишилар» деб билиши, улар томонидан уюштирилган хунрезликлардан кўз юмиб, бу жиноятларни «диний эркинлик»нинг бир кўриниши деб баҳолаши, бундай «эркинликни таъминлаши» ҳам лозим эди. Бу «демократик талаблар»нинг нақадар «мантикийлиги», «беозорлиги»га эътибор беринг.

Бу ҳужжатга ўз вақтида тегишли муносабат билдирган Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида айтилган ҳаракатлар дунё ишларига «икки хил стандарт» билан ёндашиш экани таъкидланган. Чунки фақат ўз манфаатларини кўзлаб иш олиб боришга ўрганган давлатларгина айтилган бир ҳодисага бирда ундоқ, бирда бундоқ деб баҳо бериши оддий мантикка зиддир. Яъни, агар халқаро терроризм, диний экстремизм ҳужуми ўзларига қарши қаратилган бўлса, уни (дунёнинг қайси давлати ҳудудида жойлашганидан қатъи назар) ер билан яксон қилиш учун барча чоралар кўрилади. Бу ишга катта-кичик давлатларнинг кучи сафарбар этилади. Худди ўша террорчилар, экстремистик гуруҳлар бошқа мамлакатларга, масалан, Ўзбекистон суверенитетига дахл қилса — бу юртда «халифалик давлати курамини», «барча кофирларни тўғдан тўтказамиз» деган ғайриинсоний ғоялар билан очиқдан-очиқ ҳужумга ўтса ва бунга қарши ҳукумат зарур ҳимоя чораларини кўрсин, бунинг номи «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш» уйғотиш деб аталади!

Биз бу ўринда, айтилган ҳолатга нисбатан «кишини ҳайрон қолдиради», «одамни таажжубга солади», деган ибораларни

ишлатмоқчи эмасмиз. Чунки озгина чукуррок мушоҳадага ўрганган одам учун бу ерда хайрон қоладиган нарсанинг ўзи йўқ. Ўзбекистонда жамики диндор фуқаролар эътиқодига кўра эҳтиёжини қондириши учун барча қонуний шарт-шароитлар яратилганини бояги рўйхатни тузганлар ҳам жуда яхши билишади. Улар исломдек муқаддас дин айнан Ўзбекистонда ўзининг том маъносини топгани, миллионларнинг қалб қувватига айланганидан ҳам хабардор. Мана шу ҳақиқат «рўйхат тузувчилар»га, юмшоқ қилиб айтганда, ёкмайди. Улар юртимизда дунёвий давлат қуриш иши диний эътиқоднинг мустақамланиши билан бирга олиб борилаётгани, халқ ўзининг маънавий анъаларидан воз кечмаётгани, бировнинг «демократик хўрозқандига» ташланмаётганидан безовта. Ўзбекистон раҳбарининг бизнинг юртимизда дунёвий давлат қурилажаги, бироқ бу даҳрий давлат бўлмаслиги тўғрисидаги гоёларининг самарали амалга ошаётгани ҳали Ғарбдаги, ҳали Шарқдаги бузғунчи марказлар безовталигига сабаб бўляпти.

Ўзбекистон ҳудудида бир неча марта миллатлараро, динлараро, фуқаролараро жанжалларни уюштиришга қаратилган режалар барбод бўлгач, унинг қўшни давлатлар билан алоқаларини чигаллаштиришга қаратилган ниятлар амалга ошмагач, боягидек ҳаракатлар орқали Ўзбекистонни ислом дунёсига, мусулмон мамлакатларига ёмонотлиқ қилиб кўрсатишга зўр берилмоқда. Ҳолбуки, бу юртда ислом билан боғлиқ жамики қадриятлар кўз қорачиғидек асралаётгани, мустабид тузумлар даврида оғилхона-ю омборхонага айлантирилган муқаддас қадамжолар асрий ахлатлардан покланиб, мусулмонларга қайтарилаётгани, юзлаб янги масжидлар, ўнлаб исломий таълим-тарбия муассасалари барпо қилинаётганини бутун дунё кўриб, тан олиб турибди.

Шундай экан, бояги «рўйхатчилар»нинг асл муддаоси нима? деган савол туғилиши табиий. Бу саволга холис мутахассис – хорижий исломшунос мулоҳазалари билан жавоб бериш ўринли бўлар эди, деб ўйлаймиз. Ар-риёддаги (Саудия Арабистони пойтахти) Имом Муҳаммад ибн Сауд номидаги Ислом университетининг илмий тадқиқотлар департаменти

бошлиғи Турки ибн ас-Сахув таъкидлаганидек, «Ғарбдаги айрим давлатларнинг демократия, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, сўз ва эътиқод эркинлиги шиори остида амалга ошираётган хатти-ҳаракатлари нафақат суверен давлатларнинг ички ишларига аралаштириш, балки бу цивилизациялар ва динлар ўртасидаги ишончсизлик ва ганимлиқ кайфиятини кучайтиришга хизмат қиладиган хатти-ҳаракатдир».

Ўзларини неғадир дунё халқларига «устоз»лик қилишга интилаётган айрим давлатлар бошқа мамлакатларда «инсон эркинликларига риоя қилинмаётгани», «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғонаётгани», у ерларда «нима қилиб бўлмасин, демократияни ўрнатиш лозим»лигини даъво қилиб чиқмоқда. Бироқ, давлатимиз раҳбари уқтирганидек; **«Кўпдан буён кузатилаётган ҳақиқат шундан иборатки, нима учундир эркинлик ва демократияни одатда нефть ва газга бой давлатлар, минтақаларга ёйишга, ривожлантиришга зўр берилади. Нима учун эркинлик ва демократияни айнан Яқин Шарқда, Каспий минтақасида, нефтьга бой мамлакатларда ривожлантиришга интилиш кучли? Нима учун?..**

Ироқда уруш бошлаган айрим мамлакатлар бошқаларга ақл ўргатмасдан, у ерда ўзлари «демократияни ривожлантириш»да қандай усуллардан фойдаланаётгани ҳақида такрор ва такрор ўйлаб кўрса бўларди» (Ислом Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: «Ўзбекистон», 2005 й. 121-бет).

Модомики, Ўзбекистон Президентининг бу даъватини кимдир гўё эшитмаганга олар экан, уларнинг ўзи «демократияни ривожлантириш»да, «инсон эркинлигини», жумладан, «диний эркинликни таъминлаш»да қандай усуллардан фойдаланаётганларини бироз ошкор этишга тўғри келади.

ГУЛАГтанамо

Аввало, табиий равишда тугилган бир неча савол билан оппонентларимизга мурожаат қилсак: нима сабабдан Афғонистон, Ироқ, Ливан ва бошқа мусулмон давлатларида

тинч аҳоли устига бомба ташлаётганлар, юз минглаб бегуноҳ одамлар ўлимига сабабчи бўлаётганлар, худди бировни билмай туртиб юборгандек, бир оғиз узр билан кутулиб кетяптилар? Нима учун халоскорлик юриши баҳонасида не-не миллатлар биродаркушлик уруши оловига ташланяпти? Асосий савол: шу вақтга қадар ўзаро тинч-тотувликда, бир-бирининг эътиқод эркинлигига аралашмаган ва ягона дин вакиллари сифатида ўзаро ҳурматни сақлаган суннийлар ва шиалар ўртасида шафқатсиз жанглар чиқишига кимлар сабабчи бўляпти? Нега яқин-яқингача иттифокчи ҳисобланган мусулмон давлатлари бир-бирига қарши тинимсиз гиж-гижланяпти?

Бу ҳодисалар суверен мамлакатлар ҳудудида ҳаракат қилаётган хорижий давлатлар ҳарбий кучлари, экспертлари, маслаҳатчилари иштирокида юз бераётган экан, мазкур саволларга жавоб топадиган халқаро текшириш гуруҳларини айнан шу жойларнинг ўзида тузиш мантиқли эмасмиди?

Афсуски, фақат биз эмас, бутун мусулмон дунёси, жаҳон афкор оммаси қайта-қайта ўртага қўяётган бу саволларга жавоб берадиган мард йўқ! Афсуски, бунинг ўрнига дунё ҳамжамияти бир-биридан аянчли, шармандали манзараларни кузатишга мажбур бўляпти.

Масалан, Афғонистонда қўлга олинган юзлаб асирлар (уларнинг аксарияти мусулмон динига эътиқод қилади) Кубадаги АҚШ ҳарбий базаси – Гуантанамога келтирилганидан хабарингиз бор.

Бу ердаги асирларнинг яшаш шароитлари халқаро меъёрларга мутлақо тўғри келмаслиги, улар ҳайвондан-да баттар шароитда ушлаб турилгани қайта-қайта айтилмоқда. Обрўли халқаро сиёсий ташкилотлар маҳбусларнинг доимий равишда қўл ва оёқ кишанларида сақланиши, уларнинг қулоқларига овоз ўтказмайдиган тиқинлар ва кўзларига ҳеч нарсани кўрсатмайдиган кўзойнақлар тақилишини таъкидламоқда. Улар АҚШ маъмуриятини Женева конвенциясига риоя қилмасликда айблаб, қўлга олинганларга ҳарбий асир мақоми берилишини талаб этмоқда.

2002 йил 25 июнда АҚШ сенати мажлисидаги нутқида сенатор-демократ Ричард Дурбин Федерал тергов бюроси-

нинг ҳисоботидан Гуантанамода асирлар камеранинг тош полига занжирлар билан кишанлаб қўйилганлиги, жазирама иссиқ шароитида маҳбусларни сувсиз ва овқатсиз сақлагани тўғрисидаги маълумотларни ўқиб беради. «Агар, – дейди сенатор, – мен бу қабиҳликлар ФБР томонидан асирларга нисбатан амалга оширилаётганлигини айтмасам, сизлар бу ишлар фашист нацистлари томонидан ё советларнинг ГУЛА-Гида ёхуд Пол Потнинг шафқатсиз турмаларида қилинган бўлса керак, деб ўйлардинглар».

Сенаторнинг баёнотига жавобан, Оқ уйнинг матбуот котиби Скотт Маклеллан шундай эътироз билдиради: «Бу баёнот танбеҳга муносиб. Дурбиннинг гаплари Америка ҳарбийларига нисбатан ҳурматсизликдир. Шу боис, жаноб Дурбин айтган гаплари учун узр сўраши керак».

Унинг фикрича, демократик давлат ҳисобланмиш АҚШ-нинг ҳарбийлари томонидан амалга оширилган ишларни асло тоталитар режимларда қилинган ишлар билан қиёслаб бўлмас экан.

Ричард Дурбин эса нутқини шундай деб якунлади: «Мен эмас, балки Женева конвенциясини оёқости қилгани ва қийноқ усуллариغا изн бергани учун Жорж Буш маъмурияти Америка халқидан кечирим сўраши керак...»

2005 йил 9 май куни «Newsweek» журнали номаълум манбага таяниб, Гуантанамо базасида Қуръони каримнинг ҳожатхоналарга қўйилгани ва Америка ҳарбийлари маҳбусларга руҳий босим ўтказиш мақсадида уни унитарга ташлаганини ёзди. Бу хабар дунё оммасига маълум бўлиб, кўпгина мусулмон мамлакатларида – Афғонистон, Покистон, Индонезия, Малайзия, Фаластинда қаршилик намойишларини келтириб чиқарди. Натижада, турли тўқнашувлар оқибатида АҚШ ҳарбийларидан 16 киши ўлиб, 100 дан ортиги жароҳат олди. Орадан олти кун ўтгач, журнал ўз хабарига раддия эълон қилишга мажбур бўлди. Оқ уйнинг матбуот котиби Скотт Маклеллан бу мақола АҚШнинг жаҳон олдадаги имижига катта зарар етказганини таъкидлаб, уни гўё бўхтон хабар эканини айтди. Бироқ мақола муаллифи Майкл Изикофф ўз навбатида бу раддияга нисбатан норо-

зилик изҳор қилди. Хўш, у қандай асосларга таяниб Оқ уй билан олишди?

Биринчидан, ўша «номаълум манба» аслида АҚШнинг юқори лавозимли давлат хизматчиси эди.

Иккинчидан, Ғарб ҳарбийлари томонидан мусулмонларнинг диний туйғуларини таҳқирлаш янгилик эмас. Гуантанамо, Абу-Грейб (бу масалага ҳали батафсилроқ тўхталамиз)...

Учинчидан, Гуантанамо турмасидан озод этилган маҳбус Хорун Рашид уч йил аввал Қуръонни ҳарбийлар унитарга улоқтирганини тасдиқлаб, орадан шунча вақт ўтса ҳам айрим маҳбуслар бу ҳаракатларга норозилик ифодаси сифатида терговчилар билан мулоқот қилишдан бош тортаётганини айтган.

Тўртинчидан, 2005 йилнинг 3 июнь куни Пентагон илк бор Гуантанамода ҳарбийлар томонидан Қуръоннинг таҳқирланганлигини расман тан олди. Қамокхона бошлиғи, бригада генерали Жей Худ Қуръондан «нотўғри фойдаланганликнинг» 5 ҳолати аниқланганини эътироф этди. Жумладан, ҳарбийлар маҳбуслардан бирига тегишли бўлган Қуръонни атайин тепганлари, унга турли фаҳш сўзларни ёзганлари, уларнинг сўзлари билан айтганда, «айрим ҳолларда Қуръонга америкалик ҳарбийларнинг сийдиги сачраганлиги»ни эътироф этди... (Yahoo News маълумоти).

Қуръонни таҳқирлаш билан боғлиқ можаро ҳали тугамасиданок, мусулмонларни хўрлашлар ҳақидаги янги маълумотлар пайдо бўлди. New York Times томонидан тўпланган 2000 саҳифалик (!) ҳисоботга кўра, бундай ҳуқуқбузарликлар шунчалик кўпки, уларни, маъмурият ҳаспўшлагандек, «хусусий ҳол» деб бўлмайти...

2001 йил 11 сентябрдан кейин бошланган ҳодисалар муносабати билан АҚШнинг 100 нафар машҳур санъат ва адабиёт арбоблари, зиёлилари 2002 йилда ўз ватандошларига очик хат билан мурожаат этиб, шундай деб ёзган эди:

«Ҳукумат ҳеч қандай чекловларсиз уруш эълон қилиб, зўравонликнинг янги услубларини меъёрга айлантириб олганида америкаликлар мутлако қаршилик кўрсатмадилар, деган таъна эшитмаслик учун сизларга мурожаат қилмоқдамиз.

Биз саволлар бериш ҳуқуқи, танқид қилиш ҳуқуқи ва қарши бўлиш ҳуқуқининг ҳимоя қилинишига ишонамиз. Биз 11 сентябрь воқеаларини даҳшат билан кузатдик. Лекин мотам тугамасиданоқ бизнинг раҳбарлар қасос олиш руҳиятини авж олдириб юбордилар. Ҳукумат 11 сентябрга ҳеч бир алоқаси йўқ мамлакат – Ироққа қарши урушга тайёрланыпти.

Биз бутун дунёга мурожаат қиляпмиз. Инсоният ўз тарихида кўп маротаба одамларнинг нимагадир ишониб кутиши натижасида қаршилиқ кўрсатишда кечикиб қолган... Биз бутун дунёдаги ҳамфикрларимизни сафимизга қўшилишга ундаймиз».

Гуманизм ҳимоячиси бўлган бу зиёлиларнинг қалб чинқиргани аэродромлардан учган минглаб қирувчи ва бомбардирмончи самолётлар шовқини осонгина босиб кетди...

Энди Ироқ асирлари – яна мусулмонлар билан уларнинг ўз ватанида – Абу Грейб қамоқхонасидаги кўргуликлар бошланди. Мана уларнинг бир лавҳаси:

«Ҳарбий полициянинг маҳбуслар билан муомаласида мен дуч келган онгли суиистеъмолчиликлар қуйидагилардан иборат:

а) маҳбусларни турли тарзда калтаклаш: тепиш, юзга уриш, яланғоч товонга зарба бериш;

б) қип-яланғоч қилинган маҳбус эркаклар ва аёлларни суратга ва видеотасвирга тушириш;

в) маҳбусларни жинсий алоқа кўринишидаги шаклга мажбурий тушириб хўрлаш;

г) маҳбусларни қип-яланғоч бўлиб ечинишга мажбур қилиб, уларни бир неча кун давомида шу алпозда қолдириш;

д) эркак маҳбусларни аёлларнинг ички кийимини кийиб юришга мажбурлаш;

е) ... (бу жинсий кийноқ усулини ёзишга юз чидамади);

ж) яланғоч эркак маҳбусларни бир-бирининг устига мингаштириб, устидан хатлаш;

з) яланғоч қилинган маҳбуснинг қўл ва оёғи, жинсий аъзосини биргаликда сим билан боглаб ток юбориш;

и) қўриқчи томонидан аёл маҳбуснинг зўрланиши;

к) кўриқчи итларнинг тумшуғидаги химоя воситасини олиб ташлаб, маҳбусларга қарши гиж-гижлаб, итни бўшатиб юбориш;

л) кимёвий ҳарбий фонарларни синдириб, унинг ичидаги суюқ фосфорни маҳбус юзига сепиш;

м) эркак маҳбусларни бесоқолбозлик қилиш билан кўр-қитиш;

н) маҳбусларнинг жинсий аъзоларига пол ювгич (швабра) сопини ва фонарларни тиқиш...»

(Антонио Тагуба, Ироқдаги маҳбусларнинг аризалари бўйича суриштирув олиб борган АҚШ армияси генерал-майори. «Fox News. 12.05.2004.»)

«БМТ уставига бир озгина таҳрир...»

Жаҳон ҳамжамиятининг ҳамиятига тегаётган асосий қусур – демократия деганлари нукул танклар, ҳарбий кемалар устида, самолётлар, энг охири русумдаги (синовдан ўтказилиши лозим бўлган!) даҳшатли ракеталар қанотида ташилаётганидир. Бир сўз билан айтганда, урушларни «инсон ҳуқуқлари учун кураш»нинг ягона воситасига айлантириш иштиёқи тобора кучайиб бормоқда. Бу шундай урушларки, улар «хуқуқни муҳофаза қилувчи давлатлар» истаган пайтида, дунёнинг исталган нуқтасида, хоҳлаган қўламда амалга оширилади. Бундай ҳаракатларни номигагина бўлсада, қонунлаштириб қўйиш мақсадида БМТнинг Уставига «озгина таҳрир» киритиш, яъни қабул қилинганига 60 йил бўлган бу ҳужжатни ҳозирги воқеликка (аслида ўша давлатлар манфаатида) мослаб ўзгартириш керак. Бояги урушларни қонунийлаштириб олиш учун бу ҳужжатга гўё «арзимаган ўзгаришлар» киритилади. Масалан, халқаро ҳуқуқ асослари: мустақил давлатларга қарши куч ва таҳдид ишлатмаслик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, чегаралари дахлсизлигини бузмаслик ва суверенитетини ҳурмат қилиш сингари принципларни «бир оз» ўзгартириш шулар жумласидандир. Ана шу тариқа давлатлар суверенитетига

кучли зарба бериледи: уларни ўзлари хоҳлагандек яшаш ва давлатини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Яъни, агар сизнинг сиёсий тизимингиз демократиянинг гарбона андозаларига мос келмаса, унда ўзингиздан ўпкаланг..

Шундай қилиб, «ялпи хавфсизлик» тамойили, «халқаро ҳуқуқ» тушунчалари емирилади, улар ўрнини ихтиёрий мазмунда талқин этиш мумкин бўлган тушунчалар билан алмаштиришга замин яратилади.

У ёғини суриштирсангиз, айрим давлатлар БМТ ҳужжатларига ўзгаришу таҳрирлар киритилишини кутиб ўтиришни ҳам ўзларига эп кўрмайди. Ҳали у, ҳали бу мамлакат ҳудудига демократия байроғи остида, унинг номи билан бостириб кирилади. Бу юртларнинг шундоқ ҳам мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитда яшаётган халқлари чексиз-чегарасиз қонунбузарликлар, хўрлашлар ва харобаликлар остида қолади. «Ҳуқуқ ҳимоячилари» қаерга қадам қўйган бўлса, ўша ерларда энди охири кўринмайдиган биродарқушлик урушлари, динлараро, мазҳаблараро ўта хавфли, захаси юз йилларгача битмайдиган зиддиятлар олови ёкилмоқда. Масалан, ушбу сатрлар ёзилаётган пайтда олинган аниқ маълумотга кўра, биргина Ироқда фақатгина 2006 йилнинг октябрь ойида 1289 нафар тинч аҳоли вакиллари – ҳеч қандай айби йўқ инсонлар ҳаётдан бевақт кўз юмди!

Урушлар олови ичида қолган мамлакатларнинг, улар қайси қитъада жойлашганидан қатъи назар, иқтисодий, маданий, маънавий такомил суръатлари ўнлаб йиллар орқага суриб ташланди. Такومил қайда, аксинча, масалан, Европанинг қадим маданиятини ўзида мужассам этган собиқ Югославия ҳудудидаги минглаб маданий иншоотлар ер билан яксон қилинди.

Хўш, демократия, инсон ҳуқуқлари бу урушлар бошлангунига қадар кўпроқ бузилармиди ёки улар туфайли кўпроқ топталаяптими?

Бу кўргуликларнинг барчаси учун ким жавоб беради? Устма-уст юз бераётган қонунбузарликларни текшириш учун қачон халқаро комиссиялар тузилади? Бундай комиссияларни ёки «инсон эркинлигини таъминлаш борасида

жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» рўйхатини тузиш шу кўргуликларнинг бошида турганлар кўлига топширилиши канчалар адолатли бўлади? Бу борада, афсуски, юкорида таъкидланганидек, инсоният кўнгида дард бор-у дармон йўк...

Бжезинскийни аразлатишди

2005 йилнинг 10 октябрь куни машхур сиёсатшунос олим, жаҳон сиёсий шахмат тахтасидаги «ўйин»ларнинг мохир устаси Збигнев Бжезинский «Los Angeles Times» газетасида катта шов-шувга сабаб бўлган мақола эълон қилди. Бу мақола «Америка ҳалокатга учрамоқда» деб номланади. «Бундан 60 йилча муқаддам Арнольд Тойнби (инглиз тарихчиси – таҳр.), – деб ёзади З. Бжезинский, – «Тарихни тадқиқ қилиш» китобида «ҳар қандай империянинг юзтубан қулашига, охиروқибат, ўша империяни бошқарган одамларнинг «жонига қасд қилиш» билан баробар ҳаракатлари сабаб бўлади», деганди. Таассуфки, Жорж Буш фаолияти, Америка келажаги ва АҚШ раҳбариятининг 11 сентябрь воқеаларидан кейинги тутган йўлига тарихий нуқтаи назардан ёндашсак, қанчалик шафқатсиз ҳукмдек туюлмасин, юкоридагидек баҳони беришдан бошқа иложимиз йўк».

З. Бжезинский АҚШнинг Ироқдаги ҳаракатларини «Буш томонидан сафсатавий иддаолар билан бошланган уруш» сифатида баҳолаб, фикрларини куйидагича давом эттиради: «Нима сабабдан бошлангани ҳануз номаълум бўлган, мамлакат юкори мартабали раҳбарларининг тор гуруҳи томонидан кўллаб-қувватланган ҳамда ёлғон даъволар ва сўз ўйини шаклида тарғиб қилинган бу уруш, инсоний йўқотишлар ва моддий харажатлар нуқтаи назаридан, қутилганидан ҳам қимматга тушмоқда. Шу уруш туфайли Америка бутун дунёда танқидга учрапти».

Олимнинг фикрича, АҚШ маъмурияти терроризмнинг туб сиёсий илдизларини эътиборга олмай, «террорчиларни ҳаракатга ундаётган асосий нарса уларнинг эркинликдан нафратланишлари ҳамда бутун ғарб цивилизациясига қар-

ши эканликлари», дея америкаликларни ишонтиришга уринмоқда. Бу эса ўзини ўзи алдашдан бошқа нарса эмас...

Бундай сиёсий ўйинлар АҚШнинг жаҳондаги нуфузи тобора тушиб боришига сабаб бўляпти. Шундай манзара, ниҳоят, ошкор бўлмоқдаки, йиллар давомида сиёсий қатағонлар, кийноқлар ва инсон ҳуқуқларининг бузилишига қарши бўлган давлатнинг ўзи бугун кўп жойларда инсоннинг кадр-кимматини поймол қиладиган усулларни кенг қўллаяпти. Гуантанамо ва Абу-Грейбдаги ҳуқуқбузарликларни бу ходисалардан аччиқланган маъмурият эмас, балки холис оммавий ахборот воситалари фoш этдилар. Натижада, айрим бевосита айбдор деб топилганларгина жазога тортилди. Аммо, «босим остида сўрок» қилишга (яъни, кийноққа!) руҳсат берган Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик кенгашининг раҳбариятидан бирор киши, истеъфо ёки жиноий жавобгарликни қўятуринг, ҳатто кўпчилик олдида жавоб ҳам бермади...»

* * *

2006 йилнинг 30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорини эълон қилди. Мазкур қарорнинг 5-бандида ўқиймиз:

«Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин».

Айрим давлатлар турли баҳоналар билан хорижий мамлакатларнинг минглаб фуқароларини айб ҳам эълон қилмасдан йиллар давомида яширин турмаларда сақлаётган бир пайтда, Ўзбекистон раҳбарияти мазкур ҳаракати билан ўзининг бағрикенглиги ва кечиримлилигини яна бир бор амалда кўрсатди.

ҒУРУРНИНГ-КУ ЧЕГАРАСИ ЙЎҚ, АНДИШАНИНГ-ЧИ?

Мустақиллик йўлига кирган, ўз тақдирини ўзи ҳал этиш масъулиятини зиммасига олган давлат, агар унинг бу нияти фақат қоғоздагина қоладиган расмиятчилик эмас, чинакам азму қарор бўлса, ушбу бебаҳо қадриятни ҳар нарсадан кечиб асрайди, авайлайди. Зеро, ўзини ҳурмат қилишга ўрганган ва бошқалар ҳам ҳурмат қилишини истаган миллат учун мустақиллик тақдирини чин маънодаги ҳаёт-мамот масаласидир. Бу тушунча ўз маъзида фақат сиёсий, иқтисодий, ҳудудий ҳуқуқларга тўла эгалликнигина эмас, балки, биринчи навбатда, миллий ўзликни англаш ва асраш, миллий ғурурни собит сақлаш, миллий ҳамиятнинг ҳимоя қила олишдек маънавий қадриятларни ҳам мужассам этади. Шундай экан, миллий ғурурга қилинган ҳар қандай таҳдидни мустақилликка қарши амалга оширилган тажовуз сифатида тушуниш ва унга қарши курашиш миллатнинг ҳар бир вакили учун муқаддас инсоний бурч ҳисобланади.

Зўр қарвон йўлида

Хоҳлаймизми-йўқми, бир аччиқ ҳақиқатдан келиб чиқиб дунё ишларига боқишга, шу ҳақиқатни бир зум бўлсин унутмай, мана шу дунёда яшашга мажбурмиз. Бу ҳақиқат шундан иборатки, ўзини ҳар қанча дўст қилиб кўрсатишга уринмасин, ўзаро стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги аҳду паймонларга жимжимадор имзолар чекмасин, бирорта давлат, айниқса, Ер юзи бойликларига кўпроқ эгаллик қилишни, бошқа халқларнинг ўзи билан доимий ҳисоблашишини истовчи йирик давлатлар, имкони туғилди дегунча, кечаги шеригининг кўзига чўп тикишдан ҳам тоймайди. Бошқача қилиб айтганда, бирорта давлат Сизу бизга бир бурда нонни еб кетарга ёхуд қуруқ раҳматга бермайди. Ўша бир бурда нон эвазига суверен давлатларни ўзиники қилиб олишга уриниш, ўзининг қош-қовоғига қараб иш тутишга мажбурлаш ҳозирга қадар амалда бўлган, бундан кейин ҳам бўлаверади. Айни

йўлда ўйлаб топилаётган усул-услугларнинг ранг-баранглиги эса кишининг ақлини шоширади. Айниқса, ҳозир – кескин индустриал ривожланиш йўлидан кетаётган дунёда айрим муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ер ости ва ер усти бойликларининг таги кўриниб қолаётган, глобаллашув жараёни бекиёс тезликда кечаётган замонда.

Ўзбекистон аталмиш ҳам ўтмиши, ҳам келажаги буюк мамлакатни, унинг халқини ўз етовига солишга бўлган уринишлар бир зум бўлсин тўхтамаётгани, ҳали Шарк, ҳали Ғарб, ҳали Шимол томондан мана шундай хуружлар шамолининг мунтазам эсиб туриши Сизу биздан кўзимизни каттароқ очмоқни, бу ҳаракатлар мақсад-моҳиятини ўз вақтида англамоқни ҳамда шундан келиб чиқиб ҳаракат қилмоқни ҳар қачонгидан кўпроқ талаб этяпти. Айниқса, халқимиз шаънига айтилаётган бўҳтон гаплар, уйдирма хабар ва шов-шувлар оқимини кўриб кўрмасликка олиш, бояги кучларга менсимай қараш уларнинг янада ғовлашига, бунинг натижасида эса бошқа мамлакатлардаги содда омманинг юртимиз тўғрисидаги тасаввурлари нотўғри шаклланишига олиб келиши мумкин. Хусусан, Россияда чиқадиغان расмий ва норасмий ОАВларининг айримлари томонидан тарқатиллаётган хабар, мақола, кўрсатув ва радиоэшиттиришлардаги оҳанг кишини камида энсасини қотиради.

Бу материалларни фалон масалаларни ўрганиш бўйича фалон аналитик марказнинг фалон даражадаги таҳлилчилари томонидан илгари сурилиши гўё уларга ҳаққонийлик, илмийлик бағишлайдигандай. Бирок бу валломатларнинг айтаётган гапи, муносабатидаги позициясини кўриб, «эсизгина шунча китоб, шунча газит» деб юборганингизни билмай қоласиз. Аввало, бу «аналитик»лар ўз диёри чегараларини Москва ва Санкт-Петербург билангина тугайди, деб ўйласалар керакки, фикр юритиш тарзида ҳам бу чегара мана-ман деб ошкор бўлиб туради. Яъни улар бу «бепоён мамлакат»нинг марказий шаҳарларидан сал четроқдаги аҳволни ҳам, ўн минглаб кишлоқлардаги вайронгарчиликларни ҳам ёддан чиқармай мулоҳаза юритганларида эди, балки Ўзбекистон тўғрисида гапиришга уларда маънавий ҳуқуқ пайдо бўлармиди? Кишини

хайрон қолдирадиган яна бир нарса шундан иборатки, улар ўз юртларини аллақачон дунёнинг тараккий этган мамлакатлари қаторига қўшиб олганлар ва мана шу «баладлик»дан туриб бошқа давлатларга бургутназар қиладилар (аслида бу баладлик ишхоналари жойлашган қаватнинг баладлигидан ўзга нарса эмас!).

Албатта, Россиянинг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қудратини дунёда ҳеч бир давлат инкор этмайди. Мамлакат ҳудудининг катталиги, ер ости ва ер усти бойликларининг ниҳоятда кўплиги, шўро даврида стратегик тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган аксарият йирик саноат корхоналарининг шу давлат ҳудудига жойлаштирилгани унинг имкониятларини кенгайтириши ҳам бор гап. Лекин шунча имконият, табиий бойликларга эга бўлган Россия ва у сингари айрим давлатларни бугунги кунда жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий кризиснинг ўзиёқ жуда қийин аҳволга солиб қўяётгани ҳам кўриниб турган ҳақиқат. Ҳолбуки, кейинги беш-олти йил давомида бу давлатлар нефть, газ ва бошқа табиий бойликлар экспорти эвазига аллақанча маблағ жамғарган, келгуси авлодларнинг ҳам ризки бўлмиш табиий бойликлар сарфидан топилган бу маблағларни келажак учун асрашни мўлжаллаб туришганди. Бироқ, бугун маълум бўляптики, бояги кризисдан қутулиш жараёни бу сармоянинг анча-мунча қисмини созуриб кетар экан.

Мазкур ҳолат табиий бойликлари ҳар қанча сероб, мўлкўл бўлмасин, агар улардан оқилона фойдаланилмаса, мамлакат иқтисодиёти дунё бозорида харидоргир тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга йўналтирилмаса, бирорта давлат ўзини жиддий бўҳронлардан иҳота этолмаслигини яна бир бор исботламоқда. Ўзбекча қилиб айтадиган бўлсак, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кимнинг ким эканини – қайси давлат нима ёки ким ҳисобига, қандай яшаётганини, қандай бошқарилаётганини ошкор қилдикўйди. Қолаверса, нимагадир бояги «ақли уммон» аналитиклар Марказий Осиёнинг барча давлатларини сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий жиҳатдан бир хил ҳолатда деб тасаввур қилади ва уларнинг ҳамма мулоҳазалари мана

шу кинғир асосга курилаверади. Ҳолбуки, Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари юқорида саналган соҳаларда эришган муваффақиятларини кўнглида озгина холислик бўлган барча хорижликлар тан олмоқда, ибрат намунаси сифатида эътироф этмоқда. Бу эътироф эса йўқ жойдан пайдо бўлмапти. Зеро, бутун иқтисодиёти, кундалик тирикчилиги, бошқа халқларга тепароқдан қараш иштиёқи табиий бойликлар экспортига боғланиб қолган мамлакатлардан фарқ қилароқ, Ўзбекистон ўз сармоясини келажак авлодлар камолига бағишламоқда. Юртимизда йирик саноат ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган юзлаб замонавий корхоналар барпо этилаётгани, дунё бозорига олиб чиқадиган йўл-транспорт инфратузилмасининг тубдан қайта қурилаётгани, энг муҳими – фарзандларимизнинг замонга мос илм ва ҳунарга эга бўлишини таъминлайдиган ўн минглаб мактаб, лицей, коллежларнинг бунёд этилиши – Ўзбекистон ўзининг ҳам моддий, ҳам маънавий бойликларидан қанчалик оқилона фойдаланаётганини кўрсатмоқда.

У ёғини суриштириладиган бўлса, иқтисодиёт, ижтимоий ҳимоя, муҳофаа, фан ва маданият, маориф, соғлиқни сақлаш, спорт, жумладан, болалар спорти соҳаларида Ўзбекистонда бир неча йил илгари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилган ислохотларнинг бизга қандай яшамокни ўргатмоқчи бўлган диёрларда эндигина бошланаётганини, бўлиб ҳам худди бизнинг юртимиздаги моделлардан нусха олинаётганини ҳеч ким билмаса ҳам биз биламиз-ку. Қолаверса, Ўзбекистондан фарқли ўлароқ, бу ислохотлар ўша халқларнинг қанчалик кенг қатламини қамраб олишини, самарадорлигига қанчалик эришилишини ҳали вақт кўрсатади...

Албатта, ўзбеклар бу ёруғ дунёда ҳамманинг ҳам омадини берсин, барча юртлар ҳам гуллаб-яшнасин, ўзидан тинчисин, дейди. Унинг бу ниятларида заррача риё, юзакичилик бўлса, номи ўзбек бўлмас эди. Лекин нима учун Ўзбекистоннинг тинч, хавфсиз, хотиржам тараққий этиши кимларнингдир уйқусини қочириши керак? Нима учун бу улуғ қарвон ортидан ҳуришга иштиёқманд кимсалар, онда-сонда бўлса-да, топилиб турибди? Нима учун ўзига эн бўлмаган бировга енг

бўлишни даъво қилишдан тоймайди? Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги кўшни – кардош мустақил давлатлар билан тинч-тотув яшаши нега кимларгадир малол келади?

Биласизки, илгари подшолар саройида махсус ушлаб туриладиган масхарабозлар (шутлар) бўлган. Уларнинг асосий вазифаси ўзларининг олди-қочди гаплари билан подшонинг кўнглини олиш, унинг кайфиятини кўтариш ҳисобланган. Ўша «жоҳил феодализм» замонида ҳам бу масхарабозлар овози саройдан ташқарига чиқмас, уларнинг алмойи-алжойи гапларини саройдагилардан бошқа одам эшитмас эди. Буни қарангки, ҳозирги сиёсатда ўша типдаги кимсаларга ҳам минбар тегиши, уларнинг миллионлар қаршисида ниҳоятда нозик ва мураккаб масалалар (миллатлараро ва динлараро муносабатлар, ҳарбий кучдан фойдаланиш, бошқа давлатларнинг ички муаммолари ва ҳ.) тўғрисида оғзига келган гапни бемалол айтиши урфга айланмоқда. Бу урфнинг демократия, инсон фикри эркинлиги аталмиш мўътабар қадриятларга мутлақо алоқаси бўлмай, аксинча, уларга айнан зид эканлигини жаҳон афкор оммаси бир овоздан таъкидлайди.

Айни масалада узоққа бормай, ғалати машҳур жаноб В. Жириновский чиқишларини мисол келтириш ўринлидир. (Дарвоқе, ватанининг ўзида бу кимсанинг расмий лақаби ҳам «шут» ҳисобланади.)

Маълумки, бу фигуранинг сиёсат саҳнасида юз кўрсатганига анча йиллар бўлди. Аввалига унинг телба-тесқари гапларини эшитган жаҳон аҳли бунақа кимсанинг сиёсатчи сифатидаги карьераси узоққа бормаслигини, ўзини ҳурмат қилган ҳеч бир давлат бундай шарлатанга узоқ тоқат қилолмаслигини тахмин этган эди. Буни қарангки, маданий дунё халқларининг бу содда умидлари ҳам бир бўлди-ю, В. Жириновскийнинг ҳали ҳанузгача сиёсий масхарабозлик ролида толикмай жавлон ураётгани факти ҳам бир бўлди.

Демак... демак, унинг боягидай чиқишлари, кутилмаган даъволарни бемалол эълон этиши кимларгадир керак экан-да. Кимлардир ўзининг кўнглида турган, бироқ расмий минбарларда айтиши мумкин бўлмаган ниятларини шу тариқа билдириб қўйишдан, омманинг қарашларини мана шу йўсинда

бошқаришдан манфаатдор экан-да. Бу ҳам «катта сиёсат»нинг бир муҳим элементини ташкил этаркан-да.

Жаноб В. Жириновский учун бир бутун халқлар, миллатлар тақдири ҳатто писта пўчоғичалик қимматга эга эмас. Унинг бошқа мамлакатлар, халқлар тўғрисидаги «машҳур» қарашларини эслашнинг ҳозир мавриди эмасдир. Бирок, бу кимсанинг Ўзбекистон, ўзбек халқи шаънига айтаётган гаплари Сиз билан бизнинг ҳамиятимизни кўзғамасдан иложи йўқ. Бу жиҳатдан В. Жириновскийнинг, масалан, бундан бир неча йил илгари «Эхо Москвы» радиоси муҳбири А. Плюшевга берган интервьюси характерлидир. Таржима муносабати билан турли талкинлар юзага келишининг олдини олиш мақсадида мазкур интервьюнинг айрим жойларини аслича келтирамизки, катта бир давлатнинг сиёсий партияси етакчиси гапларидаги бориб турган масъулиятсизлик, ёвузликни, ўйлаймизки, ўзингиз яхши ҳис қилиб оласиз:

«А. Плюшев: Интересно насчет этого. Не могли бы Вы сказать, кому выгодно затягивание операции? Возможно прекращение операции в Чечне?»

В. Жириновский: Это выгодно всем. Это этап третьей мировой войны. Потому что следующая война начнется в Средней Азии. Нужно подготовить общественное мнение, что на юге постоянно война: отступают, наступают, зачищают. Но наиболее кровавая война будет в Средней Азии. Там миллионы погибнут, миллионы. Там, возможно, придется применять уже тактическое ядерное оружие, потому что там такое количество будет войск, что обычным стрелковым оружием не обойтись. Т.е. это этапы третьей мировой войны.

А. Плюшев: Средняя Азия... прежде всего Вы имеете в виду Афганистан, Таджикистан?»

В. Жириновский: Афганистан, Таджикистан, и будет захвачена часть территории Киргизии и Узбекистан. В основном все пойдут против Узбекистана. Ташкент будет гореть. Это будет страшно, но город будет уничтожен полностью, и миллионы людей погибнут в среднеазиатском котле. Поэтому Кавказ это цветочки. Ягодки будут в Средней Азии... А пока будем на Кавказе защищать...»

(Худонинг қудратини қарангки, бу сафар ҳам бошқага ёмонлик тилаганнинг ўз бошига бало-ю кулфат ёғилди. Мана шунақа суҳбатлардан ҳеч қанча вақт ўтмай, Россиянинг турли ҳудудларида террористик гуруҳлар томонидан даҳшатли ҳодисалар содир этилди.)

Ҳозирги замон тўғрисида шу тариқа фикрлайдиган бу валломатдаги тарихий билимнинг ғовлаб кетгани-чи. Унинг қарашича, «30-х годах мы басмачей ведь не уничтожили, мы их отпустили в Афганистан. Вот внуки басмачей сейчас вернулись – талибы».

Аввало, бу оғзига кучи етмаган ҳалигача «басмач» деб тилга олаётгани фидойилар, аслида чинакам босқинчи – қизил армия террорига қарши курашларда жон фидо қилган миллий озодлик ҳаракати қаҳрамонлари эканини халқимиз яхши билади. Қолаверса, шўро ҳукумати (Жириновский ўзини бу империалистик ҳукуматнинг вориси эканини яширмаётганига ҳам эътибор беринг!) уларни ҳар томонлама исқанжага олиб, азиз умрларини шафқатсизларча хазон қилгани ҳам тарихнинг аччиқ ҳақиқатидир. Афғонистондаги бутунги аҳвол – яна худди шу шўролар давлати кирдикорининг оқаваси билан бу ҳодисаларни бир-бирига боғлаш, машҳур ўзбек адиби ибораси билан айтганда, «ой тутилиши билан чорвоқдаги қизилчанинг қизаришини бир-бирига боғлаш»дек соғлом ақлга тўғри келмайдиган ишдир. Полковник В.Жириновский (мана шу «юксак унвони» билан мақтанишни ҳам у жуда хуш кўради!) бундан кўра, барча хунрезликлар 1979 йилнинг машҳум декабрь кечасида мустақил ва тинч ҳаёт кечираётган Афғонистон давлатига сурбетларча бостириб кирилиши, бу юртда давлат тўнтаришининг амалга оширилиши билан бошланганини, бу ишнинг бошида яна ўша – «мы»лар турганини эсга олиб қўйса, ёмон бўлмас эди. У тилга олган Афғонистондаги ҳаракатни эса ким, қачон, кимга қарши ва қайси йўсинда вужудга келтирганини бутун дунё аллақачон англаб етган.

Кишини ўйга толдирадиган яна бир ҳолатни эсламай иложимиз йўқ. В. Жириновскийдан бир неча мартаба «Нима учун ОАВлари нуқул сизни чиқаришаверади?» деб сўраганларида, у камтарликни йиғиштириб қўйиб, «Чунки халқ шуни

хохлайди. Халқ мени эшитади, бошқа вайсақиларни эмас!», деб жавоб бермоқда. Унинг мақтанчоқлиги ўз йўлига-ку, лекин бу ҳолат бизни бошқа мулоҳазаларга йўналтиради. Дарвоқе, ҳақиқатан ҳам, нисбатан холис, объектив фикрлайдиган сиёсатчилар, экспертлар, журналистлар етарли бўлгани ҳолда, нима учун телеэкранларда, газета саҳифалари-ю, радио тўлкинларида нукул шу кимсанинг овози тинимсиз янграйверади? Унинг боягидай гаплари, чақириклари, башоратларини қайта-қайта оммалаштираверишдан кўзланган асосий мақсад нима? Халқнинг, жамиятнинг дунёқараши, кайфияти мана шунақа йўсинда шаклланиши (тўғрироғи – шакллантирилиши, бошқарилиши!)дан кимлар манфаатдор? Миллионлаб россияликлар ичига шу тарзда миллатчилик, шовинизм уруғини бемалол сочиб юришга изн берилиши кимларнинг иши? Бу сочилган уруғлардан қандай ҳосил олинмоқчи?.. Назаримизда, бу саволлар нафақат Сиз билан бизни, балки дунё ҳамжамиятини ҳам жиддий ўйга толдирмоғи даркор.

Афсуски, юқоридаги сингари хуружлар сони кейинги пайтларда борган сари кўпайса кўпайяптики, асло озаймапти. Жумладан, яқинда Россияда чоп этиладиган «РБК» ойлик журналида «Россияга тортиш» номли мақола чиққан. Ичи шовинистик қарашларга тўла бўлган бу мақолага бир харита ҳам илова қилинган. Ушбу харита муаллифлари собиқ шўро давлатига кирган, бугунги кунда эса мустақил ҳаёт кечираётган республикаларнинг «империя таркибига қайта кўшиб олинишининг тахминий муддатлари»ни ўзларича белгилайдилар. Унга мувофиқ, Қирғизистон ва Тожикистонни сал олдинроқ, Ўзбекистонни эса 2009–2011 йилларда шундай «тақдир» кутмоқда гўё...

Марказий Осиё минтақаси давлатлари тўғрисидаги юқорида эслатилган ва яна бошқа ўнлаб ўйлаб топилган васвасалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йилги «Хотира ва қадрлаш куни»да оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюсидаги фикрларининг нақадар долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди. Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон урушидек даҳшатли ҳодиса қурбонлари ёд этиладиган аламли хотира кунда янги уруш-

ларда ишлатилиши мўлжалланган замонавий курол-аслаҳалар, ҳарбий куч намоишини уюштириш, ўтган урушда фашизм устидан қозонилган ғалабани фақат бир миллатнинг руҳи ҳамда қуроли қудрати ҳосиласи сифатида талқин этиш қадами тарихий ҳақиқатга, урушнинг миллионлаб қурбонлари хотирасига бепсандликдан бошқа нарса эмас. Ва аксинча, Юртбошимизнинг Афғонистон масаласини фақат курол кучи билан ҳал этиб бўлмаслиги, халқаро ҳамжамият бу жафокаш халқнинг оёққа туриши учун биринчи навбатда унга иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий кўмак уюштириши, бунда афғон халқининг миллий, тарихий ва диний қадриятлари албатта инобатга олиниши лозим экани, мазкур жараёнда Афғонистонга қўшни барча давлатларнинг фаол иштирокчига айланиши зарурлиги тўғрисидаги ғоялари нақадар гуманистик характерга эга экани янада равшан кўринади.

Сувни лойқалатишда ким манфаатдор?

Марказий Осиё халқларининг турмуши, тирикчилиги, бутун тақдири икки азим жон томири – Сирдарё ва Амударё билан чамбарчас боғлиқ экани бу ҳудудда азалдан истикомат қилиб келаётган миллатларга яхши маълум. Мана неча асрларки, бу халқлар дарёлар сувидан ўзаро баҳамжиҳат, оқилона фойдаланиб хўжалик юритадилар, тирикчилик ўтказадилар. Бошқача қилиб айтганда, бу дарёлар сувининг лойқаланишидан мазкур халқлар ҳеч қачон манфаатдор бўлмаганлар, бундан кейин ҳам бўлмаяжаклар.

Бирок кейинги пайтларда Марказий Осиё халқлари ўртасида ўзаро низо чиқаришнинг бошқа усуллари қутилгандек самара бермаётганидан ташвишга тушаётган айрим учинчи кучлар бор дикқатларини мана шу сувни лойқалатиш ва ундан лакқа балиқ тутиш мақсадига қаратмоқдалар. Лакқа баликки, ҳам гўшт берсин, ҳам сут. Яъни, Сирдарё ва Амударёдек трансчегаравий дарёлардан сув ичадиган халқлар ўртасига ўзаро совуқлик тушириб, уларни бир-бирларига гиж-гижлаш, бу талотўмдан фойдаланиб улардан ҳали уни-сига, ҳали бунисига «ёрдам бериш» баҳонасида мустақил

давлатларни ўз таъсир доирасига олиш. Мана шу сунъий можаролар пайтида минтақа устидан ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий ҳукмронликни ўрнатиш бояги «лойка сувда балиқ тутиб ўрганган» учинчи кучнинг стратегик мақсади ҳисобланади. Узоққа кетадиган бундай ғирром мақсадларни олдиндан пайқаган Ўзбекистон раҳбарияти ҳар турли дипломатик ўйинларга қарама- қарши ўларок, бу борадаги ўзининг аниқ ва собит позициясини очик эълон қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида сўзлаган нутқида минтақа давлатларини кутаётган хавфнинг моҳиятини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Юртбошимиз ўз нутқида, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади:

«Минтақадаги бу жараёнларга таъсир кўрсатишга уринаётган айрим учинчи мамлакатлар қандай стратегик мақсадларни кўзлаётгани тобора аён бўлиб бормоқда.

Биз, ўз халқи олдида, тарих олдида масъул бўлган давлат раҳбарлари, аввало, бугун ушбу баҳс-мунозараларни авж олдирмасдан ва уларга сиёсий тус бермасдан, умумий ёндашув нуқталарини топишимиз даркор, деб ўйлайман. Акс ҳолда, мамлакатларимиз, халқларимиз манфаатлари бир четда қолиб, учинчи кучларнинг стратегик ҳамда геосиёсий манфаат ва мақсадлари, минтақани бошқариш билан боғлиқ масалалар олдинга чиқиб қолиши мумкин...

Агар биз мувозанатга эришолмасак ва ўзаро муросага келолмасак, бу муаммони ҳал эта олмаймиз ва унинг ечими узоқ йилларга чўзилиб кетади. Қолаверса, ким ўз мақсадига эриша олиши ҳам ҳали номаълум – биз, яъни ушбу минтақада яшаётган халқларми ёки, пировард натижада, бошқаларнинг манфаатлари амалга ошадими? Бу борада «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» деган принцип – эскидан маълум бўлган савдо амалга ошгудек бўлса, биз кимларнингдир қўлида арзимас тангага айланиб қолишимиз мумкин. Бунга йўл қўйишга эса бизнинг асло ҳаққимиз йўқ».

Ўзбекистон Президентининг «эскидан маълум бўлган савдо» ҳақидаги эслатмалари фақат рамзий маънода ишлатилган ибора бўлмай, балки, тўғридан-тўғри мазмунни ҳам ифода этади. Жумладан, Қирғизистон ҳукуматининг электр энергияси ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналарга тегишли акцияларнинг давлат назоратидаги қисмини ҳам аукцион савдосига қўйиш ҳақидаги қарорини эшитибок, бояги учинчи куч вакиллари шошилиш пул санашга тушганлар. Акцияларнинг назорат пакетига эга бўлиб олган томоннинг кейинчалик бу имкониятдан нима мақсадда, қандай ва қанчалик фойдаланишини тасаввур этиш эса одамдан ортикча фаросатни талаб қилмайди. Айниқса, бу акциялар энергетика соҳаси корхоналариники бўлса, айниқса, бу энергия қатор давлатлар ҳудудидан оқиб ўтадиган дарёлар сув ресурслари ёрдамида ҳосил қилинса...

Дарёлар сувидан оқилона фойдаланиш борасида Марказий Осиё давлатларининг ўзаро муроСага келишига ҳар томонлама тўсқинлик қилиш мақсадида учинчи куч қўллаётган усуллар ўзининг сурбетлиги, бетамизлиги билан ажралиб туради. Биз бу ўринда мазкур ҳаракатларнинг иқтисодий, молиявий, сиёсий йўналишларини таҳлил этиб баҳо беришни соҳа мутахассисларига қолдирамиз-да, биргина инфорМацион майдондаги хуружлар борасида мулоҳаза юритамиз.

Агар халқаро Интернет саҳифаларида, айрим давлатлар ОАВларида шу масала юзасидан эълон этилаётган материалларга назар ташланса, уларга танланган сарлавҳаларнинг ўзиёқ ортида турган буюртмачиларнинг асл мақсад-муддосини ошқор қилиб қўяди: «Россия имеет больше козырей в центрально-азиатской игре», «Капля воды в котле этнических противоречий», «Карта водной войны», «Большая игра в Центральной Азии только начинается», «Таджик и узбек поссорились под ногами у России», «ЦетрАзия разделилась на водообеспеченную двойку и жаждушую тройку», «Инвестиции в страны региона обеспечить России политическое влияние» ва ҳ.

Бу материалларнинг бирида минтақанинг у давлатига жон қўйдирилаётгандек йўл тутилса, иккинчисида бошқа

давлатга «хайрихоҳлик» усули кўлланади. Бунда бир мамлакатнинг манфаатлари гўё химоя этилиши асносида унинг мингйиллик кўшниси бўлмиш бошқа бир давлат ва халқ лойга қорилаверади. Аслида, бунақа номард усулнинг номини ўзбек аллақачонлар жуда аниқ топиб қўйибди – «сопини ўзидан чиқариш»!

Энг хатарлиси – мана шунақа усул-услугларда иш кўраётган корчалонлар қардош халқлар ўртасига низо солиш мақсадида уларнинг бир-бири тўғрисида хаёлига ҳам келтирмайдиган ёлғон гапларни гўё реал кайфиятдек қилиб кўрсатишга уринаётганидир. Улар учун Сирдарё ва Амударё қирғоқларида яшовчи қарийб 50 миллион аҳолининг тақдирини маъна бўлиши эмас, балки, нима қилиб бўлмасин, мана шу аҳолини бир-бирига қайраб солиш нияти муҳимроқдир.

Энди, шунча бузғунчи ҳаракатлардан ҳам қоникмаётган бир «етақчи эксперт»нинг мана бу «армонга тўла» қақириқларига нима дейсиз: «Россия недостаточно использует ситуацию, которая может быстрее и эффективнее помочь ей занять определенную нишу. Кризис хорош тем, что лишает большинство игроков разных возможностей – инвестиционных, ресурсных, политических, экономических. Вот в России, пока вот этот потенциал имеется, исходя из накопленного опыта, знаний, экономических интересов».

Бу муаллиф назарда тутаётган «тўпланган тажриба»нинг, «билим»нинг номини эса Юртбошимиз Олмаотадаги нутқида аниқ ва лўнда қилиб ифодалаб берганини кўрдик – «**бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил**»...

Миллатчилик миллатпарварлик эмас

Аслида, ижтимоий-ҳуқуқий адабиётларда бу икки тушунчага етарлича изоҳ берилгани, бу борада янгилик кашф этиш шарт эмаслигини яхши тушунамиз. Лекин тушуниш, англаш бошқа-ю, унга амал қилиш бошқа эканини ҳам теран англашимиз лозимлигини бугунги реаллик, афсуски, қайта-қайта тақозо этмоқда.

Жумладан, Россияга меҳнат қилиш учун борган бошқа миллат вакилларига нисбатан кўрсатилаётган муносабат

МДХ таркибига кирган аксарият мамлакатларда ҳақли эътирозлар туғдирмоқда.

Аввало, шуни айтиш керакки, бугунги дунёда бир давлат фуқаросининг бошқа мамлакатга бориб ишлаши, ўқиши, даволаниши, дам олиши табиий ва қонуний жараён ҳисобланади. Россиянинг ўзидан кетган миллионлаб фуқаролар ҳам дунёнинг турли ҳудудларида мана шундай кезиб юрганлиги кўриниб турган факт. Шундай экан, бу жараёнга вазминлик билан ёндашиш, мавжуд муаммоларни ўзаро келишган ҳолда қонуний ҳал этиш тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилмоқни ният қилган ҳар қандай давлатнинг бурчи ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистонда ҳам узок-яқин мамлакатлардан келган кўплаб хорижий фуқаролар эмин-эркин меҳнат қилмоқда, саёҳат қилмоқда, таълим олмоқда. Ҳозирга қадар уларнинг бирортасига миллати, мамлақати, ирки ёхуд диний эътиқодига кўра олақараш қилинмаган, қилинмайди ҳам. Президентимиз сўзлари билан айтганда, ўзбеклар «**ўз кучига ишонган халқнинг бағри кенг бўлишини**» амалда исботламоқда.

Афсуски, айрим давлатлар, уларнинг ОАВлари учун мана шу табиий воқелик ҳам жамиятда миллатчилик, шовинистик кайфиятларни ўт олдиришга баҳона ролини ўйнамоқда. Бу ўринда биргина НТВ телеканали орқали намойиш этиладиган «К барьеру!» номли шоу-кўрсатувнинг айрим сонларини эслаш кифоядир. Ўтган бир-икки ой ичида мазкур кўрсатувга собиқ шўролар давлати таркибига кирган мамлакатлардан айримларининг Россиядаги фавкулодда ва мухтор элчилари таклиф этилди.

Фавкулодда ва мухтор элчи дегани суверен бир давлат манфаатлари, қарашлари, жорий ва стратегик сиёсатини ўзга давлат раҳбарияти олдида мужассам изҳор этувчи дипломатик миссия вакили деганидир. Шундай экан, унга кўрсатиладиган муносабат, сўроқ-савол ҳам шунга яраша бўлмоғи, элчи деганлари кўрсатув бошловчиси ва қаршисидаги оппонент учун кетма-кет даҳанаки хужум объектига айланмаслиги талаб этиларди. Бирок «К барьеру!»да кечган олишувлардан билдикки, бу кўрсатув номини бемалол «К стенке!» деб

тушунса ҳам бўлаверар экан. Яъни бояги элчилар кўрсатув бошловчисининг ўзи кун тартибига қўйган ниҳоятда муҳим масалалар (жумладан, мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, давлат чегараларининг дахлсизлиги, икки фукаролик, Россияда меҳнат қилаётган хорижлик ишчиларга муносабат ва б.)да ўз фикрини, қарашларини, ўзи вакил қилинган мамлакати позициясини ҳеч бўлмаса икки минут эмин-эркин, хотиржам ва тинч айта олмайди. Бунга турли усуллар билан тўғридан-тўғри тўсқинлик қилинади – гапи бўлинади, бошқа саволлар тикиштирилади, чалғитилади, гўё ҳазиллашилади ва ҳеч имкони бўлмай қолса, танаффус эълон қилиб, баланд мусиқа қўйиб юборилаверади. Унга қарши даъво билан рингга кўтарилган оппонентга – ўз кишиси (масалан, В. Жириновский)га эса барча керакли имкониятлар яратиб берилади. Қарабсизки, кўрсатувни кўриб ўтирган миллионлаб одамлар фикри камида бир томонлама йўналиш олади, бир қисм томошабин бўлса, масала моҳиятига етмай гарангсиб қолаверади.

Бу жараёнда бизни ўйга толдириши лозим бўлган яна бир «кичкинагина деталь» бор. У ҳам бўлса, кўрсатув давомида ҳар икки рақиб фикр-қарашларига томошабин аҳоли – жамият томонидан берилаётган овозлар сонидир. Агар бу овозлар сони сунъий-механик тарзда, кўрсатув ижодкорлари томонидан бошқариб бориладиган бўлса, бунга, боринг ана, қўл силтаб қўйиш мумкиндир. (Тортишувчилардан бирининг овозини бўғишдек номард ҳаракатларга изн берган «демократик экран»нинг бу ишни ҳам қилишига ҳайрон қолмаймизку!) Лекин, агар бу рақамлар орасидаги фарқ (ўзига мақбул одамнинг оппонентига нисбатан уч-тўрт баравар кўп овозга эга бўлиши!) ростдан ҳам жамият фикри – кайфиятини акс эттираётган бўлса, энди бу ҳол кишини ташвишлантормаслигининг иложи йўқ. Яъни ахборот, мафкура полигонларида олиб борилаётган, юқорида биз айрим мисолларини эслаганимиз ҳаракатлар, афсуски, ўзининг *аччиқ меваларини* бера бошлаётганидан далолатдир бу!

Таассуфки, бошқа ОАВларидаги материалларда ҳам, масалан, турли юмуш билан Россияда юрган хорижий давлат

фукарларнинг юридик, ижтимоий, инсоний, маънавий ҳуқуқларининг камситилиши, уларни менсимаслик, ҳатто, очикдан-очик топталиши сингари ўта негатив ҳолатларнинг ёритилишидаги бирёқламаликларни сезмаслик мумкин эмас. Тобора урчиб-кўпайиб бораётган «такирбошлар» (скинхердлар) томонидан хорижий давлатлардан шартнома асосида (яъни пулини тўлаб қўйиб!) ўқишга келган талабаларнинг кетма-кет ўлдириб кетилиши, Кавказ ўлкалари, Молдова, Украина, Озарбайжон ва Марказий Осиё республикаларидан борган ишчиларнинг турли усулларда хўрланиши сингари ходисаларга жойлардаги давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳамда ОАВларининг муносабатини кўриб, камида ҳайрон бўлади киши. Инсофни ўртага қўйиб айтадиган бўлсак, шунча йиллардан бери бир-биридан хунук бу хунрезликларга қарши бирорта жиддий чора кўрилдими? Нега ҳамма кўриб-билиб турган бу ваҳшийликлар жазосиз қолаверади? Нима учун ҳеч керак бўлмаса ҳам жуда кўп нарсаларга (масалан, бошқа давлатлар қонунларини бузиб, ўша ерларда оғир жиноят содир этган турли гуруҳларни қутқариб олишга!) кучи ҳам, имконияти ҳам, маблағи ҳам етаётган давлатнинг бояги «такирбошлар»- у боши бузукларни тартибга солиб қўйишга ҳеч кучи етмайди? Бундай кўриниб турган миллатчилик, шовинистик ҳаракатларнинг авж олиши, нормага айланиб қолиши, охир-оқибат, айнаи жамиятнинг ўзини ортга қайтиб бўлмайдиган ҳалокат ёқасига келтириб қўйиши мумкинлигига яқин тарих неча маротаба гувоҳ бўлганини биламиз-ку...

Энди бунинг аксича ҳолатга билдирилаётган муносабатни олиб кўрайлик. Худо кўрсатмасин, бошқа юртлардан, ҳатто Россиянинг чекка ҳудудларидан келган ўзга миллат вакиллари томонидан ҳатто соф маиший асосда жиноят содир этилгудек бўлса, бояги давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам, ОАВлари ҳам шундай аюҳаннос соладиларки, нарёғи йўқ. Аввал бошдан барча хабарларнинг сарлавҳаларига бу жиноят «Кавказ миллатларига», «Марказий Осиё миллатларига» мансуб шахслар томонидан содир этилгани тўғрисидаги «кашфиёт» олиб чиқилади. Бутун эътибор айнан шу масалага

каратилаверади, миллатга урғу берилаверади, одамларнинг диккати шунга жалб этилиб, онгига таъсир кўрсатилаверади. Сўрайдиган одам йўкки, «оғайни, бу ҳуқуқбузарлик юртингда содир этилаётган жиноятларнинг неча фоизини ташкил этади ўзи? Унинг оғирлик даражаси, ўз юртдошларинг томонидан қилинаётган жиноятларга солиштирганда, қанчалик хавфли? Қачондан бери ҳуқуқшуносликда жиноятчининг қайси миллатга ёки мамлакатга мансуб эканлиги бош масала бўлиб қолди? Ким бўлмасин, агар ростдан-да жиноятчи экани исботланса, қилмишига яраша жазосини тўғри беравермайсанми? Нима қиласан, миллат номига осилиб?...»

Хулоса ўрнида

Албатта, атрофимизда юз бераётган ҳодисалар, мамлакатимиз, халқимиз тўғрисида билдирилаётган яхши-ёмон гаплардан огоҳ бўлиш ва уларга ўз вақтида тегишли жавобни бериш муҳим вазифалар. Бирок, модомики гап миллат ғурури, мамлакат манфаати, халқ шаъни тўғрисида борар экан, истисносиз ҳар биримиз кундалик фаолиятимизда амал қилишимиз лозим бўлган муҳим маънавий қоидалар – талаблар ҳам борлигини унутмаслигимиз лозим. Бу қоида – талаблар, бизнингча, қуйидаги тушунчалардан келиб чиқади. Жамият аъзолари – шахслар ғурури бирлашиб, миллат ғурурини шакллантиради. Шахс ғурурининг муҳим қисмини эса миллий ғурур деган олий инсоний тушунча ташкил этади. Афсуски, айрим юртдошларимиз шахсий ғурурига қарши қилинган тажовузларга ўз вақтида жавоб қайтаришни ўйлайдилар-у, миллий ғурур ҳимоясига келганда, бу ишни бошқаларнинг (масалан, давлат, мамлакат раҳбарияти) зиммасидаги вазифа деб тушунишади. Ҳолбуки, ҳар бир миллатдошимиз дунёнинг қаерида, ким томонидан амалга оширилмасин, ўз юртдошининг миллий ғурурига нисбатан кўрсатилган бепишандликни ўзининг ҳам ғурурига тажовуз, дея ҳис қилмоғи даркор. Фақат шундагина Сиз билан биз ўзбек деган қутлуғ номни бошимизда кўтариб юришга ҳақли саналамиз. Бу ёруғ оламда яшар эканмиз, ҳар биримизнинг жисму жонимизда

шу ғурур мустаҳкам туриши, ўсиб-униши, бардавом бўлмоғи керак. Қаерда бўлмайлик, нима юмуш қилмайлик, сўз ила амалимизда агар мана шу туйғудан келиб чиқиб ҳаракат қилсак, иншооллох, ҳеч қачон кам бўлмаймиз, азиз бошимиз ҳам бўлмайди. Зеро, ҳар бир одамнинг миллий ғурурни асраши, охир-пировардида, миллат ғурурининг асралишига олиб келади. Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» деган ғояси ўз замирида, жумладан, мана шу кадриятларни ҳам мужассам этган.

Тўғри, республикамизда фаолият кўрсатаётган аксарият сиёсий партиялар, ҳаракатлар ўзининг низоми, ҳаракат дастурларида юқорида айтилган кадриятларни ҳимоя қилиш ва ривожлантиришни у ёхуд бу шаклда ифода этганлар. Бу борада партиялар томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлардан ҳам кўз юмуш мумкин эмас. Лекин глобаллашаётган замон, тобора мураккаблашаётган ташқи ҳаракат ва таъсирлар Сизу биздан бу фаолиятни амалда янада кучайтиришни, фуқароларимиз дунёқарашини даврга мос тарзда ўстиришни тақозо этапти.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ЭРКИНЛИК ВИЖДОНИ

**«Менинг комил ишончим шуки,
савоб ишни ҳар ким қилиши керак,
савоб ишни ҳар кун қилиш керак,
савоб ишни беминнат қилиш керак».**

Ислоҳ КАРИМОВ

Биринчи манзара

Болалигим Тошкенти азимнинг Хастимом маҳалласида кечгани туфайли, имкон бўлди дегунча бу ерни зиёрат қилиб туриш одатга айланиб қолган. Агар авваллари бу масканга бири биридан тор, кинғир-кийшиқ, ўйдим-чуқур кўчалар оралаб борилган бўлса, бугун унинг белгиси бўлмиш азим ми-

норалар шаҳарнинг тўрт томонидан кўриниб туради. Агар олдин кишилар бу ерга келиб намоз ўқишдан-да чўчиб-хуркиб турган бўлса, бугун бу ердаги нафақат масжидлар, балки бой кутубхона, муқаддас Усмон муҳаффи жой олган Мўйи Муборак зиёратгоҳи, Тошкент Ислам институти, Ўзбекистон Муслмонлари идораси сингари маърифат ва маънавият масканлари минглаб шаҳарликлар ва меҳмонларнинг кўнгли орзикиб борадиган азиз гўшаларга айланиб қолган...

Иккинчи манзара

Шу кунларда мен хизмат қиладиган институтда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 17 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказишга тараддуд кўриляпти. Ўзим танлаган мавзу – мустақил мамлакатимиз Асосий қонунида фуқароларнинг виждон эркинлигига оид ҳуқуқларининг амал қилиши тўғрисидаги маърузага материал йиғиш билан бандман.

Биринчи манзара

Маҳаллада қолган кекса қариндошларни зиёрат қилгани яқинда яна Хастимом томон йўл олдим. Қафқол Шоший мақбараси ёнидан ўтарканман, мақбара олдида қўйилган бежирим ўриндиқда куз қуёшини қафтлари билан паналаб, атроф-теварақдаги орасталикка ҳавас билан термулиб ўтирган отахонга кўзим тушди. Тахминан саксонни қоралаб қолган, кийим-бошидан илгари раҳбарлик лавозимларида ишлагани сезилиб турган бу одамга салом бериб, йўлимда давом этдим. Қария саломимга алик олар экан, ўктам бир овозда: «Ўғлим, мумкинми озгина вақтингизни олсам», деб қолди. Унинг ким биландир жуда гаплашгиси келиб турганини сезиш баробарида, бундай кишилар билан суҳбатдош бўлган одамнинг вақти бекорга кетмаслигини ҳам ичдан ҳис қилдим...

Иккинчи манзара

Мавзу юзасидан тўплаганим факту рақамларни бир бошдан маъруза лойиҳасига кирита бошладим. Жумладан,

шўролар даври Ўзбекистони 70 йилдан ортиқ вақт давомида динлар ва диндорлар масалалари борасида собик иттифоқда амалда бўлган 1918 йилдаги «Черковнинг давлатдан ва мактабнинг черковдан ажратилганлиги ҳақида»ги декрет, 1929 йилдаги «Диний бирлашмалар тўғрисида»ги қарор ҳамда СССР Конституциясининг 52-моддасига асосланиб келган.

Мазкур ҳужжатларда гўё фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатланиши, ҳар қандай динга эътиқод қилиш, диний маросимларни ўтказиш борасида амал қилажак чекланмаган ҳуқуқлар эълон қилинган эди. Лекин буларнинг бари фақат қогоздаги гап бўлиб, «олий ҳужжатлар»даги ваъдалар билан реал воқелик орасида улкан бир жарлик ястаниб ётарди. Масалан, шўролар давлати конституциясининг кўрсатилган моддасида совет фуқароларига «виждон эркинлиги, яъни хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки бирортасига эътиқод қилмаслик ҳуқуқи кафолатланиши» баробарида, «диний сиғинишни ёхуд атеистик тарғиботни амалга ошириш ҳуқуқи» ҳам берилган эди. Амалда эса одамларнинг «хоҳлаган динга эътиқод қилиши, диний сиғинишни амалга ошириши» сингари ҳуқуқлари саробга айлантирилиб, билган ва билмаганнинг «атеистик тарғиботни амалга ошириш ҳуқуқи» ғовлаб борди. Бошқача айтганда, диндорлар мамлакатдаги ҳуқуқлари энг кўп камситилган тоифа ҳисобланарди. Комфирканинг расмий идеологияси очикдан-очик даҳрийликдан иборат бўлиб, партия ва унинг аъзолари фуқаролар қалбидан диний эътиқодни сиқиб чиқариш, ёшлар қалбида эса унга ўрин қолдирмаслик йўлида тинимсиз уриниб ётарди. Диний раҳбарлар ва ҳатто оддий диндорлар ҳам қатагон қилиниб йўқотиб юборилар, камида юртидан сургун қилинарди.

Биринчи манзара

– Ука, одамнинг тафтини одам олади, дейишади. Агар бироз вақтингизни аямай, мен – қариянинг кўнглида йиғилиб қолган дардларни эшитсангиз, озгина енгил тортармидим. Ёшларга, ҳеч қурса бола-чақангизга гапириб берсангиз, уларга сабоқ бўлса кани... – деб гап бошлади бу нотаниш

киши. – Аввало, ўзимни танитай. Исминни эшитиб, хайрон бўлманг – ота-онамиз бизга замону сиёсатга мослаб Мэлс деб от қўйишган. Ақлимни таниб билдимки, бу шўро «дохийлари» исми шарифларининг бош ҳарфларидан жамланган ажабтовур от экан. Энди айтсам бўлаверади – мана шу исмининг ўзиёқ менинг секин-аста амал поғоналаридан ўсиб боришимга, ҳукуматнинг ишончли одамлари каторига киришимга анча ёрдам берган...

Соҳамиз идеология билан боғлиқ бўлгани учун, ҳозир ўйласам, билиб-билмай анча-мунча касофат ишларни қилган эканмиз. Бухоро-ю Самарқанддаги, Урганч-у Андижондаги не-не табаррук қадамжоларни вайрон қилганимизни, Худо билан унинг бандаси ўртасига туриб олиб, одамлар кўнглини қанчалар ўқситганимиз, хўрлаганимизни эсласам... Охириги ишларимиздан бири Сурхондарёнинг Бойсунида бўлганди. «Тепа»да ўтирган опахоннинг кўнглини топамиз деб, кишлоклик одамларнинг бир дошқозон пишиб турган сумалаги устига кетмонлаб тупрок торттиргандик... Бўлмаса, дин каёқда экан-у, Наврўз каёқда экан. Бу нарсаларни ўйлайдиган, фикрлайдиган калла бўлмагандан кейин, ҳаммаси аралашиб кетган эди-да...

Отахоннинг Хазрати Имом жоме масжиди гумбазидаги олтинранг ой тасвирига қадалган кўзларида ғилтиллаб ёш айланарди.

– Мана шу ўтирган жойимизнинг кунботар томонига сомон бозори, қаршимиздаги майдонга эса мол бозори жойлаштирилганди. Мақсад – бу ерлар табаррук жой эканини, бу жойда хоки ётганлар улўғ олимлар, авлиёлар эканини халқнинг эсидан чиқариш, унинг хотирасини ҳайвон туёқлари остида топтатиш эди. Кейин бу ерга чайков бозори кўчириб келтирилди. Қафқол Шоший макбараси эшигидан отнинг калласидай кулф ҳеч қачон олинмасди. Намозгоҳ жоме масжиди биносида шофёрлар тайёрлайдиган мактаб очувдик. Ана у Барокхон мадрасасидаги, бир пайтлар толиби илмларга тураржой бўлган хужраларни бўлса, аксарияти уйсиз-ишсиз бомжлар – келгинди сўққабаш-алқашлар ўзига макон қилиб олганди. Мадрасанинг хонақоҳидан керосин дўкони сифатида фойдаланиларди...

Иккинчи манзара

Конференция маърузасидан қуйидаги мулоҳазалар ҳам ўрин олишини маъқул деб топаман: Ҳаж сафарига бориш фақат 1945 йилдан эътиборан бошланган бўлиб, ҳар йили иттифок бўйича 10–15 нафар, Ўзбекистондан эса номига 3–4 нафар кишигина бу зиёратга боришга муваффақ бўларди.

Умуман олганда, мустақилликка қадар Ўзбекистонда ҳам диндорлар сифатида фақат нафақахўрлар тан олинар, аҳоли бошқа қатламларининг масжид ва черковларга боришига йўл қўйилмасди. Конституцион нормага мувофиқ, диннинг давлатдан, мактабнинг эса диндан ажратилгани баҳона диний муассасаларнинг моддий-техник таъминотига мутлақо эътибор берилмас, диний таълимга эса энг беписанд таълим тури сифатида муносабат қилинарди.

Биринчи манзара

– «Худди Самарқанддаги Имом Бухорий ва Шоҳи Зинда, Бухородаги Накшбандий ва Ғиждувоний зиёратгоҳларидаги каби Тошкентнинг Ҳастимомида ҳам илгари бўлмаган ишлар бўляпти», деган гапни эшитгач, эринмай неча марта келдим бу ерга, – дея гапини давом эттирди янги танишим. – Президентимизнинг республикамиздаги юзлаб қадамжоларни қайта тиклаш, тиклаганда ҳам худди аслидай қилиб бунёд этиш тўғрисидаги гапларини телевизордан эшитарканман, бу гапларни ўз тақдиримдан келиб чиқиб талкин қиламан нукул. Хўш, асл дегани нима ўзи? Назаримда, бу ерда гап фақат биноларнинг, иморатларнинг асл кўринишини тиклаш ҳақидагина эмас, балки улар бағрида мужассам бўлган эътиқоднинг, имоннинг аслини тиклаш тўғрисида боряпти. Ахир бизнинг юртимиз ислом дини ва унинг кадриятлари гуркираб ўсган, диний эътиқод одамларнинг маиший турмуши билан соғлом уйғунлашиб кетган асл имон макони эмасмиди? Президентимиз ҳамма масалада асликка, покликка даъват этар экан, дунёнинг ҳали у, ҳали бу четидан келаётган, мана шу қадим халққа ҳар турли «сабоқ»ларни тикиштиришга ури-

наётган кимсаларга муносиб жавоб бера олишга ўргатяпти бизни. Шу маънода тушунсак, собиқ тузум, масалан менинг нафақат исмимни, балки ички дунёмни, ўзлимни, одамлимни ҳам аслидан айиришга уринган эди-да.

Энди эса...Худодан яширмаганимни Сиздан қандай яширай – боя айтганим – қилган қилғиликларимиз учун Яратган бизни тирикчимиздаёқ жазолади. Агар мен умрим бўйи кип-кизил атеист бўлиб ўтган бўлсам, невараларимдан биттаси анави «ваҳхобийлар» деган ўрага тушиб қолди. Ҳайриятки, ҳали чуқур кетмаган экан, давлат уни кечирди, ёш умрини ҳазон қилмай, ўзимизга қайтариб берди. Бир келишимда шу болани қўлидан ушлаб бу ерга етаклаб олиб келдим. Чумолидай бўлиб ишлаётган, бир-бирининг қаватига кириб меҳнат қилаётган, бизнинг авлодимиз молбозор қилиб юборган жойни нурхонага айлантираётган одамларни кўрсатдим...

Иккинчи манзара

Мустақиллик арафасидаёқ Ўзбекистондаги динлар ва диндорларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, дея давом эттираман маърузамни. 1991 йилнинг 14 июнь куни қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун динлар ва диндорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда тарихий аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бу борадаги давлат сиёсатининг, ўзаро муносабатларнинг устувор йўналишини белгилаб берди. Конституциямизнинг 31-моддасида ўқиймиз: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».

Юқорида эслаганимиз шўро давлати конституциясининг амалиётдаги ижросидан тубдан фарқ қилароқ, мустақил мамлакатимиз Бош қомусида белгиланган бу ҳуқуқий норма ҳар кунги эркин ҳаётнинг, фуқаролар эътиқодий истак-хоҳишларининг мустаҳкам кафолати сифатида

амал қилмоқда. Бунга қўшимча равишда, «Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда» деган эътиқод билан яшовчи Президентимизнинг доимий эътибори туфайли, диний ташкилотларнинг давлат кўмагига муҳтож муаммолари оқилона ҳал этиляпти, юзлаб имон-эътиқод масканлари қайта қад ростляпти.

Ўтган йиллар давомида юртимиздаги диний ташкилотлар сони ҳам тобора ортиб борди. Агар мустақилликкача фақат 211 та диний ташкилот бўлган бўлса, эндиликда республика бўйича 16 диний йўналишдаги жами 2225 та ташкилот эмин-эркин фаолият олиб бормоқда. Маълумки, бизнинг юртимизда ислом диний ташкилотлари кўпчилики – умумҳисобда 92 фоизни ташкил этса, улардан ташқари 175 та ноисломий диний ташкилотлар ҳам бор.

Ўзбекистонда диний байрамларнинг нишонланиши кенг йўлга қўйилган. Собиқ шўро давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Рамазон ва Қурбон ҳайити кунларининг дам олиш кунли деб эълон қилиниши ҳам айнан шу юртга тегишлидир. Йилдан-йилга мусулмонларнинг Қурбон ва Рамазон ҳайитларини, христианларнинг Пасха ва Рождество байрамларини, яҳудийларнинг Пейсах, Пурим ва Ханука байрамларини нишонлаши тобора кенгайиб борапти. Фуқароларнинг Ҳаж, Умра ва бошқа зиёратларга бориш кўлами ҳам йилдан-йилга ортапти. Жумладан, мустақиллик йилларида 65 мингдан зиёд фуқаро Ҳаж зиёратига, 200 дан ортиқ фуқаро Россия, Греция ва Исроилдаги муқаддас қадамжоларга зиёратга бориб келдилар. Ҳукумат томонидан зиёратчиларга турли йўналишларда керакли кўмак кўрсатилляпти.

Мустақиллик йилларида муқаддас китобларнинг ўзбек тилига таржималари кўплаб нусхаларда нашр этилди. Жумладан, Қуръони карим уч маротаба, христианларнинг муқаддас китоби бўлган «Библия»нинг «Қадимги Аҳд» қисмининг 16 китоби ва «Янги Аҳд» қисми тўлалигича ўзбек тилига таржима қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги қарорига асосан, республикада жойлашган 15 та йирик диний маскан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига

ўтказилган ва бу борадаги ишлар кенг кўламда давом этмоқда. 2004 йил 21 декабрда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Республика Кўрлар жамияти билан ҳамкорликда кўзи ожизлар учун махсус тайёрланган Қуръони карим нусхасининг тақдимот маросимини ўтказди. Ўзбекистон жаҳондаги бу турдаги китобларни тайёрлаган учинчи давлат сифатида эътироф этилди.

Биринчи манзара

– Биласизми, ўша неварамга нима дедим хов анов жойда туриб?! – отахоннинг менинг билагимни тутган ориқ қўллари хаяжондан тинимсиз титрарди. – «Эй, бола! – дедим. – Сенлар кимларга қарши чикмоқчи бўлдинг? Шу одамларни енгаман деб ўйлайсанми? Қара, улар нима билан банд. Аксарияти сен тенги ёш-яланглар. Буларни биров мажбур қилиб ишлатаётгани йўқ. Анави дастурхон кўтариб келаётган келинлардан ҳам биров овқат сўраётгани йўқ. Манави болалар пешингача мактабида ўқиб, кейин гурра хашарга чопишади. Буларни бирлаштираётган, билагига куч, кўзига ёлқин бераётган нарса нималигини биласанми? Сен ва сени йўлдан урмоқчи бўлган валломат устозларинг оғзини кўпикка тўлдириб сайрайдиган имон деганлари аслида мана шу бўлади! Имонга эса оғиздаги кўпик билан даъват қилинмайди. Чин эътиқод йўлидаги амалий ишлар билан, шахсий намуна билан, покиза ихлос билан чакирилади. Энди ўзинг инсоф билан солиштириб айт – дин учун, имон равнақи учун бутун Ўзбекистонда мана шундай савобли ишларни мунтазам амалга ошираётган Юртбоши ва унинг теварагига жипслашган халқ кўпроқ хизмат қиляптими ёки сенинг «устозларинг»ми? Шунча йил боягилар қаторида юриб, сенлар нима каромат кўрсатдиларинг? Дину диёнат йўлида, савобу инсоф йўлида бир иш қилдиларингми? Бир кадамжони обод қилиб, бир кўнгли бузуқни тўғри йўлга солдиларингми? Уларни қўй, мана шундай савобли юмушларда тер тўкаётган анави қўли қадок уста йигитга лоақал бир пиёла чой узатишга ярадиларингми? Энди яна айт – қайси бир ишдан эртанги кунга, Худонинг йўлига савоб қолади – сенларнинг

пана-пасткамларда килиб юрган кирдикорларингданми ёки мана бу минглаб кўнгли-ю кўли тоза одамларнинг эътикод йўлида қилаётган миннатсиз меҳнатлариданми?» – дедим. Тўғрими шу гапларим, ука?! Ахир, мен ва менга ўхшаган қанчадан-қанча одамнинг умри беҳуда ваъдаларга учиб сарсон бўлгани етарли эмасми? Бошқалар йўриғига юриб бизнинг адашганимиз бу ёшларга сабоқ бўлиши керакми-йўкми? Менинг Мелс деган исмимни ўлиб кетсам биров беш-олти йил ё эслайди, ё эсламайди. Лекин Имом Бухорийнинг, Замахшарийнинг, Нақшбандийнинг, Қафқол Шошийнинг номларини мажбур килиб ҳам халқнинг ёдидан, кўнглидан ўчириб бўлмас экан-у. Наҳотки, шуни тушуниш учун неварамнинг ҳам бутун умри сарф бўлиши керак?

Иккинчи манзара

Маъруза матни куйидаги фактлар билан тўлиб борарди:

Ўзбекистондаги диний таълим тизими Тошкент Ислом институти, 9 та ўрта махсус ислом билим юрти, православ ва протестант семинарияларидан иборат. 2008–2009 ўқув йилида Тошкент Ислом институтида 143 нафар, мадрасаларда 981 нафар, православ семинариясида 44 нафар ва протестант семинариясида 30 нафар талаба таҳсил олди.

1999 йилнинг сентябрь ойидан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ташкил этилган Тошкент Ислом университети фаолият юрита бошлаб, 2003 йилда биринчи бакалаврлар, 2005 йилда эса биринчи магистрлар бу илм даргоҳини тугаллаб чиқди.

Ўзбекистонда, Конституциямизда қайд этилганидек, фуқароларнинг виждон ва эътикод эркинликлари масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда ҳамда уларга диний таълим олиш, хайрия ишларини олиб бориш, зиёратлар ташкил этиш, турли конфессиялар орасида мулоқот ўтнатилган тенг ҳуқуқлар берилган. Бу ўринда Ўзбекистондаги давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда диний ташкилотлар томонидан ўтказиб келинаётган тадбирларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

1995 йилда «Бир само остида» шиори билан Халқаро христиан-мусулмон конференцияси ташкил этилиб, унинг ишида Жаҳон черковлар кенгаши, турли хорижий черковлар вакиллари фаол иштирок этдилар.

1996 йилда иккита тадбир ўтказилди: ноябрда Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллигини нишонлади; декабрда Ўзбекистон Евангель-лютеран жамоаси Марказий Осиёдаги ягона лютеран Кирхасининг 100 йиллигини байрам қилди.

2001 йилда Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси 130 йиллигини, 2003 йилда Самарқанд шаҳрида Арман Апостоллик черкови ўзининг 100 йиллигини нишонлади. Шуниси қувонарлики, мазкур тадбирларда республикадаги барча диний йўналиш вакиллари баҳамжихат иштирок этмоқдалар.

Мустақиллик йилларида қатор диний арбобларнинг юбилейлари кенг нишонланди, улар билан боғлиқ қадамжолар тубдан таъмирланиб, халққа қайтарилди. Жумладан, 1993 йил сентябрда Баҳоуддин Накшбанднинг 675 йиллиги; 1995 йил ноябрда Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги ва Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги; 1998 йил октябрда Имом ал-Бухорийнинг ҳижрий тақвим бўйича 1225 йиллиги; 2000 йил ноябрда Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг 1130 йиллиги ва Бурхониддин ал-Марғинонийнинг 910 йиллиги; 2003 йил ноябрда Абдуҳолик Ғиждувонийнинг 900 йиллиги; 2004 йил декабрда Ҳожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги тадбирлари юксак савияда ўтказилди.

Биринчи манзара

Отахон унинг гапларини эътибор билан эшитганим, кўнглида кечган туйғуларини тўғри тушунганим учунми кўлимни қўйвормаган ҳолда менга узоқ тикилиб қолди. Хорғин кўзларининг тубида бир нур йилт этиб порларкан, мендан-да мадад кутган оҳангда деди:

– Яқинда бир китобдан ўқидим. Аллоҳнинг даргоҳи кенг экан. Худойим бандасига меҳрибон, шафқатли экан. Сидқидилдан қилинган тавбага доим йўл очик экан. Илоё,

менинг ҳам тавбамни қабул қилсин. Билиб-билмай қилган гуноҳларимни ўзи кечирсин...

Менинг жим қотганимни анча туриб сезган қария, елкамга қоқиб кўяр экан:

– Энди боринг, ука, – деди. – Манзилингизга шошилинг. Мен бўлсам шу ерда яна бир муддат ором олай, кўнглимни бўшатай... Дарвоқе, кейинги ҳафта – жума куни ўтадиган ҳайитингиз муборак бўлсин, дўсту ёрларингизни, оилангизни менинг номимдан ҳам қутланг...

Сўнгсўз

Айни кунларда бўлажак конференцияда ўқийдиган маърузам тайёр бўлди, ҳисоб. Бирок Ҳазрати Имом мажмуасида суҳбатлашганим отахоннинг қиёфаси, тавба-тазарруси, берган ўғитлари ҳам миямда ғужғон ўйнамоқда. Бир қарорга келолмай турибман: илмий-амалий анжуманда пухта тайёрлаганим маърузани ўқиганим маъқулми ёки ўша мўйсафиднинг тақдир йўлини ўзидек қилиб ҳикоя қилиб берганимми? Балки ҳар иккисини умумлаштириш, назария билан амалиётнинг, белгиланган ҳуқуқ ва бурчларнинг ҳаётий кўринишидаги туташ нуқталарини топиш, шу орқали рақам ва фактларга жон бағишлайдиган талқин йўлини кидириш керакдир?

Менимча, албатта шу йўлдан борган маъқул. Зеро, илмий анжуманга тайёргарланиш жараёнида кўриб чиққаним маърифий, ҳуқуқий, тарихий манбалар тажрибаси ҳам шуни исботламоқдаки, қачон миллат ва мамлакат мустақиллигини қўлдан бой берса, ўзининг табиатига ёт ғоялар ва мафқуралар билан яшашга маҳкум этилса, ўша паллаларда унинг мингйиллик тарихий хотирасига ҳам дарз кетади, жамики муборак асори атиқалари қадрсиз ҳолга тушади. Ва аксинча, миллат ва мамлакатни ягона мақсад сари бирлаштирувчи, сафарбар эта олувчи миллий ғоя ўртага ташланса, энг муҳими – бу ғоя ҳар бир фуқаронинг қалб амрига айланиши учун унинг ижроси амалий ишлар билан мустаҳкамланса, бундай юртнинг нафақат бугунги куни, балки ўтмиши ва келажаги

ҳам, шубҳасиз, нурланади. Гувоҳи бўлганимиздек, бизнинг мамлакатимизда фуқароларнинг виждон эркинлиги ва бошқа барча ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати бўлмиш ҳуқуқий асос ҳам, маънавий-маърифий асос ҳам, иқтисодий-ижтимоий, тарихий асос ҳам мавжуд. Шу қувватли илдизларга – миллий аслиятимизга таяниб, замонавий илм-фан ютуқларини ижодий ўзлаштириб, ўзлигимизни, имон-эътиқодимизни қўлдан бой бермай борсак, иншооллох, келажагимиз, албатта, буюк бўлажак!

БЕШИНЧИ ФАСЛ

НУРЛИ КЕЛАЖАК КОНЦЕПЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ҲАМДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Шу кунларда халқимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллик санасини тантанали нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Ўтган давр ичида асосий қомусимиз давлатни давлат, миллатни миллат қилишдек қудратини намойиш қилди. Республикамиз Конституцияси халқимизнинг эрки, руҳияти, ижтимоий онги ҳамда маданиятини акс эттириш баробарида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларини, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг кўплаб тамойилларини жамулжам ҳолда ўзига камраб олган.

Аввало, унда мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари устуворлиги қатъий мустаҳкамланди. Конституциямизнинг ўзига хос хусусиятлари – унда ҳуқуқий ва сиёсий тафаккурнинг энг юксак ютуқлари, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибаси ҳамда ўзбек халқи маданияти ва миллий анъаналарининг чуқур илдизларига таянилгани ҳисобланади.

Кези келганда айтиш ўринлики, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда жамиятни умуминсоний кадриятлар асосида ташкил этишда, шубҳасиз, Конституциянинг тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс. Зеро, ҳуқуқий демократик давлатда ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир одам ўз ижтимоий ва шахсий ҳаётини, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини Конституциясиз ҳимоя қилишни тасаввур қила олмайди. Шунинг учун ҳам биз Конституциямиз мазмун-моҳиятини чуқур билишимиз, олдимизда турган муаммоларни ҳал қилишда Асосий Қонунимиздан жавоб топишга интилишимиз зарур.

Ислохотлар кўп киррали ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бунда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳамда олиб борилаётган ислохотларнинг сифати ва самараси кўп жиҳатдан мукамал ҳуқуқий базанинг яратилганига боғлиқдир. Демократик давлат шароитида мамлакатнинг ривожланишини, унда яшовчи ҳар бир фуқаронинг тегишли ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзида мамлакатимизнинг мустақиллик шароитида ривожланишининг ҳуқуқий асосларини, уларни жамият ҳаётида реал амалга ошириш механизмларини белгилаб берувчи конституциявий қоидаларнинг мавжудлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Таъкидлаш жоизки, бугунги ижтимоий воқелигимиз ушбу эътирофимизнинг қанчалик ҳаққонийлигини кўрсатиб турибди. Бинобарин, республикамизнинг Конституцияси қабул қилинганидан буён ўтган ўн саккиз йил вақт давомидаги таракқиёти, унинг нақадар етук ва нуфузли ҳужжат эканини тўла тасдиқлади. Агар амалга оширилаётган демократик жараёнларни муайян босқичларида эришилган ижобий натижаларимизни муфассал таҳлил қиладиган бўлсак, бунга яна бир бор амин бўламиз. Энг аввало, мамлакатимизда демократик янгиланиш ва сиёсий ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим натижаларга эришилди.

Мамлакатимиз Конституцияси ўз моҳиятига кўра, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қилувчи ҳужжат сифатида Ўзбекистон халқи хоҳиш – иродасининг қонуний ифодасидир. Асосий қонунимиз умуминсоний демократик принципларни ўзида мужассам этувчи, инсонни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб эътироф қилувчи, давлат ҳамда жамият тузумининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамловчи юридик ҳужжатдир. Конституция бошқа қонунларга нисбатан олий юридик кучга эга бўлиб, конституциявий тузум асосларини, инсон ва фуқаролар ҳуқуқий ҳолатининг ўзагини, давлат ҳокимияти органлари тизимини, маҳаллий давлат идоралари ва ўзини ўзи бошқариш тартиби ҳамда принципларини мустаҳкамлайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Конституция демократик тараккиёт йўлидан одимлаётган жамиятимиз ҳуқуқий тизимида алоҳида нуфузли мавкени эгаллайди. У жамият ҳуқуқий тизимининг ўзаги бўлиб, барча ҳуқуқ тармоқлари ва қонунчилик соҳаларини шакллантирувчи сарчашма манба ҳисобланади. Конституциянинг қоидалари ҳамиша раҳбарий, дастурий ҳамда йўналтирувчи мавқега эга. **«Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик – ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши»**дир¹.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ҳамда модернизациялаш борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришда, шунингдек, бу бордаги конституциявий нормаларни янада такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларидан биринчиси сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш кўрсатилган. Чунончи, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **«...ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифалари-**

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 539-бет.

нинг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди.

Бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди»¹.

Президентимиз томонидан билдирилган мазкур концептуал фикр-мулоҳазалар фукаролик жамиятини барпо этишда муҳим аҳамиятга эга. Зотан, фукаролик жамиятини барпо этиш – бу, энг аввало, инсон, жамият ва давлатнинг ўзаро маърифий алоқадорлиги бўлиб, унда инсон, унинг ҳуқуқлари ва манфаатлари устувор аҳамиятга эга бўлади. Бундай жамиятда мавжуд бўладиган ижтимоий муҳит давлатнинг қонунлар доирасида фаолият кўрсатишига, ўз навбатида, фукароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла-тўқис таъминланишига шароит яратади, асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари маърузасида ушбу соҳадаги устувор вазифа сифатида кўрсатиб берилган яна бир муҳим масала бу миллий парламентимиз фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ. Хусусан, юкоридаги маърузада алоҳида қайд этилганидек, «**Икки палатали миллий парламентимизни ташкил этиш масаласи бўйича 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум яқунлари ва шу асосда «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг асосларини белгилаб берди**».

Таъкидлаш керакки, парламентимизнинг бикамерализм принципига асосланган тизимга ўтиши миллий парламен-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузаси. «Халқ сўзи», 2010 йил 13 ноябрь.

тимиз ривожланишидаги муҳим янгилик бўлди. Бу амалдаги конун ҳужжатлари сифатини ошириш ҳамда олий давлат вакиллик органида ҳудудий манфаатларни ҳисобга олиш имконини берибгина қолмай, ҳокимиятлар тақсимланиши шароитида парламентнинг ўрнини мустаҳкамлади. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Бундан кўзланган асосий мақсадлар парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, конун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат эди. Бу борада таркиб жиҳатидан асосан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакиллари-дан ташкил топган юқори палата – Сенатнинг ҳудудлар манфаатларини ифода этиши, куйи – Қонунчилик палатаси эса ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга ошириши ҳисобга олинганини айтиб ўтиш лозим».

Юртбошимиз маърузасида эътибор қаратиб ўтган яна бир муҳим масала бу давлат бошлиғи ҳуқуқий мақоми ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш ҳамда ҳокимиятлар тақсимланиши шароитида унинг бошқа ҳокимият тармоқлари билан ўзаро муносабатини янада либераллаштириш ва демократлаштириш бўлди. Ушбу ислохотлар изчиллик билан босқичма-босқич ҳамда мамлакатдаги ўтиш даври билан боғлиқ қалтис вазиятни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши бугунги муваффақиятларимиз гарови бўлди десак, муболаға бўлмайди. Бу соҳада, айниқса, 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатидаги мақоми ўзгартирилиши ҳамда Конституциямизнинг 89-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминловчи субъект сифатидаги мақомининг белгиланиши конституциявий ислохотлар тизимида муҳим сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазир-

лар Маҳкамаси раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Қабул қилинган қонунларга мувофиқ эндиликда Бош вазир нафақат Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади, балки унга раҳбарлик қилади ва унинг иши самарадорлиги учун шахсан жавоб беради, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади».

Айни дамда Юртбошимиз ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши шароитида давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар юзага келганлигини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини шунга монанд ва ҳамоҳанг ҳолда ўзгартириш юзасидан бир қатор муҳим масалаларга эътибор қаратади.

Бу борада Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасини ўзгартириш бўйича таклиф этилаётган мулоҳазалар алоҳида аҳамиятга молик. Ушбу ўзгартиришнинг моҳияти шундан иборатки, Вазирлар Маҳкамаси фаолияти устидан парламент назорати кучайтирилди, шунингдек, давлат бошлиғи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги муносабатлар янада аниқлаштирилди. Хусусан, эндиликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига қирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларини бекор қилишга оид ваколатларини кўзда тутувчи норма чиқариб ташланиши, қўшимча равишда

мазкур нормага тўқкизта янги қисм киритилиши кўзда тутилмоқда. Бу, албатта, Бош вазир мақомида жиддий ўзгаришлар бўлишини кўзда тутди. Президентимиз таъбири билан айтганда, «**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилаётган ушбу ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, уларга кўра, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодаладиган янги тартиби ўрнатилмоқда. Шунингдек, Конституцияга киритилаётган бу ўзгартишларга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилмоқда. Айти вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари доирасидан чиқарилмоқда.**».

Таклиф этилаётган ўзгаришлар мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуришда муҳим аҳамиятга эга. Зотан, ҳукуматнинг нафақат давлат бошлиғи, балки парламент олдида ҳам жавобгарлигининг белгилангани парламентнинг жамият ва давлат ҳаётидаги иштирокини янада кенгайтиради, унинг ижро этувчи ҳокимият устидан назорат олиб бориши механизмини ривожлантиради. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг амалда аралаш республика бошқарув шаклига ўтаётганидан далолат беради. Бу мамлакатимизда истиклол йилларида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилган ислохотларнинг ўз самарасини бераётганидан ҳамда юртимизда ислохотларни янада кучайтириш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароит етилганидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилган мазкур ўзгартишларнинг яна бир жиҳати сиёсий партияларнинг фаоллигини янада оширишга, уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодининг Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши, шубҳасиз, сиёсий партияларнинг фаолиятини янада жонлантиради ва уларнинг давлат бошқарувида фаол иштирок этишини таъминлайди.

Давлат бошқаруви соҳасидаги ислохотларнинг муҳим йўналишларидан яна бири – парламент назоратининг муҳим усулларидан бири бўлган ишончсизлик вотумининг конституциявий мустаҳкамланиши билан боғлиқ. Хусусан, концепцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олганида Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала қўйилиши, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланиши ҳамда бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилиши, бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқиши кўзда тутилмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, **«Биз ҳаммамиз шунини аниқ англаб олишимиз зарурки, сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган**

бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради».

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямиз асосида амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг барча истикбол йўналишларини муваффақиятли амалга ошириш давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларини демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг муҳим шарти бўлади, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ривожланишимизни амалда таъминлайди.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ПРЕЗИДЕНТЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тақдим этди. Концепциядан ўрин олган ташаббуслар шу вақтгача амалга оширилган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, навбатдаги ислохотлар учун қулай замин, шарт-шароитлар етилгани туфайли илгари сурилган. Концепция билан танишган киши, аввало, Ўзбекистонда янгиланишлар сиёсати изчил давом эттирилаётганига; иккинчидан, инсон, унинг манфаат-эҳтиёжлари бу ислохотларнинг ўзагини ташкил этаётганига; ва, ниҳоят, тадрижий таракқиётимизнинг навбатдаги босқичи бошланганига амин бўлади. Бу жиҳатдан, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масаласининг кун тартибига қўйилганлиги тасодиф эмас, балки заруратдир. Президентимиз таъбири билан айтганда: **«Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис авваламбор рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини**

олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард на-тижада муваффақиятга эришади».

Концепциянинг давлатимиз учун аҳамияти ҳақида гапир-ганда, аввало бу ҳужжатнинг салмоғи борасида тўхталиш ўринли. Авваламбор, «Мамлакатимизда демократик исло-хотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» – стратегик мазмун-моҳиятга эга ҳужжат ҳисобланади. Чунки Юртбошимиз томонидан тақдим этилган Концепцияда давлатимиз равнақини таъ-минловчи энг мақбул тараққиёт йўналиши белгилаб берил-ган. Демак, Концепциядан ўрин олган мақсадларга эришиш истикболимиз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Таъкидлаш жоизки, давлатнинг стратегик мақсадларини белгилаб бериш ўта масъулиятли вазифа саналади. Чунки мамлакат тақдири кўп жиҳатдан келгусида эришилажак марраларнинг қанчалик тўғри танланганига боғлиқ бўлади.

Иккинчидан, мазкур Концепция давлатимизнинг инно-вацион салоҳиятини ўзида ифода этади. Чунки бу ҳужжат, бугунги кун эмас, Президентимиз таъбири билан айтганда, ЭРТАНГИ КУН талабларидан келиб чиққан ҳолда иш-лаб чиқилган. Шунинг учун ҳам Концепция бизга давр ўзгаришларидан ортда қолмаслик, замонага мос ривожла-ниш, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб бериш имконини яратади. Бундан ташқари, доимий такомилга шайланганимизнинг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда Концепциядан ўрин олган ғоялар муттасил ва шиддат билан янгиланаётган дунёда ўз қиёфамизни сақлаб қолган ҳолда мавқеимизни янада мустаҳкамлашимизга пухта замин яратади.

Учинчидан, Концепцияда бошқарувга тизимли, комплекс ёндашувни кўриш мумкин. Ҳаракатларимизни долзарб ва-зифаларни ҳал қилишга йўналтириш асносида бу ҳужжат фаолиятимизни мувофиқлаштиришга, ўзбекона қилиб айт-ганда, «бир ёкадан бош чиқариб» меҳнат қилишимизга,

харакатларимиздаги изчиллик ва тартибни таъминлашга хизмат қилади. Айни пайтда, жамиятимиз ҳаётини ислоҳ қилишнинг олти устувор йўналиши қамраб олинган бу ҳужжатда келгуси фаолиятимиз кўламлари, янгиланишларнинг микёслари ҳам белгилаб берилган.

Тўртинчидан, Концепция шунчаки расмий ҳужжат эмас, балки эндиги ҳаракатларимизни алоҳида мазмун билан тўлдиришга хизмат қиладиган дастуриламалдир. Унда бор куч-қудратимизни сарфлашга арзидиган мақсад-муддаолар илгари сурилган. Аслида ҳар қандай стратегиянинг муваффақияти унинг аҳоли ўртасида кенг қўллаб-қувватланиши, халқнинг янгиланиш жараёнларига нечоғли жалб қилингани даражаси билан узвий боғлиқдир. Бу эса ҳар биримизни Концепцияни амалга оширишга қўшажақ хиссамиз ҳақида ўйлаб кўришга, Ўзбекистонни қудратли давлатга айлантириш мақсади билан билимимиз, фаоллигимиз, меҳнатимиз ўртасидаги боғлиқликни англашга ундайди.

Концепцияда белгилаб берилган ислоҳот йўналишларидан бири давлат ҳокимияти ва бошқарувига тегишли бўлиб, соҳани янада демократлаштиришни назарда тутди. Бу йўналишдаги устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятига тўхталишдан аввал давлат бошқаруви соҳасида шу вақтга қадар амалга оширилган ислоҳотларни назардан ўтказиш ўринлидир.

Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузасида босиб ўтилган мустақил тараққиёт йўлимиз икки босқичга ажратилган эди. Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган давр дастлабки босқич сифатида эътироф этилган. Бу босқичда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллан-

тириш, конун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлашга қаратилди.

Давлат бошқаруви тизими нуктаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, бу даврда Президент нафақат давлат раҳбари, балки кучли ижроия ҳокимияти органини бошқарувчи шахс сифатида фаолият юритди. Бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш юз берган бу даврда Президент катта ваколатларга эга бўлиб, буни ҳуқуқий демократик давлат пойдеворини барпо этишда давлатнинг бош ислохотчилик ролини ўташи зарурати билан изоҳлаш мумкин. Табиийки, бундай юксак мавқе Президент зиммасига улкан масъулият ва стратегик вазифаларни юклаши баробарида унинг кенг ваколатларга эга бўлишини ҳам тақозо этар эди. Шу ваздан, Президент давлат раҳбари ва айни вақтда ижроия ҳокимияти бошлиғи сифатида ислохотларнинг ташаббускори, янгилашни ва ўзгаришлар жараёнини ҳаракатга келтирувчи асосий кучга айланди. Президентлик институти давлат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўрин эгаллади.

Миллий давлатчилик асосларини шакллантиришга қаратилган ислохотлар натижасида давлат ва жамият қурилишини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Бу эса миллий тараққиётимизнинг навбатдаги, иккинчи босқичига ўтишда пухта замин бўлиб хизмат қилди. Фаол демократик янгилашнилар ва мамлакатни модернизация қилиш даври деб ном олган бу босқичда давлат ҳокимияти тизимида ўзаро мутаносиб ва барқарор мувозанатни таъминлаш борасида, ҳокимият тизимида Президентлик институтининг ўрни ва роли билан боғлиқ муҳим демократик ўзгаришлар амалга оширилди. Иккинчи босқичга келиб, Президент давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини таъминловчи шахсга айланди. Бундай шароитда ҳокимият тармоқларининг

ҳар қайсиси ўз вазифасини англаши, ўзига юклатилган масъулиятни ҳис қилиши, зиммасидаги оғир юкни кўтара олиши талаб этилди.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижроия ҳокимияти бошлиғи эканини белгилайдиган норманинг чиқарилиши ҳамда Президент ваколатларининг бир қисми, жумладан, давлат, ижроия, суд ва дипломатик тузилмалар, махсус хизматлар ва прокуратура раҳбарларини тасдиқлаш ваколатининг юқори палата – Сенат ихтиёрига ўтказилиши давлат бошқарувида туб бурилиш ясаган воқеалардан бўлди. «**Илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим кадам бўлди. Қабул қилинган қонунларга мувофиқ эндиликда Бош вазир нафақат Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади, балки унга раҳбарлик қилади ва унинг иши самарадорлиги учун шахсан жавоб беради, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади**»¹.

Амалга оширилган ислохотлар натижаси ўларок мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданияти юксалди, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўсди, юртимизда кўппартиявийлик тизими мустаҳкамланди. Бу эса давлат ҳокимиятининг уч субъекти – давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларни янада мутаносиб тақсимлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирди.

Жумладан, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янги тартибини ўрнатилди. Таъкидлаш жоизки, амалдаги Конституцияга биноан Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан

¹ *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. – Т.: «Ўзбекистон», 2010., 10-бет.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилар ва тасдиқланар эди. Эндиликда Бош вазир номзодининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши тартиби жорий этилди.

Биринчидан, бу янгилик ижро ҳокимиятини шакллантириш тартибининг янада демократик табиат касб этаётганини кўрсатади. **Иккинчидан**, янги тартиб Бош вазирнинг парламент олдидаги масъулиятини янада орттиради. **Учинчидан**, бу ташаббус сиёсий партияларнинг ижро ҳокимиятини шакллантиришдаги ролини кучайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. **Тўртинчидан**, Бош вазир лавозимига кимнинг номзод этиб кўрсатилиши эндиликда парламентнинг қуйи палатасига сайловларнинг натижаларига боғлиқ бўлади. Бу эса, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолияти учун кучли рағбат, улар ўртасидаги рақобатни кучайтирувчи асос бўлиши табиий.

Аслида парламентдаги кўпчилик томонидан таклиф этилган номзоднинг ижро ҳокимиятини бошқариши депутатларнинг унга бўлган ишончини ҳам орттиради. Бирок сиёсий ҳаёт шу қадар ранг-барангки, унда бунга мутлақо тескари ҳолатларни ҳам кузатиш мумкин. Навбатдаги янгилик ана шундай ҳолатларни тартибга солишга хизмат қилади. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳукуки берилади.

Концепцияга кўра, Бош вазир ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўртасидаги зиддиятларнинг доимий тус олиши парламент қуйи палатаси томонидан Бош вазирга ишончсизлик вотумини билдириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу жараён қуйидаги тартибда амалга оширилади: «Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси му-

ҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади». Бундан ташқари, Концепцияда Бош вазирга ишончсизлик вотумини билдириш шартлари ва бунинг оқибатларига доир қоидалар, янги Бош вазир номзодини таклиф этиш тартиби баён этилган.

Умуман олганда, Ўзбекистонда ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши қонунчилик органи томонидан ижро ҳокимиятига таъсир кўрсатиш имкониятини кенгайтиради. Чунки эндиликда, зарурат туғилганида ҳукумат сиёсатини парламент фикрини эътиборга олган ҳолда ўзгартириш, ҳукуматни номақбул қарорлар қабул қилиш имкониятидан маҳрум қилиш мумкин бўлади. **Иккинчидан**, бундай ўзгартишлар қонунчилик органи билан ижро ҳокимияти ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган низоларни ортикча эҳтиросларга берилмасдан, ҳуқуқий тартибда ҳал этиш имконини беради. **Учинчидан**, жорий этилаётган янги тартиб сиёсий тангликларнинг олдини олишга, мамлакатимиздаги соғлом сиёсий муҳитнинг барқарор бўлишига хизмат қилади. **Мухими**, Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш масаласи ҳам, янги Бош вазир номзодини таклиф этиш масаласи ҳам парламентнинг ҳар иккала палатасида кўриб чиқилади. Демак, давлат бошқарувининг бундай ўта муҳим масалаларини ҳал қилишда сиёсий партияларнинг манфаатларидан ташқари, умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш кафолатланади.

Концепцияда ижро ҳокимияти билан парламент ўртасидаги муносабатларга тааллуқли яна бир муҳим ўзгартиш таклиф этилди – парламент ваколатларини мамлакат тараққиётининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ваколати билан тўлдириш ғояси илгари сурилди. Бу таклифнинг аҳамиятини бир неча жиҳатлар билан боғлаш мумкин. **Биринчидан**, ижро ҳокимияти раҳбарининг қонунчилик органи олдидаги ҳисобдорлиги таъминланади. **Иккинчидан**, ҳукуматнинг мамлакат тараққиёти учун масъулияти янада ортади, давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини билан боғлиқ мажбуриятлари янада кучайтирилади. **Учинчидан**, вакиллик

органи бўлмиш парламент тимсолида ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назорати амалга оширилади. **Тўртинчидан**, қонунчилик органи билан ижро ҳокимиятининг самарали ҳамкорлик қилишига шароит яратилади.

Эътиборлиси шундаки, Концепцияда айрим ҳуқуқларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари доирасидан чиқариш назарда тутилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига қирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларини бекор қилиш, ижро этувчи ҳокимият девонини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ ваколатларнинг Президент ваколатлари доирасидан чиқарилиши тақлиф этилган. Бундан ташқари, вилоят ҳокимлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини Бош вазир тақдимига биноан тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш қондасини мустаҳкамлаш ғояси илгари сурилган.

Умуман олганда, Ўзбекистон Конституциясига юқорида зикр этилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши:

биринчидан, ҳокимиятлар ўртасида ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлайди;

иккинчидан, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг янада самаралироқ амал қилишига хизмат қилади;

учинчидан, давлат бошқарувининг демократик табиатини янада кучайтиради.

Айни пайтда Концепцияда илгари сурилган ташаббуслар мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб бериши баробарида Президентлик институтининг ривожланиши учун ҳам замин яратади. Шу ўринда мазкур ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг эътиборли жиҳатларига тўхталиш жоиз.

Биринчидан, Ўзбекистонда ҳокимиятни амалга ошириш билан боғлиқ ваколатларни тинч шароитда, аста-секин, бухронларсиз, эволюцион йўл билан топшириш жараёни кечмоқда. Дунёдаги сиёсий жараёнларни кузатадиган бўлсак (буни МДХ мамлакатларида ҳам яққол кўриш мумкин), Пре-

зидент ваколатларининг бошқа органларга ўз ҳолича, ихтиёрий равишда топширилмаганига гувоҳ бўламиз. Бу жараёнлар доимо ҳокимият тармоқлари ўртасида кескин курашлар келтириб чиқарган, айрим вақтларда ҳатто қон тўкилишига сабаб бўлган. Россияда XX аср 90-йилларининг бошларида Парламент биносининг танклардан ўққа тутилгани, Украинада Президент-ҳукумат-парламент ўртасидаги ихтилофлар туфайли Конституция нормаларининг гоҳ у томон фойдасига, гоҳ бу томон фойдасига ўзгартирилиши, оломонни майдонга олиб чиқиб, тартибсизликлар уюштирилгани, қўшни Қирғизистонда ўтган қарийб 20 йил ичида Конституциянинг 3–4 мартадан ўзгараётгани, Яқин Шарқ мамлакатларидаги ҳозирги вазият ва бошқа ҳолатлар бунга далил бўлади. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон давлат бошқаруви билан боғлиқ ваколатларни таксимлашда енгил-елпи ҳис-туйғулар, кайфиятлар таъсирига берилмай, «етти ўлчаб, бир кесиш» йўлидан бормоқда.

Иккинчидан, мамлакатимизда давлат бошқаруви соҳасида ҳам «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма», деган тамойилга амал қилинмоқда. Бунда ривожланган демократик давлатларга кўр-кўрона таклид қилиш йўли инкор этилди. Бирданига, ҳали зарур шарт-шароит етилмасидан, мустаҳкам замин яратилмасидан туриб янги тартиб жорий этилмади, мавжуд тизим бирданига инкор этилмади, балки янги шарт-шароитларга мос тизимни босқичма-босқич яратиш йўлидан борилди.

Учинчидан, Ўзбекистонда у ёки бу гуруҳ, муайян сиёсий куч ёки илмий доиралар эмас, балки Президент бошчилигидаги давлат бош ислоҳотчи бўлди. Бир жамият ўрнига бошқа жамият қуриладиган ўтиш даврида давлат бошқарув жиловини қўлдан чиқармаслиги билан боғлиқ қоидага амал қилинди.

Шундай экан, эндиги ислоҳотлар давлат ҳокимияти тизимида Президентнинг ўрни ва ролига қандай таъсир ўтказди, деган ҳақли савол туғилади. Фикримизча, янгиланишлар натижасида Президентнинг давлат бошлиги сифатидаги роли кучайиб, ҳокимият тармоқларининг самарали фаолият юритиши ва ҳамкорлигини таъминлаш функцияси янада кенгрок

намоён бўлишига замин яратилади. Яъни Президент давлат бошқаруви тизимининг барқарор ва самарали ишлашини таъминловчи шахсга айланади. Бунда давлат раҳбарининг ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, умуммиллий вазифаларни белгилаш, муҳофаза, давлат ва фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш билан боғлиқ стратегик вазифалари, халқни юксак мақсадлар сари сафарбар қилиш, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоялари атрофида жамиятни бирлаштиришдаги миссияси ортади.

Фикримизча, Президент ваколатлари доирасининг тобора торайиб бораётгани унинг ижро ҳокимияти фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда иштирок этмаслигини англатмайди. Халқимиз руҳияти ва тафаккур тарзи, миллий анъана ва кадриятларимиз, Президентнинг халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланиши, ўтган йиллар давомида «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижалари ҳам буни яққол тасдиқламоқда. Ҳокимиятнинг у ёки бу тармоғи давлатда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёнига масъул бўлиши мумкин, муайян соҳадаги ислохотлар ҳокимиятнинг бирор тармоғига юклатилиши мумкин. Бирок Президент давлат раҳбари сифатида мамлакатимизда юз бераётган жараёнлар учун масъулиятни ўз зиммасидан соқит қила олмайди. Халқимиз ҳам Президентни бутун бир мамлакат, бутун бир давлат тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олган, шу юртда яшайдиган миллионлаб одамларнинг тақдири учун жавобгарликни ҳис қиладиган, халқнинг эзгу орзу-умидлари ва интилишларни рўёбга чиқаришга қодир лавозим эгаси, деб билади.

Янгиланишлар натижасида Ўзбекистон парламентар республикага айланади, Президент давлат ҳокимияти органлари тизимида рамзий ўринга эга бўлиб қолади, деб фикрлаётганлар хато қилади. Улар бир нарсани эътиборсиз қолдирмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлигидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Бундан келиб чиқадики, агар

аввал Президент давлат раҳбари ва ижро ҳокимиятининг бошлиғи сифатида икки функцияни қўшиб амалга оширган бўлса, эндиликда Президент ҳокимият тармоқларининг ўзига тегишли вазифаларини бажариши, уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишини тўлақонли равишда назорат қилиш ваколатига эга бўлди. Кўриниб турибдики, энди Президент ҳокимиятнинг барча тармоқлари фаолиятига нисбатан ҳакамлик мавқеини эгаллайди ҳамда уларга тегишли равишда таъсир кўрсатиш, керак бўлганда уларни тийиб туриш механизмларига эга бўлади. Яъни, агар бирор бир ҳокимият тармоғи ўз вазифасини тўлақонли бажармаса ёки ваколатини суиистеъмол қилса, Президент зудлик билан бундай ҳолатнинг олдини олиш ёки бартараф этиш чора-тадбирларини кўради.

Эътибор бериладиган бўлса, Концепцияда таклиф этилаётган ташаббуслар ҳам Президентнинг бу вазифани самарали амалга оширишига замин яратади. Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган Бош вазир номзоди Президент томонидан кўриб чиқилади ва давлат бошлиғи орқали парламент тасдиғига киритилади. Иккинчидан, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш бўйича расман таклиф ҳам Президент номига киритилади ва бу таклиф Президент орқали Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига киритилади. Учинчидан, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини қўллаб тегишлича овоз берилган тақдирда ҳам Бош вазирни лавозимдан озод этиш бўйича қарор Президент томонидан қабул қилинади. Тўртинчидан, ишончсизлик вотуми қўллаб-қувватланганидан кейин янги Бош вазир номзоди Президент томонидан Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партия фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Олий Мажлиснинг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади. Бешинчидан, Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Президент Бош

вазир вазифасини бажарувчини тайинлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборишга ҳақли бўлади.

Юқорида зикр этилган беш жиҳат Президент конунчилик ва ижроия ҳокимиятини боғлаб турувчи ўзига хос кўприк, айти пайтда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳакам ролини бажариб, доимо давлат ҳокимияти марказида бўлишини далиллайди. Бунда ҳеч бир ҳокимият тармоғи ўз ҳолича бошқасининг нормал фаолиятига ҳалал бериш, унинг ишига салбий таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлмайди.

Демократияда шундай конуният борки, ҳокимиятни тақсимлашда унинг муайян томонда тўпланишининг олдини олиш мақсадида посанги – қаршилиқ тизими яратилади. Шу жиҳатдан, ҳокимиятлар бўлиниши натижасида юзага келган ҳокимиятнинг уч тармоғини ўз ҳолича иш кўрадиган, бир-биридан тўла мустақил ҳокимиятлар сифатида тушуниш ножоиз. Зотан, ҳокимиятнинг бу уч тармоғи давлат ҳокимиятининг ягона тизимини ташкил этади ҳамда улар ўзаро бир-бирини тўлдириб туради. Бундай тизим ҳокимиятнинг муайян томонда тўпланишига ва унинг биров томонидан тортиб олинишига имкон бермайди.

Концепцияда илгари сурилган таклифлар, бир томондан, ҳокимият тармоқларининг мустақиллигини оширишга хизмат қилса, бошқа томондан, уларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриш механизмларини ҳам назарда тутаяди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасига тааллуқли айрим масалаларнинг Президент ваколатлари доирасидан чиқарилиши, айрим раҳбар кадрларнинг Бош вазир тақдимига биноан тайинланиши ҳамда лавозимидан озод этилиши ижроия ҳокимияти мустақиллигини ва таъсирини оширишга хизмат қилса, Бош вазир номзодининг сайловларда ғолиб чиққан партия томонидан тақдим этилиши, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши, парламентга Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳукукининг берилиши ижроия ҳокимиятини жиловлаб туриш механизми вазифасини ўтамоқда.

Эътибор қилсак, Президентнинг Сенат билан ҳамкорликда амалга оширадиган ваколатлари доираси ва ҳажми янада

кенгайганини кўриш мумкин. Илгари Сенат томонидан Президент тақдимига биноан Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди раислари ва судьялари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раиси, Марказий банк бошқаруви раиси сайланган, чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларни тайинланган, Бош прокурор, Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонлар тасдиқланган, парламентнинг юқори палатаси амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ваколатига эга бўлган. Эндиликда Президент томонидан ҳал қилинадиган Ҳисоб палатаси раисини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масаласини ҳам Сенат тасдиғига киритиш таклиф этилмоқда. Бу эса Сенатнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини янада орттиради, унинг масъулиятини янада кучайтиради.

Концепцияда билдирилган таклифларнинг мамлакатимизда қарор топган давлат бошқаруви шаклига таъсирини кўриб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқ. Айримлар Ўзбекистонда Президентлик республикаси шаклланган деб ҳисобласа, бошқалар Концепциядан келиб чиқиб, Бош вазир номзодининг парламент сайловларида ғолиб чиққан партиядан кўйилишини парламентар давлатга ўтиш белгиси сифатида қабул қилмоқдалар.

Агар давлат бошқаруви шакллари таҳлил қиладиган бўлсак, Президентнинг давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрни давлат бошқаруви шаклига боғлиқ эканини кўриш мумкин. Агар мамлакатда давлат бошқарувининг парламентар республика шакли ўрнатилган бўлса, у ҳолда Президент фақат давлат бошлиғи вазифасини бажаради ва у ижроия ҳокимиятига раҳбарлик қила олмайди. Парламентар бошқарув шаклининг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳукумат парламентда кўпчиликни ташкил этувчи партия депутатлари орасидан парламент томонидан шакллантирилади. Ҳукумат парламент олдида жавобгар бўлади ва у янги сайланган парламент олдида ваколатларини зиммасидан соқит қилади. Шунинг учун ҳам бошқарувнинг парламентар республика шаклида Президент давлат органлари тизимида марказий

ўринни эгалламайди. Президент, коида тариқасида, халқ томонидан сайланмай, парламент томонидан ёки парламент ташкил қиладиган махсус коллегия томонидан сайланади. Аникроғи, Президент мандатни тўғридан-тўғри халқдан олмай, парламентдан олади. Бош вазир лавозимининг мавжудлиги, парламент томонидан ҳукуматга ишончсизлик вотуми билдирилиши, Президентнинг парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқи, контрассигнация институтининг қўлланилиши кабилар ҳам парламентар давлатнинг муҳим белгиларидир.

Қоида тариқасида, парламентар давлатларда Президент конунларга вето қўйиш, референдум ўтказиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш ҳуқуқларига эга бўлмайди. Айрим парламентар давлатлар конунчилигида бундай ҳуқуқлар берилган бўлса-да, «де-факто» улардан фойдаланиб бўлмайди. Баъзи мамлакатларда эса ҳукумат таклиф киритганидагина Президент уни худди нотариус каби тасдиқлаб беришдан нарига ўтолмайди. Ҳозирда Германия, Италия, Туркия, Венгрия, Ҳиндистон ва бошқалар парламентар республика ҳисобланади.

Бошқарувнинг Президентлик республикаси шаклидаги давлатларда эса Президент давлат ва ижроия ҳокимияти бошлиғи ҳисобланади. У давлат органлари тизимида марказий ўрин эгаллайди. Бунда мамлакат аҳолиси нафақат олий қонун чиқарувчи органни, балки бир вақтнинг ўзида ижро ҳокимиятининг бошлиғи бўлган давлат раҳбари – Президентни ҳам тўғридан-тўғри сайлайди. Бунда ҳукумат Президент олдида жавобгар бўлади ва ваколатларини янги сайланган Президент олдида зиммасидан соқит қилади. Президент ҳукуматни парламентдан мустақил равишда шакллантиради.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Француз республикаси томонидан давлат олдида турган вазифаларни самарали ҳал қилишга, турли бекарорликларнинг олдини олишга қодир, айти пайтда Президентлик институтининг авторитар ҳокимиятга айланиб кетишига йўл қўймайдиган мақбул шаклни излаши оқибатида дуалистик бошқарув шакли вужудга келган. Дуалистик бошқарув шаклига асосланган давлатларда ҳукуматни шакллантиришда Президент билан

бирга парламент ҳам иштирок этади, хусусан, парламент Президент томонидан тақдим этилган вазирларнинг номзодларини тасдиқлайди. Бунда ҳукумат нафақат Президент олдида, балки парламент олдида ҳам масъул бўлади. Бундай давлатларда Президент давлат бошлиғи ҳисобланади ва одатда парламент томонидан эмас, балки сайловчилар томонидан тўғридан-тўғри сайланади. Президент ижроия ҳокимиятини бошқармайди, бироқ унинг фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатиш имконига эга бўлади. Президент ўз фаолиятини мустақил юргизади ва давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзига хос ҳакам вазифасини ўтайди. Мамлакат ҳукумати Президент ва парламентга ҳисоб беради. Франция, Перу, Шри-Ланка, Украина ва бошқаларни бундай давлатлар жумласига киритиш мумкин.

Дуалистик бошқарув шаклига эга давлатларда Президентнинг роли Президентлик республикаларидаги Президентнинг ролидан кам бўлмайди, айрим ҳолларда эса кучлироқ бўлади. Масалан, АҚШ Президентига нисбатан Франция Президентининг ҳокимияти кучлироқ ҳисобланади. Чунки дуалистик давлатларнинг Президентлари парламентар республикаларда Президентга бериладиган айрим ҳуқуқларга ҳам эга бўлади. Масалан, ҳукуматга ишончсизлик вотуми эълон қилиш ҳуқуқи парламентар давлатларга хос саналади, бунда Президентга парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқининг берилиши ҳокимият тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашга хизмат қилади. Президентлик республикаларида эса ҳукуматнинг парламент олдида сиёсий жавобгарликка эга бўлиши мазкур бошқарув шакли мантиғига тўғри келмайди. Дуалистик бошқарув шаклига эга давлатларда эса бу жиҳатларни ўзаро уйғунлаштириш мумкин.

Давлат бошқарувининг бу турли шакллари ҳам ижобий жиҳатларга, ҳам ўзига хос камчиликларга эга. Президентлик республикасининг афзаллиги Президентнинг кенг ваколатларга эга бўлиши оқибатида давлат сиёсатига белгиловчи таъсир кўрсатиши, бошқарувнинг мақсадли йўналтирилгани, давлат бошқаруви тизимининг барқарорлиги ва самарадорлигида намоён бўлади. Парламентар республикаларда эса ҳукумат

инкирозлари тез-тез юз беради. Парламентар бошқарув шаклининг асосий камчилиги шундаки, бунда ҳокимиятлар бўлиниши принципи «де-факто» амал қилмайди. Яъни, парламентда кўпчилик ўринни эгаллаган партия раҳбари ҳам қонун чиқарувчи ҳокимиятдаги кўпчиликнинг етакчиси, ҳам ижро ҳокимиятининг раҳбари сифатида фаолият юритади. Табиийки, бунда бир-бирини тийиб туриш тамойили ўз аҳамиятини йўқотади. Парламентар бошқарув шаклида парламент назоратини амалга ошириш имконияти ҳам паст бўлади. Чунки ҳукуматни парламентдаги кўпчилик шакллантиради. Албатта, у ўзини ўзи объектив назорат қилмайди.

Тарихий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, дуалистик бошқарув шакли шароитга мослашувчанлиги билан ажралиб туради ҳамда Президентлик ва парламентар республикаларга нисбатан самарали бошқарув шакли саналади. Шу боис ҳам, мамлакатимизда бошқарувнинг дуалистик шакли ўрнатилмоқда, дейишга барча асослар бор. Қуйидагиларни бунинг исботи сифатида келтириш мумкин:

– Ўзбекистон Республикасида Бош вазир лавозими мавжуд. Масалан, Америка китъасидаги Президент лавозими мавжуд бўлган 24 давлатдан 19 тасида, яъни Президентлик республикаларида Бош вазир лавозими мавжуд эмас. Аниқроғи, 19 та давлатда Президент бевосита ўзи ижро ҳокимиятини бошқаради. Мазкур китъа мамлакатларининг аксариятида вице-президент лавозими мавжуд. Европа китъасида эса 34 та Президент лавозими жорий қилинган давлат мавжуд бўлса, уларнинг барчасида алоҳида Бош вазир лавозими мавжуд (Швейцариядан ташқари);

– Ўзбекистон Конституциясининг 98-моддасига асосан Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида нафақат Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида, балки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ҳам жавобгар ҳисобланади;

– Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади. Одатда, Президентлик республикаларида ҳукумат Президент сайловидан кейин янги сайланган Президент олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади. Давлат бошқарувининг

парламентар республика шаклида эса ҳукумат янги сайланган парламент олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади. Чунки бошқарувнинг бу туридаги мамлакатларда ҳукумат парламент сайловлари натижаларига мувофиқ шакллантирилади. Сайловларда ютиб чиққан сиёсий партиянинг раҳбари ҳукумат бошлиғи этиб тайинланади ва у ҳукумат таркибини белгилайди. Президентлик республикаси шаклидаги ҳеч бир давлатда ҳукуматнинг янги сайланган парламент олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши тўғрисидаги қоида ўрнатилмаган. Чунки бошқарувнинг бу шаклига эга давлатларда ижроия ҳокимиятига раҳбарликни бевосита Президентнинг ўзи амалга оширади.

– Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди;

– Президентга парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқи берилган;

– Президентга Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилиш ҳуқуқи берилган. Бундай ваколат, асосан, Президент ижроия ҳокимияти бошлиғи бўлмаган ҳолларда, дуалистик бошқарув шакли амал қилган мамлакатларда кузатилади;

– Президент ижро этувчи ҳокимиятни бошқармаса-да, қатор ижро ҳокимияти органлари (мудофаа ва хавфсизлик, жамоат тартиби, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, ташқи ишлар ва бошқалар) фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади;

– Бош вазир Ўзбекистон Президенти топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Президент фармонлари, қарорлари ва фармо-йишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Бош вазир номзодининг парламент сайловларида энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши ҳам дуалистик бошқарув шакли фойдасига «тош босади».

Таъкидлаш жоизки, дуалистик бошқарув шаклидаги давлатларни ҳам уларда Президент ёки парламентнинг роли устунлик қилишига қараб, президентлик-парламентар, пар-

ламентар-президентлик типигаги дуалистик давлатларга ажратишади. Агар Ўзбекистон Конституцияси ва қонун ҳужжатларида Президентга берилган мақом ва ваколатлари ҳамда Президентнинг амалий ҳаётимиздаги ўрни ва ролини таҳлил қиладиган бўлсак, юртимизда президентлик-парламентар типигаги дуалистик бошқарув шакли ўрнатилган, деб хулоса қилишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиздаги либераллаштириш ва демократлаштириш жараёнлари халқимизнинг руҳияти, менталитети, тафаккур тарзи, миллий давлатчилик анъаналарини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу жараёнларда Президент давлат бошлиғи сифатида ҳокимият тармоқларининг инсон манфаатлари йўлида фаолият юртиши ҳамда жамиятдаги барқарорлик ва ислохотларнинг муваффақиятли кечиши кафили ролини бажармоқда.

ХОТИМА

Мазкур китобда келтирилган яқин ўтмиш ходисалари, уларга оид аниқ фактлар ва мулоҳазалар, мустақил диёримизда бугунги кунда кечаётган тарихий ислохотлар мазмун-моҳияти таҳлили, турли мамлакатлар олим ва мутахассислари томонидан билдирилган мантикий хулосалар асосида шохид бўляпмизки, жондан азиз Ватанимизнинг ҳар нарсадан қадрли мустақиллиги зиддиятли курашларсиз, осон қўлга киритилмагани баробарида, мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнлари ҳам жуда катта куч ва истеъдодни, доимий ижодий меҳнатни талаб қилмоқда. Қолаверса, бугунги тобора глобаллашаётган дунёнинг мафкуравий харитаси тарихда мисли кўрилмаган даражада мураккаб киефа касб этган. Гарчи XX аср иккинчи ярмида кучайган «совуқ уруш» тал-васалари ортда қолган, куруқликнинг олтидан бир қисмини эгаллаган коммунистик империя парчаланган, дунёнинг аксарият мамлакатлари миллий мустақиллигини қўлга киритган бўлса-да, XXI асрга келиб инсоният ҳаёти, унинг келажаги хавфсизроқ бўлиб қолгани йўқ. Аксинча, Ер юзининг моддий

бойликлар кўпроқ тўпланган, ер ости ва ер усти стратегик захираларга тўла ҳамда коммуникация жиҳатидан қулай ҳудудларини йирик давлатлар томонидан қайта таксимлашга бўлган (эълон қилинмаган!) уринишлар ҳали у, ҳали бу минтакаларда турли даражадаги нотинчликларни келтириб чиқармоқда. Бу жараёнда айрим мамлакатлар халқаро майдондаги устамон ҳаракатларига «давлатимизнинг миллий манфаатлари тақозоси» деган зеб беришни одатий ҳолга айлантирмоқда. Ҳолбуки, улар ҳаракат қилаётган, ҳаракат қилмоқчи бўлган ҳар қандай жойнинг ўз эгалари – миллатлар ва халқлар борлигини, уларнинг ҳам ўз фикру қароши, миллий манфаатлари мавжудлигини гўё ёдларидан чиқариб қўйишяпти.

Кейинги йилларда юз бераётган ҳодисалар бизнинг юртимизни ҳам кимлардир турли сиёсий ўйинлар, бошбошдоқликлар майдонига айлантирмоқчи бўлаётгани, шу орқали тинч ва осойишта ҳаёт кечираётган халқимиз бошига туганмас кулфатлар солишни жиддий режалаштираётганидан дарак беради. Биз бу хавф-хатарларни икки йўналишга ажратиб таҳлил этишга уриндик. Булардан бири – хорижий нодавлат, нотижорат ташкилотлари номи остида ҳаракат қилаётган, ғарбона ҳаёт ва тафаккур тарзини, «оммавий маданият»ни универсал турмуш модели сифатида дунёга ёймоқчи бўлаётган мафкуравий кучлар бўлса, иккинчиси – мукаддас ислом динининг инсонпарвар тамойилларига зид ўларок, дунёвий ҳукуматларга қарши «жиҳод» эълон қилган, бутун дунёда «халифалик тизими»ни яратиш қутқуси билан яшаётган экстремистик, террористик марказлар уринишларидир.

Ўзининг бетакрор, бой маданий мероси билан ҳақли равишда ифтихор қиладиган, дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган, Шарқ ва Ғарб халқлари ўртасидаги сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларга мустаҳкам кўприк бўлмиш Ўзбекистоннинг олиб бораётган мустақил, бировга тобе бўлмаган ички ва ташқи сиёсати бу кучларнинг ғовлаб кетиши, мафкуравий экспансия йўлига жиддий тўсиқ қўяётгани айрим доираларга маъқул бўлмаслиги ҳам табиийдир.

Шундай экан, тақдиримиз ўзгалар кўлида ўйинчок бўлишига йўл қўйишга ҳаққимиз йўқлигини, бу юртда ўзимиз хоҳлаган давлатни қуриш фақат ва фақат ўзимизнинг кўлимизда эканини чуқур англамоғимиз лозим. Биз учун эртанги келажакни хориждан келиб кимлардир қуриб бермаслиги, ҳар кунги онгли ҳаракатимиз билангина орзу-умидларимизга эришиш мумкинлигини ақлимиз ва қалбимиз билан теран идрок этмоғимиз шарт. Президентимиз ибораси билан айтганда, **«Ҳар бир авлод тарихнинг ўзига тегишли саҳифасини ўзи ёзиши керак»**.

Агар биз келажакда ҳам дунё харитасида Ўзбекистон Республикаси деган давлат мустаҳкам туришини, бу мамлакат ўз салоҳияти, обрў-эътибори билан бошқаларнинг ҳавасини келтиришини, кўп миллатли халқимиз ўртасида меҳр-мурувват, ор-номус, эътиқод, гурур туйғуларининг оҳори сақланиб қолишини истасак, айна мақсадларни ўз умрининг мазмунига айлантирган Инсон – Юртбошимиз атрофида ҳар қачонгидан кўпроқ ва кучлироқ жипслашайлик, азиз ватандошлар!

МУНДАРИЖА

Муқаддима 3

Биринчи фасл

ДАВЛАТЧИЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

Ҳокимият тақсимланиши тамойилининг амалий ифодаси.....	18
Ифтихор	25
Тикланиш ва тараққиёт йўли	45
Ватандан ўзга жаннат йўқ	52
Миллий ифтихор	62
Демократия – халқ ҳокимияти демакдир.....	74
Ўзлигингни унутма.....	97
Мустақиллик ва ижтимоий-гуманитар фанлар олдида турган долзарб масалалар.....	106

Иккинчи фасл

МУСТАҚИЛЛИК: КУРАШЛАР, ИЗТИРОБЛАР, ҚУВОНЧЛАР

Сўз боши.....	120
<i>Биринчи боб. Фронт ортидаги фронт</i>	123
Наврўз: уйдирма ва ҳақиқат	123
«Мунозара қилмоққа ҳозирман...»	135
Мустақил иқтисодиёт одимлари: ўтмиши ва бугуни.....	144
Мустақил бўлсанг – мустақил бўл! Давлат бўлсанг – давлат бўл!	152
Чин мусулмон ким?.....	163
<i>Иккинчи боб. Бўхронлар гирдобида</i>	175
Амал учун кураш васвасаси	175

Халкнинг қаддини ғурур тиклайди	196
Огоҳ бўлайлик!.....	203
Диний экстремизм ва мафкуралар кураши.....	214

Учинчи фасл

ЧИН ЎЗБЕК ИШИ

<i>Биринчи боб. Биз билган ва билмаган тарих</i>	228
Кизил аждаҳо комида ёхуд ривожланган социализм «неъматлари»	228
Чин ўзбек иши ёхуд Марказдан келган қонун посбонларининг кирдикорлари ҳақида.....	247
Марказнинг ғирром ўйинлари ёхуд Ўзбекистонда қурилган бўрилар уясининг яқсон қилиниши ҳақида.....	264
<i>Иккинчи боб. Ҳуқуқий қуролу ишончли қалқон</i>	287
Демократиянинг ёрқин ифодаси.....	287
Эркинликнинг ғалабасини муҳрлаган қонун	297
Конституциявийлик тамойиллари ва кафолатлари.....	305
<i>Учинчи боб. Миллат дардида ёниш</i>	315
Эхтиросларга ишонма, фикрла!.....	315
Ўзбекистон 2002 йилда: жаҳон эътирофи, эътибори, эхтироми	331
«Одамий эрсанг...»	345

Тўртинчи фасл

МАФКУРА ПОЛИГОНЛАРИДАГИ ОЛИШУВ

Кириш. Ғояга қарши ғоя: кураш давом этади	354
<i>I бўлим. Сиёсат саҳнасининг сирлари</i>	363
Суверенитетга суиқасд	363
Глобаллашув тузоғи.....	370
Ҳаммабоп ёхуд тақлидона демократия	375
«Жаҳонда бир шарпа изғиб юрибди...».....	381
Маданий гегемония.....	387
Онгни бошқариш технологиялари	390
Текин томоша	397
<i>II бўлим. Даъват ортидаги даъволар</i>	400
<i>III бўлим. Ўзликни англаш</i>	415
Миллат руҳига садоқат.....	415

Ўзбеклигимизча қолайлик.....	430
«Ўзбегим давлатин курсак майлими...».....	438
Вурурнинг-ку чегараси йўк, андишанинг-чи?.....	451
Виждон эркинлиги ва эркинлик виждони.....	467

Бешинчи фасл

НУРЛИ КЕЛАЖАК КОНЦЕПЦИЯСИ

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ҳамда модернизациялашнинг конституциявий асослари.....	480
Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида Президентлик институтининг ўрни ва роли.....	488

Оммавий-сиёсий нашр

Алишер АЗИЗХЎЖАЕВ

ЧИН ЎЗБЕК ИШИ

Муҳаррир	<i>А. Саъдуллаев</i>
Бадий муҳаррир	<i>К. Закирова</i>
Техник муҳаррир	<i>Д. Габдрахманова</i>
Мусаххихлар:	<i>С. Салохутдинова, Н. Абдурахмонова, Ш. Орипова</i>
Компьютерда тайёрловчи	<i>К. Голдобина</i>

Нашриёт лицензияси АІ № 158. 14.08.09.

Босишга рухсат этилди 11.07.2011. Бичими 84×108^{1/32}.

Офсет қоғози. «Times» гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли босма табағи 26,88. Нашр табағи 26,63.

Нусхаси 5000. Буюртма № 11-180.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: iptduzbekistan@mail.ru

www.iptd-uzbekistan.uz

Азизхўжаев, Алишер.

**А37 Чин ўзбек иши / А. Азизхўжаев. – Т.: «O‘zbekiston»,
2011. – 512 б.**

ISBN 978-9943-01-712-2

**УДК: 177.75
ББК 66.3(5Ў)**